ISSN 0131 – 1832

R-440

Sharq yulduzi

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN`ATSHUNOSLIK

ADABIY-BADIIY • SH YU • IJTIMOIY-SIYOSIY JURNAL
SHARQ YULDUZI

2

5 / 2014

Ажиниёз
1824 - 1878

Ёлғон сўзни ишонтириб айтмаган,
Тўғри йўлдан бош кетса ҳам қайтмаган,
Номаҳрамни сира йўлдош тутмаган,
Номи қорақалпоқ элларим бордир.

R 440

J Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али — Абдулла Орипов
Эркин Воҳидов — Умарали Норматов
Кенгесбой Каримов — Хайриддин Султонов
Наим Каримов — Сирожиддин Саййид
Тўра Мирзаев — Тўра Саидов
Иқбол Мирзо — Энахон Сиддиқова
Минҳожиддин Мирзо — Йўлдош Солижонов
Абдувоҳоб Нурматов — Шуҳрат Маткаримов
Баҳамдулло Нурабуллаев — Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод
Масъул котиб — Саъдулло Қуронов
Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова
Адабиётшунослик бўлими мудири — Раъно Ҳакимжонова

5
2014

Э 2

УШБУ СОНДА:

Жуманазар БЕКНАЗАР

НАСР

ҚАШҚА ЙЎРҒА

Қисса

Қашқа йўрғанинг энди минги бўлган тойи тез ва текис йўрға чиқарганини кўриб кўнгли тоғдай кўтарилди. “Дилларга нур бериб тобора юксалаётган келажаги порлоқ замонда яшаймиз, ҳали зафарлар қучамиз” деб ўйлади.

Ҳадемай тўлин ой чиқади, тонгда эса албатта қуёш чарақлайди.

НАЗМ

Сирожиддин РАУФ

ИФОРЛАР ТАРАТАР ТОНГГИ НАЙСОНЛАР

Мен ҳеч қачон юрмасман ўксиб,
Шукроналик – мен севган усул.
Соғинчларим арчадек ўсиб,
Яшилланиб бораман буткул.

Альфред КУРЕЛЛА

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ДУНЁ БЎЙЛАБ

БУЮК ШОИРНИНГ ҚАЙТА КАШФ ЭТИЛИШИ

Бугун Алишер Навоий шахсида форс адабиётининг “Буюк еттилиги”дан ортда қолган шоир эмас, балки шахсияти ва ижоди жиҳатидан улардан ҳам ўзиб кетган бир даҳо кўз олдимизда намоён бўлади. Қаранг, бир шахснинг ўзида, Уйғониш даврининг ҳақиқий сиймоси, давлат арбоби, файласуф, шоир, мусиқашунос, рассом, меъмор мужассам.

“МУАЛЛИФ ЎЛИМИ” ГА СИЗ ҲАМ ОВОЗ БЕРАСИЗМИ?

Иброҳим ҒАФУРОВ

АНЪАНА ВА АСЛЛИК

Адабий ижодда, санъатда тақлид, таъсирланиш, эргашиш, фойдаланиш, ўзлаштириш, издошлик, анъанавийликнинг мазмун-моҳияти, вазифаси бир хил. Булар фақат асллик йўлида биринчи қадамларни қўйиш, овозни очиб олиш, йўл танлашда ярайди. Одамзод борки, ўз кору борини ўрнак, андоза асосига қуради. Яшашнинг яроқли маромлари андозаларни саралаш билан тузилади. Инсоният жони оғриганда “оҳ!” деди. Кўкси ташналикдан қуриганда “ув!” деди. Шу оҳувлардан, тақлидлардан инсоният тили пайдо бўлди.

Фармон ТОШЕВ

БУ БЎСТОН САҲНИДА

СИНОВ БИРЛА СИНОАТДУР

Рост демакка аҳд қилиб эрдим, вале,
Излама ташбеҳ гўзал, аҳдимни ёз.

Ҳур Ватан оғушида толе насиб,
Беназир, бекам, тугал бахтимни ёз.

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Юлдузой ЎРМОНОВА

МАНЗИЛГА... КУВОНЧ ЭЛТАДИ

Соғинч дарди бағримни тилса,
Азоб ўтин совутар Тошкент.
Кетаман деб хархаша қилса,
Юрагимни овутар Тошкент.

МУНДАРИЖА

ПУБЛИЦИСТИКА

Ойбарчин Абдулҳакимова. Миллий маънавият кўзгуси. 5

НАСР

Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман-эссе. Охири. 8
Жуманазар Бекназар. Қашқа йўрға. Қисса 30
Адҳамбек Алимбеков. Садоқат ҳақида қисса. 30
Салим Абдураҳмон. Дуранннинг қудуғи. Ҳикоя. 53
Отаули. Афанди яшасин! Романдан боблар. 66
Баҳор. Шамол ҳикмати. Ҳикоя.....125

НАЗМ

Гулчеҳра Жўраева. Сени севдим, Ватан, камолим билан. Шеърлар.48
Ўткир Раҳмат. Умрнинг йўллари. Шеърлар. 50
Икром Отамурод. Дог. Достон. 57
Сирожиддин Рауф. Ифорлар таратар тонгти найсонлар. Шеърлар. 77
Мунаввара. Хаёлдадир менинг билганим. Шеърлар. 79
Жаҳонгир Исмоилов. Мавжуддир ўртада
ўзгармас чизиқ. Шеърлар. 102
Болтабой Бекматов. Шаффоф тўлқинлар. Туркум. 104
Ҳилола Исматова. Умидим дийдор. Шеърлар. 121
Умид Али. Эркалайди юракни ҳислар. 123

ЁДДА ҚОЛГАН СИЙМОЛАР

Латифжон Мансуров. Кавардон мафтуни. 81

БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Ажиниёз. Суқсурлар учар кўлларда. 88

БАРҲАЁТ МЕРОС

Гегель. Эстетика. Давоми. 90

БАҲС

"Муаллиф ўлими"га сиз ҳам овоз берасизми? Иброҳим Ғафуров, Йўлдош Солижонов, Қурдош Қаҳрамонов.. 106

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАҲЛИЛ КЎЗГУСИДА

Эркин Мусурмонов. Эртак ва ҳақиқат қоришган адабиёт. 129

МУАЗЗАМ ШАРҚ ХАЗИНАСИДАН

Имом Ғаззолий. Кимиёи саодат туркий. Учинчи рукн.....134

МУШОИРА

Бинафша рангига чўмилар олам. Шеърлар.....147

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Зилола Шукурова. "Қиссаси Рабғузий" асарида қуртқа образи. 158
Дилнавоз Юсупова. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад
Бобур: ариз баҳрига муносабат.. 154

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ДУНЁ БЎЙЛАБ

Альфред Курелла. Буюк шоирнинг қайта кашф этилиши. 162

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Юлдузой Ўрмонова. Манзилга қувонч элтади. Шеърлар. 170

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Фармон Тошев. Синов бирла синоатдур. Ғазаллар 174

ИФТИХОР

Умарали Норматов. Заҳматкаш олимнинг шарафли йўли. 175

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Ҳабибулло Саид Ғани. Кечанинг кўзида сурмаранг соғинч. 181

САНЪАТШУНОСЛИК

Дилмурод Исломов. Мозийдан садо. 183

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Ҳамза Имонбердиев. Одоб – яхши бола иши. 189

ТАФАККУР МИНТАҚАЛАРИ

Артур Шопенгауэр. Ҳаёт сабоқлари.....191

ГУЛҚАЙЧИ

Нарзулло Ботиров. Бир чўмич қимиз. Ҳажвия. 204

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2014
5-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Обунага монелик кўрсатилса, Тошкент – 100000, "Амир Темур" тор кўчаси, 2. Республика "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.
Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100127, Тошкент шаҳри, "Ўзбекистон" кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди 12.06.2013 йил.
Қоғоз бичими 70x108 $^{1}/_{16}$.
Офсет босма усулида тип.
№ 1-қоғозга босилди.
Босма тобоғи 11.
Шартли босма тобоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 17,2.
Адади 2475 нусха.
Буюртма № 214-14

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0562–рақам билан рўйхатга олинган.
Ўқитувчи НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

Журнал икки ойда бир марта чоп этилади.

Мусаҳҳиҳ:
Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ҳуршид Иброҳимов

Copyright © "Шарқ юлдузи"

ПУБЛИЦИСТИКА

Ойбарчин АБДУЛҲАКИМОВА

1993 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети талабаси. Мақолалари халқаро ва республика илмий конференциялар тўпламларида, "Тафаккур", "Жаҳон адабиёти" журналларида ва республикамизнинг бошқа нашрларида чоп этилган.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Адабиёт – миллий маънавиятнинг даражасини кўрсатувчи ўзига хос мезон. Чунки унда миллатнинг сўнмас руҳи, умрбоқий қадриятлари гўзал бадиий шаклда акс этади. Одамлар қалбида юксак маънавият, ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари, биринчи навбатда, адабиёт воситасида шаклланади. Шунинг учун ҳам муҳтарам Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий адабиётимиз ривожига алоҳида эътибор кўрсатиб келади. Президент И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридаги адабиётга оид қарашлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Асардаги адабиётга оид қарашларни қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1. Халқ оғзаки ижодига доир фикрлар.
2. Алишер Навоий ва миллий маънавият.
3. Миллий уйғониш даври ўзбек адиблари қарашларига муносабат.
4. Замонавий адабиёт ва ёш ижодкорлар тарбияси.
5. Маънавий жасорат соҳиби бўлган ижодкорларга берилган юксак баҳо.

Асарнинг "Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир" деб номланган биринчи бобида "...халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш "Алпомиш" достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғи" эканига урғу берилади.

Муаллиф достоннинг бугунги кундаги аҳамиятига алоҳида тўхталади. Бу, биринчи навбатда, достонда эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топганида намоён бўлади. Зеро, биз ёшлар достонни ўқир эканмиз, ундан ватанпарварлик сабоғини оламиз. Одил ва ҳақгўй бўлишни ўрганамиз. Қалбимизда ўз юртимиз, оиламиз қўрғонини ёт назарлардан асраш туйғуси шаклланади. Ор-номусни ҳар нарсадан баланд билган улуғ сиймолар авлоди эканимизни ҳис этамиз. Иккинчидан, "Алпомиш"дек халқ маънавиятининг кўзгуси бўлган достонга миллатчилик руҳидаги асар тамғаси босилганини ўқиб, шўролар сиёсатининг нақадар инсонийликка зид бўлганини англаймиз. Уни сақлаб қолиш учун

жонларини хатарга қўйган жасур зиёлиларимиздан ифтихор қиламиз.

Достондаги ўқ-ёй рамзи мисолида Юртбошимиз билдирган фикрлар "Алпомиш" ҳақидаги тасаввуримизни, айниқса, тиниқлаштиради. Ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир рамз ва тимсол замирида олам-олам маъно борлигини англаймиз: "Ота-боболаримизнинг қадимий тасаввурига кўра, ўқ-ёй – ҳокимият нишони ҳисобланган. Алпомиш етти ёшида ўн тўрт ботмон биринчидан – бронзадан ясалган ёйдан ўқ отиб, "алп" деган унвонга эга бўлади. Алп дегани – ҳокимият эгаси эканини инобатга олсак, бу достон кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси эканига ҳам ишонч ҳосил қиламиз".

Бу фикрлар достонни қайта-қайта ўқиб, уни қалбимизга, шууримизга жо этишимиз зарурлигини кўрсатади. Ундан ибратланиш кўнгилларда халқимизнинг асл қадриятларига юксак эҳтиром ҳиссини уйғотади, кимларнинг авлоди эканимиз ҳақидаги тасаввурларимизни янада ойдинлаштиради.

Китобда миллий адабиётимизнинг буюк намояндаси ҳазрат Алишер Навоий асарларининг ўзбек халқи маънавий дунёсини бойитишга бўлган кучли ва самарали таъсири масаласига ҳам алоҳида тўхталинган. Президентимиз буюк мутафаккир фаолиятига мана бу тарзда юксак баҳо беради: "Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир" .

Давлатимиз раҳбари ҳазрат Алишер Навоий ижодининг замонамиз учун аҳамиятига алоҳида диққат қаратган. Бу, биринчидан, инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилиши ҳақидаги фикр. Иккинчидан, она тилига муҳаббат, унинг ифода имконияти нечоғлик кенглиги, дунёдаги энг бой тиллардан экани ҳақидаги туйғу онгу шууримиз, юрагимизга Навоий асарлари билан кириб келиши. Учинчидан, буюк мутафаккир асарларининг миллий маънавиятимизни юксалтиришда, ёшларимизда комил инсонга хос фазилатларни шакллантиришда қудратли маърифий қурол экани. Бу борада асарда билдирилган фикрлар Алишер Навоийнинг буюк шахси ва бебаҳо адабий меросига оид билимларимизни бойитиши баробарида, улуғ шоир асарларини янада чуқурроқ ўрганишимиз зарурлигини англатиши жиҳатидан ҳам катта аҳамиятга эга.

Асарда миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг ёрқин сиймолари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввархўри, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпоннинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишларига юксак баҳо берилган.

Абдулла Авлонийнинг: "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир", деган фикрини келтирар экан, Юртбошимиз: "Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади", деган хулосага келади.

Умумбашарий тараққиёт ютуқларини ҳар томонлама чуқур ва пухта эгаллаш зарурати ҳақида ёзар экан, Президентимиз яна бир буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг: "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур", деган таъсирчан фикрини келтиради. Бу ўткир фикрлар билан танишар эканмиз, ўз соҳамиз бўйича дунё олимлари эришган энг сўнгги ютуқлардан ҳам хабардор бўлишимиз зарурлиги ҳақидаги хулосага келамиз. Шундагина муҳтарам Юртбошимиз биз ёшлардан нималарни кутаётганини яққолроқ ҳис этамиз, тараққиётнинг бугунги шиддатидан ортда қолмай, у билан ҳамқадам юришимиз мумкин бўлади.

Китобнинг "Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори" деб номланган тўртинчи бобида замонавий адабиёт ва ёш ижодкорлар тарбияси масаласи алоҳида таҳлил этилган. Адабиётнинг "инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган қудратли восита" эканига урғу берган Президентимиз бугунги кунда бадиий ижод соҳасида эришилган энг асосий ютуқларга эътибор қаратади. Шунинг баробарида, сўз аҳли олдида турган долзарб вазифаларни кўрсатиб ўтади. Булар қуйидагилардир:

– бугунги авлодларнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, замондошларимизнинг маънавий-руҳий дунёси, ёшларнинг пок орзу-интилиши ўзининг теран бадиий ифодасини топган янги асарлар ижод қилиш;

– миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини чет тилларга таржима қилиш ва шу асосда халқимизнинг ҳаёт тарзи ва инсоний фазилатларини кенг намойиш этиш борасида кўзга кўринадиган амалий натижаларга эришиш;

– адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан Ғарб ва Шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтириш. Чет эллик моҳир таржимонлар билан бирга мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган истеъдодли ёшларни мана шу машаққатли, айни пайтда, олижаноб ишга жалб этиш.

Президентимизнинг мана бу фикрлари, айниқса, диққатга сазовордир: "Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввалambor, буюк ёзувчиларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак".

Юртбошимиз маънавий жасоратни энг буюк жасорат сифатида таърифлайди. Асарда замонавий адабиётимизнинг икки улуғ сиймоси – атоқли шоира Зулфия ва устоз олим, улкан жамоат арбоби Озод Шарафиддинов ана шундай жасорат соҳиблари сифатида эътироф этилгани биз филолог ёшларни, айниқса, руҳлантиради.

Президентимиз Зулфияни нафақат шеърлари, бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган фидойи инсон сифатида тавсиф этади: "Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари, – дея таъкидланади асарда, – Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолининг ёркин ифодаси сифатида миллионлаб шеърият мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболаға бўлмайди". Китобда шоиранинг айрилиқ ва ҳижрон азобини, ғам-андуҳ ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айлангани айтилади.

Атоқли олим Озод Шарафиддинов ҳақидаги фикрлар Юртбошимизнинг бу улуғ устоз тимсолида адабиётшунослигимизга кўрсатган юксак эътибори намунасидир. Қанд касаллиги боис оёғидан ажраган бўлишига қарамай, олимнинг "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири сифатида ўз бурчига, эътиқодига содиқ қолиб, лупа ёрдамида журнал материалларини таҳрир қилиб бориши билан бирга, қирқдан ортиқ йирик роман ва қиссаларни ўзбек тилига таржима қилгани, ўнга яқин салмоқли китоблар ёзгани ҳайратга лойиқ экани эътироф этилади. Маънавий жасорат тимсоли сифатида одамларга намуна бўла олиши таъкидланади.

Муҳтарам Юртбошимиз адабиётга бўлган эътиборни маънавиятга, келажакка бўлган эътибор сифатида баҳоладилар. "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарини шу нуқтаи назардан қайта-қайта мутолаа қилиш, асардаги замонлар ўтса-да эскирмайдиган ғоялар мағзини чақиш, адабий жараённи юксалтиришда ундан фойдаланиш ҳаётий заруратдир. Зеро, асардаги адабиётга оид қарашлар, биринчидан, миллий адабиётимизга кўрсатилган юксак эътибор намунаси бўлса, иккинчидан, ёш авлод орасидан етук шоиру адиблар, адабиётшунослару таржимонлар етишиб чиқиши учун, адабиётимизнинг янги асрдаги ривожи учун дастуриламал вазифасини ўтайди.



НАСР

Алишер МИРЗО

Ўзбекистон халқ рассоми. 1948 йилда туғилган. Беньков номидаги Рассомлик билим юртини, кейинчалик Суриков номидаги Москва Давлат бадиий институтини тамомлаган. Хорижий мамлакатларда бир нечта шахсий кўргазмалари ташкил этилган, тасвирий санъат муаммоларига бағишланган қатор халқаро анжуманлар иштирокчиси.

КАЛЛАХОНАЛИК ЙИГИТЧА

Роман-эссе*

IV

Менимча, суратқаш Яша амакининг касби коридан зўри йўқ дунёда. Ҳеч ким сени тергамайди, мушугингни пишт демайди, нима қилаяпсан демайди. Кунига қанча ақча тўплаяпсану уларни қай гўрга гумдон қиляпсан деб сўрайдиган, тергайдиган банда йўқ. Чунки ижодкорсан. Суратга оласану хизмат ҳақини чўнтакка урасан.

Яша амаки суратга тушмоқчи бўлганнинг барчасига ҳай-ҳайига қарамай алмисоқдан қолган, ёқаси ялтираб кетган эски костюмни кийгазиб, бўйнига бўйинбоғ боғлайди, сўнг суратга туширади.

Суратқаш суратни қоғозга тушириш чоғида қўли қичиб бироз "ретуш" ҳам қилади, натижада расмдаги одамни ҳатто садоқатли ити ҳам танимай қолади.

Мижозларнинг баъзилари суратни кўтариб қайтиб келишади. "Суратни кўриб онам танимади, хотин танимади" деганлар қанча.

Бу айбловларга Яша амаки хотиржам қарайди, исёнкор мижозларни маданиятсизликда, санъатни тушунмасликда айблайди, лекин "асарни" қаҳрамоннинг қўлтиғига барибир қистириб юборади.

Дўконнинг ташқи томони кўргазма залини эслатади. Катта ойнак ортида Яша амакининг ижод намуналари терилган. Кимнинг сурати йўқ денг, бу ерда?

Айниқса, болакайларнинг сурати кўп. Барча суратга тушган болакайларнинг қўрққанидан кўзи қинидан чиқиб кетгудек. Гўё суратга олинаётган пайтда қўрқинчли махлуқни кўрсатиб уларни атайин қўрқитишгандек. Мўъжазгина креслочада ўтиришган бўлишса ҳам, тувакда ўлтириб муҳим иш билан банддек безовта, кўзлари ола-кула. Фото аппаратидан чиқадиган ёрқин нур болакайларни бу аҳволга солса кераг-ов.

* Охири. Бошланиши ўтган сонда.

Кўргазмада қизларнинг севимли аскар йигитга аталган суратлари алоҳида жойлашган. Қизлар суратга киприкларини пирпиратиб, маъноли хаёл суриб тушишган. Бу суратларда менга ёққани қизларнинг орқа фонидаги Африка ўрмонзорлари манзараси. Қизлар эса бамисли жаннат ҳурлари.

Яна бир туркум асарлар бор, бунда Яша амакининг ожиз томони кўриниб қолган. Бу икки кишилик суратлар. Сураткаш қаҳрамонларининг бўйинларини бир-бири томонга эгиб суратга олган. Қизиғи – эр хотин томонга, хотин эса эр томонга бошини беўхшов қийшайтирган.

Фотохонанинг тўридаги деворни катта расм тўлдирган. Ул сурат билан қизиқдим, орқасига ўтиб қарадим. Сурат бир-бирига тикилган тўртта чойшабларга чизилган бўлиб, унда бир сўз билан айтсам, рассом қўли билан "жаннат" яратилган.

Осмону фалакка туташган қорли тоғлар. Олд томонда катта бургут қанотларини ёйиб қоятошга қўниб турибди. Асарнинг марказий қисмида бошсиз чавандознинг от устидаги қомати чизилган.

Олдинги оёқларини баралла кўтарган ола-була рангли от Роза Ҳафизовна айтмоқчи, "живой" чиққан. Чавандознинг кийим-боши, буюмлари, бошидаги папоғи жойида, буркаси шамолда ҳилпираб турибди, белида ханжари ҳам бор. Кийими ҳам бинойи – кавказликларникидай, кўкрак қисмида ўқ соладиган бир қатор патронташлари чавандознинг виқорига виқор қўшиб турибди. Биргина чавандознинг рухсори кўринмайди. Бош ўрнида лаган шаклидаги бўм-бўш тешик.

Илгари буни тушунмас эдим. Мижозлардан бири сурат ортига ўтиб, курсичага чиқиб, илжайган бетини ўша тешикдан намоён қилгандан кейин тушундим.

Менга ёқадиган бул сурат Яша амакининг "касса плани"ни тўлдирадиган ажойиб-ғаройиб сурат экан.

Битта сурат бир корхонанинг даромадига шунча ёрдам берар эканми, ўша гап-ўша гап, рассом бўлганим бўлсин.

* * *

Бозорнинг марказида ҳўл мева расталари жойлашган. Растанинг пештоқида "қўли олтин" деҳқон бува ўзи етиштирган ширин-шакар мевалар қуршовида илжайиб, бахтли қиёфада чизилган сурат орқали менга боқадилар.

Каминанинг бу ерга қизиқиши ижод билан боғлиқ. Бир ижодки, ранглар, шакллар ўйинидан кўз қувнайди. Ижод ҳақида гап кетаяпти, англаяпсизларми, азизлар?

Ҳўл мевалардан натюрморт чизиб тураман. Мевалар шу қадар чиройлики, таърифлашга тил ожизлик қилади. Бу шакл-шамойиллар, бу ранглар, бу товланишлар, бу тусланишлар... Йўқ, уларни ҳеч ким, мана-ман деган сўз устаси ҳам тугал таърифлай олмайди, уларни фақат ва фақат чизиш, тасвирлаш мумкин!

Онажоним уйдаги бор мевалардан натюрморт ясашга рухсат бермайди. "Ана бор, ошхонадан жўваними, элакними чиз!" дейди. Ҳа, катта санъат йўлида бир товоқча ҳўл мева қурбон бўлса бўларди-да! Қайсидир доно айтган экан-ку: "Искусство требует жертв"[1] деб.

На қилай? Кўргилик экан, косов, рапида, ҳовончани чизавериб чарчадим. Буларнинг барчаси кулранг, қора-да. Рангсиз, туссиз буюмни кўргани кўзим йўқ.

Кангулнинг ёрқин рангли буюмларни чизишга иштиёқи баланд. Ҳўл мева чизишнинг ўз гашти бор. Мен тахмонимиздан ечиб олинган палакни ёйиб устига меваларни бирма-бир териб чиқиб, сўнг чизаман.

Меваларни ўхшатиб чизиш мушкул иш, масалан, оддий олхўрини чизиб кўринг-чи? Кўринишдан оддий мева, икки жуфтлашган палладан иборат. Шаклини бир амаллаб чизарсиз-а, рангини, бир оз хира чангини қандай ўхшатиб чизмоқ керак?

Тасвирлаш мураккаб бўлган мевалардан яна бири – анор. Айниқса, Қуванинг катта анори. Шакли юмалоқ кўрингани билан шакли ғубба-ғубба, миён қовурғалари бўртиб чиққан. Агар тилимлаб қўйилса, чизиш янада мураккаб. Сон мингта уруғ-донасини ўхшатасизми, бўлим оралаб тортилган нозик пардасини ўхшатасизми ёки карнайнинг калласига ўхшайдиган тожини ўхшатасизми?

Шул неъматни кўп санъаткорлар ўз ижодларида тасвирлашган. Анорни куйлашда шоирларга етадигани йўқ, чамамда.

[1] Санъат қурбонлик талаб қилади.

Ўзбек тили ўқитувчимиз Карим Ёвқочевич бизга дарс бера туриб тез-тез қайтариб турадиган аноним, синоним, антоним деган номаълум сўзлардан ташқари ўзлари яхши кўрган ғазаллардан ёддан ўқийди. Устоз ана ўша анор ҳақида ўқийди, шеър ўзиникидек, шоирни тилга олмасдан ифодали этиб ўқийди.

Кейинчалик, ақлим кириб, билиб олдим, бу сатрларни Увайсий ёзган экан:

Ул на гумбаздур: эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгун пуш қизлар анда айлабдур макон.
Синдуруб гумбазни, қизлар ҳолидин олсам хабар.
Юзларида парда тортиғлиқ турарлар – бағри қон.

Ўша пайтда шеърнинг мағзини чақа олмаган бўлсам ҳам ёқтиргандим, ёқимли, ўқишлик шеър эди. Бола бўлсам ҳам, анор ҳақидалигини фаҳмлаганман.

Юқорида айтган сўзим бор: рус адабиётини ўқиб туширib бўлиб, ўзбек замонавий адабиёти мутолаасига киришдим. Сўнг ўзбек адибларининг қадим асарларини қаерлардандир кавлаштириб топиб, ўқидим.

Шу аснода Ғафур Ғулом асарларини ҳам тинч қўймадим. Урушдан олдин ёзилган "Нетай" қиссаси менга бироз хуш ёқди. Асар қаҳрамонларини ўзимизни каллахоналикларга, тасвирланган жойларни Каллахонага ўхшатдим.

* * *

Хуллас, уни-буни қўйинг, натюртморт чизиш мақсадида ҳўл мева расталарини айлана бошлайман.

Аввалам бор расталарнинг ортида туриб молини мақтайдиганлар деҳқонми, олиб-сотарми, фарқига бормоқ керак. Бир кўринишда деҳқонбувани эслатадиган кимса ё ўзимизнинг Каллахона ёнинки Ишқивотли маҳалладош бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас, гарчи пешонасини қийиқча билан ўраб олган ёнинки додасининг эски лахтак қўйлагини илиб олган бўлса ҳам. Сотаётган мевасининг нархи ўзига яраша осмонда. Олд расталар шуларники. Даладан молини олиб келган меҳнаткаш деҳқон камбағал қариндошдек расталарнинг пойида жойлашган.

Бу дасти дароз "савдогарларнинг" орасида битта-яримта шаллақи бетгачопар опалар ҳам учрайди. Биринчи қарашда туппа-тузук опачалар, ораста кўйлаклар кийилган, етилган юзлари, ёноқлари осилган, чаккаларидаги гажаклари нақшинкор қайрилган, бўялган лола лаблар орасида бир қатор тилла тишлар ялтирайди, қошларга ўсма жонивор сиқиб бир энлик қилиб суртилган.

Бозор ҳаётидан нариоқ юрган зиёли олимми, таъби нозик таъсирчан шоирми, бу опалар рухсорини бир кўришда суст кетиши аниқ. Бу опаларнинг эрларига ҳаваслари келиб бироз ҳушларини йўқотишади, бозорни эътиборсиз айланиб, яна ўша опачалар олдидан чиқиб қолишади.

Фақат энди паривашларнинг рухсорлари ўзгарган бўлади. Бунга сабаб – аларнинг чакаклари очилиб бироңта хуш келмаган харидорни боди бориб, шоди келиб қарғаётган бўладилар. Оғиздан чиқиб келаётган сўзлар мазмуни ҳечам опаларнинг чеҳрасига мос эмас. Таъби нозик акаларимизнинг наздида ярим соат олдин ушбу парилар бозорда эмас, саройларда болишларга суяниб истиқомат қилишга лойиқ эдилар. Афсус, тескариси бўлиб чиқди. Охири содда акалар қулоқларини беркитиб, жуфтакни ростлашади. Ҳа, бозор-да, бозор!

Ҳақиқий деҳқон бошқача бўлади. Қоп-қоп молини ўз гарданида у ердан-бу ерга ташийвериб қора чопонининг яғири чиққан. Очиқ ҳавода бир неча ҳафталаб ўтиравергани дан юзи қорайиб кетган, уйини, хотин, бола-чақасини соғинган, кўзлари киртайган, чарчаган. Шаҳарликлар билан савдолашаверишга жон-ҳоли йўқ бояқишнинг.

Асл деҳқонни яна аниқлаб олиш усули бор. Барча деҳқон қопини қўлтиқлаб олиб хиргойи айлайди. Бунга соғинч мажбур айлайди, соғинч. Хиргойи қилганда ҳам фарғоначасига хиргойи қилади. "Кўкарди чаман, гулзорим қани"дан бошлаб, "ҳар гўшада йиғлайман" билан тугатади. Баъзилари "фиғонким гардиши даврон, айирди шаҳсуворимдан..." ёки "...шул эрур айбим Муқимий, мардуми Фарғонаман"ни бўзлаб қолишади. Юракдан чиқазиб хиргойи қилади бобо деҳқон. Тинглаган одамни юраги эзилади. Менга хуш ёқади. Сел бўлиб тинглайман.

* * *

Роза Ҳафизовна Сафинанинг нурли сўзлари ёдимга тушди. Кўнгил Бешёғочдаги Беньков номидаги республика рассомлик билим юртига чорлади. Рассом бўлгим, табиатнинг турфа манзараларини чизгим келди. Ёмғирни, шамолни чизгим келди, чақмоқ чақишини чизгим келди.

Ҳашарма-ҳашар юриш, қушхонада ҳайвонот оламини ўрганиш, бозорга тушиб нон, кабоб, қора мурч сотишларни йиғиштирдим.

Онамнинг дуоларини олиб, катта ниятлар билан имтиҳонга тайёрлана бошладим. Томга чиқиб қизариб ботаётган қуёшнинг суратини чиздим. Ошхонага кириб кашкул, самовар, сават, сабзи тахта, чойнак, пиёлани олиб натюрморт чиздим, бозоримизга тушиб, қанор устида ясланиб ётган деҳқонларни, зелдер сув сотаётган Света холанинг суратини чиздим.

Имтиҳон арафаси онам "Қумлоққа бор, Зулайҳо холангнинг ўғли Зариф аканга учраш, ёрдам беради" деди. Бордим. "Имтиҳон топширавер, бу ёғи бир гап бўлар" деди акам. Бу ёғи қандай бўларкин, дея Чувалачи орқали судралиб Каллахонага қайтдим.

Зариф ака катта ишда ишлайди, нима деса ҳам билиб гапирган, чоғи. Катталар кўп гапиргайдилар, оҳиста, вазмин, лўнда сўйлайдилар. Акамиз шунақалардан. Аларнинг сўзидан: "Нима қиласан тўйдан олдин ноғора қоқиб" деган маъно англадим.

Имтиҳон куни етиб келди. Онам қўлимга чақа бериб, "Троллейбусга ишлат, осилиб кандўхтир ва шопирни норози қилма. Йўқса, имтиҳондан йиқиласан" деди.

Бозор оралаб Эски Жўвага чиқдим. Троллейбусга ўлтириб чипта олдим. Онамни алдамадим. Эски Жўва хиёбонининг ўртасида баланд супанинг устида кузатиб турган бронза ҳайкал бунга "жонли" гувоҳ.

* * *

Биринчи синов – натюрморт чизишдан бўлди. Стол устида яна ўша гипсдан ясалган катта тухум, танасига пахта урилган ўрдакнинг жуссаси, икки парча кир латта ва биттагина ясама олма. Расм синовлари – натюрморт ва портрет. Композиция эса "Биз коммунизм қурамиз!" мавзуида. Барчасидан аъло ва яхши баҳолар билан қоқилмай, йиқилмай, сурилмай ўтдим.

Мутахассислик имтиҳонлари беш кун давом этди. Иккинчи кундан бошлаб "тарки одат – амри маҳол" деганларидек, яна троллейбусга осилиб юравердим.

Сабаби, Худонинг берган куни саккиз соатлаб синовда қолиб кетамиз. Ҳар қандай расм синовига чидайман, аммо очлик синовига чидолмайман.

Натюрмортдаги ўрдак кўзимга иккита-учта бўлиб кўрина бошлади, бошим айланди. Шахдим пасайди, ғайратим сўнди. Йўлкирага берилган йигирма тийин пулимга Бешёғочга чиқиб, Натан амакидан тўрт дона перашка харид қилдим. Тўрт тийин қайтимига эса Бешёғоч бозоридаги чойхонага кириб бир чойнак хашак чой олиб маза қилиб ичдим. Бироз олдин кўзимга учиб кетаётгандек кўринган ўрдак стол устига қўнди, кайфиятим чоғ, "ижод"га киришиб кетдим.

Вой-во-ей! Бекорга онам сўзларига кирмабман. "Онажонингга ёлғон гапирма", "онажонинг рози қил" деган доно сўзлар йўқ эмасми, "йиқилиш" аламини гарданимда сездим. Сочи оқ, озғиндан келган думалоқ кўзойнакли домла: "Диктантдан баҳоинг икки!" деди қўйди хотиржамгина. Назаримда осмон узилиб ерга тушди. Муҳаббат қурган иморат вайрона бўлди, тўзони тутди осмонни.

"Муваффақиятимдан" онамга гап очишдан, йигит киши эмасманми, уялдим, ор қилдим.

Нима қилмоқ керак? Чувалачидаги акамнинг олдига борай десам, яна "бир гап бўлар" деса нима қиламан, дея Мироободдаги Қорабой тоғамнинг ўғли бўлмиш Абдурасул акамга бордим.

Қорабой тоғамнинг ўғил-қизлари ўқимишли инсонлар бўлиб етишган. Тоғам Қорабой Алимов Мирободда донг чиқарган, зиё тарқатувчи ўқитувчи мураббийлардан эди. Катталарнинг гапига қараганда, улар маҳалладошлари Абдулла Авлоний, Сиддиқ домла ишини давомчиларидан эмиш.

Абдурасул акам – олим. Физика-техника институтида катта илмий ходим. Оталарига ўхшаган ақлли, бамаъни инсон.

Арзимни эшитди: "Бир гап бўлар" демади. Узоқ ўйлади. "Эртага Урицкий кўчасидаги

ишхонамга борасан. Ўша ерда маслаҳат қиламиз", – деди ниҳоят маъноли қилиб. Бу сўзлардан кўнглимда умид учқунлади.

Ишлар эртасига мен ўйлагандек чиқди-қўйди. Акамга маслаҳат бериб, менга эса жон ато эттувчи Мойша Маллаев деган зот экан. Мойша ака узоқ ўйлади. Қалин қора қошларини чимириб ўйлади.

– Ўқишга қайси даргоҳга кираяпсан? – деди.

– Бешёғочдаги Беньков билим юртига! – дедим шошилиб.

Мойша акамнинг юзлари кулги аралаш ёришди.

– Эртага бирга борамиз, – деди қисқа қилиб.

Бахтимни қарангки, қониқарсиз баҳоимни зикр этган билим юртининг ўқув ишлари бўйича мудири ўша хизмат?" деди каттаси. Биз Мойша акамга юз ўгирдик.

Мойша ака мудир укаси билан ўрисчасига чуғурлашиб бўлиб, ёзган диктантимни келтирди. Кўз югуртирдик, менинг ёзувларимга фақат уч маротаба қизил рангда белгилар урилган бўлиб, биринчиси орфографик хато, иккинчиси арзимаган хато бўлиб, учинчиси эса семизгина икки рақами эди.

Вой тавба! Ҳайронман, иккита хатога ҳам, мактабдаги домламиз Лидия Степановна ибораси билан "неуд"[2] қўядими?

Эътироз билдиргим келди, бироқ эски шаҳарлик эмасманми, уялдим, катталарнинг олдида енгилтак, шошқалоқ бўлиб кўрингим келмади. Ерга бош эгиб ўзимни сипо тутдим. Назаримда, танлов катта бўлган чоғи, каллахоналик Мирзаев Алишер Тўлаганович нинг бор-йўғи иккита арзимас хатосига шартта икки баҳо қўйишган экан, вассалом!

Катталар гапирадиган гапларини гапириб бўлишди ва Абрам Соломонович столни бармоқлари билан бироз тарақлатиб турди, "доирани ҳам сайратиб юборадиганга ўхшайди" деган хаёл кечди кўнглимдан ва бирдан менинг – каллахоналикнинг жонига оро кирадиган сўзларни териб кетди-ку! Қобилиятим бор йигитча эмишман, шунинг учун расм имтиҳонларидан тўрт ва беш баҳолар олган эканман. Диктант ёзишга мени эски шаҳар мактаби яхши тайёрламаган эмиш.

Бу нордон сўзлардан норози бўлдим. Арзимни изҳор айлагим келди. "Тўхта Алишер, ўйла Алишер" дедим. Қулоғимга "тағин қовун туширибқўймагин!" деган сўзлар эшитилгандек бўлди ғойибдан.

Тек турдим. Мудир сўзининг давоми менга қаймоқдай хуш ёқди. Устоз ақлли, маъноли, бирорта кишининг эсига келмайдиган маслаҳатни берди-қўйди.

Аввалambор олдимга ўрта махсус ўқув юртлари рўйхати қайд этилган китобчани ташлади.

– Шу ўқув даргоҳларнинг бирига ўқишга кирасан, сўнг сени ўзимизга, яъни Беньковга "перевод" қиламиз, нега деганда мутахассислик бўйича яхши баҳолар олгансан-де, бўталоғим! – деди мулойимлик билан.

Мен тушуниб-тушунмадим.

– Бўтам, ҳозироқ танла! – деди у.

Варақладим ўша матоҳни. Ўқув юртининг мавқеи пастроқ, у ерга кириб олиш осонроқ ўқув юртини қидирдим.

Мана, "Кулинарный" – бўлмайди, ёғнинг ҳидини ёқтирмайман. "Авиационный" – баландликдан қўрқаман. "Медицинский" – қизларнинг жойи, Алпомишдек гавдам у ерга тўғри келмайди.

Уни кўрдим, чамаладим, буни кўрдим, рад этдим. Охири "Торговый"ни танладим. Номи ҳам обрўли кўринди кўзимга – Ташкентский техникум советской торговли. Ҳар ҳолда номида "савдо" сўзи бор-да. Бизнинг маҳалла шундоққина бозорнинг биқинида жойлашган бўлса, маҳалла болалари билан савдолашишни дўндирадиган савдогарсифат бўлиб туғилган, улғайган бўлсак. Олди-берди, нарх-наво, арзон-қиммат деган тушунчалар қонимизда бор. "Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин" деганларидек бозорда нон, сомса, кабоб, қора мурч сотиб улғайган бўлсам, савдо билим юртига мен

[2] Неуд. – (русча неудовлетворительный) қониқарсиз

кирмай, Ўрда кўпригининг қуйи томонидан келган, ўқимаганлар кирадими?

Бармоғимнинг учи билан "Торговый"ни кўрсатдим. Тепамда мени илҳақ кутаётган устозлар бараварига маъқуллашди. Ҳужжатларимни қўлтиқлаб савдо илмини ўқитиш макони қайда, дея кетавердим.

Мен излаган даргоҳ улуғ грузин шоири Шота Руставели номли кўчада жойлашган экан.

* * *

Бордим ўша Шота Руставелидаги билим юртига. Турли ўқув йўналишлари бор экан. "Товаровед промышленных товаров"ни танладим.

Қаторасига тўрт баҳолар билан силлиққина "товаровед"ликка кириб олдим. Ҳадемай ўқиш бошланди. Олган биринчи сабоғим чўт қоқиш бўлди. Нафақат қўшиш, олиш, балким қўпайтириш ва бўлиш амалларини ҳам тезлик билан ўзлаштирдим.

Уйимизда отам раҳматлидан мерос қолган чўт бўларди. Биз болалар унинг устига ўлтириб олиб мошина-мошина қилиб ўйнардик. Кўзимизга сон мингта ғилдираклари билан антиқа мошина бўлиб кўринарди. Бу матоҳ ғилдиракли арава эмас, иш асбоби эканлигини билмаганман, албатта.

Чўт қоқишни ўзлаштиришим билан хаёлим ёввойи каптардек парвоз этиб кетди.

Ўзимни бозоримиздаги тимнинг тагида жойлашган газлама расталарида кўрдим, қўлимда ёғоч метр, юзимда ним кулги, содда харидорларга "малакали" хизмат қилиш пайида турганмишман. Завмаг Ҳабибулло ҳожи ака менга ишониб, бахмал бўлимини топширганмиш. Тезда бурнимнинг тагига нозик, ингичка мўйлаб қўйиб олибман, бармоғимда тилла узук эмиш, юзим эса офтобда юрмаганим боис киборларники сингари бир оз оқарганмиш.

Бахмални ўлчаб метрга резинкадек тортармишман, охирида яна бир қарич уриб қолишни ҳам унутмасмишман.

Каллахонада обрўйим ошиб, бақувват хонадонларнинг оталари бўлмиш райпишчеторг, мелкомбинат, стеклотара, утилсирьё раҳбарлари арзанда қизларини менга мўлжаллаб қолишибти. А-хей, йигитларнинг гули, товаровед посон!

Пулларим кўпайгандан бошим осмонда. Ўзимни завмаг деб билибман. Исмим энди Алишербойвачча эмиш. Уйланиб ҳам олибман. Ёнимда оқ билакли Ойшахон исмли завжам билан "Победа"мда Каллахонага кириб-чиқиб юрганмишман.

Чўтнинг қасир-қусуридан чўчиб тушдим, хаёл қочди. Кўзимни очсам, чўт қоқиш дарси бошланган экан...

Чўт уришни хушламай қолдим. Хумсондаги холамникига бориб тоғларнинг расмини чизгим келди. Кўнгил эркинликни хоҳлади. Ўқишни битириб диққинафас дўконда бахмал, атлас, адрас, помбархитларга кўмилиб, ўралиб ётишга йигитлик ғурурим йўл қўймади, шекилли, бўлажак касбимни ўзгартиришга аҳд қилдим. Енгил тортдим. Чўтнинг оқ-қора доналаридан, чапдан ўнгга, ўнгдан чапга нақшлар, расмлар туза бошладим.

Домлага ёқмади бу қилиғим. "Шу соҳани астойдил эгалласанг, ҳай-ҳай, ҳаракат қилмасанг бошқа ўқув юртига учирма қилиб юбораман!" – дейди. "Майли, розиман, жоним билан розиман" – деб юборай десам, қаерга учиб тушишимни билмай тилимни тийдим.

Ижод қила олмай сиқилдим. Хулқим ҳам айниди. Қўнғиз мўйлабли домланинг стулига ортиб қолган чўтни секин қўйиб, ўч олмоқчи бўлиб устозни бироз азият чекишга мажбур қилдим.

Уят бўлса ҳам айтаман, устоз ўлтирган палла мўътабар ва камтарин юмшоқ жойлари чўтнинг ичига чўкиб қолди, натижада чўтнинг доналари тариқдек сочилди, четидаги тахта рамкаси портрет рамкасига айланди-қўйди. Мен эса дераза томон нигоҳимни буриб гўё табиатни кузатаётгандекман.

Устоз аҳволидан бехабар, синган чўтнинг устида қайғуда бўлди. "Энди маошимдан маъмурият чўт уриб, чегириб қолади" деб хомуш тортди. Шу хаёлда қилмишнинг бош айбдорини аниқлаш ҳам ёддан кўтарилди.

* * *

Рассом бўлиш истаги тинчимни ўғирлади. Ҳаловатим йўқолди. Тушимда расм чизиб юрганмишман. Чорсудаги Хўжа Аҳрор масжиди томига чиқиб бутун Эски шаҳар суратини чизибман. Асаримнинг марказий қисмида бозорни тасвирлабман. Бозорда расталар оралаб юрган юзлаб одамларни чизибман.

Ўқишга кетатуриб, Бешёғочдан ўтмайманми, азиз бошгинам ўнг томонга бурилиб

Беньков билим юртига салом бергиси келади. Онам ҳам менга ўхшаб, Тахтапулдан ўта туриб Гулнафис опам узатилган Ҳасанбой маҳалласига бошларини эгиб уч маротаба салом берардилар.

Мен билан бирга билим юртига имтиҳон топшириб ўқувчи бўлиб олганлар маза қилиб ўқишаётгандир. Бешёғочга чиқиб Натан амакининг тўрт тийинли беданаларидан (перашкаларидан) паққос туширишаётгандир. Этюдлар, натюртмортлар чизаётган бўлсалар керак.

Охири хаёлларни йиғиштириб, Маллаев домланинг ўқишни Беньков билим юртига кўчириш ҳақидаги маслаҳатларини амалга оширишга киришдим. Завуч билан бирга билим юрти директори Константин Сергеевич Пешковнинг ҳузурларига кириб дил изҳорини тўкиб солдим.

"Ноумид шайтон" деганларидек, мутахассислик бўйича олган аъло ва яхши баҳоларимни инобатга олиб, катта устоз илтимосимизни ерда қолдирмади.

Константин Сергеевич салобатли, эски рус зиёлиларини эслатадиган, чўққи соқолли, яхши муомалали инсон экан. У даставвал имтиҳонни эслатадиган саволларга тутди:

– Қайси рассомларнинг ижодини яхши кўрасан?

– Суриковнинг.

– Қизиқ-ку, нега энди айнан Василий Иванович Суриковни?

– Чунки у қорни ҳам жонлидек чизади.

– Сенингча, Суриков қайси асарида қорни чиройли чизган экан?

– "Боярыня Морозова" деган асарида.

– Баракалла! Сендан яхши рассом чиқади.

Хурсанд, ҳузурларини тарк этай десам, яна саволлари бор экан:

– Қайси мактабни битиргансан, русчами, ўзбекчами?

– Рус мактабини. 46-мактабда ўқиганман.

– Рус тилидан баҳоларинг қалай?

– "Тўрт".

– Чет тилидан-чи?

– "Уч".

– Бизда ўқийдиган бўлсанг, бу фанлардан баҳоларинг яхши бўлиши шарт. Рассомнинг ҳаётида чет тили ҳам керак бўлади. Баракалла, боравер.

Маллаев акадан яхши маслаҳат, Пешков домладан "баракалла"ни қўлтиғимга қистириб, оғзим қулоғимда, савдо билим юртига қараб чопдим.

"Беньков"га ўқишга кириб олгандек атроф-дунёга кўзимни рассомона қисиб, маъноли қарадим. Гўзалликни излай бошладим. Дунё ёркин рангларга бўялгандек зди назаримда.

Аравани жудаям қуруқ олиб қочган эканман. Директор бир "зарба" билан осмондан ерга тушириб, эс-ҳушимни жойига келтириб, "халқ аро расво" қилишига озгина қолди.

– Эй бола, қанақа рассомлик билим юртига ўтаман деяпсан, эсинг жойидами? Савдодан ҳам рассомликка ўтадими, галварс? Чўтни қоқиб, чўнтагингни тўлдириб, хўроз бўлиб юрмайсанми?

Бу дағдағага нима деб жавоб берсам экан?

Кўз олдимдан бозоримиздаги тимнинг тагидаги газлама дўконида ингичка мўйлаб қўйиб, қўлимга ёғоч метр ушлаб ўтирган қиёфам ўтди.

Йўқ, пули ҳам керак эмас, ингичка мўйлаби ҳам, дўконнинг ёнида турган "Победа" ҳам, пулдор амакининг арзанда қизи ҳам керакмас.

– Устоз Шиддат Бобожонович, қўлларим чўт қоқмайман деяпти, чўтка ушлаб расм чизаман, деяпти.

– Сан боланинг эсинг йўқ экан-ку, чўтни чўткага алмаштириб ўтирибсанми? Соқолмўйлабингни, сочингни ўстириб, Рембранд бўлмоқчимисан? Сендан савдо ходими чиқадиганга ўхшамайди, қайсар кўринасан. Мана, қўл қўйдим аризангга, қорангни кўрсатма.

Қувонганимдан Шота Руставели кўчасига чиқиб олиб овозим борича телбалардек: "Мен рассомман!" деб бақирдим. Кўрганлар четлаб ўтишди. Ҳа, халқимиз биз санъаткорларни, айниқса, шоир ва рассомларни "бироз мазаси қочган" дейишади-да!

Қўлимга қалам олиб бу ёруғ дунёни бир чеккадан тасвирлагим, суратларни чизиб-чизиб ташлагим келди!

V

Рассомлик билим юртида директор алмашибди. Отахоним Пешковнинг ўрнига Файзираҳмонов деган новчадан келган, кўзи кўк, оқ-сариқдан келган киши тайинланибди.

Янги директорнинг биринчи буйруқларидан бири менга оид бўлиб, камина рангтасвир бўлимига эмас, нақш бўлимига тайинланибман.

Сўраб-суриштирдим, "хато кетган", дедим. Мен мусаввир бўламан, Суриковга ўхшаган рассом бўламан. Устоз Россиянинг қорларини чизган бўлса, мен Ўзбекистоннинг чўғдек қуёшини тасвирлайман. Наққош-уста бўлмайман. Эгилиб нақш чизсам, нафасим сиқилади, менга кенглик керак, Ўрол Тансиқбоевга ўхшаб панорамали манзаралар яратиш ниятим бор эди.

Лекин ниятларим ҳеч кимни қизиқтирмади. Шу жумладан, янги раҳбарни ҳам.

– Шунга ҳам шукур қилсин болакай, бўлмасам ўша савдо билим юртига учирма қилиб юбораман, чўтини қоқиб юради, – дебди жаҳл билан.

– Ўзинг хоҳлаган бўлимга кейин ўтиб оласан, янги директор жаҳлдор экан, энсасини қотирма, – деганлар ҳам бўлди.

Начора, нақш гуруҳига кириб ўқий бошладим. Наққош уста катта ёшдаги Ҳасанхўжа Султонхўжаев экан. Ўқувчилар уста ёки устоз дея мурожаат қилишаркан.

Устоз энг содда вазифа – фризлардан бошлаб чизишни топширди. Ҳамма қатори чиза бошладим. Нозик юмуш экан наққошлик. Миянгни барча яхши-ёмон хаёллардан холи қилиб, фақат керакли бўёқни керакли жойга суртишни ўйларкансан.

На минғиллаб ашула хиргойи қилиш, на аския айтиш, ҳаттоки аксириш, йўталиш ҳам мумкин эмас экан. Фақат бошингни эгиб олиб секин нафас оларкансан, соядек юрарканссан. Йўқ, мен Каллахонанинг эркин бўз боласиман, аския, ҳазил-мутойибасиз туролмайман.

Гуруҳдаги ўн бешта боланинг барчаси омон бошлари чапга қийшайган ҳолда чурқ этмай, икки кўзини нақшдан узмай "игна билан қудуқ қазишаверарканг". Фақат бир бола, чапақай бўлганлиги сабаб, бошини чапга эмас, ўнгга қийшайтириб, тилини тишларини орасидан кўрсатиб керакли бўёқни керакли жойга жойлаштираркан.

Ҳасан устоз носвойни уриб олиб мудраб ўтирадилар.

– Қаерликсан? – сўрадилар устоз кўзларини секин оча.

– Худо хоҳласа, каллахоналикман.

– Каллахонаданман дегин, сандан мўмин, қобил наққош уста чиқади, худо хоҳласа. Уйингнинг шифтида нақшлар чизилганми?

– Ҳм, чизилган.

– Ундай бўлса, тагли-жойли бойвачча бола экансан. Додангни исмини биласанми, болакай?

– Биламан. Мирзамуҳаммадбой, Худо хоҳласа.

– Ие, ана айтмадимми, етти пуштинг бойлардан экан. Энди, болакай, гап мундоқ. Худо хоҳласа, бу ерда тинч, тўполон қилмай, ўзингни камтарона тутасан, тузукми? Ҳамманг бир ака-укадексизлар. Ҳар ким насли-насаби улуғ бўлса, ўзига. Менинг шогирдларим тупроқдек хокисор бўлмоқлари лозим. Уқдингми?

– Уқдим, Худо хоҳласа.

Устоз ҳар зикр этган "уқдингми?", "тузукми?", "ҳа, баракалла" сўзларидан сўнг мулойимлик билан тиши бўлмаса керак, юқори ва пастки лабини бирлаштириб икки лабни даҳанига ёпиштирадиган одати бор экан. Қоши қалин, кўзига яқин, хунукроқ жойлашгани билан нигоҳида сирли мулойимлик сезилади. Айниқса, "болакай", "дўмбоқ бола экансан", "айланиб кетай" сўзларини ипакдай юмшоқ, хокисор, чайнаб, кавш қайтаргандай талаффуз этади.

Юмшоқ домланинг қўлида икки ойгина ўқидим, холос. Имтиҳонлар бошланиб, нақшинкор "пулсирот" кўпригидан бир амаллаб ўтиб олиб, тўрт баҳо олдим.

Ҳасан домла мени қанча мақтамасин, хокисор бўлиб ердаги майсадек паст, сувдек сокин бўлиб юриш менга ёқавермади. Наққош болаларни йўлдан оздира бошладим. Бир сўмдан пул йиғиб, Бешёғочдаги кўлда жойлашган чойхонада ош қилиб туришга ўргатдим. Бундан ташқари, ош бўлган жойда Суннатиллонинг миносидан қиттак-қиттак ҳўплаб косагуллик қилишни, дарсдан қочиб "Пахтакор"нинг ўйинларини кўришга боришни ўргатдим. Қарасам, менинг "раҳбарлигим остида" туппа-тузук Эски шаҳар болаларига айланишди. Домла айтган ака-укачилик шу-да! Бундан ортиқ бўладими?

Устоз-шогирд наққошларнинг ичида зерикдим. Кўнгил тасвирий санъат бўлимига учирма бўлишни истаб қолди.

Вақт-соати келиб, хаёлан "Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм", – дедим-да, кўзимни нақшдан узиб:

– Савол берсам майлими, устоз? – дея мурожаат айладим.

– Майли, болакай.

– Шу... "живописний"га ўтиб расм чизмакни, одам расмини тасвир этмакни кўнгил истаб қолди. Нақшдаги гажаклардан кўзим тиниб, бошим айланаяпти.

– Иннайсиғин?

– Рухсат берсангиз.

– Э, ҳали рассом бўламан, дегин?

– Ҳа, шундай, – дея қўл қовуштириб, бошимни сал эгдим.

– Ўзлари расм чизишни биладилар-му?

– Биламан, биламан.

– Соатингни менга ечиб бер, – деб қолди устоз тўсатдан.

Художўй, кўринишдан қўй оғзидан чўп олмайдиган устознинг куппа-кундуз куни соатимни ечиб олиши ғалати туюлди. Соатни узатиб, ичимда: "Ўқитганингизга рози бўлинг, устоз. Ман соатимдан айрилсам ҳам, мингдан-минг розиман сиздан", – дедим.

Соатим билан бироз шошилиб хайрлашган эканман. Мендан наққош чиқмаслигини англаб, болакайларни батамом издан чиқазиб юбормасин тағин, деган хавфда устоз хайрлашиб, менга эсдалик ҳадя этмакни лозим кўрган экан.

У аввал соатимнинг ойнагини авайлаб ечиб олди, сўнг нолинчи рақамли ингичка чўтка билан соат палласининг бўш жойига расм чиза бошлади. Бироздан сўнг соат ликопчасида кўм-кўм денгизнинг сурати пайдо бўлди, сўнг олд томонда икки дона қип-қизил атиргул тасвири кўринди.

Устоз гўё соатдан денгиз ва атиргул ҳиди анқий бошлагандек, циферблатга юзларини яқинлаштириб, мамнунлик ила мийиғида кулимсиради. Кейин асарга қарата бир-икки пуфлади, бўёқларини қуритгандек бўлиб, соатнинг ойнагини жойига қўйди-да, икки қўллаб эгасига қайтарди.

Бу ҳаракатлар мен билан хайрлашаётган устознинг дастхати экан.

– Минг раҳмат сизга, устоз. Яхши рассом бўлишга ваъда бераман.

* * *

Иш пишиб қолганда олдимдан тўсиқлар чиқа бошлади.

Битта-яримта кўзга кўринган рассом домлалар каминанинг воқеасидан хабар топиб: "Ҳамма наққош рассом бўлиб кетаверса, бизга нон қоладими бу дунёда? Эски шаҳарида шифтларга нақш чизиб юраверсин!" – дейишганмиш.

Хуллас, бул долзарб масалани педагогик кенгаш ҳал қиладиган бўлди. Халоскорим Маллаев домла:

– Тағин "педсовет"га қуруқ келиб ўтирма, – деди.

Қуруғи нима экан, дея бошим қотди. Бизнинг Каллахона томонларда қуруғи деган сўз кўп маънони англатади. Қуруғи дегани бу якан (пул) ҳам бўлиши мумкин, аравани қуруқ олиб қочиш деган сўз бор, қуруғи деб порани ҳам айтишади. Чойхонада "қуруғини олиб кел" дейилса қуруқ ўтин назарда тутилади. Маллаев домла айтган қуруғи якан бўлса, уйим куйди. Ўзи йўлкира (овқат ҳам шуни ичида) атиги йигирма тийинни ташкил этса. Ўша йигирма тийинни аяб Эски Жўвадан Бешёғочгача троллейбусда осилиб "қуён" бўлиб қатнасам. Йўлкирадан тежалган қисмига тўртта перашка ва бир чойнак чойни уриб, кунимни кўриб юрган бўлсам. Менда якан нима қилади? Меҳрибон домламга қуруғи хусусида одоб ила савол бердим.

Устоз кулди:

– Ҳа, Эски шаҳарнинг йигити, содда бўлмай қол. Чизган суратларингдан намуналар олиб кел, деган эдим. Нима, "педсовет" аъзолари сенинг кўк кўзингга қараб қарор чиқарадими?

Хуллас, кенгаш ўтадиган кун етиб келди. Бир даста суратларим билан мажлис ўтаётган хона эшиги тагида Худо деб турибман.

Қулоқ тутдим. Мажлис бошланди. "Педсовет" дегани узоқ давом этди. Ушбу анжуманда барча бирваракайига тўхтамасдан гапиравераркан, бир-бирига қулоқ солишмас экан.

Бироз чакаклар тингандан сўнг мажлис "разное" деган масалага ўтди. Бурков деган иккинчи завуч менинг масаламни кўндаланг қилиб қўйди.

Бироз жимлик бўлди, сўнг билсам, гапираётган Веснецов деган ўқитувчи экан:

– Что это каждый из накша будет переходить в наш живописный? Он, наверное, из старого города, да пускай своим накшем занимается, потолки расписывает. Нечего![3] – деб қолди.

Устознинг барча сўзларини тушундим-ку, фақат "нечего"сини тушунмадим.

Бирданига юрагим увишди. Қўлдан олтин маъбуда қанот қоқиб учиб кетаётгандек туюлди.

Яна бироз жимликдан сўнг Сартаков деган ёши катта, ҳурмати бор, чапанироқ ўқитувчининг овози эшитилди:

– Пущай этот Мирзаев рисунки покажет наглядно – все будет понятно. Что мы тут шкуру неубитого медведя делим?

Эшик тарақлаб очилди-да, асарларимни олиб кириб кетишди. Яна ўша Сартаковнинг овози эшитилди:

– Чё, хорошие работы![5]

Шу пайт унинг хотини, кутубхоначи Вера Васильевнанинг ёқимли овози янгради:

– Мирзаев – хороший мальчик. Книги любит[6], – деб қолса бўладими? Вера Васильевна билим юрти кутубхонасининг бошлиғи эди-да.

Шундай қилиб денг, қўлимдан учиб кетаёзган бахт қушим ҳам олисламай туриб, эсон-омон келиб елкамга қўнди. Мен орзумга эришдим.

* * *

Акварель бўёғида ва қаламда эҳтирос билан расмлар чиза бошладим. Бирон суратни чизиб битиргунимча муболағасиз айтсам, юз марта тисланиб орқага-олдинга бориб келаман. Суратдан узоқлашганда бошимни бироз қийшайтириб, кўзимни қисиб, худди ўқ узишга шайланган мергандек тикилиб ҳам қўяман. Сурат чизиш кўп мулоҳаза қилиш, фикрлаш билан уйғунлашиб кетади. Чунки ўқитувчимиз: "Рисовать можно научиться, а вот мыслить[7]..." дейди.

Натюртмортлардан кейин одамнинг бошини чизишни машқ қила бошладик. Ўқув дастурига кўра, тирик одамнинг бошини чизишдан олдин бош чаноғини чизиш керак экан. Чаноқ эса бизнинг ўқув даргоҳимизда йўқ экан. Боринг боши бўлса, жағи йўқ, жағи бўлса бошининг ярмиси йўқ. Яримта бошни чизиб бўлмайди-ку!

Бир куни ўқитувчимиз бир вақтлар қадимги қабристонлар ўрни бузиб ташланаётганда одам бош чаноғини топиб, челакка солиб обдан қайнатишганини, сўнг қуритиб, расмини чизишганларини айтиб қолишди.

Айнан ўша кунлари бозоримизнинг Каллахона билан чегарадош қисмида Хитойдан кўчиб келган уйғурлар лағмонхона қурадиган бўлиб тепаликни текислай бошлашди. Тепаликдан бир талай одам суяклари, бош чаноқлари чиқа бошлади. Одамлар ушбу топилмаларни йиғиб мозорга олиб бориб кўмишарди. Кейин билсак, маҳалламизнинг ўрни қадимий мозор экан.

Уйғур биродарлар лағмонхонани битиришди-ку, бинога ном қўйолмай қийналишди. "Каллахона" деб ном қўйишса, хўрандаларнинг кўз олдидан бу ердан топилган топилмалар ўтаверса... қандай бўларкин, дейишди, чоғи. Охири бош қотирмасдан, "Каллахона" ўрнига "Лағмонхона" деб қўяқолишди.

Довюрак, тегирмонга кирса бутун чиқадиган дўстим Шавкат билан ўша қазилма жойларни кезиб чиқдик. Ўшанда экскаторнинг чўмичидан бир нечта чаноқлар думалаб ерга тушганини ўз кўзимиз билан кўриб қолдик. Уларни бир чеккага йиғиб олдик-да, халтага солиб Кўкчадаги Шиғзинбува қабристонига олиб бориб кўмамиз, дея қариялардан дуо олдик.

[3] Ҳар бир наққош бизнинг бўлимга ўтаверадими? У Эски шаҳардан бўлса керак. Шифтларга нақш чизиб юраверсин!

[4] Яхшиси бу Мирзаев чизган суратларини кўрсата қолсин, ҳаммаси ойдин бўлади. Ўлмаган айиқнинг терисини бўлашиб нима қилдик?

[5] Ў, бажарган ишлари яхши-ку!

[6] Мирзаев яхши бола. Китобларни севади.

[7] Расм чизишни ўрганса бўлади, фикрлашни эса...

Лекин йўлни ўзгартириб, қабристонга эмас, ўзимиз таҳсил олаётган ўқув юртига бордик. Биз олиб келган чаноқлар кейин ҳам кўп йиллар ўқув юрти талабаларига асқотиб хизмат қилган бўлса ажаб эмас.

* * *

Ўша кезлари билим юртимизга таниқли портрет устаси Абдулҳақ Абдуллаев ташриф буюришини эшитиб қувондим. Ўзиям кўзга кўринган, бунинг устига халқ рассомини кўрмаганман-да!

Учрашув куни залда биринчи қатордаги ўриндиқни эгаллаб олдим. Диққат ила боқиб рассомнинг саҳнага осилган бир нечта кичик асарларини кузатдим, ўзимча уларни таҳлил қилдим, сарҳисоб қилдим, сўнг қаноат ҳосил қилдим.

Улуғ устоз бироз эгилган ҳолда тўғри минбар ёнига бориб турди. Аввал бироз вақт маъноли сукут сақлаб турди. Янги директор ул зотни бизга таништирди. Маъруза бошланди.

Абдулҳақ Абдуллаев сарғишдан келган, ҳаракатлари чаққон, чуқур жойлашган кичкина кўзлари синчков одам экан. У ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди-да, сўнг бирданига Шоҳ Эдипни ўйнаган Шукур Бурҳоновга ўхшаб маърузани энг баланд пардада бошлаб юборди. Мен-ку қўшнимиз Маъмуржон Узоқовнинг ёнларида пиёлада чой кўтариб юриб, катта ашулада бор юқори пардадаги хонишларга кўникиб қолганман. Лекин нутқнинг салобатидан ёнимдаги ўқувчилар баногоҳ чўчиб тушишди.

Маъруза нутқи бир кўтарилиб, бир пичирлаш даражасигача пасайиб давом этди. Кўриб турганим нақ "бир актёр театрини" эслатарди. Устоз тасвирий санъатни турли тоифа кишилар ҳар бири ўзгача тушуниб қабул қилиши, портрет чизувчининг қаҳрамон билан ўзаро муносабати ҳақида гапириб, ўз сўзларини тарихий манбалар билан тасдиқларди.

Маъруза шиддат билан давом этиб, ўрталаб қолди. Устоз рассомнинг ҳар бир ҳаракати ва сўзларини эътибор билан кузатиб турардим. Назаримда маъруза авж нуқтасига етиб қолган эканми, Абдулҳақ Абдуллаев кўрсаткич бармоғини шифтга бигиз қилиб таъкидлади:

– Пётр I қоғозга қараб маъруза қилган мулозимларининг соқолларини қайчилаб жазолаган экан. Инсонда нутқ маданияти бўлмоғи керак, қоғозга қараб нутқ сўзлаш маданиятсизликдир!

Шу асно ҳеч ким сезмади деб ўйлади шекилли, минбар ортида яширинча ушлаб турган қоғозларига бир қараб олди.

Шайтонлигим қурсин. Кулиб юборай дедим. Гарчи нотиқ салгина "домланинг айтганини қил..." дегандай қилса-да, у кишининг нутқ маҳоратига кўпчилик тасанно айтди. Рассомнинг устахонасига бориб юрадиган юқори босқич ўқувчиларининг айтишича, навбатдаги маъруза – чиқиш олдидан Абдулҳақ ака уйидаги катта тошойна олдида уч кун машқ қилиб воизлик маҳоратларини чархлар экан.

Тасвирий санъат амалиётида жавлон ураётган рассомнинг назарияга берилиб кетиб турли жойларда маъруза ўқиши қизиқ эди.

Ушбу масалада тасвирий санъат тарихи фанидан сабоқ берадиган директор Константин Сергеевич Пешков ойдинлик киритди:

– Уруш бошлангандан сўнг Абдулҳақ ўзи ўқиётган Москвадаги Суриков номидаги институтдан Тошкентга қайтиб келиб, ижодини бошлаб юборган. Кўзга кўринган устозларидан бири унга маслаҳат бериб, назарий илмини ошириш, дунё маданияти оламидан бохабар бўлишни, кўп китоб ўқишни уқтиради. Абдуллаев билим олиш жараёнига шундай шиддат билан киришадики, ўқиб тўплаган билимлари тинчлик бермай, ўзига маъқул бўлган буюкларнинг фикрлари – афоризмларни кичкина қоғозларга тушириб устахона деворларига ёпиштириб чиқади. Ўз билимларини жамлаб маърузалар туркуми устида иш олиб бориб юқоридан (вазирлар маҳкамаси) тортиб, бизгача тасвирий санъат хусусида сабоқ беради. Тасвирий санъатни жўн тушунадиганларга ушбу санъат тўғрисида "отнинг калласидай" тушунча бериб, ақлини пешлайди, – деди.

VI

Мутахассислик бўйича домлаларимиз жайдари ўқувчиларга яқин оддий кишилар. Орамизда устоз-шогирд ришталари аллақачон боғланиб улгурган. Устозларнинг устахонасига, баъзида уйига ҳам бостириб бораверамиз.

Рангтасвирдан сабоқ берувчи Сергей Николаевич Лисов ажойиб инсон эди. Бўйи ўртадан келган, мошгуруч соқоли ўзига ярашган.

Суҳбатни "Ну чё, Алишер, как дела?"[8] – дея бошлайди. Камтарлик ила: "Спасибо, как вы, как здоровье?"[9], – деб қўяман. Устоз анъанавий тарзда: "Лисов всегда здоров!"[10] – дея ҳарбийларча жавоб беради.

Қозоғистон чўлларининг ўртасидаги Оқмола шаҳрида туғилган ўқитувчимизнинг бўйи пастроқ бўлса ҳам, Тинч океан ҳарбий флотига хизматга лойиқ кўришган, тўрт йил океан кенгликларини сайр этган экан. Ўзи юмшоқ феълли бўлгани билан сўзлашиш услуби аниқ ҳарбийча. Аёллари бўлмиш Лидия Степановна мулойим, меҳмондўст аёл. Эр-хотин Бешёғочдаги Бўзжар сувининг нақ қия тепа қирғоғи учгинасида қалдирғочнинг инига ўхшаган иккита кичкина хонада ижарада туришади. Патнисдек ҳовлисидан пастга қарасангиз юрагингиз орқага тортиб кетади. Чуқурликда Бўзжар шовуллаб қўрқинчли ўрамалари билан даҳшат солиб, айқириб оқади.

– Бу "Шанхай"га кўчиб келганимизда эгнимиздаги кийим ва бир дона кружкамиздан бошқа ҳеч вақомиз йўқ эди. Лекин назаримизда дунёда энг бахтли оила бизники эди, бир бурда нонни бўлиб ердик. Сизлар ҳам ҳаётда мол-дунё ортидан қувманг, бизга ўхшаб бўлажак жуфти ҳалолингиз билан севишиб яшанг. Қани энди, болакай, дастурхонга марҳамат, Серёжа Бешёғочдан олиб келган "тўрт тийинлик" перашкалар бизларга мунтазир, чой ичамиз! – дейди Лидия Степановна.

Жайдари, содда домлаларимиздан ташқари билим юртимизда бироз жаҳлдор, муросасиз ўқитувчилар ҳам бор. Шулардан бири математика муаллимамиз, ўзи ёш, чиройли бўлгани билан ўта қаттиққўл Шоира опа эди. Опа қаттиққўл бўлса-да, хонаси ҳар вақт ўқувчиларга тўла.

Кўзга яқин Шоира опанинг ошиқлари кўп эди: билим юртининг янги директори Ашраф ака ва Маллаев домла, истеъфога чиққанидан сўнг ўқув ишлари бўйича мудирлик қилаётган Юсуф ака, ёшлардан эса ўқувчиларнинг ярмиси десам, ишонаверинг.

Эшитишимча, директор Шоира опага совчи қўйгунча опани кимдир илиб кетибди. Тўйдан сўнг ўша кимдир ҳар куни опани ишдан олиб кетадиган бўлди. Қизиқиб, дераздан қарасак, бирам хунук эканки ўша бахти очилган кимса, қоп-қора, бесўнақай. Дўстларимга ёқмади, "бамисли Қора ботир", – дейишди.

Шоира опанинг дарсида қоракўз ўқувчилар бўлажак мусаввирлар эмасми, унинг кўзларига тикилганча маҳлиё, дарс қулоққа кирмайди, ҳинд фильмларини кўраётгандек жим ўтиришади. Кўзлари таърифлаб бўлмайдиган даражада чиройли, қандайдир сир бордек туюлади. Гарчи бу кўзлар рассом Чингиз Ахмаров яратган Шарқ гўзалларининг оҳу кўзларига ўхшамаса ҳам гўзал. Кўз қорачиқлари юзнинг марказий чизиғидан сал узоқроқ жойлашгани сабабми, боқишлари ўйчан кўринади, бошқаларникига сира-сира ўхшамайди.

Бир куни гуруҳимиздаги Шавкат билан дарсдан қочиш пайида шумлик қиладиган бўлдик.

Опанинг бир жуфтлик дарси бошланди. Биринчи соат барчамиз маҳлиё бўлиб ўтирдик. Орамизда фақат Шавкат йўқ, у Бешёғочдаги магазин ёнига ўрнатилган телефон будкасидан ўқув бўлимига қўнғироқ қилиб:

– Беньков билим юртими? Ўқитувчи Шоира опанинг уйидан қўнғироқ қилаяпман, уларга айтинг, зудлик билан уйга қайтсинлар, зудлик билан! – дея гўшакни жойига илади.

Ҳа энди, бу ёғи зўр бўлди.

Тўсатдан опани ўқув бўлимидан йўқлаб қолишди. Салдан кейин опа чиройли кўзлари бежо, ҳаяжон билан қайтиб келди.

– Болалар, мени юқорига... вазирликка чақириб қолишди. Ҳозир ҳеч кимга билдирмай дарсдан чиқиб кетишинглар мумкин, – дея бир зумда ғойиб бўлди.

Ким қаёққа йўл олгани менга қоронғи, мен эса Бешёғочда қўлини ишқалаб турган Шавкат билан "Пахтакор" стадионига футболга ошиқдим.

[8] Хўш, Алишер, ишлар калай?

[9] Раҳмат, ўзингизнинг соғлиғингиз қалай?

[10] Лисов доим саломат!

* * *

Ах-ей, ах-ей! Мойбўёкда сурат чиза бошладим. Катта рассомлардек, керакли рангни олиб керакли жойга қўйиб, ижод қиламан.

Мойбўёкнинг исини, разбавитель (эритгич)нинг ҳидини танидим, локларнинг ҳидини фарқлай бошладим. Катта рассомлардек ромка ясадим, ромкага уйдаги эски лахтак матолардан тортдим, грунтладим. Оппоқ текислик, расм чизишга мос текислик, расмбоп тайёр мато текислиги пайдо бўлди.

Мойбўёк техникасида иш бошлашим қийин кечди. Мойбўёк рангларини қандай танлайман, номлари ғаройиб бўлса, нархи неча пул экан, матони чизишга қандай тайёрлайман?

Улфати йигит эмасманми, юқори курсдан дўст орттирдим. Орттириш қийин кечмади. Эски шаҳарлик учун бу муаммо эмас экан. Икки оғиз ҳазил-ҳузул, аския-мутойиба, кези келганда бироз йигит кишига хос сахийлик ўз ишини қилди.

Дўст топдим. Ҳақиқий дўст дегани бу баҳоси йўқ топилма экан-ку. Тўйлардаги Саидазим ҳофизнинг нолаларидан эшитганларим бор:

Муяссар айлади Оллоҳ қуёш янглиғ зиё топдим,
Ажойиб меҳрибон улфат яқин бир ошино топдим.
Самимий беғараз дўстга бу кўнгил мунтазир эрди,
Умидим бўлмади зое, шукурким, муддао топдим.

Юқори курс ўқувчиси бўлмиш дўстимнинг исми Юнус Маннопов. Дўстимга юқори парвозли ниятларимни айтдим. Дўстим:

– Қўлингга қоғоз-қалам ол, – деди.

Олдим.

– Ёз, – деди.

Ёза бошладим:

– Стронциановый, кадмий желтый, охра светлая, ультрамарин…

– Тўхтанг, устоз. Желтый, светлый деганингизни тушундим-ку, аммо қолганларини қайси аҳнабий тилда зикр этаяпсиз, ўзи?

– Ҳа, ўзингиз бўёқларни танлашиб юборинг, демаганмидингиз?

– Бўёқларни номлари шунчалик ғаройиб-мураккаб эканки, атиги тўрттасининг номидан бошгинам айланиб кетди. Ушбу номларни эски шаҳарчасига соддароқ, деҳқонбопроқ аташнинг иложи йўқми?

– Йўқ, Али, бу ҳали бошланиши. Ҳали индиго, краплак, неополитанскийларга келганимизда мусаввирчиликни ташлаб қочманг, шоир!

Кўргилик экан, барча номларни қоғозга туширдим. Дўстимни биргаликда "Химсбыт" дўконига боришга, бу матоҳларни харид қилишга ёрдамлашиб юборишга кўндирдим. Ўзимнинг тилим бу ажойиб ранг номларини айта олишга ожиз эди.

Энг муҳими, киссамда йигитни йигит қиладиган бир даста беш сўмликдан якан бор. Ёзи билан қилган ўртакашлик эмас, ўракашлигим асқотди. Рамкага мато тортдим, қўлдан келганча грунтладим. Уйимдаги жиҳозга тўла меҳмонхонада ижодни бошлаб юбордим.

Ҳар бир ижодий интилиш хайрли якунланавермас экан. Онам озода эмасми, бўёқ ҳидига, бетартибликка чидай олмай қувиб чиқарди.

"Ижодий дарсимни қаерда бажарай? – десам, – Лўли бозорингни ҳовлига ҳам ёя кўрма, ана, лой томга чиқиб чиз", – деб маслаҳат берди.

Яна ўша самимий, беғараз дўст ёрдамга келди. "Бирга ижод қиламиз", – деди.

Ўша қўшиқда айтилгандек: "Очиқдур чеҳраси равшан, саховат бобида ҳотам" экан Юнусбой дўстим.

Ижодни Бешёғоч бозоридан бошладик. Дўстимнинг тажрибаси зўр экан – биттабитталаб рангдор пишиб етилган шафтолилардан танладик, сўнг қип-қизил олмалардан олдик, бир бош қизғиш рангли Паркент узумидан харид қилдик. "Қолгани уйда бор", – деди дўсти ҳотам.

Тақсирнинг уйлари Камолон маҳалласида экан. Пакетда сархил меваларни кўтариб дарвозахоналаридан чиройли ҳовлига кириб бордик.

Ёғоч сўрига ўтқазиб меҳмон қилишди яхшилар, сўнг зина билан Юнус аканинг дарвозахонанинг устида жойлашган мўъжазгина устахонасига кўтарилдик.

Устахона жуда файзли, менга хуш ёқадиган разбавитель, лак, бўёқларнинг ҳиди келиб турибди. Тор устахонанинг бир бурчаги менга иш жойи сифатида ажратилди, иккинчиси Юнус акага, учинчиси эшик билан банд экан, қолган сўнгги бурчакка натюрморт қўйдик.

Натюрморт қўйиш ҳам ижодий жараён экан. Бу соҳада дўстим устаси фаранг бўлиб чиқди.

Юнус аканинг оиласи Камолондаги қадимий, обрўли хонадонлардан бўлгани боис уйида эскидан қолган антиквар асори атиқали буюмлар кўп экан. Айниқса тикилган сўзана, чойшаб, палак ва зардеворлар бисёр бўлиб, дўстим шулардан энг чиройлисини, кўринишдан яп-янгисини қўлтиқлаб чиқиб, бўш қолган бурчакка чиройли қилиб ёйди. Сўнг кўтариб келинган қоғоз пакетимиздан меваларни бармоқларининг учида, жуда катта иштаҳа ила олиб, ёйилган палакнинг нақшли безакларини ҳисобга олиб жойлай бошлади. Қизиғи, меваларни терганда ҳам нақшинкор шаклда, худди палак нақшининг давомидек жойлаштира кетди.

Рўпарамизда палак ва ҳўл мевалардан ташкил топган тайёр байрамона гўзал асар яралди. Офарин, дўстим!

Ана шу гўзалликни матога тушириш қолди, холос.

* * *

1965 йил ноябри. Тонг. Барак атрофида совуқ шамол думини гажак қилиб нақшинкор шаклда эсиб турибди.

Бугун ҳам далага чиқарканмиз. Қуп-қуруқ эгатларга таралар эканмиз. Қуп-қуруқ ғўза шохларида ҳемири ҳам қолмаган.

Ушбу "байрамона" хабарни эшитгандек, билгандек, чаққон болаларнинг бир нечтаси тунда "ижодий" иш билан банд бўлишибди. Тонгда барчамиз "монументал асар"га баҳо бердик.

Ўқувчилар яшаётган "молхона тахлит" баракнинг узунлиги саксон-юз метр келади. Оппоқ деворнинг яхлитлигини фақат бир нечта кичик дарчалар бузиб турибди, холос. Бу рассом учун тайёр ижодий текислик, полотно.

Асарнинг ўзагини баландлиги бир метр келадиган қуйидаги алангали сўзлар ташкил қилган: "За наше счастливое детство, спасибо, родная страна!"[11] Ушбу маҳобатли сўзлардан ташкил бўлган шиорнинг икки ёнида рамз тарзида аниқ қилиб чизилган алюмин товоқ, алоҳида Х ҳарфи шаклида чалиштирилган қошиқ ва оппоқ пахтаси очилган ғўза шохи тасвири. Композиция қуюқ қора рангда, бўёқларини оқизмай-томизмай яратилган.

Асарни ўқувчилар олқишлашди, ижодкорлар шаънига ҳамду-санолар айтилди. "Санъат курашувчан бўлмаслиги керак!" деган фаранг рассоми Огюст Ренуарнинг гўрига ғишт қалашди.

Ўқитувчиларга эса асар мазмунан ҳам, шаклан ҳам маъқул бўлмади шекилли, лабларини қимтиб, тўртта болани ажратишди-да, қўлларига биттадан латта бериб ушбу ижоднинг тагига етишни буюришди. Қолганларнинг барчасини далага ҳайдаб жўнатишди. Мен ҳам дўстларимга қўшилиб аларга ҳамдард бўлдим. Далага бора боргунча тўнғиллаб норозилигимизни изҳор этиб кетавердик. Кўргилик экан, начора.

Кечаси билан ижод этган номаълум ижодкорлар бир неча этакдан тикилган шиорлар тайёрлашган экан, далага борган заҳоти ўша матоҳларни кўтариб олиб, дала четидан юра бошладик.

Норозилик намойиши авжига чиқди, шиорий сўзлардан ташқари, болохонадор сўкишлар, қийқириқлар давом этаверди.

Шу тарзда далани бир-икки айланиб чиқдик. Ора-чора учраган битта-яримта маҳаллий деҳқонлар ҳеч нимани тушунмай, лабларини тишлаб қараб туришди.

Юришга қизиқиб кетиб узоқда биз томон келаётган иккита нуқтани сезмай қолибмиз. Нуқталар бироздан сўнг одам шаклига кирди. Биз ҳам шу инсонлар дардимизни баҳам кўрармикан дея юришни давом эттиравердик. Рўпарамиздагилар билан орамиз юз метрча қолди. Эллик метр қолганда қарасак, улар билим юртининг директори ва ўқув ишлари бўйича мудири экан.

Аввалига ҳеч нимадан қайтмай юравердик, фақат оралиқ масофа ўттиз метрча

[11] Бахтли болалигимиз учун раҳмат, азиз Ватан!

қолганда орамиздан кимдир "қоч, болалар!" дея бошлаб берди-ю, намойиш иштирокчилари пахтазорга қараб тумтарақай бўлишди.

Икки раҳбарнинг олдида фақат тупроққа беланган, жон талвасасида улоқтирган шиорлар, плакатлар ер билан битта бўлиб қолаверди.

* * *

Орамизда хоинлар бор экан, деворий асар муаллифлари ва намойиш ташкилотчиларини "сотишди". Орамизда шундайлар бўлишини хаёлимга келтирмабман. Вой тавба, хуфиялар ўзимизнинг орамиздан чиқаркан-ку!

Штабда жиддий суҳбат бўлиб ўтди. Бизни деворий суратдан маҳрум қилишга сафарбар этилган тўрт нафар ўқувчи монументал шиорнинг ярмини базўр ўчириб, кўзларини ғилай қилиб туриб олишибди.

Завуч уларнинг ишини шу тарзда қабул қилиб олди, чунки айтилмай қолган сўзлар: "Спасибо!" сиёсий хавф туғдирмас эмиш.

Кечга томон қўшни "Боёвут-1" жамоа хўжалигидан Тошкент театр-рассомчилик санъати институти талаба ва ўқитувчилари ташриф буюришди.

Ош тарқатилди. Қўшимча ош – "добавка" берилмади. Фақат узатилган эмалли ва алюмин кружкаларга қўшни қишлоқдаги қрим татарларидан олинган қизил винодан юз граммдан қуйиб берилди.

Билим юртимиз раҳбари оташин нутқ сўзлади. Ҳеч ким қулоқ солмади. Гулдурос қарсаклар янгради. Давра қурилди, ўртада иккита эски трактор балони устма-уст қўшилиб аланга ёқилди. Томоша беллашув дея эълон қилинди.

Концерт-томошада биз билан театр-рассомчилик институтининг актёрлик маҳорати факультети талабалари беллашармиш.

Ё, тавба, алар артист бўлса, биз сўзга нўноқ, фақат керакли бўёқни керакли жойга қўя оладиган рассом бўлсак... Ҳа, энди нима бўлса, бўлди.

Биринчи бўлиб, даврага "артистлардан" талаба Ёқубжон Ғуломов чиқиб келди. У чириллаб, ингичка овозда Ҳамид Олимжоннинг "Ўзбекистон" шеърини ўқиди. Э, артист, яхши титроқ овозинг бор экан, Фахриддин Умаровнинг "Онам дерман"идан олмайсанми, Неъматжон Қулабдуллаевнинг "Индамади"сидан олмайсанми? Бу кетишда сендан артист чиқмайди.

Меҳмонни ҳурмат қилиб кафтимизни кафтимиз билан бирлаштиргандек бўлдик.

Даврани олиб борувчи, актёрларнинг маҳмадона домласи рассомлар томонидан биринчи курс ўқувчиси Муҳаммаджон Жўрабоев ижросида Отелло монологини эълон қилиб, энсаси қотиб мийиғида кулгандек бўлди.

Содда Муҳаммаджоннинг хабари йўқ эканми, оғзини очиб бироз довдираб қолди, сўнг ўртада билим юртининг шаъни тикилганлигини англаб, даврадан орқага бурилиб тўғри ошхона томон кетди. Бир дақиқадан сўнг устига оппоқ дастурхонни ёпқич қилиб олиб, кўзлари қизарган, юзи қоп-қора, белида катта ошпичоқ, ҳабаш қиёфасида кириб келди.

Даврани айлана бошлади, ортиқча сўз гапирмас, фақат "Ммм, Ммм" дея инграрди бояқиш. Отелло тўхтади. Атрофга ниманидир қидиргандек аланглади. "Рўмолча, рўмолча", дея сўзланди. Оттеллони танимаганлар чўнтакларидан ғижим рўмолчаларини суғура бошладилар. Ҳабаш эса ўзининг қоралигидан афсусланиб, узоқ гапирди, депсиниб гапирди, бўғилиб гапирди, сўнг "ўлдираман, ўлдираман!" – дея даврадан чиқиб кетди. Қайтиб келмади.

Бироз сукутдан сўнг кўпчиликнинг қўлида рўмолча, гулдурос қарсаклар бошланди.

Чиройликкина йигит, қўлида рубоб, "Биринчи муҳаббатим" қўшиғини бошлади. Эҳтирос билан куйлади, дард билан куйлади, эзилиб куйлади. "Овоз бергин, қайдаса-а-ан" дея авжини олаётганда биринчи қаторда турган талаба қиз икки кафтини юзига қўйиб ҳўнграб даврадан чиқиб кетса бўладими? Қолганлар қўшиққа чапак чалишни ҳам, қизнинг орқасидан югуриб бориб, юпатишни ҳам билмай қолишди.

Ўзи актёр зоти шундай таъсирчан бўлади. Бир пасда кўзёши тўкишади, бир пасда телбаларча кулишади.

Шеър муаллифи Абдулла Орифга ҳам қойил қолмоқ керак. Сўзнинг кучи билан артист зотидан бўлса ҳам, йиғлатди-ку!

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан,

– деганида оламча жон бор.

Каминага шоирнинг "Хайр энди..." шеъри маъқул эди-да! Агар мактабда ўқиб юрганимда ушбу шеърни билсам эди, мен билан хайрлашган севимли синфдошим Шарифага: "Хайр энди, қалбимда бир видо қолди," – дея хайрлашиб, маъноли қараб қолармидим? Сўнг йиғлатармидим? Ким билади, ким билади?

VII

1966 йил баҳори. Билим юртимизнинг биноси бақувват чиқиб қолди, зилзилага дош берди. Ер қимирласа-да, ўқиш тўхтамади. Мутахассислик бўйича дипломдан олдинги, сўнгги вазифаларни бажараяпмиз. Яланғоч натураларни бўй-басти билан чизяпмиз.

Бу оғир вазифа. Аввало пропорция, яъни ўлчам тўғри олиниши керак. Классик юнон ўлчами – инсон боши танага нисбатан олти ярим-етти маротаба кичик келиши керак. Қадимий юнон ҳайкалларининг барида шу аҳвол. Ўзимизда бундай ўлчамдаги идеал натурачи аёл ва эркакни топиш қийин. Бизда шарқона гўзаллик тушунчаси бошқачароқ бўлса керак. Эски шаҳаримизни кезиб бир кузатинг-а, бирорта йигитчада ёки онаси ўпмаган қизда қадимий юнонни эслатадиган аломатларни топа оласизми? Топиш мушкул.

Биз Амир Темур авлодлариданмиз. Ота-боболаримиз бутун умр от минишган, кунора қўй ёғи, қўй гўштидан ош ейишган. Хуллас, классик ўлчамдаги "живой натура" анқонинг уруғи, гарчи билим юрти томондан соатбай пул тўланса ҳам.

Аёл натурачилар Россия томонидан келганлар ёки ўзимизнинг русийзабон гўзаллар орасидан топилади. Эркаклар борасида эса, белигача чизиладиган бўлса, ўзимизнинг мўйсафид чолларни кўндириш мумкин.

Беш-олти соат қаққайиб ўлтириб беришнинг нима қийин жойи бор? Бунинг устига пул билан сийлашса. Шунинг учун қўл қовуштириб бир нуқтага қараб ўлтириб берадиган чол, кампирлар бисёр. Аммо-лекин танасини яланғоч ҳолда кўз-кўз қилишга истак билдирувчилар жиддий муаммо.

Ёш натурачилар бизда кам учрайди. Лекин омадимиз бор экан, илҳом париси бўламан, деб малласоч бақувват бир қиз кириб келди. Бир эмас, бир нечтаси келди, назаримизда гўё осмондан фаришталар учиб тушди.

Танлаб олиш маросими бошланди. Танловчилар – ўқитувчимиз Сергей Николаевич бошчилигидаги ўн икки нафар балоғат ёшидан оша бошлаган полвончалар.

Натурачилар панжара-парда ортида ечиниб, устиларига енгил халатларини иладилар-да, тайёрланган супачага галма-гал чиқиб халатларни ечиб ерга ташлайдилар. Бизнинг вазифа – ҳар томондан ўтиб жуссага баҳо бериш. Маъқул бўлса – маъқул дейиш керак, маъқул бўлмаса Сергей Николаевич секингина "спасибо" деб қўяди ва не умидларда ечилган халат "лип" этиб яна елкага чиқиб олади.

Шу тарзда уч-тўртта илҳом парисини кўрикдан ўтказдик. Бизга қолса, барчасини маъқул сўзи билан сийлашга тайёрмиз. Аммо-лекин сўнгги сўзни Сергей Николаевич айтади. У шулар сингари париларни, оналар-у бувиларни кўп марталаб ўз асарларида ифода этган. Устоз бизга ўхшаб гўзаллар атрофида гир айланмоқда-ю, "спасибо"дан нарига ўтмаяпти. Бундай кетишда шўримиз қуриб, қуруқ қоламиз-ку. Бундай дўмбоқ ширин булочкаларнинг ўрнига кунимиз Бешёғочнинг тўрт тийинлик перашкасига қолади-ку.

Сергей Николаевичнинг менга хуш ёқмайдиган ғалати ибораси бор: "Аёлнинг хунуги бўлмайди, фақат ёши саксондан ошмаган бўлса бас," эмиш. Вой тавба, вой тавба...

Хуллас, "маъбуда"лар олдинма-кейин супадан тушиб кета бошлашди. Охирги маъбуда қолди. У ҳам супага чиқиб халатини ечди.

О, биродарлар, бир нима бўлди, бир нима бўлди. Сардоримиз бошчилигида барчамиз тошдек қотиб қолдик. Ҳеч кимнинг тили айланмай қолди. Ҳушимиз қаёқлардадир учди-ю кетди.

Малакнинг таърифи йўқ. Йўқ, йўқ у юнонча ўлчамларга асло тўғри келмайди, икки дунёда мос келмайди. Ғудайиб туриши бироз беўхшов, баданда пластика деган "балои азимдан" асар ҳам йўқ. Юзини гўзал десак нотўғри бўлар эди, лекин кўзлари шу қадар

сузилиб, шу қадар ишва билан боқардики, қарашларига дош беролмай ҳамма нигоҳини олиб қочди.

Бирмунча вақт ўтди. Ҳеч кимдан чурқ этган садо чиқмади. Натурачи барчамизни гипнозлаб қўйгани, ҳушимизни ўғирлагани аниқ.

Сергей Николаевич биринчи бўлиб ўзига келди, сўнг тилга ҳам кирди:

– Кечирасиз хоним, исмингизни отангиз нима деб қўйган? – сўради у дудуқланиб.

– М-М-Маша...

– Неча ёшдасиз, Маша?

– Ўн тўққизда.

– Гап бундай, Машенька, сизга кийимда юриш гуноҳ, ҳа гуноҳ!

Машенькани чизадиган бўлдик. Машенька тик туриб берди. Машенька жим туриб берди.

Биз расм чиза бошладик, ялангоч жусса бизни нигоҳи билан пармалай бошлади. Бирорта талаба Машеньканинг расмини чиза олмади. Машенькани тик қараши йўл қўймади. Машеньканинг назар-нигоҳи йўл қўймади.

Эркак натурани излаб топиш бир мунча осонлигини айтиб эдим. Портрет ва белгача чизиладиган расмларга ўтириб берувчилар бисёр – чол-кампирлар, нафақага чиққанлар. Булар – саллалик тарихий шахсларни эслатувчи Эски шаҳарлик мўйсафидлардан тортиб, кўринишидан пирожнийни эслатадиган дўмбоқ малла сочли опахонларгача.

Дастур бўйича ялангоч эркак жуссасини ҳам чизмоғимиз шарт. Бешёғоч майдони турли тоифа инсонларга тўла. Тўғриси ҳам бор, ўғриси ҳам бор. Бошпанаси бори ҳам, уйи йўқ дайдилар ҳам учраб туради. Шайтон талабалар ишга киришиб ана шу юпун амакиларни бошлаб келишаверди.

Билим юртининг хоналари катта, шифтлари баланд. Табиийки, голланд печидан чиққан иссиқлик урвоғ бўлмайди.

Амакижонларни онадан туғилгандек ҳолатда, ҳар бир мушагини жой-жойига қўйиб чизиш даркор. Чизишни умумлаштириб бошлаб сўнг майдалаб "қош қўйиш" билан тугатмоқ керак. Бу қонун. Расмни қош-кўзидан бошлаб чизса, билингки, пропорцияси, яъни ўлчами пойинтар-сойинтар чиқиб қолиш хавфи катта.

Биз-ку чизишни боплаймиз-а... Натурачиларимиз совуқдан қотиб, шамоллаб қолишлари аниқ. Кабобчилигим эсга тушди. Уйдан тоғора, оташкурак ва бир пақир кўмир олиб келдим. Кўмирни ёқиб, оловни яхши олдириб чўққа айлантирдим. Йўқса, кўмирнинг иси ёмон бўлади, нафақат натурачини, бизни ҳам хароб қилиши мумкин.

Хуллас, Бешёғочдан таклиф этилган, бўйи икки метрга яқин келадиган дароз дядя Васяни супачага олиб чиқиб қўндирдик.

Вася тоға Эйфель минорасини эслатувчи ҳолатда туриб берди. Камина ярим тоғора кўмир чўғини натурачининг оёқлари оралиғига жойладим.

Натурачи ҳам мамнун, биз ҳам. Унга бир нуқтага қараб қимирламай туришни уқтирдик. Дядя Вася ҳам анойи эмас экан, рўпараларида расм чизишга шай турган Луизага тикилиб тураверди, менимча, нишонга олди.

Эсон-омон ярим соатча ижод оғушида илҳом билан ишладик. Кимдир: "бир нарса куйяпти, гўшт ҳиди" деб қолди.

Луиза ваҳима кўтарганича бор экан, рўпарасида турган ҳайкалсимон натурачининг оёқлари ораси қизариб куя бошлаган экан.

Тушмагур дядя Вася ҳам бебош ёшлигини эслаб тураверибди-да! Устоздан эшитган "санъат қурбонлик талаб қилади" деган сўз тўғри бўлиб чиқди.

* * *

Биродарлар! Мен ҳам катта йигит бўлиб қолибман.

Мана диплом ҳимоясига ҳам етиб келдим. Қандай мавзуни танламоқ керак, нимани чизмоқ керак? Ўзи нимадан кўп таъсирланаман, нима менга хуш ёқади, нимадан ҳайратга тушаман?

Ўзбек халқ мусиқаси, мақомлардан ҳайратга тушаман, таъсирланаман. "Кўнгил дардиға топмай, бораман ҳаргиз даво истаб...", "Фиғонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдан...", "Жамолинг васфини эй ой, неча элдин эшитгаймен..."лар ёқади.

Олти ёшимдан Маъмуржон ва Жўрахон ҳофизларга мухлислик қилган бўлсам, Каллахонада карнай-сурнай наволарини эшитиб юрагим ҳайқириб қинидан чиқиб кетай

деса, ёш бўлишимга қарамай аскиянинг нозик томонларини идрок этсам, Расулқори, Дўхтир, Абулқосим, Паражиллоларнинг сўз замзамалари фарқига борсам, мурғак ёшимдан то ҳанузгача фақат ўзбек мумтоз қўшиқларини хиргойи қилсам, авж пардаларига чийиллаб бўлса ҳам, овозим етса, диплом учун мавзу қидириб ўтираманми? Диплом иши мавзуси мусиқа бўлади!

Карнай-сурнайчиларни, доирачи-ноғорачиларни чизаман. Аларни айни ижро авжи вақтида чизаман. А-хей!

Қаҳрамонларимни Бешёғоч майдонида, истироҳат боғининг баланд дарбозалари тагида улуғвор, тантанавор ҳолатда чизаман. Мусиқачилар баланд супада жойлашиб олиб, берилиб "Сурнай навоси"ни ижро этишмоқда. Уларнинг фонида фақат улуғвор, ўттизинчи йилларнинг меъморий ечимида қурилган боғ дарвозаси. Катта мусиқа, катта дарвоза, катта ижро.

Асосий ғояни илгари суриш ёрасида майдонни тўлдирган томошабинларни ҳам, маҳобатли дарвоза устунлари орасидан кўриниб турган кўл манзарасини ҳам, асаримни ранго-ранг безатиш мумкин бўлган шиорлар, алвонлар ва байроқлардан воз кечдим. Диплом асаримда адабий-ҳикоявий унсурларнинг ёрдамидан воз кечдим. Асар майда чалғитувчи деталларсиз маҳобатли, улуғвор чиқмоғи лозим.

Диплом картинамда қизил рангнинг турли товланишларидан фойдаландим. Қирмизи ранг – байрам, шодиёна ранги.

Асарда қуёшнинг ботиш вақтини тасвирлаганим кўл келди. Қуёшнинг гардиши уфққа ботиш олдидан авж чиройини намоён этмоқда, созандалар ҳам авж ижро палласида. Бир оздан сўнг қуёш ҳам ботади, мусиқа ҳам поёнига етади.

Тасвирий санъатда воқеавийликни авж кульминацион нуқтаси, пўст калласи ифода этилиши керак. Рангтасвирнинг табиати, кўп сўзликни, майда гапни кўтармайди.

* * *

Ёзнинг иссиқ кунлари "Беньков"да диплом ҳимоялари бошланди. Бешёғоч майдонидан қизиган ҳаво гупуриб турибди, сой томонидан эса қушхонанинг қўланса ҳиди нафас олишга йўл қўймайди. Ҳам маънавий, ҳам жисмоний синовга дуч келганмиз. Иссиқдан Натан амакининг тўрт тийинлик перашкалари ҳам томоғимиздан ўтмай қолган.

Билим юрти катта залининг саҳнаси матолар билан безатилган. Саҳнада учта мольберт ўрнатилган, сабаби дипломантларнинг орасида учлик (триптих) картиналарни чизганлар ҳам бор.

Биринчи қаторда диплом ишлари ҳайъати аъзолари жойлашган. Ўртада бошлари катта, майда жингалак сочлари елкаларигача тўзиб тушган басавлат раис – Тачат Амаякович Оганесов гавдасига яраша керилиб ўтирибди. Остки лаби тепасидан бироз бўртиб чиққан, шу ҳам унга ярашган, маҳобат бағишлаган эди. Тўғриси, бунақанги антиқа исм-шарифни илгари учратмаганман.

Мендан олдин ҳимояга курсдошим Володя Казанцев таклиф қилинди. Володя бироз ҳаяжонда, икки кафтини бир-бирига ишқалаб, бармоқларини беўхшов букиб, қирсиллатиб, телбаларча тиржайиб берди. У ўқишга Олтой томонлардан – Якутиядан ташриф буюрган. "Номард"нинг кўриниши ғирт ўзбекнинг ўзгинаси. Суҳбатда Якутия – бу Ёқутистон, ёқут – олмос ўлкаси десам, елкасини қисади, хабарим йўқ дейди.

Қадимий туркий қавмлар ўша ерлардан тарқалган, деган гаплар бор-ку, шунинг учун бўлса керак, Володянинг кўзлари катта-катта, қоп-қора, ўзимизникидан.

Диплом суратида муаллиф Ёқутистонлик йигитча, тоғ ёнбағрида қўлига белкурак олиб меҳнат қилаётган деҳқон-отасини тараннум айлаган. Тасвирланган отажониси ҳам қўшнимиз Қосим Шақилдоқ амакининг қуйиб қўйгандек ўзгинаси.

Гўзал табиат қўйнида меҳнаткаш образи уйғунликда гўзал тасвирланган. Бизнинг Эски шаҳарча ибора бўйича "гап йўқ".

Баъзи комиссия аъзоларининг фикри ўзгача эканми, ёинки ёзилмаган қоида бўйича ҳимоя силлиқ ўтиши мумкин эмас эканми, Бурков деган ўқитувчи сўз олди:

– Ўртоқ дипломант, марҳамат қилиб жавоб берсангиз. Сиз тасвирлаган бобо деҳқонга қиялиқда меҳнат қилиш қийин кечмаяптимикин?

Володянинг ўзбекона чапанилиги тутди.

– Ҳурматли Сергей Сергеевич! Сизнингча осон иш борми? Барча меҳнат оғир, шу жумладан, деҳқоннинг юмуши ҳам осон эмас!

Ўртага сукут чўкди. Шумлигим тутиб икки панжамни яширинча чотим орасига олиб чапакнинг шодасини бошлаб бердим. Чапак садолари орасида "Ура!", "Барака топ!" деганлар ҳам топилди.

Кейин маълум бўлишича, Бурков Володянинг дипломини бир бал паст баҳолабди, лекин ҳақиқат ҳамма вақт рўёбга чиқади деганларидек, барибир диплом иши аъло баҳога лойиқ топилди.

Каминанинг исмини зикр этишди. Икки киши асаримни саҳнага олиб чиқиб ўртадаги мольбертга ўрнатди. Мен саҳнага юракларим дукуллаб чиқиб бордим.

Ҳаётимда биринчи бор бўйинбоғ таққанман. Томоғим бўғилиб, назаримда юзим қизариб кетгандек. Ўзимни ташқаридан кузатгандек бўлдим. Болалигимда менга қўйилган "шолғом" лақаби ижодкорларига тасаннолар айтдим.

Ҳимоя жараёнида ўзбек мусиқасига меҳримни, керак бўлса "Боғ аро", "Фиғонким" данми, парча ижро этиб исбот этмакликка ҳам шай эдим. Кейинчалик бўйинбоққа раҳмат айтдим. Саҳнада сўзамоллигим қаергадир учиб кетди. Биз Эски шаҳар шароитида, Каллахонада ҳангома, аскиянинг ичида сўзамол эканмиз. Бундай жиддий жойларда "Ҳурматли устозлар"дан нарига ўтиш амри маҳол экан.

Ҳимоямнинг савол-жавоб қисми бошланди. Ҳофизкўйчилик ҳофиз Орифхон Ҳотамовнинг қариндоши, билим юртининг ўқув ишлари бўйича янги мудири Юсуф ака мени биринчи бўлиб саволга тутди.

– Мирзаеп! Дипломинг мусиқа мавзусида экан, сенга саволим бор. Ўзбек ҳофизларидан кимларни биласан?

– Юсуф домла! Сизга мен хуш кўрган ҳофизларнинг исмларини қай тартибда айтай? Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Расулқори Мамадалиевлардан тортиб Домла Ҳалил Ибодовгачами ёки Ҳожи Абдулазиздан, Левий Бобохоновдан, Юнус Ражабийлардан тортиб яна ўша Орифхон Ҳотамовгачами?

Қариндошининг исмини икки қайта эшитган Юсуф ака нималарнидир англаб:

– Бўлди-бўлди, болажон, саволимни қайтариб олдим, қониқдим, раҳмат, – деб қолди.

Васнецов ҳам четда қолгиси келмади:

– Дипломант Мирзаев, нега асарингда киши қоматини қўлда чизиб орқадаги архитектурани чизғич ёрдамида чиздинг?

– Домла, ёнингизда ўлтирган устазода Халил Қосимов домланинг сабоқларини бироз олганман. Улар нақшнинг асосини гирих ва ислимий ташкил қилишини уқтирганлар, мен шу қонунни рангтасвирда қўлламоқчи бўлдим. Нақшда геометрик гирих чизиқларининг гўзаллигини ислимий нақшлар янада кучайтириб беради.

Диплом комиссиясининг раиси Т. А. Оганесов:

– Ўртоқлар, биз рангтасвир асарининг ҳимоясида иштирок этаяпмиз. Сизлар эса тасвирий ва мусиқа санъатлари назариясига тааллуқли саволлар билан яхшигина асарни чизиб қўйган ёш дўстимизнинг бошини қотиряпсизлар, – деб баҳсга нуқта қўйди.

Шундай қилиб, ҳимоядан ҳам ўтиб олдим. Бундан кейинги бутун фикру зикрим Москвада бўлди. Мен ўқишга киришга ният қилган институт Олимп тоғи – В.И.Суриков номидаги Москва Давлат Бадиий институти эди.

VII

Дўстим Шавкат билан аҳду паймон айладик. Қандай паймон дейсизми? Каттаси. Айтилган-ку, "осилсанг, баланд дорга осил", деб.

Шуҳрат дўстим билан ният қилдик, тушларимизда кўрдик ўша "Суриков" институтини.

Эмишки, Масков имтиҳонларидан ўтиб, ўша машҳур институтнинг талабаси бўлибмиз, сўнг жонажон билим юртимизга кириб келибмиз. Келишимизни билиб митинг ташкил этишганмиш.

Бешёғочдан билим юртига кираверишда, дарвоза тагида Сергей Николаевич билан директор Ашраф ака Файзираҳмонов, қўлларида нон-туз ўрнида иккита янги палитра ва рамкага тортилган иккита оқ мато кўтариб, кулиб, нималардандир мамнун туришганмиш. Дарвоза пештоқида "Марҳабо, юз минг марҳабо!" сўзлари шиор қилиб ёзилганмиш.

Узоқ муборакбоддан сўнг Ашраф ака пешонамиздан ўпиб ҳалиги матоҳларни бизга топшириб:

– Сизларни Масковдан талаба бўлиб қайтганларингиз билан табриклаймиз,

қутлаймиз! Мана шу матолар сатҳига сизлар бир-бирингизнинг портретларингизни чизиб, сизни шу даражага етказган жонажон билим юртингизга тортиқ этсангиз. Биз сизнинг расмларингизни кираверишда осиб тагига "билим юртимизнинг машҳур талабалари" деб зарҳал ҳарфларда ёзиб қўйсак.

Ҳа, энди туш-туш билан дегандек, биз эгарланган отдан тушиб кўрган тушимизни ўнгимизда амалга оширишга киришдик.

"Ота-онанг рози, худо рози" деганларидек, онамга ушбу режадан сўз очадиган бўлдим.

Онам бемор, Хотинкўприкдаги 10-касалхонада даволаняпти. Унинг олдига боришдан олдин опаларимга, қариндошларга қулоқ тутдим. Барчалари бирваракайига рад жавоб беришиб, гангитиб қўйишди.

Асосий берилган маслаҳатлар: "Сенга ким қўйибди Масковни, аҳволинг ҳалигидақа, онанг касал бўлса, иқтисодингиз ҳам мақталгудек эмас. Шу ўқиганинг етади, яна ўқигинг келса, ана, ҳужжатингни Тошкентдаги институтга топширақол. Бошингда отанг бўлмаса. Ниятни ҳам бироз эви билан қилади-да, одам!"

Бошгинам гир-гир айлана бошлади. Нима қилмоқ керак? Лекин ўқишга боришни жуда-жуда хоҳлайман. Мушкулимни осон қилиши мумкин бўлган биргина йўл бор. У ҳам бўлса, онамнинг олдидан ўтиш. У нима деса шу бўлади. Онамга барча қулоқ солади, барча маслаҳат солади. Мен ҳам маслаҳат соламан.

Эртаси куни тонгда Шавкат билан Кўкча қатиқ бозорига бориб бир банка қаймоқ, иккита нон олиб, Хотинкўприкка жўнадик.

Онамни ҳимоя натижаларидан хабардор қилдим. "Яхши" деди қисқа қилиб. Асосий масалага ўтишга дов бермади юрак. Шавкат жонга оро кирди.

– Шу... аяжон, Алишер дўстим билан Масковга бориб, аттаги институтда ўқишга имтиҳон топширмоқчи эдик. Сиз нима дейсиз? Билим юрти бизга шароит яратиб йўлланма бермоқчи.

– Шундайми? – дея онам менга ялт этиб қаради.

– Ҳа, – деб бош силкидим. Ер чиздим.

Онам ўйлаб қолди, узоқ жим қолди. Негадир чаккасидаги оқариб қолган сочларини ичкарига олиб рўмол учларини тортиб тўғрилади.

– Алишер, менга қара, – деди ниҳоят. – Астойдил ният қилган бўлсанг, икковингга ҳам оқ фотиҳа бераман. Агар шу институтга ўз кучинг билан кириб олсанг... Билиб қўй, министрнинг боласидан ҳам яхши таъминлайман сени! Мени оғир аҳволда деб куйинма, қурбим етади сени ўқитишга.

Онам дуога қўл очди. Ёнида ётиб даволанаётган опоқилар ҳам қўл очишди.

"Россия" меҳмонхонаси рўпарасидаги кассалардан чипта харид қилдик. Икки кундан сўнг Масковга учамиз. Энди отни қамчилаб ҳужжатларни йиғиштирмоқ зарур.

Директор Файзираҳмоновни йўқлаб кирдик. Илиқ кутиб олди. Шавкатга имтиёзли йўлланма билан кўк рангли дипломни топширди. Оқ йўл тилади. Биз томонда ҳам кун чиқар, деб қўл қовуштириб туриб бердим. Директордан эса садо чиқмади. Бир балони сезгандек бўлдим. Юраккинам безовта бўлди. Кучимни йиғиб олиб муддаомдан сўз очдим.

– Ашраф Хўжаевич, мен ҳам ният қилган эдим ўқишга бораман деб, менга ҳам рухсат берсангиз.

– Мирзаев, сенга Масковга боришга маслаҳат бермайман, Тошкентдаги театр-рассомчиликка топширавер. Шавкатга қизил диплом насиб этган, шунинг учун унинг йўли очиқ. Сен диплом ишинг учун тўрт баҳо олдинг, ҳимоя комиссиясининг қарори бўйича сенга дипломни беролмайман!

– Устоз, мен ҳам фақат аъло ва яхши баҳолар олганман. Ниятим катта, илтимос, йўқ деманг. Онам оқ фотиҳа бердилар. Қўлимизда самолётга чипталаримиз бор.

– Йўқ, дедимми, йўқ, бўлди, бошимни оғритма.

Қандай қилиб Бешёғочга чиқиб бордим, қайси транспортда уйга етиб келдим, билмайман.

Уйга келсам, ҳеч ким йўқ, онам шифохонада. Укам Гулнафис опамларникида "командировкада". Қоронғи, совуқ уй ютаман дейди. Ўй-ўй билан ухлай олмай тонг оттирдим. Ушбу совуқ хабар билан онам ҳузурига борсам, касалига касал қўшаман. Нима қилсам экан?

Собир тоғамнинг ўғли, чинни заводининг бош рассоми Олим акам билим юртимиз директори Ашраф акам билан бирга ўқишгани хусусида хабарим бор. Ачаободга, Олим акамнинг уйларига маслаҳатга бораман.

Уйда экан акахоним. Оналари Ҳидоят опоқи қучоқ очиб кутиб олди. Авзойимдан кайфиятим чатоқлигини сезди опоқижон.

– Нима гап, тинчликми, онанг тузукми?

– Ҳа, – деб уларни хотиржам қилдим.

Кейин дардимни тўкиб солдим. Хўрлигим келди. Лекин ўзимни ушладим, оғир бўлдим.

Ҳидоят опоқига таъсир қилди сўзларим.

– Ҳа, Ашраф-а, ҳали сени ўғил қилиб юрибманми? Ҳали Алишерга йўлланма бермадингми? Билар эдинг-ку, Олимнинг жияни эканлигини, нон-тузимга тупурибсанда, – дея бўзлаб кетди опоқи.

Онанинг сўзларини Олим ака шарҳлагандек бўлди. Ашраф ака асли Тошкентнинг четидан – янгийўллик бўлиб, бироз вақт оиланинг фарзанди бўлиб, Олим акамлар билан дўст тутиниб тоғамникида қўноқ топиб ўқиган, қўли очиқ Ҳидоят опоқи Ашраф акани ўғил ўрнида кўриб иссиқ-совуғидан хабар олар эканлар.

Тоғамнинг уйларида ўша оғир 50-60-йилларда ҳам қора қозон қайнаб турган. Чунки уларнинг иккинчи ҳунарлари – косибчилик бўлган. Ҳунар оила аъзоларини тўқ тутган, ортиқча қийинчиликка юз тутишмаган.

Сўз навбати Олим акага ўтиб, қўлимга бир варақ хат тутқазди:

– Шуни Янгийўлга, Ашрафнинг уйига олиб бориб шахсан ўзига топширасан. Хатни ўқиб хулоса чиқариб, сенга ёрдам берса берди, бўлмасам ундай дўстим йўқ! – деб қолди.

Вақт кам. Вақт зиқ. Мактубни олиб: "Янгийўл, қайдасан?" – деб чопдим.

Янгийўлга етиб келдим, темир йўлдан ўтиб Чинозга кетадиган йўл четидаги директорнинг уйини топдим.

Ичкаридан мен билган, кечагина пешонамдан ўпган, аввал яхши ниятлар билан сийлаган, сўнг чопонини тескари кийган, сарғишдан келган, эгнига пижама илиб олган баланд бўйли директор чиқиб келди.

Салом бериб, мактубни узатдим.

– Ҳали шу ерга ҳам орқамдан етиб келдингми? – деб қолди тутоқиб.

Жуссаси йўғон катта киши шундай муомала қилса, сесканиши, қўрқиш мумкин, озғин, новчадан келган киши ўйиб олиб сўзласа, қочарга жой тополмай қолар экан киши.

Хатни ўқиб:

– Эртага билим юртига бор, ўша ерда учрашамиз, – деб бурнимнинг олдида эшикни ёпиб ичкарига кириб кетди.

Янгийўлдан Каллахонага етиб келгунимча эртанги Масковга парвозимни ўйлаб ширин хаёлларга ғарқ бўлдим.

Хат ўз ишини қилади, эрта тонгда Бешёғочга бораман. Директор бувадан дипломни олиб соат ўн уч-у ўттизлик Тошкент-Москва рейсига қараб чопамиз. Рейсга кечикиб бўлмайди, самолёт кутмайди.

Тонг отди. Каллахонага Эски Жўва томонидан офтоб нурлари туша бошлади. Кайфиятим чоғ, сараланган суратларим бир қўлимда, алмисоқдан қолган чамадоним иккинчи қўлимда, онам билан хайрлашгани Хотинқўприкка ошиқдим.

Ортиқча эҳтиросга берилмайдиган онажоним биринчи бор мени бағрига босиб кўзларига ёш олди.

– Яхши бориб кел, худойим омадингни берсин, – дея дуо қилди.

Соат тўққизга қолмай билим юртига етиб келдим. Директордан ҳозирча хабар йўқ. Ҳа, дарак бўлмайди-да. Раҳбар эрта тонгда хизматга келадими? Раҳбар бироз кечикиб келади. Раҳбар шошилмай келади.

Хаёлим Масков томонларга парвоз айлади. Охирги ўттиз йил давомида бирор бир ўзбек ўқимаган институтга Шавкат икковимизни қабул қилармикан?

Санъат тарихидан сабоқ берган Пешковнинг айтишича, "Суриков" институтига фақат бир киши, у ҳам бўлса Абдулҳақ Абдуллаев урушдан бурун ўқишга кирган экан. Фақат уруш бошланиб, ўқишнинг иккинчи курсидан Тошкентга қайтишга мажбур бўлган экан. Ўша йиллари Уралнинг Пермь шаҳридан бу институтда Чингиз Ахмаров ўқиган экан, сўнг 1948 йили устозлари Грабарнинг тавсияси билан Шчусев бошчилигида Тошкентда

қурилаётган опера ва балет театрини безатиш ишларида фаол қатнашган экан.

Ширин хаёллар, ширин хаёллар... Шундай катта институтда ўқисам, Абдулҳақ, Чингиз акаларга ўхшаб катта рассом бўлсам...

Ширин хаёллар билан соатни ўнга яқинлаштириб қўйибман. Директор Файзираҳмоновдан дарак йўқ. Юрак чидамай, билим юртидан чиқиб, Шавкат билан кўчада пойладик.

Ваҳима боса бошлади. Келмаса нима бўлади? Билетимиз куяди. Имтиҳонларга кечикамиз. Йўқ-йўқ, ноумид шайтон.

Бешёғочдаги почта биносининг бурчагига осилган думалоқ соат миллари титраб-титраб ўн бирга яқинлашаяпти. Бизда ҳам титроқ ва юрак ўйнаши бошланди.

Шу вақт, шу вақт директор Файзираҳмонов кўринди. Ҳа, ҳа, ўзи баланд бўйли, озғин, сариққинадан келган, бошида шляпа, қўлида папка, бамайлихотир келаяпти.

Истиқболларига ошиқдим. Салом бериб самолётга кеч қолаётганимдан сўз очдим. Энсаси қотди. Бироз хўмрайди. Шу алфозда орқасидан эргашиб билим юртига кириб бордим. Ҳозир сейфидан кўм-кўм дипломимни олиб тутқазади. Кечикканидан хижолат тортиб, оқ йўл тилайди...

Лекин у шошилмас эди. Кутиш азобидан адойи тамом бўла бошладим. Ҳайтовур, директор Файзираҳмонов менга тик қаради.

– Сенга дипломингни беролмайман, – деди-да, котиба қизга қаради. – Жуда жонга тегди шу Мирзаев. Ўқишни битиргани ҳақида справка ёзиб бер.

Ҳеч нимага тушунмай қолдим. Диплом, справка, справка, диплом, дипломнинг нусхаси...

Ҳа майли, нима бўлса ҳам қўлимга бир варақ қоғоз тутқазса бас, йўқса самолёт учиб кетади, орзуларим учиб кетади, ниятларим учиб кетади.

Справка деган матоҳни олиб директор Файзираҳмоновнинг хонасини тезда тарк этдим. Дарвоза тагида мени жиғибийрон бўлиб кутаётган Шавкат билан юкларимизни орқалаб катта кўчага чопдик.

Омадимиз келиб эски "Виллис" машинасини тўхтатиб юкларимизни ортдик. Ҳайдовчига худонинг зорини қилдик, "тезроқ ҳайданг, амаки" деб ялиндик. Ҳайдовчи бизни тушунди, ҳайдовчи ҳаяжонимизга шерик бўлди, ҳайдовчи машинасини сакратиб-сакратиб, чангини чиқариб ҳайдади.

Биродарлар, биродарлар! Етимнинг ноласи худога етиб борди, етиб борди. Самолётга илиндик, илиндик. Ўриндиққа жойлашиб олдик.

Юрагимга "тинчлан, тинчлан" десам ҳам тинчланмаяпти. Тинчланса, тинчланмаса ҳам хурсандман. Бахтиёрман, худога шукур. Самолёт титраб куч йиға бошлади. Самолёт парвозга тайёр. Юрак уриши бироз тинчланди. Самолёт сакраб-сакраб, титраб-титраб югура кетди. Ана, ғилдираклари ердан узилди. Менга нима бўлди, нима бўлди? Кўзимдан дув-дув ёш оқа бошлади. Тушуна олмадим. Йигитга ярашмайди-ку, бу аҳвол, ярашмайди.

Самолёт баландликка кўтарила бошлади. Менинг эса хўрлигим келяпти. Нега директор Файзираҳмонов хаёлимдан кетмаяпти? Нега дипломимни бермади, нега дипломимнинг нусхасини бермади? Кўз олдимдан директорнинг нусхаси кетмай қолди.

– Сенга ким қўйибти, сенга ким қўйибти Масковда ўқишни!

"Ҳа, ҳали қараб туринг, мен катта рассом бўлай, катта рассом бўлай..."

Бирданига директор Файзираҳмоновнинг сурати кўз олдимдан йўқолди. Кўз олдимда Каллахона намоён бўлди. Ана маҳаллага кираверишда Фарҳод девона кўринди. Оғзида ўша-ўша гап: "Ана Туляган Афандининг малайи кита! Матур бола уйнасин, матур бола уйнасин, матур бола уйнасин!"

Биродарлар! Фарҳод менга оқ йўл тилади, оқ йўл тиламоқда! Яшавор, Фарҳод, жонинг омон бўлсин, Фарҳод!

Тамом



НАСР

Жуманазар БЕКНАЗАР

1946 йилда туғилган. Тошкент Давлат медицина институтини тугатган. Тиббиёт фанлари доктори, профессор. Республика матбуотида шеър ва ҳикоялари эълон қилинган. "Болангиз нега безовта?", "Гулдек нозик", "Тош балоси", "Манзилдан кейинги йўл", "Ватан – ёниқ юрагим", "Изтироб комидан" каби насрий китоблар муаллифи. "Шуҳрат" медали соҳиби.

ҚАШҚА ЙЎРҒА

Қисса*

Ҳисор тоғ тизмалари ортидан уфқ тобора оқариб келмоқда. Оқгузар қишлоғининг кунчиқар тарафидаги кенг ҳовли уфқ қизиллигига чулғанганда Ҳисор чўққилари бағридаги чўнг харсанглар кўзга яққолроқ ташлана бошлади. Хаёлни зилдай босиб туришга қодир салобатли тоғ чўққилари худди чопса етиб оладигандай ажабтовур яқин кўринади.

Парда раис чўққиларга узоқ тикилди. Қани энди қўли узун бўлса-ю, ҳув узоқда ёлғиз қолиб хўрсинаётган катта харсангни силжитиб, шундоқ қияликнинг ёнбошига ўрнатса... Ўшанда бу уч баҳайбат харсанг учбурчак шаклини олиб, бошқалари билан мутаносиб жойлашарди-да, гўзал бир манзара ҳосил этарди. Балки шу тургани ҳам маъқулдир, деб ўйлади Парда раис, буям бир хаёл-да...

Бу орада ҳув анави ҳали қори кетиб улгурмаган тоғ чўққисининг шундоқ ёнгинасида оппоқ парга ўхшаган булут пайдо бўлди. Салдан кейин қуёш чарақлаб, қорлар янада ярақлайди; булут эса офтобнинг заррин нурларидан қизил-сариқ бўлиб товланишга ту-

САДОҚАТ ҲАҚИДА ҚИССА

Инсоният отни хонакилаштирганига неча минг йил бўлгани аниқ эмас. От асрлар оша инсоннинг содиқ йўлдоши бўлиб келмоқда. Дунё халқларининг оғзаки ижодида ҳам, жаҳон адабиётида ҳам отлар садоқат тимсоли сифатида таърифланади. Гўрўғлининг Ғиркўки, Алпомишнинг Бойчибори, Искандар Мақдунийнинг Буцефал, Жалолиддин Мангубердининг Самани, Амир Темурнинг Хонўғлони бунга мисол бўла олади. Аждодларимиз от боғланган ҳовлининг файзи бўлакча деб билишган. Ота-боболаримиздан қолган бир нақл бор: ҳар хонадонда битта от бўлсин, агар от бўлмаса ҳам унга атаб уйнинг олдига яккамих қоқиб қўйилсин. Чунки яккамих ҳамиша отни тилаб тураркан. Отнинг баъзи бир хусусиятлари инсонникидан-да баланд экан. Масалан, от ҳеч қачон кўрмаган бўлса-да, ўз аждодини танийди.

Жаҳон адабиётида, хусусан, миллий адабиётимизда от ҳақида кўплаб асарлар мавжуд.

* Журнал варианти.

шади. Агар булутга чўққига мос шакл берилса, ажойиб рангли тасвир намоён бўлади. Ана, чўққининг бошқа тарафидан ҳам яна бир бўлтак булут чиқиб келди. Буниси энди ортиқча. Агар сал қуюқлашса борми, манзарани буткул бузади. Ҳа, майли, табиат ўз ўйинини ажойиб тарзда кўрсатаверсин, ахир бу ўз номи билан табиат...

Парда раис катта дарвозадан ташқари чиқди. Қашқа йўрға уни кўриб бошини кўтарди, бир-икки пишқириб, ўнг туёғи билан бир-икки ер тирнади. Раис отнинг бўйнини, ўмганини меҳр билан қашлади. Ҳар доим шундай: от бундан роҳатланиб, шу заҳоти тинчлик қилади. Бу, энди тайёрман, мени эгарлайвер, дегани бўлади. Раис отининг феълини яхши билади, ўз навбатида унинг ҳам ҳар бир ишораси, йўтали, овозидаги оҳанг Қашқа йўрғага аён. Улар салкам ўн йиллик қадрдонлар-да!

Тоғ ортидан чарақлаб чиққан қуёш чўққининг ўнг тарафидаги булутни ёритиб, ажиб бир тус берган, булутдан ўтолмаган нурлар эса унинг орқасида худди тароққа ўхшаш тўлқин-тўлқин нурлар ҳосил қилган, манзара чиндан ҳам ғаройиб эди.

Раис от бошини қунботар тарафга – адоққа бурди. Қашқа йўрға ҳар кунги одатини қилиб: "Чуҳ, жонивор" дейишларини ҳам кутмасдан юриб кетди. Раис жиловни эркин қўйиб, ўнг оёғини узангига тиради-да, қўлидаги жигарранг дастали қамчини ўйнаганча, кенг далаларга ҳавас билан кўз ташлади.

Йўрға кенг тупроқ йўлга тушиб олди. Гарданига урилаётган майин шабададан ҳузур қилаётган раис, ҳар замонда бошидаги шляпасини учиб кетмасин дегандай, қоши устига босиб-босиб қўяди. Қашқа йўрға шиддатини пасайтиришни истамайди. Ёллари таралиб, пешонасига тушиб турган пўпаги эгар томонга қайрилганидан шабадада чиройли пирпираб бошлайди. Ерга тегай-тегай деб турган думи шамолда ўзини ҳар ёққа отиб ўйнайди. Туёқлардан кўтарилган чанглар пастга тушолмай, бизни не аҳволга солиб қўйдинг, деб ўпкалагандай узоқ вақт ҳавода муаллақ туриб қолади...

Йўрғанинг таърифи зўр, овозаси Қашқа воҳасини тутиб кетган. Одамлар: "Унчалик эмасдир-ов, жуда зўр йўрға эмиш... Лоф ҳам эви билан-да..." дейишар, келиб кўришгач: "Қойил-е, шундай йўрғани минганинг армони бўлмаса керак", – деб қўйишарди.

Чиндан ҳам, Парда раиснинг армони йўқ. Раис бўлганига ўн йилдан ошибдики, Қашқа йўрға у билан бирга. Иккаласи худди туғишганлардан ҳам ортиқроқ бир-бирига қадрдон бўлиб кетишган. Бунинг сабаби бор...

* * *

Бир куни сўзамол Элмурод чавандоз бундай деди:

– Йўрғангизни кўрганимда, раис, Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг тулпори эсимга тушади. Сизнинг дулдулингиз айни Хонўғлоннинг ўзи!

– Йўғ-е! Мақтаб юбордингиз-ку! – хижолат тортди Парда раис. – Ўҳ-ҳў! Хонўғлон-а! Йўғ-е!.. Жуда унчаликмасдир...

– Ҳа-ҳа! Қашқа йўрғангиз бағоят насли тоза, хосиятли от... Хонўғлоннинг нақ ўзи...

– Мақтовнинг ҳам кифтини келтирасиз-да... Сизнинг Гулистонингиз ҳам шундоқ, қолишмайди...

Элмурод чавандоз Хонўғлондан гапиришни яхши кўрарди. Ҳар гапирганда ривоятга қандайдир янги тўқималар қўшилиб кетар, Хонўғлон воқеаси ўзгариб, тобора "бойиб" борар, от тавсифи афсоналарга ўралганидан маҳобат касб этарди. Раис чавандознинг бироз лофга мойиллигини билар, аммо чиройли сўзлаганидан, беихтиёр ишониб кетарди.

Э. Сетон-Томпсоннинг "Ёввойи йўрға", Чингиз Айтматовнинг "Алвидо, Гулсари", Саид Аҳмаднинг "От билан суҳбат" асарлари Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" тетралогиясидаги Хонўғлон, Тоғай Муроднинг "От кишнаган оқшом"идаги Тарлон фикримизга далилдир.

Адабиётимиз от ҳақидаги яна бир қисса билан бойиди. Ўзининг шеърлари, қиссалари билан китобхонларга танилган Жуманазар Бекназарнинг "Қашқа йўрға" қиссаси мана шу мавзудаги асарлар қаторига киради.

"Қашқа йўрға" қиссасида Парда раис ва унинг оти Қашқа йўрға мисолида ўтмиш ва замон тутими тасвирланган. Асар инсон ва отнинг дўстлиги, бошқачароқ қилиб айтсак, инсон ва табиат уйғунлиги, инсон ҳамиша табиатни, жониворларни ҳис қилиши зарурлиги ҳақидадир. Қиссада воқеалар асосан қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Отнинг сифатлари ҳақида сўз кетганда чавандозлар тилидан берилиши, масалан, Элмурод чавандознинг, Содиқ чавандознинг ҳикоялари ўқувчини кўпроқ ишонтиради. Қиссада Атилла ва Алп Арслонхон ҳақидаги тарихий ривоятларнинг келтирилиши, бугунги кунда арзимас кўринган, аммо, отни бошқариш учун узанги, сувлиқ, жуган каби абзалларнинг ўйлаб то-

Элмурод чавандознинг биринчи ҳикояси

– Хонўғлон мисли йўқ от эди... – деди чавандоз. – Хожаси унинг жуганини нотаниш йигитга тутқазганида нохуш бир ҳодиса рўй бераётганини сезди ва бошини илкис силкитиб, беозоргина пишқирди. Олдинги оёқлари билан бесабр ер депсинди. Ўзига қадрдон бўлиб қолган, Кўксаройнинг ялтироқ қобирғали нимкўк гумбазига узоқ вақт тикилди-да ҳазин кишнаб қўйди. Бу галгиси унча ўхшамади. Хожаси аста келиб унинг пешонасига, бўйнига тушиб турган қалин ва дағал ёлларини силаб, бошини бошига тиради... От унга садоқатини яна бир карра билдирмоқчи бўлиб, хавотир олманг, мен сизнинг шаънингизга доғ туширмайман дегандек, хожасининг бўйнини узоқ искади ва лаблари билан қулоқларини мулойим ялади. Хожасининг ниманидир кутаётганини, астагина "Ўзимнинг Хонўғлоним!" дея пешонасини меҳр билан силаганидан безовталиги минг чандон ошди. Нотаниш йигит унга бесўнақай минганидан от нохуш ҳодиса содир бўлаётганини тушунди, саросимада бир хожасига, бир атрофдаги одамларга қаради. Хожаси ҳар сафар минганида бир кишнаб сакраш одатини канда этмайдиган тулпор бу сафар нима қилишини билмай талмовсиради, каловланди. Хожасининг ўзидан узоқлашиб кетаётганини кўриб, олдиндан айрилиқнинг аччиқ азобини туйгандай бўлди. Жугани таранглашиб, сувлиғи лунжини оғритар даражада қаттиқ тортилганини сезса ҳам, нотаниш йигитнинг "чуҳ" деганини эшитмаганга солиб, хожасининг изидан маъюс термилиб қолди. Иккинчи "чуҳ"дан сўнггина, истар-истамас, ўзидан анча узоқлашган бегона отлар изидан аранг қўзғалди.

Бир кунлик йўлдан кейин отлиқлар тўхтадилар, аввал бир-бирлари билан қучоқлашиб, кейин ажралишдилар. Тулпор уларнинг аксарияти анчайин кузатувчилар эканини, энди улардан ҳам айрилиб, бегона отлар билан ёлғиз ўзи нотаниш йигит қаёққа жуганини бурса, ўша ёққа кетишга мажбур эканини ҳис этди...

От йўлнинг нотекислигидан бир неча бор суринди, тошларга ҳам қоқилди. Тулпорнинг ер депсиниб ўрмалагандай юриши, баъзида суриниши нотаниш йигитга ёқмади шекилли, от сағрисига кетма-кет қамчи босди. Қамчининг аччиқ азобини умри бино бўлиб тортмаган Хонўғлон таажжубда, эгарида ўтирган нотаниш йигитнинг ўзидан нима талаб қилаётганини, не истаётганини тушунмади. Бошини у тарафга сал кўтариб қараган эди, бўйнининг чап тарафига икки бор жуда кучли қамчи зарбаси тушди. Тулпор ногаҳон ғазаби ортиб, олдинги оёқлари билан баланд сакради. Қаттиқ кишнаб, бошини олд тарафга чўзиб, узоқдаги ўтов ёққа шиддат билан елиб кетди.

Нотаниш йигит чайир-чаққонлардан экан, эгар устида маҳкам жойлашиб, отнинг бундай ажабтовур қилиқ ила чопишидан завқ олгандек қийқириб, ҳавода қамчисини ўйнатиб, узангиси билан унинг қорнига ниқтаб-ниқтаб борарди. Тулпор бундан ҳеч нарса чиқмаслигини сезди; чопишини секинлатиб, аввал лўкиллаб, сўнгра секин йўрғалашга тушди. Ўтовга етиб келишди. Тулпорни шоҳона қозиққа эмас, балки бошқа отлар қаторида оддий қозиққа боғлашди. Нотаниш йигит мазах қилишнинг турли-туман усулларини ўйлаб, тулпорни хожасидан оддий қирчанғи от ўрнида қабул қилганини англатиш учун шундай йўл тутаётган эди. Тулпорнинг юраги сўлиш олиб, пешонасида ҳар доим тиккайиб турадиган ёли шалпайиб кўзи устига тушди, қулоқлари ортидан аччиқ тер чиқиб кетди. Айни шу пайт нотаниш йигит ва бир талай одамлар ўрашиб, унинг бўй-басти, ёли, ўмгани, сағрисини томоша қила бошлашди.

пилиши ўша давр учун катта воқеа бўлганлиги, отнинг сезгирлиги қиссада жуда яхши тасвирланган: "Эгарда ўтирган жангчининг ҳар бир ишораси, узанги тепкиси, қамчининг бўйнига, чап ёки ўнг сағрисига тегиши, товушида фақат ўзлари тушунадиган ишоралар бор. Алп Арслон жангчиларининг устунлиги шу, холос".

Асарнинг ўзига хос томонларидан бири воқеа кечаётган замон билан ўтмишнинг воқеалар силсиласи билан уйғунликда боғланишидир. Қиссани ўқиб бўлгач Қашқа йўрға, Гулистондек отингиз бўлишини орзу қиласиз. Улар сизнинг дўстингиздек бўлиб қолади, замона зайли ва сиёсати инсон ҳаёт тарзига фожиали из солгани ва оқибатда "йигит қанотлари"нинг қайрилгани, Гулистон ва Қашқа йўрғанинг аячли тақдирига ачинасиз. "Қашқа йўрға" қиссаси от ҳақида битилган қасидадек ўқилади ва сизни табиатга, жониворлар оламига янада яқинроқ бўлишга ундайди.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ЎзМУ доценти, адабиётшунос

Асаби зўриққанидан қулоқлари орқаси терлаганини кўришиб, “қарибди” дейишди. Тулпор унинг айрича хусусиятларини англашмасин учун бошини эгиб, бор нафасини чиқарди-да, қорнини ичига тортганича, олд ва орқа оёқларини икки томонга айириб, билинар-билинмас нафас ола бошлади. Одамлар буни кўриб: “Тулпор эмас экан” дейишди-да, ундан узоқлашдилар.

Уч кун давомида сув ичмаган, арпа ҳам, беда ҳам емаган тулпор ўзини ҳолсиз сеза бошлади. Ниҳоят, тўртинчи куни уни бошқа отхонага ўтказишди. Тулпор у ердаги отларга назар солиб, бирорта ҳам ўзига тенг от кўрмади. Ниҳоят сув ва арпа келтиришди. Лекин унга беришмади. Ёнидаги човкар отнинг маза қилиб арпа чайнаётганини кўриб, ҳаваси келди; у томонга сал яқинлашган эди, човкар қизғаниб уни орқа оёқлари билан чунонам тепдики, буни кутмаган тулпорнинг заҳа еган ўмганидан қон оқа бошлади. У ўзининг бу ерда энди кераксиз эканини тушунди-да, кеч тушиши билан қозиққа боғланган нўхтанинг арқонини чайнай бошлади. Ғажий-ғажий арқоннинг анча ингичкалашганини сезди-да, қозиқнинг бериги тарафидан нариги томонига тез чопиб, бор кучи билан силтанди. Таранглашган арқон шарт этиб узилди. Тулпор отхонадан чиқди-да, юлдузларга узоқ тикилди ва Кўксарой томон мўлжални олиб, аввал тезроқ, ўтов роса кўринмай қолгач, секин чопиб йўлга тушди. Кундузи ўзига таниш белгиларни илғаб Кўксарой томон елдек уча бошлади. Узоқларда отлиқлар кўринса, уларни четлаб ўтиб, адашмаслик учун аввалдан олган мўлжалига кўра, кунчиқардан сал ўнгга қараб, елиб борарди. Кўлмаклардан, киччкина ариқчалардан чанқоғини қондирар, даладаги ўтдан тотинишга эса вақтни қизғанар, ўмганидаги яраси ачишиб оғриётганига, қорни очлигига қарамай, тезроқ хожасини кўришга, Кўксаройнинг сомон тўшалган бурчагига етиб боришга интиларди.

Ниҳоят, бир куни узоқдан Кўксаройнинг қобирғали нимкўк гумбази қуёш нурида ярқираб кўринганида жойида таққа тўхтади, бошини баланд кўтариб, чуқур нафас олди, кўзи равшанлашгач, бир кишнаб қўйди. Қадамлари илдамлашди, баданига ҳузур бағишловчи қувват ва ирода инаётганини сезди-да, керилиб, роҳат қилиб пишқирди. Қуёш энди қиздира бошлаган чоғда Кўксарой дарвозаси олдига етиб келди ва қаттиқ кишнади. Аммо бу аввалгилари сингари ўктам ва жарангдор кишнаш эмас, анча қувватдан қолган отнинг саси эди.

Дарвоза олдидаги қоровуллар бир-бирларига нималар дейишганини эшитмаган бўлса ҳам, улардан бири келиб, унга диққат билан разм солганидан, сўнгра шошганича бурилиб, ичкарига кириб кетганидан юраги гурс-гурс ура бошлади. Тулпор хожасининг чиқишини ва ўзини Кўксарой ичкарисига етаклаб киришларини орзиқиб кутар, кўзёшлари нўхтасини ҳўл қилаётганини сезарди. Ниҳоят, кифтига юпқагина чопон ташлаган хожаси кўринди. Тулпор бор қуввати билан наъра тортиб юборгандай бўлди, худди аввалгилардек олд оёқларини баланд кўтариб сакрашга уринди, аммо қуввати етмади. Хожаси етиб келиб, унинг бўйнидан қаттиқ қучоқлади, отнинг пешонасига пешонасини тираб: “Хонўғлоним! Келдингми!” дея олди, холос. Иккаласи ҳам товуш чиқармасдан йиғларди...

Ана шундай, раис! Сизнинг йўрғангиз, Гулистон, Ғузор тўрасининг тарлони, Қалқон бованинг човкари, Жовли Очил чопағоннинг тўриғи – бари-бари Хонўғлондан тарқаган тулпорлар, унинг авлодлари.

* * *

Парда раис ёзми-қишми, баҳорми-кузми, қайси фасл бўлишидан қатъий назар, ҳар тонг соат бешда ўрнидан туриб, юз-қўлини ювгач, ички ҳовли дарвозасини ланг очиб, энг аввал ўнг тарафдаги бостирмага қарайди. У ерда боғланган Қашқа йўрға ҳам кўзи раисга тушган заҳоти бошини эгиб, гўё салом бераётгандек секингина пишқиради. Сўнгра бошини адл кўтариб, диққат билан кузатиб туради. Раиснинг қўли отнинг ўмганига теккан заҳоти ўнг оёғини баланд кўтариб, аста ер тепинади. Бу хурсандлик аломати экани Парда раисга кундай аён. Қашқа йўрға аста тепинган маҳали раис ҳам оҳиста товуш билан хиргойи бошлайди:

Қашқа йўрға, о, қашқа йўрға,
Ёлларингни майин тарайин.
Қувончимни яшириб зўрға,
Ғиркўкимсан, дея алқайин.

Қашқа йўрға, о, жийрон йўрға,
Яна сени қандай мақтайин.
Сен билан мен битта қобирға,
Бойчибордай бўлишинг тайин.

Хиргойини эшитган заҳоти Қашқа йўрға тинчланади; раис отнинг қаншарини, пешонасини, ўмганини, сағрисини, белини оҳиста қашиган сари қуйироқ эгилади, раиснинг кўкрагига бошини тегизиб, бир маромда нафас олади. Унинг бу феъли эъзозланганига жавоб, гўё хожасига таъзими эди.

Ўн йилдан ошибдики, Қашқанинг йўрғаси бир хил, ҳеч ўзгармайди. Эняптими, юқорилаяптими, юраётган йўли ўнқир-чўнқирми, теп-текисми, тупроқми ёки тошлоқми, фарқ қилмайди, бир текис йўрғалайди.

Парда раис бир воқеани доим мароқ билан эслайди, бағрига шамол теккандек ҳузурланади. Бу воқеа бундан беш йил аввал юз берган. У Ҳисор тоғининг анча ичкарисидаги Оққишлоқдан Қашқанинг йўрғасини кўриш, синаш учун келганлар билан гаров ўйнади. Гаровга ҳисори кўчқор тикилган эди. Раис Қашқанинг эгарига ўтиргач, унга тўкилай-тўкилай деб турган чалоп тўлдирилган тол товоқни узатишди. Гаров шарти содда – йўрға юрганда чалопдан бир томчи ҳам тўкилмаслиги керак.

Раис идишни чап кафтига олди, "чуҳ, жонивор!" сўзини ҳам астагина айтди, от майин йўрғалай кетди. Белгиланган жойдан, айни мактаб тўғрисидан орқага бурилди ва жилган жойига келиб тўхтади.

Гаров бойлаганлар чопиб келишиб товоққа қарашди. Адрас чопон кийиб, устидан белбоғ боғлаган, қорачадан келган баланд бўйли Аллаберди "қойил-е, қойил!" – деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Аммо ёнида сал ғўдайиб, янги чарм этигининг товонини бир-бирига дам-бадам уриб, ўзини кўз-кўз қилаётган йигит шошилмай от олдига келди-да, салмоқли деди:

– Раис бува! Энди... От йўртганида қўлингиз билан тол товоқнинг мувозанатини сақлаб турдингиз. Йўқса, чалоп албатта тўкиларди. Агар товоқнинг таги эгар бошида турса, сиз бундай қила олмасдингиз.

– Ука, – деди раис товоқни Аллабердига узатаётиб босиқлик билан. – Отга сизни миндирсам, ўзингиз синаб кўрсангиз. Гаров ҳақиқий бўлиши шарт. Йигит лафзи билан йигит!

Раис Қашқанинг бошига бошини қўйиб, эркалаб, ўмганини уч марта оҳиста силади. Отнинг жиловини бўшатмай, йигитга, мининг, дея ишора қилди. Йигит ҳам чаққонгина экан, тезда эгарга жойлашиб олди. Парда раис чалоп тўлдирилган тол товоқни эгар бошига қўйди, мулойим ва сал титраган товуш билан "Йўрғагинам..." деди. Сўнг йигитга қаради:

– Аввал товоқни яхшилаб эгар бошига ўрнатинг, қўлингиз билан сал ушласангиз кифоя. Мактаб тўғрисидан орқага қайтасиз. Фақат жиловни силтаб тортманг, отга азоб берманг. "Чуҳ, жонивор!" десангиз бас...

Қашқа мактаб томон йўрғалай кетди. Синчковлик билан қараб турган Аллаберди: "Ё, тавба! Худоё қудратингдан! Умрим бино бўлиб, бундай ақлли жониворни кўрган ҳам, эшитган ҳам эмасман", – деб юборди.

Мактабнинг рўпарасига борганда Қашқа ортига қайтди. Фақат қайтиш доирасини каттароқ олди. Буни кўрган Аллаберди қойил қолиб қўлини тиззасига урди. Раис фахрланганидан томоғини қириб, товушини баландлатиб: "Ана шундай!" деб юборди. Қашқа йўрға маррага яқин қолганида юришини секинлатди, раиснинг рўпарасига келганда оҳиста тўхтади.

Йигит тол товоқни қўлида тутиб, чалопни охиригача симирди ва осмонга қараб кўкрагини тўлдириб чуқур нафас олди. Бир эгар бошига, бир отнинг жабдуқларига қаради, истар-истамас ўнг оёғини узангидан чиқарди. У отдан тушишга шошилмас, нимадир демоқчи бўлар, фикрини бир жойга жамлаб ифодалашга ожизлик қилганидан дангал сўзлар қидирар, лекин топа олмай қийналаверди. Ниҳоят, жиловни раисга тутқазди:

– Раис бува! Раис бува... ҳа... ҳа... сизнинг отингизга, йўрғангизга қойилман! Тол товоқни шу гаровдан эсдалик сифатида олиб кетаман! Ўрнига ширбоз қўзи бераман. Раис бува! Сизники ҳалол! Гаровни ютдингиз! Ютдингиз!

Аллаберди Қашқа йўрғага таҳсинлар айтди.

Бу воқеадан кейин Парда раис, отнинг деви бор, деган гапга жуда ишонди. Ахир Қашқа йўрға раиснинг, чалоп тол товоқдан тўкилмасин-да, деган истагини англади-ку! Отнинг ўзига яраша сеҳри бўлади, от эгаси буни сал тушундими, англадими, тамом, от ўз эгасининг чин вафодорига айланади.

* * *

...Раис тун ярмида идорадан қайтарди. Ярим вайрона чалдивор олдидан ўтар экан, кўнглида аллақандай тушуниб бўлмас ваҳима пайдо бўлди. Кўнгли озди, ўққичиси келди. Шу кез юрагида қаттиқ санчиқ турди. Оғриқ босиш учун отнинг бўйнига сал энгашиб, жиловини қўйиб юборди. Оёқларини узангидан чиқариб, чап тиззасини букди. Чап кафтининг бармоқлари билан юрак устини, оғриётган жойини ушлади, ўнг кафти билан чап қўлини босди. Шу вақт чалдивор ичида бир нарса қаттиқ тапиллади. Бундан от ҳуркиб, чап томонга кескин бурилди ва сакраб йўрғасини югуришга алмаштирди. Ўзини эгар устида ушлаёлмаган раис пастга қулади.

Қанча ётганини билмайди. Кўзини очганда осмонда саноқсиз юлдузлар кўринарди. Ўрнидан туриб ўтирди. Шу заҳоти бироз калта ва тиззасидан букилмайдиган ўнг оёғи зирқираб оғриётганини сезди. Турмоқчи эди, аммо оёғи зирқираб, беихтиёр "воҳ" деб юборди. Оёғининг оғриган жойини силаётиб, отидан хавотирда атрофга кўз югуртирди. Йўрға ўттиз қадамлар нарида унга тикилиб турар, бошини ҳар силкитганида кўзида фалакда балққан ойнинг акси шуълаланарди.

Парда раис ўрнидан астойдил турмоқчи эди, лекин оғриқ кучайди, юраги яна қаттиқ санчди. Раис ўзида хиргойи қилишга куч топди:

Қашқа йўрға, о, Қашқа йўрға,
Ёлларингни майин тарайин...

Қашқа бу товушни эшитиб, икки марта пишқирди-да, бошини қуйи эгиб, раисга яқинлашди. Раис бошини от бошига қўйиб, тиззасини сийпалади. Йўрға чўккалади, орқа оёғи билан тиззалаб, сурилиб раисга яқин келди. Раис сирғалиб юриб эгарга қорни билан чиқиб олди, бир амаллаб ўнг оёғини от устидан ошириб ва секингина: "Чуҳ, жонивор!" деди. От уй томонга қараб йўрғалаганча юриб кетди... Шу воқеа сабаб раис уни "Қашқа йўрғам, халоскорим!" дейишдан чарчамайди.

Парда раис ўйлар гирдобида Мирзапўчоқ қишлоғига яқинлашганини ҳам сезмай қолди. Ҳайдалган кенг дала нақ қишлоқ ҳовлиларининг дарвозасига тақалади. Чигит экилгандан кейин ҳовли эгаларига қийин. Мол-ҳолини далага туширмаслик учун етаклаб сурувга ёхуд подага қўшади. Шудгор учун мўлжалланган дала ҳудуди ҳар йили кенгайтирилади, чунки пахта топшириш режаси муттасил ошиб боради.

Раис отнинг бошини ўнгга бурди, қишлоқдан олислайдиган йўлга тушди. У яхши билади: Қашқа йўрға айни Элмурод чавандознинг ҳовлиси ёнига етганда аввал бошини силкитиб пишқиради-да, кейин қаттиқ кишнайди. Ҳовли ичкарисидан жавобан бошқа бир отнинг кишнаши эшитилади. Парда раис бугун отларнинг ўзаро кишнаши бошқаларга халақит бермасин, деган ўйда ўнгга бурилган эди.

У бундан бир ҳафтача бурун Содиқ чавандоз билан бўлган гурунгни эслади. Чавандоз киришимли суҳбатдош, Элмурод чавандоздан ҳам сўзамол, воқеаларни қойилмақом ҳикоя қилишга уста эди. Айниқса, унинг "Мен сизга айтсам, раис", деб салмоқлаб гапириш одати ёқади.

– Мен сизга айтсам, раис бизлар ўртача чавандозмиз. Чавандознинг зўри Худойқул эшабоши бўлган. Эшабошига тараф йўқ... – деярди Содиқ чавандоз.

– Билишимча, эшабоши дегани тўқсабодан баландроқ даражада бўлган. Шундайми, чавандоз?

– Мен буни тушунмайман. Балки тўғридир. Лекин Худойқул эшабошиликни тўқсабо бўлмасдан олган.

– Бу жуда қизиқ-ку! Қандай қилиб?

– Сиз ҳам суҳбатни чуқурлаштирдингиз-да, раис. Энди бўлмасам, келинг, отларни ўтга қўяйлик-да, чим устига ёнбошлаб бир гаплашайлик. Мен ҳам сизга эшитганимни айтаман.

Содиқ чавандознинг биринчи ҳикояси

...Кўёш тоғ чўққиларидан анча кўтарилган. Баҳор ҳавоси этни жунжиктиради. Осмонда тўп-тўп булутлар сайр қилмоқда. Худди ерда нималар содир бўлаётганини кузатаётгандек, улар ҳам секин сузади. Бойсун тоғининг шундоқ этагида ястанган кенг, кўмкўк адир бўйлаб гуруҳ-гуруҳ жойлашган отлиқлар ниманидир сабрсизлик билан кутади. Ҳар бир гуруҳ бошида сумбати келишган, чиройли, катталиги, бўйнининг узунлиги, бошини ўйнатиб тик қараши билан бошқа отлардан яққол ажралиб турадиган човкар, бўз, жайрон, қуранг, саман, тўриқ, чибор, қорақашқалар ҳар замонда оёқларини силкитиб-силкитиб ер тепинади. Бошларини силкитиб-силкитиб пишқирганда эгарда ястаниб ўтирган чавандозлар “тисс-тисс, жонивор” дея жуганни тортиб, “сабр, сабр”, деб қўяди.

Гуруҳлар ўртаси ва орқасида чўбир, қирчанғи, ғўнон отлар ҳам кўзга ташланар, улар улоқчи эмас, шунчаки томошага миниладиган отлар. Шунда қаердандир овоз эшитилди:

– Баковул, отлар кўп, мингдан ортиқ. Такаларнинг сал ёши ўтганлари, аммо семиз-семизларидан йигирматаси сўйилган.

– Бинойи. Ҳар бир зотда биттадан ташлаймиз. Жуда яхши бўлади.

– Бош совринга тана сўйдик, олтмиш килоча келади.

– Тўғри қилибсизлар. Бир терлашсин. Амирлик меҳмонларнинг барчаси етиб келдими?

– Сурхон, Қашқа, Самарқанд, Бухородан келган меҳмонлар аллақачон шу ерда. Туркманларга бироз олдин ош тортдик. Афғонлар ҳам етиб келишди. Туркманларнинг ҳам, афғонларнинг ҳам отлари бақувват, чопағон. Ҳаммаси гижинглайди. Бош совринни шулар олар-ов...

– Ўйламай гапирасан-да, Малла. Ўзинг ҳам худди малла отингдайсан, на ўртачисан, на четгир. Ҳа, майли, лекин ғузорликларни кўздан қочирманглар. Тўранинг йигирма битта кучли жуйруқ отлари бор-а... Тағин бойсунликларни доғда қолдирмасин. Айтмоқчи, Жовли Очил келганми?

– Шу ерда, баковул.

– Ҳамма умид ундан. Эй, Худо, шарманда қилма!

– Такани олиб келаверайликми?

– Олиб келинглар!

Баковул таканинг орқа оёқларидан икки қўллаб ушлаб, чапдастлик билан тақимига олди-да, кенг майдоннинг ўртасига от бошини бурди:

– Эй, халойиқ! Чавандозлар! Яхши ниятлар билан катта кўпкари беришга жазм этган амиримиз жаноби олийларининг боши тошдан бўлсин! Умрлари зиёда бўлғай! Қўлни дуога очинглар: амирликда фаровонлик бўлиб, деҳқонларнинг уйи буғдойга тўлғай! Омин!

Бутун майдон бир тўлғониб, “омин!” дея дуога қўл очди. Энди баковулнинг товуши аввалгидан ҳам кучлироқ гуриллади:

– Шунқорлар! Чавандозлар! Амирликнинг кўпкарисини бошлаймиз. Жигит бўлсанг, жигитлигингни кўрсат! Улоқнинг оёғини эгар бошига ўрамайсан, арқон билан чиймайсан, узангидан ўтказмайсан, чавандозга қамчи ўқталмайсан, улоқни ҳалоллаб айирасан. “Ҳалол” демагунимча, улоқни ерга ташламайсан. Бошқаси бекор.

Баковул улоқни ташлаган заҳоти ўзига хос “ур-йиқит” бошланди. Ўртага ташланган таканинг атрофини чавандозлар ўраб олган, кучли отлар ўмгани билан кўндаланг турганини суриб, бошқа бирлари эса тўда орасидан ўзига йўл очиб такага яқинлашарди. Чавандоз энди эгилиб таканинг оёғидан ушлай-ушлай деганда бошқа кучлироқ от суриб асосий доирадан чиқариб юборади. Шунда эгаси отнинг сағрисига уч-тўрт қамчи тушириб аламини олар, жуганини чап ёки ўнг тарафга тортиб, сувлиғини от жағини йиртар даражада тиранглаштириб, отни така тарафга буриб олиб, яна қамчи урарди. От жонивор ҳам қамчи емаслик учун бошини эгганича бор кучи билан така томонга интилар, аммо унга етиб бориш осон эмаслигидан, ҳали қувватини аяши кераклигини сезиб, чавандоз то узангиси билан қорнига қаттиқ ниқтамагунича нафасини ростлаб оларди. Узанги қорнига текканида от жойидан қимирламаса, ё бўйнига, ё бошига, ё сағрисига аччиқ қамчи зарбаси тушишини, бу эса баданини ўяр даражада ачиштириб оғритишини ҳис этар, шунинг учун ҳам жон-жаҳди билан така томонга интиларди. Аммо кучсизлигини, ўзидан ҳам қувватлироқ отлар борлигини сезганлари бошини сал кўтариб, гоҳ у отнинг, гоҳ бунисининг сағрисига тумшуғи билан туртиб, йўл беришни

сўрар, бироқ уларнинг эгарида ҳам такага етиб бориш учун жонини жабборга бераётган чавандозлар ўтирарди.

Қашқа тўриқ така устига келиб, бор кучини йиғиб, то чавандоз эгилиб такани ушлагунича тоқат қилди. Бошқа отларнинг ўмганига, қорнига, сағрисига зарб билан урилишга чидади, бошини қуйи эгиб, эгасига қулай имконият яратиб берди. Эгаси узангини қорнига ниқтаганини сезди-да, олға интилди. Бироқ чавандоз такани қўлидан чиқариб юборди, бир парча жуни қолди, холос. Отнинг кишнагани хайф кетди. Қанча куч сарфлаган эди-я! Энди бунчалик қулай фурсат келмаса керак. Тўданинг четида қолган Қашқа тўриқнинг кўзларидан оққан ёш тумшуғидан томмоқда эди...

Така ташланган ерда отлар теридан кўтарилган буғ эринчоқлик билан осмонга кўтариларди. Улоқни айириш учун "жанг" бўлаётган жой атрофини ўраб турган пиёдаларга "кўзингга қара!", "шундай ҳам қиласанми, галварс!", "чапидан бор!", "боврингни кўтар!", "тақимингга ол!", "мунча ҳаяллайсан?", "четгирдан ҳазир бўл!", "бошини қайтар!", "икки қўллаб ушла!", деган хитоблар бот-бот эшитилар, баковулнинг "ҳалол!" деган бақириғи камдан-кам қулоққа чалинарди. "Ҳалол!" сўзи эшитилгандан кейин отлар бир пас тинчиб қолар, сўнг тақимида бошқа такани ўртага ташлаш учун тайёрланаётган баковул томон ошиқарди. Мана, така ерга ташланди. "Жанггоҳ"да отлар ва чавандозлар орасида ҳалол, қизғин олишув ҳамда тортишув бошланди. Баковулнинг ҳайқириғи эшитилди:

– Ҳалоллаб оласан! Зотига бир туя, бир бия, бир ғўнони бор. Устига ўн тилло танга. Улоқ айирганга ҳалол!

Кўпкари ярмидан ўтавергач, Ғузор тўрасининг гулдираган товуши эшитилди:

– Ғузор, силар ўлдингларма?! Ҳали зот айирмадинглар?! Номус қани? Ор қани? Ё ўзим кирайми кўпкарига?

Бироқ тўранинг шу ҳайқириғидан кейин ҳам ғузорлик чавандозлар улоқ айира олмадилар. Зотнинг кўпи туркманларда кетди. Худойқул полвоннинг қони жўш уриб, ғайрати ошиб, ахта жайроннинг эгарини эзмоқчидай алам билан тўлғанар, бироқ бу оти билан бирон-бир натижага эришиб бўлмаслигини тушунар, фақат тишини ғижирлатиб, тобора тошиб келаётган ғазабини босишга интиларди, холос.

Ғузор тўраси катта умид боғлаган йигирма бир чопағон от эгарига қаққайиб ўтириб олган чавандозларнинг биронтаси ҳам улоқ айиролмади. Ўзларидан кўрсин! Улар Худойқул полвонни назар-писанд қилмасдан, устидан мазах қилгандай кулиб, ахта жайронга миндириб қўйишди. Худойқул полвоннинг шу хаёллардан кейин фикри кескинлашди, ақли тийраклашди: "Худойқул, манави тулпорни мин, кўпкарига кир, деб айтиши шартми? Топқирлигинг қаёқда қолди? Ўзингнинг ким эканингни бугун кўрсатмасанг, яна қачон кўрсатасан? Бундай қулай фурсат яна қачон насиб этади?"

Шу гаплар хаёлидан ўтаётган Худойқул полвоннинг қулоқларига Ғузор тўрасининг аламли ҳайқириғи эшитилди:

– Э-эй-й.... Ғузор! Нонингни ҳалоллаб емайсанми? Биттаям зот айирмадинглар-а? Номус-оринғди берма-да, Ғузор! Қонинг қайнамаяптими, қўнғирот? Қонинг бўлмаса, жонинг бўлмаса, нима қиласан кўпкарида, номард?

Териси юпқа эмасми, бу гаплардан полвоннинг ғазаби келди, атрофга разм солди. Кўпкари бошлангандан бери туркман чавандози Элгелди отини тўдага солмаган. Бир гуруҳ баланд бўйли, бўйни узун, ўмгани кенг отлиқлар қуршовида кўпкарини кузатарди. Муғамбир Элгелди бош совринни кўзлаган. Қайси чавандознинг қандай маҳорати борлиги-ю, отининг нималарга қодирлигини ўрганиб бўлди. Агар шундай бўлса, уккағарнинг бош совринни айириши аниқ. Тажрибаси катта-да, ўзи ҳам чайир, улоқни айириш осон эмас. Нима қилсам экан?

Бош соврин ташланди. Не бир савлатли улоқчопар отлар обрўни кетказмаслик, фалончининг оти бош совринни айирди, деган мақтовни эшитиш илинжида, элининг номус-ори учун пишқириб, жон-жаҳди билан тонага[1] интилар, бироқ ўзидан кучлироқ отлар уни нарига сурар, от эса бошқа тарафдан яна яқинлашмоққа уринарди.

Худойқул полвон Элгелдининг ўз гуруҳи билан тўда ичига кирганини кўрди. Ана энди бошланади томоша! Кучли рақиблар отининг чарчаб қолишини пойлади-я, Элгелди! Жуда қув экан! Ҳа, унинг асосий мақсади бош совринг! Тўғри-да, майдалари унинг баланд обрўсига тўғри келмайди, мард йигит, бу Элгелди. Лекин мен ҳам борман-

[1] Бир ёшга етган бузоқ. Кўпкарида чавандозларнинг соврин олишини қийинлаштириш учун атайлаб шундай бузоқ танланади.

ку! Ўзимни Қўнғиротнинг алпларидан деб юраман. Энди менинг галим келди! Бобом Алпомиш-а!

Худойқул полвон шитоб билан Тўранинг мирзаси минган тарлон томон бордида, мирзанинг қўлидан жуганни бир силтаб тортиб олди, уни эгарнинг устидан пастга ағдариб ташлади. Сўнг отнинг қаттиқ пишқириб нафас чиқариш пайтига тўғрилаб, айил ва пуштани кучининг борича маҳкамлаб тортди, отнинг депсиниб пишқиришига эътибор ҳам қилмай, чап узангига оёқ қўйиб, қаттиқ силкиниб эгарга ўтирди; ўнг оёғини узангига киритди-да, жуганни қаттиқ тортиб "чуҳ, жонивор, тарлоним!" дея ҳайқирди. Бели майишиб кетганидан тарлон эгарга қандай полвон ўтирганини сезди. Хурсандлигидан олдинги оёқларини баланд кўтариб шиддат билан силтаниб сакради, сўнгра қаттиқ кишнаб, забтига олиб олға интилди. Худойқул полвон кўпкари майдонини бир кўздан кечирди-да, тўдага туркман отлари бўлмаган томондан кирди. У биладики, Элгелди тонанинг орқа оёқларини тақимига олган заҳоти, шериклари унинг олдини бегона отлардан тўсиб, тўдадан чиқиб олишини осонлаштиради. Кейин эса, анча жойгача Элгелди билан бирга чопиб, четки ва қочқи отлардан ҳимоялайди, якка ўзининг тўдадан ажралиб чиқишига йўл очади. "Ҳа, тушундим сени, Элгелди, кўрамиз, ким қувроқ, така туркманми ё қўнғирот? Ғиркўкми ё Бойчибор?" Тарлон Худойқул полвоннинг хаёлидан ўтаётганларни тушунгандай бўлди. Кўпкарига қўшилмай, ғайрати танасига сиғмай турганидан ўзгача бир иштиёқ, ўзгача бир ҳаракат, ўзгача бир шиддат билан отлар орасини ёриб ўтарди. Аввал тумшуғи билан икки от сағриси орасини кенгайтирар, узун бўйнини гоҳ чапга, гоҳ ўнгга куч билан силтаб буриб, отлар орасидан бироз жой очарди-да, орқа оёқлари билан тиралиб, ўша жойни эгалларди. Шу заҳоти ўмганини олдга ташлаб, олдинги туёқларини ерга тирарди-да, сал силжигач, бу жойни орқа туёқларига бўшатиб берарди.

Худойқул полвон тарлон ҳали ўмганини ишлатмай, кучини аяётганини сезиб, қулфидили очилди. Полвон отга қамчи урмас, фақат "чуҳ, жонивор, чуҳ тарлон" деб унинг ўнг елкасига эркалаб шапатилар, мана шу шапатилашдан от рағбат олаётганини сезарди. У отнинг жуганини бўш қўйворган, мўлжални тарлон худди ўзи ўйлаётгандай тўғри олаётганидан совринни қўлга киритиш иштиёқи кучайиб, ишончи янада ошиб борарди. Тонагача озгина масофа қолганда, кўрдики, олдинда қорабайир! Билдики, бу Элгелдининг оти. Чавандознинг юзига қарамагани маъқул. Агар така туркман таниб қолса, фириб ишлатиши ёки ўз одамларига уни ўраб олинглар, дея ишора қилиши мумкин. Худойқул полвон бошини отнинг бўйнига яширганича қорабайирга яқинлашди. Элгелдининг улоқчи, тажрибали қорабайирини жойидан силжитиш маҳол эканини билди-да, баланд пошнали чап этигини узангига маҳкамлади, ўнг узангидаги оёғини хиёл чапга ўтказиб олди. Шу заҳоти тарлон олдинги оёғини қорабайирнинг орқа оёқлари орасидан ўтказиб, сал пастлади-да, туёқларини ерга қаттиқ тиради. Худойқул полвон "яша, тарлоним!" дея шивирлаб, туркман отининг орқа оёқлари орасидан суқилиб, қўллари билан гоҳ ерга, гоҳ рақиб отининг оёғига тиралиб, қорабайирнинг нақ тумшуғи тарафида ётган тонага яқинлашаверди. Полвоннинг оёқлари узангида, танаси отдан пастда осилиб турар, лекин эгар от устида оғишмай турарди. Чавандоз тонани ўзи томонга озгина торта олди, холос. Наҳотки шунча оғир бўлса, саксон кило бормикан, йўғ-е, унчалик бўлмаса керак, бу ерда бошқа сир бор, дея диққат билан разм солди. Тонани қорабайир ўнг оёғи билан босиб турар, Элгелди тонани энди чап тарафга ўтказишга уринаётган эди. Полвон тезликда ҳаракат қилмаса, тонадан айрилишини билди-да, фириб ишлатди: қорабайирнинг тиззасини аста қашлади. Жуйрук буни дарҳол тушунди, бироқ бу бармоқлар бегона эканини фаҳмламай дарҳол оёғини кўтарди. Худойқул полвон куч билан тонани ўзига тортди. Шу заҳоти чайир бармоқлари билан тонанинг орқа оёқларини ўзи томонга бириб олди, Тарлон шиддат билан ўмганини кўтарди, сўнгра тонанинг орқа тарафини олд туёғи билан босди. Худойқул полвон пайтдан фойдаланиб, эгарга ўтирди.

Худойқул полвон қорабайирнинг орқасидан келиб, унинг нақ тумшуғи тагида турган совринни отнинг қорни тарафдан тортиб олгани Элгелди ва унинг шерикларини чув туширди. Тона энди унда! Улар тарлоннинг олдини ўраши ҳам аён. Ана, така туркман ҳам қулайлик туғдириш учун тарлоннинг чап тарафига ўтди. Унга ноқулай бўлса ҳам, ўнг тақимига тонанинг олд оёқларини олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Полвон тушунди: Элгелдининг чавандозлари отларини сал кўндаланг қўйиб тарлоннинг югуришини секинлатади, қорабайир тарлондан ўзади, тона ҳам қўлдан кетади.

Худойқул полвоннинг бир ўзи, унга кўмак берувчи чавандоз йўқ. Ҳа, тонанинг совринга айланишига ҳали анча бор. Элгелдининг гуруҳини алдаш керак. Аммо қандай қилиб? Шу маҳал полвоннинг миясига ярқ этиб бир фикр келди, шу заҳоти уни қўллади: тарлоннинг жуганини тортиб, отни орқага тислатди. Тарлон ҳам худди шуни кутиб тургандай, думини ўнгга, чапга силкитиб, кенг сағриси билан ортга юрди ва осонлик билан ўзига йўл очди. Худойқул полвон хурсандлигидан қийқириб юборди, чунки от думи ўмровларининг ўнг ёки чап томонига урилаётганини сезган улоқчи отлар, қарама-қарши тарафга бурилади.

– Чуҳ, жониворим, тарлон!

Тонага интилаётган отларнинг деярли барчаси тарлон тарафга қараб қолди. Бир-икки қамчи зарбасини еган улоқчи отлар тарлонга қапишиб келди. Худойқул полвонга худди мана шуниси керак эди. Полвон отнинг бўйнига маҳкам ёпишди-да, тонанинг орқа оёқларини тақимига адл олиб, "чуҳ, тарлоним!" дея ҳайқирди ва шу заҳоти узангиси билан отнинг қорнига қаттиқ ниқтади. Тарлон узун бўйнини олдинга чўзиб, боши ва ўмгани кучи билан отлар орасидан жой очиб, кенгайтирди-да, шиддат билан олға интилди.

Полвон тарлонни тик тепаликка тўғри ҳайдади, чавандоз билдики, ҳали от кучини чарчар даражада сарфламаган, шунча юк билан тепаликка қийналмай чиқади. Асосий мақсад Элгелдини тонага яқинлаштирмаслик, бошқа чавандозларни ҳам чув тушириш. Худди полвон кутганидай бўлди: юздан ортиқ от унинг ортидан хезлаб келар, улардан ҳали ажралиб чиқиш амри маҳол, айниқса, туркман чавандозларининг четки қочқи отларидан узоқлашиб кетиш иложсиз эди. Ана, чаққон жуйруклар тепаликни айланиб ўта бошлади. Мақсад аниқ – улар полвонни тепаликнинг пастида, ярим белида қарши олишади. Унда тарлон анча чарчаган бўлади. Полвон тик тепаликнинг энг чўққисига чиқди. Баҳайбат-баҳайбат улоқчи отлар унинг орқа томонида анча қуюқлашиб қолганини, аксари от олд тарафда тўпланганини, туркман қорабайирлари тепаликни айланиб ўтиб, ярим белида, пастида тўпланаётганини кўрди-да, мийиғида бир кулиб, тарлонни шиддат билан пастга эндирди. Барча улоқчи отлар унинг ортидан эргашди. Тик тепалик энди тугай деганда Худойқул полвон шахт билан жуганни ўзига тортиб, отни орқага бурди. Тарлон тепаликка шитоб билан қайта кўтарилди. Тепаликдан эниб келаётган, бир-икки қамчи зарбини еган жуйруклар ўзларини тўхтата олмас, шиддат билан эниб борарди. Ортга қайтишнинг иложи ҳам йўқ эди, чунки отлар тезликни ҳаддан оширган эди. Тарлон тепаликка осон ва тез кўтарилди, совринни айириш яқинлигини сезган жонивор Худойқул полвоннинг ишорасини кутиб турмай, тепадан пастга елиб тушди, юзлаб қирчанғи, чўбир, ғўнонлар орасидан осонгина ёриб ўтди. Тарлон кенг яланглиқда якка ўзи узун бўйнини олдинга чўзганича шамолдан ҳам тез чопар, ёли, думи шамолда ҳилпираб борар, барча бу манзарага маҳлиё бўлиб қолган эди.

Тарлон яна ярим чақирим якка ўзи гердайиб, кўкрагини адл кўтариб чопди. Худойқул полвоннинг усулига қойил бўлиб, анграйиб қолган баковулнинг атрофини бир айланди, олдинги оёқларини баланд кўтариб, қаттиқ кишнади. Бундай ҳолни умрида кўрмаган баковул нима дейишини билмай, каловланиб қолди. Полвон тарлоннинг бошини қайириб, баковулнинг олдига келди-да, "ҳалолми?" дея ҳайқирди. Баковул эс-ҳушини йиғиб олди-да, эгарнинг устида бир қимирлаб, икки қўлини баланд кўтарди ва "Полвон! Ҳалол! Ҳалол!" дея ҳирқироқ овоз билан қичқирди.

Худойқул полвон: "Тўранинг оти! Совринни Тўранинг тарлони айирди! Бу Ғузор тўрасининг тулпори!" – деган ҳайқириқ ва овозларни эшитди-ю, отдан тезлик билан тушди-да, тарлоннинг бошига бошини қўйиб, ўмганини аста силади.

Бироздан кейин уни тўрага рўбарў қилишди. Тўра Худойқул полвоннинг тўла гавдасига, баланд бўйига, туртиб чиққан яноқларига, мушаклари пир-пир учаётган чандир билакларига, рапидадай кафтларига қаради-да ярим жилмайиб сўради:

– Қўнғиротмисан?

– Ҳа.

– Кимлардансан?

– Қамайликман, исмим Худойқул.

– Ие, қамайликмисан? Обрўли жойдан экансан. Полвон, сен Ғузорнинг довруғини амирликка ёйдинг, оримизни бермадинг. Бундан буён сен Қамайнинг ишбошисисан. Агар адолатли иш юритсанг, айтганинг айтган, деганинг деган бўлади.

* * *

Содиқ чавандоз анча пайт жим қолди. У ҳозиргина ўзи гапирган воқеанинг қандай таъсир қилганини ҳузур билан кузатар, раиснинг нима дейишини кутарди.

– Чавандоз, бу эшабоши дадил, чайир йигит бўлган эканда-а? – дея гап бошлади раис. – Сиз Ғузор тўраси полвонга ишбошиликни берган деяпсиз. Қамайликлар эса эшабоши дейишади. Нега шундай?

– Ишбошидан кўра эшабоши айтилишга осон, талаффузи чиройли, шунинг учун бўлса керак.

– Ҳамма жойда эшабоши ҳайбатли полвон бўлган, дейишади. Шу гап ростмикан ёки уйдирмаси ҳам борми?

– Раис, унда мен сизга яна бир воқеани айтиб берай. Ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам ўзингизга ҳавола.

Содиқ чавандознинг иккинчи ҳикояси

...Қамайнинг катта даштида мингдан ортиқ чавандоз йиғилган. Зўр кўпкарини кўриш иштиёқида от минганлар ҳам анчагина. Томошабинлар ясси дўнгликларга жойлашган.

Ғузор тўраси ва Худойқул эшабоши от устида ёнма-ён туриб , “яқинлаш”, “пойчасидан торт”, “жонинг борми?”, “эгарнинг бошига қайирма”, “тақимга олсанг-чи”, “қамчини бос”, “ўмганингни кўтар,” “ё, пирим” деган ҳайқириқларни эшитиб, бир-бирларига гап қотишиб турарди. Шу вақт тўдадан саман қашқа отилиб чиқди-да, шитоб билан олға интилди. Эгарда ўтирган барваста чавандоз, тақимига олган така оғирроқ шекилли, ўнг томонга қийшайиб олган. Уни таъқиб қилаётган бошқа бир йигит такани ушлаб тақимлашаман деб тўриғига жаҳл билан беш-олти қамчи урди, лекин отини бошқара олмай қолди. Тулпори билан Ғузор тўрасининг отини туртиб ўтди. Тўра от устида олдинга бир мункиди-ю, салласи бошидан тушиб чувалашиб қолди. Буни кўрган Худойберди эшабоши шитоб билан чавандозга етиб олди. Бу вақт чавандоз рақибидан такани айириб, “сеники ҳалол!” ҳайқириғини эшитиб, ўзича гердайиб, икки қўлини юқорига кўтариб силкитаётганди. Худойберди эшабоши чавандознинг эгари тагидан қўлларини ўтказиб олди-да, “ҳу, пирим!” деб куч билан силтаб тортди. Отнинг айили ҳам, пуштани ҳам “қарс” этиб узилди. Эшабоши чавандозни отнинг устидан эгар билан бирга адл кўтариб, олдига ўтқазди-да, отини орқага қайириб, қамчи урди. Чавандоз анграйиб, нима бўлаётганини ҳам тушунолмай қолди. Худойқул эшабоши Ғузор тўрасининг олдига келиб, отини тўхтатди-да, чавандозни эгари билан ерга қўйди:

– Тўрам, сизга беодоблик қилди, жазосини ўзингиз беринг.

Тўра бир Худойқул эшабошига, бир айил, пуштани узилган эгар устида оёқларини узатиб ўтирган чавандозга қарар, ҳайратини яшира олмас эди: “Э, балли, балли! Ҳай, қўнғирот-ай…”

Ниҳоят, салласини қайта ўради-да:

– Зотни ҳалол айиргани учун чавандозга жазо йўқ. Зотни беринглар! – деди.

Парда раис Содиқ чавандоз билан бўлган узоқ суҳбатдан кейин йўрғага миндию хаёлга берилди: "Биз инсонлар отнинг феълини, қилиқларини билиб, шунга яраша ҳаракат қилмоғимиз учун уларни синчиклаб ўрганишимиз лозим экан. Ўн йил эгаси бўлиб, Қашқа йўрғамнинг феъл-атворини тўлиқ билмайман. Бу менга уят. От уни энди минаётганларга фақат улов бўлиб туюлса керак-да!"

Мирзапўчоққишлоғигача хаёллардан бўшамаган Парда раис идорага яқинлашганини ҳам сезмай қолди. Дарвоза олдида қоровулга кўзи тушди:

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом!

– Раис бова! Райкомнинг биринчи котибига шу бугун, иложи борича тезроқ учрашар экансиз. Ҳайдовчиси келиб айтди.

– Бошқа ҳеч нарса демадими?

– Йўқ! Бошқа хўжаликларга ҳам хабар бериши керак, шекилли, Қорабоғ томонга виллисини тез ҳайдаб кетди.

– Майли. Мен идорага кириб, у-бу ишларни жойлаштириб чиқай-чи...

Қашқа йўрғанинг жиловини қоровулга тутқазди-да, идорага йўналди. “Нега чақирди экан? Чигит ташланадиган ерни тўлиқ шудгорлаганмиз. Қиш, баҳор яхши келди. Совлиқларимизнинг кўпи эгизлади. Кўпроқ бўлсин деб талаб қилишмаса эди... Балки

бедага кўпроқ ер ажратганимиз маъқул келмадимикан? Ахир пахтага ажратилган ер ҳисобидан эмас-ку! Кузги буғдойимиз гуркираб ўсаётган бўлса... Гўшт топширишни ҳам ортиғи билан бажардик. Хўш... Яна нима бўлиши мумкин?"

Парда раис ўйлаб ўйининг тагига ета олмади. Идорадан ҳорғин чиқди-да, дарвоза томонга юрди. Ўнг тиззаси зирқираб оғрий бошлади, бунинг устига чакка томири лўқиллар, бу эса тобора ғашига тегаётганди. Чақирилиш сабабини тахминан бўлса ҳам фаҳмлай олмаётгани уни оғрикдан ҳам баттар безовта қилар, ҳатто бироз хавотирга соларди.

Раис биринчи котиб қабулхонасига кириши биланоқ, котиба қиз унга "кираверинг" ишорасини қилди.

Котиб кутиб турган эканми, саломлашмасдан ўтиришга имо қилди. "Хаҳ, бугун имо-ишорага куним қолган экан-да", – деб хаёлидан ўтказди-ю, "ассалому алайкум, яхшимисиз..." – дея кўрсатилган жойга ўтирди. Котиб стол устида бетартиб ётган қоғозларни бироз титкилаб, ниманидир қидирган бўлди, тополмади шекилли, бир пас жим қолди. Унинг нимадандир безовта экани юз ифодасидан шундоққина билиниб турарди. Котиб ғаладондан йўғон қаламини қўлига олди-да, ўйнаб туриб, салмоқ билан гап бошлади:

– Раис! Юқоридан муҳим топшириқ олдим. Хабарингиз бор, Рязань области бир йиллик гўшт топшириш режасини уч баробар зиёда қилиб уддалади. Партия топшириғини аъло даражада бажаришибди, қойил! Хўш, улардан бизнинг нимамиз кам? Керак бўлса, ортиқмиз, ортиқ! Районимиз давлатга гўшт топшириш режасини кечадан олдинги куни муваффақиятли уддалади. Биринчининг раҳматини олдим. Қўлимни қаттиқ сиқди. Муҳим топшириқ ҳам берди. Ўзингиз биласиз, районимиз олдингилар сафида. Ўрнимизни бошқаларга бўшатиб бергимиз йўқ. Бермаймиз ҳам. Бу бизга ярашмайди. Ана шундан келиб чиқиб, бизга шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилди. Давлатга гўшт топшириш режасини икки юз фоизга бажаришимиз шарт. Имкониятларимиз етарли. Ваъда бердим. Ваъдани бажармаслик партия аъзоси учун жиноят! Хуллас, бугундан шу вазифани бажаришга киришасиз.

"Гўшт" сўзи тилга олиниши билан раиснинг кўз ўнгидан Етимкўл, Қизилкўл, Қоракўтонкўл атрофларида диркиллаб ўйнаётган қўзилар, ёйилиб ўтлаб юрган совлиқлар, бузоқчаларининг қашқасини тиллари билан силаётган сигирлар, боласининг тўйи учун боққан таначасини топширганда кўзёшини ҳеч кимга билинтирмай артган қариялар ўта бошлади. Ҳиссиётларини яшириш учун раис ўзида куч топа олмади, юзлари қизарди, нафас олиши тезлашди:

– Ўртоқ котиб! Ахир гўшт топшириш режасини бажариш учун барча молларни элтиб бердик. Энди улар йўқ! Нима қиламиз?

Раиснинг пешонасини тер босди. Оёқлари дармонсизланди. Шу вақт райком котибининг сўзлари қулоқ пардаларини тешар даражада гулдиради:

– Раис! Гап қайтаряпсизми? Партия аъзосимиз-а?! Лаббай деб жавоб бериш ўрнига чайналасиз? Бу нима деган гап?!

Парда раис таҳдид ва зуғум тўла сўзларни эшитар экан: "Режани бажарсанг бир бало, бажармасанг минг бало. Бу нима деган гап ахир?"– деди ўзига ўзи. Шу кезда чакка томирлари лўқ-лўқ ура бошлади, нафас олиши янаям тезлашди. Костюмининг тугмаларини ечиб, кўйлагининг ёқасини кенгайтирди. Гапириш учун энди оғиз жуфтлаганда, котибнинг сўзлари жаранглади:

– Ўзингизни босиб олинг, раис! Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги остида яшаяпмиз, ишлаяпмизми, биз ҳам шунга яраша жавоб беришимиз кераклигини наҳотки сиздай онгли ва етакчи партия ходими тушунмаса?

– Тушунаман. Тушуняпман!..

Раис пешонасидан оқаётган терни рўмолчаси билан артар экан, изтироб билан ўйлади: "Ахир хўжалик ўтириб қолади-ку! Ҳар йили орттириб берилаётган топшириқдан резервларимиз тугаяпти-ку!" Раиснинг хаёлидан қайдандир эшитган сўзлар ўтди: "Деҳқончилик уч йилда, чорвачилик қирқ йилда тикланур. Йўқотилган илм юз йилда ҳам тикланмас!" Шундоқ эди чоғи, ёки сал бошқачароқмиди? Эҳ, хотира ҳам ўлди!

Райком котиби раиснинг аҳволини тушунди шекилли, чойнакдан пиёлага чой қуйиб узатди:

– Ўзингизни қўлга олинг, раис! Бу сизга ярашмайди-я! Катта обрўйингиз бор.

"Агар шу обрў бўлса, бўлмагани минг аъло эди. Одамларга нима дейман? Партия-

нинг топшириғи десам, сиртларида индашмаса ҳам ичларида, ҳе, топшириғинг билан кўшмозор бўл, дейишлари тайин". Раисниг кўз олди қоронғилашиб, қўллари қалтирай бошлади. Пиёлани икки қўллаб ушлаб, чуқур нафас олди-да, чойдан бир ҳўплади. Лекин чойнинг иссиқ-совуқлигини сезмади. Фақат тишлари пиёла четига такиллаб урилганини эшитди.

– Раис, энди гап бундай. Бу шарафли вазифани бажариш учун бор имконимизни ишга солишимиз зарур ва шарт. Партиянинг сўзи-сўз. Айтилдими, тамом, у қонун. Қонун олдида ҳамма жавобгар, айниқса, партия аъзолари.

– Тушунаман. Биламан. Аммо...

– Мана шу "аммо" сизга ярашмайди.

– Имкониятларимиз...

– Имкониятларингиз бор. Фақат ўзингиз билмаяпсиз, холос.

– Ахир хўжалик ўтириб қолади-ку!

– Йўқ, ҳеч ҳам ўтирмайсиз. Айтинг-чи, хўжалигингизда нечта шахсий от бор? Парда ортига беркинмай тўлиқ маълумот беринг-чи, раис! Маълумотни сохталаштириш жиноят эканини яхши биласиз...

Раиснинг назарида райком котиби туман орасида қолгандек туюлди. Гапнинг қай томонга оғаётганини фаҳмлаш учун базўр эс-ҳушини йиғиб олишга интилар экан, котибнинг ўзи сўз бошлаб қолди:

– Биз хусусий мулкка қаршимиз. Биласиз-а! Шахсий отларни гўштга топширасиз.

– Отларни? Отларни дедингизми? Нега? Отлар ҳам гўшт бўладими? Улар йигитларимизнинг қаноти-ку!

– Ҳа, йигитларнинг қанотини! Энди қанотсиз юраверади йигитларингиз! Эй, менга қаранг, нима, коммунистик партия сизларга қанот эмасми? Биринчи бўлиб ўзингиз бошлаб берасиз. Йўрғани гўштга топширасиз. Эрта-индин сизга кераги бўлмайди.

– Ўртоқ котиб! Ахир режанни ортиғи билан бажардик. Шу... икки баравар қилиб бажаришни янаги йилга қолдирсакмикан? Партия аъзоси сифатида ваъда бераман. Хўжалигимиздаги барча партия аъзоларининг ҳам кафиллигини олиб бераман. Ваъдам қатъий! Жоним оғам! Отларга тегинмайлик...

– Ҳў, Парда раис! Сиз катта оғага қарши чиқмоқчимисиз? Катта оғага-я? Сизнинг мана бундай гердайиб юришингизнинг асосий сабабчиси ким? Шонли партия сафида юриб, фаровон ҳаёт кечираётганингизни писанда қилаётганим йўқ, раис!

– Ахир..

– Ахир-пахирни йиғиштиринг. Партбилетингиз ёнингиздами? Бир ҳафтадан кейин райкомнинг пленуми бўлади, қатнашасиз. Топшириқ бажарилиши шарт. Ўйлашга ҳожат йўқ!

Котиб шундай деб жойига ўтирди. Сизга рухсат, энди чиқиб кетаверинг ишорасини илғаган раис ўрнидан аранг турди ва эшик томон юра бошлади.

– Раис! Раис, бошқа томонга юрдингиз. Эшик бу ёқда қолди.

Раис эшик тавақасини аранг илғади, сирғалиб чиқаётиб, "пленумгача хайр" деган гапни зўрға эшитди. Гандираклади. Кўз олди қоронғилашиб, кўз ўнгида суйрига ўхшаш аллақандай оқ-сариқ тусдаги оловли нарсалар уча бошлади. Эшик тавақасига суянди. Кўнгли беҳузур бўлди. Бир-икки марта ўқчиди. Кўзини юмиб очди, ўтиришга жой қидириб, ўнгу чапга бир-бир қаради. Ҳеч нимани кўра олмади. Бирданига шифт айлана бошлади. Гандираклади. "Ие, раис бова, сизга нима бўлди", – дея котиба унинг қўлтиғи тагига кириб, оҳиста диванга ўтқизди.

– Қизим, бир пиёла сув бер, ичим куйиб кетяпти.

Котиба шошиб бир пиёла сув келтирди, деразаларни ланг очди. Парда раис сувни ютоқиб ичди-да, чуқур нафас олди. Бироқ ичидаги олов баттар алангаланди. Яна бир пиёла сув сўраб олди-да, кўйлак ёқасидан ичига тўкди. Нафас олиши бироз енгиллашиб, кўз олди ёришди. Деразадан кўринган бир тўп қора булутга узоқ тикилдида, бор кучини тўплаб, "уҳ!" деди. Бу "уҳ"да фақат ўзи тушунадиган алам бор: энди ҳисобчиликни бошлаганда камоматни ёпди-ёпди қилиш топшириғини бажармагани учун ҳамалгани, қамоқ машаққатлари, ғурурини поймол этган мазах қилишлар, саккиз ойдан кейин туҳмат фош этилиб, озодликка чиқиши бирма-бир кўз олдида намоён бўлди. Тилинган бағридан отилиб чиққан бу инграш фарёд тўлқини эди. Райком котибининг "...барча имкониятни ишга солишимиз зарур... пленумгача хайр" деган сўзлари замирида қандайдир даҳшат шарпаси борлигини ва бу шарпа балою-қазо бўлиб нафақат

раиснинг ўзига, балки хўжаликнинг кўп фаолларига ҳам туҳмат бўлиб ёғилиши мумкинлигини англарди. Баланд тепалик устида бошларини адл кўтариб, думларини гижинглатиб ўйнаётган тулпорлар унга умид билан тикилиб тургандек туюлди. Баъзиларининг кўзида оғир мунг, айримларининг эса кўзида ёш кўрди. Алам билан хўрсиниб "эҳ!" деди-да, сўнгра "ҳе, топшириқларинг билан..." деди тишларини ғижирлатиб. Улло, агар эркин бўлганимда пешонасига зарб билан бир мушт урардим, занғарнинг, деди-ю, диван орқасига туфлади. Чўлоқ оёғи тиззасидаги оғриқдан кўра, дилидаги алам қийноғи зўрроқ бўлса ҳам, ирода кучига ишонган ҳолда, уни енгишга уриниб хонадан чиқди.

Парда раис қандай қилиб райком биносидан чиқди-ю, қай ҳолда Қашқага минди, буни эслай олмайди. Отнинг ёлига бошини маҳкам босиб, эгар ботган кемирчагининг оғриғи эмас, балки қалбининг энг тўридаги аччиқ ситам фарёдга айланиб борар, буни атрофдагиларга сездирмаслик учун пастки лабларини қаттиқ тишлаб олган эди. Аммо бу аламли фарёдни устки лабларининг тинмай титраши, сал оқарган ёноқларининг учиб-учиб тушиши, жуган тутган қўлларининг титраши билдириб турарди. Раиснинг ички туғёни кўзёши бўлиб, бурнининг икки чеккасидан оқиб тушарди. Бу аянчли ҳолни ўз вақтида пайқаб қолган раис, тўхта, ҳали нажот бордир, шунча отни гўштга топширмай сақлаб қолишнинг чораси топилиб қолар, деган фикр билан ҳиссиётларини портлашдан сақлашга уринарди. Қашқа ҳам ҳар доимгидек илдам йўрғаламас, бошини қуйи солганича ирғаланиб қадам ташларди. От ҳар замонда эгасига далда берган каби эгилган бошини баланд кўтарар, ўттиз-қирқ қадам юргач, яна қуйи тушираради. Парда раис отни юқоридаги тўғри ва кенг йўлга эмас, паст ялангликдаги ёлғизоёқ сўқмоққа бурди. Нега шундай қилганини ўзи ҳам тушунмас, буни тушунтириб беришдан ожиз эди.

Агар мамлакатнинг бирон ерида уруш кетаётган бўлса ёки очарчилик бошланса, режани икки баравар ошиқ бажаришни тушунса бўлар. Ахир бундай эмас-ку! Бўлмасин ҳам! Халқ фаровонлиги деб туриб, одамларни руҳан эзиш қайси мантиққа сиғади? Руҳи чўккан фуқаронинг меҳнатида барака бўлмаслиги аниқ-ку! Эл-юрт тўй қилиб, кўпкари берса, йил бўйи чинакам ҳалол меҳнатининг чери-ҳордиғини чиқарса, бунинг нимаси ёмон? Янаги йили режани икки баравар ортиғи билан бажариш шарт дейилса, ҳозирдан бошлаб шунга тайёргарлик кўрилади-ку!

Аччиқ, изтиробли хаёллар бағрини эзаётган раис эски тегирмоннинг тўғрисига келганини пайқади. Безовта ва кўнгилэзар хаёллар гирдобидан халос бўлишни истаб, юрак санчиғи даф бўлармикан деган ниятда йўрғадан тушди-да, нўхтасини қозиққа боғлади. Тегирмон олдига келиб тўхтади, кўкрагини тўлдириб-тўлдириб нафас олганди, дийдаси юмшаганини сезди. Дадил эшикни очди:

– Ассалому алайкум, Тожи бова!

– Э... ваалайкум ассалом, раис! Қандай шамоллар учирди? Келинг, келинг.

– Ҳорманг энди...

– Бор бўлинг.

– Кунботардан совуқ шамол эсиб, кўкрагимга урилди. Юрагим эзилди. Далда бўлар деб, қора тортиб тегирмонингизга келяпман.

– Хўп қипсиз! Қани ўтиринг, раис. Бир пиёла кўк чойни мароқ билан ҳўплаб-ҳўплаб ичсангиз, эзилган юрак яйрайди. Одамларимизнинг кайфияти яхши, раис. Уйида бешолти қоп буғдой бўлса, деҳқоннинг кўнгли тўқ. Унга бошқа нима керак яна? Мана, ўтган йилги ҳосилнинг ғалласини ун қиляпмиз.

– Тожи бова, айтинг-чи, от нимага керак?

Тегирмончи Парда раиснинг гапидан ҳайрон бўлиб, тинчликми дегандай, унга қаради:

– От – йигитнинг қуввати, – хотиржамлик билан гап бошлади у. – Кенг ҳовлингизда тулпор боғлоқлиқ турса, кўнглингиз тоғдай кўтарилади. Кўпкарида отингиз бир зот айирса, бир йиллик ҳордиғингиз чиқади. От – умрнинг безаги. Кўнглинг нимадандир пайсалласа от мингин, деган қарияларимиз. Бу гапда кўп хосият бор.

– Яхши айтдингиз, Тожи бова. Энди бизга рухсат.

– Яна бир пас ўтирсангиз бўларди, раис, энди гурунгимиз чўғ олаётганди.

– Иш кўп, Тожи бова. Уддаламасак бўлмас. Чой учун раҳмат. Умрингиздан барака топинг.

– Майли, келиб туринг, раис. Оппоқ ун билан сийлаймиз.

– Раҳмат, Тожи бова...

Ўзи айтган гаплардан кўнгли ёришган раис тезда бурилиб, йўрғага минди. Жилови бўш қўйилиб, ихтиёри ўзига ташланганини фаҳмлаган Қашқа ёлғиз оёқ йўл билан пастга эна бошлади. Сўқмоқнинг икки тарафидаги ўтлар отнинг тиззасига, қорнига тегиб қитиқлар, ўтлардан таралаётган хушбўй ифор Қашқанинг қувватини янада оширмоқда эди. Сўқмоқнинг шундоққина ёнидан ҳар ўн-ўн беш қадамда беданалар парр этиб, қанот қоқиб кўздан узоқлашар, аҳён-аҳёнда тўрғай ҳам ортда қолмай дегандек учар, сал нарига қўниб, отнинг кўзидан ўзини пана қиларди. Қашқанинг эса тўрғай билан иши йўқ, ҳатто оёқлари тагидан сакраб учаётган чигирткаларга ҳам парво қилмайди. От бир текисда олға интилиб, йўлнинг ўнқир-чўнқирлари, дўнгми-пастликларида ҳам йўрғасининг маромини бузмай, эгасини ортиқча чайқалтирмай кетиб борарди.

Чигирткаларнинг чириллаши, беданаларнинг пириллаб учиши, тўрғайнинг осмон тубида, бир нуқтада сайраши, қизил, оқ, сариқ, кўк аралаш рангдаги капалакларнинг гулдан гулга учиб-ўйнашлари, асаларилариинг гуллардан бўса олиши, гала-гала чумчуқларнинг тераклари осмонни кўтариб турган боғ томонга учиши – бирортаси ҳам раиснинг чалкаш хаёлини тарқата олмасди.

Парда раис аламли ўйлар гирдобида гаранг бўлиб, Элмурод чавандознинг ҳовлиси тўғрисига келганини ҳам сезмади. Қашқа чавандознинг ҳовлиси тарафга қараб одатга кўра икки бор кишнади. Бироқ жавоб бўлмади. От йўрғасини тўхтатиб, бошини адл кўтариб, ҳовли томон тикилиб, такрор кишнаб қўйди... Йўрғанинг бу қадар аччиқ ва ғалати кишнашини илк бор эшитаётганидан раиснинг юраги таҳликага тушди, ноҳуш бир ҳолни кўнгли сезиб, Қашқанинг бошини ҳовли томон бурди. Дарвозани юзлари сўлғин, пастки қовоқлари шишган Элмурод чавандоз очди.

– Ҳа, полвон, ғамгинсиз? Гулистон кишнамади? Оғзи тўрвадамиди?

– Э... эй... раис, нима десам, гўлмиз, ҳам чўлмиз. Гулистондан айрилдик...

– Нега? – шошиб сўради раис, энтикканидан овози ҳам бошқача чиқди. Раис бўғзига тиқилиб келган нарсани йўқ қилмоқ учун ютинди. Буни уддалай олмаган бўлса ҳам, зўриқиб овоз чиқарди:

– Ахир кечагина кишнаб жавоб қилди-ку! Овози дадил эди!..

Гулистон емдан заҳарландимикан? Йўғ-эй...

Элмурод чавандознинг биринчи ҳикояси

Бугун эрталаб машъум ҳол юз берди. Барига ўзим айбдорман.

Раис, чавандоз Жовли Каримни биласиз. Гумаштаси унинг баҳайбат байталини олиб келган экан. Мақсад Гулистондан қочирмоқ. Яхши зотли тўл тушсин деган-да. Байтални кўриб менинг ҳам ҳавасим келди. Келишган, ҳайбатли човкар, худди улоқчи отлардек тик қарайди. Яғринлари жуда кенг, бизнинг отимизга мос. Гулистоннинг байталларидан бўлмасин тағин, деб ўйладим. Икки пол ёки уч пол ошган бўлса ҳам, барибир Гулистон танийди, демак, чопмайди. Буни аниқ биламан. Хавотирим шундан бўлди. Йўқ десам, Жовли Каримни жуда ҳурмат қиламан. Кўпкариларда бир-биримизга жуда кўп ёрдам қилганмиз. Ҳе, ўл-е, қурумсоқ экансан-ку, энди отингни бошқа қўй, деб айтиши аниқ. Ўйлаб-ўйлаб, фириб ишлатдим. Қандай денг?

Гулистон ҳидидан ҳам ўз аждодини сезади. Бунинг йўли бор. Катта, кенг тўрва тикдим-да, аввал унинг ичини исириқ тутуни билан роса тўлдирдим. Кейин тутундан озгина қолдириб, Гулистон байтални кўрмасин ҳам, сезмасин ҳам деб, унинг бошига тўрва ёпиб қўйдим.

Гулистоннинг айғирлашган маҳали... Кўзи қонга тўлиб турган эканми, тезда байталга ирғиди. Ҳаммамиз хурсанд эдик. Аммо бу хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Байтал сал узоқлашсин деб кутаётгандик, ғафлатда қолибмиз, уйинг буғдойга тўлгур, умринг узун бўлгур ўғлим Мейли, отимнинг бошида нега тўрва осилган, деб сўрамай-нетмай олиб ташлабди. Гулистон деворнинг ёриғидан етакланган байтални кўриб қолди. Ҳали байтал унча узоқлашмаган эди. Гулистон байтал тарафга тикилиб-тикилиб қаради. Бошини баланд кўтариб қаттиқ кишнади. Кутиб турди. У томондан ҳам кишнаган овозни эшитиб, бирдан тисарилиб йиқилди...

Биз уни тийғаниб йиқилди, ҳозир ўрнидан туради, дея чопиб олдига бордик. Бундай бўлиб чиқмади. Аксинча, кутилмаган ғаройиб ҳодиса рўй берди! Кўриб ёқамни ушладим. Гулистон бошини олд оёқлари орасидан ўтказди-да, қаттиқ силкиниб, ҳали совуб улгурмаган авратини тишлаб узиб ташлади. Шу кезда мен "қирс" этган товуш

ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР. ҚАШҚА ЙЎРҒА. ҚИССА

эшитдим. Чамаси жулуни[2] узилиб кетган бўлса керак, кейин у бир кишнади. Оёқлари тўғриланди-ю, бўйни эгилганича қолди. Кўзи очилганича жон берибди. Кўзларида шашқатор ёш. Аввал мол дўхтирни чақириб акт қилдик. Мана акти. Улло, агар бундай бўлишини аввалдан билганимда, ўлсам ҳам бунга рухсат бермасдим. Нима қилай, хом сут эмган бандаман-да...

* * *

Элмурод полвон елкаларини силкитиб-силкитиб йиғлар, Парда раис уни нима деб юпатишни билмас, эртага бундан-да оғирроқ юмуш кутаётганини тўлиғича тасаввур қила олмас, ўта мушкул ҳолатда эди.

...Катта майдон лиқ тўла одам. Бошқаларга халақит бермасин учун кўплар тепалқ, қалпоқ, ҳатто саллаларини ҳам бошдан олиб, вагонларга чиқарилаётган отларни кузатмоқда. Милиция ходимлари вагон ва отларни эмас, балки одамларни зийраклик билан назорат қилаётир.

Отларнинг вагонга чиқишини осонлаштириш учун ердан вагон полига қадар зич қилиб тахталар терилган. Эгалари отини вагонга чиқаради-да, нўхтасини ечиб, ирғаланиб, отига қарай-қарай пастга тушади. Кўпчилиги от бошидан нўхтасини олаётганда йиғлаб юборар, баъзилари эса тахтадан пастга кўзёшларини қўллари билан артиб энарди. Айрим кўнгли бўшлари отининг бўйнидан қучоқлаб йиғлар, кўзёшларини отнинг ёлига артаркан: "Кечир мени! Кечир..." дер, агар вагон ичидаги милиционер: "Қани тез бўлинг, бўлинг тез", – дея дағдаға қилмаса, отидан осонликча айрилмас эди.

Вагоннинг сурма эшиги ёпилиб, тахталар бошқа вагонга кўчирилганда, йиғлаётганлар сони яна кўпаяр, ҳар замонда кўргилик-да, йиғинг бас қилинг энди, деган гаплар эшитиларди. Одамларнинг аччиқ фарёди юракларнинг энг тубида қўзғалаётган исённи билдирар, дардини ошкор айтиш иложини топа олмай руҳан эзилган кўнгилнинг ҳеч нарса билан овутиб бўлмайдиган ниҳоятда оғир изтиробини англатар эди.

Тўпланганларнинг олдинги сафида турган Парда раис бу ҳолатдан чиқишнинг иложини топа олмаганидан афсусу аламда эди. Котибнинг қани йўрғани ўзингиз олиб чиқинг, ишорасидан кейин аввалига нима қилишни билмай қаловланиб, сўнгра ўзини тутиб олиб, йўрғанинг нўхтасини ечиб қўлига олаётган маҳали кўз олди қоронғилашди. Отга суянганича юрагини чангаллаб, зўрға ортга бурилди, базўр қадам ташлади. Шу палла Содиқ чавандознинг:

– Раис, дадил бўлинг! – деган овози қулоғига чалинди. Ичида: "Иродангни ишга сол, Парда!", деди ўзига ўзи ва қия энлик тахтадан аста пастга туша бошлади.

Ҳадемай поезд жўнайди. Отларни қаерга оборишади, неча кун вагонда бўлади, уларнинг ҳолидан хабар олувчи борми, буни ҳеч ким билмайди.

"Отсиз йигит бамисоли қаноти қирқилган бургут. Бошини адл кўтаришга уялади. Бундан баттарини ҳам бошимиздан ўтказдик, раис. Энди кўкрагимизни кериб юролмай қисинарканмиз-да..."

Элмурод чавандоз бу гапларни айтганда минг бор ҳақ эди. Тўғри айтади. Бу кўргилик ҳам бор экан-да бошимизда. Пахта режасини бажарсак, ғалла топширишни керагидан ортиқ уддаласак, гўшт топшириш бўйича берилган вазифани қойиллатсак, яна нима керак экан?

Шундай азобли хаёллар қайнаётган Парда раиснинг қулоғига тарақлаган товуш эшитилди. Ялт этиб қаради. Вагоннинг раисга яқин турган икки тахтаси қарсиллаб синди-да, тарақлаб ағдарилди. Ҳосил бўлган тирқишдан пешонаси қонга бўялган отнинг калласи, сўнгра бўйни чиқди. Парда раис йўрғасини дарров таниди! Отнинг ёш сизиб чиққан кўзларидан изтироб шарпаси сезилиб турарди. Раиснинг кўнгли бирдан юмшади, тез-тез ва чуқур нафас олиб, бор қувватини оёқларига йиғиб, чўлоқланиб бўлса-да, поезд изидан ўтиб йўрғанинг бўйнидан қаттиқ қучоқлаб олди. У кўзёшларини тия олмас, баралла ўкириб йиғлашдан ўзини аранг тийиб турган бўлса-да, елкалари силкиниши ва бошининг тебранишидан аччиқ алам билан унсиз йиғлаётганини пайқаш мумкин эди. Бўйнига илиқ суюқлик оқиб тушаётганидан йўрға ҳам қўшилиб йиғлаётганини билиб, "Отларни гўштга топширасиз..." деган буйруқни эшитгандан бери то шу кунгача аёвсиз қийнаган ғам-аламнинг барини "оҳ!" деган аянчли ҳайқириғи билан тўкиб солмоқчи бўлди. Бироқ ҳазин дилида юрагини тимдалаётган бу "оҳ" андуҳ чўғини бешбаттар алангалатди. Шашқатор оқиб, кўйлаги ёқасини ҳўл қилаётган кўзёшлари

[2] Орқа мияси

ҳам, лабларининг тинимсиз пирпираши ҳам бу аланга ҳовурини пасайтиролмаётган эди. Паровознинг қичқириғи ва Элмурод чавандоз билан Содиқ чавандозларнинг: "Бўлди, раис... Бошқаларнинг ҳам юрагини эздингиз... Чидаймиз-да бу кўргиликка!" – деган сўзларини эшитиб, отнинг бошига бошини қаттиқ босди ва зўрға, эшитилар-эшитилмас ингроқ товуш билан "Хай...р. Йўр...ғам! Хонўғлоним!" дея олди, холос...

Паровознинг кетма-кет қичқириғи майдонда йиғилганларнинг бағрини тилка-пора қилди, вагонлар ўрнидан жилди. Парда раис Қашқа йўрғанинг унга томон қайрилтириб қараётганини кўриб, ўзи билмаган ҳолда беихтиёр икки қадам босди. Бироқ чўлоқ оёғининг тиззасида қаттиқ оғриқ, кўкрагининг чап тарафида кутилмаган санчиқ турганидан жойида тўхтаб қолди.

Шу пайтда Қамай тарафдан одатда доим отда юрадиган Ҳазратқул бахши оқ дўмбирасини қўлига олиб, пойи пиёда бўлиб (унинг ҳам чўбири гўштга тортилганди) бир наъра тортиб, дўмбира торини узиб юборгудай куй чала бошлади. Дўмбира аввал булбулдай сайради. Бора-бора бу сайраш нолага алмашди. Бари йиғилганлар дардини янгилаб, ярасини тирнаб-тирнаб ўтди, аксарининг кўзлари ёшланди.

Тарқалишга тайёрланаётган одамлар бахшининг атрофига йиғилди. Шу вақт икки отлиқ милиционер Ҳазратқул бахшининг қўлидаги дўмбирани тортиб олмоқчи бўлди, эл бир қалқди. Ҳаммаси бир овоздан "бахшига тегманглар!" дея ҳайқирди. Одамларнинг бирдамлигидан ҳайиқдими, бошқа сабабми, милиционерлар бахшини тинглаётганларга қўшилишди. Ҳазратқул бахши дўмбиранинг товушини янада баландлатиб, куй оҳангини ўзгартирди ва хирқироқ овоз билан қўшиқ бошлади:

Бўғзим тирнар куюк сўзларим,
Кўр бўлсайди ёшли кўзларим,
Шувут бўлди ёруғ юзларим,
Гўштга кетган бўз отларим-а,
Қайга етгай бу додларим-а!

Соғинармиз отда юрганни,
Отга миниб кўкрак керганни,
Йўқотдинг, ай, ботир, жуганни,
Қайга етгай, ай, додларим-а,
Йиғлаяпти тоқатларим-а!

Букилиб қолган бахши ўзгача ситам, ўзгача ғусса билан дўмбирасининг инграшини яна авж олдирди, баланд ва хирқироқ овозда, юракларнинг тубига етадиган, кўнгил торларини чертадиган оҳангда давом этди:

Сўзларимни йўйманг ёшликка,
Бир йиғлоқи кўнгли бўшликка,
Бўзлаб кетар бўлди гўштликка,
Йилқисидан жудо элим-а!

Тепкиланди йўғу-боримиз,
Тикланаркан қачон оримиз,
Бўлармикан ҳур диёримиз,
Тулпоридан жудо элим-а!

Ҳазратқул бахши куйлар экан, кўзёшларини тия олмас, дарду изтиробини яширмасди ҳам, қалбини ўртаётган аламини айтаётган қўшиғи тўла ифодалай олмаганидан кўзёшлари сел бўлиб, юзларини ювмоқда эди. Унинг икки ёнида гўё бахшини қўриқлаётгандек турган милиционерлар ҳеч кимга қарамай, рўмолчаларини кўзларига босиб, йиғлаётганини бошқалардан бекитмоқчи бўлар, бироқ елкаларининг силкиниши бу сирини ошкор этиб турарди. Қашқа йўрғанинг пишқириши, депсиниши, изтиробли кишнашини кўз олдига келтириб, қалби мумдай эриб турган Парда раис бирдан ҳушёр тортди. Ахир у элнинг оқсоқоли, бошқаларга сабри, матонати билан ўрнак бўлиши керак. Раис чўлоқланиб бахшининг олдига бориб, елкасига қўлини қўйди:

– Бахши бова! Ҳаммани йиғлатдингиз, бўлди. Иложимиз йўқ. Не қилайлик?

Кейин қайрилиб, одамларга мурожаат қилди:

– Биродарлар, тарқалайлик! Энди тарқалмай туришимиздан ҳеч қандай фойда йўқ. Зарари бўлиши мумкин. Хўп денг, оғайнилар, тарқалайлик!

Ҳамма аста уй-уйига кета бошлади.

Парда раисни ҳувуллаган ҳовли кутиб олди...

Отни сақлаб қололмадингизми, қани от дегандек, раиснинг ўғли Қашқа йўрға боғланадиган қозиққа йўғон калтак билан уриб-уриб қўярди.

Раис бир пас қараб турди-да, дийдаси юмшаб, титроқли товуш билан деди:

– Уйга кир, ўғлим. Қозиққа тегма! Иншоолло, ҳали керак бўлади...

Шу палла ҳовлиққанча кимдир кириб келди. Раис таниди: Аллаберди! Аллабердининг безовта товуши раисни ҳушёр торттирди:

– Раис бова, ҳо раис бова! Зарур иш билан Қаршига бораётган эдим. Шўртанга яқинлашганимда кўрсам, поезд тўхтаб турибди, форма кийган қандайдир одамлар вагондан бир отни ташқарига чиқариб ташлашяпти. Яқинлашдиму кўриб юрагим "шув" этди: у Қашқа йўрғанинг ўлиги экан!

– Қашқа йўрға, дейсанми?!

– Ҳа, синчиклаб қарадим. Танидим! Ясси ва ялпоқ туёғидан танидим. Қашқасининг... қашқасининг бир текислигидан танидим. Қашқанинг юраги ёрилиб ўлибди!

– Ука! Аллаберди! Адашмаяпсанми!?

– Йўқ, раис бова! Бу аниқ. Отнинг юраги ёрилиб ўлибди. Қони кўкрагининг ичида йиғилган экан.

Парда раис турган жойида қотиб қолди.

...Парда раис, Содиқ чавандоз, Тожи бова, Ҳазратқул бахши, Аллабердилар Қашқа йўрға лошини Мирзапўчоқ қишлоғининг Ғузор тарафидаги тепаликка элтганларида, тупроғи ҳали қуриб улгурмаган қабрнинг ёнида, эндигина қазилган чуқур тепасида белкуракка суяниб турган маҳзун Элмурод чавандоз билан унинг ўғли Мейлига кўзлари тушди.

Ҳеч ким ҳеч нарса демади.

– Йўрғани мана шу чуқурга, Гулистоннинг ёнига кўмамиз, – деди қатъий Парда раис...

Одамлар ҳаракатга тушиб кетишди.

– Аллаберди, ука! Чавандозларим! – деди ҳаммани ҳайратга солиб бирдан Парда раис, пайдо бўлган икки дўнгчага қараб. – Агар ўлсам, мени ҳам... Гулистон билан Қашқа йўрға ўртасига...

– Мени ҳам, – деб юборди тўлиқиб турган Элмурод чавандоз шу палла! Барча унга ялт этиб қаради.

– Эсингизда тутинглар, – давом этди Парда раис. – Аммо... ҳали ўладиган гўштхўр йўқ! Ҳали иш кўп! Ҳа... иш кўп! Тушундим, энди мен бошқача ҳаракат қиламан!

Раис охирги сўзларни айтганда қўллари мушт бўлиб тугилган эди. Ҳозир бу ҳаракатнинг нима эканини, қандай кечишини тасаввур эта олмаса-да, уйига қайтар экан, йўл-йўлакай беихтиёр Ҳазратқул бахшининг "Замон келар, ой бўлар яхши..." – термасини хиргойи қилиб келганини билмай қолди.

Ногаҳон кунчиқар тарафга боққанди, тоғ тарафдан кўтарилаётган чарақлаган юлдузга кўзи тушди. Парда раис юлдузга тикилиб қаради. Унинг ёғдуси ичра бир одам кўрингандай бўлди. Кўзларини юмиб очди: ғира-ширада қир ортидан ёруғлик томон чиқиб келаётган отлиққа кўзи тушди. Бироздан кейин отлиқ тиниқ уфқ томон бурилди. Уфқнинг нуқра жилосида отнинг қашқаси ёркин товланди. "Қашқа йўрға-ку!" – дея ҳайқириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди, раис. Эгар устида ўтирган невараси Нурдилни таниди. Қашқа йўрғанинг энди минги бўлган тойи тез ва текис йўрға чиқарганини кўриб кўнгли тоғдай кўтарилди. "Дилларга нур бериб тобора юксалаётган келажаги порлоқ замонда яшаймиз, ҳали зафарлар қучамиз" деб ўйлади.

Ҳадемай тўлин ой чиқади, тонгда эса албатта қуёш чарақлайди.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА

1937 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика бўлимини тамомлаган. "Бахтим борки...", "Гул шайдоси", "Боғимда баҳор", "Ҳаяжон", "Умр – дарё", "Салом дўстлар", "Энг яқин юлдуз", "Достонлар", "Иқбол", "Меҳрим сизники" каби тўпламлари нашр этилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

СЕНИ СЕВДИМ, ВАТАН, КАМОЛИМ БИЛАН

Олтин куз

Қуёш синиқлари ерга тушгандек,
Кўзни қамаштирар заррин япроқлар.
Дарахт шохларидан учган қушлардек,
Сукутларга чўмган яқин-йироқлар.

Ҳар кузда чол-кампир ўтар шу боғдан,
Ўтмиш йўлларини эслаб, хотирлаб.
Нима ҳам қиларди қартайган чоғда,
Фарзандлар ўзи-ча, тинч ва хотиржам.

Ана кўриндилар, бахтли ва шодон,
Тоҳир, Зуҳралардек бир-бирин суйиб,
Кўша қариликни ишқ тортар ҳамон,
Боришар бир-бирин меҳр-ла суяб...

...У бугун негадир ёлғиз, паришон,
Япроқни ўпганча суянгай толга.
Кўнглидан не кечди, ўзига аён,
Бу боғ ҳам гарибдек туюлди чолга...

Севдим

Бешигим тебратган бир ёндан онам,
Бешигим тебратган бир ёндан Ватан.
Балки она-Ватан деган сўзим ҳам
Ўшанда туғилган менда дафъатан.

Сени севиб ўсдим ўйларим билан,
Орзуга етгудек бўйларим билан,
Бошимни силади мунис қўлларинг,
Нажотли дамларда мени қўлладинг.

Ҳаёт саҳифасин бир-бир варақлаб,
Ўқидим, тўғри йўл топдим сўроқлаб.
Сени севдим, Ватан, камолим билан,
Меҳрим ёзган камтар каломим билан.

Ёшим ҳам улғайган сари янада
Сенга боғланганим айни ҳақиқат.
Қалбим эътиқодин айтаман яна:
Ҳумоқуш бошингда чарх урсин фақат!

Қиш

На иссиғу на совуқ ёқмас инсонга гоҳо,
Аммо, жавзо ўтида кўмсатади қиш қори.
Етти қават кийиниб аёзда нақ Қорбобо,
Жазирама ёзларнинг тутар бизни хумори.

Ёзда кўкчойлар роҳат, ичсангиз қайноқ-
қайноқ,
Иссиқни иссиқ кесар, аччиқни аччиқ, дерлар.
Қахратонда ким тотса яхдаккина
музқаймоқ,
Ғайрат отига миниб ғолиблардек юғурар.

Майли, ёғсин ёмғир, қор, иссиқ, совуқ
қилмас кор,
Офатлардан асрасин илоҳим парвардигор.
Тўрт фаслдан иборат инсоният умри ҳам,
Ёшин яшаб, ошин ошаб ўтсин ҳаёти хуррам.

Сабоқ

Теп-текис йўлингда қоқинасан гоҳ,
"Дўстинг" сомон тиқса пўстингга бир кун.
Пайт келиб, панд ейсан, қўққисдан ногоҳ,
Огоҳ сирларингдан чиқарса "тутун".

Юрагинг сапчийди шунда кафтингга,
Бегуноҳ қушчадек ялло қилар "у".
Муэтоги қулаган каби кифтингга,
Огирлик босаркан совиган туйғу.

Болалар дунёси

Ўйинчоқ бозори – сеҳрли олам,
Бунда эртакларнинг бари мужассам.
Орзу-ҳавасларда улғаяр бола,
Янглишмасман, бу ҳам катта бахт, десам.

Кимдир ракетани қўлига олиб,
Хаёлида кўзлар олис юлдузни.
Кимдир оймомада неча кун қолиб,
Томоша қилмоқчи кеча-кундузни.

Мени ол, дегандек, чорлар кўғирчоқ,
Қоракўз, сурмақош, сочлари узун.
Бағрига босаркан уни қизалоқ,
Гўзалликда ўхшаб кетарди ўзи.

Неварам қувончда, менда ҳаяжон,
Чунки болалигим ўтганди завқсиз.
Шум уруш исидан дил эди вайрон,
Бирдан катта бўлдик, назаримда, биз.

Осуда, фаровон юртимиз бугун,
Бу олам сеники, эрка болажон.
Отанг, онанг бағрида ўсавер дуркун,
Баркамол инсон бўл, эрта болажон.

Ҳаёт

Орзу – олдинга интилган оппоқ от,
Ҳаёт – ортига қўшилган арава.
Йилларнинг юкини тортиб баравар
Чавандоз боради умид ила шод.

Оҳиста, гоҳ учқур қанот қоқар от,
Арава ўқидан учар гилдирак.
Йўлда давом этар созланган заҳот,
Мақсад манзилига тез етмоқ керак.

НАЗМ

Ўткир РАҲМАТ

1949 йилда туғилган. Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тугатган. Шоирнинг "Ирмоқ", "Соғинч", "Жилға", "Райҳон ҳиди", "Шукрона", "Ой ёғдуси", "Ўтли руҳ", "Оҳанглар ранги" каби шеърий тўпламлари нашр этилган.

УМРНИНГ ЙЎЛЛАРИ

Қалбингга жойла

Эркин нафас олиб қара,
Қувончлар,
Мовий кўчоғига чорлайди фалак.
Қўлларин силкитиб тунд бу оғочлар
Сени олисларга кузатса керак.

Гиламдек тўшалган майсалар уйғоқ,
Тонгданоқ юзида реза-реза тер.
Оловранг туйғунинг бўсаси қайноқ,
Ранго-ранг кўйлаклар кийган она ер.

Биллур ҳаволарда чўмилар қушлар,
Майин сузаётир қоққанча қанот.
Кечаю кундуз ҳам тўхтамай ишлар,
Кечаю кундузлар умид, хотирот.

Ойдин оқшомларнинг сирли шивири
Ойнинг ёғдусида топади ором.
Қовушган лабларнинг ўтли ҳовури
Севаман деган, у илоҳий калом.

Айланиб, ўргилар қадимий насим,
Кўксида гулларнинг ажиб ислари.
Боғларни оралаб қанча қучмасин,
Уйғонмайди, афсус,
Борлиқ ҳислари.

Уфққа бош қўйган сўнгсиз далалар,
Эгатлар орқалаб кўради меҳр.
Адирлар қўйнида ёнган лолалар
Чорлайди ўзига,
Айлайди сеҳр.

Ризқу рўз бори шу...
Мавжудот яшар,
Шу замин авайлаб силар бошини.
Гул тутиб,
Пойга хазонлар тўшар,
Кўксига босганча, ҳатто, тошини.

Тик туриб тақдир ҳам бўш келмас, ахир,
Ёмғиру довуллар солганда ғавғо.
Онадай меҳрини тутганда бағир,
Қайтадан яшнайди харсанггача то.

Бу диёр ягона –
Қалбингга жойла,
Юракка айлансин –
У ҳаёт-мамот.
Отлансанг сен йўлга шу юртни ўйлаб,
Иккала дунёнг ҳам бўлажак обод.

Тенгсиз бу мўъжиза.
Шукрона,
Таъзим,
Қудрати тириклик бахш этар танга.
Хиёнат дунёга гуноҳи азим,
Нонкўрлар бегона она-Ватанга.

Жилов

Ярим тун.
Уйғондим.
Ой хиралашган.
Юрагим санчиди,
Уйлар пудради.
Хаёлим эллик йил ортда адашган,
Кўнглимда болалик қалт-қалт титради...

Ҳўпга қўшилмаган саман от гўё
Қараб турар эди менга ғалати.
Вақт унинг ёлида абадий зиё,
Дунё ўзгармаган, ўша савлати...

Қандай миндим унга, ўжар, саркашга,
Бамисли осмонга учмоқчи эдим.
У билан ҳамнафас мисли дардкашдай,
Олис юлдузларни қучмоқчи эдим...

У тикка кўзғалди, кишнади қаттиқ,
Юрагим дукиллаб, қўрқдим ногаҳон.
Бўйнидан қучоқлаб олдим жон аччиқ,
Бағримга ўприлиб келди ҳаяжон...

От чопди, кўзимни чирт юмдим, тамом,
Аммо йиқилмадим, бўлмадим кулгу.
Жисми-ла бир бўлиб кетдим батамом,
Унинг ҳарорати – улуғвор туйғу...

Кимдир ҳайқиради, торт жиловини,
Бошимни кўтардим, шамол эди от.
Устида менмидим, бир оловмидим,
Ҳеч қачон ўчмаган, кул бўлмас, ҳайҳот?!

Жиловни тортдиму, у бўлди тикка,
Кўзимга қаради. Тўхтаймми ёки?
Тўхта дедим унга, мен болаликка
Ҳали тўйганим йўқ, кетгим йўқ балки!..

Отдан тушдим секин, қўрқувсиз, шахдам,
Бошимни яширдим отам бағрида.
Дедилар: "Ҳеч қачон қўрқмагин, болам,
Фақат жиловини тортгил вақтида..."

Ярим тун.
Уйғондим.
Ўша саман от,
Ҳовлим ёнидаги кўчада кишнар.
Қани қайтолсайдим ортга, эй ҳаёт,
Унинг жиловини қайтадан ушлаб...

Афсуским...
Юрагим санчиди яна...
Вақт ғолиб, аммоки, туйғулар дилкаш.
Гўёки самода у билан ёна
Юлдузлар томонга еламиз саркаш.

* * *

Шабнамдан ҳам қизғонаман
Кулиб турибсан, гулим,
Ҳали губор тишламаган
Юзингда сеҳру жоду.
Шошгандан сўз айтолмайин
Айланади, оҳ, тилим,
Ёнингга қайтолмайман
Кўксимдан бўғар оғу.

Бу бокира,
Шаффоф дунё
Қўйнига чўкаяпман,
Нафасларим бирам енгил
Ҳузур берар бу ором.
Айтилмаган дардларимни
Шивирлаб тўкаяпман,
Руҳиятим ҳаволанар
Топиб сени, дилором.

Бу оламнинг ташвишлари
Ёқангдан олиб тўймас,
Тегрангда мижғовланиб
Юрар алланарсалар.
Қувонч кулиб қарши олса
Қайғу сени тинч қўймас,
Тутаб кетар шодлигингни
Ҳасадгўйлар кўрсалар.

Гоҳ эзилиб,
Қийқириб гоҳ,
Тўлқин урар ҳаяжон,
Қучоғида бу умрнинг
Қучиб баланд-пастидан.
Шомга ботиб, тонгда яна
Пок умидлар соғ-омон,
Соясида асрар мени
Номардларнинг дастидан.

Ғалвалар ҳам пуч ёнғоқдай
Хаёлингни бўлади,
Умид билан кутганларинг
Айланади саробга.
Ўксик дилинг қийналиб гоҳ
Зардобларга тўлади,
Ҳаёт асли ўхшар экан
Ўқилмаган китобга.

Гард инмаган бокира қалб
Қайдан келди дунёга,
Ғуборлардан холи олам
Оҳанрабо,
Мафтункор.
Мавжлари ҳам сир бермас жим,
Қиёсланар дарёга,
Йўлдан уриб, яна пайдо
Бўлмасмикан бир маккор?

Қаерларга олиб борар
Бу умрнинг йўллари,
Қай манзилда ечилади
Тугунлари тақдирнинг?
Ўтган ҳар йўловчининг
Очиқ кетар қўллари,
Етолмайин ҳеч сўнггига
Мангуга қолган сирнинг.

Сониялар қучоғида
Вақт дўстингми ё душман,
Муҳаббатми бу очунда
Инсон истар ҳуррият.
Барқ ургунча соф орзулар
Бунёд этади гулшан,
Осмону фалак томон
Учаверар руҳият.

* * *

Қичқиради тонгнинг кўзлари,
Бўзаради кенгликлар ҳорғин.
Сочилади имкон излари:
Кимдир магрур,
Ким эса мискин.

Санамасдан саккиз деган ҳам,
Қўрқиб пуфлаб ичган сувни ҳам.
Билмайдики, роҳату андуҳ
Ичра ҳайрон,
Гирён бўлар руҳ.

* * *

Ирмоқларни туширмаса тоғ,
Елкасида опичлаб аста.
Қақшар эди ҳар икки қирғоқ,
Дарё фарёд чекарди пастда.



НАСР

Салим АБДУРАҲМОН

1984 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Ҳозирда "Ishonch" ва "Ishonch-Доверие" газеталари таҳририятида фаолият юритади. Ҳикоялари республика матбуотида чоп этилган.

ДУРАННИНГ ҚУДУҒИ

Ҳикоя

Кун ботардан эсган шамол бир парча олачалпоқ булутни Бешбармоқота чўққилари томон ҳайдади. Кўп ўтмай тоғни қоплаган қалин туман қишлоқ томон ўрлади. Одамлар ғимирлаб қолишди. Сой бўйида ўтлаб юрган қўй-қўзилар қўраларга қамалди.

Катта кўчанинг шундоқ ёқасидаги уй олдида курсига чўкиб, тафтсиз қуёшга тобланиб ўтирган бобо ёнида тиззалаб олган етти ёшли набирасининг бошини сийпалаганча хира кўзларини тоғ тарафга тикди. Кўнглида: "Сел келадиганга ўхшайди. Ишқилиб бехатар ўтсин-да", – деган ўй. Аввал ғувуллаган овоз, ортидан қўрқинч солиб, олдидан нимаики чиқса супуриб, қутуриб келган сел хавотир бежиз эмаслигини англатди. Каттаю кичик ғала-ғовур билан қизғалдоқ қоплаган томларга чиқиб, пўртанани кузата бошлади.

Катта тошқиндан ҳайратланган набира бобосини саволга тутди:

– Бобожон, бунча сув қаердан пайдо бўлди?

– Кўряпсан-ку, болам, тоққа жала ёғяпти. Ўшалар йиғилиб оқаяпти-да.

Болакайнинг ҳайратли нигоҳи қутуриб оқаётган сувдан узилмай туриб, эсига нимадир тушди-да, буткул бошқа гапни айтди:

– Бобожон, боя тош ташлаб анави Дуран қудуқ ичидаги девни ўлдирдик.

Бобо кўзларини сойдан олиб, набирасига боқди. Оппоқ соқолларини тутамлаб, ерга тегиб-тегмай турган тўнининг этакларини тиззасига тортди.

Гап сойга яқин бўлса-да, сел етиб бормайдиган, атрофдаги хонадонлардан чиқадиган жамики чиқит ташланадиган, негадир оғзини беркитиб ёки кўмиб ташлаш ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган, одамлар наздида бехосият бўлган, катталарнинг яқинлашманглар, тортиб кетади, деб минг бор уқтириши у қулоғидан кириб бу қулоғидан чиқиб кетадиган, хивчин олиб қувлаш ҳам, панд-насиҳат ҳам бир пулчалик таъсир эт-

майдиган тўполончи болаларнинг ўйин майдончасига айланган қудуқ ҳақида кетарди.

Бобо кеча оқшом болакайнинг катталар нега ёш болаларни қудуқ ёнига яқинлаштирмаслиги ҳақидаги саволига: "Қудуқ ичида дев бор, атрофида ўралашганларни тортиб кетади", – деб жавоб қилганди.

– У ёмон жой дегандим-ку, болам. Палакат девга ҳеч нарса таъсир қилмайди. Ана, сел нимага келди десам, унинг жаҳлини чиқарган экансизлар-да. Яна шундай қилсанг, эртак айтиб бермай қўяман.

Болакай саволларни қалаштириб ташлади.

– Катта одамларга индамай, фақат болаларни тортиб кетадими? Кейин, нега ҳамманинг қудуғида дев йўқ, унда бор?

Бобо бир зум қаловланиб: "Дев катталардан қўрқади. Иннайкейин, ўша қудуқни танлаган-да у бехосият", – деб қўйди.

– Нега одамлар девни қудуқдан олиб чиқиб, ўлдириб ташламайди?

Бобо таслим бўлгандек жим қолди ва: "Катта бўлсанг ҳаммасини билиб оласан", – деди.

Бобо ҳовлидаги қудуққа ташланган насос шлангидан ток жўякларига отилиб чиқаётган сувни сатилларга тўлдириб, уй атрофини чангбосди қилаётган кампирига боққанча тезроқ катта бўлиб қолишни, ана ўшанда қудуққа тушиб, девни судраб чиқиб ҳамманинг олдида таъзирини беришни ўйлаб, кўзлари порлаб турган шалпангқулоқ, бурнини тез-тез тортиб қўяётган болакайнинг пешонасини силаб, озғин, қалтироқ қўллари билан бағрига босди. Кўз олдида узоқ ўтмиш жонланди...

...Уч кампир ҳаллослаганча келарди. Ўн икки ёшлардаги бола бувиси қўшни кампир билан бирга сатилларидан сачраётган сувга парво қилмай ҳаккалаб келаётганини, қариб, боши қалтанглаган, етмишдан ошган бўлса-да, тетиккина Дуран кампирнинг улар ортидан қуваётганини кўриб ўзини тиёлмай қиқирлаб куларди. Дуранни инсофга чақириш кесакка гапириш билан тенглигини билиб, супада жимгина кузатиб турган бобоси унга ёв қараш қилганда, боланинг кулгичлари юзида қотди.

Уйга етай деганда кампирлар тенглашди. Шунча ялинишса ҳам қўймади, Дуран қўлида чангаллаб олган тупроқни сочиб юборди. Сатиллар чангга беланди...

Бобо улардан терс ўгирилиб, нигоҳини узоқларда осмонни ўпиб турган Бешбармоқота чўққиларига қадаганча: "Кечагина бутун бир эл сув ичган қудуққа эга ҳам чиқа бошлади", – деб бошини сарак-сарак қилди. Бувисининг ўнг қўлидаги сатилнинг юзида лойқамтил сувда қорайиб турган, бир четига қатқалоқ лой ёпишган дарахт пўстлоғига қизиқиб боқиб турган набира бу сўзларга эътибор бермади.

"Оғзингдан қонинг келгурлар, бўкиб ўлгурлар, сув ичгунча балони ичмайсанларми", – деган қарғишлар жон-жонидан ўтиб кетган, ифлосланган сувни тиндириб ишлатишдан бошқа чораси қолмаган, ёлғиз ўғли урушда, келини далада, набираси ҳафтанинг олти куни мактабда, уй ишлари биргина ўзининг зиммасида қолган момо кела солиб чолига арз қилишга тушди:

– Шу, бобоси, бир қудуқ қаздирсангиз бўлмайдими? Қишлоқда унча-мунча эркак бор-ку. Бутун қишлоқ сизнинг чизғинғиздан чиқмаса... Раис бобо деган номингиз бўлса. Қачонгача бу Дуран билан ит-мушук ўйнаймиз?

– Сабр қил, момоси, кўклам келсин, қавм-қариндошларни тўплаб, ишга киришаман.

– Яхши бўларди-да, елкаларимиз кун кўрармиди. Вой бу хотин қурғур-ей... Икки-уч сатил сув олган билан камайиб қолармиди. Ердан қайнаб чиқиб ётган бўлса...

– Қўявер, унга ҳам инсоф кириб қолар...

– Букрини гўр тузатади. У ёққа борганда инсоф бермаса... Нимасига шунча ташвиш чекади? Ҳеч ким бўлмаса. Худо бекорга ҳар тарафдан қисиб қўймаган-да...

– Ундай дема, момоси, ундай дема. Тавба де. Гуноҳга ботма.

– Баъзан куйиб кетаман-да. Тўйганимдан гапираман. Бугунги қилиғини қаранг. Алам қиладигани уйгача келиб, қилиб кетган ишини айтмайсизми?

– Майли-да энди, момоси. Зоримиз бор-у зўримиз йўқ. Бир гап бўлар.

– Боғида ўриклари тўкилиб, чириб кетса кетадики, бирор болани оралатмайди. Қудуқни ҳам бутун қишлоқ қазиган-ку. Энди у эга чиқиб олган. Бунинг барини эртага орқалаб кетармиди?!

– Ҳеч кими йўқ-да унинг, момоси. Шу билан овунса, овуна қолсин. Бу инжиқлиги ҳам бекоргамас. Ёлғиз одамга осон тутма. Ҳеч кимнинг бошига бу кун тушмасин. Билсанг, бахтсизлик одамнинг феълини тор қилиб қўяди.

– Битта қудуқ қаздирмасангиз бўлмайди энди...

– Э, кўкламгача сабр қил.

– Шундай бўлсин, бобоси.

Орзиқиб кутилган кўклам ҳам келди. Тоғларда бодом гуллади. Қўриқ ерларда бойчечаклар унди. Аёллар сувни уч чақиримлар пастдаги қишлоқ қудуғидан ташишди.

Бир куни... Бобо қишлоқдошларни йиғди. Қудуқ қазишнинг маслаҳатини қилиш керак. Уч кундан бери тинимсиз ёққан ёмғир шу бугун тиниб, ҳаммани интиқ қилган қуёш булутлар орасидан мўралаган.

– Кенгашли тўй тарқамас, – деди у ҳамма йиғилгач. – Битта қудуқ қазимасак бўлмайди. Аёллар сувни узоқдан ташиб қийналиб кетди. Нима дейсизлар?

– Тўғри ўйлабсиз, раис бобо, – дейишди кўпчилик.

– Бу ишни тезроқ бошлаш керак, – деди подачи Ҳақберди ака. – Кўпдан қуён қочиб қутулмас. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарсак бир ойга бормай янги қудуққа эга бўлиб турибмиз-да.

– Бунисига ҳам яна бирорта эга чиқади-да, – деди одамларнинг чакки-ю тухумини Самарқанд бозорига обориб пуллаб келадиган Норбўта. – Битгандан сўнг Дуранга ўхшаган...

– Ундай дема, Норбўта, – жаҳли чиқса-да, босиқ гапиришга уринди бобо. – Эл бир нарсага бош қўшганда айнитма. Дуран ҳам бир гуноҳкор банда-да. Нима дердик?

– Раис бобо, – деди Каримберди жувозкаш соқолини тутамлаб. – Уч кундан бери эътибор қиламан, Дуран кампирнинг уйида жимлик. Ҳовлисида қораси кўринмайди. Тинчликмикан? Касал-пасал бўлиб қолган бўлса... У ҳам одам. Энди иссиқ жон дегандай...

Жувозкаш Дуран кампир билан рўбарў туради. Қай бирининг ҳовлисида чумчуқ учса билишади. Бобонинг кўнгли нохушлик сезгандек беҳузур бўлди.

– Бормадингми?

– Биласиз-ку, раис бобо. Мени кўрса пашисни кўргандек тутақиб кетади. Арпасини хом ўрганманми унинг. Чаён чаққандек кўзларини олайтириб уйимда нима қилиб юрибсан, деб оламни бузиши аниқ. Шу... Андиша қилиб чиқмадим.

– Энди, оғайнилар, аввало Дурандан хабар олайлик. Замон нотинч, элчилик, бир-биримиздан бохабар бўлмасак яхшимас-да...

– Қўйинг уни, ёмон ўлармиди, раис бобо, – яна гап ташлади Норбўта. – Ундан кўра қазилажак қудуқнинг маслаҳатини қилайлик.

– Ювилмаган қошиқдек орага суқилаверма, сен бола, – тутақиб кетди биров билан гап талашиб қолса, тез жаҳли чиқиб жанжаллашиб кетадиган, орқаворотдан Қўянчиқ лақаби исмига қўшиб айтиладиган, урушдан бир қўлидан ажраб қайтган Абдували ака. – Мен нима дейман, қўбизим нима дейди, деб биттаси қўбизини бир уриб синдириб ташлаган экан. Ўша қўбизнинг ҳолига тушиб қолмайин, десанг валдирамай жим ўтир сендан катталар гапираётганда.

У билан гап талашиш ўзининг зарарига бўлишини билган Норбўта мум тишлади.

Раис бобо бошлиқ бутун қишлоқ Дуран кампирникига йўл олди.

Уч кун олдин... Кундузи бошланган ёмғир жалага айланган тунда... Дуран кампирнинг боғида, колхоз отхонасидан бўшалиб чиққан бўлса керак, икки-уч от курт-курт беда чайнарди. Чакка ўта бошлаган чайласининг боққа қараган томонидаги эшигидан боқиб турган кампирнинг кўзи қаттиқ чақмоқ чақиб атрофни ёритган пайтда ўша отларга тушди. Кўзларида ўт чақнаб, ташқарига отилди. Остонада қоқилиб, йиқилди. Белида бир нарса узилгандек бўлса-да, эътибор қилмади. Хаёлида отлар. Эшик рахига суёғлиқ, ҳасса қилиб юрадиган таёғини қўлига олди-ю боғ томон югурди. Жалада балчиқ бўлган, сув йиғилиб кўлмак ҳосил қилган ерда оёғи шилтага ботиб, калишлари лой орасида қолганини ҳам сезмади. Отлар шарпани сезиб, сергак тортишди. Бошларини кўтариб, бир-бирига қарашди. Бу пайтда кампир етиб келиб, бирини таёғи билан солди. От жойида пишқириб, орқа оёқларини кўтарди...

Кампир кўкрагига тушган зарбдан сувга тўлган беда полига учиб тушди. Кўзлари

юлдуз санади. Зах танасига ўта бошлагач бироз ўзига келиб, ўрнидан турмоқчи бўлди. Қаддини тиклай олмади. Судралиб кўлмакдан чиқди. Чайласи томон эмаклаб, не бир азобда кириб борганда тепадан чакка шариллаб ўтарди. Тўшалган кўрпачага аранг етиб, бошини ёстиққа қўйди. Кийим-боши ивиб, совуққотиб бадани увушганидан кўрпача-ю, ёстиқнинг буткул ҳўл тортганини сезмади...

Одамлар чайлага кириб борганда томдан ўтган чаккадан йиғилган лойқа халқобда кўрпа-ю ёстиқларга чаплашиб, сувга бўккан кампирнинг танаси шишиб ётарди. Ҳамма ерга тикилди. Бу ҳолдан даҳшатга тушиб, ранги оқарганча эшикдан ортига қайтган ўсмирга ҳеч ким эътибор бермади...

Майитни қўйиб келишди. Унинг ўлимидан биров хурсанд ҳам, хафа ҳам бўлмади. Орадан кунлар ўтса-да, қудуқдан сув олишга ҳеч кимнинг оёғи тортмасди. Янгиси кавланиб, сув чиққунча пастдаги қишлоқ қудуғидан, уч чақирим наридан сув ташишди.

...Хотиралар қуршовида қолган бобо "Бобожон, қаранг, анави нарсани", – дея ҳайрати вижудига сиғмай турган набирасига, сўнгра у қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгани – оқиб кетаётган, танаси қучоққа сиғмаса-да йиллар сурони ичини емириб, ковак қилиб юборган, қуруқ қобиғини қутурган сув синдирган тут танасига боқиб, оғир хўрсинганча, бутунлай бошқа гапни айтди: "Бир пайтлар бутун бир эл сув ичган қудуққа битта тул хотин эга чиққан бўлса, энди ҳар бир хонадонда қудуқ кавланаяпти".

Набира гоҳ қутурган сувга, гоҳ қирғоқларга чиқиб, бирор ёғочми, четга чиқиб қолган карахт балиқними тутиш илинжидаги одамларнинг бақир-чақирига, гоҳ пўртаналар ҳар томон улоқтириб, зарб билан уриб оқизаётган кундага маҳлиё бўлганидан, бу сўзларга парво қилмади...

НАЗМ

Икром ОТАМУРОД

1951 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. 1975 йилдан бери "Шарқ юлдузи" журналида ишлаб келмоқда. Шоирнинг "Вақт ранглари", "Жануб қушлари", "Тўрғайли манзиллар", "Уфқлар орти бепоён", "Руҳимнинг қайғуси", "Сен", "Канглум, ўзинг", "Тавр", "Тағаззул", "Харитага тушмаган жой", "Муқаддар" сингари шеърий китоблари нашр этилган.

ДОҒ

Достон

Дилим майли гули боғингдир,
Сийнам узра фақат сенинг доғингдир.
Бобо ТОҲИР

...Қаер
қаергадир
талпинар?!..
.....
...Қаер
қаернидир
эзади?!..
.....
...Қаер
қаердадир
қалқинар?!..
.....
...Қаер
қаердандир
безади?!..
.....
...Қаер
қаердандир
ўзади?!...
.....
...Қаер
қаердадир
догланар?!..

.....
...Қаер
қаернидир
бузади?!..
.....
...Қаер
қаергадир
боғланар?!..
.....
...Қаер?!..
.....
... Қаергадир?!..
.....
.....
...Қаернидир?!..
.....
...Қаердадир?!..
.....
...Қаердандир?!..
.....
...?!.?!.?!.?!...
.....

* * *

...Ҳодислар содирдир кетма-кет,
баъзан,
баъзан,
узоқ муҳлат мум ютиб –
қотар.
Кангул ботинига доғ солиб аҳзан,
кангул зоҳирига гайбурдай ботар.

Ҳодислар борлиқнинг шамойилига
не-не заҳмин тўкиб,
хўрсинтиргайдир.
Қамчи уриб,
тўзғин гирдоб ёлига
очиқ ҳаволарда чўпчиб юргайдир.

Қуёшнинг беминнат сахий ёғдусин
тўсиб,
қовоғини уяр туманлар.
Хавотирга йўллаб йўлларнинг тусин,
жабру
жафоларни ниқтар гумонлар.

Вақт калитин солиб макон қулфига
тоғларнинг бастини борар қулатиб.
Қайрангларни тақиб қирғоқ зулфига
дайроларга тўрин ёяр –
тўлатиб.
Борлиқнинг борлиғи –
ҳодисий садо:
кўкка ўрлар,
чўкар ернинг қаърига.
Тасодифми,
қисматми бўлмайин адо,
ҳодислар топар-а,
боис,
барига...

...Ҳодислар.....
.....Ҳодислар.....
.....Ҳодислар...

* * *

...Боғ –
гулларнинг диёри...
...Боғ –
капалакларнинг макони...
...Боғ –
гиёҳларнинг ўлкаси...
...Боғ –
дарахтларнинг туфроғи...
...Боғ –
сукутларнинг Ватани...
.....Боғ.....
.....Тонг
хайрихоҳлик билан
оламга тўшалган
қат-қат сепини
беманнат йиғиштириб,
меҳру мурувватини
зигирча-да,
дариғ тутмайин
ҳадя қилади кундузга...
...Оламнинг нурафшон,
ёруғ халқаси –
Шамс
нигоҳига жойлаб
саховатини
Шарқдан кўтарилиб
поёнсиз
осмоннинг бағрига,
ҳароратин тортиқ айлаб,
муштоқ-муштоқ
термулади
боғнинг:
ифорин таратган гулларига,
орзуга талпинган капалакларига,
мўғжалари пиндиғлаган гиёҳларига,
илдизи қадим дарахтларига,
қуввати мўл сукутларига...

* * *

...Нисбат...
...Нисбат...
...Нисбат –
жимжитликнинг
қаърига
қурб
берган
ТАҲАММУЛ...
...Нисбат...
...Нисбат...
...Нисбат –
кангулнинг
тубида
томир
ёйган
ҲАҚИҚАТ...

...Нисбат...
...Нисбат...
...Нисбат –

.....
.....
.....

* * *

...Ғанимат он...
...Ғанимат имконнинг
тақозосида
дийдор илғамайди
сира ҳижронни...
...Ғанимат имконнинг
тақозосида
ҳижрон гамга йўғрилар
сезмай дийдорни...
...Бир-бирига талпинганда,
қўмсаганда,
соғинганда,
чоғинганда,
не тонгким,
э воҳ,
хўрсиниқлар,
пушаймонлар чағир тошларини:
дилларга чўктириб-чўктириб,
йўлларга тўктириб-тўктириб,
манзилларда хезлатиб-хезлатиб,
имконларда бўзлатиб-бўзлатиб,
мубҳам содирларин айлагай шикан...
...Қуриётган дайродай:
қақраниб-қақраниб,
тақраниб-тақраниб;
зорика-зорика,
торика-торика;
лойланиб-лойланиб,
тойланиб-тойланиб;
изиллаб-изиллаб,
мизиллаб-мизиллаб;
сайрона-сайрона,
вайрона-вайрона;
шунгайиб-шунгайиб,
мунгайиб-мунгайиб;
шилина-шилина,
илина-илина дорланади
ганимат он мавжлари...
...Маскун
дақиқани
ўзининг тимига томир оттирмай,
этмагандек жо,
лаҳза ҳам маскуннинг илтижосига
зигирча-да,
парво қилмайин,
эътибор бермайин,
қайрилмай ҳечам,
йўқотиб бораверади қадам-бақадам
ўзаро туташманд
томирлару
боғичларини...

...Сукутга қараб,
сукутни ютиб,
сукутда қотиб,
ҳаммасини ўстирар
ғанимат он...

...Дариғо!..
...Дариғо!!.
...Дариғо!!!

...Сукутдан
қандайдир
жой топиб боради
ҲАҚҚа интизор,
ҲАҚҚа маҳлиё,
мискин чидам-ла
интилиб толғон:
чунгирак жон,
чунгирак қайғу,
чунгирак хаёл,
чунгирак доғ...
... Чунгирак...
...Ғанимат он...

* * *

...Доғ доғлагайдир доғни доғлантириб...
...Оҳ оҳлагайдир оҳини оғлантириб...

...Йиғи йиғлатар йўқлатиб йиғисини...
...Тусмол туслатар туслантириб тусини...

...Дард дарднинг дардига дардона...
... Ғам ғамнинг ғамига ғамхона...

...Занжир занжирга занжирлар занжирини...
...Сир сингдиргайдир сирриётга сирини...

...Қайғу – қалбнинг қақроқ қиёғи...
...Армон – армоннинг азиз арқоғи...

* * *

...Қай вужудда қадр йўқолиб борар...
...Қай вужудда қалб юради йиғлаб...
...Ёлғонлар
ёлғонни ёлғонга қорар,
ЭЪТИҚОД аҳдига тиғини тиғлаб...

...Қай вужудда иқлим муҳри аросат...
...Қай вужудда манманликнинг хуружи...
...Кибр ҳавоси-ла йўртиб саросар,
худбинлик
худбинликка қўйғайдир ружи...

...Қай вужудда меҳр узилар тордай...
...Қай вужудда сабр новдадай синар...
...Ҳаётда биргина манфаат бордай,
манфаат эгарига
манфаат минар...

...Қай вужудда алғов-далғов гувуллар...
...Қай вужудда сукут сақлар осойиш...
...Маҳзун ҳоллар шамолларда ҳувуллар,
жабр
жафосида
жудолик
жойиш...

...Қай вужудда хотир йироқлаб кетар...
...Қай вужудда соғинч ғам ютар –
афсус...
...Ғавғолар бир-бирин этагин тутар:
тезлашиб,
излашиб,
юзлашиб махсус...

...Қай вужудда ихлос ҳикмати бефарқ...
...Қай вужудда нафс қанотин ёзар...
...Нафс йўртар ғўрдайиб,
басма-басга ғарқ,
руҳиятга,
асло,
солмайин назар...

...Қай вужудда тоқат сўлар –
толиқиб...
...Қай вужудда идрок хўрсиб –
тинади...
...Соҳия чопар,
ўзин сезмай,
ҳалиқиб,
манглайига не-не гардлар қўнади...

...Қай вужудда адоғ –
йўлнинг узуни...
...Қай вужудда қисқа-қисқа йўл –
адоғ...
...Ҳажр –
ҳижрон
ҳужрасининг
ҳузуни –
вужуд сийратига қадаб борар доғ...

* * *

...Куп-қуруқ илинжнинг
яп-яланг сиртида:
йўртиб-йўртқилаб,
туслаб-тусланиб,
чўпчиб-чўпчилаб,
товлаб-товланиб,
чоғлаб-чоғланиб,
йиртиб-йиртқилаб,
шип-шийдам нуқсга
шайлантирар
бебурд илинжни,
янада,
тап-тақир ёлғон...

* * *

...Кўклам...
...Ёмғирли ҳаво...
...Боғ...
...Капалак...
...Гул...
...Дунёнинг бир кунлик меҳмони –
капалак
богда
пириллаб-пириллаб,
қанотин ёзиб,
шўнгиб-шўнгиб соғинч тўлқинларига,
тўлиб-тошганча,
ишқин изҳор қилмоқни хоҳлаб,
чунонам,
айланиб,
ўргилиб,
интилар
лаҳзалик дийдорга шайдо,
богда
очилиб-очилиб,
хушбўй атрин таратган гулга...

...Капалак –
ошиқ...
...Гул –
маъшуқ...

...Яралган оламда
мавжуд нимайики бўлса:
гоҳ сезиб,
гоҳ сезмай ўзининг қурбини,
барибир,
яшаб ўтаверади:
ё қувонч,
ё қайғу имтиҳонида...
...Капалак богнинг бир гулига қўнди,
хушланиб,
висол оғушига муҳаббатин айлаб бахшида...
...Соғинч капалаги...
...Ишқ капалаги...
...Бор-йўқ бир дақиқ...
...Бир дақиқ бор-йўқ...

.....
.....
.....

...Шу маҳал,
богдаги
қайсидир дарахтнинг
эгилган новдасига
мих сингари санчиб тирноғин,
анчадан бери
капалакни синчиклаб,
кузатиб турган
кўзлари олазарак,
мугамбир майна
ҳовлиқиб,
ҳаприқиб,

капалакка чанг солиб нохос
ва оғзин очиб,
фавқулодда ютиб юборди –
жонсарак...
...Бог ўксинди...
...Эҳ...
...Богда
учиб,
қўниб,
келиб,
кетаётган:
феъли бебурд,
жойи бетайин,
саси беёқим майна:
чағиллаб-чағиллаб,
титкилаб-титкилаб
афсусга йўғиради,
богнинг бағрига тўкканича дог...

...Бог ўксинди...
...Эҳ...

...Хилма-хил қабариқ роботлар
бир-бирига гал бермай,
зинҳор-базинҳор,
бир-биридан
қизғониб-қизғониб,
зотан,
йўналиб-йўналиб пойга маромига,
борҳо-борҳо,
бепарво,
беписанд йўртгани-йўртган,
пасту баланд тошлоқ,
ўнқир-чўнқир туфроқ йўлларда,
шовқин-суронларин
вағиллатиб-вағиллатиб,
басма-бас,
бошга,
афсус,
солганича дог...
...Бог ўксинди...
...Эҳ...
...Танг қотиб қолдим.
Бухсанган таним
канглумга туганмас дардин қадади.
Не-не хаёлимни чилпитиб маним,
шоналатди армонимнинг ададин...

...Вақт богда қўним топмай кезади,
вақт югурар,
елар,
тинмайин,
асло.
Вақт нималарга нималарни чизади.
Вақт –
тарози.
Вақт –
афсус.
Вақт –
тасалло...

...Эҳ...
...Қаҳрим келди лўттибоз майнага...
...Эҳ...
...Канглумда доғ бўлди капалак...
...Эҳ...
...Канглумга доғ солди йиғлаган гул...
...Эҳ...
...Раҳмим келди мунғайган боғга...
...Эҳ...
...Начора...
...Раҳм –
имконсиз...
...Раҳм –
гам...
...Раҳм –
ҳижрон...
...Раҳм –
доғ...
...Эҳ...
...Доғ ботинда ўсади...
...Доғ –
ботинда қақраган виждон.
...Доғ –
ботиннинг чирқираган умиди...
...Эҳ...
...Ёмғир томчилади...
Ёмғир капалак доғидан догланди қаттиқ...
...Эҳ...
...Ёмғир томчилади...
...Гўё,
гулнинг ҳижронини
унуттирмоқ изнида,
тугма тахлит тақди
мунису
мушфиқ томчиларини...
...Эҳ...
...Боғга термуламан...
...Канглумда доғ...

* * *

... Кўрдим деганда...
...Тайрилиш...
...Доғ...
.....
...Топдим деганда...
...Йўқотиш...
...Доғ...
.....
...Етдим деганда...
...Айрилиш...
...Доғ...
.....
.....
.....

НАСР



ОТАУЛИ

1949 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. "Осмон тўла юлдузлар" фалсафий эссеси, "Сурнай наволари" қиссалар ва туркум бадиалар тўплами, "Тилсим (Туркистон достони)", "Элчи (Афанди ўлмайдиган бўлди)", "Улус (Фаробийнинг дўсти)", "Замона зайли" насрий достонлари нашр этилган.

АФАНДИ ЯШАСИН!

Романдан боблар

Афандининг эшаги

Ҳа, ўйлаб қаралса, афандининг замонавий эшаги – ўсмирлар велосипеди ҳам бугунги кунда ўзича бир антиқа тарих бўлиб қолди! Бу "замонавий эшак" фақат хотира қатламларидагина эмас, дала ҳовлисидаги бехос босиб қолган қўлбола ошхона-ўтинхонанинг лойсувоқ томи остида – тупроқ тагига кўмилиб кетди! Ўшанда уйига ёндош қурилган ошхона-ўтинхона нима сабабдан босиб қолганини аниқ билолмади. Томи лойшувоқ бўлгани сабабми, ё орқасидаги катта ўра сабабми...

Ўз вақтида дала боғларини баҳамжиҳат обод қила бошлаган ён қўшни-жон қўшниси, тутинган акаси Алихўжаев домла ўн йилча аввал бандалик қилганидан кейин... Носир афанди қўшнига ҳеч ёлчимади-ёлчимади-да! Ҳамма қитмирлар унинг атрофига йиғилиб қолганми, ё ўзи яхшигина биладиган Бош қитмир уларга тегишли йўналиш бериб турибдими, бунисини Худо билади. Носирнинг билгани шуки, ортиниб-тортиниб дала ҳовлига етиб борсалар бас, ҳали нафас ростлаб улгурмасларидан, ҳойнаҳой атайин қандайдир бир енгил машина рўпарасидаги қўшнисини зудлик билан олиб келиб ташлаб кетади. Қарабсизки, қўшни саноқлигина вақт-соат мобайнида умумий ариқчадан жилдираб оқаётган сувни ётволиб талашади, "бу ерларда илонлар жуда кўп-ей" деб шикоят қилади, у ёки бу нарсага пул йиғиляпти деб келади ва ё бошқа шунга ўхшаш хуноббозликни ўйлаб топади! Башарти Носир афанди "экинни қуёшнинг тафтида суғориш зарарли, келинг, мен қоқ тушда, сиз кечки салқинда суғорасиз", "олинг, сувнинг ярмидан кўпи сизга оқсин" ва ҳоказо деб ундан бир амаллаб қутулиб, енгил нафас олиб турганида бошқа бир қўшниси ўзга бир ғалвани бошлаб, "ассалому алайкум" дея дала ҳовлисига кириб келади...

Кунлардан бир куни "тегирмоннинг навбати" жойинг жаннатда бўлгур қўшниси Алихўжаевнинг ўғлига етиб келди. Дала ҳовлисига базўр бориб, эндигина боғига

сув очиб турганида ўша ўғил машинасида зувиллаб етиб келди-да, ўзи амал-тақал жилдираб турган сувнинг қоқ ярмига эга чиқди.

– Сувни бўлишамиз, ака, қаранг, менинг боғим ҳам қақраб-қовжираб ётибди, шу бугун базўр вақт топиб атайин суғоришга келувдим!

Ўшанда Носир аччиқ қилиб эмас, йўқ, сидқидилдан таслим бўлди:

– Раҳматли отангизнинг ҳақи-ҳурмати, шу сувнинг ярмини эмас, тўлалигича ола қолинг, укажон! Шунда экинлар тезроқ суғорилади. Майли, мен сиздан кейин суғорарман!

Ўғил тўғри гапни нотўғри тушуниб ошкора таҳдидга ўтди:

– Нега менга кесатиқ қиласиз, ака! Нима, ўтказиб қўйган жойингиз борми? Ҳалиям "Уйингизни уймнинг давомидан нариоққа кўчиринг!" демаяпман-ку!

Бир пайтлар Алихўжаев домла билан ака-ука тутиниб, бақамти иш бошлаган эмасми, уйлари, ошхоналари, ўтинхоналари икки даланинг чегарасида бир-бирларига туташтириб ёнма-ён қурилган эди. Бунда аввал-бошда ташаббус раҳматли домланинг ўзидан чиққан эди: "Хўжа Аҳрори Валийнинг Боғистони қошидаги бу хилват чиллахонада, келинг, ука, бир-биримизга яқинроқ елкадош бўлайлик! – деган эди домла. – Шоядки бу жаҳон айвонидаги ўзбекларимиз ҳам бир-бирларига "Нари тур!" деб эмас, аксинча, "Бери кел!" деб қарайдиган бўлсалар!"

Дунёнинг ишларини қарангки, ана энди шунга ҳам Афанди айбдор бўлиб турибди! Энди нима қилиш мумкин? Чилланинг кунида бирор ҳафтани ўтказиб тағин амал-тақал дала ҳовлисига етиб борган эди, не кўз билан кўрсинки, қўлбола ошхона-ўтинхонасининг ортига каттагина ўрами, ҳандақми, кавланиб, сувга тўлдириб қўйилибди! Бу ҳовуз, иссиқ-қуруқ ёзда-ку, билинмайди. Лекин ёғин-сочинли куз билан қиш кунида ошхона-ўтинхонасини ўпқондек ўпириб, ўз домига тортиб кетиши мумкин-ку! Хавотирини тутинган акасининг ўғлига ётиғи билан айтди, албатта. Ўғил баттар терсланди:

– Мен нима қилай энди, ака? Уйингиз билан ошхона-ўтинхонангизни уймнинг давомидан қурганингиздан кейин... ўзим дала ҳовлингизнинг ичкарироғига кўчириб берайми энди? Ё яхшиликча ўзингиз кўчириб оласизми?

Носир ётиғи билан тушунтириб, ўзига тиш қайраб турган ўғли тенги йигитни инсофга чақириб кўрди. Ялиниб-ёлворишлар акс таъсир қилаётганини кўргач, нима қилишни билмай қаттиқ боши қотди. Ўйлай-ўйлай, қўшнининг ўғлига таъсир қилиши мумкин бўлган гапни ахийри топди:

– Ҳандағингиз менинг ошхона-ўтинхонамнинг орқасида бўлгани билан ўз уйингизнинг ёнбошида эканини унутиб қўйманг-да, ука! Эрта бир кун бу ҳандаққа йиғилган сув ўзингизнинг уйингизни йиқитса, ана ўшанда нима қиласиз?

Минг афсус, огоҳлантириш салгина кечикиб айтилган экан! Ҳали у айтилмай туриб, серёғин куз билан қаҳратон қишни ўтказиб, кўкламда дала ҳовлисига бориб қараса... ошхонаси-ю ўтинхонаси ер билан битта бўлиб ётибди! Қўлбола қилиб қурилган лойшувоқ том ўзи туғилиб ўсган Туркистоннинг даштида кўпга чидайверар эди. Бироқ қор-ёмғири тошни ҳам емириб ташлайдиган Хўжакентнинг тоғида чидамас экан-да, начора!

Ўзича шундай дея айбни ошхона-ўтинхонасининг тагига эмас, бошига сув қуйилганидан кўрди! Босиб қолган томнинг кўлга илингулик ёғоч-тахталарини олиб бир чеккага тахлади. Тупроғини бир нави текислади-да, ўрнига олма кўчати экиб ташлади, тамом-вассалом! Мурод ҳосил бўлдими, қайдам, ё ўз уйининг ҳам тагига сув кетишидан хавотирландими, ошхонаси билан ўтинхонаси йиқилганидан кейин, ҳайтовур, ҳандақ ҳам текисланди. Буни кўриб Носир: "Муҳими "Том тоғанинг кулбаси"ни йиқитмасдан омон сақлаб қолдим-а, хайрият", – деб енгил нафас олди. Ўша кунларда дард устига чипқондек нарироқдаги бир намозхон акахони азза-базза унинг олдига келиб, билса ҳазил, билмаса чин қабилида: "Уйингиз ҳам босиб қолмасидан уни қачон бузасиз энди?" – дея ўсмоқчилаб сўраб-суриштирди.

Ё фалак! Дилида диёнати бор қай бир яхши одам фақирга шундай саволни кўндаланг қўяди, хўш? Бу нимаси, "камбағални урма, сўкма, чопонини йирт" қабилидаги саволми? Бу одамнинг намоз ўқиб топган савоби нима бўлди энди? Ичида қаттиқ ажабланса-да, сир бой бермай, ўша акахонига қўшилишиб кулди: "Ҳа, энди, Худо хоҳласа, сизга ўхшаб данғиллама уй қургандан кейин бу кулбани бузамиз-да, ака! Янгисини қурмай туриб эскисини бузмаймиз, дейишган-ку, ахир! Ё шу гапга эътирозингиз борми?" Шундан кейин

"уйингни қачон бузасан?" деган кўндаланг саволдан бутунлай қутулди. Ўша намозхон акахони бош ташкилотчига: "Бу "номер"ингиз ўтмаяпти, ака! Икки ўртада ўзимизга сиёсий айб тақаб нақ осмондан келяпти! Бошқа "номер" ўйлаб топиш керак", – деди шекилли-да! Нима бўлганда ҳам, ер билан битта бўлиб улгурган ошхона-ю ўтинхонадаги анчагина тақир-туқурлар, жумладан, бир пайтлар, ўша ўта муҳтожлик чоғларида яхшигина иш берган "замонавий эшак" тупроқ тагида қолиб кетди. Уни кавлаб олишга Носирнинг ҳафсаласи келмади. Биринчидан, ўзи икки баравар оғирлашган юкни кўтаролмай, кўтарам бўлиб, ғилдираги ғилайиб қолган эди. Тузатгирса, ўзини ё оқлайди, ё оқламайди! Муҳими – энди уни ким ҳам минарди. Ўғли эндига келиб ўсмир эмас. Ўсмирлик ёшидаги невара эса, надоматлар бўлғайким, ҳали-ҳануз йўқ!

Эҳтимол, яна бир неча асрдан кейин бир қадимшунос қадимий Хўжакентнинг тупроғини кавлаштириб, ўша "Тупроққалъа"дан "велосипед" деб аталувчи бир антиқа осори-атиқани топиб олар ва ўзича қандайдир илмий фаразлар қилиб, велосипедни қайта кашф этар, ким билади дейсиз? Ўтмиш билан келажакни қўя туриб, бугундан келайлик. Бугунги кунда тупроқ тагида қўмилиб ётган ўсмирлар велосипедини бир пайтлар дам миниб, дам етаклаб, дам судраб юрган ўн олти яшар ўспирин энди ўсмир эмас, ўттиздан ошган одам! Шашти ўттиз йил аввалги ўзининг шаштидан баландроқ бўлса баландроқки, зинҳор паст эмас! Мана ман деган халқаро университетнинг мана ман деган ўқитувчиси! Ҳазилакам гапми, математикадек фанларнинг шоҳидан инглиз тилида сабоқ беради! Математика бўйича инглиз тилида ёзилган салмоқли китоб-у кўпгина мақолалар муаллифи! Бу билан ҳам кифояланмай, инглиз тилидан ўзбек тилига ва, аксинча, ўзбек тилидан инглиз тилига таржималар қилади. Ҳатто "энди сизнинг нонингизни яримта қилмоқчиман, ада!" дея элшунослик масалалари билан шуғуллана бошлаганига нима дейсиз? Кўз тегмасин, ўғлининг ишлари ҳавас қилса арзигулик. Фақат ишқ-муҳаббат савдоси-ю оила қуриш масалаларига келганда, Худо билади, нега бундай бўлди, отаси унинг ёшида бир эмас, уч маротаба севиб, икки карра уйланиб улгурган эди, ишонган ёлғиз ўғли бўлса, ўзи ҳам, онаси ҳам ҳарчанд қистамасин, ҳали-ҳануз "мана, мен суйган қиз!" демаяпти-деёлмаяпти! Ота-боланинг ҳаёт-мамот масалаларидаги яккадам суҳбатларидан бирида ўғли ярим ҳазил, ярим чин қабилида Фаробий, Беруний, Навоийдек мутафаккир боболаримизнинг бир умр тоқ ўтганларини тилга олиб, уйланишни баттар пайсалга солганида анчагина қизишиб амримаъруф қилишга мажбур бўлди: "Ўғлим-ов, уларнинг йўриғи бутунлай бошқа! Масалан, Алишер Навоийнинг Дарвишали деган укаси бор эди! Шунинг учун отаси Ғиёсиддин баҳодир катта ўғлидан кўрмаган невара билан орзу-ҳавасни кичик ўғлидан кўрди! Сен бўлсанг, беш қизнинг ўртасидаги ёлғиз ўғил, онанг билан менинг умид чироғимизсан! Аввалбошда сени бир умр тоқ ўтсин деб илм йўлига ундаганим йўқ эди, қолаверса, биз сени иккинчи маротаба уйлан деб қистаётганимиз йўқ-ку, тезроқ бир марта уйлан-да, бахтли бўл демоқчимиз!" Илм уммонига муккасидан шўнғиган ёлғиз ўғил бундай амримаъруфга бўй бермай, ҳали-ҳануз ўз билганидан қолмай юрибди.

Бундан бор-йўғи ўн уч йил аввал Носир уч йиллик интизорликлардан кейин, ниҳоят, худди шу "Элчи (Афанди ўлмайдиган бўлди)" китобчасини қўлига олганида анови ёлғиз ўғли йигирма ёшга тўлиб, АҚШдек давлатнинг Массачусетс штатида таҳсил олмоқда эди. Математика билан иқтисодиётдан ташқари, қачонлардир янги бир қитъани кашф этиб, ўша ёқларда қўним топган қадимий массагетлар маданиятини ҳам ўргана бошлаган эди. Унинг ўша қитъадан олиб келган хушхабарига қараганда, бир пайтлар Орол бўйида яшаган аждодларимиз – массагет қабилалари билан бу штат ҳудудида бугунги кунда ҳам яшаб турган массачусетсларнинг наинки оти, зоти, балки урф-одат, маданияти қарийб бир хил экан. Бугина эмас. Дейлик, қадимий майя маданиятининг йигирмалик саноқ тизими, гарчи қадимий шумерларнинг олтмишлик саноқ тизими қадар юксак бўлмаса-да, ҳар қалай, шу кеча-кундузда биз қўллайдиган ўнлик саноқ тизимидан бир баҳя баландроқ бўлган экан! Бу тизимнинг туб илдизига бугунги кунда жаҳондаги мана ман деган математик олимлар ҳам етиб боролмаётган эмиш. Хуллас, башарият ўзининг маданий-илмий тараққиётида олға кетяптими ё ортга чекиняптими – бу саволга жаҳоннинг энг зўр олимлари ҳам аниқ жавоб тополмасдан бошлари қотиб ётган эмиш! Бинобарин, бу оламда боши қотган фақатгина Носир афанди эмас, деб ўйлади ўшанда ҳам, мана, айни лаҳзаларда ҳам ўзини бир нави овутган бўлиб.

Бу ўринда асосий гапимиз ер куррасининг нариги палласидан ўғли олиб келган

хушхабар ва ё бугунги кунда ҳам умумбашарий юксакликларга кўтарила олган алломаларнинг қотган бошларида эмас, ўн олти яшар ўғлининг орадан атиги икки-уч йилгина ўтиб-ўтмай ўша олис қитъага ўқишга қандай бориб қолгани хусусида.

Ўшанда ўғли бирор йил физика-математикага қаратилган махсус мактабни битиргунга қадар азбаройи муҳтожликдан отасининг ёнида мардикор бозорига бот-бот чиқар экан, кунлардан бир куни оёғига бехос мих кириб кетди. Каттагина мих туфлининг қалин-қаттиқ тагчармини тешиб ўтиб, товонга анчагина чуқур ботган. Войвойлаган кўйи туфлини ечиб отиб, товондан оқаётган қонни кафти билан тўхтатар экан, ўғли беихтиёр айтган сидқидил илтижо бугунги кунда ҳам Носир-афандининг қулоқлари остида янграб тургандек гўё: "Оҳ-уҳ, зирқираб оғрияпти! Э, жонимга тегди, қачон қутуламиз бу азоблардан, ҳеч бир чораси борми, эй Худо?!"

Ўша куни кечқурун ота-ўғил мардикорликдан топган даромадларини сарҳисоб қилар эканлар, Носир ўзини навбатдаги амримаъруфдан тўхтатиб қололмади:

– Мана, сен ҳали товонингни чангаллаб, "қачон қутуламиз бу азоблардан, ҳеч бир чораси борми ўзи?" – деб нолидинг. Қутулишнинг чораси бор, ўғлим! Фақат ўша чорани излаш керак, топиш керак. Сен билан мардикорликка чиқишдан кўзлаган мақсадим, тўғри, муҳтожлигимиз важидан, лекин шу билан бирга сенга турмушнинг, тирикчиликнинг нақадар оғирлигини кўрсатиш, ўғлим. Худо ҳоҳласа, сен ҳали шундай юксак мартабаларга эришасанки, ўшанда бу кунларнинг қадрига етасан. Сен ҳозирдан ҳаётий мўлжални тўғри ол, ўғлим! Ҳақиқий Хўжа Насриддин афандидек шундай бир теша тегмаган чорани топиб, тадбир қўллашинг керакки, токи сени эшак қилиб минишга ишқибоз устаси фаранг тулкилар ўзлари эшакка айланиб қолганини билмай қолсинлар. Ўзинг бир танангга ўйлаб қара! Хўжа Насриддин афанди Алпомиш билан Гўруғлидек отлиқ, Бойбўри билан Бойсаридек уюр-уюр йилқи, гала-гала туя, сурув-сурув қўй-қўзилик бой эмас, ниҳояти эшак минган элчи бўлган. Нега шундай? Нима, ҳар қандай фирибгарга ҳам фириб бера оладиган Афанди Бойчибор билан Ғиротдек гижинглаган тулпор бўлмаса ҳам, ақалли бир қирчанғини миниб, дейлик, Дон Кихотдек отлиқ бўлолмас эдими? Истаганча от мина олар эди. Фақат у, не бир отлиқлардан фарқли равишда, эшак миниб, ўша отлиқлардан олисроқларни кўзлашни афзал билган, маррага отлиқлардан аввалроқ етиб бора олган. Сенинг ҳам афандидек эшак миниб олисларни кўзлайдиган вақтинг келди, ўғлим! Сен учун шу кеча-кундузда ягона чора – махсус мактабни яхши баҳоларга битириб, мамлакатдаги етакчи университетнинг унча-мунча одам ўқишни уддалаёлмайдиган энг қийин факультетига кириш! Бундан қирқ йил аввал мен бу шаҳри азимга дастлаб ўқигани келганимда математикликка ҳужжат топширган эдим. Кечки ўқишга кирган жойимда Тошкентдаги зилзиладан кейин очилмоқчи бўлган сейсмология факультетига ўтиб кундузи ўқимоқчи бўлганман. Минг афсус, ўша факультет нимагадир очилмай қолиб кетган. Математика факультетида кечқурун ўқишни эса, айрим сабабларга кўра ўзим истамадим. Шундай қилиб, минг афсус, на зилзилашунослик факультетида, на математика факультетида ўқиш менга насиб қилмади. Менинг ушалмаган армонларимни, қани, қўлингдан келса, ушатиб кўр энди сен.

Қарабсизки, атиги бир неча ойдан кейин ўғли ҳозирги миллий университетимизнинг математика факультети талабаларидан бири бўлиб турибди-да! Бирор йилдан кейин эса, Ўзбекистон ёшларини энг тараққий этган давлатлар университетларида ўқитиш учун "Истеъдод" жамғармаси очилгани, ўғлининг энг истеъдодли ёш математиклар орасида зўрдан зўр чиқа олганига нима дейсиз! Аввало Худонинг қудратига, қолаверса, халқнинг "интилганга толе ёр" деган ҳикматли гапининг қанчалик ҳақ-ростлигига энг яққол далолат-да бу. Кейинчалик яна бир гапни ўғлига амримаъруф тарзида кўп маротаба айтди: "Агар ўшанда товонингга кирган мих суяк-суягингдан ўтиб, минг йиллик қонингни жўштирмаганида, турмушнинг оғир аҳволидан юлқиниб чиқишингга ундамаганида, бор-йўғи икки-уч ойдан кейин университетга ўқишга киролмасдинг, демакки, чет элга ўқишга боролмасдинг, демакки, шундан кейин қўлга киритган ютуқларингдан биронтаси бўлмас эди. Сени пўлатдек тоблаб, улғайтириб, мардликка ўргатган ўша мардикор бозори билан ўша товонингга қадалган михдан хурсанд бўлишинг керак, ўғлим!"

Бу ўринда гап ёлғиз ўғли ва у қўлга киритган ютуқлар ҳақида эмас, афандининг эшаги ҳақида экан, алаҳсимай мақсадга қайтайлик.

Бундан ўн олти йил аввал "Элчи (Афанди ўлмайдиган бўлди)" асарини юрак-бағри

баайни ёниб-ўртаниб йигирма кунда ёзиб битирганидан кейин, табиийки, уни қандай қилиб тезроқ ёруғликка олиб чиқиш устида бош қотирди. Ўзи ихлос қўйган бир Афанди акасига қўлёзмани умид билан ўқишга берди. У қўлёзмани ҳайдовчиси орқали ўзига қайтарганидан кейин бир учратганида биттагина гап айтди, холос: "Бечора Афандининг хотинига жуда қаттиқ жабр қилибсиз-да!" Тушундики, эшак минган афандининг ёзгани отлиқ афандига ёқмайроқ турибди. "Нега энди фақат хотинига жабр, ўзига-чи? Ўзига жабр эмасми?" қабилидаги саволлар билан "масалани аниқлаштиргиси" келмади. Усиз ҳам муносабат тушунарли-да! Ўзича "начора, зоримиз бор, зўримиз йўқ!", дедида, қўлёзмани от миниб юрган бошқа дилтортар акасига ўқишга берди. Бу акаси, тадбиркорликда беназир ҳақиқий афандимисан афанди экан, кейинчалик маълум бўлдики, "сен менга нисбатан афандироқсан, ука!" дея "масалани ҳал қилиш"ни дам отда, дам эшакда, дам пойи-пиёда юрадиган бошқа бир Афандига ошириб юборибди. Кунлардан бир куни ўша Афанди акахони ўз оёғи билан пойи-пиёда юриб унинг олдига келди. "Ҳой Афанди! – деди унинг юз-кўзига синчковлик билан тикилиб қараб. – Афанди ҳақида ёзганингни ўқиб чиқдим. Ёмон эмас, қизиқиб ўқиса бўлади. Бироқ... нима десам экан? Бу дунёда шунча йил яшаб кўп афандиларни кўрдим, аммолекин бунақанги лапашанг-ландовур афандини биринчи маротаба кўриб туришим. Бу Носиринг аммамнинг бузоғидек бўшашишнинг ўрнига нега ўша "Абдуманнон" деган эшакнинг гирибонидан олмайди?" Ўша куни Носир "мен бир ўйлаб кўрай, оқсоқол", деди-да, қўлёзма устида роса бош қотирди. "Ўша "Абдуманнон" деган учига чиққан учар корчалон ниҳояти эшак минган афанди эмас, бугунги куннинг энг учқур тулпорларидан бирини миниб турган казо-казо-ку ахир, тақсир! У нафақат эшак минган Афандига, не бир дасти узун отлиқларга ҳам думини тутқазмай, сувдан қуруқ, тегирмондан бутун чиқиб турибди-ку! У учар корчалон эшак қилиб минаётган бечора гумашта-шотирлардан бири – ўша Тожиддинми, Санжарми деган югурдакнинг гирибонидан олиш мумкин, албатта! Афандининг қўлидан келадигани ҳозирча шу, холос!"

Ўйлаганини қилди! "Қиссадан ҳисса"ни афанди акасига кўрсатган эди, у киши айтди: "Мана бу бошқа гап. Мана буниси эса, асаринг ҳақидаги менинг фикрим!"

Қўлида қўлёзма билан "масалани ҳал қилувчи фикр"ни баайни жон қушидек тутиб, аввало "Эл юзи" журналида бош муҳаррир бўлиб турган яна бир афанди акасининг ҳузурига борди. Акаси асар билан у ҳақдаги фикрни ўқиб чиқиб айтдики: "Бу қандай афандилик? Бунингизни ўша афанди акангиз ўзининг журналида эълон қилаверсин, агар шахсий журнали бўлса. Лекин мен элшуносларнинг етакчи журналида бундай афандиларча ёзилган нарсани эълон қилолмайман. Бунга ҳаққим йўқ".

Энди нима қилиш керак? "Эшак эгасини ортига мингазмас экан!" Бу оламдаги энг бирламчи элчи-элшунос Афанди эмасми ўзи? Шу энг бирламчи элчи эл юзи бўлолмайдими, нима бало? Қўлёзмани "Эл юзи" журналидан қайтариб олиб, нисбатан кичикроқ "Эл кўзи" журналига олиб борди. Бу журналнинг бош муҳаррири ўқиб чиқиб айтдики: "Журналимиз оғир-оғир юкларни ҳам бемалол кўтара оладиган от билан туя эмас, бунингизнинг қоқ ярмини амал-тақал кўтариши мумкин бўлган баайни бир ётағон эшакдек гап-да, ака!"

Ана ўшанда Носир-афанди ўзининг у қадар ночор эмаслигидан астойдил қувониб кетди. Айни шу гапдан кейин яна бир тадбиркорлиги қўзиди. Яхшиямки жами ўн икки бобнинг қоқ ярми Афандининг кечаси, қоқ ярми, кундузи кўрган-кечирганлари хусусида бўлгани. "Кечаги кун – кеча" дея, диққат назарида кечаги ўтган кунларни эмас, бугунги ўтаётган кунларнигина қолдириб, олти бобни ажратиб олиб борди. Шундай қилиб, "Афанди ўлмайдиган бўлди"нинг қоқ ярмини ёруғликка чиқариб олди ўшанда!

Орадан ойлар ўтиб, "Афандининг бугунги кунини-ку, бир амалладим, энди кечаги кунини нима қилсам экан?" дея ўй ўйлаб юрганида каттакон бир журналнинг қошида айнан "Афанди" деган бир янги газета очилиб қолса бўладими! Суюна-суюна "Афандининг кечаги куни"ни ана ўша "Афанди" газетасига олиб борди. "Шу олти кечадан ақалли бир кечасини, марҳамат, олинг, ука!" – дея илтифот қилди янги газетанинг бош муҳарририга. Ўшанда "э-э, бормисиз, Афанди ака!" – дея ўзича қувонибгина кутиб олган укахони баликдек жим кетди. Орадан ҳафталар эмас, ойлар ўтди ҳамки, олти боблик "Афандининг кечаги куни"дан ақалли битта бобининг газетада дом-дараги йўқ-да. Буни қарангки, ит билан бит тугул, от билан туя ҳам сиғиб кетаётган газетага атроф-жавонибдаги, боринги, бу ёруғ оламдаги энг катта Афандининг на кечаги куни, на эшаги,

на хуржуни... ақалли у ҳақдаги бир жумла хабар ҳам сиғмади-сиғдирилмади-да-е! Ўша истеҳзоли мақолни яна бир карра эслади: "Эшак ўз эгасини ортига мингазмайди!"

Эсида, ёлғиз ўғли Хўжамурод эндигина туғилган чоғларда Афандининг кечаси билан кундузи эмас, эшаги ҳақида бир асар ёзган эди у. Орадан етти йил ўтиб, у нуфузли газетада, хайрият, ахийри босилиб чиқди. Ўшанда икки баравар оғирлашган юк остида эзилиб кетганидан кўтарам бўлиб қолган афандининг эшаги ҳақида бу ёзгани бир шов-шув бўлди, бир шов-шув бўлди, асти қўяверасиз. Шу орада уюштирилган аллақандай машваратда, дейлик, афандитабиат турк адиби Азиз Несин ёзганидек "бир эш... эшшш... афанди" минбарда ғоз туриб шунақанги вайсадики, ҳай-ҳай-ҳай! "Газетага қарасам, оти чиқди" қабилида "Фалончининг фалон нарсаси" дея очиқ-ошкор айтолмади-ю, лекин гапни эшак атрофида шунақанги тагдор қилиб айлантирди, имо-ишора ва қулоқ қоқиш қилдики, мағзини чақиб "вой эшаг-эй!" дейсиз беихтиёр. Ўшанда Носир-афанди ўзини тўхтатиб қололмади: бир гапни баайни сақмоннинг тошидек минбарга қараб отди: "Тўрт оёқли эшаклар ҳақида гапиряпсизми, ё икки оёқли эшаклар ҳақида, аниғини айтинг-да, тақсир, нега "шафтоли" деёлмай "шап-шап" деб чайналиб турибсиз?"

Хуллас, бу ўринда демоқчи бўлаётган асосий гапимиз шуки, одатда чинакам афандининг хотини ҳам, ола хуржуни ҳам, олачаси ҳам, чопони ҳам, яктаги ҳам, калиши ҳам битта-ю битта бўлади, лекин эшаги... Шунақанги кўпки, уларнинг ҳисобини ким олибди дейсиз! Ҳар чақиримда от алмаштириб минадиган энг учқур чопар-элчилар ҳам чинакам Афанди қадар ўқтин-ўқтин эшак алмаштириб минолмаса керак-ов, нима дединг из? Чинакам афанди бир эшакнинг ортига тепса, бошқа бир эшак олдига кўндаланг бўлаверади-да, ахир, иложи қанча? Гажир эшакларнинг дастидан кимга дод дейишни билмай турганингизда хотинингизнинг хархашаси сизга қўшимча бошоғриқ бўлади. Мана, Санобар ҳам ўтган ўн олти йилдан буён ўзича ўқтин-ўқтин хархаша қилади: "Афанди"нгиз ёмон ёзилмаган-у, хўжам, бироқ анови менинг бошимни айлантириб, уйимни бузмоқчи бўлган эшакка боғлиқ кўп қизиқ ҳангомаларни ёзмай қолдириб кетгансиз-да! Масалан, "Мен оилангизни бузмадим!" деб хўжайинимни ишонтир, бузғунчи!" дея нақ ёқасидан олганимда, ишонсангиз, у нима қилишини билмай, бошини дам у эшикка, дам бу эшикка ура-ура, ахийри аллақандай ҳуқуқшуносним ҳузурига бошлаб кирди. Ана ўшанда ҳуқуқшунос нима дейди денг?! "Ўрталарингда физически ишлар бўлганми-йўқми?" деб сўрайди-я! Айнан "физически" деганига ўласизми-куясизми?! Унга қолса, физически бир нима бўлмагунча ҳисоб эмас. Оила хонавайрон, кўнгил ярим, дил шикаста, асаб таранг, ишонч поймол бўлгани унинг учун бир чақа! Сизнинг ёзганингизда қани ўша одамнинг жонли қиёфаси?"

Носир китобча муқовасидаги ўсмирлар велосипедини томоша қилган кўйи хотираларининг тобора теранроқ қатламларига шўнғиди. Эсида, ўзи алоҳида ихлос қўйган афандитабиат эллунослардан бири ўз эшагига ҳамла қилаётган қопағон итларга қарата *"Қоч, Бўйноқ! Кет, Тўртқўз!.. Ҳой, одам борми?"* дея хитоб қилган эди. Яна бир эллунос эса, *"Ўзгалар итидан бўлгин эҳтиёт, ўзингники бўлса бошқа гап"* деб ёзган эди. Иван Тургеневнинг "Муму"си, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг "Соҳил бўйлаб чопаётган олапар"и, шулар сингари одам боласининг энг садоқатли дўсти – ит ҳақида ёзилган сара асарлар талайгина. Лекин ит, хоҳ ўзингники бўлсин, хоҳ ўзганики, хоҳ қора бўлсин, хоҳ оқ, ўз номи билан ит-да! Бу оламдаги ягона онгли мавжудот – ҳазрати инсон қаёқда-ю ит қаёқда! Ўша машҳур олим-жарроҳ Преображенскийнинг қуруқ овора бўлгани қолмадими: маймун ҳеч қачон одамга айланолмаганидек, ит ҳам одамга айланолмайди. Зеро, буюк мутаффакиримиз Навоий айтганидек: "Кучук билан хўтикни қанча қилма тарбият, ит бўлур, эшак бўлур, бўлмас асло одамий".

Жаҳон адабиёти-ю санъатида итлар ҳақида яратилган талайгина асарлар бор. Холстомер билан Пойгатўриқ сингари отлар ҳақида, Арвона сингари туялар ҳақида ва ё "Филлар – менинг дўстларим" сингари филлар ҳақида яратилган сара асарлар яна-да кўпроқ. Лекин эшаклар ҳақида яратилган сара асарлар борми? Минг афсуски, йўқ ҳисоб. Бу жонивор, дейлик, "Кавказ асираси" кинокомедиясидаги эллунос Шурик миниб юрган эшак ё "Сусамбил" ўзбек халқ эртагидаги эшак сингари аҳён-аҳёндагина бир кўриниш бериб қолади, холос.

"Ҳизр назар қилмаса эшак бозорида даллол ҳам бўлолмайсан" дейди кўпни кўрган донишманд халқимиз. Ўзингиз жиддийроқ ўйлаб қаранг, Ҳизр алайҳиссаломнинг назар қилиши билан айнан эшак бозоридаги даллолликнинг нима алоқаси бор? Нега энди

от бозори, туя бозори, сигир-бузоқ билан қўй-қўзи бозори эмас, айнан эшак бозори? Афтидан, бу оламда ит, от, туя, фил ва бошқа жониворлар билан муомала қилиш эшак билан муомала қилишга нисбатан минг карра осон! Эшак билан муомала қилишнинг ўта нозик йўллари бор. Уни фақатгина Афанди яхши билади. Демакки, эшак бозорида даллоллик қилиш маҳоратини эгаллаш учун одам боласига Худо берган ва Ҳизр назар қилган бўлиши керак! Носир афандининг эшаги ҳақидаги асаридан кейин, қачонлардир, насиб қилса, "Эшак бозори" деган каттароқ бир битик ёзиш ниятида. Унда, жумладан, "Мулла минган эшакдай" деган халқона иборанинг туб моҳиятини очиб кўрсатмоқчи. Нега энди "мулла минган эшакдай?" Чунки мулла Насриддин минган ҳар қандай асов ва тихир эшак ҳам ўз-ўзидан ювош тортиб қолади-да! Чунки эшак билан муомалани ҳеч ким мулла Насриддинчалик қойиллатолмайди. Шу ниятига етишидан аввал, "хамир учидан патир" деганларидек, ҳозирча "Афандининг эшаги" деган кичик бир боб билан кифояланишга тўғри келади. Борига барака деймиз-да энди.

Ҳозир билан келажакни қўя туриб, ўтган кунларни пухтароқ ўйлаб олайлик. Носир бундан ўн олти йил аввал мана шу "Афанди ўлмайдиган бўлди"сини ёзишга ёзиб қўйиб, ёруғликка олиб чиқолмай хуноб бўлиб юрган кунларидан бирида ҳинд кино усталари яратган "Хўп бўлади, хўжайин!" фильмини кўриб қолди. Буни қарангки, дасти узун хўжайини кўз тиккан дунёи дундаги энг гўзал ҳурилиқонинг кўнглига йўл топиб, нақ юлдузни бенарвон ура оладиган замонавий афанди миниб юрган улов эшак билан от, туя билан фил эмас, табиийки, "Лимузин", "Тойота", "БМВ" ва ҳоказо уловлар-у учоқлар эмас, оддийгина мопед-мотороллер экан! Ўшанда ҳинд халқининг афандиси бугунги кунда ўзбек халқининг афандисига нисбатан ўзғирроқ чиқиб қолганига ич-ичдан иқрор бўлди. Бугунги куннинг афандиси минадиган замонавий эшак, жиддийроқ ўйлаб қарасангиз ўзингиз ҳам иқрор бўласизки, ростдан ҳам, велосипед эмас, мопед-мотороллер-да! "Боши ишламаганнинг оёғи ишлайди" дейди кўпни кўрган халқимиз. Велосипедда – оёқ билан қўл, миттигина юраги – мотори бор мопед-мотороллерда эса, оёқ эмас, қўл билан бош ишлаши керак бўлади-да! Қолаверса, "эшак" деган жониворга жонсиз буюм эмас, мопед-мотороллердек "жони бор" улов ҳар жиҳатдан тўғри келади. Ўшандаёқ Носир-афанди ўзича қаттиқ ғижинди: "Ҳозирча афанди ҳақида ёзилган кенг жаҳон айвонидаги энг йирик асарни омон-эсон кўнгилдагидек бутун ҳолда ёруғликка олиб чиқиб олай, ана ундан кейин, насиб қилса, афандининг эшаги ҳақида яна бир шундай асар ёзаманки, унинг эгаси не бир уловлардан учоқларга ўтиб, буроқларни буриб-бошқариб яшайдиган бўлади!"

Яхшиликча йўлимдан қоч, ҳой, эшак!

Афандининг пушти палаги

Бу оламда ҳеч ким ўз отасини Афанди қадар яхши билмайди. "От ўрнини той босар" деганларидек, ҳеч ким Афанди қадар ўз отасининг ўрнини босолмайди ҳам! Бизнинг Туркистонимизда кўпни кўрган қариялар гоҳида ўғли қатори йигитнинг афт-ангори ва ҳатти-ҳаракатларига қараб туриб, унинг отаси кимлигини ўзи айтмаса ҳам била оладилар. "Нима бало, отангнинг оғзидан тушганмисан?" – дея ҳайратланиб сўрайдилар ҳатто. Бундай пайтда Худонинг қудрати чексизлигига, Худонинг қудрати билан ҳамиша "олманинг тагига олма тушиши"га қойил қолмай иложингиз йўқ.

Киройи Афанди нафақат ўз отаси, балки бобоси, бобокалони, етти отаси, қўйинг-чи, бутун пушти палагини ўзининг беш қўлидек билади. Зотан, Билга хоқондан минг карра билгароқ зот-да бу Афанди деганлари! Бир куни Афанди уйига бир хум тўла сариқ нарса кўтариб келаётганини кўришибди. Билганлар Афанди одатдагидек ҳукмдорни боплаб лақиллатиб, бир хум тилла ундирибди, дейишибди. Билмаганлар эса, Афанди бозорда эшагини ўғирлатиб қўйиб, бир хум буғдойни ўзи кўтариб келаяпти дейишибди. Билганлар билан билмаганлар хусусидаги яна бир ҳикматли гапни Кайковус машҳур "Қобуснома" асарида ёзиб қолдирган. Донишманднинг фикрича, одам боласи тўрт тоифага – оқиллар, қобиллар, ғофиллар ва жоҳилларга бўлинади. Оқил билади-ю, билишини ҳам билади, қобил билмайди-ю, аммо билмаслигини билади, ғофил билади-ю, лекин билишини билмайди, жоҳил билмайди-ю, билмаслигини ҳам билмайди... Токи оқилнинг билдириш ва қобилнинг билиш иштиёқи бор экан, ғофилни уйқудан уйғотиш билан жоҳилнинг ақлини киритиш мумкин.

Мана, бизнинг қаҳрамонимиз Хўжа Насриддин афанди ана ўша латифадагидек чинакам билганлардан бири. "Отангни ўлдирганга онангни бер!" дейди кўпни кўра-кўра куйган бағрикенгликда беназир халқ. Бу ҳикматли гап ҳатто қатор динлардаги "Чап юзингга урганга ўнг юзингни тутиб бер!" ҳикматли гапидан ҳам мазмунан теранроқ! Бундай акл бовар қилмас ҳикматли гапни тинчлик-тотувлик, муроса-мадорани ҳар нарсадан устун кўювчи чинакам Афанди халққина ярата олади, мен сизга айтсам. Бизнинг Афандимиз отасини ўлдирганга онасини бергани йўғ-у, лекин... бугунга келиб шуни биладики, отасини ўлдирган бош қотил – Ўроқбой ҳосилот, яъни, Абдуманнопнинг отаси... унга кўп йиллар мобайнида ота ўрнида оталик қилиб келган. Тошкентдек шаҳри азимга биринчи маротаба саккизинчи синфни битирганидан кейин отасининг етакловида келган бўлса, орадан икки йил ўтиб, ўнинчи синфни битирганидан кейин иккинчи бор ана ўша тутинган отасининг етакловида келган. Тўғри, ўша пайтда азбаройи ўта оққўнгил-ишонувчанлиги, одам боласининг ичидаги оласини кўрмаганлиги-билмаганлиги сабаб тутинган отасини отасининг қотили эмас, ота ўрнида ота деб билган эди у...

Бу ўринда гап афандининг отаси ва ё тутинган отаси эмас, пушти-палаги хусусида. Бинобарин, мақсадга қайтиб айтиш керакки, Носир нафақат ўзининг мақтул отаси-ю унинг қотили бўлган тутинган отасини, бутун пушти палагини ҳам яхши билади. Хўжа Насриддин Афандининг пушти-палаги Хўжа Аҳрори Валий ва ё Хўжа Ҳофиз, Хўжа аълambардор-у Хўжаилғор, Хўжа Аҳмад Яссавий ва ё Адиб Аҳмад сингари азиз-авлиёларгагина бориб туташади деб хаёл ё даъво қиладиганлар адашадилар!

...Қачонлардир Туркистонда – Ҳазрати Султони Орифиннинг хоки пойи атрофидаги кўз қорачиғини ватан қилган мардумлар орасида ана ўша кўпдан-кўп афандилардан бир жуфти – икки дўст яшаб ўтган экан. Уларнинг бирини "Хўжамурод новча", иккинчисини "Хўжамурод пакана" деб атар эканлар. Новча Хўжамурод ўта оққўнгил, соддадил, ишонувчан, пакана Хўжамурод, аксинча, ўта қув-айёр-муғамбир экан. Лекин ҳар бир ишда новча Хўжамурод – биринчи (оққўнгил, сахий, ҳожатбарор...), пакана Хўжамурод – иккинчи (қув, олғир, тайёрга айёр, худбин...) экан. Ҳар бирининг ўз феълига яраша инсоний тақдири бор экан. Новча Хўжамурод ҳамиша "Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил" деб, ўзгаларни ўзидан баланд тутиб яшар экан. Пакана Хўжамурод эса, аксинча, ҳамиша ўзгалар устидан истеҳзо билан кулиб юрар, ўзини ҳар боб билан ўзгалардан устунроқ ҳис қилар экан. Шу боис Новча бошқалар олдида ўз қоматини андак эгиброқ, Пакана эса, аксинча, баланд пошнали пойафзал кийиб, кўкрагини кериброқ юрар экан. Лекин, барибир, ниятига яраша Худо ёрлақаган новча Хўжамурод пакана Хўжамуроднинг кўзига чақиртиканакдек ботиб, ҳар соҳада ундан ўзиб чиқишни уддалаёлмай, ўзини назарига олмаган, муносиб тақдирламаган эл-юртга алам-нафрати ортиб, нима қилишини билмай боши қотиб юраркан... Кунлардан бир куни Туркистонга чор қўшини бостириб келаётганини эшитибди-ю, пакана Хўжамурод "Ана энди менинг куним туғди, менга ҳам биринчи бўлиш навбати келди", – дея биринчи бўлиб отни қамчилаб қолибди: босқинчига пешвоз чиқиб, унга ўзининг беминнат хизматини таклиф қилибди. Шундай қилиб, оқпошшонинг ишонган-у суянган "давлат одамлари"дан бирига айланибди. Вақти келиб унинг Хўжаназар исмли ўғли олғирроқ чиқибди: "ярим пошшо"нинг Туркистондаги майда миллатлар билан муомала масалаларини бўйича биринчи маслаҳатгўйига айланибди. Куни кечагина бирга ўсиб-унган Новча Хўжаназар Пакана адашидан "кимлар бу майда миллатлар?" дея ажабланиб сўраган экан, "маслаҳатгўй" айтибдики, "ўзбеклар билан қозоқлар-да! Улар инглизлар билан русларга нисбатан майда миллат-да, ахир!"

Бу гапни эшитиб новча Хўжаназарнинг аччиғи чиқибди: "Қачондан буён ўзбек билан қозоқ, умуман айтганда, ўғиз билан қипчоқ, башарти уст кийимига қараб айтилса, олачопон билан қорачопондек қадимий халқ, буюк бир эл майда миллат бўлиб қолди?"

Новча Хўжаназар бундай саволларга тайинли жавоб қидириб юрганида, дард устига чипқондек, ҳойнаҳой "давлат одами"нинг навбатдаги маслаҳатига биноан Туркистонда оталар билан хўжалар, айниқса, хўжамуродлар билан хўжаназарлар қаттиқ қувғин-бадарға қилиб бошланибди.

Бундан аввалроқ "давлат одами" – Пакана Хўжаназар ўз отидан воз кечиб, отини "Абдуманноп"га ўзгартирибди. "Бу қанақаси, нега энди айнан Абдуманноп?" – дея ажабланиб сўраган дўсти – Новча Хўжаназарга тушунтириш беribдики: "Сиёсатга қараб иш тутиш керак, дўстим. Мен буюк ислоҳотчи бўлмоқчиман, юртимизда улкан

ўзгаришлар қиламан ҳали. Мен, ахир, эл-юрт учун қайғуряпман. Исмга келсак, Хўжаназар бўлдинг нима-ю Абдуманноп бўлдинг нима, барибир эмасми, бу ниҳояти бир ниқоб-ку? Асосийси, "аравакашнинг қўшиғини айт", ана шунда, ҳам таъқибдан қутуласан, ҳам келажакда ўсиб-униш, ҳатто катта-катта лавозимларга ўтириш имконияти туғилади. Шу билан анови оққулоқларнинг кўнгилларига йўл топиб, ошиғимизни олчи қилиб олсакда, умримизни от устида "сен же-мен же" билан ўтказсак, нима, ёмонми?! Аслини олиб қараганда, ўзим танлаган шу исм отам қўйган исмдан афзалроқ эмасми? Менинг маслаҳатимга кирсанг, сен ҳам есинг борида этагингни ёпиб, менинг йўлимдан юр!"

Новча Хўжаназар бу таклифга, албатта, рози бўлмабди, аксинча, Пакана Хўжаназарни хатарли йўлдан қайтаришга уринибди. Лекин дўсти ўз билганидан қолмабди. Ўшандан кейин Пакана Хўжаназарнинг, ўзи истаганидек ошиғи олчи, егани олдида, емагани кетида бўлиб, ишлари юришгандан юришиб кетибди. Бир қарашда "кичкина одам" бўлса-да, аслида, "катта одам"га айланиб, Туркистон генерал-губернаторининг ўнг қўли-ю бош маслаҳатчиси сифатида "ерли халқ" ҳаётига боғлиқ кўпгина масалаларда айтгани айтган, дегани деган бўлиб қолибди. "Бу юртни қадимдан қорувли оталар, донишманд афандилар бошқариб келади, ана шулар буюк маданиятга қарши чиқиши мумкин, шунинг учун, диққатни ана шуларга қаратиш керак". "Бу юрт ўзининг бир неча минг йиллик тарихини, ўзлигини яхши билади, ота-боболаридан қолган анъана, урф-одат, осори-атиқа, обидаларини юксак қадрлайди, уларга маҳкам ёпишиб олган, келажакка эмас, ортига-ўтмишга қараб яшайди, натижада, буюк маданиятни қабул қилишга тихирлик қилади, шунинг учун, диққатни ана шуларни ҳам йўқотишга қаратиш керак". "Бу юрт дунёга кўплаб алломаи замонларни етиштириб берган, бундай салоҳиятдан буюк маданият учун фойдаланиш керак". Йиллар ўтиши билан "Абдуманнол"дан, "Маннол" деган янги отга, ундан "Манап" деган яна бир отга ўтибди. Ҳар қадамда от алмашиниб, отдан отга ўтиб, ахийри "Банап" деган яна бир антиқа отга, "Тангриберди" деган яна-да антиқароқ тахаллусга эга бўлибди; кимсан "Банап Тангриберди" сифатида довруғ қозонибди. "Банап"инг нимаси тағин деб сўраган соддадил-оққўнгил дўсти – Новча Хўжаназарга тушунтириш беribдики, "Наполеон Бонапартдан ўзимга тегишлисини ажратиб олдим-да, тағин нима қилай, дўстим, барибир, энди мендан Искандари соний чиқмайдиган бўлганидан кейин, борига барака деймиз-да! Ярим пошшо бўлмасам ҳам, ҳар қалай, ярим Наполеон Бонапартман мен!"

Бу гапни эшитиб Новча Хўжаназарнинг дўстидан бутунлай кўнгли қолибди. "Олғирликда отасини ярим йўлда қолдириб кетади, шекилли, бу отаўғил? – деб ўйлабди ўзича ҳафсаласи пир бўлиб. – Қачондан буён босқинчининг тегирмонига сув қуйиш қаҳрамонлик саналадиган бўлиб қолди? Бас, пушти-палаги ўзаро туташ дўстларнинг йўллари узил-кесил айрилгани маъқул энди. Чинакам Афанди ўзининг тўғри йўлидан, тўғри сўзидан қайтмаслиги, золим ҳукмдорга қарши аччиқ ҳақ гапини айтиб, уни тўғри йўлга солиши, мазлумларни золимлар зулмидан ҳимоя қилиши, эл-юрт фаровонлиги йўлида яшаши керак. Шунинг учун ҳам Афанди-да у..."

Ўшандан бошлаб икки Хўжаназарнинг ўзлари ҳам, пушти палаклари ҳам бутунлай ўзга йўллардан кетибди. Пакана Хўжаназарнинг фақат отаси билан ўзигина эмас, ўғил-қизлари-ю невара-чеваралари ҳам ҳамиша от устида, пичоқлари мой устида яшаб ўтибдилар. Ўғиллари чоризм даврида ўлкадаги цензура, яъни, "давлат сирини сақлаш" ташкилоти-ю давлат думасига аъзо, невара-чеваралари эса, шўролар даврида аввал ГПУ билан НКВД, кейинчалик КГБ деб аталган бири биридан даҳшатлироқ ва қудратлироқ ташкилотларнинг таянч устунлари бўлиб қолибдилар. Ҳатто "Биласанми, мен кимман? Давлат одамиман, давлат ҳимоясида турган одамман мен. Менинг ота-боболарим бу давлатни давлат қилган, уни жон-жаҳди билан ҳимоя қилган!" – дея ошкора мақтанадиган бўлишибди.

Новча Хўжаназарнинг авлодлари эса, отлиқ бўлиш тугул, миниб юрган кундалик уловлари – эшакларидан ҳам бирин-кетин ажраб, шип-шийдам пойи-пиёда, ялангоёққа айланишибди. Пакана Хўжаназарнинг отаси билан бобосидан ҳам учар-уддабуронроқ ўғиллари, аслида, ўзлари "давлат одамлари" сифатида босқинчилар қўли билан қуп-қуруқ йўқсул-ялангоёққа айлантирган новча Хўжаназарнинг авлодларига оғизда "Мана, юртимизда камбағалпарвар ҳокимият ўрнатилиб, энди ой боқса ҳам, кун боқса ҳам бизга эмас, сенларга боқадиган бўлиб қолди! Бу ҳукумат бизники эмас, сенларга ўхшаган камбағал-йўқсилларники! Мана, энди тағин сенлар – хўжа, биз эса

эски ҳаммом-эски тос, ўша-ўша қул бўлдик!" – дея уқтирсалар-да, аслида – амалда қуллар хўжаларни қулдек ишлатиб, салгина исён қилиб бош кўтарган хўжаларни ҳар боб билан ер тишлатиб, етмиш йил ўзлари – хон, қўланкалари – майдон бўлиб яшаб ўтибдилар. Чунончи, Абдуманнопнинг бир бобоси – раис, яна бир бобоси – бош ҳисобчи, яна бир бобоси – алломаи замон сифатида давру-даврон сурибди. Носир-афандининг эса, аксинча, бир бобоси "бой-қулоқ", яна бир бобоси "халқ душмани", бир бобоси ватангадо, бир бобоси машъум урушда дом-дараксиз... Бу икки ўзига хос сулоланинг энг сўнгги вакилларидан бири – Абдуманнопнинг отаси Ўроқбой ҳосилот, яна бири Носир-афандининг отаси уста Латиф. Уларнинг ўғиллари... Бири – КГБ деган ташкилотнинг таянч устуни, иккинчиси – бизнинг қаҳрамонимиз, элшунос олим Насриддин Латифиддинович Хўжаназаров.

Носир етимликда кечирган қарийб қирқ йиллик изтироблар-у изиллаб йўл қидиришлар ниҳоясида – бугунга келиб шунга аминки, раҳматли отаси уста Латифнинг бош қотили – Абдуманнопнинг отаси Ўроқбой ҳосилот! Амалда "қуюқ дўстона зиёфат" баҳонасида отасини ғирт маст қилиб, ана ундан кейин ёстиқ билан бошини босиб нафасини бўғиб ўлдирганлар, аслида, қотил эмас, агар қотил бўлса, ёлланма қотил, яъни, Ўроқбой ҳосилотдек айтгани айтган, дегани деган ҳукмбардорнинг буйруғини беками-кўст бажарган ижрочиларгина, холос! Бундай хулосага келишига элшунос олим сифатида ўзи мансуб элнинг феъл-атворини атрофлича ўрганиш асносида, масалан, шундай бир кўрган-боққани ҳал қилувчи туртки берган эди.

Халқ билиб айтган: "Бу оламда ҳеч қачон мушук бекорга офтобга чиқмайди". Ҳа, сояда ётган сояпарвар мушук фақатгина сичқон овлагани офтобга чиқишга мажбур бўлади. Бинобарин, энг яқин одамларингиз, ҳаттоки сизга яқин бўлмаган олис, етти ёт бегона кутилмаганда сизга меҳр-мурувват кўрсатиб бошладими, бас, ҳушёр тортинг, эҳтиёт бўлинг, кўзингизни каттароқ очинг. У сизга бир ёмонликни зимдан қилиб қўйганда, энди ўз виждони-ю атрофдаги мардумнинг олдида ўша қилмишини яшириб, гуноҳини ювиш илинжида сизга сохта меҳрибонлик қилиб турибди.

Кейинчалик қайта-қайта ўйлаб қараса, отаси ўлишидан аввал ҳам, кейин ҳам атрофидаги анча-мунча одамлар, хусусан, тутинган акалари-ю тоғалари, ҳатто Абдуманноп билан Ўроқбой ҳосилотдек умрида уйларига қадам босиб келмаган етти ёт бегоналар ҳам уларга шунақанги меҳрибон бўлиб қолган эканларки, асти қўяверасиз. Бири меҳрибонлик қилиб отасини Сирдарёга балиқ овига отликда ҳам йўқ енгил машинасида олиб борган. Яна бири ўз уйидаёқ янги тутилган балиқ билан қуюқ зиёфат қилган. Яна бири кенгроқ доирадаги зиёфатга "сидқидил-беғараз" таклиф қилган. Яна бири отасини ўша машъум уйга – кушхонага қўйни бошлаган серкадек бошлаб борган. Яна бири ароқ ичираверибгирт маст қилган. Яна бири бир муддат ором олишни таклиф қилиб, меҳр кўрсатган-да, ёстиқни қўлига олиб бошига босган. Муродлари ҳосил бўлганидан кейин эса... бир қариндоши отасини иккинчи қариндошининг машинасига ўтқазиб уйларига олиб келган-да, Носир-афандига қараб қичқирган: "Бир кўрпа олиб чиқ тез. Нимагадир Латиф акамнинг бадани совиб кетяпти, кўрпага ўраб Туркистонга тезроқ олиб борайлик". Онаизор билан Носир-афанди кўрпага ўралган отасини яна бир карра икки қариндошининг ихтиёрига топшириб, ўзлари уйда уларни кузатиб қолган. Шаҳарда эса, ҳойнаҳой ўз навбатида бетоқатлик билан кутиб турган шифокор қиёфасидаги ҳамтовоқлар ўзларига тегишли "меҳрибонлик"ни кўрсатган: улар ҳам гўёки отасининг жонини асраб қолишга қўлларидан келганча ҳаракат қилган, лекин бехос юрак хуружи, қазойи муҳаққақ, бедаво ажал! Қарабсизки, Гиппократ қасамига туфлаган кимсалар ўликни – тирик, қотилни – халоскор, мақтулни – айбдор кўрсатиб, ўзлари ҳам тегирмондан бутун, сувдан қуруқ чиққан-қўйган. Икки қариндоши амалда зиёфат жойидаёқ ўлдирилган отасининг жасадини ошкора овора-сарсон қилиб, тилда эса, шифокорларнинг жасадни ёриб-чавақлаб ташлашларига йўл қўймай, бутун ҳолда олиб чиқа олганларини астойдил "қувониб" айтиб ҳам бошқаларни қувонтириб, ҳамма гапни ўлимнинг ҳақлиги, ажалнинг муқаррарлиги, қазо ва қадарга олиб бориб боғлашган.

Шундан кейин Носир-афандининг атрофида меҳрибонларнинг кутилмаганда яна-да уймалашганини кўрсангиз эди. Бир гуруҳ меҳрибонлари кутилмаганда етим қолган тўққиз жонга ўзларининг эски-туски кийим-кечакларини ҳотамтойлик билан битта-битта улашиб чиқадилар: "Мана, кийинглар!" Яна бир гуруҳ меҳрибонлари отаси

қуриб бошлаган, лекин чала қолган уйнинг кам-кўстларини битириб берадилар: “Мана, яшанглар!” Кимсан Ўроқбой ҳосилот бошчилигидаги яна бир гуруҳ меҳрибонлари эса, отасининг маъракаларида “қамишдан бел боғлаб”, бечора етимларнинг хизматларига шай турадилар: улардан, аввало Носир-афандидан: “Бизга яна қандай хизмат бор, ўғлим?” – дея меҳри товланиб сўрайдилар!

Кейинчалик Носир қайта-қайта ўйлаб шунга узил-кесил амин бўлдики, ўзларининг қаро қилмишларини яширишга устаси фаранг қотиллар, ўшанда айниқса ундан қаттиқ хавотирда бўлганлар. Сабаби – отаси ўлганида, яъни, ўлдирилганида йигирма ёшли якка-ю ягона туғишган акаси олисларда ҳарбий хизматда, ўн саккиз ёшли опаси эрининг уйида бўлган. Ука-сингиллари эса, ҳали оқ-қорани танимаган норасида гўдаклар. Ягона гувоҳ – ўн олти ёшдан ўн етти ёшга қадам қўяётган “кап-катта йигит” Носир-афанди! Эрта бир кун бутун келажак ана ўша ягона гувоҳнинг кимлар етагида қай кўчалардан қандай кетишига боғлиқ. Шунинг учун “меҳрибон” Ўроқбой ҳосилот ўнинчи синфни битирган Носирни қўлидан етаклаб ўз қизи қаторида азим Тошкентга олиб келган. Лекин Носир-афанди Худонинг марҳамати-ю кўнгил сезиги билан бу ҳисобли дунёда “ҳисоб-китобнинг энг катта ўқиши”га кирган жойида ўқишни истамай, бир йилдан кейин ёлғиз ўзи мустақил равишда шаҳри азимга келган-да, ҳисоб-китобга эмас, элшуносликка ўқиган.

Ҳа, кейинчалик англаб етдики, ўшанда, халқнинг истеҳзоли мақоли билан айтганда, “ўрага сичқон тушди – гулдур-гуп” бўлган экан. У эса, ўн олти яшар эр йигит бўла туриб, азбаройи соддадиллиги, ишонувчанлиги сабаб, ростдан ҳам ўрага туя эмас, сичқон тушди, деб хаёл қилган экан. Хўш, агар ўрага сичқон тушган бўлса, нега у “гулдур-гуп” қилиб товуш чиқаряпти, дея жиддийроқ ўйлаб кўрмабди ҳеч. Кейинчалик ўйлай-ўйлай ўйининг тагига етганда, начора, бўлар иш бўлган, бўёғи сингган, кейинги пушаймон – ўзингга душман! Энди отани тирилтиролмайсиз! Отанинг қотилини жазолаёлмайсиз ҳам! Уларнинг “меҳрибонликлари”дан ўзини ҳимоялаб, ичидаги дардини ривоятдаги сартарошга ўхшаб қудуққа – мана шу асарга кўнгилдагидек айта олса, шунинг ўзи катта гап!

Носир яна шуни фаҳмладики, “пушти палак” тушунчаси фақат аждодларни эмас, авлодларни ҳам англатади. Аниқроғи, “пушт”, яъни, “етти пушт” – аждодлар, “палак” эса, авлодлар демакдир. Кейинги қирқ йил мобайнида у аждодлари ҳақида кўп ўйлади, ҳали яна мавриди билан ўйлайверади. Лекин шу топда ўзининг пушти камаридан бино бўлган авлодлари – бир ўғли билан беш қизини, уларнинг инсон сифатидаги тақдирларини жиддийроқ ўйлаши керак бўлади. Уларнинг отасидек ажалидан беш кун бурун ўлиб кетмаслиги ва ё тақдир чигалликларини ечиш чоғида ўзидек хатога йўл қўймаслиги учун нимаики қилиш мумкин бўлса, қилиш керак. Уларни мустақил ҳаётга ҳар жиҳатдан тайёр қилиш керак. Зотан, том маънодаги мустақиллик одам боласининг ҳар бир қадамини ўзи ўз ихтиёрига кўра тўғри қўя олиши демак. Ўз ихтиёрини кимларнингдир қўлига қўшқўллаб топшириб қўймаслиги демак. Ўз тақдирини бировлар эмас, ўзи ҳал қилиш, ўз бошини турфа хил бало-қазолардан асраб-авайлаш демак!.. Хуллас, нафақат давлат мустақиллиги, балки аввало мустақил фикр ва мустақил хатти-ҳаракат умумбашарий тараққиётнинг шунақанги энг олий манзил-маррасики, ҳар бир инсон ва ҳар бир халқ ана ўша манзил-маррага муттасил интилиб яшайди. Ўғил-қизларини ана шундай том маънода мустақил яшаб, ўз тақдирини мустақил равишда ҳал қилишга ҳар жиҳатдан қобил-у қодир ҳолда кўриш ҳар бир ота-онанинг, жумладан, Носир-афандининг энг сидқидил орзуси, нияти, кундалик аъмоли. “Илойим, Яратганнинг ўзи ўғил-қизларининг ҳаётларини эркин ва қутлуғ қилсин!”

Сирожиддин РАУФ

1967 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини ва Тошкент Давлат юридик институтини тугатган. "Йиглаётган ой", "Кўк гумбаз" ва "Сиз менга кераксиз" шеърий китоблари муаллифи.

ИФОРЛАР ТАРАТАР ТОНГГИ НАЙСОНЛАР

* * *

Умр сиргалади бир лаҳза тинмай,
Аччиқ видоларнинг таъмини тотдим.
Беҳуда қайдлар кўп тушган қоғоздай,
Яна бир кунимни гижимлаб отдим.

Ҳайҳот, кечмишларим бамисли китоб,
Ҳижжалаб ёзилган ва ёзилажак.
Унда акс этмаган умидим – офтоб,
Багрида сирлари ниҳон келажак.

Ишонгим келади: Олдинда фақат,
Ифорлар таратар тонгги найсонлар.
Меҳр-оқибат ҳеч бўлмагай қаҳат,
Инсонлик қилади, илло, инсонлар.

Азал котиблари ярлақаб ҳали,
Сайқаллаб қўяди зер-забаримни.
Имкон ҳам туғилар таҳрир қилгали,
Дилимни ўртаган хатоларимни.

Андуҳлар тарк этар кўнгилни бир-бир,
Ювиб-оҳорланган уюм кир-чирдай.
Балки, аросатда қолган у дилгир,
Илк муҳаббатим ҳам мени кечиргай!

Некбин ўй-хаёллар келаркан босиб,
Юрак ҳалқаланар киприк учида.
Кўп бора қўллади отам дуоси,
Онамнинг меҳрини соғиндим жуда!

Мен шодлик истайман,
Лекин дам сайин,
Ҳазинлик чулғайди жисму жонимни.
Надомат тошида янчиб атайин,
Сўнг сархуш айлаган бу ҳаёт кимни?!

Аллақандай ғашлик, шубҳа ва гумон,
Хотирам мулкини тафтиш қилади.
Шукрким, бу баҳсда муфассал иймон –
Эртанинг ишончи голиб келади.

Тонг дея, баргида шабнам силқиган
Гунчадек орзулар қалбимда унар.
Оҳ, мени интиқлар қилгани-қилган,
Кўзларга тўтиё бўлгулик кунлар!

* * *

Муҳаббатнинг қийноғи мангу,
Ишқ тиғидан ярадир кўксим.
Пешонамга ёзилгани шу,
Мен ҳеч қачон юрмасман ўксиб.

Ишқ тиғидан ярадир кўксим,
Оғриқлар умримнинг мазмуни.
Орзиқади бу юрак сим-сим,
Оловланар умид учқуни.

Пешонамга ёзилгани шу,
Ёниб адо бўлмасман, ҳайҳот.
Ахир, уни иншо этган-ку,
Ҳар нарсадан бохабар Ҳаттот.

Мен ҳеч қачон юрмасман ўксиб,
Шукроналик – мен севган усул.
Соғинчларим арчадек ўсиб,
Яшилланиб бораман буткул.

* * *

Аёзнинг кўройдин тунида
Ой жунжикиб турибди беҳол.
Сукунатнинг сокин унида
Бунга ташбеҳ топмоқлик маҳол.

Кулранг осмон, воҳки, шу замон
Юлдузларни туманга қорган.
Мен-чи, бу дам недир ёзаман
Қадам билан тўнглаган қорга.

Ёлғизликдай маъюс бир ҳолат
Еру кўкни айлайди ишғол.
Балки, бунда бордир зўр ҳикмат,
Юрагимни ўртайман бекор.

Аёзнинг кўройдин тунида...

* * *

Товусдай товланган дунёи дунда,
Орзулар – эзгу ўй, сўзларга кунда,
Туйғулар, ёғдулар чопилар унда
Амалу аъмол.

Боғу роғ неъматин қўшқўллаб тутар,
Нафс ўпқон мисоли ямламай ютар,
Шу асно, боғбонни қандай унутар,
Эсу ҳуш увол.

Адашган банданинг тавбаси – тақво,
Чин мақсад бўлса гар ул фақри фано,
Ижобат топгуси жамики дуо –
Фикрати зилол.

Бу маҳзун умрга марҳамат бўлса,
Кўнгилда ягона муҳаббат бўлса,
Ва мундоғ муҳаббат то абад бўлса,
Нимадир завол?!

* * *

Хайр, кўришгунча, йўқ-йўқ, алвидо,
Қайта кўришмоқда борми ҳеч мантиқ?
Ахир, мен кўйингда бўлмадим адо,
Сен ҳам ўз ҳуснига маҳлиё тантиқ.

"Меҳр кўзда дерлар, меҳр ортади,
Дийдор илинжида юрсанг мунтазам".
Билсанг, бу ақида – хешлар эртаги,
Ишқнинг сурасига бўлолмагай зам.

Муҳаббат қаърида қақшатқич маъно:
Асли хиёнатга ташланган қадам –
Беҳуда ўртаниш, сохта таманно.

Ҳавойи ҳисларга бу менинг зардам,
Гина-кудурат деб ўйлама, асло!
Кўксимга тиғ урар севги дам-бадам...

* * *

Наҳотки, зерикдик бир-биримиздан,
Гўё ишқ девони бир ёнда қолди?!
Узун тун бохабар дил сиримиздан,
Йўлатмай хобларни, сўроққа солди.

Севгимиз толеи мангу кулмасми,
Ё борми унинг ҳам баҳори, кузи?
Бир гулдек очилиб, тўкилмоқ расми –
Ишққа ҳам хос бўлса, жонларга тўзим.

Муҳаббат оловдир, муҳаббат оташ,
Бизга ёр бўлдию Қақнус қисмати
Ёниб, кул бўлмоқдан ўртандик яккаш.

Нақадар азобдир қулнинг миннати,
Бир дам тин олганда кўнгил шунча ғаш,
Тинимсиз ёнмоқлик ишқнинг қиймати!

НАЗМ

МУНАВВАРА

1965 йилда туғилган. Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи вазифасида хизмат қилади. Унинг "Оила омонлиги тил билан", "Қизларжон!", номли публицистик рисолалари, "Дийдор", "Сизга ўхшасин", "Соғинч манзили", "Юрагимдасан, Ватан" каби шеърий тўпламлари нашр этилган.

ХАЁЛДАДИР МЕНИНГ БИЛГАНИМ

* * *

Кўргим келди, сўзлашгим келди,
Сизни ўйлаб, кунни кеч қилдим.
Дийдор эшик қоққан маҳали
Кўнглим тўлиб, йиғлагим келди,
Буни кеч билдим...

* * *

Битта нонни тишлаб берайми, она,
Уйимиз тўрида турар илиниб?
Кўрганда соғиниб, келганда суйиб,
Турарди менинг ҳам ўрним билиниб.

Йўлларим олисдир, кунлар ялмоғиз,
Довонга дард айтиб ўтишим керак.
Бошимда кўп гавго, хаёлимда сиз,
Кетгим келмайдию кетишим керак.

Дуолар қиласиз, яхшилик тилаб,
Ҳасаду қасдлардан сақлайсиз доим.
Қайғулар қаритган елкангиз силаб,
Тилайман – онамни сақла, Худойим.

Нон беринг, бир тишлаб, илиб қўяман,
Акамдан қолган, ҳов, ноннинг ёнига.
Қошингизга омон қайтаман, она,
Шеър бўлиб киролсам сўз майдонига.

* * *

Билмай, чўғни чангаллаб олдим,
Озорини жон билди, холос,
Ўтдан олиб, ўтларга солдим,
Қилолмадим оташдан халос.

Билмам, нелар этилган тортиқ,
Пешонамда недир тузиклар?
Куйиб кетган бўлмаса эди
Кафтимдаги уз-у-у-у-н чизиқлар.

* * *

Ойни кўрди кўзим, қуёшни кўрди,
Осмон кўздан томган қон ёшни кўрди.

Пешонамни урдим ой парчасига,
Кипригим илинди кўк дарчасига.

Шамолга ўралди руҳим сояси,
Умидим тугилди, қуёш дояси,

Сочларим беланчак, алла айтаман,
Тупроқни соғиндим, ерга қайтаман.

* * *

Эскирди сабримнинг кўйлаги,
Ҳижроннинг ҳижоби кўз олар.
Мушкулнинг савдоси юришиб,
Тоқатнинг кўнглига қўл солар.

Бардошнинг рухсори саргайди,
Дол бўлди алпдек қадди ҳам.
Нокаснинг косаси тўлмас деб,
Надомат тошини отди ғам.

Ёзмишдан беркиниб бўлмайди,
Кечмишнинг бор экан сўроги.
Синдирди сабримнинг косасин
Тегиб кетиб қисмат ўроги.

* * *

Билмадим,
сен мени
қачон тарк этдинг:
тонгдами,
тундами,
билмадим қачон?
Сени йўқотганин
англади юрак,
майсалар юзини
ёпганда хазон.
Билмадим,
мен сени қачон
тарк этгум:
ўнгдами,
тушдами,
билмадим қай вақт?
Мени англаганим
бир бедил сабаб,
сахроларда куйиб
бораяпти бахт.

* * *

Юрагимнинг бир четида хавотир,
Бир четида милтиллайди ёниб шам.
Бир четида видо айтар, сўниб ишқ,
Бир четида гуноҳ йиглар, чекиб ғам.

Минг йўлак бор кўнглимнинг кўчасида,
Сизга борар йўл топилмас, қарасам.
Очилмайди сизсиз кўнгил тилсими,
Келасизми гуллар билан ўрасам?

Юрагимнинг бир четида хавотир,
Бир четини ейди ёсуман алам.
Қисмат дейман, асли, ўша тақдирнинг
Тақдирини ҳал қилади бир қадам.

* * *

Бугун кўп қизиди кулоғим,
Сиз ҳам мени ўйлаяпсизми?
Ёдингизда борманми ҳали.
Мен ҳақимда сўйлаяпсизми?

Ишққа йўйиб ўнгу тушимни,
Хаёлдадир менинг билганим.
Ҳар сония ўйлар, эҳтимол,
Нишларини қайраган ганим.

Қаранг, яна киприк узилди,
Гулга тақдим, авайлаб, тўқлаб.
Гиналарни сидириб дилдан
Келсангиз-чи, бир марта йўқлаб.

ЁДДА ҚОЛГАН СИЙМОЛАР

Латифжон МАНСУРОВ

1967 йилда туғилган. Тошкент Халқ хўжалиги институтини тамомлаган. "Сув париси", "Адашган ўқ", "Йиглаётган осмон", "Она бўри изидан", "Умид чироғи", "Жаннати боболарим" каби китоблари чоп этилган. Дўстлик ордени билан мукофотланган.

КАВАРДОН МАФТУНИ

Адабиёт муаллимимиз Аловуддин ака Ойбекнинг ижоди мавзусида дарс ўтаётиб, "Ойбек домла бизнинг Кавардонда кўп бўлардилар" деган гапни қистириб ўтиб кетди. Мен бунга жуда қизиқиб қолдим-да, мактабдан қайтган заҳотим бобомни сўроққа тутдим.

– Ойбек домлани сиз ҳам кўрганмисиз, – дедим.

– Кўриш ҳам гапми, неча қайта учрашганман, – деди Мансур бобом кулимсираб. Кейин менинг қистовим билан буюк адиб ҳақидаги хотираларини бир чеккадан сўзлаб берди. Шундан бери ҳам мана неча ўн йиллар ўтиб кетди. Бироқ ҳар сафар Ойбек асарларини қўлга оларканман, беихтиёр бобомнинг сўзлари, шунингдек бошқа ҳамқишлоқларимнинг адиб ҳақидаги хотиралари худди кечагидек хаёлимда жонланаверади.

Шундай танишгандик

Собиқ "Меҳнат-бирлик" жамоа хўжалиги раиси Омилбой Ёқубов хотиралари

1935 йили дўстим Муҳсин полвон билан Тошкентнинг Эски Жўвасидаги мардикор бозорига иш излаб борсак, қарангки, тақдир бизни Ойбекдек ёзувчига рўпара қилиб қўйди. Биз адибнинг боғ ҳовлисидаги юмушларини бажариб бўлгач, чой устида ширин суҳбатга ғарқ бўлдик. Аммо тирикчилик баҳонасида бошланган бу танишув биз учун узилмас дўстлик риштасига айланиб қолишини хаёлимизга ҳам келтирмагандик...

Орадан роппа-роса ўн бир йил ўтгач 1946 йилнинг жазирама ёз кунларининг бирида устоз Ойбекни қозоғистонлик қаламкаш дўсти Абдулла Тожибоев ва адабиётшунос Ҳомил Ёқубовлар билан биргаликда, қадрдон Қўчқор ака Эшмуҳамедовнинг таклифига кўра, Кавардонга таклиф қилдим. Мақсад уларни қишлоғимиз ҳаёти билан таништириш эди.

Ёдимда, ўшанда Ойбек домланинг енгил машинасида тор ва ўнқир-чўнқир йўллардан юриб, Кавардонга кириб келгандик...

Шу-шу бўлди-ю, Ойбек домла Кавардоннинг мусаффо ҳавосига, сўлим боғларига, хуштавозе одамларига мафтун бўлиб қолди. Улар билан яқиндан танишиб, ҳамсуҳбат бўлиб, яқин қадрдонига айланиб кетди.

Ойбек домла қишлоқ ёнидан ўтадиган тезоб Қорасув дарёсидан балиқ овлашни ва бедазорларда бедана тутишни хуш кўрарди. Ана шу омиллар унинг ижодий фикрлашига туртки берарди чамамда. Ажойиб ёзувчи ўз умрининг сўнгги йилларигача Кавардонга келиб турди. Аммо Ойбек домла билан бирга бўлган кавардонлик ҳамқишлоқларим ҳеч қачон у кишини жаҳли чиққан ва хомуш юрган ҳолатда учратишмаган. Доимо ҳаётдан завқланиб, илҳом олиб, жўшиб ижод қиларди.

Адибни ром этган қишлоқ

Алмат бригадирнинг ҳовлисидаги боғ этагидан Қорақалпоқ анҳори оқиб ўтарди. Ана шу анҳор устига мўъжазгина сўри ўрнатилган бўлиб, Ойбек домлани мудом шу ерда ижод қилиб ўтирганини кўриш мумкин эди.

Ойбек домла ҳар кунгидек барвақт уйғонганда уй бекаси Тожихон ая ўчоқдаги декчада пиширилган сутдан косаларга сузиб келиб, бирини адибнинг, яна бирини эса Алмат бригадирнинг олдига қўярди.

Нонуштадан сўнг Алмат бригадир далага жўнар, Ойбек домла бўлса китоб-дафтарини қўлтиқлаганича чорбоғ этагидаги анҳор устига қўндирилган сўрига тушиб борарди.

Ўша куни Ойбек домла тушгача ўрнидан қўзғалмай ижод қилди.

– Ҳормасинлар!

Ойбек домланинг ўй-хаёллари бўлиниб, ёзувдан бош кўтарди. Қараса, кавардонлик дўстлари Қўчқор Эшмуҳамедов, "Меҳнат-бирлик" жамоа хўжалиги раис муовини Саидвали Турсунов, Алмат бригадир, Мирюнус ва Миржамол акалар сўрига чиқиб келишяпти.

Ойбек домла:

– Саломат бўлинглар, қани, қани, марҳамат, хуш кўрдик, – дея ўрнидан туриб, улар билан қучоқ очиб кўришди.

– Бу дейман, Ойбек ака, қишлоғимиз ёқиб қолди, шекилли, ижоддан бўшамай қолдингиз, – деди Қўчқор ака бошқалар қатори сўрига жойлашар экан.

– Эҳ, нимасини айтасиз, Қўчқорвой. Шу Кавардонга келсам, ўзимни жуда енгил ҳис қиламан. Мана кейинги кунлар қаламим янада юришиб қолди. Қримда ёзиб тугатган "Олтин водийдан шабадалар" романимни қайта ишлаб бўлдим, – деди Ойбек домла жилмаяркан. – Тоза ҳаво – танга даво-да!

– Ҳа, нимасини айтасиз, домла, Кавардонга дуо кетган-да, – дея салмоқлаб гап бошлади Қўчқор ака. – Археолог олимларнинг айтишларича, Кавардон қишлоғида қадимий бурғулуқ маданиятига мансуб қатламлар ётган экан, қўҳна Кавардон илк ўрта асрда ҳокимлик марказига айланган бўлиб, ўз пулини муомалага чиқарган экан.

Қўчқор аканинг гапида жон бор эди, албатта. Чунки ўша вақтларда шаҳарда зарб қилинган баъзи тангалар воҳадаги Қанқа шаҳри қазишмаларидан ҳам топилган. Ана шу тангаларга ва қўлёзма манбаларига асосланиб, шаҳарнинг қадимий номи Каварна эканлигини билиб олиш мумкин, лекин бу номнинг қандай келиб чиққанини, туб маъносини аниқлаш мушкул. Тўғри, бу шаҳар атрофида гўртепаликлар кўп учрагани боис, унинг номи туркий қабр сўзи билан боғлиқ, деб айтиш мумкин. Лекин ундан-да қадимийроқ эканлигини назарда тутадиган бўлсак, у ҳолда Авесто китобидаги афсонавий Кави (Гави) – буқа номидан олинган, деган мулоҳазага борилади. Кавардон қишлоғи номи ўша эски Каварна шаҳрининг ўзгарган шакли бўлса керак. Умуман, мазкур Каварна шаҳри X-XII асрларда айниқса равнақ топган экан. Каварна адирлари ҳунармандчилик марказларидан бирига айланган. Чунки ўша вақтда Шош (ҳозирги Тошкент)га борадиган савдо йўли Каварна шаҳридан ўтган эди. Худди шу даврда у араб сайёҳлари харитасида ҳам қайд этилган.

Кўҳна Каварна шаҳри қаъридан топилган кўплаб тилла тақинчоқлар ва тарихий обидалар бу ерда ҳунармандчилик юқори даражага кўтарилгани, маданияти юксак бўлганидан дарак беради.

– Кавардон қишлоғининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади, – дея Алмат бригадир гапга қўшилди. Мана йиллар ўтса-да, тарихи ҳақидаги қизиқ бир ҳикоя авлоддан-авлодга ўтиб келяпти.

– Хўш, хўш... – қизиқди Ойбек жонланиб.

– Айтишларича, бир куни овдан қайтган Тошкент ҳокими маҳкама одамларини тўплашга буюради. Одати бўйича ҳоким овдан қайтгач, маишат қилишни ёқтирарди. Бу гал унинг авзойи бошқача эди.

– Чирчиқ дарёсининг нариги томонида деҳқончилик қиладурғон ерлар бор экан. Аммо тўқай ва чангалзор бўлиб ётибди. Биз бу ерларни ўзлаштирмоғимиз даркор. Бу ҳақда сизларнинг фикрларингизни билмоқчимиз, – дейди мулозимларига.

Йиғилганлар у ерга бир неча деҳқонни юборишни маслаҳат беришади. Ҳоким шу заҳотиёқ "ишга киришинг", деб буйруқ беради.

Жарчилар Тошкентнинг тўрт даҳасига от чоптириб кетадилар... Маҳкамага бир тўда талабгор деҳқон келади. Уларга от, ҳўкиз, арава, омоч, уруғлик ва бир йиллик харажат, озиқ-овқат ажратилади. Мерганларнинг бошлиғига деҳқонларни ўша ергача кузатиб қўйиш топширилади.

– Додхо, уларни қаерга жойлаймиз? Ҳаммаёқ қамишзор, тўқай-ку! – ҳайрон бўлиб сўрайди мерган.

– Кемерге, – буюради ҳоким.

Ҳоким "кемерге" деб Чирчиқ дарёси соҳилларидан қочган бўрсиқни назарда тутган эди...

Эрта баҳорнинг серқуёш кунларидан бирида Тошкентдан йўлга чиққан деҳқонлар уч кечаю кундузда "кемерге"га етиб келишади. Улар шу ерда ўрнашиб, тўқай ва ботқоқликларни ўзлаштиришга киришадилар. Ариқлар қазиб, Қорасувдан сув чиқаришади...

Йиллар ўтиб боболар бошлаган иш давом этади. Мана ҳозир ўша тўқай ва ботқоқликлардан асар ҳам қолмаган. Лалмикор ерларга ҳар йили пахта, каноп, маккажўхори, буғдой, беда экилиб улардан мўл ҳосил етиштирилаяпти... Қорасув дарёси эса, ҳамон шовуллаб оқмоқда... У Кавардон, Бўканбой, Қирғизовул ва бир қанча бошқа қишлоқ ерларига ҳаёт бахш этяпти... Қорасув дарёсининг қанчадан-қанча ирмоқлари бор. Қорақалпоқ анҳори ҳам дарёнинг ирмоқларидан бири ҳисобланади...

Алмат бригадирнинг ҳикояси таъсирида Қорақалпоқ анҳори устига ўрнатилган сўрида ўтирганларнинг барчаси сувга тикилганича сукутга берилди.

– Эҳ-а, Кавардоннинг ҳам ўзига яраша ғаройиб тарихи бор экан-да, – дея Ойбек домла ўртадаги сукунатни бузди. – Буни билмас эканман. Сизлардан эшитиб қишлоғингиз ҳақида яхшигина таассуротга эга бўлдим.

Ҳа, ўша кундаги суҳбат сабаб бўлдими, Ойбек домланинг Кавардонга меҳри янада ортди.

Яхшидан боғ қолади

1948 йилнинг баҳори. Табиат ям-яшил либосга бурканган, қир ёнбағирларида ўтлаб юрган қўй-эчкилар маъраб, фасли баҳор кирганлигини дараклаётгандай.

Кавардон қишлоғидаги Қорақалпоқ анҳори устига ўрнатилган сўлим шийпонда атоқли адиб Ойбек қаламкаш дўстлари Лев Пеньковский, Владимир Луговский, Николай Тихонов, Константин Симонов, Сергей Бородин, Берди Кербобоев, Собит Муқонов, Абдулла Тожибоев, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳомил Ёқубов, шунингдек, Қўчқор Эшмуҳамедов, Саидвали Турсунов, бригада бошлиғи Раҳима Давиловалар қўр тўкиб ўтиришибди. Улар Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан йиғилишган.

Унда биринчи бўлиб юбилей кечани ўтказиш бўйича комиссия раиси Ойбек сўз олди. Сўнг навбатма-навбат Н.Тихонов, К.Симонов, С.Муқонов ва бошқаларга ҳам сўз берилди. Улар шеърият мулкининг султони Алишер Навоий асарларининг умрбоқийлиги, бадиий қимматини ўлчаб бўлмаслигини ва жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳақида гапиришди.

Шунингдек, кечада Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, А.Тожибоевлар Алишер Навоий ижоди ҳақида гапиришиб, шеърлар ўқишди. Кечада иштирок этганлар Ойбекнинг тавсияси билан Кавардон қишлоғининг кўчаларидан бирига буюк аллома Алишер Навоий номини беришни маслаҳат қилишди. Ҳозир ҳам қишлоқнинг марказий кўчаларидан бири Алишер Навоий номи билан аталади.

Ўша куни Алишер Навоийга бағишлаб ўтказилган кеча тугагач, Ойбек домла қаламкаш дўстлари билан юбилей кечаси ўтказилган шийпон ёнидаги чорбоққа икки туп ёнғоқ дарахти ўтқазди. Мана, орадан ярим асрдан ошиқроқ вақт ўтган бўлса-

да, буюк адиблар қўли билан экилган икки туп ёнғоқ баҳайбат дарахтга айланиб, ўзининг ҳосилидан қишлоқ аҳлини баҳраманд этиб келмоқда.

Полиздаги "ширинак"

1954 йилнинг август ойи охирлаб қолган. Ўша йили ёз жуда иссиқ келди. Биз Ойбек домла билан Қорасув дарёсининг нариги томонидаги қовун полизига бордик. Унинг майдони 5 гектардан ошиқроқ бўлиб, турли нав қовунлар пишиб ётарди. Ойбек домла ўша куни даладаги қовунлар ичида қайси бири ширин чиқаркан, дея ҳар бир чайладан "ширинак" учун биттадан қовун олиб чиқишни таклиф этди.

Ҳайитвой, Аҳмад, Раҳмонқул, Мансур, Алмат ва Муҳсин полвонлар полизлардан биттадан қовун олиб чиқишди. Қовунхўрлик эндигина авжига чиқа бошлаганида тўсатдан чайла орқасидан бедана сайраб қолди.

Домла ҳаммамизга "жим" деган ишора қилди-ю, ўша томонга йўналди. Шу тариқа бедана ови бошланди.

Бир нечта беданани ушладик. Ойбек домла уларни битта-битта қўлига олиб томоша қилар ва озодликка қўйвораркан, болаларга хос қувноқлик билан яйраб куларди...

Оқ каптар
Отам хотираси

Бизнинг уйимиз олдидаги Қорақалпоқ анҳори устида Ойбек домланинг сўлим шийпони бор эди. У киши ана шу шийпондаги сўрида ўтириб алланарсаларни ёзар, баъзан эса ёзувчи ва шоирлар билан адабиёт ҳақида баҳслашарди. Ҳатто мен Ойбекнинг қаламкаш дўстлари Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, адабиётшунос Ҳомил Ёқубовлар билан бир неча бор қишлоғимизга меҳмон бўлиб келишганини кўрганман.

Ўша кезларда Ойбек домланинг соғлиғи ёмонлашганди. Шу боисдан шифокорлар унга кўпроқ каптар гўштини қайнатиб ичишини маслаҳат беришган экан. Уйимиздаги боғ этагида эски қишлоқ тегирмони бўлиб, унинг томида турли хилдаги каптарларни боқардим. Унинг шийпонда кичкинагина декчаси бўлиб, биз олиб борган каптарларни бригадир Раҳима опа Давилова пиширар, ёзувчи бўлса фақат сувини ичиб, гўштини емай, бизга берарди.

...Кунларнинг бирида мен битта оқ каптар тутиб олиб, уни Ойбек домлага олиб бордим. Ўшанда у қишлоғимиз чойхонасида кексалар билан суҳбатлашиб ўтирарди. Мен олиб борган каптаримни у кишининг қўлига тутказдим. Ёзувчи ха-холаб кулиб, елкамга уриб-уриб қўйди-да:

– Оқ каптар – тинчлик жарчиси, – деб уни учириб юборди...

Омадсиз ов қувончи

Қорасув дарёсининг атрофлари тўқайзор бўлиб, у ерларда турли хил ҳайвонлар ҳам яшарди. Баҳор ва ёз ойлари Қорасув дарёси лим-лим тўлиб оқар, балиқ эса мўл эди.

Эллигинчи йил ёзи ўрталарида биз Ойбек домла, кавардонлик дўстларим Ҳайитвой, Қўчқор акалар билан Қорасув дарёсига балиқ овига бордик. Дарё бўйига етиб келгач, Ҳайитвой ва Қўчқор акалар сувга тушишиб, тўр билан балиқ тута бошлашди. Бошига чуст дўппи кийиб олган Ойбек домла қармоғига хўрак илиб, сувга ташлади-да, зумда барча нарсани унутгандек, ҳайқириб оқаётган шўх дарёнинг шовуллашига, ўркач-ўркач тўлқинларга тикилганича хаёлга толди.

Қўчқор аканинг "Қармоқни тортинг, Ойбек домла", деган овози унинг хаёлларини тўзғитиб юборди. Қармоқдаги пўкак эса гоҳ сувга чўкиб, гоҳ сув юзига қалқиб чиқарди. Ойбек домла қармоқни тортиб оларкан, унга илинган танга балиқ типирчилаб чиқиб кетишга интиларди. У киши балиқни аста бўшатиб олиб, қармоқни яна сувга ташлади. Шу алфозда биз кун бўйи овора бўлсак-да, бор-йўғи битта балиқ тутдик, холос. Шунга қарамай, Ойбек домланинг боши осмонга етиб ёш болалардек қувонган эди.

Юлдузлар

Қишлоқ бўйлаб оқшом чўккан. Тўлин ой атрофни сутдай ёритиб юборган соҳир бир кеча. Ойбек домла қўшни хонада ширин уйқуда ётган дўстлари Мақсуд Шайхзода ва Омилбой Ёқубовни уйғотиб юбормаслик учун аста туриб, бошига дўппи, елкасига чопонини ташлаб, боғ этагидан анҳор томон йўл олди. Сўнг анҳор устидаги сўрига чиқиб ўтирди.

У Кавардон осмонини безаб турган тўлин ой ва тўп-тўп юлдузларга маҳлиё бўлганча тикилиб тўймасди. У бир маҳал юлдузлардан кўз узди-да, шошилинч равишда қўлига қоғоз-қалам олди.

Мен сизга юлдузлар, интизордирмен,
Ҳар оқшом кутаман, соғиниб сизни.
Сўйла, Олтин қозиқ, биласан сирни,
Ҳой, оқшом юлдузи, ўргат сеҳрни!
Супрангиз четини ит тортганини
Бувимдан эшитиб, йиғладим-куйдим.
Сомон йўлларидан кўп дафъа юрдим,
Суҳбатда сиз билан ширин ўй сурдим.

Ойбек шеърининг сўнгги мисраларини қоғозга тушираркан, қишлоқда тонг отиб, хўрозлар қичқириғи маст уйқуда ухлаб ётган қишлоқ аҳлини уйғотди. Қаламкаш дўсти Мақсуд Шайхзода ҳам хўрозлар қичқириғидан уйғониб, кўзларини уқалаганича ташқарига чиқиб, анҳор томон йўл олди.

Ойбек "Юлдузлар" дея номланган шеърини шоир дўстига ўқиб берди.

Мақсуд Шайхзода шеърини тинглагач: "Қандай чиқибди?" дея интизорлик билан тикилиб турган Ойбекка қувонч билан бош бармоғини кўрсатиб:

– Михдек! – деди.

Ойбек билан

Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони
Саидусмон Қосимхўжаев хотиралари

Қорасув дарёсининг нариги қирғоғида Саидислом амакимнинг даласи бўларди. Саидислом амаким эрта баҳордан то кеч кузгача ўғли Шарифхўжа билан қишга егулик учун экин экишиб, рўзғорга яраша ҳосил олишарди. Асосан улар қовун-тарвуз, картошка, помидор, сабзи, пиёз ва маккажўхори экишарди. Саидислом амаким бир неча йил аввал эккан ток ва нон жийдаси ҳам ҳосилга кириб қолганди.

Саидислом амаким ана шу дала чеккасидаги дарахтлар орасига кун иссиқ ва чарчаган пайтларда дам олиш учун шинамгина чайла қуриб қўйганди.

Улар деҳқончилик қилаётган дала атрофлари кенг пичанзор ва бедазор бўлиб, киши тиззасига етарди. Ҳар йили қишки ем-хашакни шу ердан ўриб йиғишарди. Чайлага яқин бўлган бедазорда бедана ҳам жуда кўп учрарди. Саидислом амаким беданага жуда қизиқар ва шу боисдан ҳам чайла атрофларига бир нечта тўрқовоқда бедана илиб қўярди.

Ёзувчи Ойбек қишлоққа келган кезларида аҳён-ахёнда ана шу чайлага келиб, беданаларнинг сайрашини тинглаб маза қилиб ҳордиқ оларди.

Қишлоқ беданавозлари Гулмат, Саидолим, Муҳсин полвон, Аҳмад, Алмат, Раҳмонқул, Раҳмон акалар тез-тез бедазорга келишиб, тузоқ қўйишарди. Ойбек домла тузоққа тушган беданани бўшатиб, уни учириб юборишни яхши кўрарди. Айниқса, қўлидан питир этиб учиб озодликка чиққан беданани кўрса, яйраб-яйраб куларди. Қишлоқдош дўстлари бедана тутишдан, Ойбек домла эса уларни учиришдан ҳузур оларди.

Ойбек домла мени ҳамиша Саидусмон деб эмас, "Қаҳрамон" деб чақиришга одатланган. Чунки у киши уруш вақтида Днепр дарёсидан кечиб ўтишда қаҳрамон бўлганлигимни яхши биларди. Ойбек домлани "Қаҳрамон" деб чақириши кўнглимни тоғдек кўтариб, менга янада ғурур бағишларди.

Меҳмон

Ўрмон бува Қурбонов хотираси

Биз яшайдиган уй Кавардон қишлоғининг энг чеккасида жойлашган бўлиб, уйимизнинг ёнгинасидан Қорақалпоқ анҳори оқиб ўтарди. Айниқса, у баҳор ва ёз фаслларида тўлиб-тошиб оқарди. Тип-тиниқ бўлиб оқаётган анҳор сувига киши қараб тўймасди. Қалдирғочлар анҳор узра чуғурлашиб, унчалик шўх бўлмаган тўлқинлар билан қувлашмачоқ ўйнашарди.

Ойбек домла Кавардон қишлоғига келган кезларида бизнинг уйда ҳам тез-тез меҳмон бўлиб кетарди. Мен Ойбек домла билан бир неча бор учрашиб, ҳамсуҳбат бўлиб, у кишини дилкаш ва қувноқ инсон эканлигига гувоҳ бўлганман.

Ойбек домла ҳар куни тонг саҳардан қушларнинг майин сайрашидан уйғониб, қўлига кетмон олиб, уйимиздан узоқ бўлмаган Хонимтепа баландлиги олдига келарди. Келарди-ю, кетмон чопишга тушиб кетарди. Мен:

– Ҳа, Ойбек домла, олтин-полтин қидиряпсизми? – десам, у киши бироз дудукланган тарзда, "ҳа, ҳа, олтин, олтин", дерди. Кейинчалик билсам, Ойбек домла ўзидаги кучайиб бораётган хасталикни кетмон чопиш билан енгишга ҳаракат қиларкан...

1954 йилнинг 18 апрель куни Ойбек домла қишлоқдош дўсти Қўчқор ака Эшмуҳамедов, хўжалик раиси Омилбой Ёқубов ва яна бир-икки қаламкаш дўстлари билан бизнинг уйга меҳмон бўлиб келишди. Меҳмон отангдан улуғ, дейишади. Мен дарров келган меҳмонларни ичкарига таклиф қилдим. Кенг ва тўкин дастурхон атрофида узоқ суҳбатлашдик.

– Ўрмон, бугун ўғиллик бўлибсан, табриклайман, – деди суҳбат чоғида Омилбой Ёқубов. Бошқалар ҳам табриклашди.

Ойбек домла бўлса қўлимни маҳкам қисиб табрикларкан:

– Ўрмон, исмини нима қўйдинг? – дея сўради.

Мен эса у кишига ҳали чақалоққа исм қўймаганлигимни айтдим. Шунда Ойбек домла ха-холаб кулиб: "Ме-ҳ-мон", "Ме-ҳ-мон", деди. Бу Ойбек домланинг менга, ўғлингни исмини Меҳмон деб қўйгин, дегани экан. Шу-шу бўлди-ю, Ойбек домланинг маслаҳати билан ўғлимга Меҳмон дея исм қўйдим.

Мен ҳар гал ўғлимнинг исмини айтиб чақирсам, Ойбек домланинг "Ме-ҳ-мон", "Ме-ҳ-мон", – деган сўзлари қулоқларим остида яна такрор жаранглагандек туюлаверади...

Хасталик ва жасорат

Кейинчалик бу ажойиб инсоннинг соғлиғи ёмонлаша бошлади. Шундай оғир вазиятларда ҳам у ижодий изланишдан ўзини четга олмади, тинмай изланди, янги-янги асарлар ёзди. Ўша хасталик вақтида Ойбек домла бир шеърида шундай деган эди.

Хастамен... Фикрга, туйғуга тўлиб –
Ой менга ҳамқадам, сокин юрамен,
Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен,

Кечалар юрурмен телбадай ҳориб,
Бошимда ой борур – менга ҳамқадам,
Хаёллар учади машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакман бир кун соғайсам.

Ҳа, Ойбек домла ичида дард-алам билан олов бўлиб ёнаётган хасталикнинг қалб туғёнларига ана шундай таъриф беради. Ойбек домла ўз умри давомида йигирмадан ортиқ йирик асарлар ёзиб, ўзбек адабиётимизни бойитиб кетган буюк ёзувчи бўлса-да, юқоридаги шеърида таъкидлаганидек, барибир тўйиб ёзолмаган эди. Ана шу хасталик пайтларда ҳам Ойбек домла Кавардон қишлоғига тез-тез келиб турарди. Ёз ойларида эса доим шу ерда дам оларди. Руҳини туширмасликка, қувноқ ва хушчақчақ юришга ҳаракат қиларди. Рафиқаси Зарифа Саидносирова ҳам ҳамиша Ойбек домла билан ёнма-ён юриб, унинг хаста жисмига малҳам бўларди. Ҳа, Зарифахонимнинг ўша пайтлардаги кўрсатган меҳри туфайли Ойбек домланинг “Улуғ йўл”, “Қуёш қораймас” романлари, “Болалик”, “Нур қидириб” каби кўплаб йирик асарлари яратилиб, бизнинг давримизга етиб келди, ўз мухлисларини топди.

Дўстлар видолашуви

1966 йилнинг июнь кунларидан бирида Қўчқор ака Эшмуҳамедовдан Ойбек домлани бироз тоби бўлмай ётиб қолганлигини эшитиб, акам Омилбой Ёқубов билан бирга у кишини кўргани бордик. Ойбек домла бизни кўргач:

– Омилбой, Зуҳриддинжон, хўп яхши келибсизлар-да. Энди бу ёғига яна қанча умрим қолди, бу Яратган эгамга боғлиқ. Эшитишимча, дўстим Ғафуржон ҳам оғир хаста эмиш. Ҳозир сизларнинг ҳамроҳлигингизда Ғафуржонни кўриб келсак, – деди.

Ойбек домла билан адибнинг Бешёғочдаги уйига кириб борганимизда Ғафур Ғулом тўшакдан оҳиста бош кўтарди. Икки дўст бир-бирини бағрига босганча узоқ вақт қучоқлашиб дардлашишди. Ана шу дийдорлашувдан чамаси бир ойлар ўтиб, Ойбек домланинг энг қадрдон дўсти Ғафур Ғулом бу ёруғ дунёдан кўз юмди...

Сўнгги дийдор

Ойбек домла билан ҳамқишлоқларим энг сўнгги бор 1968 йилнинг май ойида Кавардонда учрашишди.

Ўшанда Ойбек домла рафиқаси Зарифа Саидносирова ва қизи Гулранглар билан қишлоққа келган экан. Ана шу кезларда Ойбекнинг қаламкаш дўстлари – ўзбек адабиётининг йирик вакиллари Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Мақсуд Шайхзодалар ҳаётдан кўз юмган эди.

Ойбек домла Кавардонга келганда қишлоқдош дўстларидан бири Муҳсин полвон ҳам оламдан ўтган эди. У киши қишлоқ қабристонига бориб, дўсти Муҳсин полвон ётган қабрни зиёрат қилиб қайтди. Ҳамқишлоқларимнинг Ойбек домла билан сўнгги бор учрашаётганликлари хаёлларига келмаган эди. Унинг хушчақчақ чеҳраси эса кавардонликлар ёдида абадий қолажак.

Ойбек домла умрининг кўп йилини ўтказган Кавардон қишлоғидан аста ортга қайтаркан, қишлоқ унинг кўзига ҳар доимгидек сўлим бўлиб кўринди. Кейинчалик у қишлоққа албатта қайтиб келажаги, бу ерда орттирган қадрдон дўстлари билан яна учрашажагини кўнглига тугиб қўйди. Лекин ҳаётда доим инсоннинг ўйлагани бўлавермас экан. Орадан бир ойдан ошиқроқ вақт ўтгач, радио орқали машъум хабар республикамизнинг чекка қишлоқларидан бири, унинг ўзи яшаб ижод этган Кавардонга етиб келганда минглаб китобхонлар қатори уларнинг ҳам бутун вужуди ларзага тушганди.

Тўғри, ҳеч ким дунёга устун бўлолмайди. Бу – ҳаёт қонуни. Лекин умрни мазмунли ўтказиш, эл-юртда яхши ном қолдириш инсон учун улуғ саодатдир.

Ўзбек адабиётининг забардаст намояндаси Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ўз умрининг сўнгги йилларигача яшаган кавардонликлар хотирасида ҳам оқиллиги, ҳам камтаринлиги билан ҳамиша барҳаётдир.

ТИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

АЖИНИЁЗ

Қорақалпоқ халқининг шоири Ажиниёз Қусибой ўғли 1824 йилда Мўйноқ туманида туғилиб, 1878 йилда вафот этган. Улуғ шоирнинг шеърий китоблари 1960, 1965, 1975, 1988, 1994 йилларда ("Ажиниёз, Танланган асарлар" номи билан) бир неча марта қорақалпоқ тилида нашр этилган. Бу йил Ажиниёз таваллудининг 190 йиллиги адабий жамоатчилик томонидан кенг нишонланмоқда.

СУҚСУРЛАР УЧАР КЎЛЛАРДА

Элларим бордир

Сўрасанг элимни, Қожбан[1], бизлардан,
Қалпоғи қозондай элларим бордир.
Хато чиқса, кечиринглар сўзлардан,
Хитой, қўнғирот отли элларим бордир.

Яйловим кенг, Урганч, шимоли – денгиз,
Ягрини қопқоқдай моллари семиз,
Рухсатсиз бирон-бир ерга босмас из,
Бириккан қўнғирот элларим бордир.

Не изласанг, топилади кераги,
Кўлида бор қашқалдоғи, ўрдаги,
Қувлари, гозларин бутун юраги,
Жонворларга макон кўлларим бордир.

Ёлғон сўзни ишонтириб айтмаган,
Тўғри йўлдан бош кетса ҳам қайтмаган,
Номаҳрамни сира йўлдош тутмаган,
Номи қорақалпоқ элларим бордир.

[1] Қожбан – шахс номи.

Сўйлаганда бол айлайди сўзингни,
Кўрганингда лол айлайди ўзингни,
Навбаҳори тўйдиради кўзингни,
Лайли, Зулайҳодай қизлари бордир.

Отга минган очамайли-қиётда,
Қўлдовли-мийтану бор қўнғиротда,
Хитой, қипчоқ, кенагасу мангитда
От кўтармас белли беклари бордир.

Гудари белбоғи тиззага тушган,
Бўйи оқ теракни оралаб ўсган,
Ғаним кўрса қайнаб, дарёдай тошган
Қўнғиротнинг орли полвони бордир.

Ёдга тушса, кўнглим тоғ каби ўсган,
Кўзим кўрмагунча кўкайим кесган,
Йилда мева тугиб, уч бора пишган
Оти сутилмакдай емишим бордир.

Сарҳовуз бўйида сояли терак,
Тилни тарс ёргувчи полизу палак,
Қирларда қизариб пишади гурвак,
Қовундай мазали таомим бордир.

Мол эгасин топар, сўз топса вафо,
Гиёҳида шифо, қушида сафо,
Денгиз этагида ҳаво мусаффо,
Буларнинг барчаси элимда бордир.

Жилва айлаб ҳар не борин соз этган,
Йигитларнинг кўнглин баҳор-ёз этган,
Қошин кериб, ишва билан ноз этган,
Боғларнинг ичинда қизлари бордир.

Бу ерда юрибман, юрагим ўртар,
Эл-юртни кўрмаган жабрини тортар,
Юрагимда ғаму ҳасратим ортар,
Айтсам адо бўлмас дардларим бордир.

Насиб айлаб сизнинг элларга келган,
Ким яхши, ким ёмон фарқини билган,
Ҳар не борин сизга баён айлаган
Қалпоқнинг камина Зевари бордир.

Бўлур

Қоратоғнинг баланд боши
Қорли бўлур, қорсиз бўлур.
Бир эр йигит ёт элларда
Молли бўлур, молсиз бўлур.

Баҳор ўтиб, келса ёзлар,
Солланишар сарвинозлар,
"Қув-қув"лаган оққуш-гозлар
Кўлли бўлур, кўлсиз бўлур.

Хоразмда қолди жойлар,
Чекар бўлдим оҳу войлар,
Тоғ бошидан оққан сойлар
Селли бўлур, селсиз бўлур.

Карвонлар кечар чўлларда,
Суқсурлар учар кўлларда,
Бир эр йигит ёт элларда
Тилли бўлур, тилсиз бўлур.

Ёт элларда эр йигитлар
Юрагига солур дардлар,
Бўйни гажак тулпор отлар
Ёлли бўлур, ёлсиз бўлур.

Кимга айтай арзи ҳолим,
Кўнгилда кўп қийлу қолим,
Ўтган умр – заҳру болим
Тотли бўлур, тотсиз бўлур.

Ғариб Зевар ҳар кун йиғлар,
Юрагимда кўндир доғлар,
Ранг-баранг очилган боғлар
Гулли бўлур, гулсиз бўлур.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси



БАРҲАЁТ МЕРОС

ГЕГЕЛЬ

(1770-1831)

Йирик немис файласуфи, немис мумтоз фалсафасининг энг машҳур вакили. Фалсафа ва илоҳиётшунослик фанлари профессори. Файласуфнинг "Эстетика", "Тарих фалсафаси", "Мантиқ илми", "Ҳуқуқ фалсафаси" номли асарлари машҳур.

ЭСТЕТИКА

(Санъат фалсафаси ёхуд бадиий ижод фалсафаси)[1]

Ситуация

Олдинги тушунтиришларимизда шунга ишонч ҳосил қилдикки, оддий воқеликдан фарқ қилиб, оламнинг санъатда гавдаланувчи идеал ҳолати маънавий борлиқнинг меъёрий жиҳатларини ташкил қилади. Бас, шундай экан, у бундай тузилмани эмас, балки фақат индивидуал шаклланиш имкониятларини акс эттиради. Ҳозиргача биз фақат санъатда жонли қиёфалар пайдо бўлишининг умумий жиҳатлари билан танишиб чиқдик. Тикланган ибодатхона санъатда индивидуал илоҳ қиёфаси тасвирини беролмаганидек, бу асос индивидуал эркинлик элементига таянган тақдирда ҳам фаол индивидларнинг умумий хатти-ҳаракатини жонли эмас, фақат куртак ҳолида акс эттириши мумкин.

Шунинг учун биз даставвал оламнинг ўз-ўзича бу идеал ҳолати ҳаракатсизлиги, раҳнамо кучларнинг унга мутаносиблиги, қандайдир субстанционалликни умумаҳамиятга эга борлиқ сифатида қараб чиқишимиз, шу билан бирга, уларни особйишта соддаликнинг соф ҳолатига ҳам йўймаслигимиз лозим. Чунки ахлоқнинг бу тўлақонли ва таъсирчан жараёнида иккиланишларнинг улкан куч-қудрати ҳали мудроқ ҳолатида бўлади; яна қайта ўз борлиғини кўриб чиқишда умумий муайянлилиги билан бу ҳолатнинг субстанционал бирлиги ва индивидуаллиги тасдиқ топмаса, изсиз ва бутунлай йўқолиб кетади. Бироқ муайянлик идеалнинг конкрет образга киришини субстанционалликнинг муҳим белгиси қилиб олса, у ҳолда фақат умумийлик билан қаноатланмаслиги, аксинча, умумийлик шу ташқи борлиқ ва унинг кўринишларида алоҳидалик шаклини олиши лозим. Шу муносабат билан санъат оламнинг умумий ҳолатини шунчаки тасвирламаслиги, балки ўз образларини муайян характер ва хатти-ҳаракатларни гавдалантирувчи ноаниқ тасаввурлар асосида яратиши лозим.

[1] Давоми. Бошланиши олдинги сонларда.

Умумий ҳолат якка индивидлар мавжудлигини таъминловчи манба ҳамда аниқ ва алоҳида ҳолатларнинг ўзига хослиги тарзида гавдаланади. Бундай алоҳидаланиш билан бирга, алоҳида индивидларни муайян образлар тариқасида намоён этувчи коллизия ва мураккабликлар ҳам юзага келади. Оламнинг умумий ҳолатига нисбатан индивидларнинг бундай муносабати жонли, алоҳида ва якка ҳодисани юзага келтирувчи жараён бўлишига қарамай, ўз ҳаётийлигини йўқотмайди. Бинобарин, унинг муҳим жиҳатини идеалга хос бўлган субстанционал мазмуннинг олам устидан ҳукмрон кучлари ташкил қилади.

Бироқ бу мазмун мавжудликнинг одатдагича ифодаланиши билан чекланиб қолмайди. Ҳолбуки, кўпинча одатланиш кутилган манфаатларнинг маънавий табиатига мос келавермайди; бу манфаатлар индивиднинг тасодиф ва ўзбошимчалиги билан ҳаётга кириб борса-да, ҳақиқий ибтидоий асос тушунчаси бўлмиш субстанционаллик билан ўз характери жиҳатидан тасодиф ва ўзбошимчалик ботинан мувофиқлаша олмайди. Шу боис идеалнинг конкрет мазмунини ифодалашда, бир томондан, анчайин аниқ, бошқа томондан, тўлақонли бадиий ҳодисаларни излаб топишга тўғри келади.

Умумий кучлар бу янги шаклни ўз ташқи борлиғининг муҳим тафовутлари, аниқроғи, ўзаро зиддиятлари орқали намоён қилади. Биз энди умумийликнинг алоҳидаликдаги икки муҳим жиҳати: биринчидан, умумий кучлар доираси сифатида субстанцияни, алоҳидаланишнинг воситаси бўлган субстанцияни мустақил қисмларга ажратиш; иккинчидан, бу кучларни фаол рўёбга чиқарувчи ва уларга индивидуал шакл берувчи индивидларни аниқ белгилаб олишга киришамиз.

Бироқ оламни индивидлар билан мутаносиблаштирувчи бу тафовут ва антагонизмлари унинг бу ҳолатига нисбатан жиддийроқ мазмунга эгадир. Ва аксинча, унда қарор топган субстанционал умумий мазмун умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликка айланиш билан тасодифий кўриниш олади, парчаланади ва иккиланади, яна қайта бу кўринишни йўққа чиқаради.

Аммо у кучларнинг бўлиниш хусусиятлари ва индивидларида ўз-ўзича тажассум этилувчи барча воқеалар айни шундай ёки унга таъсир кўрсатувчи аниқ шарт-шароит ва ҳолатлар билан биргаликда юз бериши мумкин. Бундай ситуациялар ўз-ўзича эмас, балки фақат инсон билан боғлиқ ҳолда маъно касб этади, бу маънавий кучларнинг мазмуни эса ўз-ўзини фаол англаши жараёнида воқеликка айланади. Шундай экан, фақат шу нуқтаи назардан ташқи шарт-шароитларни қараб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади, бинобарин, уларнинг мазмуни руҳ учун аҳамиятлилиги, индивидлар томонидан ўзлаштирилиши ва маънавий эҳтиёж, мақсад, манфаат ва умуман индивидуал гавдаланишга боғлиқдир. Муайян шарт-шароит ва ҳолатлар айни шу жиҳати билан ҳақиқий фаолиятда ўз-ўзи учун алоҳида манбани ташкил қилади, шу билан бирга, оламнинг умумий ҳолатида ривож топмаган нарсаларни гавдалантирувчи ситуацияни ҳам юзага келтиради. Шунга кўра, хатти-ҳаракатни таърифлашдан олдин сўзнинг асл маъносида "ситуация" тушунчаси мазмунини аниқ белгилаб олиш зарур.

Ситуация деганда, хусусий характерга ва муайянликка эга бўлган умумий ҳолат кўзда тутилади. Ситуация бадиий тасвирда ўзининг конкрет жиҳати билан ташқи борлиқ тусини олувчи мазмунни ифодалашга таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ситуация фикрлашга кенг йўл очади. Ҳолбуки, теран, жиддий манфаатлар ва руҳнинг ҳақиқий мазмунини ифодаловчи ситуацияларни кашф этиш қадимдан санъатнинг муҳим томони бўлиб келади. Шу маънода ранг-баранг санъатлар олдига турли талаблар қўйилган. Ситуацияларнинг имкониятлари, масалан, ҳайкалтарошликда ботинан чекли, рантасвир билан мусиқада кенг миқёсли ва эркин, шеъриятда эса битмас-туганмасдир.

Модомики, ҳозирча алоҳида санъатларни таҳлил қилишга киришмаган эканмиз, бу ерда умумий нуқтаи назарларни баён этиш билан чекланишимиз ва уларни тадрижий жиҳатдан олиб кўрсатишимиз лозим.

Ситуация, биринчидан, гавдаланиш ва ботиний муайянлик касб этгунга қадар умумийлик ва номуайянлик ҳолатида бўлади, шундай қилиб, кўз олдимизда даставвал ситуациялардан ташкил топмаган ситуация гавдаланади. Чунки табиий шакл ҳам фақат муайянлик шакли, бошқалар сингари бир ёқламаликдан ва муайянликдан иборатдир.

Иккинчидан, ситуация бу умумийликнинг қандайдир антагонизмга олиб келмайдиган чегарасидан четга чиқади, алоҳидаланади ва дастлаб фақат осойишта муайянлик ва ечими зарур муқаррарликка айланади.

Ниҳоят, учинчидан, ситуациянинг моҳиятини бўлиниш ва унинг муқаррарлиги ташкил этади, оқибатда ҳам бошланғич нуқта, ҳам ҳаракатланишдан иборат бўлиб, реакцияларга элтувчи қандайдир коллизия юзага келади.

Бинобарин, ситуация оламнинг умумийлиги, ўз-ўзида ҳаракатсиз ҳолат билан акция ўртасида, реакцияларнинг конкрет хатти-ҳаракатлари ўртасида мавжуд бўлган оралиқ босқични англатади. Шунинг учун у характерни нафақат бир ҳолатда, балки чексиз гавдалантириши ва бизни тадрижан бир босқичдан бошқасига йўналтириши лозим.

А) Ситуациянинг мавжуд эмаслиги. Санъатда оламнинг умумий ҳолатини белгиловчи шакл маъносида олиб қаралувчи идеал нафақат индивидуаллашув, шу билан бирга, зарурий эркинликни ҳам тақозо қилади. Бироқ ўзининг мустақил кучларига тобе бўлган бу эркинлик биринчи галда буни ҳаракатсиз сукунат орқали акс эттиради. Бу даврда муайян образ ҳали ўзидан четга чиқмаган ва бошқалар учун муносабатга айланмаган, балки ботинан ва зоҳиран маҳдудланган ҳолатда бўлади. Қадим қасрларда акс этган тасвирларга асосланиб, санъатнинг юзага келишида ситуация мавжуд бўлмаган, деб айтиш мумкин; бу тасвирлар нозик, осойишта, ўта сўник бўлса-да, юксак ва улуғвор хусусиятлари билан кейинги замонларга ибрат бўлиб хизмат қилган.

Ситуация йўқлигидан қадимги миср ва қадимги юнон ҳайкалтарошлиги ҳам гувоҳлик беради. Насроний нафис санъатида ҳам ота Худо ёки Исо Масиҳ бюсти қиёфасида шунга ўхшаш олий образлар берилган ва бу усулда умуман илоҳий ибтидоий асоснинг ўзига хос илоҳ ёки мутлақ ботиний шахс сифатидаги пойдор субстанционаллиги уйғунлик топган. Тўғри, индивид характерига зарб бўлиб тушувчи бундай ёрқин ситуацияларнинг йўқлиги ўрта аср портретларида ҳам ифодаланган ва улар муайян характернинг яхлитлигини ўзгаришсиз тасвирлашга хизмат қилган.

Б) Муайян ситуациянинг осойишта оддийлиги. Умуман олганда, ситуация муайянлик экан, у сукунат ва фароғатга тўла тинчлик ёки маҳдуд эркинликни ифодаловчи жиддийлик ва таъсирчанликдан четга оғиши ҳам мумкин. Ситуациядан маҳрум, ботинан ва зоҳиран сукунатга чўмган образлар ҳаракат ва оддий осойишталикни истисно этиши лозим. Муайян характерга эга бўлса-да, бўлинмаган ва коллизияларга алоқаси йўқ бундай ситуация ботинан ўзига хос гавдаланиш усулининг муҳим томонини ташкил қилади.

Бошқа нарсанинг зидди бўлмаган бундай бирламчи индивидуал кўриниш навбатдаги оқибат ва бирор-бир акс таъсирларни келтириб чиқармайди, балки азбаройи камсуқумлигидан ўзини бархам топтиришга ҳозиру нозир бўлади. Аксинча, ўйин кўринишидаги ситуациялар бирор нарсага жиддий муносабатни англатмайди, бинобарин, у хатти-ҳаракатда ва аввалambor, муомалада жиддий томонлардан бирининг йўқолиб кетишига олиб келувчи зиддият ва қарама-қаршиликлар орқали юзага келмайди.

Шу боис бундай ситуациялар интилишлар ҳам, интилишларга даъват-рағбат ҳам бўлолмайди, балки қисман конфликтлардан келиб чиқувчи оддий бир ҳолат, қисман муҳим, жиддий мақсадга эга бўлмаган ёки шунга ўхшаш бирор-бир фаолиятдир.

Бу ерда навбатдаги босқични ситуация мавжуд бўлмаган сукунатдан оддий механик ҳаракатга ўтиш ёки қандайдир ботиний эҳтиёжнинг илк кўриниши ва ундан келиб чиқувчи ҳаракат ташкил қилади. Агар мисрликлар ҳайкалтарошлик санъатида илоҳларни узун оёқли, ҳаракатсиз бош ва танага мос қўллар билан биргаликда тасвирлаган бўлсалар, юнонлар гавдадан қўл билан оёқни алоҳида ажратиб, кўпроқ инсоннинг юриш-туриши, шунингдек, бошқа хатти-ҳаракатларини кўрсатишга эътибор қаратганлар. Юнонлар ўз илоҳларини, масалан, ҳордиқ чиқараётган, ўтирган, олисларга осойишта нигоҳ ташлаётган алфозда тасвирлаганлар. Бу оддий кўринишлар уларнинг қиёфаларидаги эркинликни ифодалаган бўлса-да, бундай муайянлик кейинги муносабат ва зиддиятларни келтириб чиқармаган, аксинча, якка, маҳдуд ҳолда ботиний ўзидан таскин топиш билан чекланган.

Бундай ўта оддий ситуациялар кўпроқ ҳайкалтарошликда учрайди, юнонлар бундай камсуқум ҳолатларни кашф этишда катта истеъдод ва қобилият соҳиби бўлишган, бинобарин, идеал образларнинг эркинлиги ва улуғворлиги муайян ситуациянинг ўта аҳамиятсиз эканлигини кўрсатган. Тасвирланган иш машғулотлари, бекорчиликнинг кўримсизлиги ва ҳаловатга тўла оддийлиги боқий илоҳлар осойиш-фароғати ва тинчлигига янада кўпроқ ёрқинлик берган. Ситуация бу ерда илоҳ ёки қаҳрамонни бошқа

илоҳлар билан алоқа ва зиддиятга олиб кирмайди, эътиборини фақат уларнинг ўзига хос характерини кўрсатишга қаратади.

Ситуация фақат алоҳида мақсадларда, ташқи олам билан боғлиқ хатти-ҳаракатларда кўзга ташланиб туради ва шу йўл билан эркин мазмунни ботинан ифодалашга хизмат килади. Бунда образларнинг особишталиги ва уларнинг камсуқум роҳат-фароғати асло хиралашиб қолмайди, аксинча, улар хотиржамликнинг оқибати ва муайян кўриниши ўлароқ намоён бўлади.

Юнонлар бундай тасвирлаш соҳасида фавқулодда зукко ва истеъдод эгалари бўлишган. Келгусида бу ситуацияларга хос хатти-ҳаракатларнинг оддийлашиб қолиши учун мушкул ва антогонистик ҳолатлар манба бўлмаслиги лозим. Аксинча, муайянлик бу хатти-ҳаракатлар таъсирида бутунлай ниҳоя топиши керак. Масалан, Аполлон Бельведерский дуч келган ситуация Аполлоннинг ёй отиб Пифонни[2] ўлдириши, дарғазаб ва тантанали олға юришини акс эттирган.

Бундай ситуациялар илк юнон ҳайкалтарошлигининг муҳим фазилати ҳисобланган. Унда илоҳларнинг хотиржамлиги ва болаларча беғаразлигини тасвирловчи шунчаки улкан одмилик кўзга ташланиб турмайди. Бунга ҳайкалтарошликнинг олдинги намуналари, масалан, чўмилиш хонасидан чиқаётган ва ўз салобатидан мамнунлик туяётган Венеранинг сертабассум қиёфаси; бу вазиятда бирор нарсани ўзгартиролмайдиган ва ўзгартмайдиган фавна (маймун) ўргатувчилар ва масхарабозларнинг тасвири яққол мисол бўла олади. Худди шунингдек, боласини қўлида маҳкам тутиб, уни табассум, назокат ва жилва билан қаршилаётган ёш Вакх ёхуд Амурнинг оддий ишлар билан ўта бандлигини тасвирловчи ҳайкал – буларнинг барчаси ситуациянинг айни шундай турига киради.

Агар хатти-ҳаракатлар конкретроқ кўриниш олса, бу мураккаб ситуациялар юнон илоҳларини ҳайкалтарошликда мустақил куч-қудрат соҳиби тарзида гавдалантира олмайди; бинобарин, индивидуал илоҳга хос бўлган умумий поқдомонлик унинг шахсий хатти-ҳаракатида анча мураккаб кўринишга эга[3]. Людовик XIV га ҳадя тариқасида Сан-Сусида ўрнатилган Меркурий[4] Пигал ҳайкалининг оёқларида боғланган учар сандалет (оёқ кийими) тасвирланганлиги маълум. Албатта, бу бутунлай маъсумий бир ҳол, лекин Торвальдсеннинг ҳайкалтарошликда Меркурийни тасвирлашда фойдаланган ситуацияси анча мураккабдир. У флейтани бир четга суриб, атрофга маккорона кўз югуртиради, Марсни кузатади, уни ўлдириш учун қулай фурсат кутади ва қўлига ўта эҳтиёткорлик билан яширган ханжарини олади.[5]

Бу ерда яна энг янги асарлардан бири сифатида Рудольф Шадов[6] чизган суратни ҳам эслаш кифоя. Гап шундаки, унда ҳам оёқларига сандалет боғлаган қизнинг тасвири берилади, лекин у Меркурийдек оддий иш бажарган бўлса ҳам, жиддий таассурот қолдирмайди. Шундай бўлишига қарамай, рисоладаги бу иш у билан қайсидир маъбуднинг бемалол суҳбат қуришига ўхшаш эътиборли ҳолатни англатмайди. Қиз ўз оёқларига сандалет ёки ткетни боғлаб олган экан, бу ерда ҳеч қандай бемаъни ва мазмунга алоқадор бўлмаган ножўя ҳолат йўқ.

Учинчидан, шунга асосан муайян ситуация бошқалар учун соф зоҳирий, муайян баҳона ва у билан узвий ёки юзаки алоқадор бўлган ҳодиса сифатида, тасодиф сифатида қараб чиқилади. Бундай тасодифий ситуацияларни кўплаб лирик шеърларда ҳам учратишимиз мумкин, поэтик жиҳатдан улардаги ситуация қандайдир ўзига хос кайфият ва ҳиссиёт сифатида тушунилади, ташқи шарт-шароит, масалан, тантана, ғалаба онларида изҳор қилинган мулоҳаза ва ҳиссиёт ҳамда тасаввурларга нисбатан муносабат уйғотади. Шу маънода Пиндар[7]нинг қасидалари олий "тасодиф билан боғланган шеърлар" қаторига киради.

Гёте бундай лирик ситуациялардан материал сифатида унумли фойдаланган эди. Дарҳақиқат, унинг "Вертер"ини "тасодифий туғилган асарлар" қаторига қўшиш мумкин,

[2] Аполлон, Пифон – қадимги юнон мифологияси қаҳрамонлари.
[3] Людовик XIV (1638-1715) – француз қироли.
[4] Меркурий – рим мифологияси қаҳрамонларидан.
[5] Торвальдсен Бертель (1768-1844) – даниялик скульптур. Марс – Торвальдсеннинг "Меркурий ва Марс" ҳайкалтарошлик гуруҳи қаҳрамонларидан.
[6] Шадов Рудольф (1786-1822) – немис скульптури.
[7] Пиндар (э.о. тахм.521-441) – қадимги юнон лирик шоири.

шоир унда ботиний дард ва қалб туғёнлари, руҳияти ўзгаришларини тўлақонли бадиий акс эттиради. Зеро, лирик шоир ўз асарида бутун қалбини тўкиб солиши ва барча нарсаларни фақат субъектив баён этиши лозим. Шу боис, аввалambор, унда шоирнинг фақат ботиний ҳолатини ифодаловчи туйғулар акс этиши ва ташқи объектга айланиши лозим. Шундай экан, инсон ғам-ғуссадан йиғлаб-сиқтаб енгил тортганидек, шоир ҳам шу йўл билан ўзини покдомон қилишга эришади. Гётенинг эътирофича, "Вертер"ни яратиб, тасвири берилган дардли кечинмалардан унинг ўзи халос бўлган. Бироқ зиддиятларни кескинлаштиргани ва ривожлантиргани учун "Вертер"даги ситуация анча юксак ўрин тутади.

Ташқи олам билан боғланган бундай лирик ситуацияларда қандайдир объектив ҳолат, фаолият ўз ифодасини топади. Бошқа томондан, руҳ (жон) ўзининг ботиний кайфияти билан, қандай бўлмасин, ташқи борлиқдан узоқлашиши, ўзига қайтиши ва ички ҳолати ҳамда туйғуларига сингиб кетиши мумкин.

В) Коллизия. Юқорида қисқача қараб чиқилган барча ситуациялар ҳақиқий маънода на хатти-ҳаракатларни, на уларни ҳаракатлантирувчи даъватни англатади. Уларнинг кўп ёки оз даражада муайянлиги соф тасодифий ҳолатларга кўчади ёки ўз-ўзича сунъийлашади, демак, жиддий эътирофга нолойиқ бўлган муайянлик оқибатида субстанционал мазмун беозор эрмакка айланади. Муайянлик ситуациянинг ўзига хос моментлари билан фақат бошқа нарсалар орқали зиддиятга киради, коллизия эса ситуациянинг жиддий тафовут тарзидаги характери ва муҳимлиги ўзини намоён қилган жойда юзага келади.

Коллизия асосида бузувчи эмас, бартараф этувчи парокандалик ётади. Коллизия, ўз навбатида, ўзгаришларга мойил бўлган гармоник ҳолат ҳамдир. Модомики, коллизия ҳали ҳозирча хатти-ҳаракат эмас, балки унинг гавдаланишида ибтидо, дастлабки шарт ва хатти-ҳаракатлар ривожланишининг оддий сабабчиси сифатида зиддиятдан холи бўлмаса-да, ситуация характерини сақлаб қолиши, олдинги хатти-ҳаракат маҳсули тариқасида намоён бўлиши мумкин. Қадимги юнон трагедияларида, масалан, кўпинча иккинчи асарнинг учинчи трагедияда ечими топиладиган коллизияси, биринчи драматик асардан ўрин олган бўлади, шу боисдан бу трилогиялар бир-бирининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Модомики, коллизия қарама-қаршиликлар орқали ечим топишига эҳтиёжманд экан, у ҳолда гўзалликни тўлақонли тасвирловчи драматик санъатнинг асосий предметини ситуациялардан иборат коллизия ташкил этади. Масалан, ҳайкалтарошлик улуғвор маънавий кучларнинг парчаланишини, шунингдек, уларни муросага келтирувчи хатти-ҳаракатларни гавдалантира олмайди ва рассомчилик ҳам катта имкониятлар бўлишига қарамай, хатти-ҳаракатнинг фақат бир лаҳзасини кўрсатиш билан чекланади.

Ўз-ўзини англашда бундай жиддий ситуациялар алоҳида мураккабликларни келтириб чиқаради, мутаносиб ҳолатлар бузилишидан қарор топади ва узоқ давом этувчи ҳамда ўзгаришларга мойил муносабатларни шакллантиради. Шундай бўлсада, идеалнинг гўзаллиги унинг ёрқин бир бутунлиги, ўз-ўзида осудалиги ва мукаммаллигида кўзга ташланиб туради, аксинча, коллизия уйғунликни бузади, ягона идеални тартибсиз ва зиддиятли ҳолатга келтиради, идеал бундай парокандаликни тасвирлаш билан сохталашади, шунинг учун бу ерда санъатнинг вазифаси, бир томондан, эркин гўзаллик бу зиддиятлар таъсирида йўқолиб кетишига йўл қўймаслик, бошқа жиҳатдан, таснифий бўлиниш ва уларга боғлиқ зиддиятларни тасвирлаш билан чекланиб қолмасликдан иборат. Шундай қилиб, конфликтлар ечимини топишнинг оқибати сифатидаги бу кураш тўлақонли гармонияни юзага чиқаради.

Модомики, таснифловчи чегараларни белгиловчи умумий мезонлар йўқ экан, демак, санъатнинг ҳар бир алоҳида тури ўзига хос талаб ва тамойилларга риоя қилмоғи зарур. Масалан, ботиний тасаввур бевосита мушоҳадага қараганда кўпроқ чалкашликларга йўл қўяди. Шунинг учун поэзия умидсизликнинг ботиний азобланишларини беришда, энг сўнгги ва ташқи ҳодисаларни тасвирлашда хунукликни ифодалаш даражаси қадар кўтарилади. Нафис санъатлар, рассомлик, айниқса, ҳайкалтарошликда ташқи образлар мутлақ ўзгармаслиги ва яна қайта истисно этилмаслиги ёки мусиқа оҳанглари сингари оний лаҳзада ўтиб ва йўқолиб кетмаслиги мумкин. Мабодо, бу ерда хунукликнинг ечимини топишга имкон бўлмаса, уни ўз-ўзича қайд этишга ҳожат ҳам йўқ. Драматик поэзиядаги барча ҳолатлар эса тез ўзгарувчан санъатга мувофиқ келмайди, бинобарин, драматик поэзияда жами нарсалар фақат бир моментда гавдала-

нади ва қайта барҳам топади.

Шундай экан, коллизиянинг хусусий кўринишларини фақат энг умумий тарзда қайд этиш мумкин бўлади. Шу маънода биз асосий уч жиҳатни қараб чиқишимиз лозим.

Биринчидан, қандайдир номаъқул, ёқимсиз ва табиий соф қурама ҳолатлардан келиб чиқувчи коллизиялар.

Иккинчидан, ўз-ўзича ижобий бўлиб, зиддиятларни табиий тагзамини билан ифодаловчи маънавий коллизиялар.

Учинчидан, асосини маънавий тафовутлар ташкил этувчи ва инсоннинг фақат ўз фаолиятига антагонизм сифатида асосланишдан келиб чиқувчи қовушмаганликлар.

Биринчи тоифадаги конфликтларни шунчаки сабаб, дейиш мумкин. Бу ерда ташқи табиат антагонизмларни ўзининг оғриқ нуқталари ва шунга ўхшаш мусибат ҳамда заифликлар орқали келтириб чиқаради, турмушнинг одатий мутаносиблиги бузилишига олиб келади. Аслида, бундай коллизиялар ҳеч қандай қизиқиш уйғотмайди ва моддий ночорлик тарзида ривожланувчи қовушмаганликлар орқали санъатга кириб келади. Масалан, Эврипиднинг "Алцеста" асарида Адметнинг касаллиги тўғрисида келтирилган маълумотлар Глюкнинг "Алцеста"сида бошқа мақсадлар учун хизмат қилади.[8] Ҳолбуки, касаллик ҳақиқий санъат учун мавзу бўла олмайди, Эврипидда касаллик фақат кишилар ўртасидаги бахтсизликдан туғилувчи коллизия бўлганлиги сабабли шундай тасвирланган. Башоратгўй айтадики, агар бирор кимса ўзини Адмет учун қурбон қилмаса, унинг ўлиши муқаррар. Алцеста Адметнинг рафиқаси, болаларининг отаси, шоҳнинг ҳалокатини бартараф этиш йўлида бунга рози бўлади ва шундай қарорга келади.

Софоклнинг "Филоктет" асарида тасвирланган коллизия ҳам шундай жисмоний омадсизликлар билан боғланган. Юнонлар Трояга ҳарбий юриш бошлаганларида Хризда оёғини илон чақиб яралар бўлган Филоктетни Лемнос оролида кемадан тушириб қолдиради. Бу жисмоний омадсизлик навбатдаги коллизиялар учун қўшимча ташқи омил ва баҳона бўлиб хизмат қилади. Негаки, айтишларича, Троя қамал қилганлар Гераклнинг ёйини қўлга олгандан кейингина таслим бўлиши керак. Ноўрин қўшин тушириб, қарийб тўққиз йил чеккан азоб-уқубатларини кўз олдига келтирган Филоктет бу ёйни беришдан бош тортади. Бундай адолатсизлик ва у билан алоқадор раддияни бошқа воситалар билан ҳам асослаш мумкин эди. Лекин асосий нарса Филоктетнинг касаллиги ва жисмоний азобланиши билан эмас, балки унинг ёйни бермаслигидан келиб чиқувчи зиддиятлар билан боғланган.

Шунингдек, юнонлар лагерида тарқалган вабо касали ҳам олдинги бузғунчиликлар исноди, жазоси тарзида тасвирланади. Умуман, драматик поэзияга нисбатан кўпинча эпик поэзияда кенг тасвирланувчи бўронлар, кемалар ҳалокати, қурғоқчилик каби моддий талофатларнинг сабаби айни шундай изоҳланади. Санъат бундай талофатларни шунчаки эмас, бошқача эмас, балки табиий қарама-қаршилик ва бахтсизлик сифатида тасвирлайди.

Иккинчидан, модомики, ташқи табиий кучлар маънавий манфаатлар, ҳатто маънавий муносабатлардаги зиддиятларнинг муҳим элементи бўлолмас экан, у ҳақиқий маънода коллизиянинг таъсирида парчаланувчи ҳамда қовушмаганликни юзага келтирувчи манба саналади. Моддий яратувчанликка асосланган барча конфликтлар унга ҳам хос бўлиб, шу боис бу ерда уч ҳолатни бир-биридан фарқлаб олиш лозим.

Биринчидан, ҳуқуқнинг табиий ҳолати, хусусан, қариндош-уруғчилик билан, мерос ҳуқуқи билан боғлиқ кўпгина табиий ҳолатларни, бинобарин, ҳуқуқнинг ягона бир бутунлигини назарда тутиш.

Бунга тахтга ворислик ҳуқуқи ёркин мисол бўла олади. Ҳуқуқ бу ерда коллизиянинг жиддий сабаби қилиб олинмаслиги лозим, нега деганда, конфликтнинг характери доимо ўзгариб туради. Тахтга ворислик масаласи амалдаги қонунлар ва уларнинг қатъий тартиблари билан белгиланмаса, шоҳнинг тўнғич ўғли эмас, балки кенжаси ёки шоҳ оиласидан бирорта қариндошнинг подшолик қилиши адолатсизлик саналмайди.

Худди пул ва мулк соҳасидаги сингари подшоликни бошқариш ҳам миқдор эмас, си-

[8] "Алцеста" – қадимги юнон драматурги Эврипид (э.о.480-406)нинг трагедияси; Глюк Кристоф Виллибальд (1714-1787) – немис композитори; Адмет – Эврипид трагедияси ва Глюкнинг шу номли трагедияси қаҳрамони.

фат жиҳатдан адолатли тақсимланиши лозим, акс ҳолда, меросхўрликнинг бу ҳолатида кутилмаган довлашувлар ва нифоқлар юзага келиши мумкин. Масалан, Фива тахтини бўш қолдирган Эдип уни эгаллашга тенг ҳақли ва даъвогар икки ўғлини бир-бирига ёвлаштириб қўяди. Олдиндан йил давомида подшолик қилишга ўзаро келишиб олинганига қарамай, ака-укалар ўртасидаги бу аҳдни биринчи бўлиб Этеокл бузади, оқибатда Полиник ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиб Фивага юриш бошлайди. [9]

Ака-укалар ўртасидаги бундай ўзаро хусуматлар коллизия сифатида доимо бадиий тасвир предмети бўлиб келган. Бундай коллизиялар ўша, ўз укаси Авелни ўлдирган Каиннинг гуноҳидан бошланган.[10] Форсларнинг биринчи қаҳрамонлик эпоси – "Шоҳнома"да тасвирланган кўпгина тўқнашувлар ҳам тахтни эгаллаш билан боғлиқ жанжалу можароларга асосий сабаб қилиб кўрсатилган. Фаридун ўз мамлакатини уч ўғлига тақсимлаб беради: Салм – Рум билан Ховарга, Турон – Турон билан Чинга, Эрож Эронга ҳукмрон бўлиши керак, афсуски, ака-укаларнинг бир-бирининг ерига кўз олайтириши оқибатида келиб чиққан хусумату адоват ва урушларнинг чеки бўлмайди.

Оила ва сулолаларнинг ўзаро ички жанжаллари тўғрисида ўрта аср насоро дунёсида ҳам ғоят ранг-баранг ҳикоялар яратилганлиги маълум. Аслини олганда, оға-инилар ўртасидаги келишмовчиликлар тасодифий бўлиб, уларнинг бундай ғайирликлари учун ҳеч қандай асос йўқ. Худди шунингдек, вазиятлар ва олий сабаблар, масалан, Эдип ўғилларининг ўзаро ёвлашиб туғилиши ёки Шиллернинг "Мессинлик келин"ида тасвирланганидек, оға-инилар ўртасида олий тақдир раъйи билан юз берган жанжалларни ҳам бу хилдаги фавқулодда ҳодисалар қаторига киритиш мумкин.

Шекспир "Макбет" асарига қуйидаги коллизияни асос қилиб олган: Дункан – қирол, Макбет – унинг энг ёши улуғ яқин қариндоши, демак, у қирол ўғилларидан олдин тахтни эгаллаш ҳуқуқига эга бўлган зот. Шу боис қиролнинг тахтга ўз ўғлини ворис қилиб тайинлашидаги адолатсизлик Макбетни жиноятга етакловчи биринчи сабабдир. Шекспир ўша давр мамлакат қироли бўлган Яковнинг манфаатини ёқлаш, унга ёқиш илинжида Макбетни атайии жиноятчи қилиб тасвирлайди, солномаларда тасдиғи исботланган Макбетнинг бу ҳуқуқини бутунлай эътибордан четда қолдиради, аксинча, унинг эҳтиросларини даҳшатли қилиб тасвирлаш билан чекланади. Асарда Шекспир тасвирлаган Макбетнинг Дункан ўғилларини ўлдирмаганлиги сабаби, уларнинг қочиб кетишига йўл берганлиги, шунингдек, уларни бирор-бир мансабдор эслаб ҳам қўймагани каби ҳолатлар ҳам ўз аксини топмаган. Афсуски, "Макбет"даги коллизия биз бу ерда қисқа тавсифини берган ситуациядан бутунлай ўзгачадир.

Иккинчидан, бундай доирада гавдаланувчи тескари – акс коллизиялар инсоннинг туғилиши билан боғлиқ адолатсизликни келтириб чиқарувчи айирмачиликларни таомил ёки қонун билан бартараф этиб бўлмас тўсиққа айлантиради, оқибатда табиат бу коллизияларнинг асосий сабабчиси, адолатсиз ҳодиса тарзида намоён бўлади. Кўп давлатларда қулчилик, табақавий тафовутлар, яҳудийларнинг ҳуқуқий аҳволи ва дворян ҳамда мешчанлар ўртасидаги наслий айирмачиликларни маълум маънода шундай коллизиялар сирасига киритиш мумкин. Бу ерда инсоннинг ўз ҳуқуқ, муносабат, хоҳиш-истак ва мақсадлари тушунчаси асосида уларга эгалик қилишига нисбатан кўпроқ зиддиятлар намоён бўлади, бироқ кишилар фаолиятидаги хавф-хатарни бартараф этувчи бу талабларни эътироф этиш ёки юқоридаги наслий айирмачиликлардан бирортасининг акс таъсири кўзга ташланади. Бундай коллизиялар тўғрисида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

Ҳукмрон ва тобе табақалар ўртасидаги мавжуд тафовутлар табиий равишда давлат ҳаётида муҳим ва мақсадга мувофиқ тармоқлашувни келтириб чиқаради ва улар меҳнатнинг муайян тури, йўналиши, фикрлаш тарзи ва бутун маданий ҳаётида ўз аксини топади. Бироқ бу тафовутларни индивиднинг муайян табақалар оиласида туғилиши билан, тақдири азал билан боғлаб тушунтириш бутунлай бошқа нарса. Шундай экан, инсон муайян табақа ва тоифага аввалдан ўз хоҳишича эмас, балки табиий тасодифлар туфайли мансуб бўлади. Бунда тафовутлар нафақат табиий, шу билан бирга, индивидлар тақдирини белгиловчи олий ҳақиқат билан ҳам ўраб олинади.

[9] Этеокл, Полиник – Эсхилнинг "Фивага қарши еттовлон" трагедияси қаҳрамонлари.

[10] Каин, Авель – Инжил образлари.

Бу ўринда барқарор табақавий белгиларнинг юзага келиши ва алоҳида индивидлар устидан уларнинг ҳукмронлик қилиш усуллари бизни асло қизиқтирмайди. Чунки миллат, аввалambор, яхлит бир бутун, кейин, масалан, эркин фуқаролар билан крепостнойлар ўртасидаги табиий тафовутларнинг ривож топиши ёки миллий ҳамда ҳинд касталари сингари тақдири азалдан қабилавий тоифалар, табақалар, имтиёзлилар ва шу кабилар мавжуд бўлиши керак. Асосийси булар эмас, балки моддий асосларга таянган ҳолда инсоннинг туғилишдан бошлаб бутун ҳаёт шарт-шароитларини тартибга солишга интилиши муҳимдир.

Табақалар ўртасидаги тафовутларни моҳиятан қонуний жиҳатдан қараб чиқиш зарур; бироқ биз, шу билан бирга, индивидни унинг муайян тоифага ўз хоҳиш-иродаси билан кириш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилмаслигимиз керак. Бу ерда асосий нарсани манфаат ва иқтидор, истеъдод, маҳорат ва билим ташкил қилади. Афсуски, туғилиш ҳодисаси билан бундай танлаш ҳуқуқи олдиндан йўққа чиқарилиб, инсон табиат ва унинг тасодифларига бўйсунишга даъват қилинар экан, субъект таваллуд топган макон билан унинг маънавий маданияти қонуниятлари ўртасидаги эрк юзасида зиддиятлар юзага келиши мумкин. Бу ўзида ва ўзи учун ғамгин, омадсиз коллизия адолатсизликдир, бунга ҳақиқий эркин санъат асло бўйсунмаслиги лозим.

Айрим шахслар тоифаси ҳисобга олинмаганда, табақавий айирмачиликлар бизнинг ҳозирги шароитимизда туғилиш ҳодисаси билан боғланган эмас. Истисно тариқасида шулар жумласига олий фикр-мулоҳазага биноан фақат подшолик сулолалари ва пэрлар[11] кириши мумкин. Бундан бошқа бирор-бир ҳолатда туғилиш ҳодисаси индивид мансуб ёки боғлиқ табақага нисбатан жиддий тафовутлар саналмайди. Шундай қилиб, биз бу соҳадаги тўла ихтиёрийликни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир инсоннинг ўз маданияти, билими, маҳорати ва манфаати орқали ўз табақасига ўхшаш бўлишини ҳам истаймиз.

Мабодо, туғилиш ҳодисаси бундай интилиш ва талабларга жиддий тўсқинлик қилса, инсон бунга эътибор бермаслиги, ўз маънавий қобилият ва фаолиятидан қониқиб яшайвериши мумкин, акс ҳолда, буни биз инсон учун нафақат шунчаки бахтсизлик, балки адолатсизлик, деб ҳисоблаймиз. Уни бу нарса ақли, истеъдоди, ҳиссиёти, ботиний ва зоҳирий маданиятини қандайдир устувор деб ҳисобловчи ҳуқуқий асосдан, табиий қобилиятдан ажратиб қўяди. Ўз-ўзича ўзгармас ҳуқуқий муқаррарликнинг асоссизлиги оқибатида юз берувчи бу табиий ҳолатлар руҳий эркинликка жиддий ва қонуний тўсқинлик қилади.

Бундай коллизияни баҳолашда унинг қуйидаги муҳим томонларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Биринчидан, индивид маънавий фазилатлари билан ўз интилиш ва мақсадлари зидди бўлган табиий чегарани ҳақиқатда бартараф этиши зарур. Акс ҳолда, унинг талаби нодонликдан иборат бўлиб қолади. Масалан, қарол малика ёки аслзода аёлни ўз қобилиятини ишга солиш ва хизмат маданиятини адо этиш давомида севиб қолса ёки аксинча, аёл унга меҳр-муҳаббат қўйса, бу ишқий можаро уларнинг қалб эҳтиросларини қанча теран ва тўла ифодаламасин, биз учун бемаъни ва беўхшов бўлиб туюлади. Уларни ҳақиқатда бир-биридан ажратиб турувчи нарса бу – туғилиш омили эмас, балки аёл мансуб табақага хос олий манфаатлар, билимдонлик, ҳаётий мақсад, талаб ва ҳиссиётлар, уни қаролдан юз ўгиртирувчи бойлик ва муҳитдир. Бордию бу ерда ўртадаги муҳаббат бирдан-бир ягона боғловчи ҳалқа бўлмаса, инсон уни қалби билан маънавий маданияти, табақаси ҳаётига мос ҳис эта олмаса, у пуч ва абстракт, шунчаки ҳиссий майлдан бошқа нарса эмас. Ҳолбуки, тўлақонли муҳаббат бамаънилик, олижаноб туйғу ва манфаатлар билан узвий боғланган бўлади.

Бундай коллизиянинг иккинчи ҳолати сифатидаги туғилиш ҳодисаси муайян табақа учун тўсиқ бўлиши ва унинг ривожини чекловчи тобелик билан маънавийлик ҳамда унинг адолатли талаблари ўртасидаги ботиний тўқнашувда гавдаланиши мумкин. Бу коллизия қанча ёқимли ҳамда амалдан қулай бўлмасин, идеал тушунчасига қандайдир зид ноэстетик ҳолатларни акс эттиради. Тўғри, амалдаги қонунлар туфайли, масалан, гаровга туғилиш, яҳудий бўлиб туғилиш ва шу каби айирмачиликлар ҳақиқий адолатсизликка айланса, инсон бундай чекловларга, бир томондан, руҳий эркинлиги билан

[11] Пэр (франц. – тенг) – Франция ва Англияда феодалларнинг олий табақаси вакили.

нафрат билдиради, уни бартараф қилиш зарурлигини англайди ва ўзини ундан холи сезади; иккинчи томондан, бундай тартибларга қарши курашиш инсоннинг мутлақ ўз ҳақ-ҳуқуқи саналади. Бироқ бундай жиддий заруриятни ифодаловчи тўсиқлар бартараф қилиб бўлмас ҳолатга айланса, оқибатда фақат бехосият ва сохта ситуацияларни юзага келтириши мумкин.

Бинобарин, ақлли инсон зарурият билан тирик, барҳаётдир, бордию куч билан уни ўзига бўйсундира олмаса, унга қаршилик кўрсатолмаса, ноиложликка индамай кўникиши лозим. У бундай тўсиқлар оқибатида амалга ошириб бўлмас манфаат ва мақсадларидан воз кечиши ва бу ноиложликни сусткашлик ҳамда сабр-тоқатнинг осуда мардонаворлиги билан бошдан кечириши лозим. Кураш бирон-бир натижа бермаган жойда лоақал сўнгги таянч нуқтага чекиниш, ундан субъектив эркинликнинг расмий имкониятларини сақлаш мақсадида воз кечиш ҳам маъқул ишдир. Бунда адолатсизлик унинг устидан ортиқча ҳукмронлик қила олмайди, балки қаршилик кўрсатиб, тезда ўз тобелиги меъёрлари билан мутаносиблашиб кетади. Бироқ на бу расмий эркинликнинг соф абстракцияси, на натижасиз интилиш кучли тўсиқни бартараф этишдаги курашда ҳақиқий гўзаллик саналмайди.

Бундай коллизиянинг иккинчиси билан бевосита боғлиқ учинчи ҳолати ҳам ҳақиқий идеалдан йироқдир. Бунинг маъноси шуки, диний мансублик, амалдаги давлат қонунлари, ижтимоий муҳитда туғилган шахслар бу имтиёзларни ҳимоя қиладимийўқми, бундан қатъи назар, улар ўзларини ҳимоялаш имкониятларига эга. Эркинлик муайян ташқи воқеликда мавжуд бўлишига қарамай, қандайдир ҳақсизлиги ва ақлга номувофиқлиги билан ўз-ўзича сохталик, соф расмий хусусият касб этса, бу ерда бутунлай идеал тушунчаси барҳам топади. Тўғри, субъективлик умумийлик ва қонунийлик билан узвий боғлиқ бўлиб, мустаҳкам бирликни ташкил этар экан, идеалликнинг ифодасини фақат шунга асосланиб тўла тасаввур этиш мумкин. Бироқ бир томондан, умумийликнинг таъсири ва устунлиги эмас, балки бу ерда қаҳрамонлик идеали талаб қилганидек, белгиланган қонунларнинг реал кучи ва амалиёти индивидда мужассам бўлмоғи керак. Бошқа томондан, индивид бу ерда фақат адолатсизликни қўллаб-қувватлайдики, оқибатда бизга яқин таниш идеал тушунчанинг субстанционаллиги кўзга яққол ташланмайди. Ҳолбуки, идеал ҳисобланган субъектнинг иш фаолияти фақат ҳақиқат ва ўз-ўзини тасдиқ этишдан иборат бўлмоғи керак.

Бундай имтиёз турларига, масалан, қонуний қул сақлаш, крепостнойларга эгалик қилиш, ажнабийлар эркинлигини чеклаш ёки Худо йўлида қурбонлик қилиш ҳуқуқи кабиларни киритиш мумкин. Бунда ҳуқуқий жиҳатдан ҳинд кастачилиги имтиёзлари ёки Фоантнинг[12] Орестни ўлдиришга берган буйруғини амалга ошириш ёки айрим шахслар – рус помешчикларининг крепостнойлар устидан ўйламай-нетмай назорат ўрнатиши каби қонуний ҳаракат қилиниши мумкин. Шундай ҳам бўладики, давлат бошидагилар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, турмушда бундай имтиёзларга қонуний тус беришга ҳам интиладилар. Афсуски, бунга амал қилинса, уларнинг ҳуқуқи ваҳшийликка, адолатсиз ҳуқуққа, ҳатто адолатсиз ваҳшийларга айланиб кетади. Бундай ҳолда руҳ замонаси ва маданияти даражасидан келиб чиқса, субъект ўз даврида таянувчи қонунийлик ҳам эътироф этилиши мумкин, бироқ бу нарса биз учун амалдаги тартиботнинг арзимас кўринишини ташкил этиши, жиддий аҳамият ва таъсир кучига эга бўлмаслиги мумкин. Мабодо, амалий ҳуқуққа асосланувчи имтиёзли кишилар шахсий мақсад-муддаоларини ҳудбин интилиш ва мулоҳазаларга суяниб амалга оширса, улар қаршимизда шафқатсиз эмас, ундан-да ярамас қиёфалар бўлиб гавдаланади.

Кўпинча трагедия бундай конфликтларни кўрсатиш билан томошабинларда қўрқинч ва азоб-уқубат, шунингдек, аристотелча қоидага кўра, ваҳима ва ачиниш туйғусини ҳосил қилади. Афсуски, машаққатли узоқ ўтмишнинг маиший шарт-шароитлари оқибатида вужудга келган бундай шафқатсизлик ва урф-одатлар олдида қўрқинч, ҳурмат эмас, балки ҳақиқий оний азобланишнинг қаҳр-ғазаб ва жирканчга айланишини ҳис этиш муҳимдир.

Трагедиялардаги сингари бу конфликтларнинг ягона ечими фақат бундай имкониятлар, масалан, Авлидда Ифигенияни, Тавридда Орестни ҳалокатга дучор қилмай ҳам барҳам топиши мумкин.

[12] Фоант, Орест – Эврипиднинг "Ифигения Тавридда" трагедияси қаҳрамонлари.

Темперамент ва характернинг субъектив эҳтиросларини табиий ҳолатлардан иборат коллизиянинг энг сўнгги турини ташкил қилади. Бунга Отеллонинг рашки ёрқин мисол. Риёкорлик, қурумсоқлик, қисман муҳаббат ҳам шундай хусусиятга эга.

Бироқ индивидлар ҳис-туйғуларига ўта берилиб, уларнинг қулига айланиб қолса, бу нарса инсоний ҳаётнинг ҳақиқий ахлоқий ва ўзида ҳамда ўзи учун қонуний сарчашмаларига монелик қилади, шу туфайли беадад конфликтлар қуршовида қолган бундай эҳтиросларни коллизияларни вужудга келтиради.

Бу нарса коллизиянинг учинчи асосий кўриниши тарзида юзага чиқади, унинг ҳақиқий манбаини маънавий кучлар ва уларнинг ўзаро тафовутлари ташкил этади, бу зиддиятлар инсоннинг хатти-ҳаракати орқали намоён бўлади.

Улар юқоридаги соф табиий ҳолатларга асосланган коллизиялардаги сингари кейинги антагонизмлар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Бу нарса кўриб ўтилган коллизияларнинг фақат иккинчи турига хос конфликтларга нисбатан олиб қаралганда ҳам муайян даражада тўғридир. Характери жиҳатидан анчайин теран мазмунга эга бўлган бундай конфликтлар кўрсатилган тўқнашувлар даражасида қолиб кетмайди; ўз номувофиқликларини ифодалашда ва бир-бирига зиддиятли муносабатда бундай тўсиқ ва қарама-қаршиликлар фақат ўзида ва ўзи учун ҳаётий кучларга сабабчи бўлиши мумкин. Бироқ маънавийлик фақат руҳда мавжуд бўлиши, маънавий тафовутлар эса инсоннинг хатти-ҳаракати имкониятларини ўз қиёфаси орқали воқеликка айлантира олиши мумкин.

Шундай қилиб энди биз, бир томондан, инсоннинг ҳақиқий хатти-ҳаракатидан келиб чиқувчи душворлик, тўғаноқлик, қаршиликка, бошқа томондан, ҳақиқий мақсад ва кучларнинг қонуний бузилиш ҳолатига дуч келамиз. Бу ўзаро бирликни ташкил этувчи иккиёқлама алоқадорлик коллизияларнинг сўнгги турини белгилашга, уларнинг муҳимлигини асослашга хизмат қилади.

Коллизияларнинг бу асосий доирасига хос бўлган ҳолатларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

аа. Биз табиий асосга суянувчи конфликтлардан четга чиқишимиз биланоқ, бу соҳада уларнинг янгидан-янги турларига дуч келамиз. Агар инсоний хатти-ҳаракатлар заруран коллизияларни асослашга йўналтирилса, бунда инсоннинг юзага чиқмаган табиий, маънавий моҳият ва бемақсад ишлари юксак эътиборли ахлоқий кучлар паришонлигини акс эттириши мумкин. Унинг ўз хатти-ҳаракатларидан сабоқ олиши, онгсизлиги туфайли йўл қўйган хатоларини тушуниши ихтилоф ва қарама-қаршиликларга олиб келади.

Хатти-ҳаракатни юзага чиқариш ва уни англашда онг билан мақсад ўртасидаги тўқнашув конфликтнинг асосини ташкил қилади. Бунга Эдип билан Аякс[13] мисол бўла олади. Эдипнинг кирдикори унинг эрки ва тушунчаси бўйича шундан иборат эдики, у мушталашувда бегона одамни ўлдириб қўяди; ҳолбуки, у ўзи учун отани ўлдириш ҳақиқий қилмиш-қидирмиш эканлигидан мутлақ бехабар эди. Аякс ҳам бутун юнонлар галасининг сардорлари бўлса керак, деб талвасага тушиб қириб ташлайди, ҳушига келгач, буни ўзи учун шармандалик деб ҳисоблайди ва бу нарса уни турли коллизияларга гирифтор қилади. Шундай қилиб, инсон тушунчасини бузишга қаратилмаган анъаналар моҳиятан муқаддас саналиши ва қадрланиши лозим. Бундай ҳурмат ва эъзоз шунчаки мулоҳаза, шунчаки сохта таассубдан иборат бўлса, бу коллизиялар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

бб. Маънавий кучлар биз томонимиздан конфликтни кўриб чиқишда инсон хатти-ҳаракатидан туғилган парокандаликни гавдалантирар экан, коллизия бундай онг ва унинг мақсадлари таъсирида юзага келадиган бузғунчиликни ташкил қилади. Бунда эҳтирос, зўравонлик, талваса ва бошқа шу кабилар бошланғич асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, Троя уруши Еленанинг[14] ўғирланишидан бошланади. Сўнг Агамемнон Ифигенияни қурбон қилади, севимли фарзандидан ажралган онаизорга озор етказади.

[13] Аякс – қадимги юнон мифологияси образи.

[14] Елена – қадимги юнон мифологиясидан.

Клитемнестра[15] бундан қасдланиб рафиқасини ўлдиради. Ўз онасини ўлдирган Орест ҳам ота ва шоҳ қотилидан ўч олади. "Гамлет"да ҳам шундай ҳийла билан ота ўлдирилади, Гамлетнинг онаси тезда унинг қотили билан никоҳга кириб, марҳумнинг руҳига иснод келтиради.

Бундай коллизиялар асосида инсоннинг ўз-ўзидан ўч олиш йўлида энг юксак ахлоқий ҳамда муқаддас ҳодисаларга қарши олиб борган кураши ётади. Модомики, биз ахлоқий ва муқаддас тушунчаларнинг ҳақиқий соҳиби эканмиз, "Маҳабҳарата"нинг машҳур "Наль ва Дамаянти"[16] асарида эпизоддагидек тасвирланган акс ҳодисалар бизни ўзига қизиқтира олмайди. Воқеа шундайки, шоҳ Наль князь оиласи ва ўзига ёққан йигитга турмушга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган Дамаянтига уйланади. Биргина Наль сохта донишманд, кеккайган бўлғуси куёв-номзодлар орасида ўзини камтар ва ҳокисор тутади; инсонни баҳолашда ўзига хос ноёб қобилият соҳибаси бўлган Дамаянти Нални ёқтиради ва унга турмушга чиқади. Афсуски, мақсадига етолмаган даҳолар Налга нисбатан аламзадаликни давом эттирадилар, узоқ вақт ғаламислик қилишга шай юрадилар, бунга Наль хатога йўл қўймагунча эриша олмайдилар. Ниҳоят, Наль ҳиндларда қатгиқ гуноҳ саналган эҳтиётсизликка йўл қўяди: пешобини бўшатган нам ерга оёқ босади. Налнинг даҳоларга тобе бўлишида бу бир баҳона бўлади. Даҳолар Налга тинчлик бермайди: унда тубан ҳирсларни авж олдиради, акасига гижгижлайди ва, табиийки, Наль тахтдан кетишга мажбур бўлади, ночор аҳволга тушиб, Дамаянти билан бирга бегона юртларга бош олиб кетади, ниҳоят, Дамаянтидан айрилади, бироқ улар кўпдан-кўп саргузаштлардан кейин яна қайта бахтга эришади. Биз учун бундай саргузаштларга қурилган конфликт қандайдир тутуриқсиз туюлса-да, аслида бу қадимги ҳиндларнинг илоҳийликка жиддий путур етказишидан бошқа нарса эмас эди.

вв. Учинчидан, қандайдир тартиб-қоидани бузиш мутлақо табиий равишда юз бериши, яъни хатти-ҳаракат коллизияни шунчаки эмас, балки табиий гавдалантириши лозим; у фақат ўз-ўзи билан зиддиятли, ўзида воқеа ва қаҳрамонларнинг ундан бохабарлиги оқибатидан келиб чиқиши лозим. Масалан, Жульетта билан Ромео бир-бирини севади. Табиийки, ишқ-муҳаббат меъёрни талаб қилади, бироқ улар биладики, ўзаро душман, бир-бирини кўришга тоқатсиз бўлган ота-оналар ҳеч қачон никоҳга рози бўлишмайди ва шундай қилиб, улар тақдири азал олдиндан белгиланган нифоқ оқибатида коллизияга учрайди.

Оламнинг умумий ҳолатига нисбатан биз муайян вазиятнинг бу хилдаги терслиги ҳақида умумий мулоҳазалар билдириш билан қаноатланишимиз лозим. Агар уни ҳар томонлама, бутун нозик маъно-тафовутлари билан бирга қараб чиқадиган ва имкон қадар бу вазиятнинг барча турларини муҳокама қиладиган бўлсак, бу масала биздан чексиз тафсилотлар талаб қилиши, табиий. Бинобарин, турли ижодий вазиятларни яратиш битмас-туганмас имкониятлар билан боғланган, шундай экан, ҳар қандай хусусий ҳолатда санъатнинг муайян жинс ва турига у ёки бу вазиятни моҳиятан мувофиқлаштириш тўғрисида сўз бориши керак. Масалан, эртакда бадиий тасвирнинг бошқа усулларида кам учровчи ҳолатлар кенг ўрин олади. Умуман, санъаткорлар учун ситуацияни вужудга келтириш анчайин ташвишли ҳолдир.

Афсуски, зарурий шарт-шароит, хусусан, ситуациялар ўрнини босувчи материалларни излаб топишнинг мураккаблиги тўғрисида бизнинг давримизда кўпдан-кўп нолишлар эшитишга тўғри келади. Бу соҳада оригиналлик кўрсатиш ва ўзига маъқул ситуацияларни тасвирлаш санъаткор учун бир қарашда фазилат бўлиб туюлади. Афсуски, санъаткор учун эркинликнинг бу тури қандайдир маънода аҳамиятсиздир, чунки ситуация ўз-ўзича бадиий асос ва ҳақиқий бадиий образни гавдалантира олмайди, балки кўп жиҳатда у билан боғланган характер ва руҳнинг ифодаси бўлган ташқи материалга боғлиқ бўлади. Бу ташқи сабабларни фақат хатти-ҳаракат ва характерлар орқали қайта ишлашда бадиий фаолият кўзга ташланади.

Шу боис ишнинг бундай нопоэтик жиҳатларини юзага чиқарганлиги учун шоирдан миннатдор бўлиш етарли эмас, ҳолбуки, у тарих, афсона, миф, йилнома ва ҳаттоки бадиий қайта ишланган материаллар ва ситуацияларга ҳам қайта-қайта мурожаат

[15] Клитемнестра – қадимга юнон мифологиясидан.

[16] Маҳабҳарата – қадимги ҳинд қаҳрамонлик эпоси.

этмоғи лозим. Масалан, одатда тасвирий санъатда ситуациянинг ташқи жиҳатлари табаррук авлиё-анбиёлар ҳаётидан олинади ва шундай йўналишда такрорланади. Бадиий ижодкорликда бундай тасвирлар, айниқса, муайян ситуацияларни излаб топишда муҳим ўрин тутади.

Бу нарса бутун борлиғи билан бизнинг қаршимизда намоён бўлувчи ҳолатлар ва мураккаб ҳодисалар орқали ҳам юз бериши мумкин. Шу маънода антик замонга қараганда, кўпроқ фантазияни теран ифодаловчи янги замон санъати тилга олинади. Биз ҳақиқатда ўрта аср ва янги замон санъати асарларида ситуация, ҳодиса ва тақдирларнинг ранг-баранг ўзгарувчанлигини чуқур ҳис қиламиз. Бундай ташқи ранг-баранглик мавжуд бўлишига қарамай, бизда, афсуски, гўзал драматик ва эпик асарлар етарли даражада яратилган эмас. Бинобарин, асосий гап бадиий асарларда бундай ҳодиса ва воқеаларнинг зоҳирий мазмуни сифатида тарихий ҳақиқатнинг акс этиши ва ўзгаришида эмас, балки характернинг бу жараёнда ахлоқий ва маънавий юксалиши ва руҳ билан бирга ривожланувчан, рўёбга чиқувчан улкан ҳаракатларидадир.

Агар янада юқорироқ нуқтадан кўз югуртирсак, шунга амин бўламизки, бир томондан, тегишли ташқи ва ички шарт-шароит, ҳолат ва муносабатлар фақат шуларга таъсир этувчи ва уларда гавдаланувчи руҳий кечинмалар, эҳтиросларорқали ситуацияга айланади. Бошқа томондан, ситуация, юқорида кўрганимиздек, бу муайянликда қарама-қаршилик, тўсқинлик, мураккаблик ва тартибсизликни ифодалаш билан ажралиб туради, шундай экан, руҳнинг бу шарт-шароитлар таъсирида ўз мақсад-интилишлари йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишда хатти-ҳаракат қилиш зарурияти англаб олинади.

Шу маънода хатти-ҳаракат ситуацияда қарор топувчи қарама-қаршилик юзага келиши билан бошланади. Бинобарин, коллизияни гавдалантирувчи хатти-ҳаракат зиддиятларга барҳам беради ва бу тўқнашувда тажовузкор зиддиятли кучларни ўзи юзага чиқаради, оқибатда амалий хатти-ҳаракат билан, акция ўзаро акс таъсир билан, реакция билан туташиб кетади.

Шундай қилиб, идеал биринчи бор бутунлай конкрет тус олади ва ҳаракатга келади, негаки, бу курашда уларнинг мутаносиб бирлигидан ажралиб чиқувчи икки манфаат ўзаро зиддиятлашади, ечим топишга зарурият сезади.

Бундай яхлитлик сифатидаги хатти-ҳаракат биргина ситуация ва унинг конфликтлари соҳасида қолиб кетмайди, шу билан бирга, бизни хатти-ҳаракат тариқасида юқоридаги ҳолатни кўриб чиқишга даъват этади.

Рус тилидан Маҳмуд АБДУЛЛАЕВ таржимаси

Давоми келгуси сонда

НАЗМ

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

1952 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. "Юрт меҳри", "Согинч", "Сўнгги манзил", "Баҳордан кузгача", "Таназзул" сингари ўндан ортиқ насрий ва назмий китоблари чоп этилган. Айни пайтда "Бухоронома" ва "Бухарский вестник" вилоят газеталари бош муҳаррири вазифасида ишлайди.

МАВЖУДДИР ЎРТАДА ЎЗГАРМАС ЧИЗИҚ

* * *

Қуёшга айлансин дилингдаги чўғ,
Чақиндек сокинлик бағрини тилгин.
Томчи ютуғингни дарё билма, йўқ,
Дарё ютуғингни томчи деб билгин.

Иста-истамагин, умр, вақт ўтар,
Эл олдида ёруғ бўлсин десанг юз:
Ҳар оннинг қадрини бошингга кўтар,
Умринг китобида қолдирсин бир из.

* * *

Неки мавжуд экан, тескариси бор,
Аччиқ билан ширин терсдир азалдан.
Жарликка тескари тоғдир – пурвиқор,
Аксинча, фарқлидир хунук гўзалдан.

Бир-бирига терсдир нур билан зулмат,
Совуқнинг тамоман аксидир иссиқ.
Иккиси қоришиқ келмайди ҳеч вақт,
Мавжуддир ўртада ўзгармас чизиқ.

Шу қадар бепоён бўлса ҳам ҳатто,
Кутблари бордир ер шарининг ҳам.
Сувликка терс эрур қуруқлик якто,
Азалдан шу тахлит яралган олам.

Инсонни ҳам асли она-табиат
Қадрлаб келади, замонлар ўтиб.
Унинг сийратида эҳтимол шу важ,
Не ажаб, мавжуддир тескари қутб.

Инсоннинг ҳам бордир тўғри сўзлиги,
Виждонига қарши бормайди сира.
Бировнинг ўзгага йўқдир дўстлиги,
Ёлғони кўп эрур ростидан кўра.

Бировнинг шиори ҳалол яшамоқ,
Биров қувиб ўтар текин ортидан.
Яхшилик излайди биров – кўнгли оқ,
Биров кир ахтарар тирноқ остидан.

Ҳавас билан ҳасад мутлақ терс туйғу,
Дилкашга тескари эрур дилозор.
Қувончга – ғам, ташвиш, бедорга – уйқу,
Хуллас, ҳар мусбатнинг манфийси ҳам бор.

Сен асло бу ҳолдан ранжимагин, йўқ,
Сиртдан қараб берма инсонга баҳо.
Очиқ қалб кўзи-ла сийратига боқ,
Дўсту ёр танлашда адашма асло.

Негаки, бахтинг ҳам, бахтсизлигинг ҳам,
Кўп жиҳатдан дўсту ёрга боғлиқдир.
Ёмонга ёндашсанг бошинг этар хам,
Яхшига ёндашсанг йўлинг ёругдир.

* * *

Ўзин яхши кўриб, якто билса ким,
Ўзгани назарга рости, илмайди.
Учрар унга кўнгил берганлар балким.
Лекин у ҳеч кимни севиб билмайди.

Тўкисликда ўзи тенгсиз наздида,
Дилдан туёлмайди ишқ, ҳаёт таъмин.
Билсангиз, тақдири эмас, аслида –
Феъли эрур унинг бахтига зомин.

* * *

Сен билмайсан айрилиқ нима,
Умрнинг кўп тонглари отиб;
Суянган бир кишингни ҳали,
Қўймагансан мангу йўқотиб.

Чин бахтни ҳам туймагансан, сен,
Толе бўлар курашларда ёр.
Сенинг юрар йўлинг равон, кенг,
Сен нимани истасанг – тайёр.

Сен билмайсан соғинч нелигин,
Кутмагансан ҳеч кимни илҳақ.
Олам гоҳ тор, гоҳи кенглигин –
Англамасдан яшайсан бефарқ.

Нохос, бироз қийналган онинг,
Бошга ташвиш тушса ногаҳон;
Биламан, танг бўлади ҳолинг,
Дош беролмай "синасан" осон.

* * *

Шундай бир хулоса кечар кўнглимдан,
Аввалу охирни ўйлаган чоғим.
Ҳаёт бу – гоҳ ишинг келар ўнгидан,
Кутганингдай бўлмас натижа гоҳи.

Дўстим, ин қурмасин, афсус, қалбингда,
Фиғон қилма, юрма бўлгандек абгор.
Қувонганингдан сўнг ютган пайтингда,
Бой берганингда ҳам чидашинг даркор.

* * *

Ишқ – олов, қарайди на ёш, на вақтга,
Ногоҳ ҳаётингга кириб келар ул.
Исинсанг, умрингни безайди бахтга,
Куйсанг, бисотингни охир қилар кул.

Сен қайта ёқдинг шу оловни, эркам,
Гарчи, айрилиқдан юрак доғлиқдир.
Бу ёғи тафтида исинмоғим ҳам,
Куйиб ўтмоғим ҳам сенга боғлиқдир.

* * *

Ҳар фаслнинг вақти, даври бор чиндан,
Қишдан дарак эрур ёқимсиз эпкин.
Мева бермаслиги аён бўлса ҳам,
Кузда қайта гуллар баъзи бир экин.

Бухоро

НАЗМ

Болтабой БЕКМАТОВ

1958 йилда туғилган. Москвадаги Горький номли Адабиёт институтида ўқиган. Бир қатор матбуот, нашриёт, маънавият йўналишларида ишлаган. Унинг шеърлари туман, вилоят, республика нашрларида чоп этилган.

ШАФФОФ ТЎЛҚИНЛАР

Туркум

1

Менинг қайиғимга ўтирган гўзал
менинг қайиғимга ўтирсанг агар
олиб кетажакман сени денгиз сайрига
мабодо зериксанг суҳбатлашамиз

Менинг қайиғимга ўтирсанг агар
ошно бўлажаксан ажралмас
тоза насим
шаффоф тўлқинлар билан

Менинг қайиғимга ўтирсанг агар
қайтиб келмас эдик балки тонггача
томоша қилардинг денгиз осмонин
булутлари чақмоғин ва ёмғирини
ойдин тунда эса
митти юлдузни
эшкакка илашган оймомани ҳам
ва англаб етардинг шубҳасиз
қандайин қайиқчи эканлигимни

Менинг қайиғимга ўтирсанг агар
ҳар қандай ноқулай об ҳавода ҳам
ағдарилиб кетмасди менинг қайиғим

Менинг қайиғимга ўтирган гўзал

2

Ёмғир ёғди
ёмғирпўшинг бошимга тутдинг
ёмғирпўш остида борар эканман
аёл муҳаббати
аёл жасорати
абадий ҳаёт
ва яна
ўзининг марҳамати ҳақда ўйладим

Умрим бўйи ёқтирмаганим
ёмғирли ҳавони севиб қолдим мен
кутилмаганда

3

Сенинг хаёлинг билан ухладим
тушларимда бўлдим сен билан
сен билан сўзлашиб уйғондим яна
уйғоқману хаёлимда сен

Сенсиз яшаб бўлмас ҳаётда

4

Тушларингга кирсам майлими
майлими гап отиб чалғитсам сени
ширин ширин орзулар билан
айлантирсам ёнгина бошинг
майлими бир тушнинг умрича фақат
ҳоким бўлиб олсам тоза қалбингга
майлими сўнг тушни тарк этиб
учиб кетсам далжик асаларидек

5

Агар истасанг
дарёга ташна олиб борасан
ташна олиб келасан
агар истасанг

Агар истасанг
йўлимда лолақизғалдоқлар ундирасан
ёки чангалзорлар бунёд қиласан

Агар истасанг
кундузимни тунга
тунимни кундузга айлантирасан
Истагингга боғлиқдир
ҳатто
сочларимнинг рангги ҳам

Хуллас
дарёга боришга ҳам ҳожат йўқ
агар истасанг

6

Мен сени илоҳий ишқ билан севдим
юрагимга ўзга туйғу бегона
Сени осмонимга битган ой дедим
осмоним ягона ой ҳам ягона

Зулматда йўлимни ёритгувчи сен
сен ёлғиз тунларда энг яқин ҳамроҳ
Дилимдан дардларим аритгувчи сен
сен мени кўкларга олиб чиққан моҳ

Мен сени илоҳий ишқ билан севдим

7

Бахт сўраётганимда ўзидан
сиз менинг абадий бахтимсиз дединг
Мен ишқни истадим покиза бир ишқ
сочимдан тирноғимгача сизникиман
дединг

Менда бахш этмоқчи бўлсам ўзимни
биргина шарт қўйдинг
Бироқ
на ишқ
на бахт
ва на ҳаттоки ўзи
бажара олади бу шартни

8

Сен ҳадя қилганинг
бир боғлам исванд
бир қучоқ гул эди мен учун

Бир боғлам исвандда меҳр бор эди
бир боғлам исвандда сеҳр бор эди
Султон Увайс бобонинг руҳи бор эди

Чўққа ташламадим
бир қучоқ гулни
меҳрни
сеҳрни
бу улуғ гулни

Бир боғлам исвандни
асраб қўйдим мен
балки
яраб қолар яхши кунимда

9

Муҳаббат қоидасини
билмас эканман
севарканман саводсизларча

Рашк нима
инжиқлик нима
макр нима
барин ўргатдинг

Хуллас
ўзлаштириб олдим
муҳаббат илмин

Хоразм



БАҲС

“МУАЛЛИФ ЎЛИМИ” ГА СИЗ ҲАМ ОВОЗ БЕРАСИЗМИ?

(ёки асл ижод соғинчи)

Иброҳим ҒАФУРОВ

1937 йилда туғилган. ТошДУнинг филология факультетини тамомлаган. Ношир, журналист, ёзувчи, таржимон. Хемингуэй, Н.Ҳикмат, Достоевский, Эдгар По, У.Фолкнер, Мопассан, Ницше, Ч. Айтматов, Ж.Жойс каби жаҳон адиблари асарларини ҳамда ҳинд адабиёти дурдонаси “Панчатантра”ни ўзбек тилига ўгирган. Кейинги йилларда уч китобдан иборат адабий-бадиий “Ҳаё – халоскор”, “Мангу латофат”, “Паривашлар мажлиси” асарлари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

АНЪАНА ВА АСЛЛИК

Асллик – Азалдан, давомийлик – Амалдан. Илм-фан, ижод соҳаларида гўё олдиндан беш қўлдай маълум тушунчалар, терминлар (истилоҳлар), қарашларга янгидан кўз ташлаб туриш фойдадан холи эмас. “Шарқ юлдузи” журнали шундай нарсаларга қизиқиш ва эътибор билан қараётгани адабиётчилар жамоатчилигини қувонтиради. Муҳокамаси янги замон ўқувчиларига турли сабабларга кўра осон бўлмаган адабиёт ва унинг англаб етиш, аниқ таърифлаш, йўналишлари чегараларини ва шулар заминида келажакнинг белгиларини башорат қилиш, албатта, назарий зийраклик, адабий фаросат ва кенг замонавий билимлар ҳамда хабардорликни талаб қилиши, табиий. Умид шулки, пала-партиш ифодалар, ўз билгича мақомга йўрғалашлар, илмий-назарий аниқлик ва холисликдан кўра ҳиссиётчанлик (буни эпатаж деб ҳам аташади. Бизча, аравани қуруқ олиб қочиш, яъни керакли юк йўғ-у, лекин тарақа-туруқ кўп) орасидан ёрқин, нозик кузатишлар, талқинлар (мисол учун, миллий виждонимиз бўлган “Ўткан кунлар”ни Пушкиннинг “Капитан қизи”га муқоясан чиқарилган соф адабий хулосалар), янги замон адабиёти ва санъатининг мезонларини аниқлаш, келажакнинг ижодий уфқларига назар ташлашга интилишлар кўзга ташланади, назарий масалалар тамомила, бутунлай ё қисман эътиборсиз қолган, буларга кўпчилик адабиётчиларнинг қизиқиши сўнган ўтиш даври учун характерли бўлган вақтларда Улуғбек Ҳамдам каби янги адабий авлод вакилларининг эътиборни янги ориентирларни аниқлашга чин дилдан жонкуярлик билан қараётгани таҳсинга лойиқ. “Муаллифнинг ўлими” шубҳасиз эпатаж уйғотади. Бу француз адиби, файласуфи Ролан Барт томонидан XX асрнинг ўрталарида постмодернизмнинг назарий-амалий масалалари кенг ва ўта қизғин муҳокама қилинаётган маҳалларда топилган метафора (мажоз). Постмодернизмнинг барча янги истилоҳлари каби уни тушунтириш ҳам, тушуниш ҳам амри маҳол. Мисол учун уни тўла равшан

тушуниш ва тасаввур қилиш учун модернизм ва постмодернизм тушунчалари қомус луғатини ростмана бир неча маротаба диққат билан ўқидим. Уларни авангард адабиётнинг атоқли таҳлилчи олим ва тадқиқотчилари батафсил ёзишган, мураккаб қарашларни янада мураккаблаштиришган (худди равшан нарсаларни атайлаб чигаллаштираётгандай, атайлаб тамомила янги илм, янги назария яратаётгандай). Лекин яширадиган жойи йўқ – тушуниб олишим анча меҳнат эвазига кечди. Улуғбек Ҳамдам ёки кекса авлод вакили Маҳкам Маҳмудовнинг мақолаларини кейин ўқирканман, яна орқага қайтиб, яна ўша ноёб луғатни ҳижжалаб ўқиб: "авторнинг ўлими", "дискурс", "симулякр", "ўлимга топшириш", "апориялар" каби юзлаб янги тушунчаларни ҳали тўла тушуниб етмаганга ўхшайман", деб ўйладим. Апорияларнинг маъноси йўлсизлик экан. Қадимги юнон фалсафасида ҳаракат, макон, вақт тушунчалари доирасида кўзга ташланадиган ечиб бўлмас зиддиятларни апория, дейишаркан. Постмодернизм дунёни ва унинг ишларини ечиб бўлмас зиддиятлардан иборат деб қарайди ва барча тушунчаларни ҳали тўла тушуниб етмаганга ўхшайман", деб ўйладим. Апорияларнинг маъноси йўлсизлик экан. Қадимги юнон фалсафасида ҳаракат, макон, вақт тушунчалари доирасида кўзга ташланадиган ечиб бўлмас зиддиятларни апория, дейишаркан. Постмодернизм дунёни ва унинг ишларини ечиб бўлмас зиддиятлардан иборат деб қарайди ва барча тушунчаларини ва янгича қарашларида шу ечиб бўлмасликни акс эттиришга уринади, "ҳақ чекларида ўлим кутади". Ғарб постмодернизм намояндаларининг талқинларича, постмодернизм ва ундан кейин келаётган қарашлар матн (текст)ни талқин этишнинг қадимдан қолган анъаналарини рад этади. Матнга муаллиф томонидан яратилган матн, деб қарамайди. Ролан Барт матнни авторга нисбат бериш уларни тенглаштириб қўяди, матн мазмунини чеклайди, хатни бўғади, дейди. Матн муаллифдан тамомила холи яшайди ва холи жараёнлар уйғотади. Постмодернизм муаллифга анъанавий бўлмаган мақом беради. Муаллифни марказга қўймайди. Лекин у бутунлай йўқолиб ҳам кетмайди, балки атоқли от сифатида сақланиб қолади. Мавжуд матн биринчи ўринга чиқади, асосий аҳамият касб этади. Матн ўй-хаёллар, мулоҳаза-муҳокамалар, ғоялар, дискурслар жамулжами, улар муаллиф назаридан ўтиб бир-бирига боғланади ва мустақил яшайди. Соддароқ қилиб айтганда, Ролан Барт мана шуларни назарда тутиб "авторнинг ўлими" деган метафорани истилоҳ сифатида киритган. У муаллифнинг жисмоний ўлимини англатмайди. "Автор ўлими" (тўғрироғи, муаллифнинг ўлими, аммо чамаси "авторнинг ўлими" – постмодернизм тушунчаси муҳокамаларда қўлланаётган "муаллифнинг ўлими" ўзбекча тушунчаси билан баробар эмас, улар бошқа-бошқа нарсаларни билдиради) деганда кўпроқ "кўчирмакашлик" ва "кўчирмакаш"нинг муаллиф сифатидаги ўлими назарда тутилаётгандек. Лекин "кўчирмачи" қадим замонлардан бери ҳеч қачон муаллиф, деб саналмаган. Кўчирмакаш нусха олади, холос. Уни ҳатто тақлидчи деб ҳам бўлмайди. Илгари босма бўлмаган замонларда асл нусхалардан одамлар ўзлари учун нусха кўчириб олар ёки хаттотлардан у ёки бу асарни кўчириб беришни илтимос қилардилар. Тарихчи олимлар ўзларидан олдин яратилган мавзуга дахлдор асарни тўғридан-тўғри олиб сўнг ўз асарларининг давомига қўшардилар. Шоирлар эса олдин ўтганларнинг шеърлари ё байтларини олиб унга назира боғлардилар. Назирагўйлик, шарҳ боғлаш, баён қилиб бериш ўтган замонлар адабиётларида ҳеч кимни ажаблантирмайдиган одатий ҳол ёки усул эди. Ҳозирги замонда кўчирмакашлик шундай жўн бир нарсага айланганки, у ҳақда адабий ҳодиса каби ёзиш бошқа зарурроқ масалаларни четга суриб вақтни бекорга сарфлашдай маъносиз кўринади. У онгсизлик ва психик касалликдан бошқа нарса эмас. Мен Наполеонман дейдиганлар ёки ўзини Амир Темурдек сезадиганлар қанчадан қанча. Бу кўпроқ диссертация ёзиш ёки кучи етмаса ҳам "шоир" бўлиш "иштиёқида" ёнганлар, ясама шуҳрат илинжида мияси ғовлаганлар ичида аксаран учрайди. Аммо унинг муҳокама доирасига тортилган тақлид, таъсир, давомчилик, анъана, муштараклик, ўхшашлик, эргашиш, назира боғлаш сингари соф адабий-назарий масалаларга сира алоқаси йўқ. Булар қаторига киритиб унга урғу бериш, "тўн кийдириш" жиддий ғайратли адабий давра ва муҳокаманинг иши эмас. Бу бошқа психик аномалия пакетидан ва унга шундай қараш, ҳар бир ҳолда ўз ўрнида баҳо бериш учун адабий курсиларда ўтирганларнинг адабий-бадиий саводхонлиги кифоя қилса керак. Кўчирмачини автор мақоми қаторига асло қўйиб бўлмайди. У психопатология билан боғлиқ масала. Унда клептомания деган руҳий касаллик қайд қилинган. Бу эҳтиёж бўлмаган тақдирда ҳам ўғирликка интилиш майли. Бундай касалликка йўлиққан кимса гарчи миллиардер бўлса ҳам, барибир ўғирликка қўл уради. "Ўғирлик қилмасам, туролмайман", дейди. Кўчирмакашлик ҳам клептоманиянинг қадим бир тури. Бош миядаги зарарланиш туфайли майлидан воз кечолмайди. Бу жуда ачинарли ҳол.

Ижодда асллик, анъана. Муштараклик, таъсир, давомийлик, эргашиш, бир мавзу доирасида мушоира, адабий-бадиий мактаблар ва уларнинг қиёфалари ҳақида фикр-

лашиш жуда қизиқарлидир. Улар миллий адабиёт доирасидан чиқиб дунё адабиёти микёсида фикр юритиш, ранг-бараанг ажойиб ҳолатлар ва ғаройиб тажрибалар ичига киришга имкон беради. Адабиётнинг биз бошимиздан кечираётган ўтиш даврида бу нарсаларни пухта аниқлаб олиш янги илмий-назарий асосларни мустаҳкам ижодий заминга қуришга олиб боради. Асллик ўзи нимаю анъанавийлик нима? Анъанавийликсиз, таъсирланишсиз асллик ўзи борми?

Ҳар қандай асллик анъаналар заминида туғилади. Анъана, таъсирланиш аслликнинг азал онаси. Бунга муҳокамаларда кўрилган таҳлилий мисоллар далил. Саъдий, Навоий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо, Шекспир, Ҳёте, Шиллер, Пушкин, Жуковский, Толстой, Лермонтов, Достоевский, Чехов, Тагор, Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Қаҳҳор беҳад таъсирланувчан ижодкор шахслар эди. Ҳар бирларининг нималардан таъсирланганликлари, нималарга ва кимларга эргашганликлари тўғрисида адабиёт тарихи ниҳоятда кўп ажойиб-ғаройиб мисоллару гувоҳликларни билади. "Наъматак", "Ўрик гуллаганда" асл асарлар, асл шеърлар. Уларни асл эмас деб айтишга кимнинг тили боради? Ёки ким тақлид дейди уларни?

Ҳамма гап шундаки, улар эргашиш ва таъсирланишдан мислсиз асллик яратганлар, янги ғоялар, янгича қарашларни илгари сурганлар, инсон ва ҳаётга қарашнинг янги қирраларини кашф этганлар. Навоийнинг "Хамса"си Низомийга қараганда янгича ахлоқ, янгича маънавиятнинг бадиий қомуси. Навоий ўз "Хамса"си билан ўзидан илгариларнинг хамсалари ўртасидаги ғоялар ва бадиий ечимлардаги фарқларни ҳаммадан кўра ҳаққонийроқ ва ўта нозик фаросат билан кўрсатиб, асллик нима эканлигини фасоҳат билан баён этиб ўтган. Михаил Лермонтовнинг "На севере диком стоит одиноко На голой вершине сосна" ёки "Белеет парус одинокий В тумане море голубом", "Ветка Палестины" деган даҳо шеърлари билан "Наъматак" ва "Ўрик гуллаганда" акс-садо тапмайдими? Ўхшашлик бор – ўхшашлик йўқ. Аммо таъсирланиш – кундай равшан.

Дунё эндиликда – ягона. Тошкентдаги бозор ва супермаркет билан Париждаги бозор ва супермаркетнинг қарийб фарқи йўқ. Соҳил бўйларидаги энг донғи кетган чўмилиш жойларида ҳам ўша-ўша чўмилувчилар, кўчаларда ўша-ўша ярқироқ автомобиллар, ёшу қарининг қўлларида ўша-ўша айфонлар, ўша-ўша дунёнинг истагам жойи билан бир зумда алоқа боғлайдиган ва воқеаларни намойиш этадиган смартфонлар... Дунё – ягона, постмодернизм ва ундан кейин санъат майдонларини эгаллаган оқимлар аллақачонлар дунёнинг бундай ягоналигини англаб етишган ва шу англамга кўра дунёни тушуниш ва акс эттириш моделларини ишлаб амалиётга киритишган. Постмодернизм ҳазил ҳодиса эмас. У ягоналашган дунёнинг тасвир ва акс эттириш усуллари сифатида пайдо бўлди, Ғарбнинг маданий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаб улгурди. Санъатнинг замонавий оқими ўз янги назарияси, амалиётини, усулларини, тушунча-истилоҳларини яратди. У ўзини юқори интеллектуал, технологиялар ўта ривожланаётган, бош мия коэффициентлари дам-бадам аниқланаётган, инсон имкониятлари очилаётган юксак тараққиёт палласига жуда мослашган ва шу тараққиёт учун хизмат қилмоқда. Баҳс иштирокчилари адабий қарашларини шу томондан ҳам кўздан кечириб чиқишга уринишмоқда. Интертекстуалликнинг моҳият ва мазмунини чақишга интилишмоқда. Шу жазмнинг ўзи ҳам холисанилло айтганда, бадиий тафаккурнинг ривожланиши сари ташланаётган бир қадам. Баҳс иштирокчилари бадииятда аслликнинг (оригиналликнинг) йўқолиб бораётгани, аслликка талаблар сусайиб йўқ даражага келаётгани ва умуман, бадиий асллик йўқолиб кетиш хавфи остида қолаётганидан қайғуриб ёзадилар. Чунончи, адабиётчи ва журналист Жовли Хушбоқнинг яқиндагина адабиёт газетасида ҳозирги замон қиссалари ҳақида ёзган мақоласида "китобхон қисса мутолаа қилаётганига ишонмайди", деган хулосани кўрдим. Буни давом эттириб, китобхон шеър ўқиётганига, роман ўқиётганига, обрўли театр саҳнасида пьеса кўраётганига ёки мақола ўқиётганига ишонмайди, деб ҳам гапни тўлдиришимиз мумкин. Китобхоннинг ишончини йўқотиш, уни алдаш, лақиллатиш ҳақиқатан баҳснинг сарлавҳасига чиқарилган муаллифнинг тирноқ ичида бўлса ҳам ўлими эмасми? Бадиий ночорлик нега бунчалар урчиб кетди? Бир неча китоблар чиқарган, китоб чиқариш кетидан қувадиган бир муаллиф ўқувчиларга тақдим қилган навбатдаги асарида қаҳрамоннинг юраги соатнинг чиқиллашига монанд бежо уради, деб ёзади. Соатнинг чиқиллаши мунтазамликни

билдиради, асло бежоликни эмас. Шундай ёзувчи ҳеч қачон ёзмайдиган мантиқсиз, маъносиз жумлалар насрда ҳам, назмда ҳам матнларни девчирмовуқдай ўраб олган. Маълумки, девчирмовуқ қуритмай қўймайди. Зарпечакларни кўзларини чирт юмиб кўпайтираётганларнинг ҳақиқий муаллифлик савияси қанчалар? Шуларга қарағанда, баҳснинг мавзуси ниҳоятда муҳим. Ҳатто олтмишинчи йилларнинг сўзи билан "бонг уришга жазм этдик", дейдилар. Бонг уриш – ҳозирги замонда анча-мунча эскириб қолган. Лекин улар назариядаги турғунлик, танқиднинг инқирози амалиётда қандай натижалар кўрсатаётганига ранг-баранг, бири-биридан ачинарли мисоллар келтирадилар. Буларнинг бари улуғ намуналарга эргашиш йўқолганлигини кўрсатмайдими? Эргашишда маърифат ва йўл танлаш борки, у ўзини оқлайди.

Адабий ижодда, санъатда тақлид, таъсирланиш, эргашиш, фойдаланиш, ўзлаштириш, издошлик, анъанавийликнинг мазмун-моҳияти, вазифаси бир хил. Булар фақат асллик йўлида биринчи қадамларни қўйиш, овозни очиб олиш, йўл танлашда ярайди. Одамзод борки, ўз кору борини ўрнак, андоза асосига қуради. Яшашнинг яроқли маромлари андозаларни саралаш билан тузилади. Инсоният жони оғриганда "оҳ!" деди. Кўкси ташналикдан қуриганда "ув!" деди. Шу оҳувлардан, тақлидлардан инсоният тили пайдо бўлди. Бўри ер юзининг ҳар жойида бир тусда увлайди, айиқ бир хил ўкиради, барча қушлар ҳамма ерларда бир хил сайрайди. Зарғалдоқ Англияда инглизча сайрамайди. Худди Ўзбекистон боғларидагидек доим куёвлайди. Жонли махлуқотлардан фақат инсонгина яшаш ери ва минтақасига қараб турлича тилда гапиради. Бу инсоннинг ноёблиги ва нодирлигига яна бир сирли мисол. Инсон барча ҳаракатларини тақлидга қурди, ҳаммавақт табиатнинг ўзидан ўрнак олди. Куйи, қўшиғи, рақсига ҳам тақлид билан эришди. Юлдузлар туркумларининг жойлашуви, ажиб шаклларидан улги олди. Катта Айиқдан уй қалъа қуришни, Андромедадан тахт ясаш, Персейдан ўқ отиш, Сипардан қалқон тутишни ўрганди. Илк илмлар астрономия ва геометрияни тузди ва қолгани шуларга қараб шакл олди. Тақлид шулар қадар мўъжизалар ато қилди инсониятга! Ва Мимесис деб аталиб мангуга кирди эстетикага! Аммо қарангким, "Одиссея"дан кейинги дунё адабий тафаккурига энг кўп таъсир қилган Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" эпопеясида ҳеч қандай тақлид йўққа ўхшайди. Мутлақо! Лекин шундаймикин? Петербург ва Москва салонларига тақлидлар-чи? Уруш майдонларидаги ранг-баранг воқеаларга тақлидлар-чи? Хўш, булар тақлид эмасми? Салонлардан, уруш майдонларидан, аслзодаларининг ётоқлари, ётоқ суҳбатлари, ижтимоий интригалардан тўғридан-тўғри кўчиришлар эмасми? Уларни қандай бўлса, шундай акс эттириш эмасми? Бу саволлар ичидан ҳақиқат жар солиб туради. Аммо тақлидда тақлид бор! Даҳонинг тақлиди энг олий ва асл санъат пайдо қилади. "Улисс"да тақлиднинг минг бир турфа товланишлари зуҳурланади. Бунда ҳаёт – карнавал, одамлар мангу карнавалда, миллий қурашлар, жанглар – бари карнавал! Тақлид ва мимесиснинг мислсиз, такрорланмас формалари ва ушбу формаларнинг бари мазмундор. Толстойдаги карнаваллар билан Жойсдаги карнаваллар қиёслаб кўрилса, реализм билан авангарднинг тасвир ва акс эттириш, булардан кузатилган ғоявий, бадиий-ижтимоий мақсадлар тамомила бир-бирига ўхшамаслиги, бадиий тасвир аслаҳа-анжомлари бутунлай янгиланганлиги ва дунёга Жойс бадийияти тимсолида янги эстетика амалиёти келганлиги ва метеор каби фазога кўтарилиб ер юзининг маданият пучмоқларига ёйилганлиги, янги замон омонсиз равишда ўз ҳукмига кирганлиги равшан бўлади. Ҳозир тақлид ва таъсирланиш ҳақида фикрлаш худди орқага қайтишдек ёки эндиги ҳаётда классик эстетика доим қайд этиб эътибор билан кузатган бу ҳодисанинг маъноси қолмагандек туюлади. Тақлид ва таъсир ижодкорликнинг азал табиати билан ҳаммавақт боғлиқ. Пайғамбарлар пайғомларидан энг қадимгиси "Айюб қиссаси"да Худойимнинг Арши Аълода фаришталар машваратида Иблис билан бўлиб ўтган савол-жавоби тасвирланган. Иблис Худога ер юзини кезиб келганлигини айтади. "Сен менинг бандам Айюбни кўрдингми? Унинг сидқу садоқатига тан бердингми?" – деб сўроқлайди Худо. Унинг сидқу садоқати сен еткизган молу дунё, дов-давлатга боғлиқ. Агар булар бўлмаса, унинг сидқу садоқатидан асар ҳам қолмайди, дейди шаккоклик билан Иблис. Худо инсоннинг сидқига комил ишонч билан: "Майли, сен уни синаб кўр", деб айтади. Мана шу Арши Аълодаги эпизод дунё адабиётидаги илк тасвир. Ҳётедай даҳо адиб шу эпизодни "Фауст"да "Арши аълодаги дебоча" бобида тўғридан олади. Бу тақлид эмас. Буни кўчириш деб ҳам бўлмайди. Бу пойгирлик қилиш, фойдаланиш. Мефистофелга Фаустни йўлдан уриш, чалғитиш ҳақи берилади. Аммо Ҳёте энди бун-

дан тамомила бошқа ғоявий-бадиий мақсадларни кўзлайди. Бундай таъсирланиш ва фойдаланишлар даҳо адабиётлар ичида ниҳоятда кўп. Достоевский ҳам "Оға-ини Карамазовлар"да "Айюб қиссаси"дан ниҳоятда маҳорат билан пардалик тарзда фойдаланади. Истеъдодга чақнаши учун, албатта, учқун керак. Учқун бўлмаса, илҳом ва майллар гурламайди. Фойдаланиш, таъсирланиш даҳо учун мисоли шундай учқун. У тушовларни узиб ташлайди. Толстой: "Чақалоқлигимда мени йўргаклашлари, оёқ-қўлларимни чирмаб боғлашларига чидолмасдим. Йўргакларни зўр бериб, кучаниб узиб ташлайверардим", дейди. Маданий, схоластик йўргакларни узиш Толстой умрининг охиригача давом этди. Охирги йўргакни сўнгги сафарида поездда узди. Анъаналар – булар маълум маънода йўргаклар. Йўргакларни узиб ниятдаги аслликка эга чиқилади.

Таъсирланишда бўлгани каби эргашишда ҳам гап кўп бўлса керак. Эллигинчи йилларнинг ўрталарида биз университет талабалари Хемингуэй ва Фолкнерни ўқидик ва шайдо бўлиб қолдик. Эргашиш менинг хаёлимга келгани йўқ. Аммо Шукур эргашди. У Хемингуэйнинг мажнунига айланди. Тоза хемингуэйона ҳикоялар ёзди. Кўп завқланди. Унинг барча диалогларида Хемингуэй хати ва барча тасвирларида Тургенев усули дов тортиб туради. Шукур шу эргашишдан мустақил ижод даражасига кўтарилди. Ундан охиригача Хемингуэйнинг "ҳиди" кетмади. Ўткир Ҳошимов Қодирий, Ойбек, Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов анъаналари ичида қолди. Аммо кейинги икки романи тасвирида Фолкнерга таассуб қилди. Бир воқеани бир неча нуқтаи назардан тасвирлашга уринди. Саксонинчи йилларда Кафка ва Камю таржималари пайдо бўлди. Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Мурод Муҳаммад Дўст, Неъмат Арслон, маълум даражада Омон Мухтор, А.Аъзам Кафкани ўз акаларидай суйиб қарши олишди. Кафкаёна руҳдаги ҳикоялар кўзга ташлана бошлади. Бу эргашишнинг таги чуқурми йўқми, айтиш қийин. Лекин унда, ҳеч шубҳасиз, давр руҳи акс этади. ХХ асрда Кафка тасвирлашга интилган одамларнинг сафлари ер юзида ва жумладан, ўзбеклар орасида ҳам кенглиги билинди. Битта ойнанинг агар 120 та қирраси бўлса, у битта қиёфани 120 та қилиб кўрсатади. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Қичқириқ", "Катта кўча" асарларида асосий персонаж бўлган С.Алиевич ҳамда Султоннинг ҳолатлари тасвирланган эпизодлар шундай кўпқиррали ойнада акс этган битта эпизоддек таассурот қолдиради. Ахир, бу Кафканинг асосий бадиий усули-ку. "Қичқириқ"да Султоннинг сувга чўккан келинчакни топиш ва қутқаришга жазм этиши соғлом реалистик ёки ҳиссиётчан романтик интилиш эмас. Унинг кўз ўнгида нозик-ниҳол келинчак гавдаланиб туради. Келинчакнинг жасадини сувдан неча ғаввослар қидириб ҳам тополган эмас. Аммо шунга қарамай, Султон топмоқчи. Бу умумий вазиятга кўра метафизик, паранормал интилиш. М.Зошченко ҳам бир ҳикоясида чўккан келинчак ва бунга унинг эри ва атрофдагиларнинг муносабатларини тасвирлаган ва ўта киноияли реалистик йўл тутган. "Улисс"да ҳам кўрфазда чўккан одам ҳақидаги гап романнинг бошидан охиригача у ёки бу муносабат билан тасвирга қалқиб чиқиб туради ва ривоятга қаҳрамонлар ҳолатлари билан пардали боғланган равишда маҳзун руҳда шуълалантиради. Аммо Султоннинг жазми фақат инсонпарварлик, раҳмдиллик билангина изоҳланармикин? Бу ерда гап раҳмдиллик устидамикин? Ролан Барт: "Метафора, ҳар қандай метафора – тубсиз белги", деб ёзади. Султон бу метафора эмасмикин "Қалъа" қаҳрамони каби? "Катта кўча" ҳикоясида ишдан нима сабабдандир бўшатилган С.Алиевич шаҳарнинг катта марказий кўчасидан амал курсисини судраб боради. У Кафка қаҳрамонлари каби дарбадарликка гирифтор бўлган. Дарбадарлик – "Улисс"да ҳам бош мотив. Дарбадарлик "Илиада" ва "Одиссея"нинг марказида, Данте, Вергилий, Рабле, Достоевский, Навоий асарларида воқеалар дарбадарликда кечади ва қаҳрамонлар дунёси дарбадарликда очилади. Дарбадарликнинг дунё сюжетларида ўрни, роли ниҳоятда катта. Мана, ниҳоят, С.Алиевичнинг дарбадарлиги бошланди. Қаҳрамон С.Алиевич деб номланган. Демак, исмининг китобхон учун аҳамияти йўқ даражада. Лекин биз бу номни замонавий ёшларга ўхшаб "С нуқта Алиевич" деб ўқисак, маънолироқ бўлади. Кафканинг К, "К нуқта" деган қаҳрамони аста ёдимизга тушади. Гарчи исмлари бош ҳарф ва нуқта билан берилган қаҳрамонлар адабиёт жамғармаларида тўлиб-тошиб ётган бўлса ҳам! С.Алиевич катта шаҳар кўчасидан ҳеч нарсага қарамай, кетиб боради. Балки, у Кўкча даҳасидаги уйига кетаётгандир. Шу ҳам ноаниқроқ, умуман ҳаммаси "Қалъа" ёки "Жараён"даги каби ўта ноаниқ. Мақсади бўлмай туриб ёки ноаниқ, мубҳам мақсад билан яшаётган одамлар озми? Ўзининг нима мақсадда яшаётганлигини айтиб беролмайдиган одамлар озми? С. Алиевич ўзининг ишдан бўшатилганига ҳеч қандай қарамайди, яъни норозилиги, хур-

сандлиги, фарқсизлигини билиб бўлмайди. Кўчада китоблар, халталар, эски иш папкалари ортилган мансаб креслосини судраб кета туриб шаҳар кўчасининг гавжум лавҳаларига қарамайди, муносабат билдирмайди. Худди бу қайнаб жўш ураётган ҳаёт йўқдай ёки ҳаёт эмасдай. Унинг ҳиссиётларини ҳам илғаб бўлмайди. Шундай таассурот қоладики, бу асарда катта ҳаёт қайнаган кўча ҳам, судраб кетилаётган кресло ҳам, ундаги идора кишисининг тақир-туқурлари ҳам, ниҳоят С нуқта Алиевичнинг ўзи ҳам персонаж ёки бадиий асар образлари эмас, соф семиотик белгиларга ўхшайди. Бармоғингизнинг бўғинига қарасангиз, найза кўтариб чопиб кетаётган одамчанинг белгисини кўрасиз. "Қичқирик", "Катта кўча", "Кўрпа кўтарган йигит" ҳам, Султон ва С. Алиевич ҳам адабий асардаги образнинг – қаҳрамоннинг белгиси. Бу ҳаётга сиғмаган, бегона бўлиб қолган чиғириқдан ташқаридаги одамми? Бошқача одам навими? Ёки умуман ҳеч қандайми? Ахир, умуман ҳеч қандай ҳам бўлиш мумкин-ку! Мен, мисол учун, тилга кирганимда, маъноли одам сифатини касб этаман. Жим турганимда, менинг қандайлигим атрофдагиларга маълум эмас. Султон ва С.Алиевич гапирмайди. Назар Эшонқулнинг яқинда ўқиганимиз "Бепоён осмон" асарининг қаҳрамони, фарзандсизлигидан бир умр дашном ва таъналар ёмғири остида яшаган Ойтўлди ҳам ҳеч тилга кирмайди. У забонсиз ва фақат ўз ичида, асарни ҳикоя қилувчининг баёни ҳамда таҳлилида яшайди. Назар, кези келганда айтиб ўтайлик, таҳлилий прозани шакллантирди ва яхши намуналарини берди. Хуршиднинг прозаси ҳам модерн оҳангларига эш бўлиб таҳлилга ўтди. Улуғбек ва Исажон Султоннинг аксар асарлари баён ва классик ривоят эмас, таҳлил йўлидан боради. Мундай қарасангиз, таҳлил на Ўткир, на Учқун Назаров, на Шукур, на бошқа Саид Аҳмадона, на Одил Ёқубовона прозада кўзга ташланган эди. Булар классик прозанинг ривоят услубида ёзганлар барча асарларини, уларни "лирик проза" деб аташга ўрганиб қолган эдик. Аммо мана авангард усуллар билан органик равишда таҳлилий проза усули – хати ҳам ўз бадиий кўринишлари ва ранг-баранг шаклларига эга бўлди. Хуршид ўша ҳикояларида фақат таҳлил қилади. Бу таҳлилни Фрейд термини билан "психоанализ" деб бўлармикин? Психоанализни эса "руҳий таҳлил" деб кўрсатсак, муодил маъно касб этармикин? "Руҳият", "руҳийлик" деганга ўхшаш тушунчалар бизнинг илмий ифодаларимизда ҳали тўла аниқ чегараларини ажратиб олган эмас. Кўплар билағондек бўлиб кўринсалар-да, бу каби тушунчаларнинг, аслида, нима маъноларни англатишини англаб етмаганлар. "Қичқириқ", "Катта кўча" анъанавий маънода асар эмас. Айни чоқда асар! Анъанавий сюжет, ифодавий тил, тасвирий воситалар анқариб йўқ. Анқариб деётганим, улар элементар даражада. Ёрқин асарлири шундаки, унда ўзини, илдизини йўқотган, ҳаётга ўз жавобини беришга қодир бўлмаган ва биз ўқувчилар ҳам ҳали тузук-қуруқ таниб-танимаган, руҳий таҳлилимиздан ўтказмаган, бешта асос сезгисининг бору йўқлиги ҳам номаълум – бошқа инсон бор. Бошқа инсон деб қайта-қайта таъкидлаб айтамиз. Уни бегона дейиш тўғри бўлмас. У бегонага ўхшамайди. Бизга ўхшашлиги идоранинг мансаб креслосини гавжум шаҳар кўчасида аллақаёққа судраб бораётганидан кўриниб турибди. Бундай одамлар бор эди, кўп эди. Мисоли Бабар каби. Аммо адабиётга руҳий таҳлил қаҳрамони сифатида кирмаган эди. Барча параметрлари бошқа инсон, янги кашф этилаётган, Кафка ва Камю очган инсон эканлигини кўрсатяпти. Султоннинг ҳам неча ғаввослар қидириб тополмаган келинчак жасадини бир неча кунлар ўтгач, васваса ичида қидириб топишга интилиши ва ҳалокат ёқасига етиши ҳам бошқача инсонлигини билдиради-да! Ақл бовар қилмас аҳд билан яшайдиган одамлар камми? Биз уларни билмаймиз-да! Улар бизга кўнгилларини очмайдилар-да! Ле Клезио деган ўз даврида машҳур француз адиби: "Поэзия, романлар, новеллалар – эндиликда ҳеч кимни алдашга қодир эмас!.. Нимага керак буларнинг ҳаммаси?" – деган экан. Аммо энди янги йўналишда пайдо бўлаётган асарларни дискурсларига кўра таҳлил қилиш имконияти туғиляпти. Ахлоқий, интеллектуал, мажозий, ривоят дискурсларини ажратиб изоҳлаб тушунтириш ҳозирги илмий танқиднинг энг биринчи вазифаси. Қадим араб шеъриятида (VIII–XI асрлар) аввал ўтган шоирларда ифодаланган маъноларни ўзлаштириш ва давом эттиришни сариқа усули, деб атарканлар. Маънони ўзлаштирувчи шоир шу маънонинг янги қирраларини очиши, бойитиши, камолга етказиши талаб қилинган. Журжоний, Ибн Табатаба, Ал-Аскарий, Ал-Асмоъий, Ибн ал-Муътоз, Филштинский, Куделин каби қадим ва замонавий олимлар анъанавий ва асллик масалаларида кўп қимматли фикрларни ёзиб қолдирганлар. Эскича мотивларнинг янгича талқинларини таҳлил этганлар. Маъно, санъатлар, баён кайфиятларини хўп мириқиб очганлар – кашфиётлар

беҳисоб. Низомий бешликни кашф қилгани йўқ. Унгача узоқ замонларда "Панчатантра" бўлган эди. У Низомий даҳоси мўъжизаси билан хамсага айланди. Анъана маърифати янги анъанани дунёга келтирди. Адабиёт – кашф-да. Инсон кўнглини очиш-да.

Авангард эстетикаси классик эстетиканинг барча мезонларини янгидан кўриб чиқди. Янги тушунчалар, терминлар, мезонлар яратди. Одиссей – одиссеймиди? Ҳамлет – ҳамлетмиди? – деган жуда ғалати ақлни шошириб қўядиган саволларни қўйди. Жойс, Беккет, Кафка, Сартр, Камю, Хемингуэй каби адибларнинг асарларини янги эстетика мезонлари ва қарашлари остида таҳлил қилишгина самарали ва тўғри бўлади. Эскича мезонлар ва ғоялар билан уларни ҳаққоний тушунтириш қийин. "Улисс"ни эътиборсизлик билан ўқиб тушунмаганликларини айтадилар ва масалаларни жўнлаштиришга уринадилар. Айтинг, Навоий тушунарлими? Достоевский, Айтматов, Маркес, Толстой тушунарлими? Ёки ҳатто ўз замонларида тушунарли бўлган дейсизми? Диққатни тўла жамлаш, ўзида ўқувчилик меҳр-муҳаббатини тушуниш, англаш лаёқатини тарбиялаш ва ўстириш ўрнига тушунмадим, мураккаб дейди, жуда осон-да! Бу маърифатли ўқувчининг иши эмас, асло. Адабиётшунос олим М.Маҳмуд "Улисс"ни "пала-партиш ёзилган", деб ёзди. Ҳолбуки, "Улисс"да ҳеч қандай пала-партишлик, чалкашлик йўқ. Бу романда ҳар бир сўз, ибора, ифода, бадиий фигуранинг ўз мақсадига йўналтирилган вазифаси, ўрни, таъсир доираси, бажарадиган эстетик маънолари беназир заргарона адо этилган. Ҳар бир сўз, ибора, ифода, жумла асарда ўзаро акс-садо бериб, ўзаро янги-янги маънода жўр овозлашиб туради. Асарни қўлга олиб кўз ташлаган киши унда "Лотофаглар" деган боб йўқлигига амин бўлади. Жойс ўн саккиз бобнинг ҳар бирида "Одиссея"га мутобиқан унинг қўшиқларида акс этган мифологик воқеа – ҳодисаларга жўр ва маънодош бўлишни бадиий ният қилган. Асарни ёзаётганда бобларни шундай нисбий номлар билан атаган. Асар битганда улардан воз кечган. Аммо бу нисбий номлар асарнинг расмий нашрларида акс этмай, фақат авторлик нияти тарзида асарнинг ёзилиш тарихида, шарҳлар, бир олам изоҳларда қайд этиб келинади. Жойс инсон кечинмалари, ўй-хаёллари, кўзи билан кўриши, қулоғи билан эшитиши, нафас олиши, ранг-баранг ҳиссиётларини, ташқи олам, вазият тасвирларини бир вақт бирлиги ичига сиғдирган, айни тасвирланаётган дамда булар бари қандай кечса ва бу вақт ичида ички ва ташқи оламда қанчалар одми, жўн ҳолатлар, ҳайратомуз ҳаракатлар юз берса, ҳаммасини шу муайян вақт бирлиги, макон ва ҳолат бирлиги тасвирида гавдалантиришни ният қилган ва фавқулодда амалга оширишнинг иложи йўқдай кўринган бадиий натижаларга эришган. Психика, руҳий жараёнларнинг бениҳоя мураккаб ҳодисаларини сўз билан ифодалаш феноменини яратган ва усули қудрат кашф этган. Буларни замондош адиблар ва тадқиқотчилар "монтаж усули", "онг оқими" деганга ўхшаш тушунчалар билан атаганлар. Ақл бовар қилмас бадиий тасвирнинг янги усуллари шундай дунёга келган. Асар не-не замонлар, не-не ўткир масалаларни қамраб олади. Воқеалар бадиий фаросат билан қурилган жуда нозик бадиий ассоциацияларда ҳалқа-ҳалқа ўзаро боғланиб боради. Замонлар Блум, Стивен, Молли сигари қаҳрамонлар хаёлида қуюн каби олис тарихларга, олис тарихлар эса Ирландия миллий озодлик ҳаракатининг жуда мураккаб коллизияларига тинимсиз уланиб туради. Леопольд Блум – Одиссей эмас. Жойс янги замон Одиссейи қандай қиёфага кирганлигини, унинг саргузаштлари энди нимфалару турли асотирий ҳодисалар ичида эмас, XX асрнинг миллий озодлик курашлари, оддий одамнинг оддий кундалик ташвишлари, оғриқлари, аламлари, умид-умидсизликлари, ҳаётдан, қисматдан тинмай маъно кидиришида кечаётганида кўрсатади. Стивен ҳам Ҳамлет эмас. Аммо ҳамлетчилик уни қанчалар ўртаётгани ҳар дамда сезилади. Стивеннинг ўртанишлари Ҳёте яратган Вертер ва Мейстернинг ўртаниш ва изланишларига, уларнинг инсоний фожиаларига ҳамоҳанг ва ўта ўзига хосдир. Бунда Ҳамлет анъаналари янги-янги шакллар ва қиёфаларга кираётганлигини кузатамиз. Жойс ғалати фикрловчи интеллектуал одамлар қиёфаларини кашф этди. Блум ва Стивеннинг чексиз кечинмаларида ахборий мажозлар силсиласи оқиб ётади. Авангардга паст назар билан боқувчилар ва осонгина тушунолмадик, деб юрувчилар ўзлари билмаган ҳолда замондан орқада қолиб кетадилар. Эски классик мезонлар изидан янги эстетик мезонлар санъатга кириб келганлиги, янги санъат дунёсини бино қилаётганидан бехабар қоладилар. Адабиётчи учун орқада қолиш хайрли бўлолмайди.

Ниҳоят, бугунги тажрибаларда адабиётнинг эртаси кўринадими? Кўринмаса ҳам, сезилади. Лермонтовнинг машҳур бир шеърини эслайлик:

Есть речи – значенье
Темно иль ничтожно.
Но им без волненья
Внимать невозможно.
Как полны их звуки
Безумством желанья?
В них слезы разлуки,
В них трепет свиданья.

Ҳақиқатан баъзан қоронғи ва одми бўлиб кўринган сўзлар кишини қаттиқ ҳаяжонга солади, улардан ўқувчи айрилиқлару висолларнинг туғёнларини илғаб олади ва узоқ замон шулар таассуротида волаю ҳайрон юради. Бунинг гўзал мисолларини Чўлпондан ҳам, Ҳамид Олимжондан ҳам, Эркин Воҳидову Абдулла Ориповдан ҳам келтириш мумкин. Янги адибларимизнинг баъзан тушунарсиз ва қоронғи бўлиб кўринаётган сўзларида, балки ажиб ҳаяжонлар ва хаёллар яшириниб ётгандир. Уларни англаш ва ҳамроз бўлиш учун ўқувчи маърифати, сўзга муҳаббат қанчалар зарур.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ

1940 йилда туғилган. Филология фанлари доктори. Фарғона Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тугатган. "Улуғ санъаткор", "Шеъриятнинг сирли жилвалари", "Сўз сеҳргари", "Зулматдан нур қидирганлар", "Мен сиздан сабоқ олдим", "Фарғона адабиёти" каби илмий асарлар муаллифи.

ҲАҚИҚИЙ МУАЛЛИФ ЎЛМАЙДИ

Ижоднинг муқаддаслигини тан олиш, муаллиф образини аниқлаш, санъаткор "мен"ининг ўзига хослигини ўрганиш адабиётшунослигининг энг долзарб, муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масалаларидан бири саналади. Муаллиф ўз асарида турли қиёфаларда (шеъриятда лирик қаҳрамон, насрда ҳикоячи, ровий) намоён бўлади. Ўқувчи китоб мутолаасига киришган илк лаҳзадаёқ у билан учрашади, ҳамсуҳбат бўлади. Агар муаллифнинг тили ширин, тасвири тиниқ, таъсирчан ва ишонарли бўлса, уни севиб қолади, унга ишонади, айтган ҳар бир сўзини қалбига жо қилади. Ижодкор ҳам ана шу қалбдан муносиб ўрин эгаллайди, асарнинг умри боқий бўлади. Навоий, Бобур, Қодирий, Чўлпон, Ойбек ва бошқа юзлаб атоқли ижодкорларнинг Шахс сифатидаги барҳаётлиги ана шу фазилати билан ўлчанади. Аксинча, ижодни ҳою ҳавас, шон-шуҳрат ва бойлик воситаси деб билган қаламфурушлар йўл-йўлакай ҳақиқий ижодкорлар боғида етишган сархил мевалардан ўғирлаб, нечоғлик ранг-баранг дастурхон тузамасин, кўпчиликка манзур қилолмайди. Ундан татиган одамнинг қорни оғрийди, кўнгли беҳузур бўлади.

Адабиётшунос Улуғбек Ҳамдамнинг "Муаллиф ўлими"га сиз ҳам овоз берасизми? (ёки асл ижод соғинчи)" сарлавҳали мунозарали мақоласи ("Шарқ юлдузи" №1 2014) ана шу масалага бағишланган бўлиб, кўпдан буён кўнглимизда йиғилиб қолган мулоҳазаларнинг вулқондек отилишига, норозилик учқунларининг алангаланишига туртки берди. Назаримда, "Муаллиф ўлими"га сабаб бўладиган масалалар ичида энг хавфлиси, ҳозирги пайтда ниҳоятда оммалашиб кетаётгани кўчирмакашлик билан тақлидчиликдир (бинобарин, мақола муаллифининг асосий ташвиши ҳам шундан). Негаки, кейинги йилларда кўчирмакашлик, тақлидчилик, тайёр илмий, ижодий материал-

ларни ўзиники қилиб олиш одат тусига кирди. Ажабланарли томони шундаки, бу каби иллатларни хаспўшлайдиган, уни қўллаб-қувватлайдиганлар ҳам топилмоқда.

Аслида, адабиёт мангу қайнаб турадиган шифобахш ижод булоғи бўлиб, ўз таъми ва тароватини ҳеч қачон йўқотмайди. Бу булоқни қалам билан қазиб дунёга келтирган ва шифобахш сувлари билан инсоният қалбини тозалаган (катарсис) кишилар ҳам сира унутилмайди. Аммо кейинги йилларда бу асл ижод булоғидан фойдаланиш борасида истеъмолчи тоифанинг турли найрангларга кўзга яққол ташлана бошлади. Бу иш билан шуғулланаётган кимсалар (аслида, кўчирмакаш ва тақлидчилар) ўзларини гўё "тадбиркор" деб санамоқдалар. Айримлар булоқнинг жойини ҳам, уни кашф этган соҳиби номини ҳам пинҳон тутиб, сувини ўз идишига бемалол қуйиб олаётган бўлса, баъзилар сувини ҳар хил шаклдаги идишларга жойлаб, бошқача ном билан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот сифатида истеъмол бозорига олиб чиқаётирлар. Бундай "тадбиркорлик" эса адабиёт, фан ва санъатга катта зарар келтиряпти.

Шунга қарамай, барибир, асл ижод булоғининг суви ҳам, таъми ҳам ўзлигини йўқотмайди ва шубҳасиз, соҳибининг номини ҳам асраб қолаверади. Ҳозирги пайтда адабиётга эътибор кучайганлигиданми, олди-қочди воқеалар асосига қурилган асарларнинг бозори чаққон бўлганлигиданми ёки ёзувчилик шон-шуҳрати илинжидами, ҳар қалай, бадиий ижод билан шуғулланишни касб қилиб олган кимсалар жуда кўпайди. "Асл ижод соғинчи" (У.Ҳамдам), масъулиятини ҳис қилиш хийла сусайди. Уларнинг айримлари ўзлари ўқиган чет эл китоблари ёки кўрган киноларидаги воқеаларни худди карта чийлагандек аралаштириб, қайта ҳикоя қилишга уста бўлиб кетдилар. Бу кўчирмачиликнинг янгича – "ўзлаштирилган" нусхаси шаклида намоён бўлаётир. Шу боисдан бундай асарларнинг сюжети бири боғдан, бошқаси тоғдан келади, персонажлари эса капалаксимон – у ёқдан бу ёққа учишдан бошқасига ярамайди. Негалигини сўрасангиз, "ахир, модерн (ё бошқа бирон "изм") шунақа бўлади-да!" деб оғзингизга урадилар. Афсуски, бу хизматлари билан ўқувчининг бошини қотириб, уларни китоб ўқишдан совитяптилар, адабиётимизни боши берк кўчага олиб кираётирлар. Хусусий нашриётлар эса (надоматлар бўлсинким, давлат қарамоғидаги айрим нашриётлар ҳам) бойиб олиш илинжида бундай бўш-баёв асарларни кўп нусхада чоп этиб, хазинасини тўлдиришга ружу қўйганлар.

Маълумки, фан ва техника ғоят ривожланган, коммуникация кўлами ниҳоятда кенгайган ҳозирги шароитда ахборот манбалари шу қадар кўпайдики, куну тун ҳафсала билан шуғулланган мутахассис ҳам уларнинг барчасидан хабардор бўлолмайди. Шундай экан, тайёр нарсани кўчириб, "ўзиники" деб эълон қилса, ким билиб ўтирибди? Бироқ унутмаслик керакки, сохталикнинг умри қисқа, муаллифга ҳурматсизлик бир кунмас, бошқа куни фош бўлади. Чунки "муаллиф" сўзи ғоятда муқаддасдир. Бу сўз таркибида тўғрилик рамзини англатувчи "алиф" билан донолик белгиси бўлмиш "илм" маънолари яширинган. Кимки ижодда тўғри сўз ва туганмас илм заҳирасига эга бўлмаса, муаллифликка даъво қилмай қўя қолсин. Яна эътибор берилса, сўзнинг 3-6 ҳарфларида "Оллоҳ" номига ишора борлигини ҳам сезиш мумкин. Унга шак келтириб бўлмайди.

Шуни ўйлаганимда, бундан 10-15 йиллар муқаддам содир бўлган бир воқеа эсимга тушди. Республикамизнинг нуфузли газеталаридан бирида бошловчи бир адибнинг ҳикояси босилди. Асар чиндан ҳам жуда таъсирчан, рамзий тимсолларга бой, услуби пишиқ эди. Табиийки, у кўпчиликка маъқул бўлди, муаллиф мақтовлар эшитди. Бироқ орадан икки ҳафталардан кейин шу газетанинг ўзида бир мутахассис олимнинг ўша ҳикоянинг хориж адабиётидан кўчирилганлиги ҳақидаги мақоласи чиқди. Маълум бўлишича, ҳикоя муаллифи ўзи ўрганган чет тили адабиётида ижод қиладиган бир ёзувчининг асари номини, қаҳрамонлари исмини, воқеалар юз берадиган замон ва маконни ўзбекчалаштириб, "ўзиники" қилиб олган экан. Кўряпсизки, асл муаллиф омон қолди, сохта муаллиф ўлим топди.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов айтганидек: "Тақлид – бутун маҳалла биладиган оқсоқолнинг чопонини бошқа биров кийиб юргандай гап". Уни ҳавас қилиб кийгани билан ўзиники бўлиб қолмайди-да. Кўрган одамки бор, "қаранг, фалончининг либосини кийиб олибди" дея, тақлидчининг устидан кулади. Эҳтимол, адабиётда тақлид қилиш унчалик айб эмасдир. Агар у оригиналликка эришиш йўлидаги маълум босқич – изланиш жараёнининг маҳсули тарзида вақтинчалик кўзга ташланса, уни айбламаслик мумкиндир. Аммо у доимий машғулотга айланмаслиги, энг муҳими, тақлид қилинган объектнинг айнан ўзига ўхшаб қолмаслиги керак. Ўқиш, ўрганиш, таъсирланиш бошқа, тақлид қилиш бошқа нарса. Шу маънода Н.Эшонқулнинг "Гўрўғли" романи атайинликдан кўра тақлидга ўхшаб қолганлигини исботламоқчи бўлганман ("Китоб дунёси"

№ 8. "Шарқ юлдузи" № 3 2013). А.Дилмурод томонидан "Ранг ва меҳвар" романида қўлланилган "Улисс"га хос баён услубини эса қаҳрамонлар онг оқимининг турли даражасини ифодалашга уриниш, ўзбек китобхони тасаввурини кенгайтириш йўлидаги интилиш деб баҳолаш тарафдориман. Бироқ бу масалада Европача қолипга ўралашиб қолмаслик, миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган хатти-ҳаракат, сўз ва иборалярни қўллашга йўл қўймаслик лозим. Айнан шу масалада А.Дилмурод персонажлари ўзбекка хос фикрлаш, андиша, миллийлик каби хусусиятлардан маҳрум бўлиб қолганлар. Шу жиҳатдан атайинликнинг Х.Дўстмуҳаммад, И.Султон асарларида аён бўлаётган ўзбекона руҳидан ўқувчи кўнгли тўлади.

Асло кечириб бўлмайдиган иллат, У.Ҳамдам ҳақли равишда таъкидлаганидек, кўчирмакашлик (плагиатизм)дир. Чиндан ҳам кейинги йилларда "Кўчирмакашликнинг хили урчиб, турфалашиб кетди". Илмий, ижодий ишлардаги кўчирмакашлик ҳақида У.Ҳамдам ҳам, З.Исомиддинов ҳам, М.Маҳмудов ва Ҳ.Болтабоев ҳам куйиниб, аниқ мисоллар асосида тўхталдилар. Мен эса кўз ўнгимда рўй бераётган ва тобора одат тусига кириб, кўпчиликни ажаблантирмай қўйган, аксинча, хайрихоҳликка сабаб бўлаётган кўчирмачилик иллати ва унинг оқибатлари тўғрисида гапириб ўтмоқчиман.

Маълумки, олий ўқув юртларининг битирувчилари ва магистрлари кўп йиллардан буён ёзма равишда битта Давлат имтиҳони топширадиган бўлишган. Улар битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси тайёрлайдилар ва комиссия ҳузурида ҳимоя қиладилар. Битирувчилар (мутахассислигидан қатъи назар) битирув-малакавий иш тайёрлаши шарт қилиб қўйилган. Аслида, битирув малакавий иш ҳам, магистрлик диссертацияси ҳам ёшларнинг илмий-тадқиқот иши билан шуғулланиши учун дастлабки кўникмани ҳосил қилувчи, илмий изланиш усулларини ўрганиш, эгаллаган билимини амалда қўллай олиш ва илмий жиҳатдан исботлаш қобилиятини намоён қилишнинг энг қулай ва самарали йўлидир. Чунки изланувчи-тадқиқотчи битирув малакавий иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида кўплаб илмий манбалар билан танишади, уларни ўзаро таққослайди, ўзига тегишли хулосалар чиқаради. Бахтимизга, ана шундай қобилиятли ёшлар оз эмас ва улар фанимизнинг янада тараққий этишига муносиб ҳисса қўшишига умид уйғотади.

Бироқ битирувчиларнинг айримлари тайёр луқмани ямламай ютиб, ҳеч нарса кўрмагандек семириб яшаш йўлини қидираётган кимсага ўхшайдилар. Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтишга ўрганган битирувчилар жонини койитмай иш тутишга одатланаётганлиги жиддий ташвиш туғдиряпти. Дастлабки йилларда бундай илмий-тадқиқот ишларига талаб ҳам, уларни баҳолаш мезонлари ҳам расолладагидек эди. Аммо тажриба ортгани сари масъулият камайиб, эътибор сусайди. Ҳозирга келиб, *аввало,* мавзулар ниҳоятда майдалашиб, бачканалашиб кетди. *Иккинчидан,* уларнинг мазмун-моҳиятида бир хиллик пайдо бўлди. Айрим профессор-ўқитувчилар бир хил мавзуни деярли ҳар йили бераверади. Масалан, бу йил "Фалон ёзувчи ижодида сюжет ва композиция" деб берса, келаси йили ёзувчи ва асарнинг номи ўзгаради, холос. Назарий маълумотлар эса ўша-ўша қолаверади. Натижада, пўстлоғи янги, мағзи ўхшаш бир хил маҳсулотлар пайдо бўляпти. *Учинчидан,* кўчирмакашлик авжига чиқди. Битирув малакавий ишлар ҳамда магистрлик диссертациялари билан танишсангиз, дарсликлар ва қўлланмалардан, интернет маълумотларидан тайёр кўчирилганлигининг гувоҳи бўласиз. *Тўртинчидан,* олий ўқув юртларида битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларини ёзиб берадиган ишбилармон мутахассислар отряди шаклланди. Улар шу йўл билан катта бойлик орттириб, илмий иш қилишни бир четга йиғиштириб қўймоқдалар. Бу каби ишларни қанча кўп ёзса, чўнтаги шунча қаппайишини ўйлаган "ёзарман"лар ҳам мавжуд манбалардан бошдан оёқ кўчириб беришга одатландилар. *Бешинчидан,* тўрт йил мобайнида фақат тест саволларига жавоб топиш, рефератив, мустақил ва битирув малакавий ишлари ёзиш билан банд бўлган бўлғуси ўқитувчилар фикрини оғзаки баён қилиш қобилиятидан маҳрум бўлиб, бадиий асарларни таҳлил қилиш, шеърларни ифодали ўқиш санъатини мукаммал эгаллай олмаяпти.

– Қўшни кафедрада ишлайдиган танишларимдан бири менинг номзодлик диссертациямни сўраб қолди, – деди бир танишим. – Бажонидил опкелиб бердим, чунки у ҳам кўпдан бери илмий иш билан шуғулланаётганди. Орадан маълум вақт ўтиб, унинг илмий раҳбарлигида тайёрланган битирув малакавий ишини мутахассис сифатида тақриз ёзиб бериш учун менга олиб келишди. Олиб қолиб, мутолаага киришдим: барча фикрлар, мисоллар, таҳлил усуллари таниш. Қарасам, диссертациямнинг битта боби бошдан охиригача кўчириб олинган экан. Мен раҳбарини чақириб, аҳвол билан таништирдим ва ижобий тақриз ёзиб беришдан бош тортдим. У эса, уялмай-нетмай: "Нима

бўпти, дугонажон! Ахир, бошқалар ҳам шунақа қиляпти-ку. Ким ўқиб ўтирибди? Майли, ҳақингизни берамиз, ёзиб бераверинг", деса бўладими? Унамадим. Кейин талабанинг ўзини чақириб, ишни қайта ёздирдим.

Айнан шундай ҳодиса ўзимнинг бошимдан ҳам ўтди. Битирувчи магистрлардан бири мен яхши кўрган истеъдодли адиблардан бирининг ижоди бўйича диссертация тайёрлабди. Унда ўша ёзувчининг индивидуал услуби ва персонажларни тасвирлаш маҳорати тўғрисида гап бориши керак эди. Адиб асарлари тўғрисида мен ҳам бир-иккита мақола эълон қилганман. Шунинг учун бу иш мени қизиқтириб қолди. Аммо уни фақат ҳимоя куни қўлга олишга муваффақ бўлдим. Аслида, магистрлик диссертациялари бир неча ҳафта олдин кафедрага топширилиши, профессор-ўқитувчилар бемалол танишиш имкониятига эга бўлишлари зарур эди. Шунга қарамай, ҳимоя пайтида диссертация билан бир қур танишиб чиқдим. Ўқиганим сари ҳайратим оша борди. Бошдан охиригача гоҳ у, гоҳ бу илмий манбалардан кўчирилган, аммо бир-бирига боғланмаган, ўша таниқли адибга дахли йўқ фикрларга дуч кела бошладим. Иккинчи бобнинг "Нутқ ва услуб" деб аталган фасли эса менинг шу номдаги монографиямдан кўчирилган, аммо адабиётлар рўйхатига киритилмаган эди. Муаллифи билиб қолмасин деб ўйлаган бўлса керак-да! Мен магистрнинг бу камчиликларини очиқ айтдим ва уни кўчирмакашликда айбладим. Аммо менинг гапларим на диссертантга, на унинг илмий раҳбарига пашша чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. Аксинча, улар мени иқтидорли ёшларни қўролмасликда айблашди. Ваҳоланки, мен ўша "иқтидорли" магистрнинг билимсизлигини бир неча бор юзига айтганман, унга дастлаб "қониқарсиз", кейин ҳомийларининг илтимосига кўра "қониқарли" баҳо қўйганман. Шуниси алам қиладики, уни ҳеч тап тортмай кафедрада ишга олиб қолишга ҳаракат қилишяпти. Агар у бу мақсадига эришса, кўчирмакашлик янада авжига чиқади, деяверинг.

Шуниси борки, агар битирувчи талаба ёки магистр ишини муваффақиятли ёқлай олмаса, билимсизлиги, ҳафсаласизлиги учун улар эмас, аксинча, эътиборсизлиги, ўз вақтида тайёрлашга ёрдам бермаганлиги учун илмий раҳбари жазоланади. Бундай ноҳақликдан қутилиш учун кўзимизни кўр, қулоғимизни кар қилишга мажбурмиз. Олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари жонининг ҳузурини кўзлаб баҳолаб берган бу тадқиқотларнинг бир нусхаси тегишли идорага юборилади. Идоранинг шу соҳага масъулиятли ходимлари битирув малакавий ишлар ҳамда магистрлик диссертацияларининг илмий ва техникавий сифатини текшириб, қўйилган баллнинг ҳаққонийлигини аниқлаши зарур. Бироқ ҳали бирон марта у ердан "мана бу иш ортиқча баҳоланибди ёки қўйилган баҳога жавоб беролмайди", деган хулоса келгани йўқ.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, асл ижод соҳиби, ҳақиқий санъаткор муаллиф ҳеч қачон ўлмайди. Аксинча, бундай муаллифларни "ўлдириш"га жазм этганларнинг ўзи ночор аҳволда қоладилар. Чунки француз адиби Г.Флобер айтганидек, "ўзи кўринмаса ҳам асарнинг ҳамма ерида олам Худосидек ҳозиру нозир бўлиб туради"ган ҳақиқий муаллиф яшайди. Шундай экан, уни ҳеч қачон ўлимга маҳкум этиб бўлмайди.

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ

1954 йилда туғилган. Филология фанлари доктори, профессор. Тошкент Давлат педагогика институти филология факультетини тамомлаган. "Адабий танқид ва ўзбек адабиёти", "Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари" номли монографиялари, "ХХ аср ўзбек адабиёти" ўқув қўлланмаси, "Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи" дарслиги (ҳаммуаллифликда) муаллифи.

АДАБИЁТНИ ИСТЕЪДОДЛАР ЯРАТАДИ, ИСТЕЪДОДЛАР ЯНГИЛАЙДИ...

"Шарқ юлдузи" журнали саҳифаларида "Муаллиф ўлими"га сиз ҳам овоз берасизми? (ёки асл ижод соғинчи)" номи билан чоп этилган кузатувлари, ўй-фикрлари ва кейинги сонларда Зуҳриддин Исомиддинов, Маҳкам Маҳмудов ва Ҳамидула Болтабоевлар томонидан давом эттирилган ушбу мавзуга оид мулоҳазалар бадиий ижод ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди, албатта.

Дейлик, театр саҳнасида бир спектаклни томоша қилиш асносида туғилган ўй-мулоҳазалар муаллиф қалбида чуқур изтиробли кечинмалар ҳосил қилади, бадиий ижод қонуниятлари, чинакам ижод намунасига дахлдор жараёнлар ва аксинча, сохтакорликка асос бўлувчи манбалар, уларнинг моҳияти ҳақида фикр юритишга, муаммо сифатида бу мавзуни ўртага ташлаб, сизу бизни муносабат билдиришга чорлаган. Улуғбек Ҳамдам аллома файласуфларнинг фикрларига таяниб (Аристотелнинг "мимесис" назарияси), ижоднинг асл манбаи Яратганнинг яратиғи – Ҳаёт (борлиқ)дир, деган хулосага келади. Ҳар қандай яратилаётган асарда, аввало, ҳаёт асос қилиб олинмас экан, у чинакам бадииятга дахлдор бўлолмайди, деган мантиқ муаллиф кузатувларининг ўқ томирини ташкил этади. Шунинг учун ҳам ҳар бири ҳаётий дард билан йўғрилган Бобур шеърияти муаллиф дилига яқин, самимий туюлади.

Муаллиф асл ижодга соя соладиган омиллар ҳақида фикр юритар экан, "муаллиф ўлими"га у ёки бу муайян тарзда дахлдор бир қатор масалаларга тўхталади, уларнинг таърифу тавсифини келтиради, мисоллар билан бойитади. Жумладан, бадиий ижодда учрайдиган тақлид, кўчирмакашлик, атайинлик, аналогия, чалкашлик, таъсир ва тақдир, муштарак шароит ва ўхшаш ижод, ижодий таъсир, анъанавийлик, сайёр сюжет анъанаси, "давом эттириш" тамойили, шаклан ўхшашу мазмунан бошқа, муштарак мавзу, мимесис ва ҳоказо.

Адабиётни истеъдодлар яратади ва янгилайди. Зеро, минг йиллик адабиётимиз тарихига назар ташласак, унинг том маънода бадиий юксак намуналарини яратганлар бармоқ билан санарли эканини кўрамиз. Ваҳоланки, бу даврларда ижод билан шуғулланганларнинг санаб саноғига етиш қийин. Биргина Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"ида беш юздан ортиқ ижодкорларга таъриф берилган. Уларнинг аксарияти адабиётимиз тарихидан ўрин ололмаган. Ёки ХХ аср ўзбек адабиётини олайлик. Яқин-яқинда қўша-қўша орден-медаллар соҳиби бўлиб юрган амалдор "ёзувчи"ларни бугун кўпчилик унутган, китобларининг қайта нашрлари ҳам дўкон пештахталарида учрайвермайди. Бу жараённи З.Исомиддинов мақоласида таъкидланган аздлар билан рапсодларга менгзаш мумкин. Бадиий ижодга хос бундай хусусиятни бир вақтлар таниқли мунаққид И.Ғафуров одам организмидаги қон билан сувга ўхшатган эди. Қон инсон танасидаги суюқликнинг 4,5, 5 литрини ташкил этса, қолгани сувдан иборат экан. Қон тириклик манбаи, усиз одам яшай олмайди. Лекин сув ҳам инсон организми учун керакли унсур. Мунаққид фикрича, чинакам ижод қонга ўхшайди. Бироқ адабиётнинг ривожи учун сув мақомидаги асарлар ҳам муҳим, усиз чинакам бадиият ривожини тасаввур этиш қийин. Шу боис, Улуғбек Ҳамдам таъкидлаган тақлид, ижодий таъсир, анъаналарга эргашиб яратилган асарларнинг ҳам қай бир маънода адабиёт оламида ўрни

бордек. Адабиётшуносликда "Жаҳон ва ўзбек адабиёти", "Рус ва ўзбек адабиёти" ва бошқа йўналишларда жуда кўплаб тадқиқотлар яратилган ва яратилмоқда. Мақола муаллифлари ҳам бунга оид кўплаб мисолларни келтиришади. Улар ҳақида тўхталиб ўтирмай, бир мисолни келтирмоқчиман. Атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг эътирофича, адиб Чехов асарларини ўқиб-ўрганган сайин гўё устоди муборак кўзойнагини тақиб ўз ўтмишига назар ташлашни маслаҳат беради.

"Устоднинг "муборак" кўзойнаги ўзбек адибининг кўзини равшанроқ қилиб, зеҳнида чўкиб ётган хотираларни қайта тирилтириб қўя қолгани йўқ. Айни чоғда, асарни, айниқса, ҳикояни қандай ёзиш кераклигини, нима қилса "кафтдеккина" ҳикоя санъат даражасига кўтарилиб, умрбоқийлик касб этиши мумкинлигини ҳам ўргатди", деб ёзади бу ҳақда адибнинг шогирди, атоқли олим Озод Шарафиддинов. Адабиётимиз тарихида бундай адабий таъсир, тақлид, эргашиш билан боғлиқ мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Ўтган асрнинг олтмишинчи-етмишинчи йилларида ўзбек шеърияти намояндалари – Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповдан илҳом олиб, таъсирланиб, уларга эргашиб ижод қилган кўплаб шоирлар етишиб чиққан.

Мустақиллик шарофати билан Чўлпон адабий мероси халққа қайтарилди. Айни чоғда, ўша давр шеърияти, нафақат шеърияти, адабий танқиди, публицистикасини кузатсангиз, ўрни бўлса-бўлмаса "чиндан-да, шундан-да" қабилидаги Чўлпоннинг ифода йўсинига хос хусусият етакчилик қилганига гувоҳ бўласиз. Яна бир мисол. Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев ўз мақолаларида "синчи", "битик", " яратиқ", "ойдинларимиз" (зиёлилар) каби илгари учрамаган сўзларни кўп қўллайди. Қизиғи шундаки, сўнгги давр танқидчилиги, айниқса, ёш мунаққидларнинг мақолаларига бу сўзлар ҳам шундоқ "кўчиб" ўтди. Бу И.Ғафуров қайд этган "қон" ва "сув" адабиёт оламига хос ҳодиса эканини яна бир бор тасдиқлайди.

У.Ҳамдам мақоласида иллат сифатида кўчирмакашликнинг бугунги кунда жуда "такомиллашиб", хилма-хил кўриниш касб этаётганини таъкидлар экан, шундай ёзади: "Кўчирмакашликнинг ҳам хили урчиб, турфаланиб кетган. Шундай кўчиришлар борки, уни бирданига аслми ёки қалбаки эканини англаб олиш қийин. Чунки кўчирмакаш ғоят қув ақлу тафаккурга эга бўлиб, бир неча дурдона асарга хос унсурларни – шаклдан тортиб, сюжет шахобчаларию бадиий приёмларгача – ўз асарига пайвандлаб ташлайди, сўнг унга ниқоб, масалан, миллий тўн кийдириб, эътиборни чалғитади. Қарабсизки, бир қарашда биб-биной идек асар рўпарангизда турибди-да!"

Улуғбек Ҳамдамнинг кўчирмакашлик иллатига оид кузатишларини З.Исомиддинов, М.Маҳмудов ва Ҳ.Болтабоевлар ўз ҳаётий тажрибалари орқали давом эттиришади ва унинг сўнгги даврда ижтимоий дардга айланиб бораётган иллат эканини афсус билан қайд этишади. Мен ҳам талабаларга сабоқ берадиган бир педагог сифатида оддий рефератдан тортиб, курс ишию ёзилаётган аксар битирув малакавий ишларда ушбу иллат билан юзма-юз бўлаётганимизни таъкидлашни истардим. Тўғри, бажарилаётган ишларнинг барчаси ёппасига кўчирмакашликдан иборат, деган фикрдан йироқман. Меҳнат билан, чинакам илмий изланиш орқали янги бир фикр айтишга уринаётган талабаларимиз ҳам кўп. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, кўчирмачилик, тайёрга айёрлик талабалар орасида урчиб кетгани рост гап.

Улуғбек Ҳамдамнинг "муаллиф ўлими" билан боғлиқ ўртага ташлаётган масалалари Маҳкам Маҳмудовнинг "Тақлид, тасвир, илҳом ва истеъдод" номли мақоласида ҳар томонлама ўзининг илмий ечимини топганлигини таъкидлашни истардим. Олим Улуғбек Ҳамдам томонидан келтирилган Ролан Бартнинг "Сарризин" асари муносабати билан "муаллиф ўлими"га оид қарашларига муносабат билдирар экан, ишонарли таҳлиллар билан Бальзак истеъдодига муносиб баҳо беради. "Р.Барт келтирган мисолда, муаллиф "ўлмайди", аксинча, бундай тасвирда муаллиф – Бальзак кўринади", деб ёзади у.

"Муаллиф ўлими"га хос мушоҳадалар билан танишар эканман, бу долзарб муаммо ҳаётнинг барча жабҳаси билан боғлиқ эмасмикан, деган фикрга келдим.

Зеро, бу ўй-мулоҳазаларда тилга олинаётган "муаллиф ўлими" ғоят кенг тушунча бўлиб, унга тааллуқли масалаларни фақат бадиий ижод ёки адабиёт илми доирасидагина талқин этиш мумкин эмасдек туюлади. Бу муаммолар, таъбир жоиз бўлса, инсоният тарихининг тараққиёт тадрижини белгилаб берадиган, ижодкорлик, кашфиётчилик фаолиятининг барча қирраларини қамраб оладиган глобал муаммолардан биридир. Зеро, барча соҳаларга оид кашфиёт, ихтирочилик бирдан бугунги ҳолатдагидек мукаммал тарзда яратилган эмас: оддийгина кундалик турмушимизда узлуксиз қўлланиладиган қаламнинг ҳам яратилиш тарихи, муаллиф(лар)и бор. Илк кашф қилинган пайтда муайян муаллиф томонидан патқалам (ёки учи йўнилган қамиш чўп) шаклида пайдо бўлган қаламнинг бугунги

кундаги хилларини санаб охирига етиб бўлмайди. Ва ҳар бир хилининг яратувчилари бор. Бу яратувчилар асл нусхадан бир улги олиб янги-янги турларни яратар экан, уларни кўчирмакашлик (плагиатлик)да айблаш ҳам ножоиз. Чунки юқорида айтганимиздек, ҳар бир кашфиётнинг ўз яратилиш тарихи ва тараққиёт босқичлари бор. Биргина қишлоқ хўжалиги соҳасини, хусусан, пахтачиликни оладиган бўлсак, турли йилларда кўплаб муаллифлар томонидан ўнлаб янги навлар яратилган, ҳар бир янги навни олдингиларидан серҳосил, эртапишар қилиб яратилишга қаратилгани билан ажралиб туради. Лекин янги пахта навини яратган олимлар мутлақ йўқ жойдан Америка кашф этишмаган, албатта, балки олдин бошқалар томонидан кашф этилган навнинг бирон-бир қиррасини янгилаш, такомиллаштириш билан ўз мақсадларига эришишган. Тўғри, янги нав ҳаётга татбиқ этилгандан сўнг эски нав истеъмолдан чиқиб, ўз ўрнини янгисига бўшатиб бериши мумкин, бироқ бу унинг муаллифи "ўлиб", ўрнини янги муаллиф эгаллади, дегани эмас. Пахтачилик тарихининг муайян босқичида унинг ҳам ўрни сақланиб қолаверади.

Бадиий ижодни, адабиёт илмини ҳам қайсидир маънода шунга менгзаш мумкиндек туюлади менга. Бунга мисол қилиб мумтоз шеъриятимизда деярли барча шоирлар ижодида учрайдиган бир хил (ошиқ, маъшуқа, ёр, сарв, ҳилол, оҳу, май, майхона ва ҳоказо) каби поэтик образ ва тимсоллар, поэтик воситаларни келтириш мумкин. Бу каби образларни барча шоирлар ўз асарларида қўллайди, бироқ поэтик мазмунни ўз концепция ва туйғулари билан янгилайди. Асарнинг оригиналлиги ҳам шу билан ўлчанади. Ёки адабиёт тарихи ва адабиётшуносликнинг назарий муаммоларига бағишланган дарслик ва қўлланмаларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. "Адабиёт назарияси"га оид дастлабки дарслик ўтган асрнинг 30-йиллар охирида Иззат Султон томонидан яратилган эди. Кейинчалик, саксонинчи йилларнинг бошида И.Султон дарсликнинг янги нашрини эълон қилди. Унинг раҳбарлигида Тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан икки томлик "Адабиёт назарияси" чоп этилди. Ҳ.Умуров ва Э.Худойберганов ҳам алоҳида-алоҳида назария ҳақидаги дарсликларни яратишди. Т.Бобоевнинг "Адабиётшунослик асослари", Д.Қуронов ва А.Улуғовнинг "Адабиётшуносликка кириш" каби ўқув қўлланмалари чоп этилди. Бу дарслик ва қўлланмаларнинг мавзу кўлами деярли бир хил бўлиб, унда келтирилган адабиётнинг предметидан тортиб, тур ва жанрларигача, сюжет ва композиция, конфликт ва характер, шароит ва макон, ижодий метод, бадиий тил ва услуб каби муаммолар ҳақидаги кузатишлар бир-биридан унча фарқ қилмайди. Келтирилган мисоллар бошқа-бошқа бўлса-да, назарий фикр ва қоидалар қарийб бир хил. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки рус ва жаҳон адабиётшунослигидаги дарсликлар ҳам айнан шу тарзда яратилган бўлиб, қайсидир маънода ўзбек адабиётшунослари учун андоза ролини ўтаган. Бу фикрий яқинлик учун муаллифларни кўчирмачилик ёки ўзлаштирмовчиликда айблаш мумкинми? Ахир, уларнинг ҳар бири назарий қарашларни у ёки бу тарзда ўз кузатувлари билан бойитишга ҳаракат қилишган-ку?

Модомики шундай экан, "муаллиф ўлими" деган тушунчани қандай изоҳлаб, қандай баҳоламоқ керак? Улуғбек Ҳамдамни ўйлантирган, бошқаларни ҳам баҳс-мунозарага чорлаган муаммоларнинг ечими қандай бўлиши лозим? Муаллифларнинг бу борадаги фикрлари билан танишар эканман, улар асосий эътиборни асардаги муаллиф "мен"и, ижодкор истеъдодига қаратишганига гувоҳ бўлдим. "Демак, бадиий тасвирда муаллиф "ўлими"эмас, муаллиф шахси, истеъдоди ҳал қилувчи фазилатдир" (М.Маҳмудов).

Хаёлимга бундан ўн беш йиллар олдин талабаларга айтилган бир маъруза ёдимга тушди. Йигирма йилча муқаддам халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов бир муддат Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаларига махсус курсдан маърузалар ўқиган эди. Ушбу сабоқ жараёнида мен ҳам тингловчилар қаторида бўлиб, аллома шоиримизнинг бадиий ижод жараёнига оид фикрларидан баҳраманд бўлганман. Абдулла ака маърузаларининг бирида бадиий асарнинг боқийлиги сирлари, мангу барҳаёт асарлар ҳақида фикр юритар экан, бунинг асосий сабабини бадиий асардаги сатрлар қатида ўзлигини намоён қилиб турадиган ижодкор шахси, муаллиф "мен"и руҳияти билан боғлаб тушунтирган эди. "Ҳар қандай бадиий асарни ўқий бошласангиз, ундаги ўлик мисралар жонлана бошлайди, шунда сиз сатрлар орасидан ўзлигини намоён қилаётган ёзувчи сиймосини кўра бошлайсиз. Унинг қалби, руҳияти, орзу-умидлари, бир сўз билан айтганда, ўзлиги билан танишасиз. Бундан беш юз йил олдин яшаб ижод қилган ижодкор ҳам китобларидаги сатрлар қатида тирик руҳи билан кезиб юрибди", деган мазмундаги фикрларни айтган эди.

Демак, кўчирмакашлар, Улуғбек Ҳамдам айтганидек, қанчалик қувлик ва айёрлик билан ўз асарларига "миллий тўн" кийгизишмасин, барибир, асл муаллифнинг руҳини матн

қатидан ситиб чиқариб юбора олмайди. Менинг назаримда, "муаллиф ўлими" тушунчаси фақат кўчирилиб, муаллифнинг номи алмашиши билан боғлиқ эмас. Чунки кўчирилса ҳам асл матннинг ўзи ҳам сақланиб қолади-ку?! Унда "муаллиф ўлими"га номзодлар кимлар?

...Буюк француз ёзувчиси Ги де Мопассаннинг "Азизим" романи бош қаҳрамони, унтер-офицер сифатида Африка колонияларида хизмат қилиб келган хушкомат, мўйлови ўзига ярашган, қарашлари ўктам Жорж Дюруа, айни пайтда, беш франкдан қолган қайтимни чўнтагига солиб, Париж кўчаларида сандироқлар экан, қандай қилиб маҳбубаларга эришиш, тезда дурустроқ ҳомий топиб бойиб кетиш, бир сўз билан айтганда, "баланд дорга осилгиси келарди". Мана шундай ҳавойи хаёллар билан кезиб юрганида собиқ хизматдоши Форестьени учратиб қолади. Дюруага раҳми келган Форестье уни уйига таклиф қилади. Шу тариқа, киборлар оламига кирган қаҳрамонимиз кўркам қомати ва сўзамоллиги билан уларнинг назарига тушади. "Француз ҳаёти" газетаси муҳаррири жаноб Вальтердан "Африка ўкчисининг хотиралари" мавзуида туркум мақолалар учун буюртма ҳам олади.

Бироқ хонимлар олдида мароқланиб, қўшиб-чатиб айтган ҳикоясини мақола қилиб ёзишга келганда чуви чиқади. Ёзишга қоғози ҳам бўлмаган Дюруа почта қоғозининг ўртасига сарлавҳа қўйишдан нарига ўтолмайди. У чираниб-кучаниб бир неча жумла ёзади-да, алам билан қаламни улоқтиради. Ёзувчи Дюруанинг айни пайтдаги руҳий ҳолатини маҳорат билан тасвирлайди:

"Дюруа шу тобда тиниқ фикрлолмай турарди, у эҳтимол, буларни оғзаки боплаб ҳикоя қилиб бериши мумкин эди, лекин ҳозир қоғозда ифодалаб беришда ожизлик қилмоқда эди. Унинг икки чеккаси лўқиллаб кетди, қўлларини қаттиқ тер босди, қоғоз қаршисида ожизликдан иситмаси кўтарилган ҳолда у яна ўрнидан туриб кетди" (Ги де Моппасан. Ҳаёт. Азизим. Новеллалар. Тошкент, 1987. 249-бет). "Қоғоз қаршисида ожизлик" Дюруани яна Форестье ёнига нажот излаб боришга мажбур қилади.

Унга раҳми келган Форестье уни хотини ёнига йўллайди. Шу тариқа асарга етакчи қаҳрамонлардан бири (энг муҳими, Дюруанинг келажагини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнаган ва мавзуимизга бевосита дахлдор бўлган) – Форестье хоним – Мадлена кириб келади. У Дюруанинг арз-ҳолини эшитгач, қўлига қалам-дафтар тутқазади-да, ундан мақола учун керакли материалларни сўроқлаб олади ва мақолани ёздира бошлайди. Шунда биз ҳақиқий истеъдодни кўрамиз. Дюруанинг узуқ-юлуқ хотиралари Форестье хонимнинг теран ақли ва учқур хаёлот олами орқали ажойиб кундаликка айланади. Мақола ёзиб бўлинган ҳолатни ёзувчи қуйидагича тасвирлайди:

" – Давоми эртага! – шўхлик билан деди Форестье хоним ва курсидан турар экан, қўшимча қилди: – Мақола деган мана бундоқ ёзилади, онҳазратим. Дастхатларини ёзиб қўйсинлар.

Дюруа иккиланиб қолди.

– Қўлингизни қўйинг деяпман!

Дюруа кулиб юборди-да, саҳифанинг тагига "Жорж Дюруа" деб имзо чекди" (ўша манба, 257-бет). Мақола эртаси куни газетада чоп этилди ва анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлди. Ана шу тариқа журналистика оламига битта истеъдодсиз номзод кириб келди ва тилга олинган "муаллиф ўлими"га яна битта асос солди.

Муҳтарам ўқувчи! Сизга яхши таниш бўлган роман қаҳрамони, биринчи мақолада таъкидланганидек, "ғоят қув ақлу тафаккурга эга бўлган" Жорж Дюруанинг парвозларини батафсил ҳикоя қилиб бермоқчи эмасмиз. Айтмоқчи бўлганимиз, асар қаҳрамони айнан шу "муаллиф ўлими"га дахлдор асос туфайли жамиятнинг юқори доираларига устомонлик билан кириб боради. Бир вақтлар ўзига яхшилик қилган Форестьенинг вафотидан кейин унинг нафақат амалини, хотинига уйланиб хонадонини ҳам эгаллайди. Энди Мадлена туфайли унинг қалами янада "ўткирлашиб", ҳамкасбларининг баъзан киноя билан "Форестье" деб чақиришларига ҳам сабаб бўлади. Вақти келиб, яна юқорироқ мавқеларни кўзлаган Дюруа хотинини ўйнаши билан тутиб олиб, у билан ажралишади-да, ўзи ишқибозлик қилган Вальтер хонимни даҳшатга солиб, қизи Сюзаннага уйланади ва қари Вальтернинг ўрнини эгаллайди...

Ёзувчи маҳорат билан Дюруа каби истеъдодсиз кишилар жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муҳитдаги ожизликлар туфайли устамонлик билан юқори мавқеларга чиқиб олишларини тасвирлаб бера олган. Таассуфки, бу жараён барча даврларга хос бўлган ўта "яшовчан" ҳодиса эканини юқорида тилга олинган мақола муаллифларининг кузатувлари ҳам исботлаб турибди.

НАЗМ

Ҳилола ИСМАТОВА

1974 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти Навоий филиалининг филология факультетини тугатган. Вилоят "Дўстлик байроғи" газетаси мухбири. Шеърлари "Навоий гулшани", "Рангин наволар", "Навоийликлар гулдастаси" каби жамоавий тўпламлардан ўрин олган.

УМИДИМ ~ ДИЙДОР

* * *

Қиш, муз, қор,
Сувлар яхлаган.
Менинг қари даричам узра,
Ғичир-ғичир соғинч алами...

Шамоллар ўхшайди онамга,
Жисими йўқ, қўллари йитган.
Бармоқларин тополмасаям,
Сочларимни ҳамон силаган.

Онам каби покиза боғлар,
Азадорми – қорга ўралган.
Ҳувуллайди ғариба бағир –
Мевалари кузда таланган.

Қаерларда совқотар онам,
Эгни юпун, сочи очиқми?
Битта рўмол тутолмайман, ман,
Уйим тўла латта-путтадан.

Деразамдан киролмайди қиш,
Онам каби мўлтираб турар.
Уйим иссиқ, юрагим бўм-бўш,
Қисмат қолган умрни курар.

Кафтларимда совиб борар қор,
Ёддан чиқмас онам кирган туш.
Шудир энди, умидим дийдор,
Дийдор тушдир, дийдор энди туш.

* * *

Вақт – юриш.
Давом этиш.
Тўхтамаслик.
Сўнгга интилаётган сўнгсизлик.
Мен эса, шохлари қуриётган дарахт –
Томирлари ҳеч қачон ўлолмас тирик.
Кўнгил – катта кўнгилсизлик.
Умид тугилаверар азоб багрида,
Умид – ҳар лаҳза тугилган оғриқ.
Интилиш – сабрсизлик.
Интилмаслик – қўрқоқнинг қилиғи.
Вақт, кўнгил, умид...

* * *

Кўксимга чўккан зулмат тарқади:
Қуёш мен учун, олам мен учун.
Толеим тахти кўкдан имлади,
Бахтимнинг умри, умрдан узун.

Тилло балиқларнинг зиёси гирён,
Не истак қалбда, ижобат шу он.
Гўё жаннат ичра турардим ҳайрон,
Пойимдаги қаср нурдан чароғон.

Оппоқ зиналари орзумга бошлар,
Фаришталар ундан силкитади қўл.
Ҳар бир эшиги исмим-ла очилар –
Сеҳрли кўргонга етиб келди йўл.

* * *

Фақат кўнгил,
Адашган сингил,
Ўн беш ёшли маҳзун мусича.

Дон яширган
Кафт ёзувини
Тумшуқларинг билан қонатдинг.

Кафтлар юмилди,
Кафтлар йиғлади,
Чизиқлари айқашиб кетди,
Қайси йўлдан учасан энди?

* * *

Мен эсам ёмғир,
Деразангни қанча чертсам,
Осмондан қанча ерга қуласам,
Қалбинг қулф.

Шовдираб-шовдираб тўкилсам,
Жовдираб-жовдираб термулсам,
Барибир, бу йиғи сўзмас,
Кўнгилга сиғмас...

Қанча ёғсам ича олмасман,
Ёмғир тилин тушунолмасман.
Тупроқларга қоришмагунча
Кўзёшимни тинглаёлмасман.

Мен йўлда қолган ҳасрат.
Ғамга ботгинг келса, бир қара,
Қайғу чеккинг келса, қарагин.
Бунча ғамгин, бунчалар ғамгин,
Тинаётган ёмғир товуши?

* * *

Қиёфа йўқ,
Туман ичра занг ичган сурат
Ё бахтсиз рафтордан иборат.

Яна оғриқ – минг йиллик соғинч
Кўзиб турар, вақт ўтган сайин.
Шу кенглик ва жимликдан майин
Нур каби нимадир имлайди.
Ай, бу кўзлар-ку, бирам эскирган,
Уларни янгилаб олавердим, ман...

Қимтиниб-қимтиниб қуриган
Суратларга қалбим тўла.
Менга нима бўлган,
Вақт киролмасми қалбимга?
Вақт кетолмасми,
Вақт гирдимда тентираб қолган?..

Навоий

НАЗМ

Умид АЛИ

1978 йилда туғилган. Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. "Дилмоҳим", "Кўкка йўл", "Салом, ширин туйғулар" шеърий ва насрий тўпламлар муаллифи. "Кўнгилга сайр" суҳбатлар тўплами чоп этилган. Эрудит ижодий марказининг "Аъло кайфият" журналида масъул котиб.

ЭРКАЛАЙДИ ЮРАКНИ ҲИСЛАР

* * *

Сен Ватандан сўз очсанг гулгун,
Ҳаёт пешонамдан ўпар бот.
Ҳар дақиқам севинч ва кулгу,
Юрагимда ишқ лим, ҳижрон ёт.

Сен Ватандан сўз очсанг гулгун,
Офтоб бошим узра меҳр – она.
Мен ҳар лаҳза меҳрга тўлгум,
Куним ўтар завқли, мастона.

Сен Ватандан сўз очсанг гулгун,
Кафтга олгим келар дунёни.
Тун қувилиб, узаяди кун,
(Умри ниҳоясиз зиёнинг.)

Сен Ватандан сўз очсанг гулгун,
Оҳангларда жаннат навоси.
Мен ҳам расо, бемуддат ўсгум,
Ватан дея, чертиб қалб созин.

Ватан! Бу куй шиддатли, нафис –
Борлигимча куйлашим керак.

Мен уйғоқман, покман ва пок из,
Сен Ватандан сўз очсанг... юрак!

* * *

Сингиб кетсанг тонгда сабога,
Асир этса сени ифорлар.
Сен ўзингдан қолдирсанг бир из,
Исминг айтиб турса баҳорлар.

Ҳар бир гунча уйғонса биллур –
Ўйларинг нур сочса жаҳонга.
Ҳисларингни илгаса дунё
Ва айланса афсунгар тонгга.

Ҳаёт сени олса қистовга,
Бўлак-бўлак бўлсанг-да, тонсанг.
Ютиб юборса-да, сени тун,
Ҳар тонг шафақ бўлиб уйғонсанг.

* * *

Сукунатнинг тўлқинларини
Эшитмоққа қодир фақат тун.
Туннинг сокин тўлқинларини
Тинглай олар бир бағри бутун.

Бағри бутун уйқуларини
Англар зада, бир нотинч юрак.
Бу юракнинг туйғуларини
Илғаш учун муҳаббат керак.

* * *

Сендан анқир баҳорий ислар,
Кўзларингда уйғонар умид.
Эркалайди юракни ҳислар –
Чолғулари зафарли ишқ – ийд.

Сочларингда шовуллар баҳор,
Таратиб шўх муаттар бўйлар.
Юрагимни қитиқлаб, дарҳол,
Ялпиз ислар таратар ўйлар.

Юзларингда баҳор жилваси,
Нозларингда тиллалар қат-қат.
Ортиб борар ишқим ҳаваси –
Зарларингда ўлдир муҳаббат.

Сендан анқир баҳорий ислар,
Севги ифорига лим дунё.
Сен мен сени севган шу кезлар
Қизғалдоққа айланасан-о!

Қирларда сен, адирларда сен,
Кўчоғимга сиғмайсан, моҳтоб.
Баҳорқизга айланган гулсен,
Мен ишқингда куйган дил-офтоб.

Сендан анқир баҳорий ислар...

* * *

Кескир нигоҳингни айлайди ишғол,
Гавҳарингни ёриб, шўнғир ичкари.
Рангсиз ўйларингга сингар ва хаёл
Сутдай оқарар. Онг осмондай қарийб.

Туйғулар бўшалар, қалб ҳам ҳур, озод,
Ҳислар тўкар гардин, йўлинг оқдан-оқ.
Сен энди кўтариб руҳингни азот
Самога шошасан, юрагинг – учоқ.

* * *

Туннинг куни битди, тонг ўсди ўктам,
Бесоҳил осмоннинг ёриди кўзи.
Одам қутлагани каби одамни
Шарафга кўмдирди олам ўз-ўзин.

Нур ичиб борадир осмонма-осмон –
Нигоҳлар... тарз айлаб сокиндан-сокин.
Шу кичкина кафтга дунёни жойлаб,
Қўшиқлар айтади юрагим – оқин.

Саҳар пайт хаёллар... зарра ғубор йўқ,
Кўнглинг ҳам шафақдай, тонг каби тоза.
Кўзларинг юммагин, муҳрлансин кўк,
Тонг – фаришталар очган дарвоза.

Самарқанд



НАСР

БАҲОР

1972 йилда туғилган. Фарғона Давлат университетини тугатган. Ҳозирги кунда мактабда она тили ва адабиёт фани муаллимаси. Ҳикоялари республика матбуотида эълон қилинган.

ШАМОЛ ҲИКМАТИ

Ҳикоя

Мусофир нафас ростлаш учун йўл четидаги харсанг устига омонат ўтирди. Ҳар томонга жавдираб сув ахтарди. Нотаниш қиёфалар орасидан бир меҳрибон сиймони топиш маҳол эди. Яқин орада бозор бор шекилли, кимдир ўша ёққа интилса, кимдир елкасига оғир юк ортиб қайтяпти. Балки излаганини ўша жойдан топиши мумкиндир? У яна ўрнидан турди. Нигоҳлари оёқларидан ҳам олдин гавжум бозор томонга шошди. Пештоқига катта ҳарфлар билан "БОЗОР" деб ёзилган ошёнга умидланиб етиб келди.

"О, бозорни кўринг! Одамзоднинг қудратига қаранг! Кўз яйрайди! Бу ердан ҳамма нарсани топиш мумкин... Одамлар мунча бир-бирларини туртиб ўтадилар? Нега шошадилар? Бунча дилозор, такаббурлар? Кўзлари бирам қаттиққи..." – хаёлидан ўтказди у.

– Нега анқаясан? Ҳеч нарса олмасанг, харидорни тўсма! – дўкондорнинг жеркиб айтган гаплари томошаталаб оломонга баҳона бўлди:

– Пули бўлса олади-да, – тиржайди бақбақаси осилган аёл мусофирга бошдан

БИР РАМЗ ИЗИДАН

Аёллар шеърияти ҳақида кўп ёзилган. Аёллар насри ҳақида-чи?

Кейинги йилларда адабиётимизга жиддий қадамлар билан бир неча адибалар кириб келишди: Баҳор, Нафиса Тоштемирова, Биби Робия деган номлар ўзларининг кичик жанрдаги бақувват асарлари орқали адабий жамоатчилик эътиборига тушди, десам муболаға бўлмас. Чунончи, Баҳорнинг "Илон муҳаббати", "Ибодат" каби ҳикоялари аввал ҳам журналимизда чоп қилинганини, ўқувчи ва мутахассислар орасида турли баҳс-мунозарага сабаб бўлганлигини эслайман. Мана, қўлимизда унинг яна бир ҳикояси – "Шамол ҳикмати". Ҳикоянинг маъноси кучли рамзлар қатига ўралган. Бундай ҳикоялар профессионал ёзувчи томонидан ҳам, ҳали ҳеч ким тан олиб улгурма-

оёқ назар соларкан.

– Томошахонамас, бозор бу, – деди хонимнинг ёнидаги олифта дугонаси ҳиринглаб.

Мусофир изза бўлиб четга чиқаркан, кўнгли оғриб, туртиб ўтаётган оломон орасига ўзини урди.

Бирдан турган шамол одамлар устига чанг ёғдириб, хазонларни юзларга ура кетди. Кираверишга омонатгина илинган БОЗОР сўзининг бош ҳарфи қулаб тушди…

Мусофирнинг томоғи қақраб нигоҳлари дўконлар оралаб сарсон югурди. Ҳамма нарса мўл, лекин нега ўша излагани йўқ? Нега?!

– Сиз нима ахтаряпсиз? – дўкондорлардан бирининг илиқ муомаласи мусофирни дадиллантирди:

– Менга ҳалиги… ҚАДР борми?

– Нима у? – қаппайган қорнини силади дўкондор.

– Майли…

– Бундоқ тушунтириб айтинг-чи.

– Қўяверинг.

Ўчакишгандай шамол ҳам яқини ўлган одамдек ув тортарди. Мусофирнинг қадами чалишиб, толиқиб кетиб бораркан, сон-саноқсиз дўконларга умидвор жавдиради:

– Сизда ҚАДР топиладими?

– Йўқ…

– Кечирасиз, сизда…

– Унақа матоҳни энди эшитяпман…

– Биласизми, менга…

ган номаълум ҳаваскор тарафидан ҳам кутилмаганда ёзилиб қолиши мумкин. Чинакам адабиёт учун ижодкор жинси ҳам, ижтимоий мавқеи ҳам аҳамият касб этмайди: унинг қаршисида эркагу аёл, ёшу қари, бою камбағал – барча бир хил имтиёзга эга.

Халқимиз дунёни бозор, дейди. Яна "отанг – бозор, онанг – бозор" қабилидаги, минг йил яшаб бир бор айтилган ҳикматли гаплари кўп унинг. Бозорбой, Бозорбуви деган эркагу аёл исмлари ҳам бор. Дарҳақиқат, бозор инсон ҳаётининг ҳамма жабҳаларига кириб борган. Бозорсиз кишилик жамияти тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Бозор, бир сўз билан айтганда, инсон эҳтиёжларини меъёру тартибга солиб турадиган олди-берди майдони. Бу бозорнинг тўғри ва ўз маъносидаги мазмун-моҳиятидир. Бозорга тўғри муносабатда бўлингандагина у ўзининг ана шу мазмунида, тўғри маъносида юз очади. Лекин нотўғри муносабатда бўлинса-чи? Меъёр бузилади. Инсоннинг дунёга келиб кетишидан мақсад-муддаоси бозордангина иборат бўлиб қолади. Натижада руҳ бозорда елиб-югуриб юрган жисм босими остида қолиб озор чекади. Инсоннинг руҳий тарафи заифлашганда эса ўз-ўзидан унинг ҳайвоний сифати гуриллаб ўсади. Ҳикоя шу ҳақида. Пештоқига "Бозор" сўзи омонатгина илинган ошёнга ташна мусофир ташриф буюради. Лекин уни нигоҳлари қаттиқ оломон қарши олади. Шамол туради ва "Бозор" деган ёзувнинг бош ҳарфи учиб кетади. (Биз ҳикоянинг асосан шу мотиви, яъни шамол ва ҳарф ўйинлари зиммасига юклатилган рамзий маъно ҳақида мулоҳаза юритамиз). Қаршимизга "озор" деган ёзув чиқади. Дарвоқе, бозор озорсиз бўлмайди. Бозор бани одамнинг инсонийлигига озор етказади. Бозор деганимиз қайсидир дамларда фақат ва фақат озордангина иборат бўлиб қолади. Айниқса, мусофир янглиғ қидирган нарсасини тополмаса. У "Қадр" излаб юради ҳикояда. Дам ўтмай шамол яна бир ҳарфни учиради ва пештоқда "зор" деган ёзув қолади. Ҳамма бозорга нимагадир зор бўлиб келади. Мусофир эса "қадр"га. Яна бир ҳарф учади ва рўпарамизда "ор" деган ёзув пайдо бўлади. У нимани англатади? Балким бозордаги инсоннинг хорлигидан, ўзининг эса шу ерда хўрланганидан мусофир қалбида пайдо бўлган туйғунинг номидир бу. Кейин... кейин "о" ҳарфи ҳам қулаб тушади, фақат "р" қолади. Ўзбек тилида бу ҳарф ўз ҳолича ҳеч қандай лексик маъно англатмайди. Лекин инсон "р"ни узлуксиз равишда талаффуз қилса, оғзидан итнинг ириллашини ёдга соладиган овоз чиқади. Боя айтдик-ку, бозорга нотўғри муносабат-

– Ўрнига бошқа нарсаларимиздан танлай қолинг…
– Сизларда…
– Унақаси ҳозир урфда эмас…
– ҚАДРни қайдан топсам бўларкин?
– Аввал бўларди. Ҳозир… билмадим.

Шамол аламзада одамдай дўконлардаги матоҳларни у ёқ-бу ёққа ота бошлади. Бозор пешонасига омонатгина қоқилган сўзнинг энди иккинчи ҳарфини ҳам учириб ерга урди…

Мусофир оёқлари титраб шундоқ ерга чўккалади. Юзини тўсиб турган рўмол ҳам шамолда гўё ўзини қутқармоқчидек юлқинди. Унинг кўзларидаги самимият нури юзларини шуълалантирди. Атрофдаги оч назарли кимсалар нигоҳида нафснинг қизғиш чизгилари яшиндай чақнаб ўтди. Бир зумда улардан бири мусофирни ердан турғизиш учун тилла тишларини кўрсатиб тиржайганча қўл узатди.

Мусофир унинг қўлини муаллақ қолдириб, даст турди, кийим-бошини қоқди-да, йўлида давом этди.

– Шундай кўркам аёлнинг сарсон юриши яхши эмас, – ёши бир жойга борган бошқа бир савдогар ялтоқланди.

"Ёши улуғ одам экан, инсофи бордир", – ўйлади мусофир.

– Сиз билмайсизми, амаки, ҚАДРни излашдан наф бормикин?
– Қадр излаяпман денг… сиз учун топиб бераман…
– Наҳотки?! Олижаноб инсон экансиз!..
– Лекин… Бозорнинг ўз қоидаси бор: эвазига...
– Бунинг ҳам нархи борми?
– Ҳамма нарсанинг нархи бўлади.
– Қанча?.. – ҳафсаласи пир бўлиб сўради мусофир.

да бўлинса, одамнинг инсоний тарафи ожизланиб, ҳайвонийлиги кучаяди, деб. Мана, ўша гапнинг исботи! Албатта, ҳикояда бунга ишора йўқ. Унда бирин-кетин барча ҳарфларнинг ерга учиб тушгани ҳақида бадиий информация берилади, холос. Лекин ким айтди бизга "адабиёт ҳамма нарсани ғозимизга чайнаб солиб қўяди" деб? Бир ўқувчи сифатида бадиий асар йўналтирган томонга қараб юриш ва бу йўлда тинмай мушоҳада юритишга барчамизнинг ҳақимиз бор деб ўйлайман. Умуман, рамзлар ва тимсоллар асосига қурилган адабиёт ўқувчини мана шу тарзда фикрлашга ундайди, йўналтиради, асло тайёр хулосалар тақдим этмайди, манзилгача кузатиб қўймайди. Манзилга бориш, кўпинча, ўқувчининг ўз закосию заҳмати эвазига бўлади. Баъзан эса омад ҳам унга ёрдам беради.

Ҳикояга қайтамиз. Эртаси куни шамол учирган ҳарфлар "галати тасодиф туфайли" ерда яна бир сафга тизилиб қолишади. Аслида, бу тасодиф эмас, балки айни илоҳий ишора, ҳикмат бўлса, не ажаб! Тизилиб қолган ҳарфларнинг бошидаги "Б" бошқа пештоқдан худди шу тарзда учиб тушган, шамойили учаётган қушни эслатадиган ҳарф билан алишиб қолади. Хўш, учаётган қушни қайси ҳарф ёдга солади? "М" эмасми? Шу янглиғ, ерда тизилган янги сўз "Бозор" деб эмас, "Мозор" деб ўқилади! Ёзувчи нимага ишора қилмоқда? Бозорга нотўғри муносабатда бўлиб, уни тирикчиликнинг воситасига эмас, балки тирикликнинг олий мақсадига айлантириш алал-оқибатда инсоннинг қабрига айланиши мумкинлигига эмасми?! Демак, айрим кишилар ўзларини, тўғирироғи қалбларини бозорга элтиб ўз қўллари билан кўмиб келар, бозорни мозорга айлантирар эканлар-да...

Лекин бу каби маъноларни ҳар доим ҳам уқа биламизми? Мусофир қолдириб кетган изнинг сирини-чи? Нега у излаганини бозордан тополмай кетиб қолди? Қайга кетди? У қолдирган излар бизни қай сорига бошламоқчи?.. Булар ёзувчининг ҳаётдан илғаб олганлари. Лекин атрофимизда яна қанчадан-қанча шу каби ҳикматлар сочилиб ётгандир-у, биз бўлсак уларнинг олдидан бефарқу лоқайд ўтиб кетаётгандирмиз. Нега? Чунки бозорга енгилганмиз. Инсон бозорга эмас, бозор инсоннинг ичига кириб олган... Ёзувчи кафтдеккина ҳикояси майдонининг қоқ ўртасига каттакон ногора ўрнатиб олиб, ана шу хавф ҳақида бонг ураётгандек, назаримда.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, ҳикояда зўр рамз – топилма топилгани ҳолда унда айрим ишланиши, пишитилиши керак бўлган жиҳатлар ҳам йўқ эмас-

– Ҳеч қанча. Мен бойман, пулга муҳтожлик жойим йўқ, номусга алишаман.

– Қиммат экан!.. – унинг нозик қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди.

– Ақлингизни йиғинг. Мен билан ҳеч нимага муҳтож бўлмайсиз. Бу гулбаданга манави одми кийимлар муносибми? Қўйинг, қаёқдаги хомхаёлларни. Яшашни билинг!

– ...

– Қаёққа?! Шошманг!

– ...

Заиф вужуд шамолга томон тик борган бу пайтда одамлар пана-панага яширинишар, бўронга айланаётган шамол эса мусофирнинг кўзёшларини қуритиб, нокасларни унинг атрофидан ҳайдамоқ учун кучлироқ ҳайқирарди.

Бозор пештоқидаги сўзнинг навбатдаги ҳарфи қулаб тушди... Кечга бориб эса ёзувдан асар ҳам қолмади...

Тонгда шамол тинди. Тупроқда абгор ётган ҳарфлар ғалати бир тасодиф туфайли аввал қандай ёзилган бўлса, дарвоза ёнига ўшандай терилиб қолган, аммо кечаги бўрон кўчадаги бошқа шу каби ёзувларни ҳам учириб ташлагани боис бозор остонасига сўзнинг бош ҳарфигина парвоз қилиб бораётган қушнинг қанотларини эслатувчи бошқа бир ҳарф билан алмашиб қолган эди. Ҳаммаёқ алғов-далғов, фақат мағрибга томон бир томонлама кетган қадам излари орасида янги пайдо бўлган ёлғизоёқ изгина шундайлигича сақланган, довул унга ҳеч бир путур етказмаган эди.

Бозор яна қизиди... Аммо одамлар ёнгиналарида ШАМОЛ қолдириб кетган ҲИКМАТни сезмадилар...

дек. Бу нарса, аввало, асар тилида, баён ва тасвирида кўринса, қолаверса, ҳикоя қаҳрамонининг қадр излаб, сарсон бўлганида сезилади. Чунки, назаримизда, қадр (меҳр, шафқат, инсоф, иймон, эзгулик ва ҳоказо) сўраш мотиви адабиётимизда анчайин сийқаланган мавзу. Лекин, барибир, ҳикояни тутиб турган асосий устун – шамол ва ҳарфлар ўйини мотиви рамз даражасига кўтарилиб, асарга алоҳида қўр ва куч бағишлаганки, шу боис ҳам камина у ҳақдаги мулоҳазаларимни сизга илиндим.

Ҳикояни ўқиб бўлгач, пул чўнтакка эмас, қалбга кириб, унда бир умрга ўрнашиб олаётганда, бозор олди-берди воситаси эмас, балки бани башарнинг дунёга келишидан асосий мақсад-муддаосига айланиб бораётганда, инсоннинг руҳий-маънавий фазилатлари оёқ ости бўлиб, ҳайвоний сифатлари ҳакалак отаётганда ҳамда мана шундай – одамнинг инсонлиги синовдан ўтаётган қалтис вазиятларнинг барча-барчасида элнинг, қолаверса, инсониятнинг чинакам ёзувчисию шоири, драматургию қўшиқчиси ва бошқа ҳар қандай зиёлисининг бирламчи ва муқаддас бурчи, аввало, шулар ҳақида ўйлаш, кейин эса албатта ёзиш, куйлаш ва айтиш эканлигига доир доимий ўйларим тағин кўз ўнгимда қад ростладилар.

Улуғбек ҲАМДАМ



ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАҲЛИЛ КЎЗГУСИДА

Эркин МУСУРМОНОВ

1965 йилда туғилган. Самарқанд Давлат университети ўзбек филологияси факультетини тугатган. "Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини" мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилган. Айни вақтда, Самарқанд Давлат чет тиллари институтида хитой адабиёти соҳасида тадқиқот олиб бормоқда. Монография, ўқув-услубий қўлланмалар, луғатлар ҳамда 80 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи.

ЭРТАК ВА ҲАҚИҚАТ ҚОРИШГАН АДАБИЁТ

Сўнгги ўттиз беш йил мобайнида хитой адабиёти кўплаб ўзгаришларга юз тутди, номўътадил ижтимоий ўзгаришлар бадиий ижодга салбий таъсир кўрсатиш ўрнига, билъакс, ижобий таъсир кўрсатди: аллақандай янги, бошқа халқлар адабиётига ўхшамаган, гротеск ва асотирлар, сеҳр ва жоду, реал борлиқ ва хаёлот дунёси қоришиқ тарзда акс этувчи ғайриодатий адабиётнинг яралишига пойдевор бўлди. Айнан шу хил адабиёт туфайли ҳозирги кунда Осмоности ўлкаси оламшумул шуҳрат, обрў-эътибор ва эътирофга сазовор бўлмоқда. Хитойликлар атаётган "илдизларни истовчи адабиёт" ва Габриэль Конкордиа Гарсиа Маркес вакили бўлган магик реализм[1] қоришиғидаги адабий услуб бутун дунё адиблари учун кутилмаган янгилик бўлди. Бу янгилик 2012 йилда Нобель мукофоти совриндори бўлган замонавий хитой адабиётининг энг ноардинар ёзувчиси Мо Янь асарлари тимсолида акс этди. Адиб адабиёт соҳасида Нобель мукофотини олган Хитой Халқ Республикасининг биринчи расмий вакили сифатида тарихдан жой олди.

Унинг хизмати *"халқ эртакларини тарих ва замонавийлик билан бирлаштирган галлюцинаторли[2] реализми"*ни адабиётга татбиқ қилишда, деб билинди. Кўпчилик адабиётшунослар тан олганидек, адиб ижодида халқона оҳанг, оғзаки ижод, хусусан, эртак ва асотир жанрларига оид хусусиятлар, тарихий анъана ва замонавийлик омухталигининг мавжудлиги унинг асарларини Гарсиа Маркес, Уильям Фолкнер ва Франц Кафка дунёси фуқаросига айлантирди.

Гоҳида жуда машҳур бўлиш ҳам ярамайди. 1944 йилги Нобель мукофотига номзодлар орасида бўлган илмий фантастика "отаси" Герберт Уэллс айнан "жуда машҳурлиги"

[1] Магик реализм — борлиқнинг реалистик тасвирига сеҳр элементларини қўшиш.

[2] Галлюцинаторли-галлюцинация (йўқ нарсаларнинг сезилиши, кўриниши) таъсирида вужудга келувчи ҳолат, алаҳлаш. (Д.Н. Ушаков.Толковый словарь, 1935.)

сабаб мукофотдан бенасиб қолиб кетган экан. Қайсидир маънода Толстой, Борхес тақдири ҳам Уэллсникига ўхшаш бўлди. Бироқ ёзувчини кенг доирадаги мутахассисларнинг билмаслиги ҳам уни мукофот совриндорига айлантиришига ёрдам беради, деб бўлмайди.

Мо Яннинг мукофотга лойиқ деб топилиши турли адабий доираларда ижобий муносабат билан бирга, айрим ғарблик танқидчиларнинг иккиланишларига сабаб ҳам бўлди. Кейингиларни тушуниш мумкин: одатда, Нобель мукофоти ўз соҳасида машҳурликка эришиб, танилганларга берилар эди. Жумладан, ўз вақтида Чингиз Айтматов бу мукофотга лойиқ топилганда, айримлар норози тарзда юзларини буришгириб қўйсалар-да, охир-оқибат швед академикларининг танлов мантиғини тушунар эдилар, чунки МДҲ ўқувчиларининг кўпчилиги учун у тенгсиз эди, Овропа ва Америкада ҳам унинг кўплаб мухлислари бор эди. Бироқ 2012 йилгача Мо Янни бир-икки мутахассисдан ташқари, нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиёда, балки Шарқий Овропада ким билар эди? Маданияти ривожланиб кетган деб тан олинадиган Овропа матбуоти ўз ўқувчиларини Нобель мукофоти совриндорини унинг... 80-йилларнинг сўнгида кинотеатрларда намойиш қилинган "Қизил гаолян" фильми орқали эслатмоқчи бўлди. Лауреатликка танланганлигини эшитган Мо Яннинг ўзи ҳам бу янгликка ҳайрон қолди: *"Мукофотга лойиқ топилганимдан жуда ажабланмоқдаман, чунки ўзимни хитой ёзувчилари орасида бунга муносиб номзод, деб билмас эдим. Кўплаб ёзувчилар бор, менинг даражам унчалик юксак эмас."*

Адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти совриндорлари анча камтар бўлишган. Бир вақтлари Нобель мукофотини олган Иосиф Бродский ҳам ўзидан кўра мукофотга лойиқроқ адиблар сифатида Осип Мандельштам, Марина Цветаева, Роберт Фрост, Анна Ахматова, Уистен Оденларнинг номини келтириб ўтган эди. Шунингдек, мукофот лауреатлари: Хуан Рамон Хименс – Федерико Гарсиа Лоркани, Франсуа Мориак – Август Стриндбергни, Уильям Фолкнер – Томас Вулфни, Пабло Неруда – Пол Валерини мукофотга муносиброқ, деб билишган.

Хитой катта ҳудудга ва сон жиҳатидан дунёда энг кўп аҳолига эга бўлган эса-да, яқин вақтларгача Ғарб маданияти учун замонавий дунёнинг бир чеккаси сифатида билинган. Шундай ўйловчилар Мо Яннинг *"галлюцинаторли реализм"* услубини оддий ўқувчиларга соддароқ қилиб, рўпарангиздаги "хитойча Кафка", "хитойча Маркес", "хитойча Фолкнер" каби қиёслашлар билан тушунтирдилар.

Тўғри, Мо Янь асарларида Лотин Америкаси ёзувчиларининг маркесча магик реализмини, воқеаларнинг фолкнерча муаллиф юртида содир бўлишини, қаҳрамонлар руҳиятининг кафкача чуқур ва майда деталларгача таҳлилини кўрамиз. Қолаверса, ғаройиб зиёфатлар тасвирида Булгаковнинг, "Май мамлакати" романидаги асар ичида асар шаклида "Минг бир кеча"нинг бичимини сезамиз. Бироқ қайси ижодкор ўтмиш адабиётидан илҳомланмай санъаткор бўлган? Аслида, Мо Яннинг яхлит услуби жуда оригиналдир. Бу шунчаки сўзлар эмас. Бизнинг бир неча йил Хитойда илмий фаолият олиб борганимиз сабабли шундай хулосага келинди. Ёзувчининг шаклланишида хитой мумтоз адабиётининг, дао, буддавийлик таълимотларининг, Шимол ва Ғарбдаги қўшнилари қадимги туркий халқлар фольклорининг таъсири катта бўлди.

Бундан ташқари, адиб услубининг шаклланишида макони Гаомидан 150 километрдан нари-бери жойлашган "Ляо Чжайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари" асарининг муаллифи аждодлари туркий ildизларга эга бўлган машҳур Пу Сунлинг (1640-1715) адабий услуби ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Ёш Мо Янь улғайган ҳудудда Пу Сунлингнинг новеллаларидаги борлиқ ва мистик тасаввурларнинг омухта келиши, улардаги қиёфаси ўзгарадиган одамлар, инсу жинсларнинг бадиий тасвири бўлғуси адиб дунёқарашига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Жумладан, Пу Сунлинг новеллаларида катта маҳорат билан тасвирланган тулки қиз Мо Янь асарларида ҳам келтириб ўтилади.

Тулки қиз – хитой мифологиясида кўринишини ўзгартира оладиган ва шу жиҳати билан ўзбек фольклоридаги алвастини ёдга соладиган образ. Қадимги хитойликларнинг мифологик тушунчаларига кўра, тулкилар инсон шаклига кириши мумкин бўлган. Бу тулкилар одатий жонивор бўлмай, балки тулки қиёфасидаги руҳлардир. Тулкиларнинг ини кўп ҳолларда қабрлар билан ёнма-ён жойлашгани учун улар ўлганлар руҳининг мистик кўриниши қабилида тушунилган.

Мо Яннинг асл исми – Гуань Мое. Мо Янь – ёзувчининг адабий тахаллуси бўлиб, хитой тилида "сукут сақла" маъносини англатади. "Маданий инқилоб" давридаги қалтис ҳаёт туфайли ота-онаси унга, бўсағадан ҳатлаб чиққан заҳоти "оғзингни юм, гапирма, бўлмаса ёмон бўлади", деб тарбия беришган. Шу сабаб Гуань Мое ўша кунлардан эс-

далик тариқасида "сукут сақла" тахаллусини танлаган.

Мо Яннинг ёшликдаги машаққатли ҳаёти у билан замондош бўлган бошқа хитойликларникидан деярли фарқ қилмайди. Ёзувчи 1955 йил 17 февраль куни Шандун вилояти Гаоми тумани Далань қўрғонида деҳқон оиласида дунёга келди. Хитойда юз берган "маданий инқилоб" туфайли бешинчи синфдалигидаёқ ўқишни йиғиштириб нон топишга мажбур бўлди. Бироқ бу воқеалар унинг илмга бўлган интилишига тўсқинлик қилолмади. Унинг акаси Гуань Мосинниинг хотирлашича, ҳаётлари қай даражада ночор бўлмасин, у (Мо Янь – Э.М.) китоб ўқиш учун ҳар қандай оғир юмушларни бажаришга тайёр бўлган, мутолаа учун китоб топилмай қолганда ўқиш хуморини босиш илинжида луғатларни ҳам ўқийверган.

11 ёшида мактабни тарк қилган Мо Янь чўпонлик билан шуғулланди. Ёлғизликда қолиб кетган болакайнинг овунчоғи чорва моллари, табиат қўйни бўлди. Тоғу даштлардаги ёлғизлик ва сурункали очлик ҳисси, билъакс, унинг келажакда машҳур ижодкор бўлиши учун жуда асқотди. Адибнинг оташин: *"Овқат учун мен инсонийлик ғуруримни йўқотдим, овқат учун мени кучук каби хўрлашди, овқат учун мен ёзувчилик йўлига қадам қўйдим"*, деб эътироф этиши, бежиз эмас. Шу сабабли Мо Янь асарларида очлик ва оч одамнинг ҳиссиётлари тасвирларига етарли ўринлар ажратилган. Қолаверса, ёш чўпон очлик сабаб бир неча марта галлюцинация ҳодисасини ўз бошидан кечирди. Унинг жониворлар билан дардлашишлари, ҳайвонлар назари билан оламни, ўт-ўланни идрок қилиши, табиатнинг, ернинг тафти ва жонини сезишлари, буларнинг барчаси улғая борган инсон тафаккури призмаси талқинида бадиий асарларининг ўзига хос услуби юзага келишида муҳим ўрин тутди.

Гуань Моенинг ўсмирлик чоғлари бир текис кечмади. Меҳнат фаолиятини дастлаб далада бошлаган бўлса, кейинчалик заводда давом эттирди. 1976 йили 21 ёшида Хитой халқ озодлик армиясига хизматга ўтиб, сиёсий бўлимда фаолият олиб борди. Ҳаёт Гуань Моега имкониятлар эшигини очди. Ҳарбийда у маълумот олишни давом эттирди ва 1984 йили Хитой Халқ озодлик армияси санъат академияси тингловчиси бўлди. 1991 йили Лу Синь номидаги Пекин педагогика университетининг адабиёт факультети аспирантурасини тугатди. 1986 йили Хитой Ёзувчилар иттифоқига қабул қилинди. 1997 йили ҳарбий хизматдан истеъфога чиққан адиб "Цзяньча жибао" газетасининг муҳаррири лавозимида фаолиятини давом эттирди.

Айни вақтда, Мо Янь Хитой Ёзувчилари иттифоқи раиси ўринбосари вазифасини бажармоқда.

Адибнинг дастлабки асарларида ҳаёт учун доимо курашда бўлган оддий қишлоқ одамларининг тақдири тасвирланади. Мо Яннинг ҳар бир асари бевосита халқ ҳаётининг бошқалар кўзига ташланмайдиган нозик нуқталарини тасвирлашга бағишланган. Унинг ижоди кенг қамровли бўлиб, асар қаҳрамонлари жамиятнинг турли табақаларига мансуб кишилардир. Мо Яннинг "Ҳаёт ва ўлим чарчоқлари" асарида деҳқоннинг ер билан муносабати ўрганилади. Асар, биринчидан, хитой тарихи ва ҳозирги замоннинг асосий масалалари: деҳқончилик, фермерлик муносабатларига қаратилганлиги билан, иккинчидан эса, ёзувчининг Шарқ сюрреалистик усулларига асосланган услуби ҳақида ўқувчида муайян хулосалар чиқаришга имкон бериши билан аҳамият касб этади. Мо Янь эътирофича, "Ҳаёт ва ўлим чарчоқлари" романи 43 кунда ёзиб тугалланган. Асарга негиз бўлган воқеа адиб кўз ўнгида рўй берган.

Мо Янь 11 роман, 30 қисса ва 80 дан ортиқ ҳикоя, 5 эсселар тўплами, 9 киносценарий ва 2 пьеса муаллифидир. Уларнинг энг машҳурлари "Ҳаёт ва ўлим чарчоқлари", "Қизил гаолян" , "Саримсоқпиёз балладалари", "Май мамлакати" , "Қадди қомат", "41 қурол" ва "Сандал дарахтининг қийноқлари"дир.

Мо Янь адабий фаолиятини 1981 йили бошлаган. Дастлабки асарларини анъанавий реалистик услубда яратди. Бунда муаллиф баён қилувчи – учинчи шахс сифатида намоён бўлди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб адиб баён услубини сезиларли даражада мураккаблаштирди.

Адибнинг 1986 йил нашр бўлган "Қизил гаолян"[3] қиссаси "Йилнинг энг яхши қиссаси" номинацияси бўйича Хитойнинг миллий мукофотига сазовор бўлди.

Асар ўн тўққиз яшар Цзюцзи исмли қизни қарзга ботган ота-онаси вино ишлаб чиқариш корхонасининг эгаси – мохов касаллигидан чирий бошлаган қарияга эрга бериш воқеалари тасвирига бағишланган. Тўй маросими бошлаб юборилганда келин тахти равонини кўтариб борувчилардан бири бўлган ёш ва жасур йигит Юй билан турмушга чиқаётган

[3] Гаолян – хитой жўхориси. Асарда жой номи маъносида келган.

Цзюцзи ўртасида илиқ муносабат пайдо бўлади. Қизга нисбатан ноҳақлик бўлаётганлигига чидай олмаган Юй қизни ўғирлайди, икки ёш жўхорилар қўйнидан паноҳ топишади ва оташин ишқий муносабатларга берилишади. Мохов касалига чалинган қариянинг номаълум сабабларга кўра ўлдирилишидан кейин Юй ва Цзюцзи вино корхонасининг эгаларига айланишади ва машҳур бўлган гаолян виносини ишлаб чиқара бошлашади. Бироқ тинч ва бахтли ҳаёт япон босқини туфайли узилади. Икки ёш қишлоқдошлари билан гаолян далаларининг ҳимоясига отланишади. Ер юзи қизил қон ва алвон – олов ранг май билан суғорилади. Кўпгина деҳқонлар каби Цзюцзи ҳам вафот этади.

"Сандал дарахтининг қийноқлари" романи эса бахшилар услубини ёдга солувчи саж санъати ёрдамида, халқ оғзаки услубида яратилди. Роман севги тарихига ва 1900 йилги исён воқеаларига бағишланган.

Мо Янь асарларида ҳамма нарса тумандагидек, ноаниқ; Нобель мукофоти совриндори аниқловчи швед академиклари Мо Яннинг айнан шу хил услубини "галлюцинаторли реализм" деб аташган, чоғи. Мо Яннинг баёнчилик услубида реал борлиқ ва хаёлот дунёси қоришиқ тарзда намоён бўлади.

Мо Яннинг юксак бадиий ижодий услубининг ўзига хослиги "Май мамлакати" асаридаги Дин Гоуэрнинг мастлик ҳолати акс эттирилган қуйидаги парчада ҳам кўринади:

Тўққиз қадаҳ навбати билан ошқозондан жой олгандан сўнг, Дин Гоуэр вужуди ва идроки бир-биридан ажралаётганлигини сезди. Йўқ, ажралиш эмас, тўғрироқ айтсак, шундай бир тасаввур пайдо бўлдики, идрок жилвакор нақшли, чиройли капалакка айланди. Унинг қанотлари ҳали йиғилган бўлса-да, бироқ унинг парвоз қилиши аниқ эди, ўша ҳолатида у, бўйинини чўзгани ҳолда бош чаноқ меридианидан сурилиб чиқарди. Тасаввурда капалак айнан ҳозир қафасдан қутилиб, пат сингари енгил ва бевазмин пилласини тарк қилади.

Энди, барча кўндиришлардан кейин, худдики ҳеч қандай акс-садо бермайдиган тубсиз қудуқни тўлдиришни қасд қилгандек, қадаҳ кетидан қадаҳ ичиш қолган эди. У ичарди, ўша вақтда эса қизилга бурканган уч нозанин кўзни қувонтирадиган ва иштаҳани карнай қилворадиган, аланганинг иссиқ тиллари ялаётган, шарсимон чақмоқнинг нурлари товланаётган, тутаб турган ажойиб-ғаройиб таомларни кетма-кет келтиришар эди. У ғира-шира тасаввурида улкан, катталиги кафтдек келадиган денгиз қисқичбақасини, семиз, калта ўкловга ўхшаш қизил ўткир қайлага бўктирилган оддий қисқичбақалар билан сийланганини, сельдирей сувидан зангори тусга кирган шўрвада сузиб юрган, камуфляж тусидаги замонавий танкни эслатувчи нимяшил совутдаги тошбақани еганини, юмуқ кўзли ва олтин-сариқ пўстли қовурилган товуқни паққос туширганини, қизил этли балиқнинг ёғига бурканган, оғзи ҳали қимирлаб турган зоғорабалиқни бартараф қилганлигини, буғда пиширилган ва будда ибодатхонаси кўринишида санъаткорона тарзда териб чиқилган моллюскаларнинг нақ тоғини, шунингдек, ҳозиргина жўякдан келтирилгандек, мисли тирикдек қизил бақинли редискаларнинг бутун ликопчасини ютганини ёдга олди …

Оғиз бўшлиғида чучмаллик ёғлик билан, сирпанчиқ ёпишқоқлик билан, ширинлик тахирлик билан, аччиқлик ўткир ва тузланганлик таъмлари билан қоришиб кетди, кўнгилда турли ҳиссиётлар омухта бўлди, нигоҳи хушбўй ҳидлар тумани пағапағасида ёйилиб кетарди, ҳавода сузиб юрган идроқнинг кўзи ҳар бир рангнинг турфа элементларини тасаввур қилар эди, чекланган бўшлиқнинг ҳамма жойларидаги иснинг турли шаклдаги зарраларнинг ҳаракатлари аралашиб, банкет зали геометрик шаклни ҳосил қилар эди. Уларнинг айримлари муқаррар ҳолда гулқоғозларга, дераза пардаларига, диванларнинг ёпинчиқларига, чироқларга, қизилга бурканган қизлар кипригига, партком котиби ва шахта директорининг манглайларига, дастлаб шаклсиз бўлган, энди товланаётган, ғгилаётган нур оқими шаклига эга бўлган…

Кейин кўп тилли аланга шаклидаги саккизоёққа ўхшаш қўл унга қизил узум майини узатаётгандек туюлди. Минг бир азоб билан, сўнгги кучларини йиғиб, идрокининг қолган-қутганлари билан ҳали ҳаёт тобини йўқотмаган танасининг пўчоғидан учиб кетаётган "мен"ини мажбурлаб, нигоҳини бир нуқтага йиғиб пуштиранг нилуфарнинг бир-бирига бириккан гул барглари га ўхшаш қўлнинг айланаётганини кўрди. Қадаҳ ҳам кўп қатламли – у нафис будхона каби ёки нисбий мўътадил ва чуқур очқизил рангли фонда алвон тутун сузиб келаётган тасвирнинг махсус техника билан ишланган фотосуратига ўхшаш. Бу майнинг идиши эмас, бу ҳозиргина уфқ ортидан кўринган қуёш, бу совуқ ғўзаллик ила товланувчи қизил шар, бу севиклининг ўраги…

Шифтга қадар кўтарилган идроки совуқ илжайди: … Фоний танани тарк қилган идрок қанотларини ёзганча банкет зали бўйлаб парвоз қилди. Гоҳида у дераза ларнинг

шойи пардаларига тегиб кетар эди …гоҳида биллур мунчоқлари нурни қайтарувчи қандилга, гоҳида, қизилга бурканган қизларнинг қирмизи лабларига тегиб кетар эди. Теккан жойларнинг излари ҳамма жойларда – пиёлаларда, май идишларида, пол ёриқларида, соч ўрими ораларида, сигарета фильтрлари тешикчаларида қолар эди…[4]

Қаҳрамон шахтадаги асосий миссияси нима эканлигини аста-секин ёддан чиқарди. Назаримда, бу тасвирларга Булгаковнинг "Уста ва Маргарита"си ўз таъсирини кўрсатган. Дастлаб ғайратли бўлган терговчи шахтадаги ғаройиб, ҳатто фантастик-намо персонажлар дунёси қоидаларига қарши бора олмайди. Унинг ўзи билан ҳам алламбало ҳолатлар рўй бера бошлайди. Қаттиққўл амалдордан тонгги бош оғриққа даво истаб май ичадиган махмурга айланади, сархушликда гоҳ шиддат билан курашга чоғланади, гоҳ руҳан парчаланади, сочилади, натижада кимлик (ҳужжат)сиз, чақасиз дайди савдойи қадар тубанлаша боради. Аслида, Дин Гоуэрнинг бу кўйларга тушиши адиб танлаган услуб – галлюцинаторли реализм методи сабабли руй берди. Бу метод эса келтириб ўтганимиздек, адибга Нобель мукофотини тақдим қилди.

Асарнинг сўнггида терговчи, ёш адабиётчи ва "одамхўрлар" дунёси бирлашади. Ўрта ёш, тўладан келган, сийраксоч ва қийшиқ оғизли ёзувчи Мо Янь романини тугатиб, ёш адабиётшунос ўртоғининг таклифига кўра Цзюгога йўл олади ва романнинг тугашида роман персонажларидан бири сифатида келтириб ўтилган қаҳрамонлар давра-сидан жой олади.

Немис таржимони, хитойшунос Вольфганг Кубин бир интервьюсида Мо Янь ғалабасининг диққатга молик жиҳатларидан бири сифатида унинг замонавий хитой ёзувчилари орасида энг сараси эмаслигини қайд қилди. Бу бир муносабат. Вольфганг Кубиннинг сўзлари чин бўлса, унда Мо Янь ютуғида таржимонлар, америкалик Ҳовард Голблатт ва швециялик Анна Густафссон Ченларига алоҳида тасанно билдириши керак бўлади. Чунки Кубиннинг таъкидлашича, бу таржимонлар адиб тилига хос бўлган стилистик дағалликни силлиқлаштириб, бепарда тасвирларни олиб ташлашди. Шу сабабли очиқ саҳналар тасвирларидан парҳез қилмайдиган Мо Янь асарларини яқин кунларгача хитой мактаб дастурига киритишмаган экан. Замонавий хитой адабиёти ва Мо Янь ҳақида адиб асарларини рус тилига ўгирган Игорь Егоров шундай дейди: *"Умуман олганда, замонавий хитой адабиёти, бор йўғи, 30 йил олдин, жамиятдаги ислоҳотлар билан бирга вужудга келди. У давргача эса, намунавий ташвиқотлар адабиёти мавжуд бўлиб, уларни ўқиш мумкин эмас эди. Ушбу 30 йил ичида қатор ёзувчилар етишиб чиқишди, улардан бири – Мо Янь. Уни дунё адиблари даражасига етишган ўзига хос иқтидор эгаси, дейиш мумкин. Мен уни Гарсиа Маркес, Кавабата билан бир ўринга қўяман".*

Мо Янь совриндор бўлишига қадар ҳеч қачон хитойда замонавий адабиётнинг энг машҳур ёзувчиси бўлмаган, лекин илғор ёзувчи сифатида тан олинган. У билан бирга улғайган авлод вакиллари кейинги 30 йил мобайнида Ғарб адабиётидан кўп нарсаларни ўрганди, Хитой мумтоз насрига хос бўлган ғайриатбиий воқеалар тасвири билан Овропа романтизмининг услуб ва шаклларини уйғунлаштириб тажрибалар ўтказишди ва адабиётнинг анъанавий мезонларини тан олмайдиган ўзгача бир адабиётни яратишди. Мо Янь асарлари бу адабиётнинг айни вақтдаги чўққиси эканлигини тан олишди.

Швед академиясининг доимий котиби Петр Энглунд сўзларига қараганда, Мо Янь номзоди обдан ўйланиб танланди. Ёзувчи ўқувчига ўзига хос хитой деҳқончилик муҳитига назар ташлаш имконини берди, бунда адибнинг келиб чиқиши Хитойнинг ташқи оламга умуман нотаниш бўлган чекка ва киши билмас қўрғонидан эканлиги ҳам муҳим, унинг юморга ва табиат лирикасига бой муаллифлик услуби эса Фолкнер, Диккенс ва Рабле каби дунё тан олган ёзувчилар асарларини ёдга солади.

Балки, ўзбек китобхони ўқийдиган китоб мезонул авзони хийла бўлакчадир. Теран руҳий кечинмаларга, фалсафий мушоҳадаларга чорловчи, улуғ аждодлар фаолиятларини ёритувчи, қаҳрамонлик, ишқ-муҳаббат, садоқат каби ғояларни улуғловчи мумтоз асарлар элимиз орасида доимо севилиб ўқилган. "Ўтган кунлар", "Юлдузли тунлар" билан улғайган муштарий глобаллашув жараёнидаги янги адабиёт мазмун-моҳиятини тушуниши, уни қабул қилиши, балки бироз қийин кечиши мумкин. Мо Янь асарлари услубининг Овропада юксак эътироф этилиши замонавий адабиётга, бадиий асарлар шакл ва мазмунига бўлган талабларнинг тубдан ўзгариб кетганини яққол кўрсатиб турибди.

[4] Мақола муаллифи таржимаси.



МУҲАББАМ ШАРҚ ХАЗИНАСИДАН

Имом ҒАЗЗОЛИЙ

1058 йилда Тус шаҳрида туғилган. Ислом оламида "Ҳужжат ул-ислом" дея улуғланган олимнинг "Файласуфлар ихтилофлари", "Кимиёи саодат", "Ихё ал-улум ад-дин", "Мукошафат ул қулуб" каби асарларида фалсафий масалалар ислом илоҳиёти нуқтаи назаридан маълум бир тизимга солинган. Ғаззолий 1111 йилда вафот этган.

КИМИЁИ САОДАТ ТУРКИЙ

Учинчи рукн*
Муҳликот
(Инсон руҳини ҳалок этувчи иллатлар)

Одамларнинг аксарида миллат равнақига ва шахс камолотига тўсқинлик қилувчи ёмон хислат ва одатлар борки, дин ва охират йўлида зарар, азоб-уқубат келтиргувчидир.

Бас, кимки бу иллатларни енгиб ўтибдур, таҳорати ботинни (қалб мусаффолигини) ҳосил қилгани ва ахлоқи замималардан (ярамас хулқлардан) халос бўлганидир. Дил каъбасини иймон ва ирфон шойисталигига ораста қилганидир. Дил соф бўлса, маърифат ва тавҳид, таваккул ва мундин ўзга ҳам яхши фазилатларга эришиш мумкин.

ТАРЖИМОНДАН

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул футувват" ("Жавонмардлик эпкинидан пайдо бўлган севги шабболалари") асарида жаҳон фалсафаси устозларидан бири имом Ғаззолий ҳақида бундай дейди: "Ҳужжат ул-ислом Муҳаммад ибн Муҳаммад (Ғаззолий-Тусий – кунияти Абу Ҳомидур ва лақаби Зайниддин (Дин зийнати). Тасаввуфда интисоби (насаб силсиласи) шайх Абу Али Фарюмадийгадир – (Фарюмад – Самарқанд яқинидаги қишлоқ бўлиб, Абу Али Фарюмадий бир тарафдан шайх Абул-Қосим Гургоний ва иккинчи тарафдан шайх Абул Ҳасан Ҳаррақоний ва у орқали шайх Абу Саййид Абул-Хайр издошидур – М. М.) Имом Муҳаммад ҳолининг ибтидоси Тусда ва Нишопурда улум (турли илмлар) таҳсилига ва такмилига иштиғол кўргузди. Андин сўнгра (Салжуқлар султони Маликшоҳнинг маърифатли вазири) Низом ул-Мулк билан мулоқот қилди".

"Зубдат ут-таворих" ("Тарихлар қаймоғи") муаллифи Гардизийнинг ёзишича, Низом ул-

---

* Журнал варианти.

Аввалги фасл
Яхши хулқнинг фазилати ва савоби баёнида

Билгилки, Ҳақ субҳонаҳу таоло Муҳаммад (с.а.в.)ни: "Сенга, албатта, юксак хулқ ато қилганмиз", дея ("Қалам", 4-оят) яхши хулқ бирла сийлабдур. Расул алайҳиссалом айтибдурлар: "Ҳақ таоло мени бу оламга яхши хулқни камоли ва тамомига еткурмоқ учун юборибдур". Ва яна айтибдурлар: "Охиратда тарозуи аъмолга солиб, ҳисоби сўраладиган яхши амалларнинг яхшироғи хуш хулқдир". Бир киши расул алайҳиссаломдан сўради: "Ҳамма амалларнинг яхшироғи қайсидир?" Айтдиларки: "Яхши хулқдир". Сўради: "Ё расулуллоҳ, менга насиҳат қилгайсиз". Айтдиларки: "Ҳар ерда бўлсанг, Ҳақ таоло бирла бўлгил ва ҳар гуноҳ ишдан кейин яхши амал қилгилки, у ёмонликни йўқ қилур. Халқ орасида бўлсанг, хушхулқ бирла бўлгил".

Расул алайҳиссалом айтибдурлар: "Кимгаки Ҳақ таоло яхши, чиройли хулқ берибдур, чиройни, иссиқликни ҳам ул кишига ато қилибдур, ҳаргиз ул кишини оташи дўзах бирла азобламас".

Расулуллоҳга айтдиларки: "Фалон хотин кундузи рўза тутар ва кечалари намоз ўқир ва лекин хулқи ёмон, тили аччиқдир, қўшниларга ёмон тили бирла озор берадир". Онҳазрат (с.а.в.) айтдилар: "Ул хотиннинг жойи дўзахдир".

Набий (с.а.в.) айтибдурлар: "Ёмон хулқ яхши амални андоқ бузарким, гўё озгина сирка бир челак асални нобуд қилгандай". Расулуллоҳ дуо вақтида айтур эдилар: "Эй бори Худоё, менга яхши хулқ ато қилибсан, хилқатимни ҳам яхши қилгил, соғлиқ ва офият (яъни тинч-омонлик) ва хушфеъллик ато қилгил". Яна айтибдирлар: "Ёмон хулқ амали хайрни бир гала бўри қўйларни тўзғитганидай табоҳ (вайрон, йўқ) қилур".

Яна айтдилар: "Яхши хулқ офтоб музни эритгандай гуноҳни йўқ қилур".

Абдураҳмон бинн Самурра (р.а.) айтибдурлар: "Бир куни пайғамбар ёнида эдим: "Тунов куни воқеан ажаб (туш) кўрдумки, умматимдан бир киши юкиниб (таъзим юзасидан эгилиб, тиз чўкиб) ўтирибдур. Ани Ҳақ таоло сари етмагига орада бир ҳижоб (парда) қолибдур. Эрса, ул вақтда бу кишига яхши хулқ келди. Яхши хулқ туфайли ўртадан парда кўтарилиб, ани Худо таолога еткурди", дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтибдурлар: "Яхши хулқ бирла одам кундузи рўза тутган ва кечаси намоз ўқиганнинг савобини топар. Бас, хушфеъллликнинг камоли расули алайҳиссаломда эди. Бир куни кофирлар расули алайҳиссалом ҳузурларига кириб, бонг (қичқириқ, ҳайқириқ) билан ғалва қилдилар. Бу аснода ҳазрати Умар (р.а.) кириб келдилар. Эрса, кофирлар қочиб чиқди. Ҳазрати Умар айтдилар: "Эй душманлар, мендин қўрқасизлар-у, расули Худодин қўрқмасмисизлар?!" Кофирлар айтди: "Умар, сиз тунддирсиз (шиддатли, ғазабли) шунинг учун қўрқармиз". Ҳазрати расул алайҳиссалом айтдиларки: "Ё Ибнул Хаттоб, қасам қилурман, ул Худонинг исми биланким, жоним унинг тахти тасарруфидадир. Агар шайтон сени бу йўлда кўрса, ҳайбатингдан ул йўлдан қочиб, яна бир бошқа йўлга кирар".

Фузайл Иёз раҳматуллоҳ айтур: "Хушфеъл фосиқ бирла ҳамсуҳбат бўлмоқни бадхўй обид бирла ҳамсуҳбат бўлмоқдан афзал кўрарман". Ибн ал-Муборак раҳматуллоҳ бир бадфеъл бирла ҳамроҳ бўлди. Вақтики, анинг бирла хайрлашди, бисёр йиғлади.

Мулк вазирлар орасида биринчи бўлиб, турк лашкарбошиларига ер мулкларини иқтоъ (совға) қилиб бера бошлади. У Араб Ироқи ва Ажам Ироқи ва Хуросондаги жуда кўп вилоятларда "Низомия" мадрасаларини қурдирди. Зайниддин Ғаззолий Хуросон ва Бағдод шаҳарларидаги ана шу мадрасаларда минглаб талабаларга илоҳиёт, Қуръон ва Ҳадис илмларидан сабоқ берди.

Ғаззолий ўзининг машаққатли, риёзатларга тўла умри давомида ислом фалсафасини, иймон-эътиқодни юксакларга кўтарувчи кўпгина буюк асарларини ёзди. Хусусан, унинг "Ихё ал-улум ад-дин" ("Диний илмларнинг тирилиши"), "Мақосидул фалосифа" ("Файласуфларнинг мақсадлари"), "Тахофутул фалосифа" ("Файласуфларнинг ихтилофлари"), "Фазойихул ботиния" ("Ботинийликнинг моҳияти"), "Қистосул мустақим" ("Ҳақиқат мезонлари"), "Ал-Мунқиз мин аз-залал" ("Залолатлар, янглишувлардан қутқарувчи китоб"), "Жавоҳир ул-Қуръон", "Мишкот ул-анвор" ("Зиё нурлари"), "Ёқут ат-таъвил" ("Талқин, тафсирларнинг гавҳари"), "Унвони мусулмония" каби асарлари Шарқ фалсафий тафаккурининг дурдоналарини ташкил этади. Бу асарлари билан Имом Ғаззолий жаҳон илм-фанига салмоқли таъсир кўрсатиб, кейинчалик Ибн Рушд, Ибн Халдун, Эммануэль Кант, Рене Декарт, Давид Юм, Георг Гегель каби мутаффаккирларнинг юзага келишига майдон очиб берди.

Сўрадиларки: “Не учун йиғлайсан?” Ибн ал-Муборак айтдики: “Ул бечора мендин айрилди, аммо ёмон феъли анинг бирла бордирки, на ҳоли кечкусидир”. Абу Бакр Қаттон раҳматуллоҳи алайҳ айтур: “Сўфийлик яхши хулқ, кимки сендан хушфеълроқдир, ани сўфий билгил”.

Яҳё ибн Муоз раҳматуллоҳ айтур: “Ёмон феъл андоғ гуноҳдурки, анинг бирла ҳеч тоат-ибодат фойда бермас. Яхши феъл андоғ тоатдурки, анинг бирла ҳеч гуноҳ зиён етказа олмас”.

Яхши хулқ ҳақиқати

Яхши хулқ ҳақиқатида ихтилоф бисёрдир. Ҳар қайсилари ўз тажрибаларини айтибдурлар. Чунончи, баъзилар кушодарўйлик (очиқ чеҳра, кулиб боқиш), дебдурлар. Ва баъзилар, халқдан етган ранж ва аламни кўтариш, дебдурлар. Баъзилар одамлардан дард ва алам кўрса-да, халққа яхшилик қилмоқ, дебдурлар. Бас, бу яхши сифатлар яхши хулқнинг илдизи ва шохларидур.

Яхши хулқ ҳақиқатини ҳадди бирла баён қилурман. Билгилки, одам икки нарсадан яралибдур: бири зоҳир баданки, ани зоҳирий кўз бирла кўргали бўлур. Яна бири руҳки, ани дил кўзидин ўзга нима бирла кўргали бўлмас. Бу иккидин ҳар бирининг гўзаллиги ва хунуклиги бордур. Бири зоҳир бадан гўзаллиги. Чунончи, кишининг кўзи ва оғзи ва ё бурни, тўрт аъзонинг ҳар бири хўб ва андозасида бўлса, ул кишини хўбсурат – чиройли, дерлар. Мунга ўхшаш, кишининг ташқи қиёфаси билан ички дунёси бир-бирига мувофиқ, чиройли бўлмагунча, баркамол инсон, деб бўлмайди.

Қуввати илм ва қуввати ғазаб ва қуввати шаҳват ва қуввати адл, бу тўртни андозасида тутмоқ керак.

Аммо қуввати илм дониш ва зийракликдан иборатдурки, инсон ул сифат хосияти бирла ростни ёлғондан ва ҳақни ботилдан фарқ қилур. Вақтики, одамга бу сифати комил ҳосил бўлса, ҳикмат пайдо бўлурким, ҳамма саодатларнинг бошланишидур. Чунончи, Ҳақ таоло ёрлақар: “Кимки, илми ҳикмат зилолидан сероб қилинибдур, бас, анга хайр ва саодат ато қилинибдур”. (“Бақара”, 269-оят)

Ғазаб қуввати меъёрида бўлгани улки, яхши ният билан иш қилгай. Барча ишларида, ўтириб-туришда шариат амрига бўйсунгай. Қуввати шаҳватнинг яхшиси улдирки, саркаш (ўжар) бўлмагай ва шариат фармонида ақлга тобе бўлгай.

Қуввати адлнинг яхшилиги улки, ғазаб ва шаҳватни забт қилиб, дин ва ақл тасарруфида тутгай. Бас, ғазабнинг мисоли сор (лочин) бирла ов қилгувчига ўхшашдур. Шаҳват мисоли ит билан қилинадиган овга ўхшашдур ва ақлнинг мисоли от миниб шикор қилгувчига монанддирки, от гоҳи саркаш ва гоҳи фармонбардор бўлур. Бургут ҳам

Олимлар таъкидича, Ғаззолий “Тахофут ул-фалосифа” (“Файласуфларнинг ихтилофлари”) асарида Фаробий ва Ибн Синони танқид қилиб, уларни Арасту ва Афлотун таъсирида бўлганликда айблайди ва умуман, фалсафачи олимларга қарши чиқади. Аммо унинг “Файласуфларнинг мақсадлари” асари лотинчага ўгирилиб, Ғарб олимларининг юнон фалсафасини ўрганишларига ёрдам берган.

Миллий Истиқлол даврида Шарқ алломаларининг бой маънавий меросини ўрганиш учун катта имкониятлар вужудга келди. Имом Муҳаммад Бухорий, Ат-Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Лайс Самарқандий каби алломаларнинг нодир асарлари нашр этилди. Кейинги йилларда Ўзбекистонда Ғаззолий меросини ўрганиш билан Абул Бозоров, Миразиз Аъзам, Ҳиндол Мадрайимов, Муҳаммаджон Жакбаров, Абдулла Шер, Саифиддин Рафъиддин ва бошқа олимларимиз жиддий шуғулландилар. Атоқли шарқшунос олимлардан Россияда О.Ф.Акимушкин, В.В.Наумкин (У “Ихё ал-улум ад-дин” асарини русчага таржима қилиб, жуда теран изоҳ ва шарҳлар ёзган), С.Н.Григорян, А.В.Сагадеев, А.Е.Бертельс (Е.Э. Бертельс фарзанди), Догистонда А.А.Хисматулин, Элшод Носиров, Арабистонда Абдураҳмон Бадавий, Туркияда Хорун Яҳё, Озарбайжонда Г.Керимов, Эронда Аббос Иқбол, Аҳмад Ором ва бошқалар Ғаззолий асарларини таржима ва тадқиқ қилиш билан шуғулландилар. Кейинги йилларда Санкт-Петурбургдаги “Ансор” нашриётида Муҳаммад Ғаззолийнинг “Насиҳат ул-мулук” (“Подшоҳларга насиҳатлар”) асари Аэлита Миниянова таржимасида, “Илми ладуний” асари Алексей Хисматулин таржимасида, “Мишкот ул-анвор” асари Ҳиндол Мадрайимов таржимасида, “Ихё ал-улум ад-дин” асарининг учинчи ва тўртинчи боблари Элшод Носиров таржимасида нашр этилди. Турк олими Хорун Яҳё Қуръони Карим илмий мўъжизаларига бағишланган 200 дан зиёд китобларини ёзишда “Ихё” ва “Кимиёи саодат”дан фойдаланган.

гоҳи ром, гоҳ қочувчи бўлур. Чунончи, бургут бадфеъллигидан гоҳи хожасини чўқийди. От саркашлигидан эгасини ерга йиқитади.

Адл маъноси булдурки, бу икковини (бургут ва отни) ақл ва дин итоатида тутгай. Токи анинг шарру шўрини паст қилгай.

Вақтики, бу тўрт сифат ўз эътидолида (мўътадил) бўлса, инсон чинакам хушфеълдир. Демак, ул кишига ғазаб ва шаҳват мусаллам (бўйсунувчи)дир. Агар бу тўрт сифатнинг баъзиси хўб ва баъзиси ёмон бўлса, чин хушфеъл деб бўлмас. Билгилки, бу сифатлар агар хунук бўлса, андин ёмон қилиқлар ва ёмон феъллар пайдо бўлур. Аммо қуввати илм камолда бўлса, одамий ёмон ишларни қилмас ва зийраклик ҳосил бўлур. Агар илм ноқис (чаласавод) бўлса, одамда аблаҳлик ва аҳмоқлик пайдо бўлур. Агар мўътадил бўлса, хушрўйлик ва соҳиби фаросатлик ҳосил бўлур.

Аммо қуввати ғазаб ҳаддидин зиёда бўлса, ани таҳаввур (қизишиб кетиш, ҳовлиқиш), дерлар. Агар ғазаби йўқ бўлса, ани ожиз ва беҳамият дерлар ва агар ғазаб қуввати мўътадил бўлса (кам ва зиёда бўлмаса), ани шижоат дерларким, шижоатдан карам ва баландҳиммат лик ва баҳодирлик ва ҳилмлик ва бурдборлик, яъни кишининг оғирини кўтармоқ ва аччиғини ютмоқлик ва мунга ўхшаш авсофи ҳамидалар (мақтовли сифатлар) пайдо бўлур. Ҳовлиқиш – таҳаввурдан лоф айтмоқ ва худбинликдан кибру ҳаво, макр-фириб ва ўзини хатарли ишларга ташлаш ва мунга ўхшаш авсофи замималар (ёмон сифатлар) пайдо бўлур. Агар қуввати ғазаб ноқис бўлса, одамда хорлик ва бечоралик пайдо бўлур.

Аммо қуввати шаҳват ҳаддан зиёда бўлса, уни олчоқ атарлар. Шаҳватдан шўхлик, зинокорлик, бемурувватлик ва нопоклик келиб чиқади. Агар шаҳват ноқис (заиф) бўлса, одамда сустлик, номардлик ва беҳамиятлик пайдо бўлур. Агар мўътадил бўлса, ани иффат атарларки, одамда шарм ва жавонмардлик, сабр ва қаноат, мувофиқат пайдо бўлур. Бас, бу сифатларнинг ҳар бири икки тарафли: иккала тарафи ёмондур. Ва ўртача ҳоли хўб ва мақтовлидур. Чунончи, Ҳақ таоло ҳар сифатда ўрта ҳолда бўлмоқ гўзаллигидан хабар беribдур: “Ва ул қавмлар қачон хайру эҳсон қилсалар, исроф ҳам, зиқналик ҳам қилмаслар. Ўртача – мўътадил йўлни тутарлар”. (“Фурқон”, 67-оят)

Бу сифатларнинг ҳаммасини мўътадил, меъёрида тутган одам баркамол ва хушхулқ бўлади.

Билгилки, халойиқ тўрт гуруҳдир.

Аввалги гуруҳ улки, бу сифатлар ул кишида камоли эътидолида бўлгай. Бас, бу кишига ҳамманинг иқтидо қилмоғи вожибдир. Чунончи, ҳазрати расул алайҳиссаломда авсофи ҳамида – мақтовли сифатлар камол эътидолида жам эрди.

Иккинчи гуруҳ улки, бу сифатлар ул кишида бағоят хунук бўлур. Бас, бу киши бадхўйи мутлақдирким, ани халқ орасидан қувлаб чиқармоқ вожибдир, бу киши шай-

---

Шуни ҳам айтиш керакки, Ғарбий Европадаги кўпчилик таржимонлар тасаввуфга доир асарлар таржимасида билиб ё билмасдан энг муҳим истилоҳларни хато ўгирмоқдалар. Масалан, улар фақр сўзини “духовная нищета” тарзида ҳарфма-ҳарф, “руҳ бойлиги” маъносини “руҳ қашшоқлиги”, деб тескари таржима қилдилар. Абул Ҳасан Ҳужвирий “Кашф ул-маҳжуб”да “ғино ар-руҳ”, яъни “руҳ бойлиги”, деб тўғри изоҳ берган. Шу маънода Ғарб тадқиқотчиларининг таржималарига кўпроқ танқидий қараш зарур.

Азиз ўқувчи, сизга ҳавола этилаётган “Кимиёи саодат” асари “Ихё” каби тўрт рубъ ёки тўрт рукн (устун)дан иборат (иймон-эътиқод уйининг тўрт устуни маъносида). 1. Ибодат. 2. Муомалот. 3. Муҳликот (руҳни ҳалок этувчи иллатлардан қандай қутилиш ҳақида). 4. Мунжиёт (руҳни нажотга элтувчи яхши хулқ, фазилатлар ҳақида) бўлиб, шулардан аввалги икки рукни 2004 йилда “Адолат” нашриётида босиб чиқарилган. Асарнинг учинчи ва тўртинчи рукни ҳали ўзбекчада нашр этилмаган. Асар Огаҳий даврида Муҳаммад Исо таржимасида туркий тилда тошбосма араб ёзувида босилган. Раҳматли устозимиз Абдусодиқ Ирисов ёрдамида асарнинг бир қанча туркий нашрларидан шоир Миразиз Аъзам тақдим этган усмонли туркча мукаммал нашрдан фойдаланиб, Истиқлол даври бошларида заҳматкаш зиёли дўстимиз Абдулла Умарзода (Кулоҳий таҳаллуси билан шеърлар ёзган) билан ҳамкорликда матн сўзларини асраб, қавс ичида баъзи ўринларда табдилини берганмиз.

Матнда айрим нуқсонлар учраса, буни бизга еткazганларга миннатдорчилик билдирамиз.

тон сифатидадир. Бас, шайтоннинг хунук ва палидлиги, ахлоқи замимаси ёмон хулқи жиҳатидандир.

Учинчи гуруҳ улки, бу икки даражанинг ўртасида бўлур ва лекин хўбликка, хушфеълликка яқин бўлур.

Тўртинчи гуруҳ ўрта ҳол бўлур ва лекин хунукликка яқинроқдир. Бас, кишига лозимдирки, яхшиликка жаҳд қилгай. Агарчи камол мартабасига етмаса ҳам, даражаи камолга яқин бўлгай. Агар инсон ҳамма феълларини хўб қилолмаса, баъзиси ва балки кўпроғи яхши бўлишига саъй-ҳаракат қилгай. Бас, хушхулқлик маъносининг ҳаммаси ушбудурки, баён қилдим ва лекин анинг асли бу тўрт қувватдурким, қуввати илм, қуввати ғазаб, қуввати шаҳват ва қуввати адл. Мундан ўзгаси шуларнинг натижаси ва шохларидир.

ФАСЛ
Хушфеъллик қандай ҳосил қилинади?

Билгилки, бир гуруҳ одамлар айтибдурлар, андоғки, зоҳирий қиёфани ўзгартириб бўлмас. Чунончи, узунни қисқа ёки қисқани узун ва хушрўйни хунук, хунукни хушрўй қилиб бўлмас. Мунга ўхшаш, ботиний хулқни ҳам гўзал қилиш мумкин эмас, дебдурлар. Бас, бу сўзлари хатодурки, агар рост бўлса, адаб ўрганмак ва риёзат тортмак ва панду насиҳат қилмак ва яхши ишларни васият қилмак – ҳаммаси ботил, кераксиз бўлур эрди.

Ҳазрати расул алайҳиссалом айтибдурлар: "Ўзингизни хушфеъллик бирла ораста қилинг". Бас, ёввойи, қайсар ҳайвонларни мулойим, одобли қилиш мумкин-у, ўжар, дағал инсонларни яхши хулқли, одобли қилиш мумкин эмасми?

Зоҳирий қиёфа бошқа, ботиний-руҳий ҳолат бошқадир. Ғазаб ва шаҳватни риёзат, тарбия бирла эътидол ҳаддида, меъёрида тутмоқ мумкинлиги тажриба бирла маълумдир.

Халойиқ бу сифатларда тўрт даражадур:

Аввалги даража – соф қалбли, хулқи яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Бундайларни тез ислоҳ қилса бўлур. Бундайларга ахлоқи ҳамидани ўргатиб, ёмон сифатларни маън қилса, бу тўрт сифат эътидолида бўлур. Ҳамма гўдаклар туғилганда, ибтидоий фитратда бу мартабададирлар. Ва лекин ота-оналари дунёга ҳирс қўйгани учун бу саодатдан маҳрум қўярким, ота-онаси зоминдир. Чунончи, Ҳақ таоло хабар берур: "Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ўтинлари одамлар ва тошлардан бўлган дўзах ўтидан сақлангиз". ("Таҳрим", 6-оят)

Иккинчи даража улки, ёмон эътиқод кўнгилда барқарор бўлмагай. Аммо шаҳват ва ғазабга асир, мубтало бўлгай. Ва лекин ўз феълининг ёмонлигига иқрор бўлгай. Бу нав кишини салоҳга келмаги икки ишга боғлиқ. Бири – хўйи фасод, ёмон хулқни йўқотгай. Яна бири тухми салоҳни, яъни яхшилик уруғини дили мазраъи даласига экиб, қалбига салоҳиятни жойласа, мақсадга мувофиқ бўлгуси, фасод, яъни ярамас одатни ботинидан мутлақо чиқариб ташлаши мумкин.

Учинчи даража улки, агар гуноҳ ишларга ва ёқимсиз одатларга ружуъ қилган бўлса ва бу одатларнинг ёмонлигини билса ҳам, лекин шу ишларни яхши кўрса, бундай ярамас хулқни тузатиш қийиндир.

Тўртинчи даража улки, баъзилар (ўзларининг) фиску фасодларига фахр қилур. Чунончи айтурким, мунча кишини ўлдирдим ва мунча кишига шароб ичирдим. Бас, бу нав киши салоҳ топмас.

ФАСЛ
Ёмон хулқдан халос бўлмоқ иложида

Билгилки, ҳар ёмон феълки, агар нафсинг ёмонликни хоҳласа, унинг тескарисини қилгайсен, шундан ўзга ҳеч иложи йўқтур. Чунончи, ул касалки, иссиғликдан бўлса, то совуқлик дору етмагунча сиҳат топмас. Бас, ёмон феъл, одат ғазабнинг сабабидан пайдо бўлса, анинг иложи сабр-бардош, яъни бировларнинг оғирини (ёмон сўз ва қилиқларини) кўтармоқдир. Агар такаббурдин пайдо бўлса, анинг иложи тавозеъли (камтарин) бўлмоқдир. ***Камтаринлик ҳар нечук ёмон феъл, ёмон хулқни зойил (йўқ) қилур.***

Билгилки, мусулмонликдан мақсад зоҳир ва ботинни шариат бирла ораста айлаб, дилда барқарор бўлган ёмон қилиқ ва ёмон хулқни йўқ қилиб, ахлоқи ҳамида (мақташга лойиқ яхши хулқ) ҳосил қилмоқ бирла саодати абадийга уланмоқдир.

Бас, инсон ҳар ишни тафаккур бирла лозим тутса, анга ул иш феъл ва одат бўлурки, одамзотнинг ишлари кўпинча одатга боғлиқдир. Масалан, бир одам шатранж ё қимор ўйнамоқни одат қилса, дунёнинг ҳамма роҳати шунда, деб ўйлар.

Гўзал хулқ ва ёқимли сифатлар ҳосил қилиш савобдир. Ахлоқи ҳамида (гўзал хулқ) ҳосил қилмоққа уч сабаб бордур: ***аввалги сабаб*** фитратдирким, Оллоҳ таоло асл хилқатда инсонни хушфеъл ва мутавозеъ (камтарин) халқ қилибдир. Хушфеъллик азалийдир. Иккинчи сабаб улки, афъоли ҳамидани такаллуф бирла (яхши уриниб) ўзига лозим тутгай. Токи анга одат бўлгай. Ва ё неку хисол (яхши хислатли) ва гўзал хулқли одамларнинг суҳбатида бўлмоқни лозим тутгайки, уларнинг суҳбати баракотидан яхши сифатлари бу киши кўнглига таъсир қилур, даражаи камолга етар. Инсон агар асли фитратда ноқисдир, бу саодатдан махрумдирки, ёмонлар суҳбатидан қабиҳ феъларни одат қилиб, шақоват даражасини камолига еткургай.

ФАСЛ
Дил ва жисм (Вужуд ва руҳ)

Билгилки, агарчи зоҳирий ибодат зоҳир аъзодан содир бўлур ва лекин ибодатдан мақсуд дил ойнаи жаҳонига сайқал беришдир, токи баркамол сифатлар эгаси ҳазрати Вожиб таолонинг сифатларидан ўргангай. ***Билгилки, дил фаришта хилқати жинсидан ва тан зоҳири олам жумласидандир.*** Аммо агарчи дил ва тан бошқа бўлса-да, лекин иккови орасида муносабат тамом бордир. Яхши амалки, дилда вужудга келур, бас, унинг нури дилда пайдо бўлурким, ул нур саодати абадийнинг тухми ва моясидир. Ёмон, хунук амал зоҳир бадандан пайдо бўлур, ул зулмат шақовати азалийнинг тухми ва моясидирки, инсон зоҳирини (вужудини) такаллуф бирла яхши амалга машғул қилса, ботини ҳам гўзал ахлоқ бирла ораста бўлғусидир. Андин кейин дилнинг нури зоҳир баданда товланур. Токи савобли, хайрли ишларни қилишга ҳавас пайдо бўлгай.

ФАСЛ
Шаръи шарифнинг фойдаси

Билгилки, агар касал совуқлик бўлса, иссиқлик доруни ҳаддин зиёда емагайки, яна бир касалга йўлиқур. Бас, дору емакдин мақсад мизожни эътидолига келтурмакдирки, доруни меъёрида емак бирла мизож эътидолига келур. Аносири арбаъ (тўрт унсур) бир-бирига мухталиф бўлганга ўхшаш, тўрт сифати ботиний ҳам бир-бирига мухталифдирки, бу сифатларни ўз хоҳишидан маън қилиб, эътидолга келтиргай. Масалан, (устозлар) бахилни сахий қилмоқни лозим тутса, мол бермоққа буюрурлар ва лекин меъёри бирла бермакни буюргай. Андоғки, касалга илож қилмоқнинг иложи ва тарозуси тиб илмидадир.

Бас, бу тўрт сифатни эътидолига келтирмоқнинг тарозуси илми шариатдурки, шаръи шарифнинг буюрганини бермак (хайр-эҳсонда) осон ва енгилдир. Агар одам шаръи шарифнинг буюрганини хайр-эҳсон қилишни ўрганса, оҳиста-оҳиста бу иш унга яхши одат бўлур. Балки, яхши хулқ камоли улдурки, ихтиёр жиловини шаръи шарифнинг қўлига бергай. Токи бажариш осон ва ёмон сифатлари яксон бўлур.

Билгилки, одамийлик саодати фаришталар сифати бирла дилни безатишдир, одамзот асли фаришталар гуруҳидандир. Дил, кўнгил бу оламда ҳам фаришталар сифатини севиб ҳосил қилгайки, фаришталар Ҳақ таолонинг ишқ-муҳаббатидин ўзга ҳеч нимарсага майл ва илтифот қилмаслар.

Бас, комил инсон имкони бўлса, кўнгилни дунёдан узиш ва дунё аҳлидан четланиш бирла поклик ва фаришталик сифатларини ҳосил қилгай. Баъзи дунёликдан ҳам кўнгил узмак мумкин бўлмас. Эътидолида тутгайки, ҳамма риёзат ва мужоҳадотдан мақсуд мартабаи тавҳидга етмакдир. Ҳақ таоло (ёдидан) ўзга нимарсани (ғамларни) ойнаи дилдан йўқотгай.

Яхши инсон фақат Ҳақ таоло буюрган яхши ишларни кўришни ва эшитишни истайди. Инсон бу мартабага етса, яхши хулқи камолига етганидир. Балки, башарият оламидан ўтиб, ҳақиқати Ҳаққа восил бўлганидир.

ФАСЛ
Нафсни айблардан халос қилмоқ ва дилни покламоқ

Билгилки, риёзат – машаққатга чидамоқ қийиндир, ё тилаган матлуби талабида жон бермоқ ва ё лутфу эҳсон бирла жон топмоқдир. Ва лекин пири комил топган бўлса,

ҳалол, пок яшаш йўлини билса, мушкулни осон қилар. Устоз, пир шогирдини аввал ҳолда тарбия қилгайки, енгилроқ риёзатни лозим тутгай.

Устоз шогирдларга ҳақорат назари бирла боқмагай. Ва риё бирла ҳеч ишни қилмагай. Вақтики, бу ишларни бажо келтирса, шогирд кўнглида кибр ва ғурур пайдо бўлур. Бас, устоз муриднинг ғурурини бу тариқа даф қилгайки, ул муридни бозордан гадолиғ қилмоққа буюргай. Бу тариқа даражама-даража хабардор бўлиб, тарбия қилмоқ бирла шогирдини камолга еткургай. Бас, яхши от чиқармоқ учун риё (мунофиқлик) бирла қилган ибодат ва риёзат учун ғурида илон ва чаён бўлур. Риёнинг мисоли аждаҳога ўхшашдирки, ҳамма фазилатларни ютиб нобуд қилур. Ушбудир муқаддамлар насиҳати ва сиддиқлар сифати.

Билгилки, Ҳақ таоло банданинг аъзоларидан ҳар узвини бир хизмат учун пайдо қилибдур. Шу жумладан, руҳ ва дилни Ҳақ таоло зоти ва сифатини севиб, муҳаббатга тахт ва қароргоҳ бўлмоғи учун бино қилгандир. ***Ҳақ таоло руҳ ва дилда ирода ва қудратни ҳосил қилибдур.*** Бўлгайки, банда ҳамма ирода ва қудратини Ҳақ субҳонаҳу ва таоло даргоҳига мутаважжиҳ қилгай. Андоғким, ҳеч нимарсани Ҳақ таоло дўстлигига алишмагайки, Ҳақ таоло маърифати дилнинг ғизосидир, таом баданнинг ғизоси бўлганга ўхшаш. Агар одам таомнинг мазасини билмай қолса, касал бўлибди деб, ҳукм қилурмиз. Мунга ўхшаш ул дилки, Ҳақ таолонинг ёдидан ғофилдир, сахт (қуриган) ва бемордир. Аммо иймон, виждон қудрати бўлса, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг фармонини ҳамма ишдан аъло билиб, рағбат бирла қабул қилгай. Бас, бу икки сифатда ўзида заифлик ва коҳилликни мушоҳада қилса, анинг иложига машғул бўлгай.

Бас, инсон қудратини ***тўрт тариқа*** (йўл) бирла билгали бўлур.

Аввал улки, пири комил хизматида бўлгай. То бошлиқнинг айбларини кўриб айтгай. Бу замонда бу нав азизлар ғариб ва ноёбдир.

Иккинчи тариқа мушфиқ дўст ва содиқ ёр суҳбатида бўлгайки, айбларини юзига айтгай. Бу нав дўст ҳам камдир. Довуд Тоийга айтдиларки: “Не учун халқ орасида бўлмассан?” Айтди: “Нима ишим бор ул тоифалар бирлаки, айбимни юзимга айтмай, пинҳон тутарлар”.

Учинчи тариқа улки, душман сўзига қулоқ солгай, чунки душман ҳамма айбни кўрар. Агарча душман муболаға бирла айтур ва лекин унинг сўзи рост бўлса, фойдалидир (дўст мақтовидан кўра – М.М.).

Тўртинчи тариқа улки, халойиқ ҳолига эътибор бергайки, агар бир кишида айб кўрса, андоғ ишни қилмоқдан ҳазар қилгай.

Ҳазрати Исодан: "Адабни кимдан ўргандингиз?" – деб сўрадилар. Айтдилар: “Ҳеч кишидан ўрганмадим. Аммо ҳар кишида бир ёмон феълни кўрсам, анинг зиддини қилдим”. ***Билгилки, нодон ва аблаҳ ул кишидурки, ўзини яхши деб гумон қилур ва оқилу доно улдурки, ўзини ёмон деб билур.***

Ҳазрати Умар (р.а.) Ҳадичаи Кубро (р.а.)дан (Ҳузайфа ривояти) сўрадиларки: “Ҳазрати расул алайҳиссалом мунофиқлик аломати ва нишонасини сизга айтгандирлар? Ул аломатлардан манда бўлса айтгайсизки, ани тарк қилгайман”. Бас, ҳар киши ўз айбини шу тариқа тез-тез текшириб тургай. То касални аниқ билмагунча даво қилгали бўлмас. Жуда кўп айбларнинг давоси нафс хоҳишининг зиддини қилмоқдадир.

Чунончи, Ҳақ таоло хабар берур: “Иймон келтириб, яхши амаллар қилгувчи зотларга хушхабар беринги, улар учун остларидан дарёлар оқиб тургувчи боғлар бор”. (“Бақара”, 25-оят)

Ҳазрати расул алайҳиссалом ғазотдан қайтиб саҳобаларга айтдиларки: “Кичик ғазотдан қайтдик, улуғ ғазотга келдик”.

Саҳобалар сўрадиларки: "Ё расулуллоҳ, ул қайсидур?" Айтдиларки: “Ўз нафсимиз бирлан жанг қилмоқдир”. Ва яна айтибдурлар: “Нафснинг ранж ва аламини тортгил ва анинг ихтиёрини ўз қўлига бермагилки, тонгла қиёмат куни Ҳақ таолонинг ва ҳамма мўъминларнинг лаънатига гирифтор бўлурсан”.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтур: “Нафсни жиловлаш жуда оғирдир”. Сари Сақотий раҳматуллоҳи алайҳ айтур: “Қирқ йилдирки, нафсим ёнғоқ бирла асални емакни хоҳиш қилур. Ҳануз уни муродига еткурмадим”. Иброҳим Ҳаввос раҳматуллоҳи алайҳ айтур: "Кўҳи Лубнонга бордим, анор бисёр пишиб турибдур. Нафсим анор емакни орзу қилди, эрса бир анорни еб боқдим, аччиғ экан. Тотлиғ анор излаб, бир неча қадам юрдим, кўрдимки, бир киши ётибдур, бисёр занбур-арилар ёпишибдурки, чақадур. “Ассалому алайка”, дедим. “Ва алайкум ассалом, Иброҳим”, деди. Айтдимки: “Мани қайдин билурсен?” Айтди: “Ким Ҳақ таолони танибдур, унга ҳеч нимарса яширин эмасдур”. Айтдимки: “Худои таоло даргоҳида мунча қурбатинг бордур, нечун ари ни-

шидан халос бўлмоқни талаб қилмассен?" Айтди: "Билурменким, талаб йўлида мунча ҳолинг бордур. Нима учун нафсингни анор хоҳишидан маън қилмассен?" Агарчи анор ҳалолдур, аҳли маъно ўзини тийибдурлар. Чунки бу нафс хоҳишидир.

Ҳазрати Умар (р.а.) айтурлар: "Етти навбат ҳалолдан ҳам қўл йиғдим, бу эҳтиёт бирлаки, ногоҳ ҳаромга мубтало бўлмай деб".

Ва (нафсини жиловлагувчи одам) Оллоҳ таолога муножот қилгай, токи дунёга ҳирс ва кўнгил боғламасликни ва кўнгилга ғафлат ғолиб бўлмаслигини ва ўлим осон бўлмоғини ва иймон саломатлигини ва Ҳақ таолонинг зикри ва фикри муҳаббатини сўрарким, дунё ва охиратнинг сармоясидир.

Бас, нафснинг мисоли қарчиғайга ўхшашдурки, сайёд тутиб уйига келтирур ва кўзини ёпар ва гўштни кам-кам берур, токи қарчиғай бегоналикни ташлаб сайёдга ром бўлур. Мунга ўхшаш нафс ҳам оҳиста-оҳиста ром бўлур. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ибодатига унс – улфатлик пайдо қилур. Чунончи, сут эмадургон болага ҳеч нима она сутидан тотлироқ эмас. Аммо умр (кунлар) ўтиши бирла, бола сутдан айрилиб, ўзга неъматлардан лаззат олгандан кейин кўкрак сутини ҳаргиз ихтиёр қилмас. Бас, инсон риёзати улки, ўзи яхши кўрадурган нимарсани кам-кам истагай. Ҳазрати Ҳақ таоло Довуд алайҳиссаломга ваҳий юбордики: "Ё Довуд, мулозим бўлгил, яъни фармонимга хилоф (ишлар) қилмагил".

Ҳазрати расул алайҳиссалом айтдилар: "Биродарим Жаброил айтдики: "Энг яхши дўстлик (сен учун) менинг дўстлигимдир ва албатта, дўстлар турлича бўлади".

Хуллас, бу дунёда нималарни яхши кўрсанг, уларни тортиб олурлар. Бас, хушхулқлик ва саодатмандликнинг аломати ва нишонаси ҳақида Ҳақ таоло каломи мажидида неча ерда ёд қилибдур. Шу жумладан: "Улар (тавба қилгувчилар) Оллоҳнинг ўзигагина ибодат қилгувчилар, шукр қилгувчилар, рукуъ-сажда қилгувчилар, яхшиликка буюргувчи (амри маъруф) қилгувчилардир". ("Тавба", 112-оят)

Бадхулқлик, мунофиқлик ва шақоват (иймонсизлик)нинг аломати ҳақида расули акрам (с.а.в.) айтибдурлар: "Мунофиқларнинг ҳиммати чаҳор полардек (ҳайвонлардек) емак-ичмакдир".

Билгилки, хушхулқ инсонлар аксари бардошли, яъни ўзгалар оғирини кўтарувчи, сабр ва андишали, уятчан бўлур. Чунончи, расули акрам (с.а.в.)га (Уҳуд жангида) ранж ва озор еткурдилар, тишларини синдирдилар, лекин расул алайҳиссалом: "Эй бор Худоё, буларга раҳм қилгилки, билмасликдан ва нодонликдан бу ишни қилурлар", деб уларни дуо қилдилар.

Бир куни Абу Усмоннинг бошига кул қўйдилар. Абу Усмон бошини гард-ғубордан пок қилиб, шукр ва санолар айтди. "Нима учун шукр ва сано айтурсан?" – дедилар. Айтдики: "Ўтда куйдирмакка лойиқ кишини кул бирла сулҳ қилсалар, жойи шукрдир".

Абдуллоҳ (ибн Умар) раҳматуллоҳи алайҳ кўҳна кийимни ямаб, овқат қилур эрдилар. Бир жуҳуд уларга ҳар бора кийим яматар эди, муздига ўтмас танга берур эрди, олур эрдилар. Бир куни уйда йўқ эдилар. Жуҳуд яна ўтмас пул келтирди, шогирд ўтмас пулни олишга унамай, олмади. Абдуллоҳ уйга келиб айтдики: "Нима учун олмадинг, ҳар бора мундоқ қилур эрди, мен олур эдим, бу важҳ бирлаки, ул ўтмас танга ила яна бир мусулмонга панд бермагай, деб".

Увайс Қароний раҳматуллоҳи алайҳ ўтиб борур эрдилар, кичик болалар тош отдилар. Айтдилар: "Ушоқроқ (кичикроқ) тош отинглар, оёғим синмагайки, туриб намоз ўтаёлмасман".

Аҳнаф раҳматуллоҳи алайҳ ўтиб борар эдилар, бир киши орқадан дашном қилиб турди. Аҳнаф қабилага яқин етиб айтдики: "Қолган дашномларингни бу ерда тамом қилгил, агар қабила халқи англаса, сенга озор берурлар".

Молик Динор раҳматуллоҳи алайҳни бир хотун не учундир: "Эй муройи, яъни риё бирла амал қилувчи", деб чақирди. Айтдиларки: "Рост айтурсен мани отимни. Басра халқи фаромуш қилиб эрди, сен топдинг". Бас, ушбудир хушфеълликнинг камоли.

Яхши сифатли, фазилатли бўлиш аҳлуллоҳ аломатидир. Бу қавм андоқ тоифадурки, ўзларини (одамга хос барча ёмонликлардан) пок қилган ва ҳамма ишларини Ҳақ таолога топширгандирлар.

ФАСЛ
Фарзанд тарбияси ҳақида

Билгилки, фарзанд ота-онасининг қўлида омонатдур. Дил гавҳари мисли пок ва соф мум янглиғ ҳар нақшни қабул қилмоққа сазовор ва лойиқ, баракали ердек ҳар зиро-

ат ундирмакка марғуб ва мувофиқдир, ҳар навъ уруғни ерга сочса, унар ва хайрли ишлари билан дунё ва охират шарофатини топар, ота-онаси ва устоди савобда шерик бўлар. Чунончи, Ҳақ таоло хабар берур: "Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни ўтинлари одамлар ва тошлардан бўлган дўзаҳдан сақлангиз..." ("Таҳрим", 6-оят)

Фарзанд тарбия ва парвариш қилмоқнинг маъноси – унга илм, ҳунар, адаб ўргатмоқ ва яхши хулқдан таълим бермоқ ва ёмонлар суҳбатидан эҳтиёт қилмоқликдир. Зеро, ***ҳамма фасоднинг асли ёмон бирла ҳамсуҳбат бўлмоқдан пайдо бўлур.***

Таомни кўп ва тўйиб емакдан офат келур. Бас, емак одобларини ўргатгай. Андоғки, ўнг қўли бирла егай ва аввалги луқмада "бисмиллоҳ" дегай. Валдираб таом емагай. Ва кўп емагай. Ўзгаларнинг луқмаларига кўз солмагай ва бир луқмани ютиб бўлмагунча, иккинчи луқмага қул узатмагай. Ва кийимларини таомга олуда қилмагай.

Ота-она болага гоҳи қуруқ нон бергайки, ҳамиша нонхурушга (ширинликка) одат қилмагай (яъни ширинхўр қилмай, болаларни гоҳида нон-чой билан кўниктириш ҳам керакдир). Кўп емакнинг зарарини тушунтиргай. Айтгайки, кўп емак ҳайвонлар ва нодонлар ишидир. Ўз фарзанди қошида беадаб болаларни айб қилгай ва одобли гўдакларни мақтагай. Абришим (ипак) кийим кийдирмагай. Ёмонлар бирла ҳамсуҳбат бўлишдан асрагай. Ҳар гўдакким, ёмон бирла қўшилибдур, шўх ва ёлғончи ва бебош бўлурки, салоҳга келмоғи душвордур.

Вақтики, мактабга берса, (диний илмни ҳам) ўргатгай. Кейин порсо ва пархезкорларнинг ахбор ва ҳикоятларига машғул қилгай. Зинҳор маънодан узоқ суюқ шеър ўқимоқ ва аёллар ишқ-муҳаббатига куйиш ва уларнинг мақтовига машғул бўлмоқдан ҳазар қилгай.

Агар гўдак хато қилса, икки-уч навбат кўрмаслик ва билмасликка олгай, токи жавоб қилмоққа далер (даққи, шижоатли) бўлмасин. Вақтики, ёмон феълга одат қилса, маломат ва койиш қилгай ва айтгайки: "Зинҳор бу феълдан қайтгил, одамийликдан чиқарсан ва халқ орасида расво бўлурсан". Ота фарзандига ўзини ҳайбатли ва инжиқ қилиб кўрсатгай. Онаси отасидин қўрқиб турсин. Кундузи ухламоқдан парҳез қилсинки, кундузги уйқу одамни танбал, ялқов қилур.

Кечалари болани қалин, юмшоқ тўшакда ётгирмасин. Бола қаттиқ жойда ётса, кучли бўлур. Ҳар куни бир соат ўйнагали қўйгай. Токи бола дили танг, бадхўй ва тийра бўлмагай. Гўдаклардан бир нима тилаб олмагай, балки уларга бергай. Отаси айтгайки, тилаб олмоқ беҳиммат ва гадолар ишидир. Кишидин ҳеч нима тамаъ қилдирмагай. Таълим бергайки, одамлар орасида туфламасин ва бурун қоқмасин ва агар ўтирса, кишига орқасини қилиб ўтирмасин. Ва энгагини таяниб ўтирмагайки, ялқовлик далилидир. Кўп сўзламасин ва қасам ичмасин. Сўрамаган сўзни демасин ва ўзидан улуғни ҳурмат қилсин ва тилини фаҳш ва ўйун сўздан асрасин. Устоди сўксa, кўп нола ва фарёд қилмасин – шафеъ (ҳимоячи) изламасин. Сабр қилсин, чунки нола ва фарёд хотинлар ва нодонлар ишидур.

Ҳаром емоқ ва ёлғон айтмоқдан эҳтиёт қилгай. Вақтики, фарзанд балоғатга етса, унга айтсинки, таом емакдан мақсад банданинг Ҳақ таолога тоат-ибодат қилмоғига қувват ҳосил қилиш учундир. Бас, савоб ва иқоб (жазо, азоб) сўзларини англатгай.

Вақтики, бошланишда адаб бирла парвариш қилса, тошга нақш қилгандек, бу сўз кўнгилда нақш боғлар ва агар беадаб катта бўлса, томга тупроқ сочгандек, ўринли бўлмас. Зеро, кичик ёшда олинган билим – тошга ўйилган нақш каби.

Саҳл Тустарий раҳматуллоҳи алайҳ айтур: "Уч ёшдан ҳар кечаларда Ҳақ таолони ёд қилурман. Воқеа буки, Муҳаммад ибн Асвад раҳматуллоҳи алайҳ менга деди: "Эй ўғил, сани Яратгувчи Парвардигорингни ёд қилгил". Айтдимки: "Нечук ёд қилурман?" Айтди: "Ҳар кеча ухлар вақтда уч навбат кўнгилда дегилки: Худо менинг бирладир ва Худо мани ҳолимни биладир ва Худо мани кўрадир". Бас, неча-неча муни айтдим. Андин кейин айтдики, ҳар кеча етти навбат айтгил.

Бу зикрни айтур эрдимки, анинг ҳаловати бирла масрур (шод) бўлдим. Бир куни холам манга айтдики: "Ҳақ таоло ким бирла бўлса ва анинг ҳолидан огоҳ, ҳозиру нозир бўлса, ул киши ҳаргиз айбли иш қилмас. Зинҳор гуноҳ қилмагилки, Оллоҳ сенинг ҳолингни кўриб билгувчидир".

Ўн учинчи йили менга масала мушкул бўлди. Басра шаҳрига бормоққа рухсат олиб, бордим. Уламолардан масалани сўрадим, ҳосил бўлмади. Обидлардан бир кишини нишон бердилар. Анга бордим, мушкулни ул ҳал қилди. Муддате анинг қошида бўлдум. Андин Тустарга қайтдим ва бир дирам кумушга арпа олдим, нон-хурушсиз анинг бирла рўза тутдим.

Бул ҳикоятни шунинг учун келтирдимки, (М.Ғаззолий сўзи) бу навъ ишларнинг сармоясини кичикликдан варзиш (машқ) қилмоқ бирла ҳосил бўлур.

ИККИНЧИ ФАСЛ

Бадан нафс – яъни қорин ва фаржнинг шарри (шаҳватпарастликнинг иложи) ҳақида

Билгилки, меъда кўнгилга ўхшашдир ва томирларки, меъдадан етти андомга (аъзога) тарқайдир, гўёки ариқлар мисолидир. Бас, меъда нафснинг ҳамма орзу, хоҳишларининг манбаъидирки, Одам алайҳиссалом нафснинг емак хоҳиши жиҳатидан жаннатдан қувилдилар.

Бас, нафснинг емак хоҳиши ҳамма шаҳват ва ҳавасларнинг аслидир. Андоқки, меъда сер (тўқ) бўлса, шаҳват, уйланмоқ хоҳиши пайдо бўлур ва бу орзуни то мол-дунё ҳосил бўлмагунча қилгали бўлмас. Ночор дунё талаби балосига гирифтор бўлур.

Аммо бу фаслда гурусналик – очликнинг хосияти ва фазилатларини баён қилгумдир.

ФАСЛ
Очликнинг фазилатлари

Билгилки, ҳазрати расул алайҳиссалом айтибдурлар: "Ўз нафсингиз ила гурусналик ва ташналик бирла жиҳод қилинглар. Мўъминларнинг ҳеч амали Парвардигори олам даргоҳида гурусналик ва ташналикдан хўроқ эмасдир".

Расул алайҳиссалом айтибдурлар: "Кимки меъдасини таомдан сер (тўла) қилибдур, анга фаришталар осмонда йўл бермаслар".

Саҳобалар арз қилдиларки: "Ё расулуллоҳ, фозилроқ (яхшироқ) амал қайсидур?" Айтдиларки: "Оз емаклик ва оз кийимга қаноат қилмоқдир". Айтибдурлар: "Ҳамма яхши амаллар саййиди оч, гурусна яшашдир. Таом емак ва сув ичмоқда ярим-ёрти тўймоққа қаноат қилингларки, пайғамбарлар ҳиммати жумласидандир.

Ҳазрати расули акрам айтибдурлар: "Сизлардан Ҳақ таоло даргоҳида дўстроқ ва фозилроқ кимсаларнинг тафаккури теран ва гурусналиги узоқ бўлгай. Душманроғи улдурки, таомни тўла егай ва кўп ухлагай". Яна айтибдурлар: "Кимки оз емакка қаноат қилиб, таомдан қўл йиғса, Ҳақ таоло фаришталарга фахрланиб айтурки: "Эй фаришталарим! Кўринглар, Одамни лаззат ва шаҳват балосига мубтало қилибдурман. Лекин улар менинг ризолигимни излаб, таомдан қўл йиғди. Гувоҳ бўлингларки, ҳар луқмани менинг учун тарк қилди, анга чандон даража бергумдир".

Расулуллоҳ айтибдурларки: "Таомни тўла емак бирла дилларингизни ўлдирмангизлар ва одамийга онча лик таом кифоядирки, ибодат қилмоққа қаддин рост қила олгай".

Ҳазрат Исо алайҳиссалом айтибдурлар: "Ўзингизни оз емакка ўргатинг, дил соф бўлиб, ҳақни ботилдан фарқ қилурсиз".

Хабарда келибдурки, Ҳазрати Мусо алайҳиссалом қирқ кун Ҳақ таоло бирла сирли суҳбат қурдилар. Ҳеч таом емадилар.

Билгилки, очлик-гурусналикнинг ўн фойдаси бордур:

Аввалги фойдаси улки, дилни соф ва равшан қилур. Ва кўп емак дилни тийра (қоронғи) қилур. Васваса ва андишаи ботил пайдо қилур. Ҳазрати расул алайҳиссалом айтибдурлар: "Кам овқатланиш бирла дилни соф ва равшан қилинглар. Кишиким ўзини гурусна тутса, дили зийрак ва андишаи Ҳақ пайдо бўлур". Шиблий раҳматуллоҳи алайҳ айтур: "Гурусна бўлган куним дилимда тоза ҳикмат ва сабр топаман".

Иккинчи фойда улки, кам таом еганда дил юмшоқ бўлур ва жон зикр ва муножот лаззатини топар. Кўп емакдан кўнгли қаттиғлиқ ва соғлиққа зиён пайдо бўлур.

Учинчи фойда улки, тўқлиқ ғафлат ва такаббурлик келтирар. Ва очлик дил шикасталик, яъни юмшоқлик, хилмлик ва камтарлик еткурар. Ғафлат ва такаббурлик дўзах тарафга тортар. Ожизлик ва шикасталик (ўзини паст тутишлик) жаннат тарафга элтар. Бас, банда ўзини ожизлик ва шикасталик бирла кўргай. Ва Ҳақ таолонинг қудратларини мушоҳада қилгай. Чунончи, расул алайҳиссаломга рўйи замин хазиналарини (бойлик тўла хазиналарини) кўрсатдилар ва олинг деб, таклиф қилдилар. Онҳазрат алайҳиссалом айтдиларким: "Буларни харгиз хоҳиш қилмасман. Балки, бир кун оч, бир кун тўқ бўлмоқни дуруст тутарман. Вақтики гурусна бўлсам, сабр қилурман. Агар тўқ бўлсам, шукр қилурман".

Тўртинчи фойда улки, агар одам тўқ бўлса, очларни эсдан чиқариб қўяр.

Ҳазрати Юсуф алайҳиссаломга айтдилар: "Мунча рўйи замин бойликлари сендадир. Нима учун оч – гурусна юрурсен?" Юсуф алайҳиссалом айтдилар: "Агар тўқ бўлсам, дарвеш ва фақирларнинг очликларини эсдан чиқарурман".

Бешинчи фойда улки, ҳамма саодатларнинг асли, аввало, ўз нафсининг балосидан қутилмоқдир. Андоққи, ҳамма гуноҳ-маъсиятлар нафснинг хоҳиш ва орзусини бажо келтирмакдандир. Нафс хоҳишлари кўп ва турли емакдан пайдо бўлур. Ҳазрати Зуннун раҳматуллоҳи алайҳ айтур: "Ҳар қачон тўйгунча таом едим, то мендан бир гуноҳ содир бўлмай қолмади".

Ҳазрати Ойша (р.а.) айтурлар: "Аввал бидъатки, ҳазрати расули алайҳиссаломдан кейин пайдо бўлди, тўйгунча таом емакликдир. Вақтики, одамлар таомни кўп едилар, нафслари саркаш (итоатсиз) бўлди. Бас, одам таом бирла меъдасини тўла қилибдир, беҳуда сўзламак ва ғийбат қилмоққа, айб изламоққа мойил бўлур ва тақозойи шаҳват ғолиб бўлур. Агар нафсни ҳаромдан тўхтатса, назарини номаҳрамдан тўхтата олмас. Аммо очлик – гурусналик бу балоларнинг ҳаммасини даф қилмоққа кифоятдир.

Бузургларайтибдурлар: "Гурусналик Ҳақ таолонинг хазинасидаги гавҳардир. Бу гавҳарни Ҳақ таоло дўстларига берур. Ҳар кишига бермас".

Ҳукамолар айтибдурлар: "Ҳар муридки, бир нон емак одати бўлса, хилофи нафс қилиб, ярмисини еса, Ҳақ таоло анинг кўнглидан киши кўнглига озор еткурмак фикрини чиқарур.

Олтинчи фойда улки, ҳамма ибодатлар асли зикр ва фикрни очқусидир. Одам таомни кўп еса, уйқу анга ғолиб бўлур. Ўликдек ётмоқ бирла умрини зое қилур. Азизлардан бири нидо қилур эрди: "Эй муридлар, тўла емангларки, кўп ухламоқ кўп емакдан пайдо бўлур". Одамнинг сармояси умрдир. Ҳар нафасинглар гавҳардурким, ул гавҳар бирла охират саодати нақдини келтургали бўлур ва уйқу бу гавҳарларни зое қилур".

Еттинчи фойда улки, кам емакдан осонлик бирла умр ўткарур ва фарах (ором) насиб бўлур. Илм ва амал қилмоққа машғул бўлур. Кўп емакдан эса ухламоқ, олмоқ ва сотмоқ ва олам ишларига машғуллик ва пароканда хотирлик пайдо бўлур.

Саккизинчи фойда улки, кам емаклик тансиҳатлик боисидурким, касал бўлмоқ ва табиб нозин кўтармоқ, қон олмоқ ва ҳижомат (қон олдирмоқ) ва аччиқ дору емакдан, оғриқдан халос бўлур.

Ҳукамо ва табиблар иттифоқ қилибдурларки, ҳеч дору ва ғизо йўқдурки, ҳамма баданга манфаати бўлгай, фақат оз емакки, тамоми баданга манфаатдир ва ҳеч зарари йўқдир.

Тўққизинчи фойда улки, одам кам овқат еса харажати ҳам оз бўлур ва кўп дунёлиққа ҳожати бўлмас. Ҳамма гуноҳ-маъсият ва офатлар баднафсликдан пайдо бўлур. Ҳукамолардан бирлари айтибдурлар: "Агар кишидан қарз олмоқни хоҳласам, ўз қорнимдан қарз олурман. Яъни кўп емакни хоҳласам, озроқ ерман. То яна бировдан қарзга таом олиб емакка ҳожат бўлмас".

Ўнинчи фойда улки, инсон кам емакка, ўз нафсига қодир бўлса, садақа бермоқ ва халққа карам ва эҳсон қилмоққа ҳам қодир бўлур.

ФАСЛ
Риёзат ва мужоҳаданинг сири, пир ва муриднинг фойдаси

Билгилки, нафсни очликда тутмоқликдан мақсад, ўзни шикасталик ва камтарин қилмоқликдур. То нафс адаб бирла руҳнинг фармонида бўлгай. Пири комил муридни риёзатга буюришдан мақсуди шулки, таомни кўп ва тўла емакдан, меъдаси оғир бўлиб, тоат ва ибодатга тоқати етмагай. Инсон ҳаддин зиёда очликни ҳам лозим тутмасинки, ҳар иккиси ҳам ҳузури дил бирла тоат ва ибодат қилишга монеъ бўлур. Балки, камол мартабаси улки, ўзини фаришталар сифатида тутгай, уларда очликнинг ранжи ва таомнинг оғирлиги йўқдур. Бу ишни аста-секин, риёзат бирла қилгали бўлур. Расули акрам гоҳи рўза тутар эдилар.Саҳобалар гумон қилур эдиларки, асло рўза тутмагайлар. Агар уйда таом бўлса, ер эдилар. Агар бўлмаса, рўза ният қилур эдилар.

Эр-хотин маҳрам ва номаҳрам орасидаги нафс хоҳиши баёнида

Билгилки, Ҳақ таоло Одам пуштида шаҳватни пайдо қилибдур. Токим, авлод ва аҳфод (набиралар) пайдо бўлмоқ бирла насл кесишиб, тўхтаб қолмасин ва шаҳватнинг лаззатларидан ҳам баҳраманд бўлгай. Бас, шаҳват офати ҳаммадан улуғдир. Иблис

ҳазрати Мусо алайҳиссаломга айтдики: "Хотинлар бирла хилватда ўлтирмагилки, ҳар киши хотинлар бирла хилватда ўтирса, албатта кўнглида фитна пайдо қилурман". Билгилки, шаҳват ифрот (ҳаддан ошиш) ва тафрит (бепарволикдан келиб чиқадиган гуноҳ ишлар) ва ўртача ҳолдир. Ифрот улки, одамзот фаҳш ишлардан уялмас ва ҳамиша нафс хоҳишида бўлгай. Бу навъ кишига вожибдурки, кўпроқ рўза тутгай ва агар рўза кифоят қилмаса, хотин олгай. Тафрит улки, шаҳватни ўзидан зойил қилгай. Бу ҳам яхши эмаски, беҳамият ва бемурувватлик бўлур. Эътидоли (ўртачаси) улки, нафсни одоб ва ақл фармонида тутқай.

Шаҳватдаги офатлардан бири, ошиқлик дардига мубтало бўлмоқдир, бисёр гуноҳ-маъсиятларга сабабдир. Бўлгайки, ёшликдан (шаҳватпарастликдан) эҳтиёт юргай. Бас, ҳамма эҳтиётларнинг яхшироғи, назарни асрамоқдир.

Закариё алайҳиссаломдан сўрадиларким: "Зинонинг ибтидоси (бошланиши) қайсидир?" Айтдилар: "Аёлга шаҳват бирла қарамоқлик".

Ҳазрати расул алайҳиссалом айтдиларки: "Шаҳват бирла қарамоқлик – Иблиснинг заҳарли ўқидур". Инсон Худо таолодан қўрқиб, назарини ҳаромдан сақласа, иймоннинг ҳаловати дилда барқарор бўлур.

Ҳазрати Расули акрам айтибдурлар: "Кўз зино қилур. Кўзнинг зиноси номаҳрамга қараганидир. Бўлгайки, бу офатни рўза тутмоқ ва риёзат бирла даф қилгай. Агар мунчалик кифоят қилмаса, хотин олгай".

Соликлардан бири айтур: "Шаҳват онча ғолиб бўлдики, асло дафъига зорий ва тазарруъ бирла дуо қилдим. Эрса, бир кишини тушда кўрдим. Айтдики, нима бўлдинг? Воқеани анга айттим, ул киши сийнамга қўлини қўйди. Уйғондимки, ул тақозо (истак, хоҳиш) паст бўлибдур. Бир йил мунинг бирла ўтди. Яна ул тақозо пайдо бўлди. Дуо қилдим, яна ул кишини тушимда кўрдим. Айтдики, яна халос бўлмоқни хоҳларсенму? Айтдим, орий, бўйнимни узатдим. Шамшир бирла чопти, уйғондимки, ул ҳол пайдо бўлди. Яна ул кишини туш кўрдим. Айтдики, на вақтгача Ҳақ таоло даф қилмайдиган нарсани даф қилмоқни хоҳларсен". Бас, андин кейин хотин олдим, ул ҳолдин халос бўлдим".

ФАСЛ
Жинсий истак борасида ва азизлар вараъи (поклиги) ҳақида

Билгилки, шаҳват ҳарчанд ғолиброқ ва анинг тескарисини қилмоқнинг савоби зиёдароқдир. Агар ожизликдан ва ё махлуқотдан шарм қилиб, ё дунёси ҳарж бўлмоқдан қўрқиб, ҳаромдан ўзини тўхтатса, ҳеч савоб бўлмаски, булар ҳаммаси дунёлиқ арзидур. Аммо киши зино ҳаромлигини билиб, Ҳақ таолодан қўрқиб, ўзини ҳаром ишлардан тўхтатса, савоби ҳаммадан улуғдирки, қиёматда арши мажиднинг соясида турар. Анинг даражаси Юсуф алайҳиссаломнинг даражаларидек бўлур.

Салмон (р.а.) айтур: Бир соҳибжамол аёл менга назар қилди, анингдин қочтим. Эрса, Юсуф алайҳиссаломни туш кўрдим, айтдимки, сен Юсуфму? Айтди, орий, мен ул Юсуфдурменки, қасд қилдим, сен ул Салмонсенки, қочтинг".

Салмон айтур: Ҳажга бордик, вақтики Мадинадан манзилга тушдик, ул манзилни Наво атарлар. Ҳамроҳим таом олгали борди. Бир моҳи талъат кушодаруй очиқ чеҳрали аёл қошимга келди. Бир нима тилаган изҳорини қилди. Гумон қилдимки, нон тилагай. Суфрани ахтардим, ул хотин айтди, ул нимарсани тиларманки, аёллар эркаклардин тиларлар.

Салмон айтур: Бошимни солиб йиғлагали турдим ва анча йиғладимки, ул хотин малул бўлиб, қайтиб кетди. Ҳамроҳим келиб, мандан йиғининг асарини кўриб сўрадиким, нима учун йиғладинг? Айтдимки, фарзандларимни ёд этиб йиғладим. Айтдики, бу воқеадан фориғ эдинг. Ростини айтгил. Эрса, воқеани баён қилдим. Ул ҳамроҳим йиғлагали турди. Айтдимки, нима учун йиғларсен? Айтди, қўрқтимки, бу воқеа менга пеш келса, сен қилган сабр-тоқатни мен қилолмас эдим".

Андан юриб Маккаи муаззамага бордик: "Тавофи саъийдан фориғ бўлуб, бир кишини туш кўрдим. Бағоят соҳибжамол, хушбўй ва баланд қад, айтдимки на киши сен? Айтди, Юсуфмен. Айтдим: Юсуф Сиддиқми? Айтди, орий. Айтдимки, ул аъробийнинг хотини ва сенинг орангдаги қисса мундин ҳам ажиброқдир".

Ибн Умар (р.а.) айтур: Ҳазрати расули акрам дедилар: "Ўтган замонда уч киши сафар қилди. Тун бўлди. Эрса, бир ғорга кириб ётдилар. Қазоро тоғдан бир тош тушиб ғорнинг оғзига банд бўлди. Яъни ғорнинг оғзи ёпилиб қолди. Чиқмоқнинг асло имкони бўлмади. Ҳайрон ва саросима бўлдилар. Бу иш ҳийла ва тадбир бирла даф бўлмас.

"Ҳақ таолонинг даргоҳига ўзимизни қилган яхши амалимиз бўлса, зорий ва тазарруъ бирла арз қилайлик, агар индаллоҳ мақбул бўлган бўлса, шояд Ҳақ таоло бу маҳлака (ҳалокатли жой)дан фатҳ-кушойиш бергай".

Эрса, бу уч кишидан бири айтдики: "Эй, бор Худоё, ҳазратингга маълумдурки, ота-онам бор эди, ҳаргиз улардан илгари таом емас эдим. Фарзандларимга ҳам улардан илгари таом бермас эдим. Бир куни ишга машғул бўлиб уйга кеч келдим. Кўрдимки, ота-онам ухлабдурлар. Бир коса сут келтириб эдим, фарзандларим ҳам қоринлари очлигидан йиғлайдур. Айтдимки, ота-онам ичмагунча болаларимга бермагаймен. Бу интизорликда сутни қўлимда тутиб субҳ бўлгунча бедор ўлтурдим. Ота-онам уйғондилар, сутни уларга бердим. Парвардигоро, ўзинг билурсен. Бу амалимни сенинг ризолигинг учун қилган бўлсам, бизга кушодалиқ бергил".

Бу сўзни деб эди, тош тебраниб, бир мунча ёруғ пайдо бўлди. Аммо чиқмоқ мумкин эмас эди. Яна бири айтдики: "Эй, бор Худоё, амакимнинг бир қизи бор эди, мен унга ошиқу шайдо бўлиб, фироқ ўтида кеча-кундуз куяр эдим. Шу йили қаттиқ қаҳатчилик бўлди. Ул қиз очлик ва тангликдан шикоят қилди. Мен анга юз йигирма динор пул бердим. Бу шарт бирлаки, ўзини менга қабул қилгай. Эрса, ул ёмон феълни қилмоққа яқин бўлдим. Қиз айтдики: Ҳақ таолодан қўрқмасмусен?! Мен Ҳақ таолони ғазабидан қўрқиб, ул ёмон феълдан ўзимни тўхтатдим. Ҳолбуки, ҳеч нимарсани андин зиёдароқ яхши кўрмас эрдим. Парвардигоро! Агар бу ишим сенинг ризолигинг учун бўлган бўлса, кушодалиқ бергил".

Бас, тош яна бир тебраниб бир мунча ёруғлик пайдо бўлдики, ҳануз чиққали бўлмас эди. Яна бири айтди: "Эй, бор Худоё, ўзинг билурсанки, бир қанча юмушларимни бажариш учун нечанд мардикор олиб эрдим, бу жумладан бири муздини (ҳақини) олмай кетибдир. Анинг духулига (ҳисобига) туя ва сигир олдим. Бир неча йиллар ўтди. Вақтики ул мардикор келиб, муздини талаб қилди. Айтдимки, ушбу қўйлар, сигирлар, туялар сенинг муздингдур. Тижоратдан ҳосил бўлган деб, ҳамма молларни ул мардикорга топширдим. Парвардигоро, агар бу ишни сенинг хушнудлигинг учун қилган бўлсам, бизларга кушодалиқ бергил. Эрса, тош яна бир тебранди. Ҳаммалари ул фалокатдан халос бўлиб чиқдилар.

Абу Бакр ибн Абдуллоҳ айтур: Бир қассоб бир ҳамсоясининг канизагига ошиқ эди. Хўжаси ул канизакни саҳро сари хизматга буюрди. Қассоб орқасидан ул саҳрога бориб, канизакдан муродини талаб қилди. Канизак айтдики: "Эй жавонмард, сенга сендан ҳам зиёдароқ ошиқу шайдоман ва лекин Худо таолодан қўрқаман". Бас, қассоб: "Сен Худо таолодан қўрқасан, мен қўрқмасманми?" деб тавба қилиб, орқасига қайтди. Йўлда келгунча ташналик ғолиб бўлди. Ҳаво иссиқ эди.

Яқин эдики ҳалок бўлгай. Бу аснода орқадан бир киши етиб келдиким, ул вақтнинг пайғамбари ани бир ишга буюриб эрди. Ул ҳам ташналикдан танг бўлиб эрди. Ҳар икков ташналик ҳолини бир-бирларига айтдилар. Ул киши айтди: "Дуо қилсак, шояд Ҳақ таоло булут юборса, шаҳарга боргунча соябон бўлгай. Қассоб айтдики: "Менинг ҳеч яхши амалим йўқдир". Сен дуо қилгил, мен омин дейин. Эрса, андоғ қилдилар. Бир булут келиб соябон бўлди. Осойиш бирла юриб йўл бошига етганларида бир-бирларидан ажралишдилар. Эрса, булут қассобнинг бошига соябон бўлиб эрди. Ул киши айтди: "Эй жавонмард, яхшилигим йўқ деб эрдинг, ҳолбуки Оллоҳ таоло булутни сенга юборибди экан. Ўз ҳолингни рост айтгил".

Қассоб айтди: "Билмасман, фақат канизак борасида тавба қилиб эдим", деб воқеани баён қилди. Ҳақ таоло даргоҳида тавбадан улуғроқ ва мақбулроқ амал йўқдир.

Маҳкам МАҲМУД таржимаси

Давоми келгуси сонда

МУШОИРА

БИНАФША РАНГИГА ЧЎМИЛАР ОЛАМ

Зуҳриддин ИСМОИЛ

1962 йилда туғилган. Днепропетровск Медицина институтини тугатган. "Кўзмунчоқ", "Кўклам қўшиғи", "Муҳаррир", "Эй, гул..." шеърий тўпламлари чоп этилган.

Бинафша олами

Шафтоли гулини суяман-да, мен,
Бинафшани ёдга солади доим.
Гулзорларга бормай қўяман-да, мен,
Ҳаёлим эгаси ўша гулойим.

Индамай тураман тилимни ютиб,
Кутганим – кўклamнинг висолларида.
Бундан қиш қутурар тутқаноқ тутиб,
Аёзлар қийнашнинг хаёлларида.

Юзлар қизаради, юзлар хижолат,
Чимчилланган қўллар минг битта тилим.
Фақат юрагимда фидолик – сабот,
Қор тагида ухлаб ётганда гулим.

Элак тўн йиртилиб, тешикларидан
Бошин кўтаради титраганча гул.
Ўзининг оҳорлик кўшкларидан
Кўкка талпингандек бўлади дудул.

Эрта-индин гуллаб қолар шафтоли,
Бинафша рангига чўмилар олам.
Шунда гаплашармиз ғамлардан холи,
Шу кунга етказсин бизларни ҳар дам.

Болаликка қайтиш

Бугун чақирмоқда деворга миниб,
Болалик, кўзлари чақнаган тулпор.
Думи юлинган қуш теракка қўниб,
Жуфтидан хижолат, турар хокисор.

Кўчалар кенгайди кўнгиллар каби,
Босган изларимиз устида тошлар.
Мунгайиб турибди севги мактаби,
Бир-бирин изласин деб синфдошлар.

Чиноbодсой кўрсин қулочларимиз,
Замбаркўл бўйида гурласин олов.
Кўзалардан тошсин айрону қимиз,
Қулдиргичлар суртиб, юрайлик яёв.

Фақат бир илтимос, телефонни қўй,
Қамчиқ довонида адаштир уни.
Манфаат ўйларин бирдам унут, қўй,
Агар қайтсин десанг ёшликка мени.

Андижон

Зубайда ИШМОНОВА

1951 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. У ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ижод қилади.

Зубайда ИШМОНОВА

Кўзга яқин юрт

Гулдуросли ўтмиз, чақинмиз,
Бир тиним йўқ: на ёз, на қишда.
Энди бизлар эркка яқинмиз,
Ғам, қайғули кунлар олисда.

Мўл-кўл мева бизга боққин деб,
Гуллаётган боғ-бўстонимиз.
Юртинг сенинг кўзга яқин деб,
Тилар шуни Ўзбекистонимиз.

Манзара

Сўритоклар изидан кетиб,
Узум қўлларини кермоқда.
Севганининг васлига етиб,
Шафақ қизил, тонг оқармоқда.

Дов-дарахтлар ўзини билиб,
Кунлар узун, қариб бормоқда.
Тилла балиқ тилдан тутилиб,
Ликиллайди сувда, қармоқда.

Гап сизда

Отни аравага қўшиб тортсангиз,
Кўчар қувончингиз момиқ чаноққа.
Олма, анжиридан сиз ҳам тотсангиз,
Тушар пок меҳрингиз қорақалпоққа.

Чиқармас сўнг қўлдан йиллаб ва ойлаб,
Серҳосил далалар, яшил хиёбон.
Қўйгач дилингизга меҳрини жойлаб,
Болдек тилингизда дашту биёбон...

...Дадил келажакка ҳисса қўшсангиз,
Юрар минг газ нари сиздан фалокат.
Адо, жудо бўлмас гамин ёзсангиз,
Шукур, энди озод, обод мамлакат.

Ҳур халқ толеидан нурафшон диллар,
Ўстирдик ўғил, қиз қолсин деб изда.
Шамолдек зувиллаб, ўтар ой, йиллар,
Эрк, ихтиёр қўлда, ҳамма гап сизда.

Қорақалпоғистон

Зайниддин НУҒМОНХОН

Кеч куз

Тўзону хазонлар ўйнаган йўлка,
Оппоқ бошларини мағрур тутган тоғ,
Қишнинг элчилари – эсган изғирин,
Маъюс боқиб қолган бийдек дала, боғ.
Тоғ бағри. Уйлардан ўрлайди тутун,
Ҳавода қаргалар чарх урар бетин,
Шип-шийдам оғочлар, чийиллар шамол,
Куз бунда фаслмас, у энди хаёл...

Ишонч истаги

Дарё сувин қумлик шимгани каби,
Етимнинг кўзлари ёш тўккан мисол.
Юлдузлар тонг олди пирпираб аста,
Осмоннинг қаърига кетгандек сингиб.
Куз дарахт барглари узгандек бир-бир.
Уюрлар, отарлар солган каби из.
Сойга келган селлар тошларни очиб,
Тўзғиган қумларни йиққани каби.
Ёвузлик яхшилик устидан ҳукм
Чиқаргани каби гоҳи-гоҳида...
Булар бор гаплар-ку ишонмай бўлмас...
Аммо, мен ишонмоқ истардим яна,
Ҳув, анув, кўринган тоғнинг ортида
Мовий бир денгизни бор, деб ишонган
Бола тасаввури каби бегубор,
Сўзларга, азизим, такрор ва такрор.
Ишонгум мен яна биргина сўзга,
Сенинг юрагингда буюк севги бор...

Тошкент

Зайниддин НУҒМОНХОН

1949 йилда туғилган. Тошкент Темир йўл транспорти институтини тамомлаган. "Изҳор" номли шеърий тўплами чоп этилган.

Дилноза ТОҲИРОВА

Сокинлик

Сокинликни яхши кўраман,
Чунки сокин қолган маҳалда,
Бир соҳир қуш учиб келади
Ва юракка беради далда.

Жуда нозик, жуда сезгир қуш
Сал овозга чўчиб кетади.
Юрагингни бера олмасанг
Осмонларга учиб кетади.

Сокинлик – бу менинг ҳамроҳим,
Ҳатто келмас кўзга уйқулар.
Сокинликда яшнаб япроғим
Ва гуллайди ажиб туйғулар.

Бир илоҳий нурнинг ичида
Эриб кетар қалбимдаги қор.
Тўлқинланган дарднинг кучида
Бошланади янгидан баҳор.

Сочи қирқилган қизга

Ой сенинг сочингда тунни кўрарди,
Момом қирқта қилиб сочинг ўрарди,
Бошингда зардўппи кулиб турарди,
Нега сочинг қирқдинг, эй ўзбек қизи?

Кокилинг дарёдек тўлганар эди,
Завқдан қаро кўзлар чўғланар эди,
Зулфинг занжирига боғланар эди,
Нега сочинг қирқдинг, эй ўзбек қизи?

Ағёрлар сўзига қулоқ солдингми,
Узун сочинг кўтаролмай толдингми,
Надоматлар тўфонида қолдингми,
Нега сочинг қирқдинг, эй ўзбек қизи?

Тўлқин-тўлқин кокилингдан айланай,
Иффат бўлиб кўзларингга жойланай,
Ҳар тола сочингга минг бор бойланай,
Ҳавас билан боқсин дунёнинг кўзи,
Сочларингни асра, эй ўзбек қизи!

Фарғона

Дилноза ТОҲИРОВА

1982 йилда туғилган. Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институтининг филология факультетини тугатган. Ижодкорнинг "Бахт калити" номли шеърий китоби чоп этилган.

Бахтиёр МИРЗО

Мовийлик

Мовийлик қўйнида салобат тўкиб,
Уфққа қуёш жим эна бошлайди.
Гул ҳислар тобора қалбим яшнатиб,
Бир қатим нур кўзим ёшлайди.

Кумуш тасма каби товланиб осмон,
Юлдузлар сийм тани кўринар аста.
Ой ҳам пок жамолин элга кўрсатиб,
Само вазмин куйин чалар бир пасда.

Қўнгиртус булутлар елга эргашиб,
Сукунатни кесар шўх аргувонлар.
Меҳнаткаш эркаклар кувватини деб,
Овқат ҳозирлайди қизлар, жувонлар.

Замин, сўнг, тун билан хайрлашади,
Кўкрагин керади пурвиқор тоғлар.
Тун эса тонг ила дийдорлашару
Мовийликни қайта кашф этар боғлар.

Мажнунтол

Сой бўйида ўсган бир туп мажнунтол,
Жамалак сочларин мудом тарайди.
Интиқ бўлиб неларга ул, эҳтимол,
Мендан зум уялиб ерга қарайди.

Мажнунтолим, кўҳли мажнунтолгинам,
Пардозлар ўзингга чунон ярашиқ.
Сени кўрганимда, эслайман онам,
Қизил либос кияр қора қорачиқ.

Суйганим, ул сеҳринг танангданмикан,
Шунча жозибани қайдан олгансан?
Балким, сочларингнинг тархиданмикан,
Серсалом малика бўлиб қолгансан.

Ақлим лол, ким ўрган шул сочларингни,
Бунчалар гўзалсан, гўзалим, ойим?
Мен суяман қайрилма қошларингни,
Келинчакдай мудом саломга бойим.

Биламан, шўх сойни яқинроқ кўриб,
Эрта-кеч у билан суҳбат қурасан.
Ҳар тонг сочларингни майдалаб ўриб,
Борлиққа саломинг бериб турасан.

Жиззах

Бахтиёр МИРЗО

1959 йилда туғилган. Андижон Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Унинг "Сени излаб", "Ишқ илҳомлари" шеърий тўпламлари нашр қилинган.

Ҳулкар ҒАФФОРОВА

1985 йилда туғилган. Навоий Давлат педагогика институтининг филология факультетини тугатган. Шеърлари "Истиқлол чечаклари" жамоавий тўпламида, вилоят, республика нашрларида эълон қилинган.

Ҳулкар ҒАФФОРОВА

* * *

Юртим узра ажиб манзара –
Гувранади олтин далалар.
Елпинади терак барглари,
Ёз шамоли юртни аллалар.

Чўмилтирар қайноқ тафтида,
Кун юзидан қуйилади тер.
Яшаяпмиз куннинг тафтида,
Шамолларим қўшиқ айтадир.

* * *

Руҳимда сезилар бир титроқ,
Бир чарчоқ сезаман танамда.
Аслида, онангдек яқинроқ
Бир инсон бормикан оламда?

Яшашга ундайди бу ҳаёт,
Қувончим акс этар боламда.
Чидашга мажбурман, оҳ, наҳот,
Соғинчни йиғлатиб оламда?

* * *

Сен ўт бўлсанг, бўлгим келар сув,
Оташ бўлсанг селдек шошаман.
Андуҳларни юрагингдан қув,
Ғазаблансанг мен ҳам тошаман.

Сен осмону мен хоксор замин,
Борлиғимнинг борича бўйла.
Кел! Тотайлик муҳаббат таъмин,
Ўтинаман бир мени ўйла.

Навоий

Ўктам САЪДИН

Ҳовли

Пахсали уй, нураган ҳовли,
Парваришсиз эски бир токзор.
Эски қўра, қуриган қудуқ,
Кекса онам дийдоримга зор.

Бу ҳовлига бошини суқиб,
Гоҳ қувонч, гоҳ ғамлар излади.
Дунё кўрган, лек, кун кўрмаган
Бу ерда бор отам излари.

Бу ҳовлида бўлмаган ёлғон,
Ҳунук гапнинг овозаси йўқ,
Қулф нелигин билмаган эшик,
Бу ҳовлининг дарвозаси йўқ.

Бу ҳовлига бир қиз келарди,
Қора қош-кўз, сочлари тўлқин.
У ҳам энди мендан олисда,
Илк севгимиз юзлари сўлғин.

Шу ҳовлининг ниҳоли эдим,
Барг ёзганди кўнгил куртагим.
Қани ўша бегубор дамлар,
Болалигим – ажиб эртагим?!

Бу ҳовлига қўйсам гар қадам,
Босар мени ширин титроқлар.
Мени таниб тантана қилар
Пойимгача келган тупроқлар.

Ҳовлимизга кетаман сингиб,
Бир зум ишу ташвишдан қочиб.
Келдингми деб, кутиб олади
Мунис онам кўчоғин очиб.

Сўнг, қайтаман шовқин шаҳарга,
Кўзимдаги ёшни сидириб.
Бу ҳовлига қайтаман бир кун,
Болалигим, сени қидириб.

Ўктам САЪДИН

1965 йилда туғилган. "Кўнгил кулбаси", "Бардош тонги" шеърий тўпламлари муаллифи. Айни пайтда "Сандувоч" газетасида фаолият кўрсатмоқда.

Қашқадарё



АДАБИЁТШУНОСЛИК

Дилнавоз ЮСУПОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР: АРИЗ БАҲРИГА МУНОСАБАТ

Аннотация

Мақолада Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ариз баҳри хусусидаги ёндашувлари тадқиқ этилиши баробарида, бу баҳр ҳақидаги дастлабки қарашлар Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" рисоласида учраши ҳақида тўхталиб ўтилади. Алишер Навоийнинг "Наводир уш-шабоб" девонидаги 322-ғазал айнан ариз баҳрида яратилганлиги аниқланади.

Аннотация

В статье рассматриваются научные подходы Алишера Навои и Захириддина Мухаммада Бабура относительно поэтического метра ариз, вместе с тем, приводятся сведения о ранних взглядах по данному вопросу, встречающиеся в трактате Шейха Ахмада Тарази «Фунун ал-балага». Определяется, что газель Алишера Навои, отмеченная под № 322 в диване «Навадир аш-шабаб», написана именно этим метром.

Annotation

In this scientific article both views of Ali-Shir Navoi's and Zahir ad-din Muhammad Babur and firstly opinions about bahr of ariz was given in Shaykh Ahmad Tarozi's "Funun al-balagah" are researched. After researching it is known that the 322th-gazal, was placed in divan of Ali-Shir Navoi "Navodir ash-shabab" has been created in the bahr of ariz.

Таянч сўзлар: *ариз, тавил, мақлуби тавил, ариз мусаммани мусаббағ, мухталиф ул-ажзо, мустаъмал, мустаъмали матбуъ, ритмик пауза, ҳазажи мусаммани маҳзуф, ҳазажи мусаммани маҳзуфи мақсур, доираи мухталифа.*

Мумтоз шеършунослик илми аруз вазни билан чамбарчас боғлиқ. Мумтоз ижодкорларимиз бу илмни амалиёт билан бирга қўшиб олиб борганлар, зеро шоирларнинг бадиий маҳорати муайян маънода уларнинг ўз шеърларида аруз қонун-қоидаларига қай даражада риоя қилишлари билан ҳам белгиланган.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға", Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Рисолаи аруз" асарлари XV-XVI асрларда туркий арузшунослик алоҳида соҳа сифатида ривожланганлигини кўрсатади. Айниқса, Бобурнинг "Рисолаи аруз" асари арузнинг назарий асослари анча батафсил баён қилиб берилганлиги билан арузшунослик тарихида алоҳида мавқега эга. Рисолада анъанавий 19 баҳрга қўшимча тарзда *ариз* ва *амиқ* баҳрлари ҳам таҳлилга тортилган.

Бобур ўз рисоласида *ариз* баҳри ҳақида маълумот келтирар экан, бу баҳрнинг араб арузида мавжуд эмаслигини, балки форс шоирларининг ихтироси эканлигини алоҳида

таъкидлайди: "Бу вазнда тозий (арабча – Д.Ю.) шеър топмайдурлар. Бу баҳрни ажам шуъароси пайдо қилиб мақлуби тавил (тавилнинг зидди – Д.Ю.) дебтурлар, ариз ҳам дерлар".[1] Шунингдек, Бобур ариз баҳрининг *мафоийлун фаувлун мафоийлун фаувлун* (чизмаси: *V – – – | V – – | V – – – | V – –*) рукнларининг такроридан вужудга келиши ҳақида ҳам айтиб ўтади.

Шу ўринда баҳрнинг "*мақлуби тавил*" деб ҳам аталишига тўхталиб ўтсак. Маълумки, тавил баҳри араб арузига хос бўлиб, *фаувлун мафоийлун фаувлун мафоийлун* (*V – – | V – – – | V – – | V – – –*) рукнлари асосида ҳосил бўлади. Агар эътибор қаратилса, ариз баҳри айнан шу рукнларнинг тескари – ўрин алмашиниб келган ҳолдаги такрорига асосланади, яъни аризда аввал *мафоийлун* рукни, сўнг *фаувлун* рукни келади.

Шу боис ушбу баҳр форсий арузшуносликда мақлуби тавил деб аталган.[2]

Шайх Аҳмад Тарозий ўзининг "Фунун ул-балоға" асарида *мухталиф ул-ажзо* (турли асл рукнлардан ҳосил бўлувчи) таркибига кирувчи 32 баҳрни санаб ўтар экан, бу баҳрлар бир-бирининг акси, яъни тескари ҳолдаги такроридан ҳосил бўлишини айтади: "Билгилким, бу ўттуз икки баҳрким, мухталиф ул-ажзодур, ҳар икки баҳр бир-бирининг аксидур..." (151-б.) Тарозий даставвал *тавил* деган баҳр номини келтириб, унинг *мафоийлун фаувлун мафоийлун фаувлун* рукнлари такрорига асосланишини таъкидлаб ўтади. Бу рукнларнинг акси, яъни *фаувлун мафоийлун фаувлун мафоийлун* тарзида такрорланувчи баҳр номини эса *жазил* деб кўрсатади. Бу ўринда биз таҳлил қилаётган *ариз* баҳри "Фунун ул-балоға" асарида тавил номи билан келаётганлигини кўришимиз мумкин. Араб ва форс адабиётшунослигида тавил номи билан машҳур бўлган баҳр эса *жазил* номи остида бериляпти. Демак, *ариз* баҳри туркий арузшуносликда Бобур рисоласидан илгари ҳам маълум бўлиб, фақат у *тавил* номи билан келтирилган.

Бобур рисоланинг баҳрлар таҳлилига доир қисмида ариз баҳридан ҳосил бўлувчи тўрт мустаъмал (истеъмолдаги) вазн ҳақида маълумот бериб, бу вазнларнинг иккитаси мустаъмали матбуъ (истеъмолдаги ёқимли) эканлигини таъкидлайди. Улардан бири – *аризи мусаммани солим* вазнига ўзининг

Лабинг маржон, тишинг дур, хатинг райҳон, хадинг гул,
Сочинг анбар, юзунг ҳур, менгинг мўлтон, юзунг мул

байтини мисол қилиб келтиради. Бу байт шоирнинг "Девон"ида учрамайди, мазкур ҳолат Бобурнинг юқоридаги байтни шунчаки тажриба учун, таҳлил қилинаётган вазнга мисол сифатида ёзганлигини кўрсатади. Ариз баҳрининг *аризи мусаммани мақбуз* (рукнлари ва тақтиъи: *мафоилун фаувлун мафоилун фаувлун V – V – | V – – | V – V – | V – –*) вазни учун эса Торий тахаллусли шоирнинг

Сангаки барги гулдин либос қилса бўлғай,
Гуле бу гулшан ичра қиёс қилса бўлғай

байти келтирилган, афсуски бу туркийзабон шоир ҳақида ҳозирча манбаларда бирор маълумот йўқ.

Диққатни тортадиган жиҳати, шу ўринда *аризи мусаммани мусаббағ* вазни учун мисол сифатида Алишер Навоийдан ҳам бир байт келтирилган. Кузатишларимиз асосида маълум бўлдики, ушбу мисол шунчаки бир байтли парча бўлмай, "Хазойин ул-маоний"дан ўрин олган ғазал матлаъси экан. Бобур келтирган ушбу байт қуйидагича:

Санойи зотинг ичра топиб ажз, аҳли идрок,
Ғаҳи лоуҳси айтиб замоне "мо арафнок".[3]

Мазкур матлаъ "Наводир уш-шабоб" девонига 322-рақам билан киритилган бўлиб, мавзусига кўра ҳамд ғазал ҳисобланади:

"Сенинг зотинг ва мақтовинг таърифида аҳли идрок ҳам заифдирлар, "биз сени етарлича англай олмадик" деган сон-саноқсиз эътирофлар сенга аталгандир".

[1] Бобир. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 27.

[2] Бу ҳақда қаранг: Тусий Н. Меъёр ул-ашъор. – Душанбе: Ориёно, 1992; Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадоеъ-ус-саноеъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981; Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.) – М.: Наука, 1989; Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991.

[3] Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т. : Фан, 1971. – Б. 84.

Яратганнинг буюклиги ва банданинг ожизлиги баёни акс этган ушбу матлаъ иқтибос санъати воситасида зийнатланиб, шоҳбайт даражасига кўтарилган.

Ғазал матлаъсини тақтиъ асосида кўрадиган бўлсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

Санову зотинг ичра топиб ажз, аҳли идрок,
V – – – | V – – | V – – – | V – ~
Гаҳи лоуҳси айтиб замоне мо арафнок.
V – – – | V – – | V – – – | V – ~

Дарҳақиқат, ушбу тақтиъ ғазалнинг *аризи мусаммани мусаббағ (рукнлари ва тақтиъи: мафоийлун фаувлун мафоийлун фаувлон*) вазнида яратилганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да арузшуносликда мавжуд бўлган анъанавий 19 баҳр ҳақида маълумот берар экан, *ариз* баҳрига тўхталиб ўтмайди. Лекин бу Алишер Навоий мазкур баҳр билан таниш бўлмаган, дегани эмас. Чунки Навоий "Мезон ул-авзон"нинг кириш қисмида ўзи истифода этган манбалар қаторида Носириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор" асарини ҳам эслаб ўтади. Тусийнинг асарида эса *ариз* баҳри "мақлуби тавил" номи билан келтирилган.

Шу ўринда савол туғилади: нима учун Алишер Навоий бу баҳр ҳақида "Мезон ул-авзон" асарида маълумот бермаган? Гап шундаки, ариз баҳри *мафоийлун* асл рукни ва унинг *фаувлун* тармоғига таркиб жиҳатдан ўхшаш рукнлардан тузилган. Шундан келиб чиқиб, мумтоз арузшуносликда мазкур баҳрга алоҳида баҳр сифатида эмас, балки ҳазаж таркибидаги вазнлардан бири сифатида қараш ҳам мавжуд бўлган.[4] "Мезон ул-авзон"дан бир оз илгарироқ яратилган Жомийнинг "Рисолаи аруз" асарида ҳам бу баҳр алоҳида келтирилмайди. "Мезон ул-авзон" учун Жомий асарини таянч манба сифатида олган Алишер Навоий устози Жомий изидан бориб, мазкур баҳрга алоҳида тўхталиб ўтмаган.[5] Энди мулоҳаза туғилади: модомики, тавил баҳри ҳазаж баҳри сингари *фаувлун* ва *мафоийлун*дан таркиб топган бўлишига қарамай, арузшуносликка доир барча манбаларда алоҳида баҳр сифатида келтирилар экан, нега айнан шу рукнларнинг ўрин алмашинувидан ҳосил бўладиган *ариз* баҳрини мустақил баҳр сифатида келтириш мумкин эмас? "Фунун ул-балоға" муаллифи ҳам, Бобур ҳам айнан шуни эътиборга олиб, ариз баҳрини алоҳида баҳр сифатида келтирадилар. Бобур ҳатто мазкур баҳрни алоҳида доира – "Доираи мухталифа" таркибига ҳам киритади.

Ушбу баҳрнинг оҳанг хусусиятларига эътибор қаратсак, алоҳида бир жиҳатга гувоҳ бўламиз: ҳар бир мисрада биринчи ва иккинчи рукнлар, яъни *фаувлун мафоийлун*дан сўнг ритмик пауза келади ва бу пауза мисрани тенг икки бўлакка бўлади:

Санову зотинг ичра | топиб ажз аҳли идрок,
V – – – V – – / V – – – V – ~
Гаҳи лоуҳси айтиб / замоне мо арафнок.
V – – – V – – / V – – – V – ~

Биз бунда ҳар икки рукндан сўнг сўз ҳам тугаётганлигини кузатамиз ва бу ҳолат бармоқ вазнидаги туроқлар тартибини ёдга солади:

7 7
Фироқинг сўги ичра | кеча кўздин сочиб ашк,
7 7
Висолинг ҳасратидин | яқосин субҳ этиб чок.

(Тун фироқингнинг мотамидан кўзидан ёш сочади,
Висолингнинг ҳасратидан тонг ёқасини йиртади).

Эътибор қаратилса, ҳар 7 бўғиндан сўнг ритмик паузанинг келишини кузатиш мумкин. Ариз баҳрига хос бу хусусият туркий тил имкониятларига ниҳоятда мос

[4] Ҳасанов С. Бобирнинг "Аруз рисоласи" асари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 85.

[5] Бу икки асарнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида қаранг: Д.Юсупова. Жомий ва Навоий: арузга доир рисолаларнинг қиёсий тадқиқи / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. – Б. 33-39.

келишини таъкидлаш зарур. Ғазал охиригача (9 байт) шу тарзда: ҳар етти бўғиндан сўнг ритмик паузанинг етакчилик қилиши тарзида давом этади.

Шу ўринда яна савол туғилади: Навоий арузига доир тадқиқотларда ушбу ғазал вазни қандай ном билан келтирилган? Навоий арузи бўйича чуқур изланишлар олиб борган олимларимиз С.Мирзаев ва А.Ҳожиаҳмедов бу вазнни *ҳазажи мусаммани маҳзуф* ёки *ҳазажи мусаммани маҳзуфи мақсур* деб аташган.[6] Бу юқоридаги қарашлар асосида олиб қараганда тўғри, лекин *ҳазажи мусаммани маҳзуфи мақсур* вазни Алишер Навоийдан олдинги ва ундан кейинги туркий шоирлар ижодида ҳам истифода этилмаган. Бундан ташқари, *ҳазажи мусаммани маҳзуф* дейилганда *мафоийлун мафоийлун мафоийлун фаувлун* рукнларидан ҳосил бўлувчи вазнни ҳам тушуниш мумкин. Чунки туркий шеърият ва достончиликда кенг қўлланилган ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни номи остида *мафоийлун мафоийлун фаувлун* рукнларидан ҳосил бўлувчи вазн назарда тутилади. Шундан келиб чиққан ҳолда бу чалкашликни бартараф этиш мақсадида ушбу ғазал вазнини *ҳазажи мусаммани маҳзуфи мақсур* деб эмас, балки *аризи мусаммани мусаббағ* деб белгилаш мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Ушбу ҳолат Алишер Навоий шеъриятида қўлланилган баҳрлар сонини адабиётшуносликда келтирилган маълумотлар асосида 12 та эмас, балки 13 та деб белгилаш имконини беради. Бу эса туркий шеърият ўша даврлардаёқ нафақат назарияда, балки амалиётда ҳам форсий шеърият билан рақобат қила олиш имкониятига эга бўлганлигини икки буюк даҳо ижоди орқали яна бир бор исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадоеъ-ус-саноеъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.
2. Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – 413 б.
3. Навоий Алишер. Наводир уш-шабоб. МАТ. 20 томлик. – Т.: Фан, 1989. Т. 4. – 560 б.
4. Навоий Алишер. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. – Т.: Фан, 2000. Т. 16. – Б. 43-98.
5. Насируддини Туси. Меъёр-ул-ашъор. – Душанбе: Ориёно, 1992. – 150 с.
6. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.) – М.: Наука, 1989.– 240 с.
7. Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991. – 560 с.
8. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Хазина, 1996. – 212 б.
9. Шамси Қайси Розий. Ал-мўъжам. – Душанбе: Адиб, 1991. – 464 с.
10. Ҳасанов С. Бобирнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: Фан, 1981. – 96 б.
11. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Т.: Фан, 2006. – 288 б.
12. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ НМК, 1998. – 224 б.

[6] Бу ҳақда қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Т.: Фан, 2006. – Б.45; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ НМК, 1998. – Б. 207.

Зилола ШУКУРОВА

"ҚИССАСИ РАБҒУЗИЙ" АСАРИДА ҚУРТҚА ОБРАЗИ

Аннотация

Мақолада XIII-XIV асрларда кампир образининг жамиятдаги ўрни ва унга бўлган муносабат акс эттирилган. Шунингдек, кампир образи тарихийлик принципига кўра даврлаштирилиб, "Қиссаси Рабғузий" асаридаги ҳикоятлар мисолида таҳлил этилган.

Аннотация

В статье определено место, отведенное образу старухи и оценка данного образа обществом XIII-XIV вв. Данный образ классифицируется по историческому принципу и анализируется на материале рассказов "Киссаси Рабгузий".

Annotation

In this article were described the role of the old woman in a public and her attitude to it in XIII-XIV centuries. Also the character of the old woman was classified as according to historical principies and analyzed by stories in the novel "Kissasi Rabguzi".

Таянч сўзлар: *Қуртқа, кампир, энага кампир, матриархат, патриархат, экзогамик никоҳ.*

Халқ оғзаки ижодиёти кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, инсоният пайдо бўлгандан ҳозирги кунга қадар унга ҳамроҳу ҳамроз бўлиб келаётган энг қадимий ижод туридир. Халқ оғзаки ижодида кишиларнинг тасаввур олами, орзу-интилишлари, яшаш тарзи, ҳаётнинг тараққиёт босқичлари акс этиб, улар турли-туман ҳомий ва ёрдамчи кучлар, анвойи хил тимсоллар воситасида тасвирланган. Мана шундай қадимий образлардан бири кампир образи ҳам фольклор асарларининг энг етакчи қаҳрамонларидан биридир. Бу образ кенг қамровли мураккаб образ бўлганлиги туфайли ёзма адабиётда, хусусан, Носириддин Рабғузий ижодида ҳам кузатилади. Шуни айтиш лозимки, кампир образи ўзбек халқ оғзаки ижодида кўпинча ялмоғиз, жодугар, алвасти, ажина, сеҳргар кампир, шум кампир атамаларида, "Қиссаси Рабғузий"да эса *қуртқа* шаклида тилга олинади. "Қиссаси Рабғузий"да келтирилган термин оғзаки ижодда фаоллашмаган бўлиб, бу сўз XIII-XIV асрларда халқ жонли тилида ишлатилган, ҳозирги кунда эса эскириб кампир эквиваленти билан алмашган архаик сўз. Ялмоғиз образининг генезиси, хусусияти, бажарадиган вазифаси, бадиий қиёфаси ҳақида кўплаб олимлар, хусусан, О.М.Фрейденберг "Мифы и литература древности", Мелитенский "Поэтика мифа", И. Дьяконов "Архаические мифы Востока и Запада", "Фольклор и этнография" асарларида, И.К.Федореванинг "Мотивы и образы волшебной сказки в фольклоре полинезийцев" мақоласида, ўзбек фольклоршуносларидан К.Имомов, Б.Саримсоқов, Б.Жуманиёзов, М.Ишмуротов каби олимлар илмий-танқидий фикрлар билдиришган. Биз ҳам юқорида санаб ўтилган олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда "Қиссаси Рабғузий" асарида учрайдиган куртқа-кампир образининг бадиий қиёфасини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни маъқул кўрдик:

1.Матриархат даври таъсири сезилган кампир образи.

2.Патриархат даври таъсирида яратилган кампир образи.

3.Дунёни илмий мушоҳада қилиниши таъсирида яратилган кампир образи.

Инсоният яратилган илк даврларда кишилар оламни ўз дунёқарашича тасаввур қилиши натижасида ҳар бир нарсанинг ҳомий кучи бор, деб ишонишган. Ҳомийларга сиғиниш, улардан мадад сўраш, ҳар қандай ишнинг ижобий якун топишида туртки бўлади, ўша ҳомий куч ҳар қандай балони, офатни даф қилиш қудратига эга, деб унинг шарафига, ҳаттоки қурбонликлар келтиришган. Бунда ибтидоий одамлар тасаввурида, энг аввало,

ҳомий куч деганда, аёллар гавдаланган. Қадимги Полинезия халқларининг оғзаки ижод намуналарида кампир образи осмон ва ернинг Худоси сифатида тасвирланиб, ҳаётдан кўз юмган инсонларнинг руҳини нариги дунёга олиб ўтишни назорат қилган.[1] Қадимги Римда гўзал қиз Юнона осмон маъбудаси бўлиб, никоҳ ришталарини боғловчи, аёлларнинг тўлғоғини енгиллаштирувчи кучга эга бўлган, деб тасаввур қилинган.[2] "Авесто"да берилган Анахита образи ҳам ҳосилдорлик, ёғингарчилик, ҳомиладор аёлларнинг оғирини енгил қилувчи эзгу илоҳа эканлиги ҳақида маълумот бор.[3] Шимолий Австралия афсоналарида она уруғи даврида қабила бошлиғи аёллар бўлиб, ҳосилдорликни пайдо қилиш, ёмғир мавсумини чақириш, шунингдек, уларнинг рангли илонлар билан боғлиқлиги ҳақидаги қарашлар мавжуд.[4] Аёлларнинг турли куч ва хусусиятларга эга бўлган илоҳалар, деб тасаввур қилиниши турли халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, германларда Сив, этрусларда Уни, грекларда Гера, Шарқий семитларда Асират, хурритларда Хебат, урартларда Хуба, Баба, шумерларда Пинлил каби номларда учрайди.[5] Шунингдек, ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам Анбар она, Суст хотин, Чой момо каби образлар бўлиб, улар ёмғир чақириш, ҳосилдорликни таъминлаш, қут-барака, ернинг унумдорлигини оширувчи, шамол чақирувчи ҳомий кучлар, деб тасаввур қилинган. Хўш, аёллар мавқеининг мислсиз даражада баландлигига сабаб нима? Нега бу даврда инсонлар тасаввурида ҳомийлар, илоҳалар фақат аёллар тасвирида яратилган? Бунинг сабабини топишда, энг аввало, жамиятда ҳукм сурган турли анъаналар, қонун-қоидалар, урф-одатларга мурожаат қиламиз. Дастлаб инсонлар жамият бўлиб шаклланаётган бир пайтда ибтидоий инсонлар орасида экзогамик никоҳ тури авж олади. Бунда ўта яқин қариндошлар: ота билан қиз, ака билан сингил, она билан ўғил бир-бири билан бемалол никоҳ ришасини боғлаб, икки, ҳаттоки уч томонлама қариндошлик алоқасини боғлаб, яқин муносабатда бўлишган. Яъни оиладаги аёл бир вақтда ҳам эрига, ҳам ўғлига хотин, ҳам она ўрнида қабул қилинган.[6] Шу билан бирга, аёллар уйда ўтириб болалар тарбияси билан шуғулланишган ҳамда эркакларнинг овга кетиш олдидан уларни дуо қилиб (ҳаттоки, магия қилиш қудратига эга бўлишган), агар ов бароридан келса бу, албатта, ўша дуо таъсирида бўлганлигига қаттиқ ишонишган. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг таъсири жамиятда ниҳоятда катта бўлган. Бунинг таъсири ўша даврда кишиларнинг қаҳрамони сифатида тасаввур уйғотган ялмоғиз образи пайдо бўлишига асос бўлади. Ялмоғиз дастлаб фольклор намуналарида ҳомий куч сифатида ижобий қиёфада тасвирланган. Б.Жуманиёзовнинг "Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи" номли диссертациясида "ялмоғиз" атамаси она уруғи даврида "номаълум жасур қиз" деган маънони англатишини айтиб ўтган.[7] Демак, ялмоғиз образи дастлаб ҳосилдорликни таъминловчи, ернинг унумдорлигини оширувчи, ёғингарчиликни, шамолни чақирувчи, наботот оламининг ҳомийси ҳамда инсониятнинг кўпайиши, никоҳ ришталарини мустаҳкамловчи, умуман олганда, яшариш ва янгиланишни таъминловчи эзгулик ва гўзаллик илоҳаси, маъбудаси сифатида бутун дунё халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган. Мана шундай аёлларнинг ижобий хислатларга бой жиҳатлари "Қиссаси Рабғузий" асаридаги баъзи образлар мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Бунда Довуд (а.с.) ҳақидаги қисса диққатга моликдир. Ҳақиқатан ҳам мазкур қисса ахлоқий-таълимий жиҳатдан эътиборли бўлиб, биз буни Довуд (а.с.) ва кампир диалоги мисолида кўрамиз: "Аймишлар, Довуд ялавоч тунла ўзин белгусиз қилиб раъиятлардин сўрар эрдиким, подшоҳ сизинг бирла нетак муомала қилур?.. Бир кеча андоғ сўзлаюрда Мавло таоло бир фариштани изди, бир қуртқа сурати уза. Андин сўради: "Подшоҳингиз нетак турур?" теб. Қуртқа айди: "Явлоқ одил турур, онча бор кишилар молин еюр".[8] Кампирнинг тўғридан-тўғри берган жавоби Довуд (а.с.)га қаттиқ таъсир этди, виждонан қийналди. Шунда у ейдиган луқмасини ўз меҳнати билан топиш мақсадида Оллоҳ таолодан бирор ҳунар ўргатишини илтижо қилиб сўрайди. Ҳикоятда эпизодик образ сифатида қатнашган кампирнинг бир оғиз сўзи

---

[1] Фольклор и этнография. – Л.: Наука. 1984. С.88.

[2] Фрейденберг. О.М. Мифы и литература древности. – М.: Наука. 1978. С.37, Дьяконов И. Архаические мифы Востока и Запада. – М.: Наука. 1990. С.145 .

[3] Ишмуротов М. "Авесто"да мифологик қатлам. 2002. 98-б.

[4] Мелитенский.Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука.1976. С.181.

[5] Дьяконов И. Архаические мифы Востока и Запада. – М.: Наука. 1990. С.145.

[6] Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука. 1976. С.199 .

[7] Жуманиёзов Б. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи. 1996. 58-б.

[8] Носириддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Т.: Ёзувчи. 1991, 2-к, 28-б.

китобхонда унга бўлган илиқ муносабатни уйғотади. Энг муҳими, кампир воситасида Довуд (а.с.)га хос ҳалоллик, поклик, тўғрисўзлик, одиллик каби фазилатлар улуғланади. Кампир эса тўғрисўз, оқила аёл сифатида шоҳни эзгулик томон бошлайди, шоҳнинг тўғри йўлни топишида восита бўлиб хизмат қилади.

Демак, ҳикоятдаги кампир образи бош қаҳрамонга тўғри йўл кўрсатувчи, ўз қарорида собит, қатъиятли образ сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Унинг айнан шу хусусияти ҳикоятлардаги кампир образи қиёфасида матриархат даври белгилари сақланганлигини кўрсатади.

Даврлар ўтиши натижасида она уруғи даврини секин-асталик билан ота уруғи эгаллай бошлайди. Бу ҳол оғзаки ижодда ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Эндиликда доимо ижобий образ сифатида ҳар нарсага қодир ялмоғиз (номаълум жасур қиз) қиёфаси ўзгариб, салбий қиёфадаги ялмоғиз (ямлаб ютадиган оғиз) фольклор асарларининг бош қаҳрамонига айланди. Кампир образининг иккинчи даврий қиёфаси бутун дунё халқлари оғзаки ижод намуналарида ҳам учрайди. Масалан, Австралия оғзаки ижод намуналарида келтирилишича, Мутинга номли жодугар кампир бўлиб, у эътиборсиз қолдирилган ёш болаларни ўғирлаб ямламасдан ютади. Шунингдек, Мутинга кампир маросим пайтида қорнидан ямламай ютган болаларнинг бўлакларини, парчаларини чиқариб, тирилтириб улар воситасида анъанавий маросимини ўтказган.[9] Муринбат халқи афсоналаридa ҳам шунга ўхшаш мотивлар кўзга ташланади. Яъни унга кўра, қадимда ярми аёл, ярми илон кўринишидаги Кукпи номли аёл бўлиб, у қорни очганда эркак кишиларни ўғирлаб, жодулаб ейди.[10] Бу давр таъсирида яратилган оғзаки ва ёзма адабиёт намуналари ҳозирги кунга қадар турли эртак ва афсоналар шаклида сақланиб қолган.

"Қиссаси Рабғузий" асаридаги қуйидаги ҳикоятда ҳам юқорида айтилган фикр ифодаси мавжуд. Юсуф (а.с.) қул сифатида Мисрга келтирилгач, Азизи Мисрнинг хотини Зулайҳо уни кўриб севиб қолади ва Юсуф (а.с.)ни сотиб олиб, ундан коми дил ҳосил қилмоқчи бўлади. Бироқ бу ниятига ҳадеганда ета олмагач, эрига кампирига дардини айтади. Энага кампир Зулайҳога она каби меҳрибон, жонкуяр, шу билан бирга, ўта айёр ва тадбиркор аёл. Унинг бу хусусияти ялмоғизнинг такомил варианти ҳисобланган, ҳукмрон табақага хизмат қилувчи мастон образи қиёфасини эслатади. Буни биз қуртқанинг Зулайҳога берган маслаҳатида кўрамиз: "Эй Зулайҳо, манга телим мол бергил. Ул молни харж қилайин, бўлғайким тилакинга теггайсен",[11] деб уй қуриб, унинг ичида Юсуф ва Зулайҳонинг расмини турли ҳолатда чиздириб, уйни қимматбаҳо тошлар билан безайди. Энага гарчанд Зулайҳонинг дардига "даво" топган бўлса-да, унинг бу иши Зулайҳонинг эри Азизи Мисрга қилган дастлабки хиёнати, деб баҳоланади. Ёзувчи бу ҳолатда энага кампирга бўлган салбий муносабатини халқ орасида кенг тарқалган "Ёт қуртқани эвга киргузмак керакмас. Агар қаю эвга кирса, бузмай чиқмас"[12] ҳикматли сўзи билан ифодалайди. Юқорида келтирилган ҳикматли сўзнинг шуниси характерлики, "унда ташқи қиёфани бериш билан бирга, шу қиёфага мос ҳолда характер хусусиятлари ҳам қўшилган. Бундай тасвир мастоннинг келажакда қиладиган ёвуз ишларидан хабар беради. Бу нарса фольклор асарлари учун характерлидир".[13] Ижодкор юқорида берилган таъриф билан чекланмайди. Энага кампирга хос ёвуз ишларни янада бўрттириб, ёрқинроқ чиқариш учун салбий буёқ билан йўғрилган лирик шеър келтиради:

Эрнинг балоси ики олам балоси – қуртқа,
Қуртқа қариб ўлурса, солғил этини қуртқа.
Ёт қуртқани эвингда кўрсанг бошини кесгил,
Куйдур бошини ўтқа, совур кулини қортқа.
Қуртқа неча қарисун, тоат қилиб арисун,
Эв бузғали топунса, боқмас ўнгига ортқа.
Қуртқа бузар минг ишни, қайра тузар тиласа,
Анинг тегар балоси барча муғулға, сортқа.[14]

Шеърдаги *қуртқа* сўзи омоним бўлиб, биринчи мисрада *қари кампир*, иккинчи

[9] Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука.1976. С.219.
[10] Ўша асар. С 243.
[11] Носириддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Т.: Ёзувчи. 1990, 1-к, 121-бет.
[12] Ўша асар.
[13] Саримсоков. Б. Сажъ ва унинг ўзбек фольклорида тутган ўрни. – Т.: 1973, 138-б.
[14] Носириддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Т.: Ёзувчи. 1990, 1-к, 122-бет.

мисрада *бўри*, учинчи мисрада *кўк (осмон)* маъносида ишлатилган. Туюқ жанрига хос бўлган тажнис сўзларнинг ишлатилиши шеърнинг бадиийлигини кучайтириб, салбий образнинг нопок ишларини бўрттириб, ёрқин тасвирларда акс эттирган. Ҳикоятдан кўринадики, ижодкор қиссада пайғамбарлар фаолияти воситасида қуртқа-кампир образининг шакл-шамойили, жамиятда тутган ўрни, бош қаҳрамонга муносабати каби муаммоларни очиб беришни бош планга қўяди. Қиссадаги кампир образи бадиий функциясига кўра, ялмоғизнинг кейинги вакиллари ҳисобланган мастон кампирларни эслатади ва асарда инсонларни йўлдан урувчи, уни тўғри йўлдан адаштирувчи, жамиятда разолат, қабоҳат уруғини сочувчи шахс сифатида тасвирланади.

Инсон онги шаклланиб, дунёни илмий билишга бўлган эҳтиёжи ортган сайин одамлар тасаввуридаги ғайритабиий образлар хиралашиб, унинг ўрнида реал ҳаётийликка асосланган образлар эгаллай бошлади. Таснифимиздаги учинчи турда кампир образининг бадиий қиёфаси ўзгаради[14]. Бу тур ҳикоятларда кампирлар на ҳомий, на ҳар қандай ишда ёмонлик, разолат, қабоҳат уруғини сочувчи ёвуз жодугар қиёфасида намоён бўладилар, аксинча барча инсонлар билан бир хил феъл-атворга эга, улар орасида яшовчи, баъзан гуноҳ қилиб афсус чекувчи, баъзан зулм кўриб пинҳон йиғловчи, баъзан эса олдига қўйган мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган инсонлардан деярли фарқ қилмайдиган мураккаб образ сифатида гавдаланади. Бу турга қиссадаги Миср шоҳининг заҳарланиши ҳақидаги ҳикоятни киритиш мумкин. Унга кўра Рум шоҳи Миср юртига элчи юбориб, унга хирож тўлашини ҳамда номига пул зарб қилишини буюради. Бироқ Миср шоҳи бу таклифни қатъий рад этади. Шунда Рум шоҳи Мисрга махфий айғоқчи юбориб, шоҳни ўлдирадиган одам топишни буюради. Айғоқчи Мисрга келиб бир кампирникида меҳмон бўлади. Суҳбат асносида кампир подшоҳдан норозилигини билдиргач, айғоқчи унга беҳисоб мол-давлат эвазига подшоҳни ўлдиришни таклиф этади. Кампир бу таклифга бажону дил рози бўлади ва ўзи билан она-бола тутинган шоҳнинг нонвой ҳамда шаробчисини ҳузурига чақиртириб, уларга подшоҳни ўлдиришни буюради. Бироз вақт ўтгандан сўнг кампир агар шоҳ ўлса, ўзга давлат подшоҳи келиб барчани қиличдан ўтказишини, шаҳарда хунрезликлар кучайишини, бутун юрт аҳли хонавайрон бўлишини кўз ўнгига келтириб, бўлган воқеадан шоҳни бохабар этади.[15] Эътибор қилинса, кампир мураккаб образ сифатида қиссадан ўрин олган. Дастлаб кампирнинг подшоҳга бўлган шахсий хусумати туфайли қасд олмоқчи бўлиши уни салбий персонаж сифатида танитса, шоҳнинг ўлими туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилиши мумкинлиги ҳақида ўйлари, нақадар оғир гуноҳга йўл қўйганлигини фаҳмлаб тезда гуноҳини ювишга ҳаракат қилиши ижобий образ дея баҳолашимизга асос беради. Демак, юқорида таҳлил қилинган кампир мураккаб образ бўлиб, бажарадиган вазифасига кўра инсон табиатига яқин туради.

Хулоса қилиб айтганда, "Қиссаси Рабғузий" асарида кампир образи фаол учровчи образлар сирасига киради. Оғзаки ижод намуналаридан ёзма адабиётга кўчган бу образ ёзувчининг олдига қўйган мақсадини ёритишда, бош қаҳрамоннинг ўзига хос хусусияти, феъл-атвори, пайғамбар сифатидаги белгиларини аниқлашда, XIII-XIV асрда оғзаки ижод намуналарида кампир образига муносабат қай даражада эканлигини кўрсатишда ва илмий хулоса чиқаришда ёрдам беради. Ёзувчининг бу образга муросажаат қилиши қиссанинг эмоционал бўёқдорлигини ошириб, ҳикоятларни эртакларга яқинлаштирган. Айниқса, қуртқа образининг бадиий қиёфаси, унинг бажарган ишлари, характер-хусусиятлари мисолида бош қаҳрамон комиллик даражасида тарбияланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Носириддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Т.: Ёзувчи. 1990.
2. Фрейденберг. О.М. Мифы и литература древности. – М.: Наука. 1978.
3. Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука. 1976.
4. Дьяконов И. Архаические мифы Востока и Запада. – М.: Наука. 1990.
5. Фольклор и этнография. – Л.: Наука. 1984.

[15] Носириддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Т.: Ёзувчи. 1990, 1-к, 134-бет.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ДУНЁ БЎЙЛАБ

Альфред КУРЕЛЛА

(1895-1975)
Немис публицист ёзувчиси, жамоат арбоби, танқидчи ва таржима назариётчиси. Немис Санъат академияси академиги. Алишер Навоийнинг немис таржимони. "Инсон ўзини ўзи яратади", "Кетма-кет", "Тарқоқ очерклар" каби асарларида у тараққийпарвар ёзувчилар дунёқарашини ҳимоя қилади.

БУЮК ШОИРНИНГ ҚАЙТА КАШФ ЭТИЛИШИ

Бундан чамаси 150 йиллар муқаддам Ғарбий Европада, аниқроғи Германияда араб-форс маданияти аҳлларининг асарларини янгидан кашф этиш бошланган эди. Натижада, машҳур немис олим ва шоирларининг саъй-ҳаракатлари туфайли немис китобхонларига форс тилида ижод қилган *Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз, Умар Ҳайём, Жомий* каби буюк шоирларнинг номлари маълум бўлди. Немис ўқувчилари улар ижоди намуналаридан баъзи бирлари билангина танишган эдилар, холос. Бироқ ўтмишга назар ташлаб шуни айтиш жоизки, Яқин Шарқ билан бу маданий тўқнашув немис шеъриятига давомли таъсир кўрсатди, дейиш қийин. Яъни ўша давр таржималаридан на форс тилидаги шеърий асарларнинг бирортаси, на Фирдавсийнинг немис тилига тўрт марта ўгирилган "Шоҳнома"си олдинги таржималарнинг бирортасидан ёки бутунлай шу турдаги немис адабиётига кириб келган Фос[1] нинг Ҳомер таржималаридек оммалашиб кетмади. Ва уларнинг бирортасидан немис шеърияти ўзи учун янги кашф этилган грек-рим классикларидан завқлангандай завқланмади. Зотан, ўша даврдаги таржималар бугунги китобхон учун қуруқ ва амалий аҳамиятсиз бўлиб кўринарди.

[1] Фос (1751-1821) — ўгиллари билан бирга "Минг бир кеча" эртаклари, Шекспир ва Ҳомер асарлари таржималарини амалга оширган.

ТАҲРИРИЯТДАН

Немис ёзувчиси мақоласидаги айрим фикрлар баҳсталаб бўлиши, ўқувчиларимиз, айниқса, мутахассисларимиз орасида турли мулоҳазалар уйғотиши мумкин. Шунга қарамай, мақолани эълон қилаётганимизнинг боиси шуки, у бизга Шарқ мумтоз адабиёти, хусусан, улуғ Навоий ижодиёти борасида Ғарбдаги тасаввурни бир қадар ойдинлаштириб беришга хизмат қилади. Унинг гояси А.Куреллада 1940 йилда Навоий таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик кетаётган даврда туғилган. Таржима А.Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган. Мақола юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

XIX аср немис шоирлари ижодида баъзан у ер-бу ерда учраб турадиган *"Шарқона услубдаги шеърлар"* эса кишида сунъий равишда бегона таъсир ҳиссини уйғотарди, улар Боденштеднинг Мирза Шафий[2]сидай ғайритабиий ҳолат бўлиб кулгили туюлди. Фақат Гётенинг Ғарб ва Шарқ яқинлашувидан пайдо бўлган ажойиб нафис санъат асарларидан бири "Ғарбу Шарқ девони" бундан мустасно.

Мабодо, Шарқ маданияти орқали немис шеъриятининг ҳақиқий бойиши айнан Гётега насиб этган бўлса, бунга тўлиқ асос бор, албатта. Чунки Шарқнинг ўтмиш ижодий ташаббускорлари ва тарғиботчиларининг кўпчилиги романтик санъат таъсирида эдилар. Улар ўз кашфиётлари билан грек-рим антик адабиётига қайтиш ва уни афзал деб билишдек "бирёқлама" фикрга қарши чиқдилар. Гўрренинг[3] "Шоҳнома"си салкам ана шундай "Анти-Ҳомер" эди.

Гёте бу нуқтаи-назарни ва бу билан боғлиқ бўлган *"Вазн сакталиги"*ни[4] рад қилди. Гёте "Девон"[5]га ёзган "Қайдлар"ида: *"Биз шарқликларнинг шеърият услубини қадрлашларини яхши биламиз, биз бу услубни беҳад афзал эканини тан оламиз. Аммо уларни ўзингиз билан бир қиёслаб кўринг-да ва ўз шахсий давраларингизда улуғланг. Ҳамда шу ерда греклар ва римликлар ҳам бор, деган фикрни хаёлингиздан чиқариб туринг... Ахир, биз, немислар, ана шундай қиёс тумфайли ўзимизнинг ажойиб санъат асаримиз Нибелунгларимизга катта путур етказмадикми? Агар мана шуларнинг барчасини ишонч ва мамнуният ила қабул қилиб, ўз доираларига расман киритишса борми, жуда ҳам қувонарли ҳодиса бўларди. Мабодо, уларни ҳеч қачон ўзларига мос келмайдиган вазн билан ўлчасалар, жуда номувофиқ бўлур эди!"*. Ва кейинроқ: *"...юқоридагилардан келиб чиқиб, биз доим таъкидлаб ва такрорлаб турганимиздай, ҳар бир шоирни ўз тилида ва у яшаган даврнинг ўзига хосликлари, ўша давр учун характерли бўлган урф-одатлари миқёсида излаш, таниш ва баҳолаш керак"*, дейди.

Гётенинг бу кўрсатмаси "Ғарбу Шарқ девони" устида ишлаётган кезларида, унинг тафаккурида мустаҳкамланган тарихий фалсафа ва инсоният маданияти тараққиётининг тезлиги ҳақидаги тиниқ тасаввурларидан келиб чиққан эди. Бу машқ (машғулот)нинг изларини биз 1817 йилда битилган "Ҳерманнинг янги хабарларига кўра, даврнинг руҳий манзаралари" номли қайдларидан топиб оламиз. Инсоният руҳияти (маънавияти)нинг тараққиёти ҳақидаги бу қайдлар қанчалик қониқарсиз, кам маълумотга эга бўлмасин ҳамда умумий кўриниши қанчалик қисқа (схематик) ифодаланган ва кемтик бўлмасин – гегелона тарихий фалсафага яқин турувчи бу концепция, ахир Гётега, Шарқ маданияти ва шеъриятини ўз ўрнида кўриш ва шу билан бирга, уни маҳсулдор қилиш учун имкон яратиб берди-ку! XIX асрнинг барча шарқона услубдаги шеърий асарларидан фақат "Девон"гина яшаб қолажаклигини ва амалиёт айнан шу нуқтаи назарнинг буткул тўғри эканлигини тўлиқ тасдиқламоқда.

Бугун бу баҳс-мунозарани эслаётганимиз тасодифий бир ҳодиса эмас ёки бирор бир соф адабий-тарихий манфаатлар боис ҳам эмас, албатта. Европа, хусусан, немис ва Шарқ маданияти, шеърияти алоқалари муаммоси айнан шу кунларда янгидан долзарблик касб этмоқда. Немис ёзувчи, шоирлари Яқин Шарқ поэзияси билан яна қайтадан шуғулланa бошладилар. Демак, биз Шарқ шеъриятидаги таниш ва нотаниш асарларнинг янги немисча таржималаридан тажрибаларни яқин вақтлар ичида ўқишимиз мумкин. Бу ерда фикр айни шу кунларда Иттифоқда яшаётган муаллифлар (немис муаллифлари назарда тутилмоқда – тарж.) ҳақида бормоқда. Аммо уларнинг Шарқ шоирлари ижоди билан шуғулланишларини бироз тасодифий-ку ёхуд бундан *"вақт ўтказиш"*нинг бир тури, деган хулоса қилинса, нотўғри бўлган бўлур эди. Аксинча, бунинг объектив сабаблари бор, ахир.

Мухтасар қилиб айтганда, Евроосиё маданияти ва шеърияти ораларидаги бу баҳс-мунозара бугунги кун муаммосига айланиб бормоқда.

---

[2] Мирза Шафий Содиқ ўғли (1796-1852) – тахаллуси Возих. Озарбайжон шоири. Ғазал, маснавий, рубоийлар ёзган. Асарларида жамият нуқсонларини фош қилган. Лирик шеърлари қўшиқларга айланган. Жумладан, "Зулайҳо ва Ҳафиза", "Тифлис билан видолашув", "Мирза Шафий қўшиклари" китоби кўп тилларда нашр қилинган. Дарсликлар яратган, озарбайжон тили ва адабиётидан луғатлар, хрестоматиялар тузишда қатнашган.

[3] "Шоҳнома"ни немис тилига ўгирган таржимон.

[4] Сакталик – шеърда вазн жиҳатдан тўмтоқлик, етишмовчилик, камчилик.

[5] "Девон" деганда, Гётенинг "Ғарбу Шарқ девони" назарда тутилмоқда – тарж.

Иттифоқдаги буюк давлатлар бирлиги доирасига сиёсий ва маданий жиҳатдан яхлит бир бутунликни ташкил этган шундай халқлар бирикканки, уларнинг маданияти ўтмишда турли манбалардан озиқланган. Бугунги маданий дунёнинг, асосан, европача шаклланган ғарбона ҳамда осиёна шаклланган шарқона ярмининг иккаласи ҳам иқтисодий, сиёсий ва маданий ўлчовлар доирасида ҳақиқий Ренессанс даврини билиш учун ўзларининг ўтмишларига қайтмоқдалар. Ҳар бир мустақил маданий доирадаги кўпгина эски қадриятларга янгича қараш ҳам, олдинги бир-бирларига бўлган ўзаро тушунча ва фикрларни тафтиш қилиш ҳам, аввалambor, ана шундан келиб чиқмоқда. Умуман олганда, биз, айни пайтда, шу чоққача юксак даражадаги умумий маданиятнинг бир-биридан қатъий суръатда ажратилган дунёлари орасидаги маданий қадриятларни айрибошлаш жараёнининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шундай қилиб, Европа ва Осиё маданиятларининг тўқнашув жараёни ва унинг самараси кундалик амалий муаммога айланиб бормоқда. Бу эса маданий ҳаёт тарзининг янги палласидир.

Маданий ҳаётнинг иккинчи янги палласи шундан иборатки, замонавий маданиятни бошқариш асосида, ўтмиш маданиятининг айрим қирраларини ўз ҳақиқий ўрнида кўришга, шу билан бирга, уларнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри ва тўлиқ қамраб олишга имкон берадиган жиддий илмий, тарихий концепция ётади. Шундай қилиб, Гётени безовта қилган ўша *"вазн сакталиги"* шу йўсинда рад этилди. Ва ниҳоят бунинг натижаси ўлароқ, Шарқ маданиятини романтик суратда чексиз завқ-шавқ билан ошириб баҳолаш каби классик-такаббурона қўллаб-қувватлашлар ҳам инкор этилди.

Бугунги фикримиз эса, номи ва асарлари асрлар давомида сукунат қўйнига чўмган муаллиф (Навоий – тарж.) ҳақида бўлиши табиий, албатта. Аммо биз Навоийни *қайтадан кашф этишни* бошлаётган пайтда, у аллақачон фавқулодда улкан сиймо сифатида тан олинган эди.

Анъанага кўра Гёте Жомийни сўнгги улуғ форс шоири деб атаб, у ҳақда шундай ёзади: *"... у ўз салафларининг хато ва камчиликлари, фазилатларини, хайрихоҳлик ва саховатпикларини ўзида жамлаган, кенгайтирган, янгилаган, бунёд қилган ҳамда буларнинг ҳаммасини улкан аниқлик билан бир ипга тизганки, натижада, келажакка ҳеч нарса қолмаган, шу аснода у ўша даврни ўрганишни енгиллаштирган"*. У (Гёте) илм-фан тараққиёти тарихининг ўша даврлардаги аҳволини билолмаган. Тўғри, бу амалий жиҳатдан ҳақиқатан ҳам Жомийга насиб этгани аниқ. Аммо янада аниқроқ айтадиган бўлсак, бу ҳол Ўрта Осиё маданий доираларининг улкан бир қисмида, бевосита, Жомий ватанига қўшни бўлган ҳудудлар билан ўзига хос муносабатлар остида, жаҳонга сон-саноқсиз олим, рассом, мусиқашунос, меъморлар билан бир қаторда, дунё миқёсидаги серқирра даҳо ижодкор, улуғ шоир ва мутаффаккир, адабий тахаллуси "Навоий" бўлган Мир Алишерни берган, маданий ҳаётнинг энг гуллаган даври XV асрда кечган эди. Алишер Навоий 1441 йилда Ҳиротда (ҳозирги Афғонистоннинг Шимоли-Ғарбида), Амир Темурнинг ўғли Шоҳрухнинг илгариги қароргоҳида дунёга келган.

Мир Алишер Европа илм аҳлига ўтган асрнинг ўрталаридан яхши таниш. Европадаги барча катта кутубхоналарда, айниқса Париж, Вена ва Лондонда унинг кўплаб шеърий ва насрий асарларининг қўлёзмалари мавжуд. *Бобурийлар салтанати асосчиси Бобур Мирзо қаламига мансуб* машҳур "Бобурнома" мемуарининг инглиз, француз ва немис тилларида жамланган нашрларининг пайдо бўлиши, Бобурнинг дўсти ва замондоши Алишер номини жаҳонга танитди. Шоир ижоди билан батафсил шуғулланган Европа оритенталистларининг кўплаб асарлари 1841 йилдан бошлаб пайдо бўла бошлаган эди. Чиндан ҳам, бу асарларнинг барчасида муаллифлар Алишерни *машҳур шахс сифатида баҳоладилар*, бироқ *оригинал ижодкор, буюк шоир сифатида унга кам эътибор бердилар*. Яъни Европада уни ўрганиш шарқшуносларнинг тор доирасида, ҳа, аниқроқ айтсак, туркий тиллар билан шуғулланувчи филологлар доираси билан чегараланиб қолган эди.

Бу ишлар асосини чуқурроқ кузатиш, яъни нима учун Алишер Навоий шу бугунгача жаҳон адабиётида ўзига муносиб ўринни эгаллай олмади, деган савол, бизни фақат улкан тарихий хизматларининг ёлғиз ўзигина Алишер Навоий номини абадий қилиш учун етарли, деган тушунчага олиб келади. Навоий форс тили шу пайтгача сўзсиз маданий ва адабий тил даражасини эгаллаган саройда ижод қилиб, ушбу маданий доирадан чиқиб, ўзи шу тилни тўлиқ эгаллаб, ғоят бой назм ва насрдаги асарларининг катта бир қисмини туркий тилда,

аниқроғи илгари тилшунослик илмида *"чиғатой"* тили деб юритилган ва бугун биз замонавий ўзбек тилининг олдинги шакли деб билган, маълум бир ҳудуд, гуруҳ ёки ижтимоий табақа учун характерли бўлган *бу улкан тиллар оиласининг муштараклигида ёзди.* Бу тилда XV асрда Соҳибқирон авлодлари томонидан эгалланган халқлар билан бугунги Эроннинг Шимоли-Шарқидаги *Оксус ва Жакарта,* яъни Жайҳун ва Сайҳун дарёлари ораларидаги ҳамда ҳозирги Афғонистоннинг Шимолида сўзлашишади. Сал кейинроқ Бобур Мирзо ҳам ўзининг машҳур мемуарини ушбу тилда ёзган эди. Умуман олганда, Навоий бу тилда ижод қилганларнинг биринчиси эмас эди. Ҳа, дарвоқе, унинг ўтмиш салафлари бўлмиш шоирлар Лутфий ва Саккокийлар бу тилни ҳали тўлиқ эгалламаган эдилар. Фақат Навоийгина буни маданий-адабий поэтик тил даражасига кўтарди. Ва шу билан бирга, битта зарб билан уни ҳайратомуз даражада мукаммал қилишга эришди. Ҳали ушбу ишнинг аҳамияти ҳақида тўхталишимиз мумкин. Зотан, Навоийни *"форс адабиётига"* бошқа даҳли йўқ, у ёлғиз чиғатой тили билимдонларига тушунарли, деювчилар борлиги боис, унинг назмдаги асарлари фақат тор доирадаги филологик тадқиқотлар учун мавзу бўлишига сабаб бўлган. Филологлар Навоийни дунёда мустаҳкам қарор топган янги лисоний ижодини форс мухолифларининг баъзи бирларига эргашдилар ва улар Навоий назмини ҳақиқий тадқиқ қилмасдан *"эпигон"* ва *"тақлидчи"*, ҳа, салафларининг форсча шеърларини, айниқса Низомийни, турк тилига ағдарган оддий *"таржимон"* сифатида тушунтирдилар.

Янги илмий кузатишлар эса шоирга берилган бу таърифнинг асоссиз эканини ошкор қилди. Бугун Алишер Навоий шахсида форс адабиётининг "Буюк еттилиги"дан ортда қолган шоир эмас, балки шахсияти ва ижоди жиҳатидан улардан ҳам ўзиб кетган бир даҳо кўз олдимизда намоён бўлади. Қаранг, бир шахснинг ўзида, Уйғониш даврининг ҳақиқий сиймоси, давлат арбоби, файласуф, шоир, мусиқашунос, рассом, меъмор мужассам. У ўз даври тузуми фарзанди ва мавжуд жамиятга бутунлай янги ғоялар билан қарши турган замонавий шахс. Ўша давр Ўрта Осиё маданий доираларида бекорга Уйғониш даври деб кўрсатилмаган. Алишер Навоий шу даврнинг кўзга кўринган ўткир нигоҳли вакили эди. Бир вақтнинг ўзида у ўз замонаси ва ўз соҳасининг моҳир устаси, фидокори, жарчиси ҳамда ҳаками, кашфиётчиси ва кўзгусидир.

Ўз халқи адабиётини лотин тили кишанидан халос этган, халқ тилини маданий ва адабий тил даражасига кўтарган Европа Ренессанс даврининг улуғ кишиларидек, Алишер Навоий ҳам онгли равишда ва режа билан "зиёлилар" тили – форс тилини туркий тилга алмаштириш муаммосини илгари сурди. У деярли ҳар бир мисрасининг таърифу тавсифида ўзининг бунга муносабатини асослаб берди ва умрининг сўнгги йилларида фикрларининг мағзини жамлаб, ёзма равишда назарий баён қилди. "Муҳокамат ул-луғатайн" икки тил ҳақидаги рисола бўлиб, у Дантенинг биринчи рисоласига ўхшайди. Навоий ҳам, худди Данте каби ўзининг янги давр очган асарида қўшалоқ исботни илгари суради. Яъни, бу *биринчидан,* "Вулгар (аралаш) тил"га ўтиш муҳимлигини, *иккинчидан,* бунинг зарурлиги ва имкони борлигини.

Навоий қарашларининг ўзига хос таъсир кучи, мафтункорлиги шуни кўрсатадики, у туркий халқлар тиллари сўз бойлиги бўйича қилган изланишларида, ўша тилнинг грамматик ва услубий ўзига хосликлари, уларнинг синоним ва омонимларга жуда бойлиги ҳамда бошқа жиҳатларини доимо иккала тил шеър вазни мисолида кузатади. Шу билан бирга, у яна ўша даврда, ҳатто, форсийга қараганда туркий тиллар шеърий санъатида ифода шаклларининг кенгроқ имкониятлари кўл келаётганини исбот ҳам қилади. Аммо яна ҳам қизиқарлироғи бу – Навоий илгари сурган концепция, яъни ўзбек тилини адабий тил қилиш чорлови эди. Айнан ўша пайтда бундай қадам ташлаш зарур ҳам эди. Шу ўринда Дантенинг: "...Лотин тилининг нафи кам одамларга тегди, бунга қарама-қарши ўлароқ бўлган вулгар (аралаш) тилнинг фойдаси ҳақиқатан ҳам кўпчиликка теккан бўларди", деган далилини эслаш мумкин.

Айнан шу фикрни Алишер Навоий ўз рисоласида ривожлантирди, нафақат ривожлантирди, балки барча асарларида, доим хоҳ қоралама, хоҳ қўлёзмаларида бўлсин, қайта-қайта такрорлаб борди. Жумладан, у ўзининг "Лайли ва Мажнун" достонининг бир жойида шундай дейди:

Чу форси эрди нуқта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи.
Ул тил била назм бўлди малфуз,
Ким, форси англар ўлди маҳфуз.

Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким, шуҳрат чун жаҳонға тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай.
Невчунки букун жаҳонда ажрок,
Кўпдур хуштабъу софо идрок.

Кўраяпсизки, иккала шоирда ҳам бир хил истак, бир хил майл бўлган. Яъни шу пайтгача зиёлиларнинг фақат маълум бир қисмигагина тушунарли бўлган илм-фан ва санъат хазинасидан ўз халқи оммасини ҳам баҳраманд этишни мақсад қилгандир улар.

Форс тили расмий тил бўлган Ҳирот султони Ҳусайн Бойқаро саройида йиллар давомида вазирлик лавозимини эгаллаб турган Алишер Навоий барча анъаналарга зид бўлган бу масалаларга ушбу саройга ўзини бағишлаши қандай кечган? – деган саволга жавоб топиш, бизни Алишер Навоийнинг улуғворлиги ва ўзига хослиги манбалари сари етаклайди.

Навоий ўз ижтимоий-сиёсий фаолиятининг катта бир қисмида, ўз халқи унга билдирган хайрихоҳликдан, шубҳасиз, миннатдор бўлганлигини билдирган. Бироқ шоир шеъриятининг хақиқий оммавийлиги барча туркий халқлар яшаётган ҳудудларда, яъни Қобул ва Фарғонадан тортиб, то Озарбайжонга қадар ва татарлар яшайдиган Қримгача, асрлар давомида яшаётганлиги билан белгиланади.

Навоийнинг ҳали ўзи ҳаётлигидаёқ бизга етиб келган кўплаб қўлёзмаларда[6] баён қилинган ва оғзаки равишда тарқалган поэтик асарлари икки катта қисмга бўлинади:

1. Лирик шеърлар.
2. Достон ёки поэмалар.

Умрининг сўнгги йилларида Навоий ўзининг ўзбек тилидаги, араб-форс шеъриятининг барча шаклларини (ғазаллар, мустаҳзод, соқийнома, маснавий, рубоий ва бошқалар) ўзида қамраб олган лирик шеърларини ҳамда шахсан ўзи кашф этган баъзи бир янги шеърий турларини ҳам "Чор девон" ("Тўрт девон" шеърлар тўплами) ёки "Хазойин ул-маоний" (Маънолар хазинаси) деб номланган битта жилдга жамлади. Бу шеърлар (жами салкам 50.000 мисра) фикр ва туйғуларнинг ниҳоят даражада бойлиги ва кўп қиррали маъноларини ифодалайди.

Алишер Навоий шеърий меросининг улкан бир қисмини олтита катта достон ташкил этади. Ҳар бир достон ўз ичига ўн мингдан тортиб, то ўн беш минг мисрагача қамраб олган. Шулардан биттаси Алишер Навоий давлат хизматидан кетганидан сўнгги биринчи ўн бир йилдан кейинги битикларини, жумладан, Низомий анъаналарига риоя қилиб, "Хамса"га бириктирди. Олтинчи достон "Қуш тили" ни эса умрининг ниҳоясига яқин яратди.

Навоий "Хамса"нинг композициясида улуғ салафи бўлмиш Низомийга нафақат эргашди, балки ундан ўзининг беш достонининг мавзусини ҳам ўзлаштирди. Низомийнинг "Хамса"си битта фалсафий-дидактик шеър билан бошланади, унинг кетидан "Лайли ва Мажнун", "Хусрав ва Ширин", "Етти гўзал" афсоналари келади ва "Искандарнома" китоби билан якунланади. Навоий "Хамса"синининг композицияси ҳам шундай қурилган. Аввалambор, *Навоий "Хамса"синининг бундай қурилиши Европа шарқшунослари томонидан унга "тақлидчи", ҳа, фақат "таржимон" деган ёрлиқни ёпиштирди.* Ўзидан олдинги ижодкорлар асарларига *назира* боғлаш, бу форс шеърияти анъаналарига тааллуқли усул бўлган. Ҳақиқатан ҳам *назиралар* кўп ҳолларда у ёки бу даражада уддаланган тақлидлардан бўлак ҳеч нарса эмас эди. Зотан, *назиралар* шоирларга янги адабий-маданий ва фалсафий ғояларни ривожлантириш учун, кўпроқ араб ва ҳинд халқлари шеъриятидан кириб келган эртак тафсилотларини таниш бўлган масаллар билан боғлаш асосида, эски материални янгидан ишлаб чиқиш шаклида хизмат қилган. Бу ҳол Навоийда бутунлай бошқача, ўзига хос бир кўринишда учрайди. У эртак-масалдан фақат янги ғоявий фикрли мазмунни ифодалаш учун, асосий йўналиш сифатида фойдаланади. "Лайли ва Мажнун" достонининг бир жойида у ифодали қилиб шундай дейди:

[6] Радио анкетаси саволларига жавобларда, 1939 йилда йил бўйи Тошкентда Навоий юбилейи қўмитасига аҳолидан 72 дан кам бўлмаган қўлёзма йиғиб олинган. Уларнинг баъзилари XV-XVI асрларга оиддир. Улар аллақачон давлат кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмалар қатори қимматбаҳо манбага айланган.

Мен хастаки бу рақамни чектим,
Таҳрири учун қаламни чектим.
Ёзмоқта бу ишқи жовидона,
Мақсудим эмас эди фасона.
Мазмуниға бўлди рух майли,
Афсона эди анинг туфайли
Лекин чу рақамға келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун.

Мабодо, қадимги масаллардан шоир келтирган янги мазмун нимадан иборат эканини, Навоий "Хамса"сидаги беш достоннинг барчаси орқали кўрсатмоқчи бўлсак, бу иш чўзилиб кетган бўларди. Асосан, у асардаги характер ва ҳаракатларга сингдирган ўзгартишлар доим шу турда бўлади. У соғлом фикрни хурофотга қарама-қарши қўяди, тирик инсонни ва унинг изтиробларини қотиб қолган анъаналардан ҳимоя қилади, танбалларнинг ахлоқсизлигини, шафқатсизлик, худбинликни танқид қилади. Меҳнаткаш халқнинг фазилатларини кўкларга кўтаради. Қандай қилиб шоир ушбу янги ғоядан келиб чиқиб, эски масал тафсилотини қайта ишлаганини ва ўзининг ўтмиш салафлари изидан бориб, уни ўзгартиргани ва ривожлантирганини фақат битта мисол билан кўрсатиши мумкин?

Навоий "Хамса"сидаги достонларнинг учинчиси "Фарҳод ва Ширин" деб номланади. Бу достон нусхаси гўзал шоҳ қизи Ширинни Султон Хусравга маҳбуба қилиб берилган ҳамда "Хусрав ва Ширин" деб қатъий номланган илгариги барча вариантлари ва анъаналаридан фарқланади. Ўз маъшуқаси васлига етишмоқ истагида барча тўсиқларни енгиб ўтадиган, ҳаддан ташқари изтиробларга ошно ошиқ Хусрав эса Навоий назарида улкан севги драмасининг ижобий қаҳрамонидир. Ниҳоят, Ширин унга содиқ қолиш учун ихтиёрий равишда ўлим сари боради. Навоий достонида ҳам Султон Хусрав асосий қаҳрамонлардан бири ва Ширинни ошиғи сифатида талқин қилинади. Бироқ у, бу ерда ўз изтиробларидан қутилиш учун севишганлар олами устига ташланадиган ва уларнинг кўнглини вайрон қилиш учун ҳеч нарсадан чўчимайдиган сохта, маънисиз муҳаббат, жабр-зулм ва зўравонликнинг мажмуаси бўлиб салбий қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Ижобий қаҳрамон учун Навоий янги образ яратади. Бу Фарҳоддир. Шоир бу образни ҳам мустақил равишда ўзи топмаган, балки уни Фарҳод ёрдамчи эпизодик сиймо бўлиб қатнашган Низомийнинг достонидан олган. Навоий ўз достонининг кириш қисмида салафлари Низомий ва Деҳлавий билан баҳсга киришади, уларга изчил характерлар кашф қилмаганликларини ва масаланинг ғоявийлигию сарой ҳаётининг қизиқ тафсилотларига етарли эътибор қилмаганликлари тўғрисида таъна қилади. Кейинчалик буни яна *"ёнма-ён"* образ деб атаб, *"шоирлар Фарҳодни ҳам "бир қаторда"* эслатиб ўтадилар. Улар Фарҳод ҳақида фақат бир-икки оғиз сўз айтадилар, холос. Яъни тоғда яшовчи бир тоштарош Ширинни севиб қолган ва соғиниб, унга талпинган. У бир неча бор ҳар хил ҳолатларда Ширин билан учрашишга ҳаракат қилган. Бироқ Хусрав уни тоққа ўлдириш учун жўнатган. Шу зайлда, ҳар бир моҳир сўз санъаткори асарга ўзларидан нимадир қўшганлар.

Энди тафсилот шу мақсадда шоир кўз ўнгида бутунлай янгидан гавдаланади, Фарҳод масалнинг асосий қаҳрамонига айланади. Достон Фарҳоднинг туғилиши ва тарбияси билан бошланади. Бунинг устига, Навоий "тош йўнувчи ва тоғда яшовчи тоғ аҳолиси"ни шоҳ ўғлига, улкан фан ва санъат хазиналари макони бўлиб ифодаланган кучли ва бой мамлакат – Хитой давлатининг ворисига айлантирганидан ажабланмай бўлмайди. Бинобарин, асарда айнан мана шу нуқта характерлидир. Шоир буни Фарҳодга олий ва бой илмий-маданий таълим бериш учун ва уни замонасининг етук вакили қилиб кўрсатиш учун қўллаган. Ушбу юксак маҳорат ҳамда билимларни эгаллаган Фарҳод ўз аждодларининг тахтини рад қилади ва севгилисини ахтариш учун, ихтиёрий равишда дарбадарликда йўлга равона бўлади.

Демак, Навоий "Хамса"сининг қолган достонлари – "Ҳайрат ул-аброр", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр" ва "Садди Искандарий"даги ўзгаришларнинг аҳамияти, авлоддан-авлодга ўтиб келган сюжетлар ва ўтмиш салафлари қайта ишлаган мавзулардан сира кам эмас. Бироқ энг ҳайратланарлиси, умри поёнида 30 қуш ҳақидаги мавжуд афсонани янгидан ҳикоя қилишидир. Фаридиддин Аттор афсонани фақат тасаввуфий мажоз, деб талқин қилган. Қушлар ўзларининг шоҳларидан айрилиб

қолгач, Кавказдаги афсонавий қуш Симурғ олдига биргаликда учиб кетишга ва унга тожни тақдим этишга қарор қиладилар. Йўлда сиюновнинг етти водийсидан ўтгандан сўнг қушлар бирин-кетин ўла бошлайди. Фақат ҳолдан тойган, мақсадга талпинган, қонга беланган 30 қушга манзилга етиш ва Симурғ қушни топиш насиб қилган. У сараланиб қолган қушларга ҳақиқат қуёшига назар солишларини буюради. Энди бу тафсилот билан Навоий нима демоқчи? Навоийда ҳам қушлар Симурғни ахтариб у томонга учиб кетишга қарор қиладилар. Парвоз бошланиши олдидан қушлардан биттаси саёҳатга чиқмаслик учун ҳар хил баҳоналар билан секингина яшириниб бошқалардан орқада қолади. Саломон қуши (сассиқ попишак) унинг баҳоналарига эътироз билдиради. Ниҳоят, улар йўлга равона бўладилар. Фақат саботли қушлардан ўттизтаси саёҳат қийинчиликларига бардош бериб, манзилга етиб келадилар, бироқ улар ҳеч нарса тополмайдилар! Бу кутилмаган натижани ўйлаб, қушлар хулосага келадиларки, улар ўзлари 30 саботли қуш, афсонавий қуш Симурғни биргаликда тасаввур қилиш, кўз олдига келтириш учун уни ахтарган эдилар! Қадимги афсонани қандай дадиллик билан, қандай "замонавий" қилиб баён қилиш бу! Уни ҳеч қандай ортиқча изоҳсиз ҳам шундоқ тушунса бўлади.

Биз Навоийни чиндан ҳам янгилик яратган новатор ижодкор дея оламиз, бироқ бу фикр нисбий янгилик ҳақидалигини унутмаслигимиз керак. Чунки Навоий ўзининг бутун ижоди билан Шарқ шеъриятига дахлдор-ку! Унинг шеърий асарларида биз учун улуғ форс шоирларига нисбатан Гёте айтган ўша бегоналик ва улар шеъриятида тез-тез учраб турадиган ҳайрат ҳам бор. Ҳолбуки, бу ҳол у араб-форс шеъриятидаги анъанавий шаклларини бузаётганида рўй берган. Навоий алоҳида янги вазн шаклларини ижод қилганида, нима учун у ўзбек халқ шеъриятига қайтганини ва бунга эски ўзбек тилининг улкан лексик сўз ва шакл бойлиги сабабчи бўлганини, умуман, сўзлар оҳанги билан кўпроқ форс шоирлари шуғулланганларини тадқиқотчи қийналмасдан аниқлайди. Мабодо, Гёте: *"Форс шоирларидаги ранг-баранглик ва маҳсулдорлик ташқи оламнинг кўз илғамас кенгликларидан ва чексиз бойликларидан келиб чиққанлигини ва агар у бир вақтнинг ўзида бундан уларнинг "хато ва фазилатлари"* ҳам содир бўлганини айта олганда эди, у ҳолда бу бизнинг шоиримиз даври учун икки ҳисса кўп ҳисобланарди.

Темурийлар даврида Ўрта Осиё маданиятининг гуллаб-яшнашида, замондош дўстларнинг гувоҳлигича қараганда ҳамда сақланиб қолган санъат хазинаси ва қурилиш ёдгорликларининг садо беришича, ҳаёт, ташқи дунё шу қадар бой ва ранг-баранг бўлганки, Ҳофиз шеъриятининг ватани бўлмиш машҳур "Шероз боғлари" улар олдида сўлғин, рангпар бўлган. Навоий шеъриятидаги бу "Ҳаётнинг кенглиги" бизга бир қадар ғалати бўлиб туюлган фантазиянинг мўл-кўллиги бўлиб акс этади. Шундай қилиб, Шарқ шеърияти ва унинг қадимги элементлари ҳақида Гёте айтган барча мақтов, фикр-ўйларнинг ҳаммаси унга ҳам мос келади.

Гёте: *"Ушбу ёркин ақл-идрокимизнинг ҳосилаларида иштирок этишни хоҳлаймизми, агар хоҳласак, биз ўзимизни шарқлаштирмоғимиз даркор, Шарқ биз томонга келмайди"*, деган эди. Ўз даврида Шарқ тили ва маданиятини ўрганиш талабини англатган бу сўзлар бугун янги маъно касб этмоқда.

Шарқ биз томон келмоқда! Ўрта Осиёда биз Шарқ маданиятига бефарқ-бегона бўлмаган, аксинча унинг шаклланишига хайрихоҳ бўлган кишиларни учратдик. Улар руҳи баланд, завқ-шавққа тўлган замонавий кишилардир. Мақсадларимиз, қизиқишларимиз ва ишларимизнинг умумийлиги жиҳатидан биз улар билан боғланганмиз.

Мен бу феномен билан илк бор тўқнашиб қолган пайтимдаги ўз ҳайратимни ҳеч унутолмайман. Кунларнинг бирида, Ереванда, кечки пайт мўъжазгина каҳвахонанинг боғидаги ўриндиқдан жой олиб ўтирганимда, шу ерда битта кўримсизгина кекса киши ҳам ўтирарди. Кейинроқ билсам, унинг келиб чиқиши форсий бўлиб, у ўғлини шаҳарга ҳайдовчиликка ўқишга олиб келган деҳқон экан. Биз суҳбатлашдик. Менинг ёзувчи эканлигимни билгач, бу кекса киши тезда менга форс шоирлари ҳақида овозини кўтариб гапира бошлади. Мен илк бор Ҳофиз, Умар Ҳайёмнинг бир даста шеърларини у кишидан эшитдим. Ҳа, айтгандай, Навоийни ҳам. Ҳатто мен аввал номини ҳам билмаган Навоийни у шундай қироат билан айтди ва тушунтирдики, ўшанда унинг шеърий жилдлари фақат эндигина нашр қилина бошланган эди. Мен ўзимни бир дақиқага "1001 кеча"дагидай тасаввур қилдим. Бу ҳол кекса киши менга қуйидагиларни ҳикоя қилганда содир бўлган эди. У киши сал илгари бошқа бир киши билан бозорда танишиб қолади.

Улар шеър айтиша бошлайдилар ва бегона киши унга топиш учун бир форсча шеърий топишмоқ беради. Келаси кун у топишмоқнинг ечимини сўрашга келишини айтади. Менинг столдаги суҳбатдошим: "У менга ўн битта топишмоқ берган эди. Мен ҳанузгача ҳаммасини еча олмадим. Улар жуда қийин, аммо жуда ажойиб эди", деди. Аммо кейин билсам, чиндан ҳам бу топишмоқда кўпгина сўз ўйинлари бўлиб, улар жуда қийин экан, шу боис суҳбатдошим менга уларнинг баъзиларини таржима қилишга ҳаракат қилди. Энди у ўн иккинчи топишмоқ ҳақида ўйларди. Унда фикр донни майдалаётган ўттиз икки (32) тошлик тегирмон ҳақида борарди. (Рақам ҳарфлар бағрига жо бўлган эди). Ва шулар билан бирга шамол ҳам янчилаётган (туйилаётган) эди, аммо нафақат шамол, балки унга қўшилиб оҳанглар ва фикрлар ҳам туйилаётган эди...

Ҳолбуки, бу ягона воқеа эмас эди. Кавказ тоғ этакларидаги яйловларнинг бирида мен арманистонлик чўпонларнинг минг йиллардан буён қадимги эпос *"Довуд Сосуний"*ни куйлаб келаётганларини эшитдим. Тошкентнинг эски шаҳарида эса, бир гилам тўқув корхонасининг бошлиғи, мен унинг ҳовлисига тасодифан кириб қолган эдим, менга Алишер Навоий рубоийларини ёд айтиб берди.

Янги маданият етилиб келаётган бизнинг яқин атрофимизда ҳайдовчи, сотувчи, инженер, банк филиали раҳбари, муҳаррир, ёзувчи, халқ ноиби бўлиб ишлаётган бу кишиларнинг ўғиллари ва оға-инилари учун *Ҳофиз, Умар Ҳайём, Навоий ва Шарқнинг қадимги халқ оғзаки ижоди* ўзининг барча хаёлий, иллюзияга бой, фантастик суратлари билан тирик маънавий бойликдир.

Биз ўзимизни *"шарқлаштирмоғимиз" (Шарққа мослаштирмоғимиз) керакми?* Тарих Гёте хаёл қилмаган йўлни босиб ўтди. Ўтмиш бизнинг олдимизга масалани бошқача қилиб қўйди. Уни қайтадан таърифлаш учун сўз ахтармоғимиз лозимми?

Қадимги ва замонавий Шарқ классикларининг немисча таржималари устида бошланган бу иш *"Ҳомер"* ни кашф этмоқчи эмас. Ушбу бошланган амал келажакда *Ҳомер* билан бирга, ёнма-ён *Хорац* ва *Шекспирни*, *Ли Тай-по*, *Фидяпати Такурни* ҳамда *Ҳофиз*, *Низомий* ва *Навоий*ни ҳам ўз мероси деб ҳисоблайдиган шеърият ва маданиятни яратиш учун баҳоли қудрат ҳисса бўлиб қўшилишини хоҳлайди.

Немис тилидан
Ровияжон *АБДУЛЛАЕВА* таржимаси

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Юлдузой ЎРМОНОВА

1995 йилда туғилган. Тошкент Давлат жаҳон тиллари университети талабаси. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.

МАНЗИЛГА... ҚУВОНЧ ЭЛТАДИ

Тошкент

Соғинч дарди бағримни тилса,
Азоб ўтин совутар Тошкент.
Кетаман деб хархаша қилса,
Юрагимни овутар Тошкент.

Узун ва тор, чанг кўчаларда
Ғубори йўқ кенг диллар ўсар.
Катта-катта, кенг кўчаларда
Йўлларимни хавотир тўсар.

Қишлоққа хос асли соддалик,
Унга жимлик, ёлқин ярашар,
Юрагингга солса ҳам ҳадик,
Шаҳарларга шовқин ярашар.

Шошга шошиб келган кунимдан
Тушларим ҳам бир-бир келди ўнг.
Пойтахт берган соғинчларимдан
Андижонни топиб олдим сўнг.

Самолёт

Камарлар бўшалди, кўнгиллар озод,
Сайёҳ туйғулари ҳурликка уйқаш,
О, Тошкентим, яна биргамиз, наҳот,
Дея кўксин тўкиб олар экипаж?!

Самолёт кетгиси келмас бир муддат,
Олис мамлакатга юрак тортмас ҳеч.
Жимгина кузатиб қолади илҳақ,
Оҳ деб отланади, қидириб илинж.

Темир вужудида қалб йўқ дейсизми,
Туйғу нима билмас дейсизми баттол?!
Қадоқ қўллар берган ундаги ҳисни,
Унда ҳам инсондан юққан меҳр бор.

Самога кўнмайди тезроқ қўнмаса,
Она тупроғини кўкдан қизғонар.
Унда ҳам нимадир бор-да, бўлмаса
Не учун сафарга секин қўзғалар?

Ватан соғинчини соғиниб илкис,
Темир қушим тағин учиб кетади.
Қулочин кенг ёзиб куйлайди тилсиз,
Манзилга бир кучоқ қувонч элтади.

Шу зайлда яшаб борар тайёра,
Тотли изтироблар юракка уйқаш.
Умр ўтаверар, вақт ҳам тобора,
Тўлиб ва тўкилиб борар экипаж.

Таскин

Ҳаддан ошган айриликларга
Кўнмай-кўнмай, кўришдик мана.
Ер юмалоқ, дунё тор экан,
Кўрмай-кўрмай кўришдик яна.

Мана, дийдор, мана, сену мен,
Бир он насиб висолни суйдим.
Иккимизсиз ўтган кунларни
Ёмон тушдай яхшига йўйдим.

Ўзгармадим, ўзгаролмадим,
Тенг келмадим тенгсизликларга.
Йўлиқдиму кўниколмадим,
Ўтлар қўйдим сенсизликларга.

Азбаройи соғинч дастидан.
Кўзларингдан кўзим узмадим.
Сен ҳам кўзларимга боқолмай,
Кўзинг узолмадинг ўзгадан.

У менмидим, у сенмидинг?

Қай дилдаки ажаб, дедим,
Ишқ шамоли эсмаган?
У сенмидинг, у менмидим,
Кўкламда куз эслаган?

Ҳайрон кетдим, қай ён кетдинг,
Юракни бир кезмаган?
У менмидим, у сенмидинг,
Муҳаббатни сезмаган?

Бугун бутун коинот жим,
Биздан кўзин узмаган.
Айт, сенмидинг ё менмидим,
Ўзни қалбга юзлаган?

Тенгсизликка ё тенгмидинг,
Рангсиз сўзлар сўзлаган.
У менмидим, у сенмидинг,
Айт, ҳавойи бўзлаган?

Ишқ-ку, йўқлаб келган эди,
Билмам, нени кўзлаган.
У бизмидик, у ким эди,
Қайтиб кетгач, изғлаган?

Фармон ТОШЕВ

1954 йилда туғилган. Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. "Онанг тирик, болам", "Мен ёмғирли кунда келаман", "Журналистнинг нони қаттиқ", "Отамнинг сабоқлари", "Умрнинг ўртаси", "Ўзимдек яшашни истайман", "Бедаво кўнгил", "Сўз айтмоқ саодати", "Соғинч", "Аёллар нима дейди?" каби китоблари нашр этилган.

СИНОВ БИРЛА СИНОАТДУР

* * *

Мулки борлиққа замин, сув бирла қуёш эҳтиёж,
Бил, сафар чоғи мусофирларга йўлдош эҳтиёж.

Аҳли ночор қилча мушкулда ожизлик майл этур,
Сабри йўқ, йўқ тоқати, бир томчи кўзёш эҳтиёж.

Умри фонийда музаффар бўлгали инсон учун,
Кўп эмас: сабру қаноат ҳамда бардош эҳтиёж.

Дуч келур одамга дардинг айлама ошкор сира,
Аҳли оқилга мудом дўст – битта сирдош эҳтиёж.

Сен меҳр бирла мурувват кўрсатурга айла шаҳд,
Нокасу беиқтидорда отгали тош эҳтиёж.

Бефаросатли кишига амри маъруф бесамар,
Бундайин касларга доим ғалва, аввош эҳтиёж.

Фармоно, хулқинг гўзал, байтинг гўзал бўлсин, аё,
Эл сезур назминг аро сўзга наққош эҳтиёж.

* * *

Хотири жам киши умри фароғатдур,
Фароғатли умр ҳар бандага роҳатдур.

Вале, роҳатда ўтмайдур бутун умринг,
Қадамда бир синов бирла синоатдур.

Синоат солмасин ҳайрат шуурингга,
Заковат ва қаноат бунда омаддур.

Яратган бахш этур омадни шавқлига,
Умр маъноси ғайрат ва шижоатдур.

Шижоатсиз, илмсиз кимса ғофилдур,
Яшаб не ҳам топарсен, бу жаҳолатдур.

Жаҳолатда кечар онинг залолат, бил,
Бақода йўқ, фанода йўқ, аросатдур.

Аросатким, бани муслимга хос эрмас,
Бани муслимга хос хислат ибодатдур.

Ибодатни меҳр, эзгу ният билсанг,
Барокот ул, шарофат ул, шарофатдур.

Аё, Фармон, шафоатга эришсанг гар,
Етишгайсан нури Ҳаққа – саодатдур.

* * *

Агар дўстинг эрур лоқайд
сенга ҳамдам бўлолмайди,
У ҳеч ҳамдард бўлолмайди,
ишон, ҳеч ҳам бўлолмайди.
Не тонг, гоҳо кўнгил зебо
санамларга ҳавас қилгай,
Бироқ, билки, никоҳсиз ул,
сенга маҳрам бўлолмайди.
Чиқиб офтоб гаҳи кунлар
вужуд, танга ҳузур бергай,
Вале, акраб ва ё тўқсон
баҳор, кўклам бўлолмайди.
Бўлиб довдир бировнинг
қалбига урма калом тиғин,
Узр, авфу надоматлар
абас, малҳам бўлолмайди.
Изн берма кунокун
улфату суҳбат, сафоларга,
Зиёфат, базми жамшид, тўй,
ийду байрам бўлолмайди.
Ўзин доно қилиб кўрсатса-да,
нодон кибор бирла,
Лавозимда юрар аммо
ғани, акрам бўлолмайди.
Мудом Фармон, садоқат-ла
улуг халқингга қил сажда,
Унутганлар ғами элни
сира хуррам бўлолмайди.

* * *

"Эй қалам, ёзсанг агар қалбимни ёз"[1]
Қалбдаги туйғуларим – дардимни ёз.

Рост демакка аҳд қилиб эрдим, вале,
Ислама ташбеҳ гўзал, аҳдимни ёз.

Ҳур Ватан оғушида толе насиб,
Беназир, бекам, тугал бахтимни ёз.

Хўп эришдимки буюк иқболга мен,
Эркли, ҳур ўзбек деган тахтимни ёз.

Шу улуғ юртим, элимга жон фидо,
Дилдаги эзгу ният, шаҳдимни ёз.

Фармоно ёлғон демакдин ор қилур,
Эй қалам, ўтрук нечун, нақдимни ёз.

* * *

Кўнгил хилқат, кўнгил асрор,
изоҳи юзда бўлғайдур,
Сўзимдин изламанг ишқни,
муҳаббат кўзда бўлғайдур.
Ҳавойи кимсалар доим
ҳавойи ваъдалар бергай,
Оқил, доно учун жўжа
санашлар кузда бўлғайдур.
Пиширсанг не масаллиқдин
таом нозик ҳавас бирлан,
Анинг хушхўрлиги, таъми
билиб қўй, тузда бўлғайдур.
Ибо нозу назокатлар
зоҳир сирли қарашларда,
Само ёғдуси ойдан, лек
жило юлдузда бўлғайдур.
Қачон кетгунг, қаён боргунг,
фақат ёлғиз ўзи билгай,
Неки тақдирга тушгай ул,
аё, ризқ-рўзда бўлғайдур.

Самарқанд

[1] Ўлмас Жамол сатри.



ИФТИХОР

Умарали НОРМАТОВ

1931 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби. Тошкент Давлат университетининг филология факультетида таълим олган. Олимнинг беш юздан ортиқ мақолалари, элликдан ортиқ адабий-танқидий асарлари, дарслик, ўқув қўлланмалари чоп этилган. Жумладан, "Насримиз уфқлари", "Етуклик", "Қалб инқилоби", "Қодирий боғи", "Ўтган кунлар" ҳайрати" китоблари замонавий ўзбек адабиётшунослигининг ютуғидир.

ЗАҲМАТКАШ ОЛИМНИНГ ШАРАФЛИ ЙЎЛИ

1972 йилнинг сентябри. Миллий университет ўзбек филологияси факультети биринчи курсида ҳозирги адабий жараён фанидан машғулотлар бошлаганман. Ўн йилдан бери камина олиб борадиган бу курснинг бош вазифаси – филолог талабаларни жорий адабий жараён оламига олиб кириш, уларда сўз санъати ва адабиётшунослик, танқидчилик янгиликларини мунтазам кузатиб бориш, бинобарин, адабиёт олами ичида яшаш малакасини шакллантиришдан иборат. Одатга кўра, илк машғулотни талабаларнинг бу борадаги савия-даражасини аниқлашдан бошладим. Миллий, қолаверса, кейинги йилларда жаҳон адабиётида яратилиб, эл оғзига тушган, шов-шувларга асос бўлган асарлар бўйича саволлар чоғи ҳаммаси равшан бўлади-қолади. Бу гал ҳам айни шундай ҳол юз берди. Қўйилган саволларнинг деярли барчасига жавоб учун қўл кўтарган уч-тўрттагина талаба орасида кичик жуссали, кўзлари чақнаб турган йигитча эътиборимни жалб этди. А.Солженициннинг "Иван Денисовичнинг бир куни", Ч.Айтматовнинг "Оқ кема"си, А.Мухтор, Шуҳрат, О.Ёқубов, П.Қодиров романлари, С.Аҳмад, Ў.Умарбеков, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев ҳикоя, қиссалари, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, М.Али шеърий тўпламлари, О.Шарафиддинов, М.Қўшжоновларнинг адабий-танқидий мақола, китоблари, "Литературная газета", "Шарқ юлдузи", "Ўзбекистон маданияти", "Гулистон" саҳифаларида эълон этилаётган асарлар, баҳс-мунозаралар – барча-барчасидан хабардор бу талабага илк танишувдаёқ меҳрим тушиб қолди. Мен аудиторияда ўтирганларга уни ибрат қилиб кўрсатдим, филология бўйича олий таълим даргоҳига қадам қўйган талаба шундай бўлиши лозимлигини, филология бу – сўзга, сўз санъатига шайдолик – ошиқлик дегани, адабий асарларни мажбурият юзасидан эмас, чин дилдан севиб, қидириб топиб ўқийдиган, бу соҳани қисмат деб биладиган, унга ҳатто жонини, жаҳонини бахш этишга тайёр одамдангина ҳақиқий филолог – адабиётшунос, етук мураббий чиқишини бу гал ҳам бўлғуси филологларга уқтирдим. Суриштириб билдим: Ҳамидулла исмли бу йигит Андижон шаҳрида 1954 йил 20 августда маърифатли оилада дунёга келган, мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ китоб шайдоси бўлган, филолог бўлишни кўнглига туккан. Мактабни битирибоқ ТошДУнинг

филология факультетига ариза топширган, аммо етарли балл тўплолмаган, бир йил мебель фабрикасида ишлаб, айни пайтда, астойдил тайёргарлик кўриб иккинчи йили университет талабаси бўлишга эришган экан...

Афсус, ҳар галгидек бу курсга қабул қилинган 60-80 чоғли филолог талабалар орасидан битта, нари борса, икки-учта ана шундай фидойи чин филологлар чиқади, холос... Ҳар хил йўллар билан бу даргоҳга кириб қолган, ҳатто кейинчалик бу соҳа бўйича илмий даража, унвонларга эришган "уддабурон"ларнинг эса қисмати нима билан тугаганини кўрдик, кўряпмиз... Илоҳий адолатни қарангки, фаннинг бошқа барча соҳаларида бўлгани каби филология жабҳасида ҳам унинг асл қиёфасини, келажагини, даража-миқёсини, аввало, Оллоҳ берган чин истеъдод, ўз соҳасига чексиз меҳр қўйган фидойи шахсларгина белгилайди. Миллий университетда кечган олтмиш йиллик фаолиятим давомида топган бармоқ билан санарли ана шундай ноёб хислат соҳибларидан бири – ўша илк машғулот чоғи эътиборимин тортган кичик жуссали, кўзлари чақнаган шогирд йигитча – бугунги кунда 60 ёшни қоралаб турган таниқли адабиётшунос олим, мураббий Ҳамидулла Болтабоев экани билан фахрланаман.

Аслини олганда, Ҳамидуллага мен ўзимни устоз дейишдан бироз ийманаман. Тўғри, талабалик йиллари унинг диплом ишига, сўнг сиртқи аспирантлик кезлари номзодлик диссертациясига расман илмий раҳбар бўлганман; диплом иши учун мавзу сифатида ўз даврида қизғин баҳсларга асос бўлган "Сўнгги бекат" романи (Ш.Холмирзаев асари), сўнг номзодлик диссертацияси учун эса "Ҳозирги ўзбек насрида услубий изланишлар (70-йиллар)" муаммоларини тавсия этганман. Диплом иши, номзодлик диссертацияси устидаги иш жараёнида, очиғи, раҳбар сифатида бу шогирдга йўл-йўриқ кўрсатишга зарурат бўлгани йўқ; тадқиқот мавзусига оид адабий манбалар, илмий адабиётлардан тортиб, иш режасию унда кўтариладиган муаммоларгача – барчасини ўзи мустақил ҳал этган, айрим масалалар бўйича орамизда баҳслар бўлиб ўтган, холос. Талабалик даври якунида "Сўнгги бекат" романи устидаги илк илмий қадами, аспирантлик йиллари маҳсули – 70-йиллар ўзбек насридаги услубий изланишларга оид тадқиқоти мавзуга оид қатор нозик кузатиш, ўзига хос таҳлил, талқинлари билан адабий-илмий жамоатчилик эътиборини қозонди. Қарангки, 1982 йили ҳимоя қилинган номзодлик диссертацияси орадан ўн йил ўтиб, 1992 йили "Наср ва услуб" номи остида китоб ҳолида чиқди. Мазкур тадқиқотда ўтган асрнинг 70-йиллари насримизда юз берган услубий тенденциялар, уч йўналишдаги ("изчил реалистик", "лиро-романтик" ва "рамзий-мажозий") изланишлар ҳақидаги кузатишлар ўзимиздагина эмас, хорижлик адабиётшунослар орасида ҳам қизиқиш уйғотгани эътиборга сазовордир.

Номзодлик диссертацияси устида ишлаган чоғлари Ҳамидулла собиқ иттифоқ, қолаверса, жаҳон адабий жараёни билан яқиндан танишди. О.Ёқубовдан тортиб, Эркин Аъзамгача бўлган истеъдодли ёзувчилар ижодий йўлини синчиклаб кузатди,

бугина эмас, айниқса, ўзига замондош-тенгдош адабий авлод – Х.Султонов, Х.Даврон, М.Юсуф, Х.Дўстмуҳаммад, Ш.Раҳмон, М.Муҳаммад Дўст, Т.Муродлар билан яқиндан дўст тутинди, ана шулар муҳити ичида нафас олди. Мен бундан буён ҳам бу укамиз ўзим каби айни шу ижодий жараён устида янгидан-янги тадқиқотларни давом эттирса керак, деган умидда юрардим. Эҳтимол, камина сингари номзодликни ёқлаб, Миллий университетдаги устозим О.Шарафиддинов асос солган ўзбек адабий танқидчилиги мактаби муҳитида иш бошлаганлигим, 26 йил ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилганлигим, фақат бир масканда қўним иш олиб борганим туфайли бир йўлдан боргандирман...

Тақдир, нон-насиба экан, Ҳамидулланинг илм-фан, меҳнат йўлидаги кечмиши ўзгача, хийла мураккаб тарзда кечди. Укамиз 1977 йили университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, ўз соҳаси эмас, Халқ хўжалиги институтининг тайёрлов бўлимида иш бошлади, орадан кўп ўтмай, Халқ хўжалиги институтининг Қўқон филиалига, сўнг Андижон филиалига ишга ўтди. Ўз соҳаси – ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги қолиб, талабаларга ўзбек ва рус тилларидан дарс берди; сўнг уларнинг ёнига партия тарихи ва фалсафа қўшилди, боз устига, рус гуруҳларида рус тилида дарс беришга мажбур бўлди. Ниҳоят, олти йилдан сўнг сиртқи аспирантурани тугатиб, номзодлик илмий даражасига эришгач, Чўлпон номидаги Андижон Тиллар иститутида қўним топди, бу ерда ҳам замонавий ўзбек адабиётидан фан номзоди даражасини олган олим рус ва хорижий халқлар адабиёти кафедраси мудири сифатида рус фольклоридан тортиб, рус ва жаҳон адабиёти тарихи, назария бўйича рус тилида дарс олиб боришга мажбур бўлди. Мана шу 17 йиллик мураккаб муҳитда ҳам қувончли, ҳам чигал савдолар бошига тушди. Айрим ғаламисларнинг фитна, таҳдид, таъқибларига қарамай, 1996 йил 7 декабрда "XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси" мавзуси бўйича докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилишга эришди.

70-80-йиллари замонавий ўзбек насри муаммолари устида астойдил тадқиқот олиб борган, айни шу қайноқ адабий муҳит ичида юрган ёш олим нега бирдан XX аср бошлари, боз устига, энг мураккаб, қалтис сиймо Фитрат ижодий мероси тадқиқи соҳасига ўтди, деган ҳақли савол туғилади. Мустабид тузум қурбонлари бўлмиш буюк адабий сиймолардан Қодирийнинг омади юришиб, 50-йиллар охири, 60-йиллардаёқ ижодий мероси халққа қайтарила бошлайди; аммо унинг икки сафдоши – Чўлпон билан Фитрат расман оқланган бўлса-да, ижодий меросини рўёбга чиқариш, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш ўта мушкул кечди, фақат 80-йиллар охирига келиб бу соҳага йўл очила бошлади. Мана шу хайрли ташаббусни бошловчиларидан бири – Ҳамидулла укамиз бўлиб чиқди.

Бу "писмиқ" инигинам ҳатто мендан ҳам бир ҳақиқатни сир сақлаб юраркан. Талабалик даврининг биринчи йилида унга ётоқхона тегмай, ижара уйи излаб юрганида, бахтли тасодифни қарангки, буюк аллома Фитратнинг синглиси Маҳбуба ая ихтиёридаги хонадондан вақтинча паноҳ топади, бир-икки ҳафта яшашга розилик берган опамизга укамиз ёқиб қолиб, у бир йил шу даргоҳда туриш шарафига муяссар бўлади. Ўша кезлари нафақада бўлган опамизга тиришқоқ, илмга чанқоқ, араб ёзувидаги манбаларни бемалол ўқий оладиган дастёр одам керак эди. Бу кезларда онахон жон-жаҳди билан акаси меросини йиғиш, юзага чиқариш хаёли билан банд эди. Ҳамидулла опамизнинг ўнг қўлига айланади, унинг ёнида ўтириб мунтазам ноёб манбалар мутолааси билан шуғулланади; бир йиллик ижара ҳаётидан кейин ҳам хонадон соҳибаси билан бу борадаги илмий-ижодий ҳамкорлигини давом эттиради; шу тариқа Ҳамидулланинг "пинҳона" фитратшунослиги шаклланади.

Ниҳоят, 80-йиллар охирига келиб, ошкоралик деб аталган бир вазиятда Ҳамидулла Фитрат оламига дадил қадам қўя бошлайди, 1987 йил октябрь-декабрь ойлари М.В Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида малака ошириш чоғи марказдаги улкан адабиётшунослар Г.Поспелов, Е.Хализев, Л.Климовичлар билан ҳамкорлик ўрнатиш асносида пойтахтдаги кутубхона, архивлардаги Фитрат ижодий меросига оид манбалар билан яқиндан танишиш, улардан нусха олиш шарафига муяссар бўлди. Шу тариқа Фитрат оламига шўнғиб кетади. Бирин-кетин "Абдурауф Фитрат" (1992), "Қатағон қилинган илм" (1996), "Абдурауф Фитрат – адабиётшунос" (1996), "Фитратнинг илмий мероси" (1996) китоблари нашр этила бошланди. Ниҳоят, 1996 йил 7 декабрда "XX аср бошларида ўзбек адабиётшунослиги

ва Фитратнинг илмий мероси" мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга муваффақ бўлади. Қодирий, Чўлпон ҳақидаги ҳақиқатни юзага чиқариш бобида И.Султонов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримовлар қанчалар жонбозлик кўрсатган бўлсалар, Ҳамидулла ҳам сафдошлари қатори фитратшуносликда катта жонбозлик кўрсатди; бу хайрли ташаббус, шижоат докторлик диссертацияси ҳимояси билан чекланиб қолгани йўқ, олимнинг бу борадаги кўламли фаолияти ҳамон изчил давом этаётир. "Фитрат ва жадидчилик" (2007) мақолалар тўплами Фитрат меросига янги аср адабиётшунослиги нуқтаи назаридан ёндашишнинг чиройли намунасидир. Бевосита Ҳ.Болтабоев муҳаррирлиги, таржимаси остида адибнинг "Мухтасар ислом тарихи" (1992), "Адабиёт қоидалари" (1995), "Аруз ҳақида" (1997), "Мунозара" (1998) сингари асарлари алоҳида китоб ҳолида чоп этилди; шунингдек, 2000-2010 йиллар оралиғида "Маънавият" нашриётида алломанинг беш жилдлик Танланган асарлари Ҳамидулланинг табдил, таржима, сўз боши ва изоҳлари билан нашр қилинди. Энг сўнгги муҳим ташаббус – Фитратнинг 1927 йили чоп этилган ноёб китоби "Энг эски турк адабиёти намуналари" (2008), 1928 йили чиққан "Ўзбек адабиёти намуналари" (2013), яна ўша укамиз Ҳамидулланинг сўз бошилари билан "Мумтоз сўз" нашриётида қайта чиқиши савоб иш бўлди.

Миллий университет раҳбарияти, ўзбек филологияси факультети илмий жамоаси таклифи билан Ҳамидулланинг 1998 йилда бу мўътабар ўқув даргоҳига профессор лавозимига ишга келиши олим ҳаётида, илмий-ижодий фаолиятида янги босқични ташкил этди. Орадан бир йил ўтиб, у ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси мудири этиб тайинланди. Истеъдодли, серғайрат олим бу масъул лавозимда ғайрат-шижоат билан ишга киришиб, атоқли устоз Ғулом Каримов анъаналарини янги босқичда шижоат билан давом эттирди. Бу йиллари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинган, унга кўра янги тизим – бакалавриат ва магистратура босқичининг Давлат стандартларини тайёрлаш, ўқув режалари ва дастурларини тузиш ҳаракати кетаётган, мумтоз адабиёт бўйича тубдан янгиланган ўқув дастури яратиш, магистратура босқичи учун янги мутахассислик фанларини тавсия этишдек долзарб вазифаларни ҳал этиш лозим эди. Ҳамидулланинг саъйи ҳаракати билан "Адабиётшунослик методологияси", "Адабиётшунослик ва структуал методлар", "Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари", "Мумтоз тарихий поэтика", "Назарий поэтика", "Адабиётшунослик тарихи" ўқув курсларининг режа ва дастурлари ишлаб чиқилди; айни пайтда, ана шу ўқув курслар бўйича ўқув қўлланмалари яратишга киришилди. Қисқа фурсат ичида "Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи)" (2005), "Шарқ мумтоз поэтикаси" (2006, 2008) номи билан аталган салмоқдор ўқув китоблари чоп этилди. Профессор Ҳ.Болтабоев томонидан тайёрланган, академик Н.Иброҳимов, А.Рустамов, шунингдек, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Б.Назаров, С.Олимов, М.Комиловдек етук мутахассисларнинг нигоҳи, синчков таҳриридан ўтиб нашр этилган ҳар иккала китоб ҳам талабалар, қолаверса, хос китобхонлар учун муносиб тортиқ, ташна қалблар учун айни маънавий оби ҳаёт бўлди. "Ислом тасаввуфи манбалари" ва "Шарқ мумтоз поэтикаси" китобларининг 2007 йили Республика олий таълим мутахассислари орасида йилнинг "Энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" танловида 1-ўринни эгаллаб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг махсус мукофоти билан тақдирлангани тасодифий эмас.

Маълумки, Шарқ мумтоз поэтикаси кенг қамровли тушунча, у араб, форс ва турк тилларидаги манбалар билан чекланмай, ҳинд, хитой, япон, корейс каби ўнлаб халқлар адабий-назарий тафаккури тажрибаларини ҳам ўз ичига олади. Мазкур қўлланмаларнинг биринчи китобида ислом тасаввуфи, аниқроғи, ислом тафаккури таъсирида шаклланиб ривож топган, араб ва форс тилларидаги манбаларнинг ўзбекча таржималари берилган. Иккинчи китобда эса ҳинд, хитой, япон, корейс тилидаги манбаларнинг эълон этилиши режалаштирилган. Кейинги минг йиллик давомида ўзбек мумтоз адабиёти ривожи биринчи галда айни шу араб, форс ва турк адабиёти, бадиий, фалсафий тафаккури билан узвий алоқада, ҳамкорликда кечганлиги кундай равшан. Демак, мазкур ўқув қўлланманинг айни шу тарзда ташкил топиши теран мантиқий-илмий асосга эга.

Фаробийдан тортиб, то Фитратга қадар минг йилликда яратилган ғоят бой илмий-адабий манбаларни беришда мақбул йўл танланган – ҳам мумтоз поэтика табиатини, ҳам замонавий поэтика назарияси тажрибаларини назарда тутган ҳолда улар "Бадиий сўз табиати, шоирлик таърифи", "Сурат (шакл) ва маъно бирлиги", "Адабий турлар,

шеър навлари", "Шеър тузилиши ва аруз илми", "Бадиий санъатлар", "Қофия илми", "Тил одоби, бадиий нутқ ва услуб" каби тизимларга солинган. Мазкур манба ва талқинлар китоби камтарона тарзда "ўқув қўлланмаси", "мажмуа" деб аталсада, айни пайтда, жиддий илмий тадқиқотлар маҳсули, ҳосиласидир. Ундаги муқаддима, боблар олдида берилган муаллифлар ҳақидаги мухтасар маълумот, мавзуга оид кенг талқин ва шарҳлар, китоб охиридаги батафсил изоҳлар, шунингдек, исмлар, истилоҳлар кўрсаткичи юксак илмий савияда адо этилган. Ушбу китобдаги манба ва талқинлар ҳам мумтоз поэтика масалаларини, ҳам замонавий адабиёт назарияси муаммоларини теран тушунувчи назариётчи олим заҳматининг натижасидир. Тасаввур қилиб кўринг-а, олим "Ислом тасаввуфи манбалари" китобида фойдаланган "Асарлар кўрсаткичи"да 200 дан ортиқ, "Шарқ мумтоз поэтикаси"да эса 150 га яқин манбалар рўйхатини келтиради. Ўз-ўзидан равшанки, муаллиф келтирилган манбаларнинг барчасини синчиклаб ўрганган.

Мазкур китобларда жамланган ислом тасаввуфи, мумтоз адабиётимиз поэтик тафаккури манбалари билан танишиб чиққанда, табиий равишда китобхон кўнглида миллий ифтихор туйғуси жўш уради: ота-боболаримиз минг йиллар муқаддам жаҳон илғор тафаккури билан таниш бўлганлар, айни пайтда, жаҳон адабий-эстетик бисоти хазинасига муносиб улуш қўшганлар. Шуниси характерлики, XXI асрда Овропа ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларида яратилган ва яратилаётган замонавий руҳдаги энг янги адабиёт, санъат назариясига оид китоблардан ҳам айни Шарқ мумтоз поэтикасига оид махсус боблар муносиб ўрин олмоқда. Қисқаси, Ҳ.Болтабоевнинг мазкур ўқув қўлланмаларида илгари сурилган бош концепция Ғарб ва Шарқ мумтоз поэтикаси моҳият эътибори билан яхлит поэтик адабий тафаккур жараёни эканлигини тасдиқлашга қаратилган.

Ниҳоят, олимнинг кўп йиллик машаққатли илмий изланишлари натижаси ўлароқ уч жилддан иборат фундаментал "Адабий-эстетик тафаккур тарихи" майдонга келди. Мазкур тадқиқотнинг Маҳкам Маҳмудов билан ҳамкорликда яратилган 1-жилди "Қадимги давр" 2013 йили "Мумтоз сўз" нашриётида чоп этилди. Иккинчи, учинчи жилдлари ҳам, асосан, ёзиб тугатилган, ҳозирда нашр ишлари кетмоқда. Мазкур тадқиқот жаҳон адабиётшунослиги ва эстетик тафаккурининг ибтидосидан тортиб, ҳозирги кунга қадар бир неча минг йиллик тарихини ўзида мужассам этади; аниқроғи, унда жаҳон адабий тафаккури сифатида тан олинган эстетик қарашлар тадқиқи ўрганилган. Муайян давр, миллат ёки алоҳида буюк шахслар томонидан яратилган илмий-назарий ҳодисалар яхлит умумбашарий тафаккур ҳодисаси сифатида тақдим этилган. Шарқ, Ғарб адабий-эстетик тафаккуридаги муштарак ва фарқли жиҳатлар, унинг сабаб ва оқибатлари моҳияти очиб берилган. Мазкур ишда ўтган аср поёнида рус тилида яратилган 9 жилдлик "Умумжаҳон адабиёти тарихи" тажрибалари ҳам назарда тутилган, айни пайтда, муаллифлар назарий муаммоларга ўзига хос тарзда ёндашганлар; жаҳон адабиётшунослиги ва санъатшунослигининг бой тажрибаларига, энг сўнгги таҳлил ва талқин йўлларига таянганлар. Қисқаси, мазкур тадқиқотда жаҳон эстетик тафаккури тарихини янги аср талаблари ва даражаси нуқтаи назаридан қайта идрок этиш назарда тутилган. Тадқиқотнинг бош мақсад ва вазифалари қуйидагилардан, яъни:

– жаҳон адабий-эстетик тафаккури тарихини глобал кўламда тадқиқ этиш;

– адабий-назарий тафаккурдаги даврий босқичлар моҳиятини аниқлаш;
– Шарқ ва Ғарб тафаккуридаги муштарак ва фарқли жиҳатларга типологик ёндашиш;
– илмий муаммога муносабатда шўро адабиётшунослиги ва жаҳон адабий-назарий тафаккури нисбатидаги концептуал хусусиятларни кузатиш; охир-оқибат, илғор жаҳон тафаккури йўлининг устувор эканлигини эътироф этишдан иборат.

Аминманки, жами 65-70 босма табоқдан иборат мазкур салмоқдор тадқиқотнинг ҳар уч жилди тўла нашрдан чиққач, унга тўла-тўкис баҳо бериш имкони туғилади; ҳозирданоқ баралла айтиш мумкинки, ана шундай умумжаҳон миқёсидаги қўламли яхлит илмий адабий-эстетик тафаккур тарихини она тилимизда яратишга интилишнинг ўзиёқ таҳсинга сазовор илмий жасоратдир.

Ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасига мудирлик қилган кезлари Ҳ.Болтабоев янги ўқув дарсликлари, дастурлари, қўлланмалари устида ишлаш, фундаментал тадқиқотлар олиб бориш билан баробар Республика ва жаҳон миқёсидаги илмий анжуманлар, жамоат ишларида фаол иштирок этди, чунончи, 1999-2000 йиллари Токио Давлат университетида Туркистон тадқиқотлари маркази гранти аъзоси; 2009 йил майдан – Корея Республикаси Марказий Осиё тадқиқотлари маркази ва "Revi of Central Asian Studies" журнал таҳририяти аъзоси; 2009 йил 3 майда Туркия Жумҳурияти 18 март университети (Чаноққалъа) фахрий доктори; 2012 йил апрелдан Халқаро Эстетика ва эркин санъат ижтимоий академияси (Россия ФА, Москва) аъзоси; 2013 йил ноябрдан Чингиз Айтматов номидаги Иссиққўл форуми аъзоси; 2000-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар марказида филология фанлари бўйича Экспертлар кенгаши раиси, 2001-2006 йиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Филология фанлари бўйича Экспертлар кенгаши аъзоси; 2007-2011 йиллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси; 2008-2011 йиллари Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги ихтисослашган кенгаш аъзоси; 2011-2013 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Танқид ва адабиётшунослик Кенгаши раиси вазифаларини адо этиб келди.

Халқаро ва мамлакат миқёсидаги илмий анжуманларда у 50 дан ортиқ маърузалар билан чиқишлар қилган, хорижий нашрларда 10 дан ортиқ илмий мақолалари эълон этилган; матншунослик, ноширлик, масъул муҳаррирлик, диссертацияларга илмий раҳбарлик ва расмий оппонентлик каби ишларининг сон-саноғига етиш қийин; у 2008 йил 15 июндан Ўзбекистон Ахборот ва матбуот агентлиги "MUMTOZ SO`Z" МЧЖ нашриёти таъсисчиси ва директори сифатида фаолият кўрсатаётир; ўтган қисқа фурсат ичида мазкур нашриётда мумтоз ва замонавий адабиётимизга оид ўнлаб ноёб адабий манбалар, етук адабий сиймолар ҳаёти ва ижодига оид теран тадқиқот, адабий-танқидий мақола, суҳбат, хотиралар тўпламлари чоп этилди. Улар аллақачон кенг адабий-илмий жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди.

Бу тиниб-тинчимас, серғайрат, серқирра, синчков олим – ижодкор, мураббий укамиз билан қирқ йилдан ортиқ ҳамкору ҳамнафас, ҳамжиҳат бўлиш бахти насиб этганидан бир умрга шукроналар айтаман; шу йиллар давомида битилган, ўзим учун азиз туюлган барча асарларим қўлёзмаларини унинг нигоҳидан ўтказиб, сўнг нашрга тақдим этганман, қатор китобларим унинг муҳаррирлиги ва сўзбошиси билан чоп этилган; бир қатор ҳамкасб, шогирдлар қатори Ҳамидулла билан икки бор адабий-илмий суҳбат ўтказганмиз, "Жаҳон адабиёти", "Тафаккур" журналларида чиққан, сўнг китобларимга кирган "Янги назарий тамойиллар ва янгиланаётган адабий жараён", "Бугунги адабиётда эстетик идеал ва қаҳрамон муаммоси" устида кечган жўшқин илмий-ижодий мулоқотлар жараёнини ҳаётимдаги энг қизғин, ҳам машаққатли, ҳам завқли онларимдан, деб биламан.

Илм-фан, таълим-тарбия йўлида қирқ йиллик бой тажриба соҳиби – заҳматкаш укамиз, дўстимизни олтмиш ёшлик тўйи билан қутлар эканмиз, ҳозирги шашти ҳеч қачон сўнмаслигини, унга ҳаётда ҳамиша омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

УНУТМАС МЕНИ ТОҒИМ

Ҳабибулло Саид ҒАНИ

1944 йилда туғилган. Қўқон Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тугатган. "Менинг оппоқ далам", "Ёвознинг шакли", "Қўқон ушшоғи" шеърий китоблари нашр этилган. 2007 йилда вафот этган.

КЕЧАНИНГ КЎЗИДА СУРМАРАНГ СОҒИНЧ

* * *

Севгим!
Кеч кузда адашиб очилган гулсиз,
Эрта қор остида маъво, нур, наҳр.
Осмон тепангизда ҳиссиз, ғулувсиз,
Боласиз бешикдек совуган бағир.

Севгим!
Юракнинг тубида асраб келгандим,
Кўрмасин дегандим кўзи оғирлар.
Исмингиз такрорлар гезариб лабим,
Барглари тўкарди заъфарон боғлар.

Севгим!
Само ютиб борар заминни мутлақ,
Қабариқ ойнадан иборат осмон.
Бизни тутиб турар бўшлиқда фақат
Кеч кузда очилган севги – гулсимон.

Севгим!
Эрта совуқ келар тутиб яроқлар,
Сиз эса адашиб очилган гулсиз.
Энди лабингизда эримас қорлар,
Ётар кўзингизда юлдузлар сўлиб.

* * *

Бугун рутубатдан холидир дунё,
Лолазорлар қалбга гулхан қалашар.
Туман аро қалқиб турган ҳилол ё
Париларнинг рўмол тишлаб қараши?

Ўнгирларда кўчиб юрар оҳулар,
Навбаҳорнинг сармаст бўлиб бўйидан.
Товус янглиғ уфқда булут кўринар,
Қаҳқаҳасин тўкиб кетар қўйнидан.

Водийларда кезиб юрар яшиллик,
Ҳаёт ўзи соҳибжамол бир малак.
Ҳар кимсага сингиб кетар яхшилик,
Новдаларга иниб қолар камалак.

* * *

Ўлмаган умиддек ҳали ёдимда
Сен билан ўтказган тотли кунларим.
Бир нафас кўрмасам сени ёнимда
Хонамга сиғмасди унсиз уларим.

Ёмғирдек қуйилиб келарди сўзлар,
Ҳеч ҳам қийналмасдик мавзуни излаб.
Бугун не сабабким, маъюсдир кўзлар,
Бир нима ўртада қолди изиллаб?!

Сўз излаб қоламиз баъзан соатлаб,
Нураб кетмасин деб ушбу эш ҳаёт.
Ҳар ким ўз ташвишин ўзи орқалаб,
Қалтис йўлга юз тутдик, наҳот?!

Тонггача тебратиб чиқасан бешик,
Мен эса тонггача тебратиб қалам.
Дафъатан хотирам қоқади эшик,
Дафъатан ўртада севги ва алам.

Ҳали ҳам ёдимда, гулдек очилиб,
Бир бутун бахт эди муборак севги!
Биз уни бўлишиб олдик шошилиб,
Бир бутун бахт эди муборак севги!

* * *

Ётар остонамда танҳо заъфар барг –
Шамолнинг оҳидан тўкилган парча.
Бу – гамгин кузакдан энг сўнгги дарак,
Энг сўнгги ноладир яшаб чарчаган.

Сен нечун алвидо демасдан, гулим,
Пинҳон юборибсан мажозий япроқ?
Хазон – қовжираган тилсиз мактубинг,
Исмсиз тилагингдан тўкилган фироқ.

Мен ҳам дардларимни баайни баҳор
Тўкиб ташлагандим минглаб дарахтга,
Менинг кўз ўнгимда сарғарди ночор
Яшил япроқлари сиғиниб бахтга.

Ҳушбахт куйлай олмас рангин қушчалар,
Ҳушбахт куйлай олмас оғочлар бу кун.
Мени сендан тўсиб қўймиш шунчалар
Ёнган хазонлардан сирқиган тутун.

* * *

Оққушлар – осмоннинг қанотли оти,
Ҳавони уйғотар нотинч тушлари.
Яшарлар ногаҳон нурга отилиб,
Ўлсалар, осмонга қулар оққушлар.

Оққушлар – кенгликнинг асл дўстлари,
Шуъла тўкиб борар силкинган қанот.
Шу юртга совуқлар келаркан қайтиб,
Кўзим осмонидан топурсиз нажот.

Оққушлар – осмоннинг шаън-ҳур қизлари,
Йўллари Машриқдан Мағрибга қадар.
Юлдузга қўмилиб борар излари,
Оққушлар – самоларга сочилган қадр.

Оққушлар – осмоннинг азиз фарзанди,
Бугун кўк юзини тарк этмиш улар.
Уларсиз кунларнинг юраги зада,
Осмонлар уларсиз жимгина сўлар.

* * *

Қизғиш титрамоқда ойнангда чироқ,
Кечанинг кўзида сурмаранг соғинч.
Гўзалим, осмондир йироқ, ер йироқ,
Мовий юлдуз бўлиб боқурман, жоним.

Балким, хаёлингга юлдузлар бўлиб
Бесабаб тўкилдим, ёдингга олдинг.
Деразанг очдингу хаёлчан кулиб
Шаррос нурларимни лабингга босдинг.

Мен-ку, бу оламда йўқ эдим, аммо,
Самога сочилдим. Асов эҳтирос.
Ахир, кўз ўнгингда куйгандим тамом,
Энди-чи, нур бўлиб келурман, холос!

Фаргона



САНЪАТШУНОСЛИК

Дилмурод ИСЛОМОВ

1954 йилда туғилган. Тошкент Давлат маданият институтида таҳсил олган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Ҳозирда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳузуридаги академик лицейда доира санъатидан сабоқ бермоқда.

МОЗИЙДАН САДО

Куй-қўшиқ одамзоднинг ҳар доим ҳамнафаси, ҳамдарди, унинг шод ва қайғули кунларига йўлдоши бўлиб келган.

Нафақат куй-қўшиқ, балки ўйин ва рақс, қизиқчи-қўғирчоқбозлар ҳам халқ сайиллари, тўйларини безаб, қиздириб келганлар.

Тарихий-адабий манбаларда халқ санъати ҳақида айрим қимматли маълумотлар бизгача етиб келган. Алишер Навоий ўзининг "Мезон ул-авзон" асарида халқ қўшиқларининг саккиз тури "Туюқ", "Чанга", "Туркий", "Орзуворий", "Муҳаббатнома", "Мустазод" ва бошқалар ҳақида қизиқарли маълумотлар билан бизни таништиради.

Умуман, қадимдан халқ чолғуларига бўлган эътибор муттасил сайқалланиб келган манбалар билан бойиб борган. Тарихда Искандар Зулқарнайн номи билан машҳур бўлган подшоҳ саройида махсус муғаннийлар томонидан ноғора ва дапларда турли хил маросимлар ўтказилиб келинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу воқеалар 1055 йилларга тўғри келади. Файласуф шоир Хусрав Деҳлавий "Хамса"сининг сўнгги "Искандар Зулқарнайн" достонида ана шу ноғора тури ҳисобланмиш "науба" ҳақида маълумотлар бериб, Зулқарнайн саройида шу мусиқа ёрдамида шоҳона маросимлар ўтказилганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Илк бор Искандар саройида ўтказилган маросимларда чалинган наубадан кейинги давр ҳукмдорлари ҳам ўз чолғулари сифатида фойдаланиб келганлар. Масалан, Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз саройида Искандар наубасини қуёш чиқиши ва ботиши вақтида чалишни йўлга қўйган. Бунинг боиси, инсон умри қуёш чиқиши ва ботиши оралиғида кечади. Шу сабаб инсон умрнинг қадрига етиши ва ҳар бир одам ўз ҳаёт йўлидан огоҳ бўлиб туриши учун қуёш чиқиши ва ботиши арафасида ноғора-данлар чалинган.

Маросимий наубаларнинг қадимийлиги ва барқарорлиги аббосий халифалар олий ҳокимиятининг ўзига хос белгиси бўлган. Науба нафақат сарой базмлари, тўй ва байрамларда, ҳатто оддий халқни беш вақт намозга чорлаш учун ҳам чалинган. У қадимда зироатчилар, чорвадору савдогарлар вақт бирлигини аниқлашда қийналмасликлари учун чалинган. Ноғора ва данлар уларга вақтни ҳам билдириб турган.

Ноғораларнинг гумбурлаган овози тезда халқ эътиборини ўзига тортиб, шоҳ ёки султоннинг олий шоҳона мавқеини тантанавор тарзда элга маълум қилиб туради. Ноғора овози ҳарбий юришларнинг доимий ҳамроҳи бўлиб, қўшин ҳаракатларини бошқариб, тартибга солиб турган. Ўрта асрларда Шарқ ҳукмдорларининг шон-шавкати уларнинг олов ва ноғораси билан ўлчанган.

Барча халқларнинг буюк санъаткорлари яратган асарлар шу халқнинг умумижод хазинасидан олинганки, унда жамики оҳанг умумлашмалари мавжуд. Унда сиз она заминимиздаги майсалар, гуллар ифорида, шивирлаётган баргларда, тоғу тошларда шиддат билан оқиб келаётган сувлар инжусида, дарахтлар шохида бир-бири билан сайраётган қушларда, самодаги чақмоқ зарбидан ҳосил бўлган камалак рангларида гўзал оҳанг тасвирини кўрасиз. Шу боис ҳам мусиқанинг миллати, тили бўлмайди. Чунки бу барча халқларнинг ўй-хаёллари, орзуларини бир нуқтага бирлаштирувчи буюк ҳодисадир.

Ҳар йили кўҳна Шарқнинг кўҳна шаҳарларидан бўлмиш Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро миллий мусиқа фестивалида қатнашаётган санъаткорлар ижодидан намуналар тинглаганимизда беихтиёр дунё халқлари яратган мусиқа ягона мусиқага айланганлигини ҳис қилиб, мусиқа инсон руҳига пайваста эканини англаб етамиз.

"Шарқ тароналари" мусиқа фестивалида турли миллат ва элатларнинг қадимий миллий оҳанглари ижро этилади. Ҳатто Уйғониш даврининг шоир ва рассомлари номлари бизгача етиб келган. Лекин халқ мусиқаси номини олган бу оҳанглар асрлар давомида нолаланиб, ўз ижодкорлари номларини оҳанглар бағрига яшириб келади.

Бу халқаро фестиваль оҳанглари қадим ўтмиш ва келажак билан узвий боғланган. Фестиваль қатнашчилари чалаётган чолғулар оҳангида бугунимизни кўрамиз, эртамизни хаёлот дунёсида тиклаймиз, мозийдан келаётган садоларни дунёга келтирган муғаннийлар созини оҳангларда тасаввур этамиз.

Улардан: Абдуқодир Найи, Қулмуҳаммад Ҳусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Мавлоно Қосим Раббоний, Дарвеш Аҳмад Қонуний, Хожи Юсуф Андижоний, Устод Шодий, Мавлоно Нажмиддин Коввабий каби созандалар ўз даврида кўҳна Шарқ халқларининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган муғаннийлар эди. Улар халқ қалбига шунчалар муҳрланган эдики, муғаннийнинг исмига ўзи чалган сози қўшиб айтиларди.

Халқ чолғулари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Маълумотларга қараганда, дастлабки мусиқа чолғулари эрамиздан аввалги XIII минг йилликда дунёга келган, деб тахмин қилинади. Мусиқачиликда дастлаб урма зарбли чолғулар пайдо бўлган. Мусиқа товушлари нафақат инсонларни ҳордиқ чиқариш учун хизмат қилган, балки одамлар чолғулар овозидан ов қилишда ҳам фойдаланганлар. Қолаверса, меҳнат қўшиқларининг ритмик тузилиши ҳам ўзаро боғлиқ бўлган. Масалан, ҳосил байрамларида одамлар доирасимон зарбли асбобларни чалишиб рақс тушганлар. Халқ маросимларида ҳам зарбли асбоблардан ёки доирасимон овозли асбоблардан фойдаланганлар. Наврўз байрамларида, Яратгандан ёмғир сўраш маросимларида айтиладиган:

Сует хотин, сузма хотин
Кўланкаси майдон хотин...

сингари ёмғир чақириш қўшиқлари ҳам доира жўрлигида ижро этилган. Кейинчалик турли хил чолғулар пайдо бўла бошлаган. Эрамиздан аввалги III аср ўрталарида Марказий Осиё Ғарбий вилоятларида Парфиёна, Шарқида эса Грек-Бақтрия давлатлари ташкил топган. Эрамизнинг биринчи асрида Марказий Осиёнинг Жанубий қисмида қудратли Кушон давлати вужудга келган. Маҳаллий Кушон сулоласи ҳокимияти остида бир қанча давлатлар бирлашиб, унинг натижаси ўлароқ шаҳарлар юксалган, маданият гуллаб яшнаган. Оқибатда, янги-янги мусиқа чолғуларининг яратилишига шарт-шароит юзага келган.

Қулдорлик тузими даврида Мароканд, Нисо, Тупроққалъа, Термиз ва бошқа шаҳарлар мавжуд эди. Ушбу шаҳарлар ҳудудида олиб борилган қазилма ишлари чоғида бадиий ҳунармандчилик буюмлари, турли хил чолғулар тасвирлари, Нисо шаҳридаги Гил ёдгорликларида доирачи аёллар тасвирлари топилган. Доиранинг яна бир кўриниши довул бўлиб, бу ҳам қадимги мусиқа асбоби саналади. Унинг икки томони тери билан қопланган, гардишидаги дастасини чап қўл билан ушлаб махсус таёқ билан уриб чалинади. Доира, дап, чирманда, чилдирма деб аталувчи қадимий мусиқа чолғуси ўзбек, тожик ва уйғур халқлари орасида ҳам кенг тарқалган. Худди доирага

монанд, аммо чалиниш услуби бошқачароқ зарбли мусиқа чолғулари Афғонистон, Арабистон ва Покистонда ҳам учрайди. Товуш баландлиги ноаниқ урма асбоб саналмиш доиранинг диаметри тахминан тўрт юз бўлиб, гардиши ўтмишда узум зангидан қилинган. Сўнгги вақтларда ёғочни эгиб ёки ёғоч бўлакларидан ҳам ясалмоқда. Доира гардиши бузоқ ёки эчки, баъзан балиқ териси билан қопланган. Гардиш ичида 40 дан ортиқ металл ҳалқачалари бўлиб, у чалинган пайтда ўзига хос товуш чиқаради. Бу чолғу ижрочиларини маҳаллий халқ "доирачи", "чирмандачи", "чирмандакаш", Бухорода "доира-даст", деб аташади.

"Шашмақом" доира усулларисиз ижро этилмайди. Бухорода ҳар бир мақом айтувчи ҳофиз мақом усулларини доира усуллари билан ўзлаштиради. "Шашмақом"да ҳар бир куйнинг ўз усуллари бор. Масалан, "Усулий тасниф", "Усулий талқин". Доирачилар ўша усулларга қараб ижро этадилар.

Давр ва замонлар ўтиши билан доира санъаткорларнинг энг севимли чолғусига айланди. Тўй-ҳашамлар, меҳнат маросим қўшиқларини халқ доирасиз тасаввур ҳам қилолмай қолди. Чолғунинг бу турида ижод қилган санъаткорларда алоҳида қобилият бўлиши даркор. Чунки доирадан чиқаётган овозни ҳеч қандай нотага солиб, чегаралаб, чеклаб бўлмайди. Ундан чиқаётган оҳанг санъаткорнинг кайфияти ўй-фикрлари, чалаётган жой одамлари билан узвий боғлиқдир. Ана шу паллаларда санъаткорнинг кайфияти кўтаринки, уни томоша қилаётганлар ёруғ юзли одамлар бўлиб, улардан санъаткорга илиқ нур қайтиб турган бўлса, билингки, доиранинг овози етти қават осмонларга кўтарилиб, томошабинларни-да, уста санъаткорнинг ўзини-да хушнуд қилади.

Чор-атрофингизни ўраб турган одамлар нигоҳидан чолғучи руҳланиб янги-янги усулларни пайдо қилади. Шу боис мен бу чолғу усталарини "кайфият қаландарлари", дегим келади. Аслида ҳам шундай.

Халқ чолғуларининг энг кекса, энг ноёб тури ҳисобланмиш доира Марказий Осиё халқларининг турмуши ва меҳнат фаолиятига сингиб, инсон хаётининг ажралмас таркибий қисмига айланди. Қадимда чолғулар жўрлигида қўшиқ, ўйин ва куйлар халқнинг катта-катта маросимлари ва оммавий байрамларида ижро этилгани бизга маълум. Бундай оммавий байрамларни халқ чолғу ансамбллари, хонанда ва созандаларсиз тасаввур қилиш қийин. Байрамлар кўпроқ йил фасллари билан боғлиқ бўлган. "Наврўз", "Лола сайли", "Ҳосил байрами", "Қовун сайли", "Узум сайли" каби мавсумий байрамлар шулар жумласидандир. Ана шундай байрамлар карнай-сурнай, доира, ноғора каби урма зарбли мусиқа чолғуларисиз ўтмаган. Феодализм даврида Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётининг янги босқичи бошланди. VII асрда Осиёга арабларнинг кириб келиши кенг ҳудудда Араб халифалигини барпо этди. Тирик жонзот тасвирларини тақиқловчи ислом динининг ёйилиши деворий суратларни, шу жумладан, мусиқий чолғулар тасвирларининг ҳам барҳам топишига олиб келди. IX аср охирига келиб Марказий Осиёнинг каттагина қисми бирлашди. Бухоро йирик маданий марказга айланди. Бу ерда илм-фан, адабиёт ва мусиқа тараққий этди. Ҳаёт шароити ўзгариши ортидан мусиқа санъатига бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Ўша даврларда сарой аъёнларининг тантанали маросимларида ижро этилган куйлар алоҳида ўрин эгаллай бошлади. Чунки тантанавор оҳанглар салтанат қудратидан далолат бериб турган. Карнай-сурнай, ноғора ва дап – доиралар чалинганда юрт аҳли тинчлик-омонлик ва фаровонликда эканлигини ҳис эта бошлади. Ўрта аср мусиқа ижрочилигидаги маданиятнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шунда эдики, чолғучилар нафақат бир неча чолғу асбобини чала олганлар, балки ўзлари ҳам мусиқа басталай бошлаганлар.

Шарқ олимларининг назарий қарашлари мавжуд ижрочилик санъати тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, улар ўз рисолаларида доира усуллари ўзбек мусиқасида аҳамиятли ва зарур жиҳатларни ўзида мужассам этганлигини таъкидлаганлар. Мусиқа санъати жуда қадимга бориб тақалса-да, унга эътибор, мусиқанинг инсон ҳаётининг ажралмас бир бўлаги сифатида шаклланиб ривож топиши X-XII асрларга бориб тақалади.

Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" китобидаги қўшиқлар халқ орасида жуда машҳур бўлган. Ана шу даврда руд, доира, танбур, кўс, табл, қўбиз, рубоб, табурок, зир, най, чағона, шайпур, сурнай, карнай, арғунун, қонун каби торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган чолғулар мавжуд бўлган. Улар халқ орасида кенг тарқалган. Шу билан бир қаторда, янги созлар ихтиро қилинган. Ўшандай ихтиролардан бири, машҳур файласуф шоир Рўдакийнинг замондошларидан бири Абуҳифз Суғдий найга

монанд "шоҳруд" деган чолғуни яратган эди. Халқ куйлари пойдеворида "Рост", "Бода", "Ушшоқ", "Бўслик", "Сипоҳон", "Наво", "Баста", "Тарона" каби кўплаб куйлар яратилди. Ана шу яратилган куйлар "Шашмақом"га замин ҳозирлаган эди.

Бизнинг замонимизгача мусиқий усулларнинг турли намуналари жилоланиб келмоқда. Ҳар доим усуллар даврнинг ижтимоий ривожи билан биргаликда халқ маънавиятига хизмат қилган. Тараққиёт ривожини эътиборга олган ҳолда, янги усуллар яратилиб, ижрочилик амалиётида услублар ижросининг ранг-баранг усуллари юзага келган.

Халқ ижрочилик амалиётлари:

а) оддий амалий усуллар, анъанавий оммавий маросимлар, қўшиқ ва лапарлар, ижрочиликда қўлланиладиган ва унчалик мураккаб бўлмаган усуллар.

б) мақсадли усуллар, халқни жалб этиш, тўплаш, диққатни қаратиш каби муайян маъноga эга бўлган чақириқ усуллари;

в) мураккаб усуллар, яъни халқ мумтоз мусиқа ижодиётида қўлланиладиган усуллар воситаси шаклланиб, ўз даражалари асосида турланган.

Ушбу созлар ва куйлар жуда кўп Шарқ мамлакатларида сақланиб қолиб, ҳамон халқларнинг севимли созлари ва куйларига айланиб, одам кайфиятини кўтарувчи восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Тарихий манбаларда Абу Бакр Рубобий, Бунасир, Буамир, Лўкарий каби созанда ҳофизларнинг номлари бизгача етиб келган. Машҳур шоир Манучеҳрий Дағмоний бир байтида X-XI асрларнинг айрим шоир ва санъаткорларининг номини эсга олиб, қуйидаги байтни битган эди:

Аз Хуросон Бушу айбу Бўзар он турки кеший
В-он Сабури порсий в-он Лукарий чангзан...

Таржимаси: Хуросондан Бушуайб, Бўзар, у кеш (шаҳрисабз)лик турк ва форс Сабурий ва чангчи Лукарийлардир...

Мусиқа, чолғу санъати шеърият билан узвий боғланган ҳолда тараққий этиб такомиллашди. Қадимги грек шоирлари – Архилох, Алкей, Анакреон ва Арионлар забардаст шоир бўлиш билан бирга, замонасининг мусиқашуноси, истеъдодли уста чолғучиси, ҳофизи ҳам эдилар. Ўша даврларда шеърият халқ чолғулари, мусиқа бир-бири билан чамбарчас боғланиб, бири иккинчисини, иккинчиси биринчисини кашф қилиб борди. Масалан, Рўдакийнинг "Мўлиён ариғининг иси..." шеъри "Ушшоқ" куйида айтилиб, халқнинг севимли қўшиғига айланиб кетган эди. Рўдакийнинг замондоши бўлган машҳур шоир Хусравоний "Хусравоний" куйини яратган эди. Ана шундай шоирлардан Мўнжиқий Термизий, Фаррухийлар ҳам мусиқа санъатида машҳур бўлганлар. Ўта нозик дид билан куй чалганлар. Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийлар ҳам истеъдодли бастакор бўлиб, ўз шеърларига куйлар басталаган шоир-бастакорлар эди.

Мусиқа санъатининг ривожланиши, ўз навбатида, мусиқашунослик илмининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Натижада, бу илм-фан сифатида шаклланди. Ана шу фаннинг асосчилари машҳур олимлар IX асрнинг 70-йилларида Сирдарё бўйидаги Фароб қишлоғида туғилган Абу Наср Форобий ва Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган Ибн Синолар эди. Улар ўз ижодларида мусиқа, мусиқашунослик илмига катта эътибор бериб асарлар яратишди.

Форобийнинг мусиқа ҳақидаги "Китоб-ал-мусиқий-ул-кабир" асари дунёга келди.

Буюк тиббиёт олими Ибн Сино мусиқа илми ҳақидаги қарашларини "Китоб ушшифо" рисоласига алоҳида бир боб қилиб киритиб, мусиқани турли касалликларга даво эканлигини илмий жиҳатдан исботлаб берди. Олим мусиқани инсон руҳиятига таъсир кучини изчиллик билан очиб, руҳий беморларни айнан мусиқа ёрдамида даволаш мумкин, деган хулосага келди.

XI асрда Кайковус томонидан ёзилган "Қобуснома" асарини барча илм аҳли яхши билади. Бу асар жуда кўп тилларга таржима қилиниб халқлар орасида машҳур бўлиб кетган. Ана шу асарнинг 36 боби мусиқа санъатига бағишланган. Унда муаллиф чолғучи ва ҳофизларга турли маслаҳатлар беради. Санъаткорларни йил фаслларига, тингловчининг ёши, табиати, касб-кори, феъл-атворига қараб куй танлаш ва ижро этишга ундайди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий: *"Шодлик оширувчи хонанда, ғамни тарқатувчи созанда – уларнинг ҳар иккиси ҳиссиётга берилган кишилар ва аҳли дардларга жон фидо қиладилар. Модомики, улар мулойим тарона би-*

лан куйлар эканлар, тингловчининг ҳаёти унга фидо бўлса, нима қилибди? Ахир, кўнгил хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади. Ёқимли овоз, маҳорат билан куйлаган хонандадан руҳ олган дард ахлининг ўти чекинади. Созанданинг куйи дардлироқ ижро этилса, унинг хониши ғамбода юракларга таскин бўлади", деб ёзган эди.

Сизу бизнинг замондошимиз бўлган Юнус Ражабий *"Мен ўзимизнинг ўзбек халқ оҳангларидан ҳеч қайси миллат оҳангларини устун қўя олмайман",* деб ёзганида минг бора ҳақ эди.

Мусиқамиздаги жозиба, таъсирчанлик, сеҳрни ҳеч бир мусиқага алмаштиргинг келмайди. Аммо бугунги кун мусиқасига қоришиб бораётган хориж мусиқаларини чеклаш, чегаралаш вақти келди, деб ўйлайман.

Ғарб мусиқасининг бир зарб билан фарзандларимиз онг-шуурини забт этаётганлиги ташвишли ҳолдир.

Рок, жаз, реп каби Ғарб мусиқий жанрларининг оммавий тус олиши охир-оқибат Шарқ мусиқаси жилосига парда тортиши муқаррардир. Шу боис биз мусиқашунос олимлар, ота-оналар, мусиқа мактаблари, коллеж-лицейлари, қолаверса, мусиқа олий даргоҳлари ўқитувчилари айни шу ташвишли масалага жиддийроқ эътибор-бериб, мумтоз куй-қўшиқларимизни ёшларимиз онгига сингдиришимиз лозим, деб ўйлайман.

Инсонни жазавага тортувчи, битта сўзни такрор-такрор айтувчи бир хил ритмга асосланган Ғарб мусиқасини тинглаётган ёшларимиз инсон қалбини сеҳрловчи куй-қўшиқларимиздан тобора узоқлашиб бормоқда.

Инсон камолоти ва тарбиясида мусиқанинг роли беқиёсдир. Ҳар қандай хафақон киши мусиқа садолари ила руҳланади, ҳар қандай хурсанд киши мунгли мусиқа таъсири остида ғамгин бўлиб қолиши мумкин. Буюк драматург Вильям Шекспир: *"Мусиқа ғазаб ва нафратни эзгуликка айлантиради. Эзгуликни ҳам ғазаб ва нафратга айлантиришга қодир", дея бежиз таъкидламаган эди.*

Мен ўзимнинг ижодий тажрибаларимдан келиб чиқиб, бир қатъий хулосага келганман. Мана шу ўн йилликлар ичида қанчадан-қанча мухлислар билан юзма-юз бўлганман. Ана шундай юзма-юз бўлган дамлар, қаршимда кайфиятсиз, қовоғидан қор ёғиб турган одамларни доира садосидан таъсирланиб, юзларидан нур ёғилиб, кўзларидан олов учқунлари сачраб хурсанд бўлганларини кўрганман. Шу тажрибалар орқали доирада ҳар қандай инсон психикасига кучли таъсир қилиш қобилияти борлигини сезганман.

Бармоқларнинг кўз илғамас тезликдаги ҳаракатига маҳлиё бўлиб қолган томошабин ўз ихтиёридан ташқарида созанда томон силжиб келаётганлигини юзлаб маротаба учратганман. Ўзга ҳар қандай кучли таъсирлардан мусиқанинг таъсир кучи қудратлидир. Бир вақтлар Японияда шундай тажриба ўтказилган эди. Тажрибага асосан, эмизикли аёлларнинг 120 нафари икки гуруҳга бўлиниб, икки ҳафта давомида мусиқа терапияси сеансида иштирок этди. Биринчи гуруҳга классик мусиқа эшиттирилади. Иккинчи гуруҳдаги аёлларга поп мусиқаси. Натижада, биринчи гуруҳдаги аёлларда она сути йигирма фоизга ошади. Иккинчи гуруҳдаги эмизикли аёлларнинг сути эса эллик фоизга камайганлиги маълум бўлади. Бугунги кунда мусиқани нафақат инсонга, балки жамики борлиққа таъсир қилиши фанда ўз исботини топган. Японияда яна бир тажриба ўтказилган. Япониялик олим Эмото Леасоро сувнинг мусиқий таассуротини суратга олишга эришган. У сувга мусиқа қўйиб берди ва мусиқа тугаши ила зудлик билан сувни музлатиб микроскоб орқали сувдаги кристалларни текширди. Рок мусиқаси эшиттирилган сувда ҳосил бўлган кристаллар гўзалликдан буткул маҳрум эди...

Ҳар қандай илм тажриба маҳсулидир. Кўпчилигимизда одам онги, руҳига, қалби, жисмига, кайфиятига мусиқанинг таъсир кучини ҳис қилиш, хулосалар чиқаришга етарлича билим-кўникма йўқ. Лўнда қилиб айтганда, илм аҳлида тажриба, тажрибалиларида бу илмга қайтишга хоҳиш-ирода йўқ. Шу сабаб уммон бўлиб ётган илм хазинасини четлаб ўтишлар ҳамон давом этмоқда.

Тараққиёт, вақт шундай қудратлики, у ҳар қандай нарсани босиб, янчиб ўтади, ҳар қандай янгиликни эскиртириб боради. Аммо илмда ҳам, санъатда ҳам ўлмас мавзулар

бор. Уларни бугун ҳам қадди тик, эртага ҳам мағрур туришга қодирдирлар. Бундай илм – "Мусиқанинг одам қалбига таъсир кучи"дир.

Мен доира санъатини эгаллаган бир созанда сифатида бир неча йиллардан бери доира, унинг тарихи, халқ орасида ёйилиши, зарбидан пайдо бўлган таъсир кучи, ўтган ва бугунги асрлардаги уста доира чолғучиларининг ҳаёти, ижоди ҳақида маълумотларни тўплаш жараёнида бир хулосага келдимки, доира санъати ҳақида турли асарларда шингил мақолалар борлигини ҳисобга олмаса, мукаммал бир асар ҳанузгача дунёга келгани йўқ. Аслида, зарбли чолғунинг бу тури халқ орасида жуда кенг тарқалган. Унинг Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон каби Шарқ мамлакатларидаги ҳар ўн хонадондан бирининг уйида, албатта, учратишингиз мумкин.

Умуман, мусиқа санъати, одам иймон-эътиқодининг мустаҳкам, ақлий баркамоллиқнинг пойдевори, нозик диднинг шаклланиши, ўз замини, миллатига содиқ, ўз оиласига, қариндош-уруғларига, ён атрофидагиларга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашда муҳим роль ўйновчи соҳадир. Инсоннинг ҳаётга қарашлари теран, синчков бўлишида мусиқа доялик вазифасини ўтайди. Боқча болаларига овқатланиш, ўйнаш вақтларида уларнинг асабига тегмайдиган тарзда миллий мусиқа куйлар эшиттириб борилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Чунки болаларда ҳодисаларни тез ўзлаштириш қобилияти мужассам бўлиб, улар ўта зийрак "ижодкор"лардир. Агар болаларга уч-тўрт ёшида мумтоз куйлар эшиттириб борилса, улғайганда халқининг дурдонаси саналмиш бундай қўшиқларни энсаси қотиб эшитмайди, куй-қўшиққа мос ҳолатга тушиб, теран томирлари узоқ ўтмишга бориб тақалишини янада чуқурроқ ҳис қила бошлайди ва ўзи яратаётган санъат асарларида ҳам бободаридан мерос қолган дурдоналардан илҳомланиб асарлар ярата бошлайдилар. Чунки ёшлигидан миллий мусиқани тинглаш маданияти, ҳис қилиш малакаси шаклланган бола ҳеч қачон ўз миллий мусиқасидан узилиб кетолмай, ҳамиша қалбида бир жавоҳир мисол асраб юради.

Бундан бир неча йиллар муқаддам Москва шаҳрида ташкил бўлган "Соғлом болаларни шакллантириш" лабораториясида тажриба ўтказилади. Унда ҳомиладор аёлга алла ўргатишиб, ҳар куни кечки соат саккизда ҳомилага алла айтишни уқтиришади. Аёл бир неча кунлар белгиланган вақтда алла айтиб юради. Бир куни ўз юмушлари билан бўлиб, алла айтиш ёдидан кўтарилади. Ўша куни она ўзини ёмон ҳис қилади. Сабаби, қорнидаги бола безовталаниб уни нохуш аҳволга солади. Шунда аёл вақтида алласини айтмаганлигини эслаб қолади. Алла айтишни бошлаши билан бола тинчланади. Кўриниб турибдики, инсон ҳали туғилмасиданоқ куйга, қўшиққа ўзининг муносабатини билдирар экан.

Мана шу тажрибалардан ҳам кўриниб турибдики, мусиқанинг таъсир кучи неки тирик жон бўлса, барчасига бирдай таъсир қилиш қудратига эгадир. Ҳиндистоннинг энг заҳарли илонларидан бўлмиш кобра куй оҳангига мос тушиб қилган ҳаракатларини айтмайсизми? Халқимизда "Яхши гапга илон инидан чиқади", деган гап бор. Чунки яхши гапнинг ўзи куй-оҳангдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бизнинг халқ чолғуларимиз, мусиқамиз тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Юртдошларимиз аждодларимизнинг санъатга бўлган муҳаббатини ҳис қилиб, ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Чунки халқимиз тарихи хазинаси ўзга фанлар қатори, мусиқа санъатида ҳам бой меросга эга .



БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Ҳамза ИМОНБЕРДИЕВ

1954 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугатган. Унинг "Қувноқлар қувончи", "Шоколадхўрлар", "Ғаройиб пуфак", "Кулги шаҳарчаси" сингари ўндан ортиқ китоблари нашр этилган. Шоир 1997 йилда вафот этган.

ОДОБ – ЯХШИ БОЛА ИШИ

Одоб – она

Кўпни кўрган кексалар:
Офтоб – она дейдилар.
Офтоб сўзи шунчаки
Бир баҳона дейдилар.
Неча йиллар шу офтоб
Ёритган кенг оламни.
Қайдан, қандай куч билан,
Ақли етмас одамнинг.
Бу тўғри гап, ҳаётда
Офтоб катта онамиз.
Болаликдан биз меҳр
Нурларига қонамиз.
Улғаямиз ҳам унинг
Багридамиз эрта-кеч.
Она меҳри офтобдан
Айрилмасак деймиз ҳеч.

Табассум

Яхшиларнинг белгисидир
Табассум,
Табассумсиз туролмаслар
Ҳеч бир зум.
Табассумга бегоналар
Ҳам талай,
Қош-қовоғи осилганлар
Халтадай...
Сиз уларни бир кўрганда
Сезарсиз,
Қай бирин деб, қай биридан
Безарсиз.

Яхши бола

– Яхши бола қандай бўлар,
Айтиб беринг, – дейди Вали.
– Яхши бола нималигин,
Билмайсанми, ўғлим, ҳали?
Вали ўйлаб тополмайди,
Яхши бола ким у ўзи?
Шу пайт бирдан кулиб турган
Отасига тушар кўзи.
– Шундай, ўғлим, – дер отаси, –
Яхши нима, билиб олгин.
Болаликда шўхлик билан
Кун ўтказмай, билим олгин.
Катталарни ҳурматлаш ҳам,
Одоб – яхши бола иши.
Жондан севиб ҳавас қилсин
Сени кўрган ҳар бир киши.
– Хўп, отажон, – дейди Вали,
Яхши бола бўлмоқ учун,
Яхшиликка бағишлайди
Ёшликданоқ у бор кучин.

Уйимиз ҳам бир мактаб

Мактаб – мактаб одатда,
Яна бошқа мактаб бор.
Уйимиздир у мактаб,
Бу ҳам азиз, мўътабар.
Биз ўқишдан ҳар куни
Шу мактабга қайтамиз.
Нима ўқиб, ўргандик
Келиб унга айтамиз.
Қайтарамиз бир бошдан,
Такрор ҳамма ўтганни.
Ёдга олиб, пишиқлаб,
Дарслардан унутганни.
Ота-она меҳрибон
Устоз, кузатувчимиз.
Бирор фандан оқсоқлаб,
Етмай қолса кучимиз –
Дарров суяб, етаклаб,
Бизни йўлга солишар.
Аълочилар шу тахлит
"5" баҳосин олишар.

Ёқубтой – ёқимтой

Ёқубтойни ҳамма севар,
Сабаби – кўп ёқимтой.
Орзулашиб дерлар: – Боланг
Бўлса қани Ёқубдай.
Ўзи кичик бўлса ҳамки,
Катталардай ақлли.
Бола бўлиб, болалардай
Шўхлик қилмас ақалли.
Юриш-туриш, сўзлашлари
Бир ярашган ўзига.
Қараб кўнглинг яйраб кетар,
Кулиб турган кўзига.



ТАФАККУР МИНТАҚАЛАРИ

Артур ШОПЕНГАУЭР

Немис файласуфи. Жаҳоннинг энг таниқли иррационалист мутафаккири. Асосий тадқиқоти "Олам ирода ва тасаввур сифатида" асаридир. У инсон иродаси, хоҳиш-истагини метафизик жиҳатдан таҳлил қилади. Унинг қарашлари Ф.Ницше, Р.Вагнер, А.Эйнштейн, З.Фрейд, Юнг, Л.Толстой каби файласуфларга таъсир кўрсатган.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ*

* * *

Бизга тегишли бўлмаган нарсаларга кўзимиз тушганда: "Агар шу нарса меники бўлганда эди", деган фикр кела қолади, бу эса ҳиссиётларимизни қўзғатиб юборади. Унинг ўрнига ўзимизда бор нарсани йўқотиб қўйгандек: "Шу нарса меники бўлмаганда нима бўлар эди?" деб сўрашимиз керак.

Шу қатори ўзимизга тегишли бор нарсаларимизга ҳам: мулкларимиз, соғлигимиз, дўстларимиз, севгилимиз, хотин ва бола-чақамиз, ҳатто уй ҳайвонларимизгача, чунки биз уларни йўқотиб қўйгандагина қадр-қиммати маълум бўлади. Шу маънода биз биринчидан уларнинг қадрига етамиз, иккинчидан, уларни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қиламиз – мол-мулкимизни хавф-хатардан сақлаймиз, дўстларимизнинг ғашига тегмаймиз, хотинимизни йўлдан оздирмаймиз, соғлигимизни сақлаймиз, болаларимизни асраймиз ва ҳоказо.

Бугунги кунимиздаги мужмалликларга аниқлик киритиш учун биз кўпинча келажакка умид боғлаб хомхаёлларга бериламиз, реал воқелик билан тўқнашганда улар чилпарчин бўлади, биз эса афсус-надоматлар чекиб қоламиз. Яхшиси ножўя ишлар ҳақида ўйлаганимиз маъқул, чунки уларнинг олдини олишга қисман бўлса-да ҳаракат қиламиз, қолаверса, улардан қутулгач кўнглимиз жойига тушади.

Ҳар қандай хавотир ўтиб кетганда кўнглимиз таскин топади. Тасодифан бошимизга тушиши мумкин бўлган катта бахтсизликларни ҳам тасаввур қилиб туришимиз керак, чунки ҳақиқатан бошимизга иш тушганда унга чидаш осонроқ кечади, ёмонроғига дучор бўлмаганлигимиздан таскин топамиз. Олдинроқ бўлиб ўтган хавф-хатарларни ҳам эътиборсиз қолдириш ярамайди.

* * *

Бизга тааллуқли бўлган ҳолатлар ва воқеа-ҳодисалар тартибсиз равишда, тарқоқ ҳолда бир-бирларини алмаштириб ўтаверади. Улар турли-туман кўринишда, бир-бирларига алоқадор эмас, бизга тааллуқли томонини ҳисобга олмасак, уларда умумийлик йўқ. Шунга яраша ташвиш-ўйларимиз ҳам уларга муносиб тарзда ҳар бирига

* Охири. Бошланиши журналнинг 2014 йил 1-сонида

алоҳида ёндошишни тақозо қилади.

Бирон-бир ишга киришганимизда бошқа нарсаларни четга суриб, диққатимизни фақат шунгагина қаратиш лозим, токи улар халал бермасин, мўлжаллаган вақтда уни якунлайлик. Ўй-фикрларимизни гўё алоҳида қутичаларда сақлаб, керак пайтда зарур бўлган қутичани очиб фойдаланайлик.

Бу билан биз етишган озгина ҳаловатимизни ҳам йўқотиб қўймаслик чорасини кўрган бўламиз, акс ҳолда ўринсиз келган фикрларимиз устимизга оғир юк ортади, муҳим ишларнинг ташвишида юрганимизда, майда-чуйдаларига бепарволик юзага келади ва ҳоказо.

Айниқса, олижаноб ва юксак фикр-мулоҳазаларга лаёқатли одамнинг ақл-идроки ҳар қандай арзимас чет фикрлардан, пасткашликлардан холи бўлиши керак. Бу тўла маънода "ҳаёт учун ҳаётимиз туб илдизига болта уриш" (Ювенал) демакдир.

Албатта, ўзимизни бирор нарсага йўналтириш ва тийиш учун ўзимизни мажбурлаш керак, чунки мажбурлаш ташқи таъсирлар остида келганда бунга чидаш жуда қийин, ҳаётда бунингсиз иложи йўқ. Керакли пайтда қўлланган ўзини-ўзи мажбурлаш кўп ҳолларда ташқи мажбурлашдан бизни ҳимоя қилади.

Бошқа бирор нарса бизни бу даражада ҳимоя қила олмайди. Сенеканинг ҳикматли ибораларида айтилгандек: "Ўзгалар устидан ҳукм юритмоқчи бўлсанг, ўзингни ақл-идрок ҳукмига топшир". Шу билан бирга, ўз-ўзимизни мажбурлаш ўз ихтиёримизда қолади, агар уни жуда ошириб юборсак, жиловни бироз қўйиб юбориш кифоя. Ташқаридан юклатиладиган мажбурият эса ҳеч нарса билан ҳисоблашмайди, у аёвсиз ва бераҳм, шафқат нималигини билмайди. Агар биз унинг олдини олсак, донолик қилган бўламиз.

* * *

Истакларимизни чеклаш, эҳтиросларимизни жиловлаш, ғазабимизни бўйсундириш учун ҳар бир инсон ҳам бизга ўхшаб турли бало-қазолардан четда қолмаслигини, "қаноат ва сабр-тоқат" (Сенека) қилиб яшаш қоидаларига бўйсунмасликда на бойлик, на мансаб ёрдам бера олмаслигини ёдда тутмоғи лозим.

Горацийнинг шеърларида шундай маъно бор:

Ўзинг учун ўқи, ўрган, қил ихлос,
Донолар сўзидан ҳикматлар ахтар.
Очкўз нафс зулмидан бўлурсан халос,
Арзимас мол-мулкка қўймассан ҳавас,
Кўнглингдан қўрқувни қуварсан, хуллас,
Умрингни яшарсан сокин, бехатар.[1]

"Ҳаёт ҳаракатдан иборат" деганда Цицерон мутлақо ҳақ эди.

Шу маънода ҳаётимиз тўхтовсиз ҳаракатдан иборат ва шунга боғлиқ. Шунга монанд, ички руҳий ҳаётимиз ҳам доимо ҳаракатда бўлишимизни, яъни фаолиятимиз, ақл-идрокимиз иш билан банд бўлишини талаб қилади. Бунга мисол қилиб бекор қолган, ўй-фикрлардан холи бўлган одам дарҳол бирор нарсани тиқиллатиб ўтирганини келтириш мумкин.

Моҳиятан олганда, турмушимизда дам олишга ўрин йўқ. Шу сабабли бекорчилик тез орада жонга тегади, чидаб бўлмас даражада диққатимиз ошади, зерикамиз. Фаолликка бўлган интилишларимизни бошқаришимиз, йўналтиришимиз, қониқтиришимиз шарт.

Демак, инсон бахтли бўлиши учун ишлаши зарур. У нима биландир шуғулланиши, бирор нарса қилиши, қаердадир ниманидир ясаши, ҳеч бўлмаганда ўқиб-ўрганиши керак. Ундаги куч-қувват сарфланишга муҳтож, меҳнати натижасини ҳам кўришни истайди.

Энг яхши қониқиш бирор нарса яратаётганимизда – хоҳ сават тўқиш бўлсин, хоҳ китоб чоп этиш бўлсин, шу аснода пайдо бўлади. Ишимиз унумига қараб, кундан-кун ўз қўлимиз билан ясаётган нарсадан қониқишимиз ортиб, натижасини кўргач қувонамиз, ўзимизни бахтли сезамиз. Санъат ва бадиий асар яратганимизда, ҳатто ҳунармандчилик буюми ясаганимизда ҳам, худди шундай ҳол юз беради. Қанчалик даражада улуғвор нарсалар яратсак, ундан олган қониқиш ҳам шунчалик юқори бўлади.

Шу нуқтаи назардан олганда, энг бахтли одамлар – истеъдодли одамлардир. Улар ўз қобилиятига яраша энг муҳим ва буюк асарлар яратадилар. Улар юксак даражада

[1] Шеърларни Рустам Мусурмон таржима қилган.

ҳурматга сазовор, шундан ҳузур топадилар. Ҳаётини бемаъни ўтказаётган одамларни уларга тенглаштириб бўлмайди.

Барча қатори уларда ҳам моддий эҳтиёжларини қондириш истаги бор ва агар муҳтожликка тушиб қолмасалар, олий мақсадларини амалга ошириш учун маънавий дунёларини бойитадилар, келажакда буюк асарлар яратиш учун манба қидирадилар. Уларнинг ақл-идроки икки йўналишда: биринчиси оддий одамлар қатори муомалада бўлиш, иккинчиси – нарсаларни объектив тушунишга қаратилади.

Уларнинг ҳаёти икки хил характерга эга: бир маҳалда ҳам томошабин, ҳам ижрочи (актёр) бўла олади, қолган одамлар фақат ижрочи (актёр) бўладилар. Майли, ҳар ким ўз қобилиятига яраша иш билан шуғулласа қолсин. Агар ишимиз режали кетмаса бизга ёмон таъсир қилади. Бу нарса узоқ муддат кўнгилочар саёҳатга чиққанимизда билинади, чунки ўрганиб қолган ишимиздан маҳрум бўлиб, одатланган табиий муҳитни биров тортиб олгандек бўлади, шунда ўзимизни ожиз ва бахтсиз ҳис қиламиз.

Йўлимиздаги тўсиқларни бартараф қилиш ҳам инсон эҳтиёжига киради, бу кўрсичқон ер қазигандек табиий ҳол. Узоқ муддат ҳузур-ҳаловатдан келиб чиққан бекорчилик чидаб бўлмас даражадаги ҳолатга олиб келади. Турмушдан ҳақиқий ҳузур-ҳаловат топиш қийинчиликларни енгишда: улар моддийми, маънавийми ёки амалиётда учрайдими, барибир, энг муҳими, улар билан курашиш ва енгишда – бу нарса бахт келтиради. Агар қийинчиликлар бўлмаса, у ҳолда қўлимиздан келганча ўзимиз яратамиз, бу эса шахснинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади: ов қилади, бальбок ўйнайди ёки ички бир турткига бўйсуниб жанжал қидиради, фитна уюштиради, муттаҳамлик йўлига кириб ярамас ишлар билан шуғулланади, нима қилиб бўлса-да, ўзи тоқат қилолмаётган ҳолатдан чиқишга ҳаракат қилади. Бекорчиликдаги осойишталик хавфлидир.

Инсон ўзи кўриб турган мавжуд нарсалардан олган таассуротларининг ҳақиқий эгаси – ҳукмдори бўлиши керак. Англаб етилган таассуротларимиздан кўра бевосита кўриб билганларимиз кучлироқ...

Ўзгалар билан бўладиган муомаламиз ҳақида

Инсон эҳтиётқор ва кўнгилчан бўлиши керак. Улар ҳаётда жуда асқотади: биринчиси зарар-заҳматдан, иккинчиси эса баҳс-жанжаллардан асрайди.

Ҳар бир одам (индивидуал) ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини тан олишимиз керак. Бу хусусиятлар кулгилими, ачинарлими, ўша одамнинг табиатига мос. Бундай одамларни учратганда ўзимизча: "Ҳа, шунақаси ҳам бўлар экан-да", деб кўя қолишимиз керак. Ўзимизни бошқача тутсак ўзимизга душман орттириб олган бўламиз. Ҳеч ким ўзининг шахсий индивидуаллигини, яъни маънавий характери, билим орттириш қобилиятини, мижозини, қиёфасини ўзгартира олмайди. Қандай бўлса, шундайлигича қабул қилмасдан биз уни айблай бошласак, у бизга қарши кураш бошлайди, чунки бошқа иложи йўқ, ўзини ўзгартира олмайди, у шунақа яратилган.

Одамлар билан ёнма-ён бўлиб яшашни истасак, ҳар бирининг индивидуаллигини, у қандай бўлмасин, қабул қилишимиз керак. Бу индивидуалликдан ўзимиз хулоса чиқариб, яхши жиҳатларидан фойдаланишгагина ҳақимиз бор, уни айблаш, таъна қилишнинг ҳеч кераги йўқ. Ҳаёт барчага баробар берилган. Кимки ўзига хос хусусиятлардан батамом қутула олса, ўзини бахтлиман деб ҳисоблайверсин. Бу осон эмас, албатта. Одамлар билан тоқат қилиб муомала қилишни ўрганиш учун жонсиз нарсалардан фойдаланиш қулай, бунинг йўли осон.

Шу йўл билан орттирилган сабр-тоқатни одамларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин, олдинги тажрибамиз бу ерда қўл келади, ахир йўлингда учраган тошдан хафа бўлиш тентаклик-ку. "Мен уни ўзгартира олмайман, лекин ундан фойдаланиш мумкин", – деган фикрга келиш ақлли одамнинг ишидир.

* * *

Одамлар билан бўлган суҳбатда уларнинг ақл-онги ва қалби қай даражада ўхшаш ёки турли-туман эканлигини билиш осон кечади: уни майда-чуйда нарсалардан ҳам билиб олиш мумкин.

Суҳбат ишга алоқаси йўқ, арзимас нарсалар ҳақида кетганда ҳар ким уни ҳар хил қабул қилади, кимнингдир, ҳатто, жаҳли чиқади.

Ўхшаш одамларнинг эса фикри бир жойдан чиқади, апоқ-чапоқ бўлиб кетади. Ўртамиёна одамлар бир-бирлари билан тез тил топишиб кетишларини шу билан

изоҳлаш мумкин. Истеъдод эгалари аксинча, барча билан тил топишиб кетавермайди, ажралиб туради, мабодо ўзига ўхшашини учратиб қолсагина озгина қувонч сезади. Тенг тенги билан деган ибора бежиз айтилмаган.

Ҳақиқий буюк ақл эгалари танҳоликни ёқтиради. Маслакдошлар тез топишади, қандайдир кўзга кўринмас куч уларни бир-бирига тортади.

Тубан ниятли, пасткаш ва уқувсиз одамлар орасида бу нарсани кўпроқ кузатиш мумкин, чунки улар беҳисоб. Ҳақиқий истеъдодлилар эса жуда кам. Пес песни қоронғида топганидек, икки ярамас, қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун, кўпчилик орасида бир-бирларини тез топадилар.

Тасаввур қилинг (бу бўлиши мумкин эмас) жуда ақлли ва истеъдодли одамлар даврасига иккита калтафаҳм тушиб қолди дейлик. Улар тезда топишиб оладилар-да, ўзларича "Бу ерда ақлли одам ҳам бор экан-ку!" – дея ич-ичидан қувониб кетади.

Маънавий дунёси қашшоқ, ақли қисқа икки одамнинг учрашувига гувоҳ бўлиш жуда қизиқарли. Улар бир-бирларига кўзи тушди дегунча, қучоқ очиб, гўё эски қадрдонлардек оғиз-бурун ўпишадилар. Бу шу даражада яққол намоён бўладики, беихтиёр ёдингга ҳиндавийларнинг (реинкарнация) таълимоти келади: олдинги ҳаётларида улар ўзаро дўст бўлмаганмикан?

Бир-бирига ўхшаш одамларни нима ажратиб юборади, нима сабабдан ўрталарига нифоқ тушади? Бунинг сабаби ҳар бир кишининг ўша пайтдаги кайфиятига боғлиқ, кайфият эса турли вазиятлар, эгаллаб турган мавқеи, бажариб турган иши, жисмоний ҳолатларидан келиб чиқади. Шу боис иноқ бўлган одамлар ўртасида келишмовчилик юзага келади. Буни бартараф қилиш, иттифоқни тиклашга қобилият бўлиши ва шунга яраша шароит яратилиши керак.

Жамиятни бирлаштириш учун умумий кайфият яратилиши муҳим: оммавий кўнгил очишлар, ўйин-кулги, концертлар, турли томошалар, мусиқа ва шунга ўхшаш тадбирлар, ҳатто умумий хавф-хатар, ахборотлар, фикр алмашишлар ҳам бу борада ёрдам беради. Бундай пайтда шахсий манфаат ўрнини умумкайфият эгаллайди. Объектив таъсирлар етарли бўлмаса, субъектив таъсир кўрсатишга интиладилар: масалан, ичкилик. Бир пиёла чой устидаги суҳбат ҳам унинг ўрнини босиши мумкин.

Ҳар бир нарсани ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Пасткаш одамлар ўзгаларда фақат ўзида мавжуд бўлган камчиликлар, ожизликлар ва пасткашликларнигина кўра олади. Ўзгалар ҳақидаги тасаввурига шу нарсалар сиғади, холос, юксак фазилатлар эмас.

Ақл-фаросати йўқ одам, бошқаларда ҳам уни кўрмайди, қадр-қимматини ўз тарозисида ўлчайди. Суҳбатдошимиз билан ўзимизни тенг кўрамиз, кимнингдир афзаллиги ва керак пайтида ўз манфаатларидан воз кечиши ҳам сезилмайди.

Кўп одамларнинг фикрлаш тарзи ва ақлий қобилияти тубан ва ожиз эканлигини ҳисобга олсак, улар билан бошқача тарзда гаплашиш мумкин эмас, яъни улар билан суҳбатда ўшалар даражасига тушиб гаплашиш керак. Бундай одамларнинг асл моҳиятини тушунгач, улардан ўзингни олиб қочасан, бошқа йўли йўқ.

* * *

Кимнидир чуқур ҳурмат қилиш ва айни пайтда, унга катта меҳр боғлаш жуда қийинлигини Ларошфуко жуда тўғри пайқаган. Шунинг учун одамлардан меҳр кутамизми ёки ҳурматми, ўзимизга боғлиқ. Меҳрда, турли кўринишда бўлса-да, шахсий манфаат ётади. Бизга ёқиш ёки ёқмаслиги, ниманинг эвазига орттирилганлигига қараб баҳоланади.

* * *

Кўпчилик ўзига бино қўйиб юради, бошқа нарсалар уни қизиқтирмайди. Гап нима ҳақида кетмасин, улар дарҳол ўзлари ҳақида ўйлайдилар, гап орасида тасодифан уларга тааллуқли маълумот бўлса, диққат-эътибори фақат шунга қаратилади, гап маъноси уларга етиб бормайди. Манфаатларига ва шуҳратпарастликларига зид бўлган далилларни ҳам тан олмайдилар.

Манманлиги шу даражадаки, осонгина жиззакилиги тутиб, арзимаган нарсадан ўзларини ҳақоратланган ҳисоблаб, хафа бўлиб юрадилар. Улар билан суҳбатлашиш жуда қийин кечади, қилдан қийиқ ахтарадилар, арзимаган нарса уларнинг нозиклашиб қолган иззат-нафсларига қаттиқ тегади, ўтмаслашиб қолган ақл-идрок ва ҳиссиётлари эса тўғри гапни қабул қилишга ожиз, ўзгаларнинг чиройли сўз иборалари уларга бегона. Уларни лайча кучукларга қиёслаш мумкин – тасодифан панжасини босиб ол-

санг чинқириши оламни бузади. Ҳамма ёғини яра-чақа босиб кетган беморга ҳам ўхшатиш мумкин – қўл теккизиб бўлмайди. Суҳбатдошининг ақллироқ эканлигини ҳазм қилолмайди – ўша пайтда буни билинтирмаса ҳам, кейинчалик яшириб ўтирмайди. Билмаган одам, нега бу одамнинг ғазаб-нафратига учрадим, деган хаёлга боради. У хушомадни ва мақтовни ёқтиради, унинг атрофидагилар бундан усталик билан фойдаланадилар. Билим доираси тор, интеллекти ўта паст бўлса-да, истак-иродасига бўйсунади.

Унинг ожиз ва нотавон шахс эканлигини шундан ҳам билса бўлади-ки, мунажжимларнинг башоратларини ёқтиради, гўё улкан осмон жисмлари, юлдузлар ҳаракати тақдири билан боғлиқдек. Бу нарса қадимдан маълум.

* * *

Жамоатга ошкор қилинган ҳар қандай можаро хайрихоҳлик билан қабул қилинади, лекин шундайлигича қолиб кетмайди. Кейинчалик у ҳақда фикр билдирилади, муҳокама қилинади, хулоса чиқарилади. Тўғри хулоса чиқарилса, ҳамма нарса ойдек равшан бўлади.

Айрим маънода катталарни болаларга қиёслаш мумкин: танбеҳ бермагунча шўхликларини қўйишмайди, катталар эса индамасанг бошингга чиқиб олишади, шунинг учун жудаям кўнгилчан ва мулойим бўлиш ярамайди. Дўстинг қарз сўраганда бермасанг, муносабат йўқолмаслиги мумкин, қарз берсанг уни йўқотдим деявер. Дўст билан кўкракни кериб, бепарволик билан муносабатда бўлиш мумкин, лекин жудаям ошириб юбормаслик керак, шунингдек, ўта мулойимлик ва жонкуярликнинг ҳам кераги йўқ – бу уларни чидаб бўлмас даражада сурбет қилиб қўяди, дўстликка путур етади.

Кимгадир керак эканлигини билган одам ўзига бино қўйиб, такаббурга айланади. Айримларига ишинг тушса ёки тез-тез учрашиб сирдош оҳангда гаплашсанг ҳам шу ҳол рўй беради, ҳар қандай эркалик ва инжиқликларимни кўтаришга мажбур деган хаёлга боради, дўстлик чегарасини бузиб, одоб доирасидан чиқиб кетади.

Шунинг учун барчани дўст тутавериш ҳам ярамайди, шунчаки таниш-билишчилик билан кифояланиш, одамлардан эҳтиёт бўлиш керак. Кимдир "мен сенга эмас, сен менга муҳтожсан" деган фикрга борса, иш шу даражага бориб етади-ки, гўё унинг бирор нарсасини ўғирлаб олгансан-у, бунинг учун у сендан ўч олиб, нарсасини қайтариб олмоқчидек.

Ҳеч кимга, ҳеч нарсага муҳтож эмаслигимизни кўрсатиб қўйсак, атрофдагилардан афзаллигимиз ана шунда. Шу маънода вақти-вақти билан ҳар бир одам эркакми, аёлми билиб қўйсин, уларсиз ҳам ҳаётимиз яхши ўтаяпти: бу дўстликни мустаҳкамлайди. Кўпларига нисбатан, айрим пайтларда бироз илтифотсизликка йўл қўйсак ҳам, фойдадан холи эмас, дўстликнинг қадрига етадиган бўлишади.

"Ким ҳурмат кўрсатмаса, унга ҳурмат кўрсатишади" дейилади итальян мақолида. Кимки чин маънода бизга жуда қадрли бўлса, буни ўзидан яширишимиз керак. Бу яхши маслаҳат бўлмаса-да, тўғриси шу. Ортиқча эркалатиш ҳатто итларни бузади, одамлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Олижаноб қалб ва юксак истеъдод эгалари, айниқса ёшликда, одамлар ҳақида ва турмуш масалаларида ҳеч нарсани билмасликлари ҳайрон қоларли даражада, шунинг учун улар ҳаётда кўпинча алданиб қоладилар ва хатога йўл қўядилар, пасткашлар эса аксинча, уддабурон ва ишбилармон бўлишади.

Бу нарса турмуш тажрибаси етишмаганликдан, яъни "олдиндан синалган" (a priori) лигига ишониб хулоса қилишдан келиб чиқади. Омма шу нарсани одатдаги ўлчов қилиб олган ва шундан фойдаланади, олижаноб ва истеъдодлилар эса фойдалана олмайди ва шу билан бошқалардан тубдан фарқ қилади. Бошқаларни ҳам ўзларига ўхшатганлари сабабли ўзгалар ҳақидаги фикрлари нотўғри чиқиб қолади.

Бундай одам ўзгаларнинг маслаҳати, йўл-йўриғи ва ўзининг шахсий тажрибасига таяниб охири омма ҳақида яхлит фикрга келади. Омманинг кўпчилик (олтидан беш) қисми билан уни боғлаб турадиган нарса йўқ, аксинча, маънавий ва интеллектуал маънода шу даражада пастки, яхшиси, улар билан имкони борича алоқа боғламаган маъқул.

Омманинг ярамас ва пасткашлиги ҳақида тушунчасининг поёни бўлмаса керак. У тирик экан, тушунчаси кенгайиб бораверади, лекин барибир ўз зарарига янглишаверади. Тушуниб етган тақдирда ҳам, нотаниш давраларга кириб қолганда, одамларнинг гап-сўзлари, юз ифодалари чиройлилиги, маъноли эканлигидан, ҳалол-пок, чин кўнгилдан

гапираётганлигидан, ҳурмат-эътиборга сазовор, саховатли, фаҳм-фаросатли эканлигидан ҳайрон қолади.

Бу нарсалар уни янглиштирмаслиги керак, ахир табиат нўноқ ижодкор эмаски, ҳар бирининг пешонасига "Бу аблаҳ, буниси аҳмоқ, уларга ишонманг", деб тамға босса.

Аксинча, Шекспир ва Гётенинг асарларидаги қаҳрамонлар, ҳатто иблис ҳам, шу даражада табиий тасвирланганки, уларнинг сўзлари ва хатти-ҳаракатларига ишонмасдан илож йўқ.

Шундай қилиб, кимдир бу дунёда шайтонлар шохли ва думли бўлади, аҳмоқлар масхарабозларга ўхшайди деб ҳисобласа, тез орада уларнинг тузоғига илинади. Бунга яна одамларнинг ўзаро муносабатларини ҳам қўшиш мумкин: улар, ойга ўхшаб, фақат бир томонинигина кўрсатади. Бу борада ҳар бир одамнинг туғма истеъдоди бор: юз ифодалари ёрдамида башараларини ниқобга айлантирадилар. Бу ерда ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари кўриниб, шу даражада мос тушадики, сохта эканлигини сезмай қоласиз.

Одамлар кимнидир ишончини қозониш мақсадида сохта қиёфага кирадилар. Бундай қиёфаларга ишонавериш керак эмас ва "Жаҳлдор ит ҳам думини ликиллатади" деган итальян мақолини унутмасликлари керак.

Ҳар ҳолда, эндигина танишган одам ҳақидаги яхши фикрлардан эҳтиёт бўлишимиз керак, акс ҳолда, умидимиз пучга чиқиб, уялиб қоламиз. Бу ҳақда Сенеканинг "Характернинг хусусиятларини майда-чуйда нарсалардан пайқаб олса бўлади", – деганлари эътиборга лойиқ.

Ўзига эътибори йўқолган одам айнан шу майда-чуйдаларда феъл-атворини кўрсатиб қўяди. Айниқса, хатти-ҳаракатлардан ўзгаларни менсимаслиги, улар билан ҳисоблашмаслиги, худбинлигини ошкор қилади. Муҳим ишларда гарчи худбинлигини яширса-да, яққол кўринади. Турмушдаги кундалик икир-чикирлар, турли ҳодисалар, муносабатларда сурбетлик билан фақат ўз фойдасини, қулайликларни, ўзгаларга тегишли нарсаларни ўзлаштиришни ўйлаб ҳаракат қилса, билингки, у одамнинг қалбида адолатдан ном-нишон йўқ. Жиддий вазиятларда ҳам, агар қонун аралашмаса, аблаҳлигича қолади. Бундай одамлардан қоч! Атрофдагилардан тап тортмасдан мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилмайдиган одам, агар хавф сезмаса, давлат қонунларига ҳам итоат этмайди.

Агар кўнгиллари ёмонликдан кўра яхшиликка мойил бўлганида эди, адолат, садоқат, раҳм-шафқат, севги-вафо масалаларида уларга ишонса бўларди.

Кечирмоқ ва унутмоқ – мисқоллаб тўпланган тажрибалардан маҳрум бўлмоқдир.

Таниш-билиш, ошна-оғайнилардан кимдир бошимизга ғам-алам ёғдирса, ўйлаб кўришимиз керак, муносабатларни давом эттиришга арзийдими йўқми? Акс ҳолда, у баттар қилади.

Шунинг учун бундай одамлардан воз кечган, агар хизматкор бўлса, жавобини бериб юборган маъқул. Қасам ичган тақдирда ҳам уларга ишониш ярашмайди.

Инсон ҳамма нарсани унутиши мумкин. Фақат ўзлигини, ўз моҳиятини эмас. Хатти-ҳаракатимиз ички моҳиятимиздан келиб чиқади. Табиатимизни ўзгартириб бўлмаслиги сабабли бир хил вазиятда олдингиси яна қайтарилади. Ирода эрки ҳақида танловга тақдим қилинган асаримни ўқиб чиқишни тавсия қилардим, шунда адашмас эдингиз.

Дўстлик ришталари узилгач, қайтадан тиклаш бизга қимматга тушади. Чунки собиқ дўстнинг қилмишлари олдингидан юз чандон ошади, сурбетлиги чегара билмайди. Ҳайдалган хизматкор ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Одамларнинг фикрлаш тарзи, феъл-атвори, худди манфаатларидек, ўзгариб туради. Тубан ниятларини амалга оширишни пайсалга солиб ўтиришмайди. Бизни ишонтириш учун берган ваъдаларига лаққа тушмайлик. Самимийлигига ишондик дейлик, лекин унинг вазиятдан чиқиб кетиш мақсадида айтилган ваъдаси ёлғон, ҳақиқий табиати эса ўз феъл-атвори билан тўқнашганда намоён бўлади.

Ҳаётда учрайдиган пасткашликлар ва нодонликлардан хафа бўлишнинг ҳожати йўқ. Бу нарса инсон зотининг ўзига хос белгилардан бири эканлигини унутмайлик. Ўз ишининг устаси бўлган заршунос соф олтинни сохтасидан осонгина ажратиб олгани сингари, бизга кейинчалик бу билим асқотади.

Одамларнинг бир-биридан фарқи бор, албатта, лекин бу дунёда ёвузлик ҳукмрон – ёввойилар бир-бирининг гўштини ейди, маданийлашганлари бир-бирини алдаб кун кўради.

Давлат ўзи тузган турли маъмурий идоралар, ташкилотлари орқали одамлар орасидаги бошбошдоқликлар, адолатсизликларга чек қўйиши зарур эмасми? Тарихга на-

зар солсак, тахтга ўтирган аксарият подшо аввалига халққа бироз енгиллик беради-да, кейин атрофига қўшин тўплаб, қўшни давлатга ҳужум уюштиради. Ҳар бир уруш, моҳиятан олганда, талончилик эмасми?

Қадимда мағлуб томон ғолибларнинг қулларига айланарди, товон ҳам тўларди. "Ҳар қандай уруш талончилик" деганда Вольтер ҳақ, олмонлар ҳам буни тан олишлари керак.

* * *

Фақат ўз кучигагина таяниб яшайдиган инсон бўлмаса керак, унга ҳаётда йўл-йўриқ кўрсатадиган панд-насиҳатлар, ўгитлар зарур. Масалага чуқурроқ кириб борадиган бўлсак, инсон ўз қобилияти қолиб, фақат ақл-идроки, билими орқали олган хусусиятларгагина таянадиган бўлса, у ҳолда табиат ҳам ўзини кўрсатиб қўяди.

Қайтаверар табиат
паншахада қувсанг ҳам.

Ўзгалар билан муносабатда мавжуд тартиб-қоидалар бор, буни яхши тушунамиз, амалда эса кўпинча четлаб ўтамиз. Тушкунликка тушманг, абстракт тушунчаларни, маслаҳатларни, ўгитларни қўллаб бўлмас экан-да, деган хаёлга борманг. Ёдингизда бўлсин: назария ва амалиёт бошқа-бошқа нарса: биринчиси – ўқиш, иккинчиси ўрганиш.

Шогирд устоз ўқитганларини амалда қўллаганда хатога йўл қўяди, машқ қилавергач етукликка эришади. Шу тарзда лапашанг эпчилга, дали-ғули камтарга, олижаноб мазахчига айланади.

Машқ орқали олинган амалиёт қанчалик мукаммал бўлмасин, инсон ўз табиатидан бутунлай қутула олмайди, вақти-вақти билан у ўзини кўрсатиб қўяди. Ташқаридан қабул қилинган хусусият, ички табиий хусусиятларини тамоман чиқариб юбора олмайди, фақат бир-бирини тўлдиради.

Наполеоннинг "Нотабиий нарсалар номукаммалликдир" деган ҳикматли сўзлари ўринлидир. Бу қоида барчага, ҳар бир одамга, моддият ва маънавиятга оид нарсаларга тааллуқли.

Муғамбирликдан сақланиш лозим, чунки у нафрат уйғотади. Биринчидан – у қўрқувга асосланган алдов, иккинчидан – муғамбирлик қилсанг, ўз қадрингни ўзинг ерга урган бўласан.

Ўзингдаги йўқ сифатлар билан мақтаниш ўша сифатлар йўқ эканлигини тан олишдир. Масалан, мардлик, жасорат, ақл-идрок, билим, донолик, бойлик, аёлларга ёқиш, насл-насаб борасида мақтаниш айнан ўша нарсалар йўқлигидан далолат. Бундай сифатларга эга бўлган одам ҳеч қачон мақтанмайди, аксинча, камтарлик билан яширади. Ахир, қозонда бори чўмичга чиқади-да!

Ҳеч ким ўз аслини кўрсатиб юриш мажбуриятини олмаган, албатта, лекин ниқоб остида турли иллатлар, табиатимизни ҳайвон даражасига тушириб қўядиган бузуқликлар яшириниб ётадики, уларни намойиш қилгандан кўра ниқобда юрган маъқул. Муғамбирлик кўпга чўзилмайди, сабаби ҳам тез ошкор бўлади. Қолаверса, эртами-кечми, ниқоб тушиб кетади. "Ҳеч ким узоқ муддат ниқобда яшай олмайди. Сохталик табиийликка тез алмашади" (Гораций).

* * *

Инсон ўз танасининг оғирлигини сезмай юраверади, аммо ўзга юкни кўтара олмайди. Шунга ўхшаш ўз хатоларимиз ва иллатларимизни эмас, ўзгаларникини кўрамиз.

Бошқаларда акс этган ўз атворимизни кўзгуга қараб акциялаётган итга ўхшатиш мумкин. Ўзгаларни танқид қилган одам ўз айбини ювмоқчи бўлади. Кимки ўзгаларнинг иллатларини танқид қилиш билан бирга ўзлари ҳам улардан қутулмоқчи бўлса, демак у одамда адолат, ҳеч бўлмаганда ғурур бор.

Кўнгилчан одам эса, сенда бор қусур менда ҳам бор, деган маънода иш кўради. Ўз қусурларини ўзгаларда кўриб, тузатмоқчи бўлган одам шу маънода кўзгуга зарурат сезади.

* * *

Олижаноб тоифага мансуб чиққан йигит одамларнинг фикрлаш тарзи, мулоҳазалари, қизиқишлари бир-бирларига яқин бўлганлиги учун муносабатлар мустаҳкам бўлади, деб ўйлайди. Бу муносабатлар асосида моддий манфаатдорлик ётишини эса кейин-

ча тушуниб етади. Бу ҳар қандай муносабат асосида ётади, лекин кўпчилик бошқача бўлишини билмайди ҳам.

Шу сабабли алоқа боғлаётганда, ким қаерда, ким бўлиб ишлайди, мансаби, миллати, оиласини суриштиришади, шунга қараб муносабат турини белгилашади. Унинг шахсий сифатлари қандайлиги эса кўнгилларига келган пайтда сўралади.

* * *

Кумуш пул ўрнига қоғоз пул ишлатилганидек, ҳақиқий ҳурмат ва дўстлик ўрнини сохта мулозамат эгаллаган, баъзилар бундан жуда усталик билан фойдаланишади. Аслида шунга муносиб одамлар борми?

Чин дўстлик деганда бегараз муносабат, ёрдам, яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш, қувонч ва қайғуларни баҳам кўриш, бир-бирини тенг кўриш тушунилади. Бу инсон табиатида азалдан бор бўлган ҳудбинликнинг тамоман тескариси бўлиб, унга ишониш жуда қийин. Дўст тутинган одам ўзидаги ҳудбинликни яширади, лекин оз миқдорда бўлса ҳам дўстликни кўрсатиб турувчи хатти-ҳаракатлари, унинг аломатлари бор, албатта. Бу ёлғончи дунёда баркамол нарсанинг ўзи йўқ, шунинг учун борига барака, деб шунга қаноат қилиб яшаймиз. Аммо ўша дўстларимиз орқаворотдан биз ҳақимизда қандай гаплар тарқатаётганлигини билишга ҳаракат қилмай қўяқолганимиз маъқул.

Кимнинг чин дўст эканлигини синаб кўрмоқчи бўлсанг, бунинг осон йўли бор. Дўстингга "Бошимга мушкул иш тушиб қолди", де. Дўстинг чин дилдан ачинаяптими, бепарвоми, билиб оласан. "Дўст бошига тушган кулфат биз учун доим ҳам кўнгилсизлик дегани эмас", деганда Ларошфуко ҳақ гапни айтган.

Одатдаги "дўстлар" бундай ҳолларда ич-ичидан тошиб келаётган шодлигини яширишга қанчалик уринмасин, ўзига бўйсунмаётган хоин лаблари буни билдириб қўяди. Бундай "дўстлар"нинг кайфиятини кўтармоқчи бўлсанг, бошингга тушган қайғу-ғамларни уларга билдириб, ожиз эканлигингни кўрсатиб тур.

Узоқ масофа ва айрилик дўстликка рахна солади. Вақт ўтган сари у абстракт тушунчага айланиб бораверади. Кўриб, учрашиб турган сайин қадрдонлашиб борамиз. Меҳр кўзда, деб бежиз айтилмаган. Инсон табиатан шунақа.

Дўстларни самимий деб айтамиз, душманларимиз-ку, шундоқ ҳам самимий, шунинг учун уларнинг койиб туришлари биз учун фойдали, бундан тўғри хулоса чиқариб оламиз, камчиликларимизни тузатамиз.

Муҳтожлик дўстларни камайтирадими? Қаёқда! Эндигина танишган дўстинг сендан қарз сўраб турса, нима деб ўйлайсан?

* * *

Соддадил одамлар истеъдод ва ақл жамиятда ҳурмат-эътибор келтиради, деб ўйлашади. Аслида, бу кўпчиликнинг ғазаб ва нафратини қўзғатади. Боиси улар ўз истеъдодларини яшириб, оғзига талқон солиб, писиб юришга мажбур.

Ҳамма гап шундаки, суҳбатдошининг ақллироқ эканлигини сезган одам, ўзининг ақли паст, ожиз эканлигини сездириб қўйганлигидан хавотирга тушади, шу нарса унинг ғазабини қўзғайди.

Гарсиан "Бировга яхши кўринишнинг ишончли усули тентаклик тўнини кийиб олишдир", дея тўғри айтган. Ақл-идрокни намойиш қилиш, бошқаларнинг қобилиятсизлиги ва бефаросатлигини кўрсатиб қўйиш билан баробар. Пасткаш одам олижаноб кишини кўргач, ғазаби қайнайди, бунинг сабаби ҳасаддан бошқа нарса эмас. Манманликни қониқтириш – ўзини бошқалардан устун кўриб, шундан оладиган лаззат, деб ҳисоблайдилар.

Ақл жиҳатдан устунлик инсон учун асосий ифтихор омили, унинг жониворлардан фарқи ҳам шунда. Истак-ирода инсоннинг ўз хоҳиши билан бошқарилади, ақл эса унга ато қилинган неъматдир.

Ақл-идрок устунлигини кўпчилик олдида таъкидлаш – жасоратдир. У ўзига душман орттириб олади, кези келганда ҳақорат қилиш орқали ундан ўч олишади, бу эса ақлдан эмас.

Шу сабабли жамиятда мансаб ва бойликни ҳурмат қилишади, ақл эса бундан умидвор бўлмай қўя қолсин. Нари борса унга эътибор беришмайди, бўлмаса худди айб иш қилиб қўйгандек қарашади, кези келганда камситишади, у эса бўйнини қисиб, ялиниб-ёлвориб кечирим сўрайди. Саъдий "Гулистон"да айтади: "Нодоннинг донишмандга бўлган нафрати, донишманднинг нодонга бўлган нафратидан юз чандон ортиқ эканли-

гини билиб қўй".

Аксинча, ақл ожизлиги тавсиянома ўрнини босади. Жисмимиз учун ҳарорат қанчалик таъсир қилса, ақлимиз учун бошқалардан устунлик туйғуси шунчалар таъсир кўрсатади, яъни ақли заифлардан устун эканлигимизни ҳис қиламиз.

Аёллар учун гўзаллик қанчалик муҳим бўлса, эркаклар учун ақл шу даражада аҳамиятли.

Эркаклар орасида жисмоний устунлик ўта муҳим аҳамият касб этмаса-да, аммо биз ўзимизни барваста одамлар олдида эмас, бўйи паст одамнинг олдида эркинроқ ҳис қиламиз. Эркаклар орасида эси паст, бемаъни одамлар кўпчиликнинг диққат марказида бўлади, аёллар орасида эса хунуклари. Ўз назарида бошқалардан устун эканлигини ҳис қилиш учун шу баҳонадан фойдаланишади.

Ҳар қалай, ақлий устунлик одамларни бошқалардан ажратиб турувчи омил, шу боис ундан камчилик топиб, шу баҳонада қочадилар, нафратланадилар.

Жамиятда муваффақиятга дўстлик ва ошна-оғайнигарчилик воситасида эришилади. Катта истеъдод одамни мағрур қилиб қўяди, шунинг учун у бошқалар олдида ялтоқланмайди, ўзини ерга урмайди, балки ўзидаги сифатларни яширади, обрўсини тўкмайди.

Қобилиятсиз одамлар ярамаслар олдида ҳам қўли кўксида, юмшоқ супурги бўлиб туради, шу йўл билан ошна-оғайни ва ҳомий орттиришади. Фақат давлат хизматидагина эмас, барча соҳада, ҳатто илмда ҳам шундай. Масалан, академияларда ҳақиқий илм эгалари эмас, ўртамиёна олимлар керилиб ўтиришади, муносибларига эса у ерда жой йўқ.

Аёллар ва ҳусн масаласида ҳам худди шу аҳвол: гўзал қизлар ўзларига муносиб дугона топа олмайдилар. Чунки гўзаллар шерикчиликка кўнмайдилар. Таққослашнинг ҳожати бўлмаган жойларда эса ҳуснда безак сифатида фойдаланишади.

* * *

Ўзгаларга ишонч билдиришимизда ялқовлик, худбинлик, шуҳратпарастлик катта аҳамият касб этади. Ялқовлик – ўзинг бажарадиган ишларни ўзгаларга юклаш, худбинлик – ўз манфаатинг йўлида ўзгаларни ишлатиш, шуҳратпарастлик эса мақтанчоқликни ёқтириш билан боғлиқ ишлардир. Шунга қарамай, ўзгалардан ишончимизни оқлашларини талаб қиламиз.

Ишончсизлик жаҳлимизни чиқармасин, ахир унда ҳалолликни мақташ аломатлари бор. Ҳалоллик эса камёб нарса.

* * *

Хушмуомалалик яхши фазилат эканлигини "Этика" номли китобимда айтиб ўтган эдим. Хушмуомалалик – ахлоқий ва интеллектуал камчиликларимизга эътибор бермасдан уларни яширишга доир сўзсиз келишувдир. Ҳар икки томон ҳам бундан манфаатдор эканлиги туфайли иш осон кечади.

Хушмуомалалик – оқилларнинг, қўполлик эса аҳмоқларнинг иши. Бу ўз ихтиёринг билан ўзингга душман орттириш, ўз уйингга ўт қўйиш дегани. Хушмуомалалик ҳисобкитобни қалбаки пул воситасида амалга оширишга ўхшайди. Бу ерда хасислик қилиш ақлсизликдир. Ақлли одам бу борада сахий бўлмоғи лозим. Ҳақиқий манфаатларни қурбон қилиш эвазига хушмуомала бўлиш қоғоз пул турганда олтин улашишга ўхшайди.

Табиий ҳолатда мум қаттиқ бўлади, озгина ҳаракат уни юмшатади. Шунга ўхшаш, ҳар қандай жанжалкаш ва жаҳлдор одам ҳам хушмуомаладан, дўстларча илиқ муносабатдан гапга кўнадиган, хушфеъл одамга айланади.

Хушмуомалалик жуда қийин масала, чунки барча одамлар олдида қўлни кўкракка қўйиб, қуллуқ қилиб туриш керак, гарчи кўп одам бунга нолойиқ бўлса-да. Истамасангиз ҳам кимларгадир ҳамдардлик билдиришингиз, табассумингизни аямаслигингиз керак. Ғурурни хушмуомалаликка сингдириш – буюк санъат.

Агар манманликни ҳаддан ошириб юбормаганимизда, бошқалар ҳам биз ҳақимизда ўз фикрига эга эканлигини ҳисобга олсак, арзимаган гапдан хафа бўлишга ҳожат қолмасди.

Ўзгаларнинг танбеҳини эшитиш билан танишларинг сен ҳақингда ўзаро нималар деганини эшитиб қолиш ўртасида кескин фарқ бор. Одатдаги хушмуомалалик шунчаки ниқоб эканлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Ниқоб гоҳо қийшайиб кетади, гоҳо бир неча дақиқага тушиб қолади. Ниқобни олиб ташлаган одам ўз аслига қайтиб, қўпол бўлиб қолади, бу эса жамиятда жуда хунук бўлиб кўринади.

* * *

Хатти-ҳаракатларимизда ҳеч қачон ўзгаларга тақлид қилиш ярамайди, чунки ҳар бир ҳолат ва вазиятда ҳар ким ўз табиатига хос хусусиятлардан келиб чиқиб ҳаракат қилади, акс ҳолда сохталиги ошкор бўлади.

* * *

Кимки ўзгаларнинг ишончини қозонмоқчи бўлса, ўз фикрини эҳтиросларга берилмасдан, совуққонлик билан ифодалаши лозим. Қизиққонлик истак-иродага боғлиқ, шунинг учун фикр-мулоҳазаларимизни билдирганимизда одамлар уларни нотўғри тушунишмасин. Истак-ирода инсоннинг туб унсури, билиш-англаш эса кейинчалик эгалланади, шунинг учун фикримиз табиий бўлиши шарт.

* * *

Ҳеч ким билан фикр талашма, одамларни беъмани фикрларидан қайтармоқчи бўлсанг, умринг зое кетади.

Гаплашаётганда ўзгаларнинг хатосини тузатишга уринма, хайрихоҳ бўлганингда ҳам тушунишмайди, осонликча хафа қилиб қўясан, кейин кўнглини олишинг қийин.

Суҳбат чоғида сенга ёқмайдиган бирорта бемаъни гап эшитиб қолсанг, ўзингни билмаганликка ол, гўё икки аҳмоқ комик роль ўйнаяпти, деб ҳисобла. Амалда бу синалган усул.

Бу бир кам дунёнинг камчиликларини тузатаман деб беҳуда уринма, соғ-омон юрганингга шукур қил, чунки шунинг ўзи бахт.

* * *

Алдов йўли билан олдириб қўйган пулингга ачинма, чунки келгусида бу сенга катта сабоқ бўлади.

* * *

Ҳақ бўлган тақдирингда ҳам мақтанчоқлик қилма, мақтаниш сени йўлдан оздиради. Мақтанчоқликни камтарлик ниқобига ўраб гапирганингда ҳам, одамлар унда шуҳратпарастликни кўради. Сен эса кулгига қоласан. Меъёрни билиш лозим.

* * *

Кимдир ёлғон гапираётганини сезиб қолсак, ўзимизни унга ишонгандек қилиб кўрсатамиз, лекин у ҳаддидан ошиб янада кўпроқ ёлғон қўшади, оқибатда ниқоби очилиб қолади. Кимнингдир гапларида ҳақиқат аломатларини сезиб қолсак, суҳбатдошимиз уни яширишга ҳаракат қилади, шунда биз ишончсизлик билдирсак, у бор гапни айтишга мажбур бўлади.

* * *

Шахсий ишларимизни яқин танишларимиздан ҳам сир тутганимиз маъқул. Биз ҳақимизда уларнинг ўзлари кўриб билганлари етарли. Энг арзимас нарсалар ҳам, вақти келганда, бизга зарар келтиради.

Ақли расо одам нима ҳақида гапиришдан кўра, нима ҳақида гапирмасликни яхши билади. Биринчиси шуҳратпарастлик аломати, иккинчиси ақлли одамнинг иши. Ҳар иккаласи учун ҳам имконият кенг, лекин кўпинча бир лаҳзалик истагимизни қондириш учун сукут олтинга тенг эканлигини ёдимиздан чиқариб қўямиз.

Баъзан юрагимизни бўшатиш учун ўз-ўзимизга овоз чиқариб гапириб юборамиз, айниқса, феъли тез одамларда бу кўпроқ кузатилади. Бу нарса одат тусига кириб қолмасин, чунки фикр ва сўз уйғунлиги содир бўлиб, ўзгалар билан бўлган суҳбатда ҳам шу нарса юз беради. Фикримиз билан сўзимиз ўртасида кенг масофа сақлашимиз керак. Баъзан бизга тааллуқли айрим ҳолатларга ўзгалар ишонмайди деб ўйлаймиз, амалда эса улар бунга чиппа-чин ишонишади. Уларнинг ишончини чиппакка чиқармоқчи бўлсак, уларнинг кўнглида бунга шубҳа уйғотишимиз керак. Аммо биз кўпинча ўзимиз уни ошкор қилиб қўямиз, бу ҳолатни сездирмаслик мумкин эмас, дея хатога йўл қўямиз. Бу ақлсиз ҳаракатни эсанкираш деб аташади.

Бошқа томондан қараганда, айрим муносабатларда бефаросат бўлган одам, гап ўзгалар ҳақида кетганда ўта зийраклик қилади, баъзи бир тафсилотларни ушлаб олади-да, масалани охиригача ечмасдан қўймайди.

Бирор ўтган воқеа ҳақида гапирганимизда эҳтиёт бўлишимиз лозим. Нафақат одам-

ларнинг исмини, кимлигини билдирувчи белгилари, воқеа содир бўлган жой, вақт ва шунга тааллуқли ҳолатларни, ҳатто иккинчи даражали қатнашчилар ҳақидаги маълумотларни ҳам билдириш ноўрин, акс ҳолда суҳбатдошимизга воқеанинг тагига етадиган имконият яратиб қўйган бўламиз.

Зўр қизиқиш истак-ирода орқали ақлни ишга солади, у эса қилни қирқ ёриб воқеанинг тагига етмагунча қўймайди. Одамлар кўпчиликка маълум бўлган ҳақиқатга эмас, шахсга тегишли ҳақиқатга ўч бўлишади.

Сукут сақлаш ҳақида барча давр ва халқларда ҳикматли сўзлар айтилган, шунинг учун гапни чўзмай бир неча араб мақоли билан чекланаман: "Душманингга билдирмаган нарсани дўстингга ҳам айтма", "Сиримни яширсам у менинг асиримга айланади, ошкор қилсам мен унга асир бўламан", "Сукут дарахтининг меваси – хотиржамлик".

Иложи борича ўзгалар билан зиддиятга бормаган маъқул. Яхшиси, ҳар кимсанинг қадр-қиммати унинг хатти-ҳаракатига қараб белгиланишини ёдда сақла, ҳеч бўлмаса ўзинг учун. Шунга қараб муносабатларни мослаштириш мумкин, чунки феъл-атвор ўзгармас бўлиб, хатти-ҳаракат шундан келиб чиқади.

Инсондаги иллатларни унутиш, тўпланган бойликни беҳуда совуриш демакдир. Бу нарса бизни аҳмоқона ишонч ва дўстликдан асрайди.

"Меҳр боғламаслик, нафратга берилмаслик" турмуш ҳикматларининг тенг ярми; "Сукут сақлаш, ҳеч кимга ишонмаслик" – унинг иккинчи ярми. Бу дунёда қонун-қоидаларсиз яшашнинг иложи йўқ.

* * *

Қаҳр-ғазаб ва нафратимизни сўз ёки кўз қараши, хатти-ҳаракат билан ифодалаш бефойда, у кулгили, хавфли, қолаверса, бу ақлсизлик ва пасткашликдир. Биз уларни фақат амалдагина изҳор қилишимиз мумкин.

Заҳарли жонзотлар фақат совуққонлилар орасидагина учрайди.

* * *

Сўзга урғу бериш қадимги зодагонларга хос. Бу усул суҳбатдошига қарши мўлжалланган. Сўз маъноси етиб боргунча суҳбатдош талмовсираб тураверади, биз эса хотиржам ўз йўлимизга кетаверамиз. Сўзга урғу бериш суҳбатдошнинг ҳиссиётларини қўзғаши, жаҳл отига миндириши ҳам мумкин. Айрим одамларга очиқ чеҳра билан, дўстона оҳангда шу даражада қўпол гапларни айтиш мумкинки, оқибатидан хавотир олмасак ҳам бўлаверади.

Олам тартиб-қоидаларига ва тақдирга доир қарашлар

Инсон қай тарзда умр кечирмасин, унинг ҳаётида айнан бир хил унсур (таркибий қисм)лар мавжуд бўлади. Унинг умри қулбада ўтадими, қасрдами ва ёки зоҳидона тарзда ғордами, аҳамиятли хусусиятлари бир хил бўлади. Ҳаётда содир бўлган турли-туман воқеалар, саргузаштлар, бахтли ва бахтсиз ҳодисалар ҳақида айтадиган бўлсак, уларнинг асоси қандолат маҳсулотлари каби бир хил.

Шакл турли-туман, ўзак эса ягона. Бир одамнинг бошига тушган воқеа бошқача кўринишда иккинчи бир одамнинг бошига ҳам тушади. Ҳаётимиз мазмун-моҳияти бир хил, таассуротларимиз эса турли-туман.

* * *

Оламни уч хил куч – донолик, қудрат ва бахт бошқаради, дейди қадим мутафаккирлардан бири. Менимча, учинчи куч – бахт кучлироқ бўлса керак.

Умр йўлимизни кеманинг уммондаги сузишига қиёслаш мумкин. Тақдир гўё шамол каби кема елканларини хоҳлаган томонига буриб, гоҳ олдинга, гоҳ орқага ҳайдайди, бизнинг интилишларимиз, хатти-ҳаракатларимиз аҳамиятсиз бўлиб қолаверади. Интилишларимизни эшкакка ўхшатиш мумкин, шамол тинганда бироз фойдаланиш мумкин. Мабодо шамол ҳамроҳ бўлиб қолса – бу сенинг бахтинг. Испан мақолида: "Ўғлингга бахт бергин-у, денгизга от", деб бежиз айтилмаган.

Воқеа-ҳодисалар – ёвуз кучлар, уларга ишониб бўлмайди... Тақдир бизга бирор нарсани инъом қилар экан, уни тамоман ўз ихтиёримизга бериб қўймайди, шунга муносиб эканлигимизни ҳам билдирмайди. Балки бизга илтифот кўрсатганидан инъом беради.

Ўтган умримизга назар ташласак, унинг қай даражада чалкашиб кетганини, кўплаб омад ва бахт имкониятларини бой берганимизни, қанчадан-қанча кулфатлар бошимизга ёғилганини кўрамиз, ана шунда афсус-надоматларимизнинг чеки бўлмайди.

Ҳаётдаги фаолиятимиз ўз ихтиёримизда эмас. Бу икки омилнинг маҳсули – воқеа-ҳодисалар тизими ва уларнинг ечимидир. Улар доимо бир-бирига қўшилиб, чалкашиб, бири иккинчисини ўзгартириб юборади. Воқеалар ечимини олдиндан топиб бўлмайди, воқеа-ҳодисаларнинг қачон келишини ҳам билиб бўлмайди, фақат реал воқеликда пайдо бўлгандагина бизга маълум бўлади.

Кўзлаган мақсадимизга ҳеч қачон тўғридан-тўғри етиб боролмаймиз. Унга тахминий йўллар билан интиламиз, бу йўлда анча қийинчиликларни бартараф қилишга тўғри келади. Реал воқелик билан ҳисоблашиб, омад ёр бўлишига умид боғлаб мавжуд имкониятларни ишга солиш керак, шунда мақсад сари яқинлашиб борамиз.

Ҳаётимизни ошиқ ўйинига ўхшатиш мумкин, лекин камдан-кам ҳолда ошиғинг олчи бўлади. Терентий айтгандек:

Ҳаёт – қимор, одамзод “Гардкам!” деб отар ошиқ.
Бироқ истаганингдек “олчи” тушмас отганинг.
Ошиғинг “товва” тушса, хатонгни ўнгла эплаб.

Ёки қартани тақдир чийлаб беради, биз эса қартабоз. Ҳаётни яна шахмат ўйинига ҳам ўхшатиш мумкин: сен ютишни режалаштирасан, аммо рақибинг сени эсанкиратиб қўяди. Қисмат ҳаётдаги рақибингдир. Қисматимиз режаларимизни шу даражада ўзгартириб юборадики, дастлабкисидан асар ҳам қолмайди.

Ҳаётда эришган муваффақиятларимизда биз билмаган яна нимадир бор. Кўпинча ўзимиз ўйлагандан ҳам кўра кўпроқ аҳмоқона ишлар қилиб қўямиз. Кўп ҳолларда ўзимиз ўйлагандан ҳам донороқ эканлигимиз ишимиз натижасига кўра билиниб қолади, лекин буни кечроқ тушунамиз.

Ақлимиздан бошқа бизда яна қандайдир табиий хислат – сезги бор. Энг муҳим пайтларда ўзимиз билмаган ҳолда ўша табиий сезги намоён бўлади.

Балки бу тушларимизда белги берар, лекин биз уйғонгач унутиб қўямиз, чунки бесаранжом ва иккиланувчи онгимиз у билан ҳамжиҳат бўлишга ожизлик қилади. Буюк жасорат эгалари ёшлигиданоқ бу ички яширин кучни сезиб уни ривожлантиришган. Умуман олганда, ўз-ўзини ҳимоя қилиш сезгиси барчада мавжуд, акс ҳолда инсоният қирилиб кетган бўларди.

Абстракт принципларга эргашиб ҳаракат қилиш учун кўп машқ қилиш керак, лекин у доим ҳам яхши натижа бермайди. Аксинча, инсонда қон-қонига сингиб кетган туғма принциплар бўладики, улар фикрлаш қобилияти, ҳиссиётлари ва хоҳиш-истаклар билан бирга кириб келган. Одам бу нарсани ўтмишга назар солгандагина сезади: уни қандайдир бир кўзга кўринмас куч бошқариб турганини англаб қолади. Ана ўша куч, ўзининг хусусиятларига кўра, ё бахтга етаклайди ёки бахтсизликка.

* * *

Вақт ҳамма нарсага ўз таъсирини ўтказмай қолмаслигини унутмайлик. Шу асноda нимани қўлга киритган бўлсак, шуларнинг аксини тасаввур қилиб туришимиз лозим. Бахтга эришганда бахтсизликни, дўстликда – душманликни, севгида – нафратни, ишончда – ишончсизликни, гуноҳда – тавбани, ҳаво очиқ кунлари – ёғингарчиликни ва аксинча, бахтсизлик пайти бахтни, қаҳратонда жазирамани эслаб қўяйлик. Турмуш донолигининг доимий сарчашмаларидан энг кераклиси шу. Чунки ёмонликнинг олдини олиш – келажакда алдов қурбони бўлмасликнинг шартидир. Бу дунёда ҳамма нарса ўзгарувчан – бебақо эканлигини назарда тутсак, тажриба ўрнини бу борада ҳеч нарса боса олмайди. Нафақат ўзгарувчанлигини, балки қайси томонга ўзгаришини ҳам олдиндан сеза олсак, ютуғимиз шунда. Ҳамма нарса ўзгарувчан, доимий нарса эса ўзгарувчанлик. Турмушда воқеа-ҳодисалар шу даражада кўпки, агар бирор хавф-хатарнинг олдини олмоқчи бўлсак, тасодиф туфайли у ўз-ўзидан бартараф бўлиши мумкин. Агар биз унинг олдини олмоқчи бўлиб ҳаракат қилган бўлсак, ёки бирор нарса эвазига эришмоқчи бўлсак, меҳнатимиз зое кетади.

Шунинг учун мўлжални жуда узоқдан олиш ярамайди, воқеа-ҳодисалар эҳтимолини ҳам назарда тутиб, яхши ниятда иш бошлаган маъқул.

Одатда одамлар воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларига эмас, оқибат на-

тижаларига кўпроқ эътибор берадилар. Сабаб ва оқибатни боғлай олмаган одам янглишади, бошига бало-офатлар ёғилгач, мусибатларига ўзидан бошқа ҳамроҳ тополмайди.

Воқеа-ҳодисаларнинг олдини олмоқчи бўлган одам уни амалда эмас, назарий жиҳатдан қилиши керак. Воқеаларни тезлаштиришга ҳожат йўқ, вақти-соати келганда содир бўлаверади. Вақтни бўйсундириб бўлмайди, акс ҳолда у аямай ўч олади.

Масалан, тезроқ мева олиш мақсадида дарахтга турли сунъий ишловлар бериб, парваришни тезлаштирсак, кўп ўтмай у қуриб қолади. Ёки ўспирин болага ўттиз ёшли эркакнинг ташвишлари юклаб қўйилса, у эплаши мумкин, лекин кейинчалик бу нарса унга қимматга тушади – вақт унинг куч-қувватини, ҳатто умрининг бир қисмини тортиб олади.

Шундай касалликлар борки, табиий кечганда вақт ўтиши билан давоси топилиб асоратсиз ўтиб кетади. Тездан давосини топиб, оёққа туриб кетишини истаган одамга ҳам чораси топилади, лекин оқибатда у умрбод ожиз-нотавонга айланиши мумкин.

Уруш ва ғалаёнлар пайтида пул жуда зарур бўлиб қолса, уй-жиҳозимизни, қимматбаҳо қоғозларимизни арзон-гаровга сотиб юборишга мажбурмиз. Оқибатда бир неча йил чидаш ўрнига бор-будимиздан айриламиз. Қарзга ботиб саёҳатга чиққан одамнинг ҳам аҳволи шунга ўхшаш.

Буларнинг бари сабрсизлик қурбони.

* * *

Ақл билан иш кўришда жасорат ҳам муҳим ўрин тутади. Бу сифатларнинг биринчиси онадан, иккинчиси отадан мерос, истак-иродамиз эса уларни камолга етказади.

Дадил бўлинг!
Мағрур қарши олинг қисматнинг беаёв зарбаларин.

Бу дунёда яшаш учун мардонавор руҳ, темир ирода, мустаҳкам қалқон керак, токи улар тақдир зарбасидан, одамлардан бизни ҳимоя қилсин, чунки ҳаёт курашлардан иборат. Вольтер айтади: "Бу дунёда омадни фақат қилич дами билан қўлга киритадилар, қўлда қилич билан жон берадилар".

Озгина хавфни сезгач ғужанак бўлиб бурчакка қисилиб олган, дод-вой қилиб тушкунликка тушган одам қўрқоқ одамдир. Аксинча, шиоримиз:

Кулфатга қайсарлик қил, енгилма ва олға бос.

Бирон бир хавф-хатар мавжуд эканми, унинг якунини кутмасдан, унга қарши курашни давом эттириш, тушкунликка тушмасдан нажот қидириш зарур. Бу борада ўзингни чиниқтир.

Яхшиликларни ҳисобга олмасак, бу дунё қўрқиб, юракни ҳовучлаб яшашга арзимайди.

Жасорат зўрликка айланиб кетиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Жасоратнинг барқарор бўлиши учун маълум маънода бироз ҳадик ҳам бўлиши керак. Бироқ, бу ҳаддан ошиб кетса, қўрқоқлик пайдо бўлади.

Ҳаддан ташқари қўрқинч-ваҳимага тушиб қолиш ҳақида Бэкон Веруламский аниқ таъриф берган: "Ўз ҳаётини ҳимоя қилиш ва асраш, хавф-хатардан қутулиш, уни даф қилиш учун табиат ҳар бир жонзотга қўрқув ато қилган. Лекин табиат саҳийлик қилиб ўлчов бермаган, шунинг учун қуруқ ва асоссиз қўрқув табиий қўрқув билан қўшилиб кетади. Масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, теварак-атрофни ваҳимали қўрқув босиб кетган, айниқса, одамларни..."

Даҳшатли қўрқувнинг ўзига хос хусусияти унинг асосини аниқ тушунтиришнинг имкони йўқлигидир. Қўрқув фақат тахминларга асосланган, керак бўлса, унга асос қилиб қўрқувнинг ўзинигина олиш мумкин.

Рус тилидан Абдунаби Абдуқодиров таржимаси



ГУЛҚАЙЧИ

Нарзулло БОТИРОВ

1947 йилда туғилган. Тошкент Политехника институтини ва Ички ишлар вазирлиги қошидаги Тошкент милиция олий мактабини тугатган. Ҳикоя ва ҳажвиялари республика матбуотида эълон қилинган. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланади.

БИР ЧЎМИЧ ҚИМИЗ

Ҳажвия

Саратон авжига чиққан. Шанба куни бўлгани учун уйда зерикиб, диққинафас бўлиб ўтирибман.

Телефон жиринглади. Ўрнимдан эринчоқлик билан туриб, телефон гўшагини олдим. Мираҳмад экан.

– Курк товуққа ўхшаб, тухум босиб ётаверасанми? – деди у. – Қишлоқдан Элбек келди. Юр, тоғ ҳавосидан нафас олиб, маза қилиб келамиз.

Мираҳмаднинг таклифи маъқул тушди. Тошкент-Чорбоғ электрпоездида Эшонхонагача бориб, у ердан йўловчи машинада Чимёнга етиб келдик. Қош қорая бошлаган, йўл ёқасидаги симёғочларнинг чироқчалари ёнган, жазирама иссиқдан сўнг қўзғалган майин шаббода юзга урарди.

Мираҳмад тўрт-беш чақирим чамаси юқорида тўхташимизни айтди. Юкларни кўтариб, юқорига ўрлаган сўқмоқдан йўлга тушдик. Атрофга қуюқ қоронғилик чўкди. Тўлин ой тоғ чўққисидан отилиб чиқиб, осмонга кўтарилди.

Бир соат юрдик чоғи, узоқдан отларнинг кишнагани эшитилди, сал ўтмай ўтовнинг қорайиб турган сояси кўзга ташланди. Мираҳмад йилқичилар ўтовига етиб келдик, деди. Ўтов томондан итларнинг ҳургани эшитилди. Эркак кишининг:

– Ким бу? – деган товуши чикди.

– Меҳмонлармиз! Меҳмон оласизларми? – товуш берди Мираҳмад.

Ўтов эгаси новчадан келган қирқ-қирқ бешлар атрофидаги Тоҳир исмли, очиқ юзли киши экан. У Мираҳмад билан ўз укасидек қуюқ ҳол-аҳвол сўрашиб, бизларни ўтовга таклиф қилди. Биз палаткамиз борлигини айтиб, миннатдорчилик билдирдик. Тоҳир ака ёрдамида тезда палаткани ҳам қуриб олдик. Неон лампали қўл фонусининг ёруғи палаткани кундузгидек ёритиб юборди. Мезбон ўтов олдидаги олови ўчмаган ўчоққа шох-шабба ташлаб, ўт ёқди. Чой дамлаб келди, ўтовдан қатиқ ва тандир нони олиб чикди. Овқатланиб бўлгач, роса мириқиб чой ичдик. Тоғ сувида чойнинг мазаси бошқача бўлар эканми ёки йўл юриб, чарчаганимиз учунми, ҳар қалай ёнбошлаб чой ичиш уйдагидан кўра бошқача лаззат берар, чойдан келаётган тутун ҳиди ҳам кишига хуш ёқарди...

...Бир вақт "подъём!" деган товушдан уйғониб кетдим. Кўзимни очсам, тепамда Мираҳмад қаққайиб турибди. Элбек палатканинг бурчагида бошини кўрпага ўраганча ухлаб ётибди.

– Қўй, жўражон, озроқ ухлайлик, – деб ялиндим.

– Тур! Офтобнинг тоғ ортидан кўтарилишини кўрмасанг нима қилардинг келиб? Тонг нурлари кишига қанчалар куч-қувват беришини биласанми? Руҳингни кўтаради. Дилингга меҳр-муҳаббат беради. Кейин эса тезда уйланасан.

Унга жавоб бермай, бошимга кўрпани ёпиб олдим. Лекин Мираҳмад айтганидан қолмай Элбек иккаламизни турғазди. Ширин уйқумдан ажралиш алам қилиб, ташқарига чиқдим.

– Тақсир, физзарядка ҳам қиламизми? – ярим ҳазил, ярим истеҳзо аралаш сўради Элбек.

– Физзарядкага бало борми? Ҳов анави кўриниб турган чўққига чиқишнинг ўзи яхшигина физзарядка бўлади, – жавоб берди Мираҳмад.

Ўтовдагилар аллақачон туришган эди. Бир аёл, қўлида сут тўла челак, ўчоқ бошига қараб кетди. Беш-олти яшар иккита бола товуқларга дон сочишди. Ўн олти-ўн етти ёшлар чамасидаги қиз уч ёшлар атрофидаги болани ювинтириб, сим дорга ташлаб қўйилган сочиқ билан унинг юзини артди. Кейин пўписа қилиб, ўтовга олиб кириб кетди. Болани ўтов ичида қолдириб, тез чиқди. Сигирлар турган жойга бориб, онасини эмаётган иккита бузоқчанинг орқонидан торта бошлади. Бузоқчалар онасига қараб интиларди. Қиз бузоқлардан бирини ўтов яқинидаги қозиққа келтириб боғлади. Кейин қочиб кетиб, онасини эмаётган бузоқнинг орқонидан тутиб олди-да, орқоннинг иккинчи учи билан бузоқнинг орқасига уриб, куч билан тортди. Бузоқча тисланганича бошини орқага тортиб, онасини эмишга ҳаракат қиларди.

– Қорни тўймапти! Қўйинг, яна озроқ эмсин, – дедим мен.

– Йўғ-е, – эътироз қилди қиз. – Бузоқ ҳамма сутни эмиб қўйса, бизга нима қолади?

Қиз бузоқчани куч билан тортиб, қозиққа келтириб боғлади. Кейин товуқлар турган тўсин ёғочларидан ошиб ўтиб нималарнидир терди-да, тоғорага солиб олиб чиқди.

– Бугун товуқларимиз кечагидан битта тухум кам қилишипти. Манови кўнғир товуқ тухум туғмаган бўлса керак. У кунора тухум қилади, – дея изоҳ бериб, қўлидаги тухум тўла тоғорани ўтов ичига олиб кириб, бўшатиб чиқди.

Қизнинг устидаги қизил чит кўйлаги ўзига жуда ярашган. Бир ўрим узун, қалин, қопқора сочлари қиз юрганида у ёқдан-бу ёққа бориб келади. Қиз жуда тез ҳаракат қилар, ҳар бир ишни чаққонлик билан бажарарди.

Ўтовга кириб кетган хотин яна челак кўтариб чиқди.

– Жамила, – деди у қизга қараб. – Сутни пишир. Қайнаб чиққач, укаларингга сузиб бер. Мен отларни соғиб келай. Тушга яқин қимиз олувчилар ҳам келиб қолишади.

Жамила ўчоқ тагига олов ёқди. Ўтовда турган челаклардаги сутни олиб чиқиб, қозонга қуйди. Менинг ҳам сут ичгим келди.

– Жамила, – дея чақирдим.

Қиз ялт этиб менга қаради:

– Исмимни қаердан биласиз?

– Биламан-да, – кулдим мен. – Ҳамма нарсани биламан. Шу йили мактабни тугатганингизни ҳам.

– Қаердан биласиз ёки сиз Ғазалкентданмисиз? Мен Ғазалкентдаги мактабни тугатдим, – ҳайрон бўлди Жамила.

– Ана кўрдингизми? – дедим. – Ҳамма нарсани биламан дедим-ку сизга.

– Яна нималарни биласиз? – қизиқсиниб сўради қиз.

– Қозонда қайнаётган сутингиздан бизни тўйғазсангиз қолганларини айтиб бераман.

Кулиб қараб турган қизнинг чеҳраси бирдан жиддийлашди:

– Сутнинг бир литри бизда икки юз сўмдан.

– Бунча қиммат?

– Бизда сут ёғлиқ, – маъноли қараш қилди қиз. – Лагерга топширадиганимизнинг қаймоғини оламиз. Унинг бир литрини бир юз эллик сўмдан сотамиз, – қўшиб қўйди Жамила.

Мен уч коса сут олиб келишни сўраб, атай:

– Фақат ёғлиғидан олиб келинг. Қаймоғи олинганидан эмас, – дедим унинг жиғига

тегиш учун. Қизгина ҳазил аралаш сўзларимни жиддий қабул қилганидан, шошилиб:

– Йўғ-е, мен сизларга қаймоқли сут олиб келаман, – деди.

Кейин у уч косада сут олиб келди. Сутни бераётиб "уч юз сўм бўлади", – деди.

Жамила берган қаймоқли сут билан нонушта қилгач, юк халталаримизни елкага ташлаб, тоғ чўққисига қараб йўл олдик.

Биринчи чўққини муваффақият ила забт этдик. Аммо менинг оёғимни шиппак урди. Оёғим шилиниб, орқага қайтадиган бўлдим. Тўғрироғи, Жамила билан учрашгим, унинг ғайрат билан ишлашини кўргим келди. Қизнинг вужудидан ёғилиб турган соғломлик, юзларидаги анор каби қизиллик, унинг қоп-қора сочлари, тик қомати аллақачон мени ром қилиб олган эди. Мен ўз бахтимни шу Чимён тоғларида топдим, деб ўйлардим. Жамилани ҳар томонлама ўзимга таққослаб кўрдим. Гўзал тоғ қизи, меҳнаткаш. Эрталабдан тинмайди. Ҳамма ишни завқ, иштиёқ билан бажаради. Бир қиз шунча бўлар-да. Бир йигитнинг бахтли бўлиши учун шунинг ўзи етарли эмасми? Жамила кутилмаганда юрагимдан жой олган эди. Оёғимни шиппак ургани баҳона бўлди.

– Оғайнилар, мен бошқа юролмайман. Оёғим адо бўлди, – дедим инқиллаб.

– Йўқ. Бекор айтибсан, – зарда қилди Мираҳмад. – Биз билан борасан. Яна озроқ юрсанг ўтиб кетади.

– Жўражон, бошқа юролмайман. Ҳали ўтовгача бориб олсам ҳам катта гап. Орқага қайтай. Сизлар келгунларингча овқат тайёрлаб турaман.

Мираҳмадни амаллаб кўндирдим. Улар иккинчи чўққига йўл олишди, мен ортга қайтдим. Мақсадим Жамилани кўриш, у билан гаплашиб, юрагига қўл солиш эди.

Ўтовга қайтиб келганимда кун пешин бўлган эди. Ўтов олдидаги темир стол устига челак қўйилган. Челак ёнида косалар. Йўл четида бир нечта енгил автомашина турибди. Стол атрофида етти-саккиз киши. Жамила қўлида чўмич, челакдан косаларга қимиз қуйиб берарди.

– Ҳорманг, – дедим Жамилага. – Қимизингиз муздакми? Менга ҳам берасизми? Чанқаб ўлаёздим.

– Қимизнинг косаси уч юз сўмдан, – деди Жамила. – Бизнинг қимиз бу атрофдаги энг яхшиси. Шунинг учун ҳам ҳар куни шаҳардан мижозларимиз келиб олиб кетадилар.

– Қани, шу мақтаган қимизингиздан менга ҳам бир коса беринг-чи. Мен ҳам зора сизга доимий мижоз бўлиб қолсам.

Жамила косага қимиз қуйиб менга узатди:

– Ичиб кўринг. Пулига арзийди.

Қизнинг қўлидан қимизни олар эканман, унинг қоп-қора кўзларига суқланиб қарадим. У меники бўлишини жуда-жуда хоҳладим. Унинг овози, сўзлари борлиғимни эгаллаб олган эди.

Чанқаган эканман, косадаги қимизни бир симиришда ичдим. Муздек қимиз жуда ёқди, таним яйради. Стол атрофига қўйилган скамейкага ўтирдим. Жамиланинг ҳаракатларини кузата бошладим. Қимиз ичишга келганлар сийраклашиб қолишди. Бу орада Жамила ўтовдан яна икки-уч челак қимиз олиб чиқиб, сотиб тугатди. Сўнгра бидондаги сувдан қуйиб, челак ва косаларни обдан ювди. Жамила қўйинг деганига қарамасдан, сув қуйиб турдим. Косаларини тахлашиб, ўтовига киргизиб бердим. Мен нима қилиб бўлса-да, Жамилага яқин бўлишга, у билан суҳбатлашишга уринардим.

– Жамила, шаҳарга ўқишга боришни хоҳламайсизми? – деб сўрадим.

– Бормоқчи эдим. Ойим бу йил уй ишларига қараш, укаларинг сал катта бўлишсин. Келаси йил борарсан, деди. Кичкина укам ҳали бешикда. Ойимнинг ишига қарашувчи йўқ. Дадам кун бўйи йилқиларнинг кетидан юради. Йилқига кўз-қулоқ бўлиб турмаса бўлмайди.

– Келаси йил, албатта, ўқишга борасизми? – яна сўрадим мен.

Чунки мен Жамиланинг Тошкентга боришини хоҳлардим.

– Ҳаракат қиламан, – деди Жамила. – Савдо соҳасига қизиқаман. Дўконда ўтириб, савдо қилишни ёқтираман. Дадам эса: "Қизим, дўхтир бўлгин. Биздан ҳам дўхтир чиқсин", – дейди.

– Дадангиз тўғри айтади. Дўхтирлик яхши касб. Одамлар учун доимо керак бўласиз.

– Дўконда савдо қилиш яхши-да, пулинг кўп бўлади, – деди қиз кулиб.

Қиз билан тортишишни истамадим. Унга: "Бу гапингиз ҳам тўғри", – дедим. Бу орада Жамила товуқларга дон сочиб, сувини алмаштирди.

Жамила билан гаплашганим сари кўпроқ ёқар, унга меҳрим янада ортарди. Кечга бориб, Мираҳмад билан Элбек юк халталарини орқалаб қайтишди.

– Қани, овқат тайёрми? – сўради Мираҳмад.

Жамила билан гаплашиб, овқат тайёрлаш хаёлимдан кўтарилибди. Шунда Жамиланинг ўтовида тухум борлиги эсимга тушди.

– Ҳаммаси тахт, – деб юбордим. – Бугун шоҳона овқат еймиз. Аввал тоғ қимизидан ичамиз, кейин тухум ва тоғ қатиғи тановул қиламиз.

– Қани, қимизингни олиб кел. Чанқаб ўлаёздик, – деди Мираҳмад.

Мен Жамиладан уч коса қимиз сўрадим. У қимиз келтириб, "тўққиз юз сўм бўлади", – деди.

Мен Жамиладан тухум келтиришини сўрадим.

– Хўп, нечта керак? – деди Жамила ва қўшиб қўйди. – Бизда тухумнинг донаси юз сўмдан. Чунки уй тухуми-да.

– Майли, – қўл силтадим мен. – Ўнта қайнатиб беринг.

Жамила биз билан шундай ҳисоб-китоб қилди:

– Ҳар коса қимиз учун уч юз сўмдан, олти коса қимизга бир минг саккиз юз сўм ва ўнта тухум юз сўмдан минг сўм, жами икки минг саккиз юз сўм.

Мен қизғинанинг бунчалик тез ҳисоб-китоб қилишига завқланиб қараб турдим. Ҳақиқатдан ҳам савдони яхши кўрар экан.

Мираҳмад билан Элбек чарчаганлари учун тезда хуррак тортишди. Мен эса ухлолмадим, нуқул Жамилани ўйлайман. Қанийди у менинг қайлиғим бўлса. Ишдан келганимда, уйда кутиб олади. Ҳамма жой саранжом-саришта. Болаларни ювинтирган, тоза кийимлар кийдириб қўйган... Эшикдан киришим билан "Жуманазар ака, яхши келдингизми? Чарчамадингизми? Овқатни тайёрлаб, сизни кутиб ўтирибмиз. Болалар ҳам сизсиз овқатланишмаяпти", – дейди...

Шундай ширин хаёлларга берилиб, ухлаб қолибман. Эрталаб яна Мираҳмаднинг қичқириғидан уйғондим.

– Тур деяпман сенга! – у Элбекка бақирар эди. – Бугун нариги чўққини ҳам забт этишимиз шарт.

Сал ўтмай, дағдағани каминага қаратди:

– Эй дангаса, бугун охиригача борасан. Ярим йўлдан қайтмайсан.

– Жўражон, қўй мени. Оёғим жуда оғрияпти. Кеча ўтовга зўрға қайтиб келдим.

– Ўл бўлмаса, – зарда қилди Мираҳмад.

Ундан қутулганимга хурсанд бўлиб, кўрпага ўраниб олдим. Улар кетишгач, секин туриб, палаткадан чиқдим.

Жамила ўтов атрофини супурарди. Онаси кечагидек сигирларни соғиб қайтаяпти. Бузоқчалар оналарини эмишмоқда.

– Ҳидоят опа, бузоқларингизни боғлаб берайми? – қичқирдим мен.

– Йўғ-е, қўяверинг. Жамиланинг ўзи боғлайди, – эътироз қилди онаси.

Ҳидоят опанинг гапини эшитмаган бўлиб, бузоқчаларни ўтов олдидаги қозиққа боғладим. Кейин секин Жамиланинг олдига бордим. У тўпланган хашак ва хазонларни йиғиштираётган эди.

– Келинг, қарашиб юборай.

– Йўғ-е, қўйинг, овора бўлманг. Эгнингизни ифлос қиласиз. Анови ўлгур бузоқлар оналарини эмиб қўяди-да, – у хавотир олиб, сигирлар томонга қараб қўйди.

– Хавотир олманг, – дедим мен. – Бузоқларни боғлаб қўйдим.

Қиз хижолат чеккан каби жилмайди:

– Сиз нега овора бўлдингиз? Ўзим боғлар эдим-ку!

Хазонларни йиғиштиришда Жамилага ёрдам бердим. У билан биргаликда аравачада лагердаги артезиан қудуғидан бидонларни тўлдириб, сув келтирдик. Кейин товуқларнинг қўноғига кириб тухумларни йиғиб олдик. Мен тоғорани ушлаб турдим. Жамила тухумларни териб, санаб тоғорага солди.

– Эллик битта, – деди у. – Кеча элликта эди.

Тоғорани ўтовга олиб кириб, Жамиланинг онасига тутқаздим. Ҳидоят опа хурсанд бўлиб қолди.

– Жамиланинг ҳам бўйи етиб қолди. Қанийди сиздек куёвим бўлса. Ҳозирги йигитларнинг кўпи ичади, чекади. Сиз чекмас экансиз-а, – деди менга қараб.

Ҳидоят опанинг гапи бирам хуш ёқдики, гўёки, еттинчи осмонга чиқиб кетгандек бўлдим. Жамилани ўзимники бўлди, деб ўйладим. Гўёки мен шу хонадоннинг куёвиман.

Товуқларни қувлаб юрган болаларнинг орқасидан югуриб бориб, уларни икки қўлимга кўтариб олдим, юзларидан ўпдим. Чунки улар энди менинг ҳам укаларим-да. Кейин эса бирини қўйиб, бирини осмонга отиб ўйнатдим. Болалар хурсандликларидан қийқиришар, йиқилишдан қўрқиб, қўллари билан бўйнимга маҳкам чирмашиб олишар эди.

– Туширинг буларни, – деди Жамила. – Уст-бошингизни расво қилишди. Эгнингиздаги футболкангиз қимматбаҳо экан.

– Ҳечқиси йўқ, ювса кетади.

– Ювса эскириб қолади, оҳори кетади, – деди қиз.

Қуёш тепага кўтарилиб, кун қизий бошлади. Ўтовдан қимиз тўла челакларни олиб чиқиб темир стол устига қўйдик. Косаларни чиқариб бердим. Жамила уларни қайтадан ювиб, челак ёнига тахлади ва "ҚИМИЗ" деб ёзилган тахтачани стол четига ўрнатиб қўйди. Йўловчилар тўхтаб, қимиз ичишар, баъзилар идишларда олиб кетишар, одамлар кўпайса, Жамиланинг кайфияти кўтарилиб, чаққон ҳаракат қилиб қимиз қуйиб узатар ва улардан пулларни усталик билан санаб олиб, чўнтагига солиб қўярди. Шу орада йўл четига "Жигули" автомашинаси келиб тўхтади. Ундан чуст дўппи кийган кекса бир киши тушиб келди.

– Қимизинг муздакми, қизим? Неча сўмдан экан? – сўради у Жамиладан.

– Ҳа, муздек. Косаси уч юз сўмдан, – жавоб берди қиз.

– Менга бир коса қуйиб бер, барака топгур. Роса чанқадим.

Жамила тоза косалардан бирини олиб, қимиз қуйди-да, чолнинг олдига қўйди. Чол чўнтагини кавлади. Пулини олиб санади. Ён чўнтакларини кавлаб кўрди. Ҳеч нима чиқмади чоғи, Жамилага:

– Қизим, чўнтагимда икки юз сўм қолибди. Атиги юз сўм етмаяпти. Яна ўтганимда ташлаб кетарман, – деди.

Жамила чолнинг қўлидаги пулни олиб, санаб, чўнтагига солди. Кейин косани қўлига олиб, бир чўмич қимизни қайтариб челакка қуйди-да, чолга косани қайтарди:

– Ота, бир коса қимиз уч юз сўм. Косага уч чўмич қимиз кетади. Шунинг учун бир чўмичини олиб қолдим. Биз насияга ҳеч нарса бермаймиз.

Чол ҳеч нима демади. Қимизни ичди-да, косани қўйиб, машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Чол жўнади-ю, менинг юрагимдаги нафис туйғуларим ҳам учиб кетди. Бўшашиб қолдим. Жажжи болалар. Уларнинг онаси. Ҳаммаси ширин, лекин хом хаёллар. Улар бирдан совун пуфагидек ёрилиб кетди...

Кечки поездга ўтириб Тошкентга қайтдик. Қош қорайган. Оқшом руҳи кайфиятимга урган, вужудимни оғир тош босгандек эди.

– Нимага бунча хомушсан? – сўради Мираҳмад. – Сенга сафар ёқмадими ёки оёғинг оғрияптими?

– Юрагим оғрияпти, – жавоб қилдим мен.

Мираҳмад елкасини қисди:

– Ҳа, юрагинг тузалса, яна келармиз. Шунчаям нозик бўладими киши?

Вагон деразасидан узоқлашаётган тоғ чўққиларига тикилдим. У ерда ниманидир йўқотгандек, қиммат бир нарсамни туширib қолдиргандек эдим.



Иброҳим Юсупов
1929 - 2008

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири

Тўлепберган Қаипбергенов
1929 - 2010

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

85

Хр 10860

Дилором Мамедова. Тоғ сўқмоғи